

ТАБАРРУК РИСОЛАЛАР

Адолат-2004

Ҳожа
Убайдуллоҳ Аҳрор
ҳазратларининг

600 йиллик
тўйларига
армуғон



Хожа Аҳрор Валий ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз ажодларимизни бошимизга кўтаришга тайёرمىз.

Ислом КАРИМОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**Масъул муҳаррир — тарих фанлари доктори
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Махсус муҳаррир — Баҳриддин УМРЗОҚ**

Қўлингиздаги «Табаррук рисоалар» тўпламида Марказий Осиё маданияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк мутасаввиф Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490) қаламига мансуб бўлган «Рисолаи Волидийя», «Рисолаи Ҳавроийя», «Фиқрот ул-орифийн» ҳамда «Анфоси нафийса» каби рисоалар ўзбек тилига биринчи марта таржима қилиб берилмоқда. Бундан ташқари, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақида ёзилган «Масмуёт», «Силсилат ул-орифийн», «Рашаҳот», «Насабнома» каби тазкира, маноқиб ва мақомотлардан ҳам намуналар киритилган. Ушбу тўплам Хожа Аҳрорнинг 600 йиллик тўйига тўхфа сифатида нашр этилмоқда.

Китоб Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёти ҳамда тасаввуф тарихи билан қизиқувчан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Нашрга тайёрловчи, таржимон,
сўз боши ва изоҳ муаллифлари —
Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Баҳриддин УМРЗОҚ,
Ҳамидуллоҳ АМИН**

© М.ҲАСАНИЙ, Б.УМРЗОҚ, Ҳ.АМИН, 2004

ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР

Ўтмишда Мовароуннаҳр деб аталган она заминимизда минглаб одамлар етишиб чиқиб, фаннинг турли соҳаларида қалам тебратганлар ва ўзларидан асарлар ёдгор қолдирганлар. Уларнинг ичида диний ва дунёвий ҳамда аниқ фанлар билан шуғулланганлари ҳам бўлган. Айниқса, юртимизда тасаввуф илми ҳам ривож топган бўлиб, Суҳравардийя, Хожাগон, Нақшбандийя тариқатлари кенг ривож топди. Баҳоуддин Нақшбанд сиймосидаги нақшбандийя таълимоти кенг ривож топди. Баҳоуддин Нақшбанд сиймосидаги нақшбандийя таълимоти кенг тарқалди. Бу тариқат йўлидан юрган ва уни ривожлантиришга ҳисса қўшган тасаввуф намояндалари фаолият кўрсатдилар. Шулардан бири Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор эди.

Хожа Аҳрор 1404 йил Тошкентда туғилди. Дастлабки маълумотни шу ерда олди. Унинг отаси Хожа Маҳмуд ўз даврининг улуғ муаллимларидан бўлиб, тариқат йўлини ихтиёр қилган муҳтарам зот эди¹. Хожа Аҳрорда ёшлигидан тариқатга меҳр уйғонади. Ундаги бу туғма табиат бобоси Шайх Шаҳобуддиндан, ундан ҳам юқори кўтарилса, Шайх Умар Боғистоний ва унинг ўғли Шайх Хованди Тахурдан ўтган эди.

Хожа Аҳрор 20 ёшдан ўтганда тоғаси Хожа Иброҳим уни Самарқандга ўқишга олиб борди. Бироқ у мадрасада таҳсил ололмайди. Кўз оғриғи унинг ўқишига тўсқинлик қилади. Натижада ўқишни ташлаб, Бухорога жўнайди. Бу ерда Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаларидан бири Хожа Алоуддин Гиждувонийнинг суҳбатида бўлади. Самарқандлик машҳур Шайх Мавлоно Низомуддин Хомуш билан суҳбатлар қуради. Тасаввуфга нисбатан бўлган қизиқиш уни Ҳиротга етаклайди. 1428-1431 йиллар ичида у Ҳиротда Баҳоуддин Умар ҳамда Шайх Зайниддин Хавофийлар суҳбатида бўлади.²

¹ Али Сафий. Рашаҳот. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003, 296-б.

² Рашаҳот, 323-б

Хожа Аҳрор Ҳиротда ўзининг асл муддаосига етолмайди. Чағониёнга қарашли Ҳалғату (ҳозирги Душанбе)да Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаларидан бири Мавлоно Яъқуб Чархий (вафоти 1447 й.)³ яшаётгани ҳақида хабар топади. Хожа Аҳрор бу ерга келиб, Чархийнинг илмига тан беради ва бу зотнинг муридига айланади. Чархий Хожа Аҳрордаги истъёодни кўриб, одамларни тарбиялаши учун оқ фотиҳа беради. 1431-1432 йилларда Хожа Аҳрор Тошкент келиб, толибларни ҳақ йўлга даъват қилиш билан шугулланди, айна пайтда зироатчилик ишлари билан ҳам машғул бўлади.

1451 йилда темурий шаҳзодалардан бири Абу Саъид Мирзо Тошкентга келади. Хожа Аҳрори Валий билан учрашиб, унинг садоқатли мухлисларидан бирига айланади. Хожа Аҳрор Абу Саъид Мирзога Мирзо Абдуллоҳ билан бўлган жангда ёрдам беради.⁴ Шундай қилиб, Абу Саъид Мирзонинг таклифи билан Хожа Аҳрор Самарқандга кўчиб келиб, Хожа Кашфир маҳалласида яшай бошлади.

Хожа Аҳрор Самарқандда нақшбандийа тариқатининг йирик вакили сифатида шуҳрат қозонади. Темурий шаҳзодалар унинг мухлисига айланадилар. Хожа Аҳрор Валий урушларнинг олдини олиш ва мусулмонларнинг тинчлигини муҳофаза қилишга астойдил киришади. У ҳар доим, Аллоҳ таъоло мени подшолар ишига аралашиб, халқ осойишталигини таъмин қилишга буюрган, агар мен мурид овлайдиган бўлсам, бошқаларга мурид қолмас эди, деб такрорлар эди. Ҳақиқатан ҳам, у бир неча қонли жангларнинг олдини олиб қолгани тарихий манбалардан маълум. Масалан, 1458 йили учга подшо – Султон Аҳмад Мирзо, Умаршайх Мирзо ва Султон Маҳмуд катта жанг учун Шохрухияда қарор топадилар. Бу жанг Хожа Аҳрорнинг олиб борган нозик сиёсати ва тасарруф қуввати билан амалга ошмайди ва ўртада тинчлик сулҳи тузилади.⁵ Мирзо Бобур ибн Бойсунқурнинг 100 минг лашкар билан Самарқандга қилган юриши ҳам Хожа Аҳрори Валийнинг талбиркорлиги оқибатида оқибат Мирзо Бобурнинг мағлубияти билан тугайди.

³ Ўша асар, 326-б.

⁴ Ўша асар, 394-б.

⁵ Ўша асар, 396-б.

Хожа Аҳрор Валий йирик ер-сув ва молу-мулк эгаси эди. «Рашаҳот»да «Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг гино (бойлик) ва тамавул (давлат)ларнинг камолга етконининг зикрида» деган махсус фасл бўлиб, бу фаслда Али Сафий бундай ёзади: «Махфий қолмасинки, Ҳазрати Эшоннинг молу-мулклари, ер-сувлари, ғаллалари, подалари, ходиму хизматкорлари, асбоб-анжомлари ҳаддан кўп, ҳисоб ва санокдан ташқари эди». Олимларнинг ёзишича, Хожа Аҳрорнинг Қаршида 150 минг таноб, яъни 28 минг гектар ери, Самарқандда 200 минг таноб, яъни 35 минг гектар ери бўлган.⁶

Хожа Аҳрор шу даражада катта бойликка эга бўлса-да бироқ бу бойлик асло уни қизиқтирмаган. У топилган барча бойлигини халққа сарфлаган. Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисига 250 минг динор ҳажмида солиқ солганда бу маблағни Хожа Аҳрор ўз молидан тўлаб юборган ва қўшимча яна 70 минг динорни солиқ тўловчиларга бериб юборган.⁷ Деҳқонлар бу зотнинг ғалла омборидан қанча кўп дон берилса ҳам, асло камаймаганини сезганлар ва бу ҳақда Хожа Аҳрордан сўраганларида, «Бизнинг молимиз фуқаро учун турур, бундай молга хосият шу турур» деб жавоб берган.⁸ Ҳақиқатан ҳам, Хожа Аҳрорнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, ҳатто, Кобулда ҳам қурган мадрасалари, ҳаммом, кўприк ва бошқа иншоотлари кўп эди.

Хожа Аҳрор халққа хизмат қилишни улугъ фазилат деб билган. «Рашаҳот»да Хожа Аҳрорнинг каттаю-кичикка кўрсатган хизмат ва шафқатлари ҳақида алоҳида фасл берилган. Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Аҳрор ёшлигидан то умрининг охиригача дўстга ҳам, бегонага ҳам хизмат ва шафқат кўрсатишга ҳарис бўлган. «Маҳофил ва мажолис (йигин ва ўтириш)ларда хизмат этмоқда ҳамма кишига сабақат кўргузур (яъни, ҳаммадан ўзиб кетар) эдилар».⁹ Хожа

⁶ З.Қутибоев. Хожа Аҳрор Валий. Тошкент. «ФАН» нашриёти, 1996 й., 17-б.

⁷ А.Ўринбоев. Хожа Аҳрор. «Буюк сиймолар, алломалар» тўплами. «Мерос» нашриёти, 1996 й., 52-б.

⁸ Рашаҳот, 308-б.

⁹ Ўша асар, 310-б.

Аҳрорнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Ҳар кишини бир эшикдан келтирибдурлар, мани хизматнинг эшигидан келтириб турурлар, бу жиҳатдан турурким, хизмат манинг марзом (розилигим), мухтор (ихтиёр қилганим) ва маҳбубам (яқши кўрганим) турур».¹⁰

«Рашаҳот»да ёзилишича, Хожа Аҳрор Валий муридларига қарата: «Бозорларга боринглар, одамларнинг оғирини энгил қилинглар» деб буюрар экан.

Хожа Аҳрор Валий ўз давридаги султонлар, подшолар ва ҳокимларга тинимсиз мактублар йўллаб турган. Бу мактубларнинг ҳар бирида халқ аҳволини яхшилаш, золимларга жазо бериш, муҳтожларнинг ҳолатини чиқариш масалалари кўтарилган. Хожа Аҳрорнинг бу мактублари Алишер Навоий томонидан тузилган «Мажмуайи муросалот» («Мактублар мажмуаси»)да дастхат (автограф) ҳолида сақланган. Яқинда бу мактубларнинг инглиз тилига таржимаси босмадан чиқди. Бу инглизча таржима шарқшунос олим А.Ўринбоевнинг рус тилига қилган таржимаси асосида амалга оширилди.

Мазкур мактублардан бири Алишер Навоийга йўлланган бўлиб, унда Навоийнинг вазирлик мансабидан кетмаслиги илтимос қилинади. Хожа Аҳрор, жумладан ёзади: «Эшитишимизча, баъзи воқеалар ва ҳодисалар сабабли онҳазрат (Ҳусайн Бойқаро)нинг мулозаматида бўлишдан сиз жаноблари малоллик чекаётган эмишсиз. Илтимос шуки, мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун хотири шарифингизни саройда мулозамат қилиш учун қаратсангиз... Умидимиз шуки, бирон фақирнинг хотири бирон-бир қийинчиликлардан нажот топиб, унинг кўнгли хурсандчиликка етиши эвазига дилингида шундай равнақлик ҳосил бўлсаки, дунёвий паришонликка қарамай, Ҳақ таъолога етишиш завқи ошиб борса. Ҳеч ким мусулмонларнинг ғамини емай қўйган бу вақтда улар ҳақида қайғуриш энг хайрли ишлардан кўринади».¹¹

¹⁰ Ўша асар, 311-б.

¹¹ А.Ўринбоев, М.Ҳасанов. Навоий замондошлари мактубларида. Тошкент «ФАН», 1990, 21-б.

Табаррук рисолалар

Хожа Аҳрор бу мактуб билан чегараланиб қолмай, бошқа бир хатни Абдураҳмон Жомийга йўллайди. Унда, жумладан, шундай дейди: «Сиз жанобларидан илтимос шуки, гоҳо ўзингизни мавлоно Алишер жанобларининг мулозаматларига етқуриб, бу фақирни уларнинг хотири шарифларига солиб, илтимос қилингики, холисанлиллоҳ ҳеч қандай дағдага ва фикрга берилмай, ҳазрати салтанат шиор (Ҳусайн Мирзо) қошларида нима қилиш керак бўлса, қилаберсалар, чунки мусулмонларга яхши бўладиган ишлар билан фойда етказиш, ҳақиқатда, уларнинг икки дунёси учун яхшидир».¹²

Хожа Аҳрор халқ осойишталиги учун Навоийни мансабда туришга ундаб, ҳар томонлама далда бериб турган. Мактубларидан бирида, жумладан, Навоийга қарата: «Сиз билан мулоқот шарафига муяссар бўлиш орзуси бу фақирда жуда бисёрдир, билмайманки, бу саодат қандай муяссар бўлар экан», деб ёзган.¹³

Хожа Аҳрор халққа нисбатан ўта меҳрибон бўлиш билан бирга ён-атрофдагиларга ҳам раҳм ва шафқатли бўлган. «Рашаҳот»да унинг оммаи халойиққа кўрсатган ҳурмат ва эҳтироми, дўстларига нисбатан садоқатлари, ўзининг юксак одоб-ахлоққа эга эканлиги ҳақида ҳақида қатор фасллар берилган.

Абдураҳмон Жомий «Ҳафт авранг» ва Навоий «Хамса»си китобларида Хожа Аҳрор Валий васфига алоҳида боблар ажратиб, Ҳазрати Эшоннинг тавсифларини келтирганлар.

Хожа Аҳрор қариндош-уруғ ва аҳли оиласига нисбатан ҳам раҳм-шафқат ва меҳрибонлик кўрсатган. Хожа Аҳрорнинг катта ўғли Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ бўлиб, у Хожа Калон ва Хожагон Хожа лақаблари билан машҳур бўлган. У зоҳирий ва ботиний илмларда кенг билим эгаси бўлган. Хожа Аҳрор бу ўлига катта ҳурмат билан қараган. Хожа Аҳрорнинг иккинчи ўғли Хожа Муҳаммад Яҳё бўлиб, Али Сафийнинг ёзишича, «Ҳазратга бағоят мақбул ва маҳбул

¹² Ўша асар, ўша бет.

¹³ Ўша асар, 20-б.

эрди».¹⁴ Муҳаммад Яҳё ҳам, Жомийнинг сўзича, юксак камолот эгаси бўлиб, тариқатда «муносабати тамомлари бор эди». Муҳаммад Яҳё кейинчалик Шайбонийхон одамлари томонидан қатл этилган.

Хожа Аҳрори Валий 1490 йилда вафот этган. Муборак қабри Самарқанддадир. Ул зотнинг касалга чалиниши ва вафот этиши «Рашаҳот» китобида тўлиқ баён қилинган.¹⁵

ХОЖА АҲРОР ҚАЛАМИГА **МАНСУБ АСАРЛАР**

Ўтмишда мавжуд бўлган барча тариқатнинг асосчилари жумладан, Сухравардийя, Чиштиийа, Қодирийя, Қодирийя, Ясавийя, Нақшбандийя тариқатларининг раҳнамолари ёки шу тариқатларнинг йирик намояндлари ўзларидан асарлар ёзиб қолдирганлар. Хожа Аҳрори Валий ҳам нақшбандийя тариқатининг ривожига улкан ҳисса қўшган зотлардан бири бўлиб, у оғзаки тарғиботгина олиб бормай, балки рисодалар ҳам ижод қилган. Ул зотнинг «Табаррук рисодалар»га киритилган қуйидаги тўртта рисоласи ҳақида қисқача фикр юритамиз.

1.РИСОЛАИ ВОЛИДИЙЯ («ОТАГА **АТАЛГАН РИСОЛА»)**

Бу рисола Хожа Аҳрори Валийнинг отаси Хожа Маҳмуднинг илтимосига биноан ёзилган. Маълумки, Хожа Маҳмуд ўз замонасининг билимдон кишиларидан бири бўлган. У ўз умрини тақво, риёзат ва ҳалоллик билан ўтказган. Ўзи тариқат йўлида бўлган.¹⁶ Хожа Маҳмуд ўз ўғли Хожа Аҳрорнинг камолотга етганини кўргач, тариқатнинг нозик томонларини очиб берадиган бир рисола ёзиб беришни илтимос қилади. Бу ҳақда Хожа Аҳрорнинг ўзи шундай ёзади:

¹⁴ Рашаҳот, 436-б.

¹⁵ Ўша асар, 486-б.

¹⁶ Рашаҳот, 296-б.

«... бу мухтасар рисоланнинг ёзилиш сабаби шуки, бу фақирнинг отаси, менга бўлган ишончи туфайли, бу фақирга амр қилиб: «Бизга авлиёларнинг сўзларидан бир нарсa ёзиб бергинки, унга амал қилиш ва далиллар билан ҳосил бўлмайдиган улуғ мақоматларга етишиш ва ҳақиқий илмларни ҳосил қилишга сабаб бўлсин»... Бу фақир бу амрга бўйсуннишни ўзига вожиб деб билади».

Бу рисоланнинг тўртта қўлёзма нусхаси ҳозирда ЎЗР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур бу рисолани ўзбек тилига шеърий таржима қилган. Бу таржима кейинги йилларда Тошкентда икки марта нашр этилган.

2.РИСОЛАИ ҲАВРОИЙА **(«ҲУРЛАР ҲАҚИДА РИСОЛА»)**

Бу рисола Хожа Аҳрор томонидан Шайх Шаҳобуддин Сухравдийнинг халифаси Шайх Абу Саъид Абул Хайрнинг (ваф. 1048 й.) бир рубойисига ёзилган шарҳдир.¹⁷ Бу рубойга Хожа Аҳрордан аввал ҳам шарҳлар ёзилган. Бироқ бу шарҳлар Хожа Аҳрорни қониқтирмагани учун у ҳам рубойга шарҳ ёзишга қарор қилган. Рубой куйидагича:

*Ҳавро ба назораи нигорам саф зад,
Ризвон зи таажжуб кафи худ бар каф зад.
Он холи сийаҳ барон рухон мутраф зад,
Абдол зи бийм чанг дар Мусҳаф зад.*

Хожа Аҳрор бу рубойни тасаввуф тили ва кашф йўли билан мукамал шарҳлаб берган.

Рисоланинг муаллиф даврида кўчирилган 507 рақамли нусхаси ЎЗР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

¹⁷ Собрание восточных рукописей АН РУз, т.3, 1955, № 2112

3. ФИКРОТ УЛ-ОРИФИЙН («МАЪРИФАТ АҲЛИНИНГ СЎЗЛАРИДАН ПАРЧАЛАР»)

Бу рисола Хожа Аҳроп Валийнинг бошқа рисолаларига нисбатан ҳажм жиҳатидан каттароқ ва тариқат масалаларини кўпроқ қамраб олиши билан муҳимроқдир. Рисола кўплаб «фикра» (банд ёки фасл)лардан иборат бўлиб, ҳар бир фикрада тасаввуфга оид бирорта масала тушунтирилади. Айниқса, унда «зикри дил»га алоҳида ўрин берилган. Бундан ташқари, Хожагон тариқати, Баҳоуддин Нақшбанднинг йўл-йўриқлари, Нақшбандийа тариқатида амал қилиниши зарур бўлган 11 та қоидага кенг шарҳ берилган.

ЎЗР ФА ШИ фондидаги 507 рақамли қўлёзмада асарнинг муаллиф ҳаёт пайтида кўчирилган нусхаси сақланмоқда.

4.АНФОСИ НАФИЙСА («НОЗИК ФИКРЛАР»)

Бу рисолага ҳам тариқат йўлидаги кишиларнинг амал қилиши зарур бўлган масалаларининг баёнига бағишланган. Унда муриднинг покланиши, нафл ибодатларини қай тариқа амалга ошириши, ўқиладиган дуолар батафсил ёритилган. Бу рисола Ҳиндистонда бошқа мутасаввифларнинг асарлари билан бирга нашр этилган.¹⁸ Рисоланинг битта нусхаси ЎзР ФА ИШ фондида сақланмоқда.

ХОЖА АҲРОП ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН АСАРЛАР

Хожа Убайдуллоҳ Аҳроп ҳақида ўтмишда ёзилган тазкира, маноқиб ва мақомот деб аталадиган барча китоблардан, XV асрдаги Мовароуннаҳр темурийлар даври ҳақида тарихий маълумотлар топиш мумкин. Аммо Хожа Аҳропнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ва муқаммал ёзилган асарлар ҳам мавжудки, улар Хожа Аҳроп Валий

¹⁸ Хожа Убайдуллоҳ Аҳроп. Рисолайи анфоси нафиса. Лакнав, 1871 й., 2-б.

Табаррук рисоалар

ва у яшаган даврдаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёт ҳақида маълумот берувчи қимматли манбалар ҳисобланади.

«Табаррук рисоалар»га киритилган шундай асарлардан айримлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамыз.

1. МАСМУЪОТ

«Масмуъот» («Эшитилган нарсалар») китоби Мир Абдул Аввал Нишопурийнинг қаламига мансуб. Мир Абдул Аввал нишопурлик бўлиб, кейинчалик Хожа Аҳрор ҳузурига қўл бериш учун келади. Бироқ у Хожа Аҳрор ҳузурига етти йилгача киролмайди. Етти йилдан сўнг Хожа Аҳрор уни муридликка қабул қилади ва унинг энг яқинларидан бирига айланади. Кейинчалик эса Хожа Аҳрорга куёв бўлади. Улардан Амири Калон, Амири Миёна ва Амири Хурд номли ўғиллар ҳамда иккита қиз дунёга келади.¹⁹

Мир Абдул Аввал Хожа Аҳрор ҳамда ўзининг номидан замона ҳокимларига мактублар йўллаб турган. Унинг Навоийга юборган мактублари Навоий бунёд қилган «Муросалот» китобида сақланиб қолган. Уларнинг жами 16 тадир.²⁰ Али Сафий «Рашаҳот»да Мир Абдул Аввал учун алоҳида фасл ажратган бўлиб, унда Мир Абдул Аввалнинг ҳаёти ва фаолияти тўлиқ баён қилинган.²¹ Мир Абдул Аввал Хожа Аҳрор билан бирга бўлган вақтларида нимаики кўрса ёки эшитса, барчасини жамлаб, «Масмуъот» номли китоб ёзади. Бу асарнинг ҳозирча ягона нусхаси ЎзР ФА ШИ фондида 3735/II рақами билан сақланмоқда. Мазкур асар Марказий Осиё маданияти тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб, унда мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётига доир маълумотларни топиш мумкин.

Мир Абдул Аввал 1499 йили Самарқандда вафот этган.

¹⁹ А. Ўринбоев, М. Ҳасанов. Навоий замондошлари мактубларида. Т., ФАН, 1990, 30-б.

²⁰ Ўша асар, 31-б.

²¹ Рашаҳот, 451-б.

2. СИЛСИЛАТ УЛ-ОРИФИЙН

Бу асарнинг тўлиқ номи «Силсилат ул-орифийн ва тазкират ул-сиддиқийн» («Орифлар силсиласи ва сиддиқлар ёдномаси»)дир. Унинг муаллифи Муҳаммад ибн Бурҳонуддин ибн Хожа Муҳаммад Ризо бўлиб, бу зот Муҳаммад Қози номи билан машҳур бўлган. «Рашаҳот»да ёзилишича, у 1488 йилда Хожа Аҳрор Валийга учрашди ва ўн икки йил у билан бирга бўлади.²²

Муҳаммад ал-Қози Хожа Аҳрор билан ўтказган ўн икки йил давомида кўрган кечирганлари ҳақида китоб ёзиб, уни юқоридаги ном билан атаган. Асарнинг 5 дан ортиқ нусхаси ЎЗР ФА ШИ фондида сақланмоқда. Унинг XV асрда кўчирилган қадимий нусхаси 11413 рақами остида сақланмоқда.²³

«Силсилат ул-орифийн» ҳақида «Рашаҳот»нинг муаллифи Али Сафий: «... ул Ҳазрат (Хожа Аҳрор)нинг маноқиблари, шамойилу хасойис ва фазойилларида китобе тасниф этибдурлар, «Силсилат ул-орифийн ва тазкират ус-сиддиқийн» билан мусаммодир» деб хабар беради.²⁴ Бундай асарнинг ёзилишига Хожа Аҳрорнинг ўзи рухсат берган. Чунки Хожа Аҳрор Валий Шоҳрухияда Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмад Мирзо ва Умаршайх Мирзолар ўрғасида юз бериши мумкин бўлган даҳшатли урушнинг олдини олиб қолгандан сўнг, Муҳаммад Қозига қараб: «Бизнинг бу ишларимизга не дерсан? Бу воқеани дафтарга ёзса бўлур!» дейди.

«Силсилат ул-орифийн» 1510 йилда ёзиб тугалланган бўлиб, унда Хожа Аҳрорнинг фаолияти тўлиқ ўз ифодасини топган. Мазкур асар ҳам Марказий Осиё тарихини ўрганишда муҳим манбадир.

3. РАШАҲОТ АЙН АЛ-ҲАЁТ

«Рашаҳоту айнил-ҳаёт» («Обихаёт томчилари») Фаҳруддин Али Сафийнинг (1463-1533) қаламига мансуб. Али Сафий ҳиротлик Хусайн ал-Воиз ал-Кошифийнинг ўғли бўлиб, Воиз Коши-

²² Ўша асар, 467-б.

²³ Нақшбандийна тариқатига оид қўлёзмалар фихрист, 40-б.

²⁴ Рашаҳот, 467-б.

фий Абдурахмон Жомий, Навоий, Хусайн Бойқароларнинг яқин кишиси бўлган. Навоий у ҳақда, унинг шуғулланган фанини санагандан кўра шуғулланмаганини санаш осон, деган эди.

Али Сафий мадраса илмларини эгаллаб бўлгач, тасаввуфга қизиқади. Отасидан рухсат олиб, Жомийнинг йўлланма хати билан Хожа Аҳрори Валий ҳузурига келади. У иккинчи марта келганида Хожа Аҳрори Валийдан у ҳақда китоб ёзишга рухсат олади. Бироқ у бу китобни 1503 йилдагина ёзиб тугаллашга муваффақ бўлади.

«Рашаҳот» муқаддима, уч мақсад (боб) ва хотимадан иборат. Унда Хожа Аҳрорнинг туғилишидан то вафотигача бўлган воқеалар ўз ифодасини топган. Бу воқеаларнинг кўпини Али Сафий ўз кўзи билан кўрган, бошқаларини эса кўрган одамларнинг оғизларидан ёзиб олган. «Рашаҳот» эски ўзбек тилига (XIX аср) ҳамда араб тилига таржима қилинган. Унинг 60 дан ортиқ қўлёзма нусхалари ЎЗР ФА ШИ фондида сақланмоқда. Ҳиндистонда бир неча марта нашр қилинган. 2003 йили Тошкентда ҳам нашр қилинди.²⁵

Али Сафий бошқа мақомот ва маноқиблардан фарқли ўлароқ «Рашаҳот»да Хожа Аҳрор Валий тилга олган бурча олимлар ва шайхларининг ҳам таржимаи ҳолларини ва қудсий калималаридан олинган парчаларни келтиради. Асар Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардан сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манбадир.

4. НАСАБНОМАИ ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР

«Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор» («Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор насабномаси») Абдулҳай ибн Абдулфатҳ ал-Хусайний қаламига мансуб. Мазкур асарнинг бир нусхаси ЎЗР ФА ШИ фондида 526/1 рақами остида сақланмоқда. У 1153/1740 йилда кўчирилган бўлиб, 69 варақдан иборат.²⁶

²⁵ Али Сафий. Рашаҳот. Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.

²⁶ Нақшбандийа тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. ¹ 1-б.

«Насабнома»да Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ажодлари ва авлодлари ҳақида муқаммал маълумот берилган бўлиб, бу асар ҳам ўтмиш маданиятимизни ўрганишда қимматли манбадир.

5. МАҚОМОТИ ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР

Маълумки, маноқиб ва мақомот асарлари кимга бағишлаб ёзилган бўлса ўша зот ҳаётидаги кашфу кароматлар, ақл бовар қилмас ажойиботлар, қудсий ва тасарруфий қувват билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар қаламга олинади. Бу асарда ҳам Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг мухлислари тилидан айнан нақл қилинган ҳикояларда Ҳазрати Эшоннинг кўп ажойиб ишлари баён қилинган. «Мақомот»да энг кўп ургу берилган жиҳат, ўз замонасида подшолару ҳокимлардан кимки Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор сўзларини тингламаган, ўз билганидан қолмаган бўлса, оқибат ё шармандаи шармисор бир вазиятда мағлуб бўлганлари ва ё хор бўлиб ўлиб кетганлари батафсил баён қилинган. «Бундай ҳолатлар бизнинг Ҳазрати Эшонга ақидамизнинг янада зиёда бўлишига сабаб бўларди», деб такрор-такрор ёзилганлигидан ҳам бўлса бўладики, бу воқеа-ҳодисалар оддий халқ табақасининг кўз ўнгида содир бўлган.

Ўз ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида «Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор»нинг бир нечта қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Буларнинг барчаси форс тилида ёзилган.

«ТАБАРРУК РИСОДАЛАР»НИНГ БУНЁДИ ҲАҚИДА

Бу йил Хожа Убайдуллоҳнинг 600 йиллик тўйлари. Бу тўйга ҳар ким қўлидан келганича тухфа билан боради. Бу санага атаб Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида илмий анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Ҳазрат ҳақида рисодалар, илмий мақолалар ёзилмоқда. Шундай илмий анжуманлардан бири ЎзР ФА Шарқшунослик институтида бўлиб ўтди. Унда нафақат институт олимлари, балки бошқа илмий муассасалардан ҳам илмий ходимлар, олимлар қатнашдилар.

Табаррук рисоалар

Ўтган 2003 йилда Али Сафийнинг Хожа Аҳрори Валий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Обиҳаёт томчилари») китоби нашр этилди. Бу асар ҳам Ҳазратнинг 600 йиллик тўйига муносиб туҳфа сифатида нашр этилди. Бу асарнинг нашрига Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти совриндори Омон Матчон бош-қош бўлди. Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти совриндори Шерали Жўраев эса ўз маблағи билан ҳомийлик қилди. «Рашаҳот» кам нусхада нашр этилгани учун кўпчилик унга эга бўлолмай қолди. Истақларни инобатга олган ҳолда унинг тўлдирилган ва тузатилган иккинчи наشري тайёрланди ва шу йил босмадан чиқди. Бу ҳам мазкур тўйга муносиб туҳфадир.


Хожа Аҳрор юбилеи муносабати билан унинг ижоди ва фаолиятига қизиқиш кучайди. Унинг қаламига мансуб бўлган асарларни таржима қилиш ҳамда у ҳақда ёзилган китоблар билан илмий жамоатчиликни таништириш эҳтиёжи туғилди. Илтимосларга мувофиқ Хожа Аҳрорнинг тўртта рисоласи ўзбек тилига таржима қилинди. Хожа Аҳрор ҳақида ёзилган асарлардан олинган намуналарнинг таржимаси ҳам амалга оширилди. Натижада бугун қўлингизда турган «Табаррук рисоалар» дунёга келди. Унга яна Хожа Аҳрори Валий тириклик пайтида кўчирилган қўлёзмадан фотонусха ҳам илова қилинди.

«Табаррук рисоалар» тайёр бўлгач, ҳофиз Шерали Жўраев у билан танишиб чиқиб, унинг нашрига ҳомийлик қилиш учун бажонидил хоҳиш билдирди. Бунинг учун биз Ш.Жўраевга ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз. Ўйлаймизки, «Табаррук рисоалар» Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг 600 йиллик тўйларига муносиб туҳфа бўлади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,

Баҳриддин УМРЗОҚ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академи-
яси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшу-
нослик институтининг илмий ходимлари.



I

БЎЛИМ

- 1. Рисолаи ҳавроийа*
- 2. Рисолаи волидийа*
- 3. Рисолаи Анфоси Нафийса*
- 4. Фикроти Ахрорийа*

1. Рисолаи ҳавроийа

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим

Ҳукм ва неъматлар ато қилувчи, толибларни мақсадларига етказувчи Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Мартабалар қўргони ва олий ҳиммат билан зийнатланган Унинг ҳабибига саловотлар бўлсин. Жами мақсад ва улуғликларда ул зотга тобеъ бўлган итоат қилувчиларга файзлар бўлсин.

Аммо баъд: Билгинки, бу фақир Қутбул-авлиё Абу Саид Абул Хайр (қаддасаллоху руҳаҳу)нинг бир рубоийси маъноларини билишга ниҳоятда ҳарисманд эди. Рубоий ушбур:

*Ҳуро баназораи нигорам саф зад,
Ризвон з-таажжуб кафи худ бар каф зад,
Он холи сияҳ барон рухон мутраф зад,
Абдол з-бийм чанг дар Мусҳаф зад.*

(Мазмуни:

*Ҳурлар нигоримга қараб саф торттилар,
Ризвон таажжубдан кафтини кафтига урди.
Ўшал қора хол руҳларга хурсанд бўлди,
Абдол қўрқинчдан Мусҳафга чанг солди.)*

Бу фақир у зотнинг муқаддас руҳидан мадад тилар экан, аммо тафаккурдан чалғитадиган машғулотлар сабабидан унинг маъноларини кашф қилишдан бенасиб эди. Бир вақт эшитилдики, амирул-умаро амир Жалюлиддин Боязид (Аллоҳ унинг тавфиқини мусулмонлар учун зиёда айласин) баъзи азиз зотлардан ушбу рубоий маъноси ҳақиқатини сўраган эдилар. Улар бунинг маъноларини баъзи муҳаққиқ зотларнинг ёзганларидан айтиб берган эканлар. Агарчи ўшал маънолар шарофатлик бўлсаям, лекин бу фақирнинг чанқоғини бу рубоий маънолари зилол сувларидан бу миқдорда таскин топтиролмади, зероки ўз ҳалдида тўғри бўлсаям, бемор бошида бундай маънода ўқиш бу фақир фаҳми нуқтаи назаридан қараганда жуда узоқлик қилади. Ногоҳ «Ким эшикни

Табаррук рисоалар

ногоҳ тақиллатаверса, шаксиз, эшик унга очилади» сўзининг тақозосига кўра ҳақиқий Ҳазрати Файёз бу фақир кўнглига маъноларни илҳом қилдики, дарров ундан таскинлик ҳосил бўлди. Аммо ато қилинган маънолар тақриридан олдин бу маъноларга тааллуғи бор нарсани эслатиб ўтиш жоиз. У ушбударки, Ҳазрати Ҳақ Субҳонаҳу инсоний руҳларни ўз жамол ва улуғлигини мушоҳадасин қилгандилар. Жамол билан муҳаббат ва унсият (яқинлик) ҳосил бўлди. Ҳазрат Ҳақ таоло арвоҳларни азалий хоҳиш-ирода билан дунёга юбориб баданларга тааллуқли қилганди, уларга ҳижоб, парда пайдо бўлди. Ўзларининг асл ҳолатларига қайтишни қанча хоҳласалар ҳам қайта олмадилар. Одам (алайҳиссалом)дан нақлдурки, Одам Атонинг агарчи иштиёқи ўшал Жамолга зиёда бўлса ҳам, лекин фарзандлари бадан тааллуғи воситаси ила озгина озгинадан бадан тақозосида таъсирланиб, таъсирланиш миқдорида ҳижоб зоҳир бўлди. Ҳатто шу даражага етдики, бир тоифа тамом маҳжуб (тўсилган) бўлиб қолди, Жамол мушоҳадасини тамоман фаромуш қилдилар. Анбиё ва авлиёлар ҳарчанд уларга эслатмасинлар унашмади. Ҳазрат Ҳақ Субҳонаҳу ўз каломи шарифида булар ҳолидан хабар бериб бундай марҳамат қилган: «Албатта, кофир бўлган кимсалар борки, уларни қўрқитиб огоҳ қилишинг ёки қилмаслигинг баробар, (барибир) иймон келтиришмайди».¹ Бошқа бир тоифа агар унутган бўлсалар ҳам, лекин анбиё ва авлиёлар уларга эслатма бергандилар, уларнинг руҳлари (асл ҳолатини) ёд қилдилар ва шу ёд нури сабаблик иймон келтирдилар, иймон нури билан мунаввар бўлдилар. Бу тоифадан бир гуруҳига бу нур воситаси билан ўшал Жамолга кучли иштиёқ пайдо бўлди, худди ҳаргиз фаромуш қилмагандек. Муҳаббат оташи уларнинг дилларида шундоқ ўрнашдики, бу оташ ўшал Жамол мушоҳада ёдсиз таскин топмайди. Агар бу оташ уларни қаттиқ қуйдирсаям, лекин бу оташсиз туролмайдилар. Назм:

*Мусулмонлар, тарк айладим ман яғмо,
Шерлар сафин бузадирман танҳо.*

¹ Сураи Бақара, 6-оят мазмуни.

*Халқ номин ишқ дер, мен дерман балойи жон,
Балою меҳнат бўлар ширин, унингсиз бўлмас осон.
Икки кўзи йиғлайди, ишқ оғзи кулса ҳам
Ҳалвони тополмассан жуда ширин бўлсаям.*

Улар шундай тоифаки, бирор заҳмат-беморлик етганда уларга бир киши шу ҳолатларида ўлим ҳақида гапирса, улар шод бўладилар, зеро, биладиларки, ўшал Жамол мушоҳадасини топиш ўлимсиз ҳосил бўлмайди. Шундай қилиб, шодлик пайдо бўлганида баданга энгиллик ҳосил бўлади, чунки шодликда бир хосият борки, агар беморда у зоҳир бўлса дардларни тарқатиб юборади. Бу табиблар наздида аниқдир. Дўстларни дўстлар йўқлаб туриши суннат эканлиги кифоядурки, дўстнинг йўлиқиши иллатнинг шифосидир. Бу маънонинг яна бир жиҳати борки, ҳақиқий Жамол мушоҳадаси лаззати бу оламдан ўтгандан кейин бўлади. Улуғлар айтишган: Жаноби Пайғамбар (саллаллоху алайҳи ва саллам)нинг «Ким Менга Сафар ойининг чиққанидан хабар берса, Мен унга Жаннат башоратини қиламан» деган ҳадиси шарифининг маъноси шу жиҳатданки, Ҳазрати Пайғамбар (саллаллоху алайҳи ва саллам) Робиъул-аввал ойида (Сафар ойидан кейинги ойда) бу оламдан Ҳақ таоло тарафга риҳлат қилишларини билган эдилар. У зотга мана шу сабаб кучли иштиёқ ҳосил бўлди. Иштиёқларнинг кучлилигидан «Ким Менга Сафар ойининг тугаганлигидан хабар берса, унга Жаннат башоратини бераман» дегандилар. Демак, маълум бўлдики, ўлимни эслаш улуғларнинг шодлигидир. Бу фақир айтади: бу рубоийни бемор тепасида ўқишдан мақсад рубоийдан муҳаббатли кишиларнинг сурурига сабаб бўлинади, зероки, рубоий муҳиб (севувчи)ларнинг арвоҳи юз минг завқ шавқ билан Ҳаққа қайтишини эслатяпти. Ҳақ Таоло ўз каломида шундай деган: «Эй, (Аллоҳнинг розили билан) ором топган нафс! Парвардигоринг тарафга (Ундан) рози бўлган ва (Уни) рози қилган ҳолатда қайтгин...».²

² Сураи Балад, 27-оят.

Табаррук рисодалар

Ушбу тақрирдан сўнг Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд Шоший (алайҳи раҳматул-Борий) айтадики, рубоийдаги «хуро»дан мурод бемор тепасида ўлаётган вақтда турадиган хур ва бошқа жинс (фаришта)лардир. Бу тўғрида ҳадиси шарифлар нотикдир. «Нигор»дан мурод инсон руҳидурки, у маҳбублик мақомидадир. Бу ҳақда Аллоҳ Таолонинг «У уларни яхши кўради, улар ҳам Уни яхши кўрадилар...»³ сўзи гувоҳдир. Бундан бошқа Пайғамбарлардан келган ҳадис ва хабарлар ҳам, одамлардан баъзиси маҳбублик мақомида бўлиши ҳақида далолат қилади. «Ризвон»дан мурод эса дил боғи (жаннат)ни кўриқловчи ақдир. Дилга жаннат номи берилган хабарлар бунга далилдир, зеро, ҳақиқатан дилни жаннатга қиёсласа бўлади. Аммо дил биҳиштира табиат дўзахидан ўтмагунча етмайсан. Ҳазрат султон Боязид (қаддасаллоху сирраҳу) айтганларки, дилга етадиган бўлсанг, у балки, юз минг баробаридаги Арш ўтса орифнинг дили ундан хабари бўлмайди. Рубоийдаги «таажжуб» эса руҳ чиқаётган вақтда дилнинг ўзидан узоқ нарсаларни билиб қолишидир. «Холи сиёҳ»дан мурод ўлим вақтида зуҳурга келадиган хорлик, мазалият ва камтарликлар. Ёки мушоҳада вақтида руҳда ҳосил бўладиган ҳақиқий «фақр»дир, лекин бу муаммони ушбу ўринда баёни муносиб эмас. «Абдол»дан мақсад нафсоний қувватдурки, инсон моҳиятида ҳар хил ўзгаришлар ясайдиган нарсадир. «Мусҳаф»дан мурод эса кулл мазҳари жамълик нусхаси бўлган инсон ҳақиқатидир. Худой Таоло айтади: «Яқинда (келгусида) уларга ўз мўъжизаларимизни ҳам уфқларда (ташқи дунёларида) ва ҳам нафсларида (ички дунёларида) кўрсатамиз».⁴ Бу оят баёнида баъзи улуглар бундай дейишган. Рубоий:


*Илоҳий мўъжиза нусхаси сенсан,
Шоҳлик жамолининг ойнаси сенсан.*

*Оламда неки бор сендан эмас ташқари,
Ўзингдан талаб қил, мояси сенсан.*

³ Сураи Моида, 54-оят.

⁴ Сураи Фуссилат, 53-оят.

«Чанг солиш» эса ўзларининг рутбаси пасайиб, руҳ мартабаси олий бўлганлигидан руҳга ёпишишдир. Мана шу бу фақирнинг хотирига келган рубойи маъноларидир. Бу тақрирлардан маълум бўлдики, рубойида Зулжалол жамолининг мушоҳадасидан руҳ топадиган лаззат баёни бор, бу лаззатни билган ҳар бир жон ўшал Жамол иштиёқидан шундай беқарор бўладики, ҳиссий ҳаёт домидан халос бўлишни жуда-жуда истади. Ўшал айшу ишрат пайида минглаб жонни фидо қилса арзийди. Лекин, Илоҳий тақдир борки, уни бу оламда қанча вақт ўз камоли учун қўйиб қўяди, у бу қафасдан халос бўла олмайди. Энди бу рубойини қалбида Ҳақнинг муҳаббати бор бемор бошида ўқилса, бемор ҳам бу рубойи маъноларини фаҳмласа, у кетаётган вақтида, албатта, шод бўлади, зеро, муҳаббат шартлариданки, ҳеч бир лаззат муҳиб(ошиқ)нинг маҳбуб билан учрашишидан оладиган лаззат янглиғ бўлмайди, бўлолмайди.



2. РИСОЛАИ ВОЛИДИЙҲА

Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим

Ўзининг зоти ва улуғворлиги билан ягона бўлган ҳамда сифатлари ва исмлари билан танҳо бўлган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Ва саловотлар бўлсин шундай Зот, яъни Муҳаммад алайҳис-саломгаким, уни фанога еткизгандан сўнг, барча сифатлари билан унга тажаллий қилди ва умматнинг барча тоифаларини мукаммал қилиш ва барча халойиқни ҳикмат билан ораста қилиши учун унга мукаммал ҳикматларни ато қилди. Яна унинг оиласи ва дўстларига ҳам саловотлар бўлсинки, улар Унинг боқий жамоли чехрасидан пардаларни кўтардилар.

Шундан сўнг, (маълум бўлсинки), бу мухтасар (рисола)нинг ёзилиш сабаби шу эдики, бу фақир (яъни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг отаси, Аллоҳ унинг ва бизнинг амалларимизни қабул қилсин, менга нисбатан бўлган ишончи туфайли бу фақирга амр қилиб: «Бизга авлиёларнинг сўзларидан бир нарса ёзиб бергин-ки, унга амал қилиш ўқиш ва далиллар билан ҳосил бўлмайдиган улуғ мақомотларга етишиш ва ҳақиқий илмларни ҳосил қилишга сабаб бўлсин. Чунончи, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қолан-Набиййу алайҳис-салому ман амила бимо алима варасаҳуллоҳу илман мо лам йаълам».⁵

Бу фақир бу амрга бўйсунини ўзига вожиб деб билди. Чунки Ҳазрати Парвардигорга адабда бўлиш шуни тақозо қилади. Зероки, Ҳақ таъолонинг бу фақирга илтифоти аввало уларнинг, (яъни ота)нинг воситаси туфайлидир.

Баъзи (олим)ларнинг адаб таҳқиқи ҳақида айтишлари-ча, Ҳазрати Парвардигорга нисбатан бўлган адаб шундай-ки, кимки Парвардигорнинг кўмагини қабул қилган бўлса, бу кўмак таъсири туфайли у (ота)нинг таъзимини вожиб деб билади. Чунки бу таъзим ҳам: «Ва илайҳи туржаъ ул-умур»⁶ ҳукми бўйича ул Ҳазрат (яъни ота)га тегишлидир.

⁵ Пайғамбар алайҳис-салом айтдилар: «Кимки билганига амал қилса, Аллоҳу таъоло унга билмаган илмини ҳам билдиради».

⁶ Ва барча ишлар Унга қайтарилур.

Бу мухтасар (рисола)да маърифатнинг ҳосил бўлишига сабаб бўладиган нарсалар зикр қилинди. Бу мухтасар (рисола)га назар қилувчилардан илтимос шуки, муаллифни ўртада кўрмасинлар ва қалам котибнинг қўлида бўлганидек, уни ҳам Ҳақ таъолонинг тасарруф қўлида деб билсинлар. Уни орада кўрмасалар, ўзларини бир тоифа қаторида кўрадиларки, бу тоифанинг илмлари Ҳақ таъолодан бевосита ҳосил бўлган бўлади. Чунки мажозий вужуд улар учун йўқ ҳукмидадир. Чунончи, баъзи орифлар илм аҳли бўлган доноларга хитобан айтадилар: «Сизлар расмий (диний ва дунёвий) ўлик илмларингизни ўликлардан олгансизлар. Биз эса илмларимизни ўлмайдиган доимо тирик Зот, яъни Аллоҳдан олганмиз. Кимки илмни Ундан ўзгадан олган бўлса, унинг ҳукми бизнинг назаримизда ҳеч нарса ҳукмидадир. Ориф учун, албатта, Аллоҳдан ўзга кўмакдош йўқ. Аллоҳдан кўмак тилайман ва Унга таваккал қиламан. Аллоҳдан ўзгада куч ва қудрат йўқ».

«Қолаллоҳу таъоло: «Мо халақтул-жинна вал-инса илла лийъабудуни».⁷ Муфассирларнинг⁸ айтишларича, оятдаги ибодатдан мурод маърифатдир, чунки ибодат зоҳирий амалларга тааллуқлидир. Аммо уни зоҳирга таъйин қилинса, тўғри бўлмайди, чунки хилқат (яратиш)дан мурод фақат зоҳир амаллар эмас, балки зоҳирий амаллар маърифатга тобеъдир ва мақсуд аслида шудир. Баъзи сўфийлар «лийъабудуни» (сўзи)ни ўз асл маъносида қолдирганлар, чунки уларнинг назарларида ибодат зоҳир амаллар ва ботин амалларни ўз ичига олувчидир. Маърифат эса фақат ботиний амал бўлиб, бундай таъвилга муҳтож эмас.

Барча ҳақиқатни таҳқиқ қилувчилар шундай фикрда яқдилдирларки, маърифат Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъликсиз ҳосил бўлмайди ва тобеъ бўлиш эса тобеъ бўлиш зарур бўлган нарсани билишга боғлиқдир. Бас, Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзи, феъли ва ҳоли бор. Унинг сўзи тилга боғлиқ, феъли зоҳирга боғлиқ, ҳоли эса ботинга боғлиқ.

⁷ «Мен жинларни ва одамларни Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим». (Сураи Ва-з-Зориёт, 56-оят)

⁸ Муфассир - Куръон оятларини тафсир қилувчи киши.

Сўзда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўлиш шундайки, сўзда Ул зотнинг шариатига хилоф нима нарса бўлса, уни айтмайди, масалан, гийбат, ёлғон ҳамда бирорта мусулмонга азият берувчи сўз ва бошқалар. Борди-ю, бирор сўз айтса, бу сўз унинг қалбини нурли қиладиган бўлсин, масалан, Қуръон ўқиш, ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи ва саллам таъйин қилган маъсура дуолар,⁹ Аллоҳ бандаларини Унинг шариатга тобеъ қилиш учун айтилган тарбиявий сўзлари. Қуръон ва дуоларни ўқишда шундай йўл тутсинки, унинг тили дилидага нарсани изҳор қилсин, борди-ю шундай бўлмаса, бу ёлғон гувоҳликдир. Агар Қуръон ўқишда саводи йўқ бўлса, кўнглида бу Аллоҳ азза ва жалланинг каломи деб эътиқод қилсин ва тўлиқ таъзим билан ўқишга киришсин.

Феълда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеълик шундайки, зоҳирини шариат билан музайян қилсин, суннат ва одобларни тарк этмасин, уни қанчалик тарк этса, шунча нуқсон пайдо бўлади. Қўли ва бошқа аъзолари билан мўъмин биродарлар нимага муҳтож бўлса, шу соҳада ёрдам беришнинг барчаси, хусусан, таважжуҳи Жаноби Ҳақ таъолога бўлган тоифага ёрдам бериш нур ва сафодир. Чунки Ҳазрати Ҳақ уларни ўз муҳаббати учун яратгандир. Ва уларни дўст тутсинки, уларнинг диққати ҳамини жаноби Ҳаққа қаратилгандир. Чунки уларнинг қалблари Унинг жамолини кўрсатувчи ойнадир. Башариятлик сабабли уларда ейиш, ичиш, манзил ва либосга диққатлари жалб бўлса, бу пайтда шу нарсаларга боғлиқ миқдорига қараб, уларнинг дил ойналарида губор пайдо бўлади ва губорнинг миқдорига мувофиқ ўшал жамолни мушоҳадасидан узоққа тушадилар. Ҳар бир соҳиб давлатга Ҳақ субҳонаху ва таъоло тавфиқ бериб, уларнинг эҳтиёжларини қондирса, уларга бу зотларнинг маънавий оламидан насибалар етади. Чунки улар муҳтож бўлган нарса қўлларига етса, уларнинг диллари яна ўз ҳолига қайтади. Шундай қилиб, гўё у киши бу зотларнинг диққатини яна Ҳаққа қайтарган бўлади. Бу сўзнинг янада яхшироқ

⁹ Адъйиан маъсура - Расулulloҳ алайҳис салом саҳобан киромларга ўқишга буюрган, ўқиш тавсия қилинган хос дуолар.

таърифи шуки, муҳтож бўлган бундай зотнинг ҳожатини чиқарган киши Аллоҳнинг ал-Кофий исми таъсирига етишган бўлади. Бироқ, шарти шуки, бу сифатнинг содир бўлиши учун шукр қилувчи бўлиши керак, чунки шукр бу ҳолда ўзини ўртада кўрмаганликка далилдир. Ҳадисда ҳам келганки, ҳар ким Илоҳий хулқлардан бири билан хулқланган бўлса, дўзах оловининг у киши билан иши йўқ.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ботинида нафс, дил, сир ва бошқа мартабалар бўлиб, бу мартабалардан ҳар бир мартабага Ҳазрати Ҳақ бир камол ато қилгандир. Шу мартабага етишишда ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўлишда модомики, қайси нарсага тобеъ бўлиш кераклигини билмаса, бу мартабалар ҳосил бўлмайди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маънавий мартабаларини тўлиқ билишга анбиёлар ва авлиёлардан ҳеч бири қодир бўлмаса-да, бироқ ҳар бир киши-да тобеълик миқдорига мувофиқ Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам камолотидан насиба бордир.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нафс мартабасига тобеълик — ҳавойи нафсга қаршилик қилиш ва шариятга хилоф нарсаларга майл қилишдан ўзни тийишдир. Агар бу ишда давом этса, тобеъ бўлган нафс Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нафсига муносабат ҳосил қилади. Ва муносабат миқдорига мувофиқ тобеъ нафс Унинг нафс сифатларини ўзи томон тортади, чунончи, пилик дуд (куя)га эга бўлади, дуд орқали эса оташга муносабат ҳосил қилади ва бу муносабат туфайли оловни ўзига тортади. Унинг сифатларидан ўзига қанча миқдор тортса, шунча миқдор тақлид даражасидан тараққий топади. Шу қиёсда ҳар бир мартабага тобеъ бўлса, тобеълик миқдорича ўша мартабага муносабат ҳосил бўлаверади. Ва шу мартабага нисбатан бўлган муносабати миқдорига қараб шу мартабанинг камолотидан унга насиба етишади. Агар тобеълик камолга этса: «Кул ин кунтум туҳиббуналлоҳа фаттабиъуний йухибкумуллоҳу»¹⁰ оятининг ҳукми

¹⁰ «Эй, Муҳаммад алайҳиссалом) Айтингки, эй, инсонлар, сизлар Аллоҳу таъолони севсангизлар, Менга тобеъ бўлингларки, Аллоҳу таъоло ҳам сизларни дўст тутади». (Сураи Оли Имрон, 31-оят)

Табаррук рисоалар

бўйича Ҳазрати Ҳақ уни дўст тутади ва ўз сирларига маҳрам қилади. Дарҳақиқат, бу дўстлик Ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга оиддир, чунки Ҳақ таъолонинг бу бандани дўст тутиши шу банданинг Набий сифатлари билан безаниши туфайлидир. Унинг сифатлари билан безаниши эса Аллоҳнинг фазлу карами туфайли бўлиб, агар сен яхшилаб қарасанг, Ҳазрати Ҳақ жалла ва ало бу мартабаларнинг ҳар бир мартабасида Ўзидан ўзгани дўст тутмагандир.

*Йўҳиббуҳум ва йўҳиббунаҳу¹¹ чи иқрор аст,
Ба зери парда магар хеширо харидор аст.
(«У уларни севади ва улар ҳам Уни севади» калимаси
қандай иқрордир?
Парда остида наҳотки Ўзига харидор бўлса!)*

Чунки соҳибжамол кишининг ойнани дўст тутиши ойна бўлгани учун эмас, балки унда ўзини мушоҳада қилгани учундир. Демак, аслида У ўзини дўст тутганидир.

Ҳазрати Ҳақ таъоло анбиё ва авлиёларнинг вужуд ойналарида уларнинг истеъдодларининг миқдорича зоти ва сифати билан тажаллий қилгандир. Тажаллиёт асарларининг зуҳур қилиниши ҳар бир ойнанинг истеъдодига мувофиқ кўпроқ бўлади. Шу сабабли баъзи анбиёдан баъзисининг фазилати ортиқ бўлади. «Ва лақад фаззално баъза-н-набиййина ала баъзин»¹² ояти мана шу фазилатга ишорадир. Мукаммал Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг истеъдод ойнаси барча набийлардан мукаммал бўлгани учун Зот, исмлар ва сифатларнинг тажаллиёт асарларининг зуҳури барча набийларникидан мукаммалроқ зоҳир бўлди. Набийнинг умматлари учун тобеълик туфайли бошқа умматларга нисбатан ортиқроқ насиба бўлиб, «Кунтум хайра умматин»¹³ хильятини улар-

¹¹ «Эй, мўминлар, сизлардан кимки ўз динидан қайтса, тез кунда Аллоҳ таъоло шундай қавми пайдо қилурки, уларни Аллоҳ таъоло дўст тутади ва улар Аллоҳ таъолони дўст тутади». (Сураи ал-Моида, 34-оят)

¹² «Дарҳақиқат, Биз баъзи пайгамбарларни баъзисидан (мартабада) ортиқ қилдик». (Сураи Ал-Исро, 55-оят)

¹³ «(Эй, мўминлар, сизлар инсонларнинг ҳидоятлари учун юборилган) жамоанинг ниҳоятла яхшисидурсизлар». (Сураи Оли Имрон, 110-оят)

га кийдирганлар. Шунинг учун ҳам Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам буюрдилар: «Ва лақад таманна исна ашара набиййан аннаҳум кону мин умматий».¹⁴ Чунки бу набийлар Унинг, яъни Муҳаммад алайҳис-саломнинг барчадан комилроқ экани ва бошқаларда йўқ камол Унда мавжудлигини билган эдилар. Ва яна бу камолнинг ҳосил бўлиши Унга тобеъ бўлишда эканини билган эдилар. Уларнинг улуғ ҳимматлари бундай камол уларда ҳам бўлишини тақозо қилди.

Демак, маълум бўлдики, Ҳазрати Рисолат саллаллоху алайҳи ва салламга тобеъ бўлмай, улуғ мартабалардан бирорта мартабага етиб бўлмайди. Бас, билмоқ керакки, Унга мукаммал тобеъ бўлиш дилни Ҳақдан ўзгага боғлиқ бўлмаслигидадир. Алойиқ ва авойиқдан¹⁵ бутунлай узилиш муҳаббатсиз ҳосил бўлмайди. Гарчи муҳаббат Аллоҳнинг атоси бўлса-да, бироқ бу атонинг зоҳир бўлиши даражама-даража шароитга қараб ҳосил бўлади. Бунинг сармоясин эса дилни Ундан бошқа нарсалардан холий қилишдир. Бунинг эса йўли бор ва у шундайки, аввало маҳбубнинг номи тилга олинади ва дилда бу Унинг номи экани ҳақида фикр қилади. Бу шундай бўлиши керакки, ҳеч вақт бу ҳолдан ғофил бўлмаслиги лозим. Охири шу ҳолга етсинки, унинг дилида нафс ҳадиси (сўзлари) ўрнига шу фикр ҳоким бўлсин. Агар бу ҳолга етса, буни асло тарк қилмасин ва бунга доимий машғул бўлсин, охири шу ҳолга етадики, бу фикрдан қалбида лаззат ҳосил бўлади. Унинг дили бошқа барча лаззатлардан кесилиб, то шу лаззат қолмагунча бу ишга доимийлик кўрсатсин. Шунда дилнинг боғлиқлиги Ундан ўзга нарсага бўлмайди ва ҳамма вақт дили Унга машғул бўлади. Чунончи у кўнглини мажбуран бошқа нарсанинг муҳаббатига қаратмоқчи бўлса, бунинг уддасидан чиқмайди. Шу пайтда унга муколама (ўзаро сўзлашув) ва муножот (сирлашув) муяссар бўлади. Чунончи, агар сўзласа, У билан сўзлашади, ҳар бир нарсага назар солса, гўё Уни кўради. Назм:

¹⁴ Ва батаҳқиқ ўн иккита набий Менинг умматимдан бўлишни орзу қилдилар.

¹⁵ Алойиқ - кўнгида бирор нарсага боғланиш, алоқа пайдо қилиш. Авойиқ - тўсиқ, ҳалақит берадиган нарсалар.

Табаррук рисолалар

*Аз баски ду дийда дар хаёлот дорам,
Дар ҳар чи назар кунам ту мепиндорам.*

(Мазмуни:

*Икки кўзим Сенинг хаёлингда бўлгани учун,
Нимага қарасам, уни Сен деб ўйлайман.)*

Бу мартабада унинг учун ғойиб бўлмайдиган ҳузур ҳосил бўлади ва унинг дил кўзига Унинг жамолидан то жамолини кўра олсин учун нур ато бўлади. Уни эшита олиш учун бир кулоқ ато қилади, сирлашиш учун бир тил ато қилади. Шу ҳолга етганда зоҳирий машғулотларга маънавий алоқалар тўсқинлик қилмайди. Чунки ботинда Ҳақ субҳонаҳуга етишиб, мушоҳада ва муножотда У билан, зоҳирда эса халқ билан бўлади. Ва солиқнинг балоғати шунга ишоратки, чунончи Робиъа разийаллоҳу анҳо айтади:

*Инний жаъалтука фи-л-фуводи муҳаддасий,
Ва абаҳту жисмий ли ман арода жулусий.
Фа-л-жисму минний ли-л-жалиси мувонисун,
Ва ҳабибу қалбий фи-л-фуводи анисий.*

(Мазмуни:

*Сени юрагимда суҳбатдошимга айлантирдим,
Жисмимни эса мен билан суҳбатдош бўлишни
хоҳловчига қўйдим.*

*Демак, жисмим суҳбатдош учун улфат,
Қалбим маҳбуби эса дилимга улфатдир.)
Аз дарун шав ошинову в-аз дарун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.*

(Мазмуни:

*Ичдан дўст бўл, ташдан бегона,
Бундай йўл жаҳонда кам бўлади.)*

Ҳар бир соҳиб давлат учун Ҳақ субҳонаҳуга бундай алоқа ҳосил бўлиб, руҳи баданидан жудо бўлгач, ҳеч бир монеликсиз иттисол (етишиш) ҳосил бўлади, чунки дил дои-

мий тирикка айланади. Гарчи унга висол ҳосил бўлса-да, бироқ башарият тақозоси бўйича, гоҳ-гоҳ бир нозик парда унинг дилида пайдо бўлади. Руҳ бадандан ажралгач, башарият сабабли юз берган парда йўқ бўлади. Демак, руҳ бадандан жудо бўлгач, тўсиқсиз иттисол (егишиш) ҳосил бўлади. Бунинг учун бир мисол бор ва у шундайки, агар бирорта кишини бир соҳибжамолга ошиқ қилмоқчи бўлсалар, бунинг йўли шуки, унга: «Фалон шаҳарда ёки фалон маҳаллада ундоғу бундоғ соҳибжамол бор, уни севишинг керак, чунки у билан дўстликда кўп лаззатлар мавжуд» дейдилар.

Бу сўзни эшитиши биланоқ унда севишга майл пайдо бўлади. Чунки одам лаззат мавжуд бўлган бирор нарсани севишга мажбурдир. Бироқ у ўша нарсани қандай севиш йўлини билмайди. Бунинг йўли шундай, унга айтилади: «Дўстлашиш қуйидагича бўлади: унинг номини кўп такрорлайсан, дилни ундан ўзга нарсага машғул қилмайсан». Агар шундай қилса, унга нисбатан майл ҳосил бўлади. Шу сифатда давом эттирса унинг майли янада зиёда бўлади ва бу майлдан лаззат ҳосил бўлади. Лаззат ҳосил бўлганда эса унинг майли янада ошади. Агар бу алоқани қўлдан бермаса, инонихтиёри қўлдан кетади, хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, уни севишга мажбур бўлади. Шу ерга етгач, шундай ҳол пайдо бўладики, дили тўлиғича уни дўст тутади ва ўзга нарсанинг фикри асло қолмайди. Маҳбубга машғулликнинг ҳаддан ташқарилиги сабабли энди маҳбубнинг номини ҳам унутади. Бу пайтда муҳаббат салтанати уни бутунлай истило қилади. Муҳиб (севувчи) ва маҳбуб (севилган)нинг ҳар иккови ҳақиқий ваҳдат рангида зоҳир бўлади.

Муҳаббат Унинг номини такрорлашдан ҳосил бўлар экан, энди билгинки, зикрларнинг афзали «ло илоҳа иллаллоҳ»дир. Чунки бу калима нафй (инкор) ва исботдан иборатдир. Бандада ҳосил бўлган ҳижоб олам сувратларининг дилда нақш топиши сабаблидир ва бу нақшда ғайрининг исботи ва Ҳақнинг инкори мавжуд. Демак ҳижобни йўқ қилмай туриб (Аллоҳ)га яқинлик ҳосил бўлмайди. Бу шундайки, Ҳақни исбот ва ғайрини инкор қиласан, бу эса, айтилгандек, зикр қилишдир.

Табаррук рисодалар

Демак, агар бошловчи киши бунга машғул бўлишни хоҳласа, ҳою ҳавасларни қизиқтириши ва ўз ҳаётини охирги нафасда деб билиши керак. Ўзининг охирги нафаси бўлган шу нафасда «ло илоҳа иллаллоҳ» зикрига қуйидагича машғул бўлади: «ло илоҳа»да ғайри Ҳақ бўлган ҳар қандай нарсани дилидан чиқаради ва «иллаллоҳ»да Ҳақ азза ва жаллани маъбуд ва маҳбуб сифатида мулоҳаза қилади. Чунончи, ҳар мартаба «ло илоҳа иллаллоҳ» деганда қалбида: «Нест ҳеч маъбуде магар Ҳақ» (Ҳақдан ўзга ҳеч маъбуд йўқ) дейди. Бунга шундай машғул бўлсинки, асло тарк қилмасин ва барча ҳолатда шунга машғул бўлсин. Борди-ю агар гофил бўлган бўлса, чунончи бир одам қиммат-баҳо дурини йўқотиб қўйиб, ногоҳ ёдига тушса, қандай ҳолатга тушганидек, унда ҳам шундай ҳолат бўлсин. Шундай ҳолга тушиши унинг дили зикрдан таъсир олаётганига далил бўлади.

Агар буни давом эттираверса, шу даражага етадики, ўзи тарк қилса ҳам, дили давом эттираверади. Бунга мағрурланмаслик керак ва Ҳақ ёди бошқа барча нарсалардан голиб бўладиган даражага етгунча давом этавериш керак. Шундай давом эттираверса, шу даражага етадики, дили тўлиқ Ҳақ субҳонаҳуга машғул бўлади. Шундай вақт бўладики, муҳаббат султони унинг дилини истило қилиб, дилни бошқа нарсанинг муҳаббатидан холий қилади. Бу пайтда унинг дилида бошқа нарсага боғлиқлик қолмайди ва фақат Ҳаққа боғлиқ бўлиб қолади. Сўз айтса У билан айтишади, нимага назар қилса, У деб ўйлайди. Зероки, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло дилни шундай яратганки, у ҳеч қачон бирор нарсага боқлиқсиз турмайди. Унинг бошқа нарсага боғлиқлиги тамом бўлгач, энди унинг боғлиқлиги Ҳаққа бўлади. Хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам унинг дили доим сўзловчи, эшитувчи ва кўрувчи бўлади. Унинг сўзлаши, эшитиши ва кўриши бошқа нарсалардан узилади. Ҳар доим У билан сўзлашади, Ундан эшитиши, Уни кўради, оҳиста Ҳақ билан муножот (сирлашув) мартабасига етади. Бу мартабада зикр дилнинг асл сифатига айланади. Ҳарф ва овоздан озод бўлган зикр ҳақиқати дил жавҳари билан бирлик ҳосил қилади ва дилнинг ҳаммасини дўст эгаллайди.

Дилнинг ҳаммасини дўст эгаллайди билан дилни дўстнинг ёди эгаллайди дейишнинг орасидаги фарқ шуки, дилнинг ҳаммасини дўст эгалласа муҳаббат натижаси ҳаддан ортиқ бўлади ва бунини иш деб атайдилар. Шу жойдан аста тараққий қила боради-ки, зокир (зикр айтувчи)нинг мавҳум борлиги мазкур (зикр этилаётган)нинг ҳақиқий борлиги ичида йўқ бўлади. Шу жойда зикр айтувчи зикр этилаётганининг айна ўзига айланади ва зокирийат (зикр этишлик) мазкурыйат (зикр айтишлик)ка ўзгаради. Ва «ло йазкуруллоҳа иллаллоҳ» калимасининг асл ҳақиқати ошкор бўлади.

Ўзининг мавҳум борлигини йўқ кўргач, барча ашёларни ҳам йўқ ҳолда кўради. Шу ерда «Куллу шайъин ҳоликун илла ваҳҳаҳу»¹⁶ нинг сирри аён бўлади ва «ли мани-л-мулку-л-явма лиллаҳил Воҳиди-л-Қаҳҳор»¹⁷ жамоли чехрадан ниқоб кўтаради.

Тобеълик бу улуг мартабанинг ҳосил бўлиш сабаби экани маълум бўлгач, демак, боғловчи бундай саодат унга тез ёр бўлишини хоҳласа, суҳбатдошликни шундай тоифа билан қилмоқ керакки, уларнинг зоҳири Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатиға мувофиқ ва ботинлари тобеълик туфайли айтиб ўтилган мартабаларда камолотга етишган бўлиши лозим. Чунки Ҳақ жалла жалолуху дилни шундай яратганки, одам ким билан суҳбатдош бўлса, ўша одамнинг суҳбатидан таъсир олади. Бу нарса барча одамга маълумки, агар киши мотамзада одамнинг олдида ўтирса унда ҳам ғамгинлик пайдо бўлади. Агар шодлиги ғолиб одамнинг олдида ўтирса унда ҳам шодликнинг ғолиб сифати юз беради. Агар шу икки сифатли одамларнинг ҳар бири билан ўтиришни давом эттирса, унда ҳам шу икки ғолиб сифат пайдо бўлади ва бу дилнинг комиллик қобилияти туфайлидир. Агар унда бу қобилият бўлмаганда эди, камолотларни ҳосил қилиши мумкин бўлмас эди.

¹⁶ «Унинг эътидан бошқа барча нарса йўқ бўлувчидир». (Сураи Ал-Қасас, 88-оят)

¹⁷ «Бугун ҳукмронлик кимнинг ихтиёридадир?.. Воҳидул-Қаҳҳор Аллоҳ ихтиёридадир!» (Сураи ал-Мўъмин, 16-оят)

Демак, шунга ўхшаш, ҳар қандай киши бундай тоифа билан суҳбатдошлик қилса, уларнинг ботинидан унинг ботини таъсирланади ва унда Ҳаққа мойиллик пайдо бўлади. Мойиллигига яраша мосиво (ўзга нарса)дан узилиш юз беради. Узилишга яраша унинг майли зиёда бўлади. Узилиш олдида майлнинг ошиши ва майл олдида узилишнинг кўлайиши билан шу даражага етадики, унда (ўзга нарсага) ҳеч қандай алоқа қолмайди. Шунда тўлигича Ҳақ субҳонахуга юз тутган бўлади. Шундай кишилар ҳам бўладики, бу тоифанинг битта суҳбатида, балки бир лаҳзанинг ўзида уларнинг ботини ғайридан бутунлай узилиш ҳосил қилади. Унинг ботини ғайридан бутунлай узилганда эса тўлиғи-ча Ҳаққа юзланади. Мартабалардан бўлган бир мартабада Ҳаққа етишишга мана бу байт ишоратдир.

*Он ки ба Табриз дид як назари Шамси дин,
Таъна занад бар даҳа, суҳра кунад бар чилла.
(Табризда Шамсуддиннинг бир назарини топган одам,
Даҳага таъна уради, чиллани масхара қилади)¹⁸*

Бироқ бу ишда сабот ва чидамга эга бўлиш мушкул ишдир. Баъзи машойихларнинг айтишича, Ҳаққа етишиш осон, бироқ чидаш қийин. Чунки одам қачонки ботинини ўзга нарсалардан холий қилсагина, Ҳаққа етишиш ҳосил бўлади. Чунончи, айтиб ўтилганидек, дил бирор нарсага боғлиқсиз туролмайди. Гоҳида бу ҳолда кучли диққатнинг камлиги ҳамда истеъдоднинг заифлигидан висолга етишиш юз бермайди. Гоҳида истеъдод қуввати ва сабот туфайли етишиш юз беради. Бунга тааллуқли нарса эса зоҳирда ва ботинда пир билан доимий суҳбатда бўлиш ва пирга нисбатан одоб сақлашдир. Агар одоблардан бўлган бир одобни тарк этса, бу сабабли пирнинг кўнглидан узоқ тушади ва унда (авлиёлик) ҳоли қолмайди. Чунки бу ҳол унинг дилига робита (қалбий алоқа) орқали пир дилидан оқиб кирган эди.


¹⁸ Даҳа - покланиш учун амалга ошириладиган узлатда ўтириш кунлик узлат. Чилла ҳам руҳий покланиш учун қирқ кун узлатда ўтириш. Демак, Шамсуддиннинг бир назарини топган одам даҳа ва чилласиз камолга етади.

Табаррук рисодалар

Робита қолмагач, ҳол ҳам қолмайди. Кўп кишиларга бу тоифанинг суҳбатидан завқ ҳосил бўлган эди, бу завқнинг қолмаганига сабаб шу (яъни, одобларга бепарволик) эди.

*Беиноёти Ҳаққу хосони Ҳақ,
Гар малак бошад сиёҳаташ варақ.
(Ҳақнинг ва хос бандаларнинг марҳаматисиз.
Гарчи у фаришта бўлса ҳам, ҳаёт саҳифаси қора бўлади).*

Валлоху аълам ва лиллаҳи-л-ҳамду ва-л-миннату.¹⁹



¹⁹ Аллоҳ билимдонроқ ва ҳамду шукроналар Унгадир.

3. РИСОЛАИ «АНФОСИ НАФИЙСА»

Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим

Бидон, аршадакаллоху фи-д-дорайн,²⁰ эй садоқатли толиб, ва эй Аллоҳга ошиқ мурид, Ҳақ субҳонаху ва таъоло ҳар вақт бандани ўзининг инояти билан Расул саллаллоху алайҳи вассалламнинг: «Ат-тоибу мина-з-занби ка-ман ло занба лаху»²¹ ҳадисининг мазмунига муяссар қилса, демак, энди у бор ғайратини Онҳазрат жалла зикруху²² ни ҳар вақт, балки ҳар лаҳза ёдда сақлашга сарф этиши ва умрини доимо тоату ибодатда ўтказиши зарур:

*Нахуст мавъизати пири суҳбат ин ҳарф аст,
Ки аз мусоҳиби ножинс эҳтироз кунид.
(Суҳбатдош пирнинг биринчи айтадиган насиҳати,
Ножинс ҳамсуҳбатдан эҳтиёт бўлинг, деган сўздир.)*

Билгинки, ножинс бу йўлда, (Яъни тариқат йўлида) юрган кишининг йўлидан юрмайдиган кишидир ёки юзини Худойи таъолодан ўгирган, дунёни ўз қибласи деб билган одамлар бўлиб, бундай кишиларни аҳмоқ ҳам деб атайдилар:

*Зи аҳмақон буғриз чун Исо гирихт,
Суҳбати аҳмақ баче хунҳо бирихт.
(Исо алайҳиссалом қочганидек, сен ҳам аҳмоқлардан қоч,
Аҳмоқ суҳбати кўп қонларни тўккан.)*

Тариқат бузруглари, Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсин, бу тоифа кишиларнинг суҳбатларини кўриб, нима эканини билганлар, шунинг учун бундай кишилардан қочишни ўз муридларига қаттиқ тайинлайдилар. Бир азиз шафқат юзасидан қасамёд қилиб, айтади:

²⁰ Аллоҳ сени икки оламда тўғри йўлга йўлласин, билгин...

²¹ Гуноҳдан тавба қилган киши гуноҳ қилмаган киши кабидир.

²² Жалла зикруху – Унинг ёди улуг бўлсин! Бу Аллоҳ исмидан сўнг қўшиб айтиладиган жумла.

*Ба ҳаққи зоти поки Аллоҳу-с-Самад,
Беҳ бувад мори бад аз ёри бад.
Мори бад жон местионад аз салим,
Ёри бад орад суйи нори жаҳим.
(Аллоҳу-с-Самаднинг зоти покига қасамки,
Ёмон дўстдан ёмон илон яхшироқдир.
Ёмон илон соғ одамнинг жонини олади,
Ёмон дўст дўзах олови сари етаклайди).*

*Бошқа бир азиз эса бундай дейди, мисра:
Бугриз аз эшон гарчи бошанд хешон.
(Агар қариндош бўлсалар ҳам, улардан (ёмонлардан) қоч).
Бар руҳи ҳар хас набванд доғи ғуломи зи дўст,
Гар падари ман бувад душману агёрам дўст,
(Кимнинг юзида дўстнинг қуллик тамғаси бўлмаса,
У отам бўлса-да — душман, ёт бўлса-да — дўстдир).*

Бу сўзлар маълум бўлгач, энди (билгинки), беш вақт намозни ўз вақтида жамоат билан ўқимоқ зарур. Ҳазрати Рисолат паноҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам намозни жамоат билан ўқишни қаттиқ тайинлаб, кўп таъкидлаб айтганлар: «Инна фи-л-жамоати раҳматун».²³

*Нодир аст он ки марди танҳорав,
Лутфи Ҳақ афканад бар ў партав.
(Ўзи танҳо юрувчи кишига,
Ҳақ лутфи партав (шуъла) ташлаши нодирдир).*

Мурид хуфтон намозини жамоат билан адо қилгач, уйига қайтиб, то уйку ғалаба қилгунча, қиблага қараб ўтиради. Сўнг уч марта «Калимаи шаҳодат», уч марта «Қул ҳуваллоҳу аҳад», уч марта «Қул аъувзу би-раббил-фалақ», уч марта «Қул аъувзу биррабби-н-нос»ни ўқиб, қўл кафтларига дам уриб, барча аъзоларига суртади, савобини эса тирикларнинг хайру эҳсонига интизор ётган қабр аҳлига ба-

²³ Албатта, жамоатда (Аллоҳнинг) раҳматига ноил бўлишлик бор.

Табаррук рисодалар

ғишлайди, бу иши қабрдагиларга тинчлигу осойишталик еткизади. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло унга ҳам ўз раҳматидан насиб этадики, Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи васаллам: «ирҳам турҳам»²⁴ деганлар:

*Худоро бар он банда бахшойиши аст.
Ки халқ аз вужудаи дар осойиши аст.
(Вужудидан халқ осойиши кўраётган кишига,
Худойи таъолодан бахшойиши (ато)лар бор).*

Шундан сўнг юзини қиблага қилиб, ўнг ёни билан уйқуга кетади. Ҳар вақт уйқудан уйғонса «Субҳоналлоҳ»²⁵ калимасини охиригача ўқийди. Сўнг таҳорат қилади ва ҳар бир аъзосини юваётганда уч мартадан «ал-Қодир» дейди ёки буюрилган бошқа дуоларни ўқийди. Таҳорат тугагандан сўнг: «Аллоҳум-мажъалний мина-т-таввобийна важъалний минал-мутатаҳҳирийна важъалний мин ибодика-с-салиҳийна важъалний миналлазийна ло хавфун алайҳим ва ло ҳум йаҳзанун»²⁶ дуосини ўқийди. Шундан сўнг икки ракаъат «намози шукри вузу» (таҳорат шукри) намозини адо қилади. Кейин эса ўтган вақти ҳақида мулоҳаза қилади, агар вақти ғафлат билан ўтмаган бўлса, бунинг шукрини адо қилади, агар ғафлат билан ўтган бўлса, ҳасратда бўлиб, нуқсонига узр тилаб, Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолога тавба қилади, Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг: «Лаин шаккартум лаазийданнакум»²⁷ деган сўзига мувофиқ бу шукр билан тавфиқи янада зиёда бўлади. Мана бу: «Эй, Худовандо, билиб қилган, билмай қилган ҳар қандай ёмон ишларимдан ва гуноҳларимдан Сенга тавба қилдим» деган тавба калимасини ҳам тўлиқ илтижо ва синиқлик билан уч марта

²⁴ Раҳм қилки, раҳм кўрасан.

²⁵ Тўлиғи: «Субҳоналлоҳи, валҳамдулиллаҳи ло илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, Аллоҳу акбар, валиллаҳи-л-ҳамд».

²⁶ Эй, бор Худоё, мени тавба қилувчилардан қил, мени таҳоратлилардан қил, мени солиҳ бандаларингдан қил, мени «уларга хавф ҳам йўқ, ғамгинлик ҳам йўқ», дейилган саодатли бандаларингдан қил.

²⁷ Агар шукр қилсаларингиз, сизларга неъматларимни янада зиёда қиламан.

ўқийди. Сўнг: «Ашҳаду ан ло илоҳа иллаглоху ваҳдаҳу ло шарика лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ»²⁸ни ҳам ўқийди. Байт:

*Чун ба даргоҳи ту худро дар паноҳ овардаам,
Ё Илоҳа-л-олабийн, бори гуноҳ овардаам.
Бар дарат з-ин бори худ пўшти дуто (ҳ) овардаам,
Ажзу зори бар дари олампаноҳ овардаам.
Ман намегуям, ки будам солҳо дар роҳи ту,
Ҳастам он гумраҳ, ки акнун рӯ ба роҳ овардаам.
Чор чиз овардаам, Ҳаққо, ки дар ганжи ту нест,
Нестий-у ҳожату узру гуноҳ овардаам.
Дили дарвиши-ю дилреши-ю бехеши баҳам,
Ин ҳама бар даъвийни ишқат гувоҳ овардаам.
Чашми раҳмат баркушо, мўйи сафеди ман бубин,
З-он ки аз шармандаги рўйи сиёҳ овардаам.*

*(Эй, оламларнинг яратувчиси, сенинг даргоҳингга
паноҳ излаб келарканман, гуноҳ юки билан бирга келдим.
Эшигинг олдига бу юкдан бели дуто ҳолда келдим,
Сен Олампаноҳим эшигига оғизлигим ва зорим билан
келдим,*

*Йиллар сенинг йўлингга бўлдим деб айтолмайман,
Энди бу йўлга юзланган гумроҳ сифатида келдим.
Тўрт нарса олиб келдимки, булар сенинг хазинангда йўқ,
Йўқлик, ҳожатмандлик, узр ва гуноҳ олиб келдим.
Яна дарвишлик дили, яралик дил ва кимсасизликни ҳам,
Буларни ҳаммасини ишқингга даъво сифатида олиб
келдим.*

*Раҳмат кўзини оч, оқарган сочу соқолимга боқ,
Шармандалик туфайли қора юзим билан келдим).*

Шундан сўнг тўлиқ ҳожатмандлик изҳори билан юз марта «Астағфуруллоҳа робби мин кулли занбин азнабтуҳу амдан ав хатаан ав сирран ав алониятан ва атубу илайҳи

²⁸ Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга яратувчи йўқдир, У ёлғиздир, Унинг шериги йўқ ва гувоҳлик бераманки, Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом Унинг бандаси ва элчисидир.

Табаррук рисолалар

мина-3-занбиллази аъламу ва мина-3-занбиллази ло аъламу ва анта аллому-л-ғуйуб»²⁹ дуосини ўқийди. Кейин эса таҳажжуд намозини ўқишга киришади, икки ракаъатдан нийат қилиб, ўн икки ракаъатли бу намозни олти салом билан тугатади. Биринчи ракаъатда «Фотиҳа»дан сўнг «Ояту-л-курси»ни, иккинчи ракаъатда «Омана-р-Расул»ни ўқийди. Қолган саккиз ракаъатида эса «Ёсин» сурасини ўқийди, ҳар ракаъатида «Ёсин»дан ўн оятдан ўқийди. Саккиз ракаъатнинг биринчи ракаъатида «Фотиҳа»дан сўнг то «инно наҳну нуҳнийи-л мавто»гача, иккинчи ракаъатида то «вамо лийа ла аъбудуллазий»гача, учинчисида «ва ояту-л-лахуму-л-арзул-майтату»гача, тўртинчи ракаъатда то «инно ҳамална»гача, бешинчи ракаъатда то «ва нуфиха фи-с-сури»гача, олтинчи ракаъатда то «ва лақад азалла минкум»гача, еттинчи ракаъатда то «ваттаҳазу мин дуниллаҳи»гача, саккизинчи ракаъатда то охиригача ўқилади. Қолган икки ракаъатда эса уч мартадан сураи «Ихлос» ўқилади. Бу хожалар силсиласининг пири Хожа Юсуф Абу Айюб Ҳамадонийнинг тутган йўллари дир. Аллоҳу таъоло уларнинг руҳларини муқаддас қилсин. Баъзилар эса ҳар бир ракаъатга «Ёсин» сурасини ўқийдилар. Шундан сўнг икки ракаъатни ўтириб ўқийди. Ҳаммаси бўлиб ўн уч ракаъат бўлади, негаки ўтириб ўқилган икки ракаъат намоз гўё бир ракаъат ҳисобига ўтади. Бунинг сабаби намозни тоқ ракаъатда тугатишдир, чунки Аллоҳу таъоло субҳонаҳу фард (ёлғиз) дир, бу Каломи Мажидда мавжуд дир.

Бу икки ракаъатда истаган сурасини ўқиши мумкин, аммо саломдан сўнг «Ояту-л-Курси» ва «Омана-р-Расул»ни ўқийди. Орқасидан эса қуйидаги дуо ўқилади. «Аллаҳум-марзуқно хуббака ва хубба ман юҳйика ва хубба мо юқаррибуна илайка. Аллахум-мансур ва насара-д-дийна вансур ман насара аҳла-д-дийна. Аллахум-махзул вaman хазала-д-дийна вахзул манҳазала аҳла-д-дийна. Аллахум-маҳфазно мина-л-иллати фи-л-ғурба-

²⁹ Парвардигорим Аллоҳдан қасддан ёки хато билан яширин ёки ошқора қилган барча гуноҳларимни кечиришини сўрайман, билиб ёки билмай қилган гуноҳларим учун Унга тавба қиламан, (Эй, Аллоҳим), Сен гойибдаги нарсаларни билувчисан.

ти вамина-л-мазаллати инда-ш-шайби ва мина-ш-шақовати инда-л-хотимати ва мина-л-фазийҳати явма-л-қиямати. Аллоҳумма заййин завоҳирано би-хидматика ва биботинано би-маҳаббатика ва қулубано би-маърифатика ва арвоҳано би-мушоҳадатика ва қулубано би-маърифатика ва арвоҳано би-мушоҳадатика ваасрорано би-муойинати жаноби қудсика. Аллоҳумма арина-л-ҳаққан варзуқно иттиботан ва арина-л-батила батилан варзуқно ижтинобаху ва ло такулно ила анфусина ва ла ила аҳадан мин халқика турфату айнин ва ло ақаллу мин золика ва кун лано волиян ва носиран ва ҳофизан ва авнан ва муъийнан ва ала кулли хайрин далилан ва мулқинан ва муаййидан. Аллоҳума роббано атино мимман ҳазара ва мимман ғоба анно ва кулли муъминин ва муъминатин фид-д-дорайн ҳасанатан ё восиъал-мағфират. Аллоҳумма арина-л-ашъа камо ҳийа, Аллоҳумма, саҳҳил алайно би-жудика ва яссир алайно би-жудика ва яссир алайно би карамика, ё акрама-л-акраимийн, ё арҳама-р-роҳимийн. Аллоҳумма туб алайно ҳатта натубу илайка ваъсимно ҳатто ло наъуду ва ҳаббиб илайна-т-тоата ва карриҳ илайна-л-саййиоти би фазлика ва карамика, ё арҳама-р-роҳимийн ва саллаллоҳу ала хайри халқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва асҳабиҳи ажмаъин. (Таржимаси: «Эй, бор Худоё, ўз муҳаббатингни, Сенинг зикринг билан қалблари тирик зотларнинг муҳаббатини ва ўзингга яқин қилганларингнинг муҳаббатини насиб эт. Эй, бор Худоё, кимки динга ёрдам берса, унга ёрдам берса, унга ёрдам бер, кимки дин аҳлига ёрдам қилса унга ёрдам қил. Эй, бор Худоё, кимки динни хор қилса, уни хор қил, кимки дин аҳлини хор этса, унинг ўзини хор эт. Эй, бор Худоё, гурбатдаги иллатдан, қариликдаги шармандалиқдан асра. Эй, бор Худоё, белимизни хизматинг билан, кўнглимизни муҳаббатинг билан, қалбимизни маърифатинг билан, руҳларимизни жамолингни кўриш билан, сирларимизни ўз муқаддаслигинг билан зийнатла. Эй, бор Худоё, ҳақ йўлни кўрсат ва унга тобеъликни ризқ эт, ботил йўлни кўрсат ва ундан узоқлашишни насиб эт, ўзимизни ўз нафсимизга ёки маълукларингдан бирор кимсага бир лаҳзага, ҳатто бундан озига ҳам боғлиқ қилиб қўйма, ўзинг бизга ҳоқим, кўмакчи, сақловчи, ёрдамчи, қўлловчи ва ҳар қандай яхши ишларга йўлловчи, бошловчи ва қувватловчи бўл. Эй, бор Худоё, Парварди-

Табаррук рисоалар

горимиз, ҳозир нарсалардан ва ғойиб нарсалардан ато қил, ҳар бир мўмин ва мўминага икки оламда яхшилик насиб эт, эй мағфирати кенг, (Аллоҳим). Эй, бор Худоё, барча ашёларни қандай бўлса шундай кўрсат. Эй, бор Худо, ўз саховатинг биланбизларга енгиллик ато қил, эй карамлиларнинг қарамлироғи, эй раҳмлиларнинг раҳмлироғи. Эй, бор Худоё, бизга тавбани насиб эт, токи Сенга тавба қилайлик, поклик пардасини сақлагин, токи нопок бўлмайлик, бизга тоатларни севимли қил ва хатоларни ёқимсиз қил, ўз фазлинг ва караминг билан буларни насиб айла, эй раҳмлиларнинг раҳимлироғи. Яратган халқинг ичида энг яхшироғи бўлган Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломга, ул зотнинг оиласи ва дўстларининг барчасига дуо-ю саломларинг бўлсин).

Бу ўн уч ракаъат намознинг савобини барча авлиёларнинг руҳларига ва Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча умматлари руҳларига бағишласа, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ҳар бир ракаъат намозининг эвазига ўн ракаъат намознинг савобини ато қилади. Назм:

*Гар як бидиҳи ту даҳ диҳандат,
Гар шом диҳи саҳар диҳанат.
Ҳар даҳ бидиҳ ба ёди Мавло,
То бар дари дўст раҳ диҳандат
(Сен битта берсанг, У ўнта беради,
Агар шомда берсанг, саҳарда беради.
Аллоҳ ёди билан ҳар ўновини берсанг,
Дўст эшиги томон сенга йўл беришади).*

Балки, ҳар биттаси эвазига етти юз бериши, агар хоҳласа беҳисоб бериши мумкин. Чунончи, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло айтади: «Масалуллазийна юнфиқуна фи сабиллilлоҳи камасали ҳаббатин анбатат сабъу санобила фи кулли сунбулатин миъату ҳаббатан валлоҳу юзоъафу ли-ман яшау валлоҳу восиъун алим».³⁰

³⁰ Аллоҳ йўлида нафақа қилганларнинг мисоли донга ўхшарки, дон ўсади, унда еттита бошоқ бўлади, ҳар бошоғида юзтадан дон бўлади, Аллоҳ кимга хоҳласа, (бундан ҳам зиёда қилиб) икки баробар беради. Аллоҳ эҳсони мўл-қўл бўлган ва (ҳар нарсани) билгувчи зотдир. (Сураи Бақара, 262-оят)

Ва бу савобларни ҳам Худойи таъоло ризолиги йўлида мазкур жамоатнинг арвоҳига бағишлайди ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло фазлидан ва Унинг раҳмат эшигидан иноят ва раҳмат талаб қилади. Унга дуо қилиб, Унинг ўзидан ўзгани асло тиламайди.

Рубоий:

*Аз зиндагиям бандагийи туст ҳавас,
Бар зиндадилон бету ҳаромаст нафас.
Ҳоҳанд зи ту мақсуди дили худ ҳама кас,
Жомий аз ту ҳамин туро хоҳаду бас.
(Ҳаётимдан мақсад – Сена қул бўлиш ҳавасидир,
Қалби уйғоқларга Сенсиз нафас олиш ҳаромдир.
Ҳамма одамлар сендан дилидаги мақсадини сўрайди,
Жомийнинг мақсади эса Сенинг ўзингсан, холос).*

Сўнг ўз пиридан таълим олган Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг зикрига машғул бўлади. Агар вақт кам қолган бўлса, олти ракаъат ё тўрт ракаъат ёхуд икки ракаъат намоз ўтаса ҳам раводир. Агар бирор нарса туфайли тарк бўлган бўлса, тушдан аввал нафл намоз сифатида қазосини ўқийди ва бунда таҳажжуд деб айтиши керак, гўё уни ўз вақтида адо қилган билан тенг бўлади. Агар сафарда ва саҳарда ўқий олмаслигига кўзи етса, туннинг аввалида ўқиб олади. Агар саҳарга ҳали узоқ бўлса, гафлатни даф этиш учун ўнг томони билан қиблага юзланган ҳолда бироз ётиб олади. Сўнг субҳдан аввал уйғониб, таҳорат қилади, бомдод намозининг суннатини уйида ўқийди ва дилининг равшан бўлиши учун: «Ё Раҳмон, ё Раҳийм, ё Ҳайй, ё бадиъа-с-самовоти ва-л-арз ё за-л-жалоли ва-л-икром ё ло илоҳа илла анта асъалука ан тухиййа қалбий би-нури маърифатика абадан ё Аллоҳ, ё Аллоҳ»³¹ дуосини қирқ мартаба ўқийди. Сўнг масжидга боради ва бомдод намозининг фарзини жамоат билан билан

³¹ Ё Раҳмон, ё Раҳим, ё Ҳайй, ё Қаййум! Эй, осмону Ернинг яратувчиси! Эй, уллуғлик ва иззат эгаси! Эй, ўзидан ўзга яратувчи йўқ бўлган Зот, маърифатинг нури билан қалбимни абадий уйғоқ қилишингни сўрайман, ё Аллоҳ, ё Аллоҳ, ё Аллоҳ.

Табаррук рисодалар

ўқийди. Намоздан сўнг ўз жойнамозида (намоз ўқиган жойида) қиблага қараб ўтирган ҳолда ўзи ёки пир ҳузурда айтиб ўтилгандек зикрга машғул бўлади. Куёш бир найза миқдори кўтарилгач, намозни ният қилган ҳолда икки ракъат намоз ўқийди. Бунда «Фотиҳа»дан сўнг беш мартадан сураи «Ихлос» ўқийди. Бундан топган савоби Худойи таъоло ризолиги йўлида юзта қулни озод қилиш билан тенгдир. Бошқа сўзга қараганда тўлиқ ҳаж ёки умрани амалга оширган билан баробардир. Кейин эса икки ракъат истихора намозини ўқийди. Биринчи ракъатига «Фотиҳа»дан сўнг «Кул ё аййуҳа-л-кофирун»ни бир марта, иккинчи ракъатга сураи «Ихлос»ни бир марта ўқиб, саломдан сўнг Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодан хайрият (яхшиликларни)ни талаб қилади ва тавфиқини зиёда қилишини сўрайди. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло унинг кўзини ва дилини яхшилик томонига очади. Агар ундан бирор нуқсон юз берса яхшиликларни ёзувчи (фаришта) ёмонликларни ёзувчи китобнинг ёзишига йўл қўймайди, аммо шу шарт биланки, гуноҳига тавба қилиши, қилмишидан пушаймон бўлиши ва Ҳақ таъоло сари қайтиши керак.

Булардан сўнг, дунё ва уқбо (охират) ишларидан нимаки бўлса амалга оширишга киришади, аммо дили Ҳақ субҳонаҳу билан ҳамиша ҳозир бўлиши керак, агар бунинг уддасидан чиқолмаса, дилида пирини доимо ҳозир тутиши лозим. Куёш бир найзадан ошиб кетгандан сўнг тўрт ракъат чошт(гоҳ) намозини адо қилади. Биринчи ракъатда «Фотиҳа»дан сўнг «Ва-ш-шамси ва-Зуҳаҳа»ни, иккинчисига «Вал-Лайли иза яғша»ни, учинчисига «Ва-з-Зуҳа»ни, тўртинчи ракъатига «Алам нашраҳ» сурасини ўқийди. Агар буларни билмаса ҳар бир ракъатига уч мартадан сураи «Ихлос»ўқийди. Агар завқ пайдо бўлса, ўн икки ракъатгача ўқишга руҳсат бор.

Мавлоно Яъқуб Чархий, Аллоҳ сирини муқаддас қилсин, ўзининг «Унсия» (рисола)сида ёзишича, Пайғамбари Худо саллаллоҳу алайҳу васаллам айтганларки, кимки чошт намозини ўн икки ракъат ўқиса, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бу банда учун жаннатда олтин ва кумушдан бир қаср бунёд қилади.

Чошт намозини тугатгандан сўнг, бошини саждага қўйиб, етти марта «ал Ваҳҳоб», дейди. Бу дуо унинг дилидаги бошқа нарсаларга нисбатан пайдо бўлган муҳаббатни супуриб ташлайди, қалби мусаффо бўлади.

Толиб, қачонки таҳорати синса, тезда таҳорат қилиши ва таҳорат шукри бўлган намозни ўқиши ва дуо қилиши керакки, бу тариқат одобларидан ҳисобланади. Доимо таҳоратда юриш ризқнинг кенгайишига сабаб бўлади. Иккинчи (яъни пешин) вақти бўлгач, уни жамоат билан ўқийди, уч марта бозгашт (тавба) калимасини айтиб, етмиш марта «астағфируллоҳа мин кулли занбин»ни охиригача такрорлайди. Бу эса Набий саллоллоҳу алайҳу васалламнинг: «Инний лаялзамуни ала қалбий ҳатта астағфируллоҳа фи кулли явмин сабъийна марратан»³² деган ҳадисларнинг мазмунига мувофиқдир. Яна то хуфтон намозига қадар ўзини моляъни (беҳуда) сўзларини айтишдан асрайди, буюрилган зикрни айтиш билан машғул бўлади. «Инналлоҳа ло юзибу ажра-л-муҳсинийн»³³ оятининг мазмунига мувофиқ бу ишларнинг савобини Аллоҳу таъолодан умид қилади

Толибнинг бу ишлари гўё беморнинг парҳезига ўхшаган бўлиб, бемор иллатга сабабчи бўлган моддани суриб чиқаришга тайёргарлик кўради, сўнг сурги дорини қабул қилади ва сурги дори жон ҳамда табиатга ўрнашиб олган бузиқ моддаларни ҳайдаб чиқаради ва уни халос этади.

Эй, толиби содиқ, билгинки, ҳар вақт сенга бу азиз давлат муяссар бўлса, ёмон улфат суҳбатидан қоч, балки бошқа шайх ёки унинг муридлари билан ҳам сўзлашма. Борди-ю ўзга шайх ўз пиринг билан ҳамроҳ бўлса, шунда ҳам пирнинг ижозатисиз у билан суҳбат қурма. Чунки ўзгаларнинг суҳбатидан сен учун зарар ва нуқсонлар ҳосил бўлади. Демак, бу йўл толибларига бундай кишилардан қочиш, агар улар тариқат йўлида бўлмасалар, уларга биринчи ўрнида яқинлашмаслик шартдир, вассалом.

³² Мен ҳар куни етмиш марта тавба қилмагунимча қалбимни эркин қўймайман.

³³ Албатта, Аллоҳу таъоло муҳсин бандаларининг ажрини зое қилмайди. (Сураи Тавба, 120-оят).

4. Фикроти Аҳрорийа

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим

Худовандо! Иззатингга қасамки, ягона Зотинг фардонияти васфланган сифатларинг ваҳдонияти сабаблик ибодат қилишга, банда бўлишга Сендан бошқа зот йўқ. Ўзингнинг ҳикмат камолотинг ва туганмас қудратинг билан жамол ва камолот нурларини мавжудотлар дарчасидан зоҳир қилдинг. Хос бандаларингга камолот асарининг мушоҳада воситаси ила Ўзингга йўл кўргаздинг. Қадимий иноят комиллиги билан бир пайтлар илтифот-ла даҳшатдан халос қилдинг. Булардан бошқа тоифаларни ҳам бу асоротлар мушоҳадаси сабаб зоҳир нарсаларга тамоман машғул қилиб, Ўзингдан айирмадинг. Маҳбубларга сув, маҳжуб (Ҳақдан тўсилган)-ларга бало бўлган, Мисрнинг Нил дарёсига ўхшаш: «Кўп кимсалар у (Қуръони карим) билан адашади, кўплар эса ҳидоят топади»³⁴.

Маснавий:

*Оби Ниласту ба Қибтий хун намуд,
Қавми Мусоро на хун буд, об буд.*

(Мазмуни:

*Нилнинг суви Миср Қибтийларига қон бўлди,
Мусо қавмига эса қон эмас, сув бўлди.)*

Худовандо, иззатинг ҳаққи, Ўзинг тарафга йўл кўргизган, Ўзингга етиш йўлларини уларга очиқ қилган, Сенга ҳақиқий ибодат қилиш билан тамоман борлигидан кечган зотлар бор. Мана шу улуғлар ҳурматидан биз ожизларга бандалик ҳақиқати сари йўл кўрсат, биз бечоралар ҳам бир нафас беҳудлик завқини тотиб, ўздан фориг бўлайлик — мусулмонлик ҳақиқатидан бурнимизга хушбўйлик етсин.

Назм:

*Лаззати дарди мусулмонам деҳ
Нестийи нафси зулмонем деҳ.*

³⁴ Сураи Бақара, 26-оят.

*Куфри кофирро—у диндорро,
Зарраи дардат дили Атторро.*

(Мазмуни:

Муслмонлигимиз дарди лаззатини, зулмона (зулм қилувчи) нафс йўқлигини кофир, куфри (куфрни инкор қилишни), диндор динини, Аттор дилидаги дардингдан бир заррани бер!)

Илоҳий, иззатинг ҳаққи, ҳамманинг ниёзмандлигини, қайсарлигини биласан. Ҳамманинг заруратини берасан. Сендан бошқа уларнинг ҳожатини чиқарадиган зот йўқ. Бизларни ўзларимизда бўлган ҳаёллардан халос қилиб, Сенинг наздингда бўлган, Сен учун, Сен ҳақингда бўлган ҳаёллар билан мушарраф қилгин. Камолоти карамингдан бу ҳаёллардан бошқага машғул бўлишимизга бир нафас ҳам қўйма!

Худовандо! Сени кўриш (ҳаваси)га мубтало бўлган кимсага Сендан бошқа кимса ҳечки, Сенинг ваҳдат нурингни кўриш билан бошқанинг шуҳуди зулматидан халос топади.

Агар сўрасаларки, Ҳазрати Хожагон хонадони (силсиласи) дарвишларининг эътиқоди нимадир? Жавоб айтингки, Аҳли суннат вал-жамоат эътиқоди ва бандаликнинг доимийлигидадурки, (бу) ибодатсиз асло тасаввур қилинмайди. Ва ғайрнинг вужуди шуурисиз Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло билан огоҳликнинг давомийлигидан иборатдир, балки бу Ҳақнинг вужуди билан огоҳликдан ҳам кечишдир. У бу улғ саодатни топиш муҳаббати завқийа зуҳуридан иборат жазба тасарруфисиз муяссар бўлмайди. Ҳеч бир сабаб – жазба тариқатидан сулук қилган зот суҳбатидан кучлироқ (таъсирчан) эмас. Агар Ҳақнинг инояти билан бир зот суҳбатига йўлиқтирсаки, у огоҳликдан иборат жазба тасарруфи билан дилларга шу огоҳлик сабаб лаззат ва завқ бахшида қиладиган бўлса, ўз саодатини, бутун борлигини унга таслим қилишда, ўз бахтсизлигини эса, у зотдан юз ўгиришда деб билсин. Ҳамиша ўз вақтини ул зотнинг адабини сақлашга (яъни нигоҳдоштга) сарф қилсин, ул зот ёмон кўрадиган нарсалардан сақласин. Ул зот рози бўлмайдиган ишлар қилмасин: маҳбубини ўзининг маҳбуби қилсин, ул зот табиатан ёмон кўрадиган кимсаларни бу ҳам ёмон кўрсин.

Табаррук рисоалар

Токи бу зотнинг муродидан бошқа мурод унинг сийнаси-дан жой топмасин. Ҳол шу ерга етган вақтда дилда нечоғлиқ пайдо бўлмаса бошқа қонуний тариқатга машғул бўлсинки, кўп шуғулланганлик натижасида ҳақиқати софланиб, шу сафо натижасида унинг динини илоҳий жазба ишғол қилиб, нафий—исбот машаққатидан холос топади.

Билиш лозимки, амаллар мажмуасидан мақсад дилда Ҳақнинг борлиқ зикрини тозалаши(янгилаши)дир, яъни дил Унинг зикридан лаззат топадики, банд бундан бошқа ҳеч нарсадан ушбу лаззатни топа олмайди. Сайр ва ўз вужуди шуурисиз Ҳаққа огоҳлик ва Ҳақ шухудида вуқуфсиз фарқ бўлиш (истифроқ) балки кўнғил кўзида шохидлик ва машхудлик васфини келтирмасдан дил назаридан кўтариш, бутун борлиғини йўқлик (нестлик) денгизида шундай йўқотишки, ундан на феъл, на сифат ва на исм, на зот қолади. Мана шу улуғларнинг фано ва фанои фано ҳақиқати ҳақидаги таъбирларидир. Агар Ҳақ таоло уни бу мақомдан тараққий қилдириб, «бақо баъдал-фано» мақомига етказса, унга иноят қилиб Ўз назидан бир нур бахшида қиладики, киши ўша нур бирла Парвардигорини мушоҳада қилгай. Бу мақомда ҳеч нарса унинг бошини Парвардигор мушоҳадасидан ман қилолмайди. Мана шу саҳв мақомидир. Мана шу ерда ноқислар камолоти учун «бақо баъдал-жамъ», «бақо бадал-фано», «сайрун аъниллоҳ» ва «сайрун биллоҳ» мақомларининг фарқи маълум қилинади. Улуғ—азм пайғамбарлар ва хос авлиёларнинг охири қадами ҳисобланадиган тавҳид, ваҳдат ва илтиҳод камоли бу мақомда зоҳир бўлади. Хос анбиё ва авлиёлар бу мақомга етишни Ҳазрати Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламга зоҳирда—ю ботинда тобеъ бўлишликсиз назарларидан ўтказишмаган. Демак, зоҳирни шариат зоҳири билан разил хулқ ва амаллардан пок қилиш ва ботинни Ҳақдан бошқага илтифот қилишдан озод қилиш лозим.

Мана шу ерда икки олам алоқасидан ҳурлик рақамини бандалик пешонасига тортадилар, чунки тавҳид ҳақида сўзлашга сўз етди. Улуғ машойихлар (Аллоҳ улардан рози бўлсин)нинг муқаддас нафсларидан чиққан сўзларни иқти-

бос қилиб (ажратиб олиб) китобат йўлига тортишни хоҳладим. Бу нарса у ёки бу хатолик ўтган бўлса, ўзимнинг қусурим. Менинг бу хатоим боис бир соддадил улуғларни айбламасин. Чунки инсонийликнинг энг катта мақсади зоҳирни ёмонликлардан халос қилиш, буйруқларга итоат қилиш ҳамда ботинни ўй-фикрлардан тозалашдир, токи дилга Ҳақнинг салтанати тажаллий қилсин, дилни ғайрининг шууридан озод айлсин. Яхшиси, бир нарса ёзайки, башарият алоқаларидаги ифлосликлардан дил ва бадан тозаланишига сабаб бўлсин. Бу Муҳаммад Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга мутобат (эргашиш) йўлисиз ҳеч кимга ҳосил бўлмаган. Бинобарин, завқ арбоблари суҳбати сабаб Илоҳий жазба галаён қилди: агар Ҳақ таоло иноят қилса, бу фақирнинг хотирасидаги ҳақиқатлардан баъзилари ҳамда тавҳид, идтиҳод, ваҳдат ва бошқа мақомлар ҳақида ёзилгай:

Агар сўрасалар: Тавҳид нима? Деб,

Айтгин: Дилни Ҳақдан бошқанинг ёдидан тозалаш ва поклашдир.

Агар сўрасалар: Ваҳдат нима?

Айтгин: Ҳақдан бошқани билишдан дилни асрашдир.

Агар сўрасалар: Идтиҳод нима?

Айтгин: Ҳақнинг борлиғига фарқ бўлишдир.

Агар сўрасалар: Саодат нима?

Айтгин: Ҳақни кўриш билан ўздан халос бўлишдир.

Агар сўрасалар: Шақоват — бахтсизлик нима?

Айтгин: Ўзи билан оввора бўлиб Ҳақдан қолишдир.

Агар сўрасалар: Васл нима?

Айтгин: Ҳақ вужуди нурининг шуҳуди (мушоҳадаси) сабаб ўзни унутишдир.

Агар сўрасалар: Сакр нима?

Айтгин: Дилда бир ҳолатнинг кўринишики, ўша ҳолат зоҳир бўлмасдан олдин бир нарсани яшириш вожиб бўлиб, ўша ҳолат зоҳир бўлгандан кейин шу нарсани яширишга дилнинг қуввати етмайдиган ҳолатдир.

Нигоҳдоштга машғул бўлишда нафсининг кириб чиқишига доим огоҳ бўлиш лозимки, асло «хузур маъаллоҳ»га

Табаррук рисоалар

футур етмасин, ҳамиша дил нигоҳдошти ҳеч қийинчилик-сиз, ушбу ҳолатда бўлсин. Баъзида дилни бундан чалғитадилар. Унинг на ўзидан, на вуқуфи қалбидан хабари бўлади. Шунда киши ўзига келган вақтда нигоҳдоштга вазифасига кўра огоҳликка қаттиқ ҳаракат қилсин, токи нафсоний алоқалар сабаб дилига футур етмасин. Шикасталик билан Жаноби Ҳаққа илтижолар қилиш нигоҳдоштнинг доимий бўлишига сабаб бўлганлиги учун ҳамма вақт Ҳақдан илтижо қилиб бунинг боқий қолишини сўрасин. Чунки агар у бутун умри давомида нигоҳдоштда саъй қилган бўлса ҳам унинг ҳақиқатига ўтмаган бўлиши мумкин.

«Бир нарсага зомин бўлганнинг қарзи ўтирмайди» сўзи гўё шунинг шаънидадир. Нигоҳдоштда дил қарор топса, унинг назари Ҳақнинг ҳозир эканлигини кўриб ҳоли шоду хуррам бўлади. Назм:

Шодий жовид кун аз дўсти ту,

То нагунжи ҳамчу гул дар нўсти ту.

(Мазмуни: Гулга ўхшаб ўз нўстингда қолмаслик учун доим дўстинг билан шодлик қил!)

Бу иффат қувватли бўлганда иймоннинг ҳақиқати — эҳсонга («Эҳсон — кўриб турган каби Аллоҳга ибодат қилмоқлигингдир» деган Пайғамбар (с.а.в.) сўзларига ишора) унинг дили эга бўлади. Баъзилар бу ҳолатнинг ҳосил бўлишига «мушоҳада» дейдилар. Баъзилар эса огоҳликнинг давомийлигидан иборат бўлган ёддоштга мушоҳада деганлар. Агар бу мақомда бузгувчи алоқалар монёв бўлмаса, унинг вужудга келиши шубҳасиздир. Зоҳир амалларда, уни (шу пайтда) «етишган» деб ҳисоблайдилар ва унга бу йўлда мустаъдилар (тариқатга янги кирганлар) билан суҳбат қуриш, уларни тарбия қилиш ва ижозат ҳам берадилар.

Агар дил назарига ҳали бир нарса етмасдан қолган бўлса, унинг ҳоли шавқ ва изтиробга тўла бўлади. Анбиё ҳамда авлиёларнинг ҳеч қайсидан бу ҳол кетмаган. Худойи таоло ўз дўстларидан шодлигу андуҳ, иштиёқу завқни Қиёматда учрашгунча айирмаган. Агар комил зотларга умри давомида бир лаҳза тажаллий (нур) мушарраф бўлса дарҳол уни адаб билан қабул қиладилар. Ушбу тажаллий сабаб уларнинг ис-

теъдоди янада қувватланиб, ўша миқдорда Унинг ниҳоясиз жамол нурига бўлган иштиёқ ҳосил бўлади. Ҳар бир тажаллий (жилоланиш) истеъдоднинг ҳосил бўлишига, ҳар истеъдод янги тажаллийга сабабдир. Ҳар нафасда уларнинг ташналиги зиёда бўлади. Тажаллиётнинг зилол сувидан қанча ичсалар ҳам ташналик кўпаяверади. На уларнинг жамол ташналигидан нуқсон, на Файёзи ҳақиқий (файз бергувчи Зот) тарафидан ҳақиқий файз сувларини тўхтатиш юз беради.

«Мо зоғал басару ва мо тағо»³⁵ ояти мана шу иштиёқнинг ҳосил бўлишига ишорадир. Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) доим тафаккурда, ҳамиша ғамгинсифат эдилар. Чунки басират назар(қалб кўзи)лари бошқага (ғайрга) илтифот қилмас эди, ул зот кўз эгрилигига мубтало бўлмаганди. Чунки аниқ фикри, камолоти сабаблик, Ҳақ тарафга эди, ғамгинлиги фикрни чалғитадиган нарсаларга эди. Топган нарсасига (олий мақомларга) шодланмас, таажжубланмас, балки ўта камтарлиги боис, топмаган нарсаларга назари қаратилган эди. «Мо тағо» (олий) ҳиммати васфида келган.

Дил Ҳаққа огоҳлик саодатига мушарраф бўлмаган бўлса—ю, агар дилга бир лаҳза огоҳлик одатда етса на дили, на тили қолади, чунки дилнинг огоҳ бўлиши жами баданга Илоҳий файз етишидир. Агар огоҳлик сабаб бўлиб Илоҳий файз етса—ю, огоҳлик йўқолса, инсоннинг вужуд биноси тамоман хароб бўлади. Лекин ғайрнинг мавжудлиги огоҳликни йўқотолмаса, Ҳақдан тўлиқ насиба олади. Демак, ғайрдан огоҳликнинг холи бўлиши айни саодатдир. Ҳузур мақомида ўз вужудига берилиши эса айни пушаймонликдир. Ҳузур мақомида Ҳақ билан бўлиб, ўзни ўз назарида йўқотолган ва мушоҳада кўзига Ҳақдан бошқа машхуд (мушоҳада қилган) кўринмаган киши абадий ҳаётдир. Бу мақомда агар Ҳақдан бошқа ҳар қандай нарса (унинг назарида) йўқ бўлса, ҳатто йўқлик шуъури ҳам йўқ бўлса, уни фоний дейдилар. Агар инсоният илтифоти ҳалигача бўлса, биладики, мартабалардан мартабаларга етишиш ғайрдан тўхтаб огоҳликка эришишдир. Агар айтсам бунинг шарҳи беҳад бўлур.

³⁵ (Ҳазрати Муҳаммаднинг) кўзи (меърожда) хато қилмади ва мақсаддан тажовуз ҳам қилмади. (Сураи Нажм, 17-оят)

Табаррук рисоалар

*Бас кунам худ зийраконро ин басаст
Бонг ду кардам агар дар даҳ касасат.*

(Яъни:

*Бас қилдим, зийракларга шунинг ўзи етарлидир,
Агар ўн киши бўлса ҳам икки марта бонг урдим?!)*

Агар ҳаёт давомида дилни суварий ва маънавий алоқалардан узишнигина хоҳласанг, бу йўлнинг охирига етолмайсан, чунки ҳар нафийга исбот, ҳар исботга нафий лозимдир. «Айтгин, Парвардигорим, илмимни зиёда қилгин!» буйруғи мана шунга далил, «Парвардигоро, Сенга ҳайратланишни зиёда қилгин!» сўзи мана шунга огоҳлантиришдир. Лекин табиий лаззатлардан тийилиш миқдорида, «Албатта, Биз чиройли амал қилгувчиларнинг ажрларини зое қилмаймиз» ваъдасига биноан ва «Кимки Мен томонга юриб келса, унга Мен югуриб бораман» (ҳадиси қудсийсидаги) ҳукмга мувофиқ ташналар жомига васл шарбатидан висолнинг зилол суви томади! Ҳаёт робитаси ажал (ўлим) билан тўхтаб қолмайди, Қиёматгача (учрашув кунигача) бу шароб уларга таскин беради. Табиий насибаларга машғул бўлиб, фитрат сафосини кудуратга айлантирмаган кишига бу саодатга етиш ғайрнинг мавжудлигини шуъур қилишдан сақланишсиз бўлмайди. Ва маъно нигоҳдошда холи жойда ва анжуманда баробардирки, аслида огоҳлик сафоси анжуман (кўпчилик бор жой)да лозимдур, чунки у ерда ўзни кўпроқ топади. Бу йўлда юргувчининг ғами мақсадга етмасдан тугамайди. Мақсадга етишда ўз вужудидан (ҳар хил ўй-фикрларидан) ҳазар қилади. Пайғамбар (с.а.в.)га эргашиш мустаҳкам тоғдек (таянч) бўлади. Аҳли жамият суҳбатига ҳарис бўлиб, тафриқа аҳли билан суҳбат қуришдан қочади. Етишишга монёъ бўладиган нарсалардан халос бўлиш жамият аҳли (ўй-фикрларини бир ерга жамлаб билладиган зотлар) билан доим суҳбат қуриш, уларга ихлос кўйиш билан бўлади ва уларнинг ҳимматларидан мадад сўраш, улар учун тану молини фидо қилиш билан бўлади. Худойи таоло муҳаббат тариқагига муяссар қилсагина бу тоифа (авлиёуллоҳ) назарига тушишга мушарраф қилади.

(Киши) Ўзининг саодатини уларга хизмат қилишликда, бахтсизлигини эса улар суҳбатидан узоқлашишликда деб билсин. Унинг мунис бўлиб қолиши пирнинг пешонасида зоҳир бўлган нур шуъласидан бошқа нарса эмас. Агар Илоҳий иноят унинг ҳолининг тадоригини қилса, унинг басират кўзини пир оинасида зоҳир бўлган жамолга фарқ қилади. Фарқ бўлиш вақтида назарида ойна ҳам қолмайди. Бу ҳолатда унинг таважжуҳи Тавҳид Каъбасига юзланади, унинг басирати олдидаги зоҳирий деворлар олинади. (Ҳазрати) Халилуллоҳга ўхшаб ўз-ўзига бундай дейди:

«Пир кимлигини биласанми? Пир – Пайғамбар розилиги йўқ нарса унда йўқ, балки ўз борлигидан ҳам кечолган зотдир. У ойнадек (соф) бўлиб, унда набавий сифат ва хулқларгина мужассам». Бу мақомда набавий (пайғамбарона) сифатлар билан сифатланиш воситаси ила Ҳақ таоло тасарруфи зоҳир бўлади ва у зот Илоҳий тасарруф билан тариқат талабгорлари ботинини тасарруф қилади. Ўзидан тамоман фориг бўлиб, Ҳақнинг муродигина унда қолади.

Назм:

*Аз баски дар канор ҳаме гирад ин нигор,
Бигирифт бўйи ёру раҳо кард бўйи тийн.*

(Яъни, Хулласи калом, ўшал нигор ўз қучоғига олса, тупроқ (лой) ҳиди йўқолиб, ёрнинг ҳиди (борлигини) эгаллайди.)

Мурид шулки, иродат (ихтиёрини пирга топшириш) оташи таъсирида унинг тамоман борлиги куйиб кетган, ўз ихтиёридан ҳеч нарса қолмаган бўлади, у дил басирати билан пир оинасида жамолини кўради. У ҳамма тарафдан юз ўгириб, қибласини пирининг жамоли қилиб олади ва озодлигидан маҳрум бўлиб пирига қул бўлади. У пирининг остонасига бош қўйганча ҳамма нарсадан юз ўгириб, ўз саодатини пир қўлида, бахтсизлигини эса пирнинг рад қилишида деб билади. У йўқлик рақамини вужуд пешонасига тортган, шуъур тафриқидан халос бўлган бўлади.

Табаррук рисолалар

Байт:

*Овроки дар саройи нигор фориғаст
Аз боғу бўстону тамошайи лозазор.*

(Мазмуни:

Ёру нигор саройида бўлганлар боғу бўстон, лозазорларни тамоша қилишдан фориғдирлар (яъни, шундай ажойиб гулзорларни ҳам тамоша қилишни ёқтирмай қоладилар.)

Мақсад қилинган тажаллий нурлари ҳамиша зоҳирдир. Дил ва жону тан ҳаёти ўша нур билан боғлиқ. Агар (ҳатто) мавжудотлар зоҳиридан (ўша) бениҳоя нурлар партавининг битта ярқираши тўхтаса, барчасидан асар ҳам қолмайди. Ақлдаги донолик ундан, дилдаги ташналик ўшал ирода нурларидан бир партав. Кўлдаги қудрат (кироий) оёқдаги равонлик, кўздаги кўрувчанлик ва қулоқдаги эшитувчанлик ўшал тажаллий таъсирсиз маҳол. Хулоса шулки, ҳамма У билан ҳамма, У сиз ҳамма ҳечдир. «Бўлган нарса У билан бўлган, бўладиган нарса У билан бўлади». Баъзида (Ҳақнинг) инояти (иродаси) сабабли дилнинг (ҳеч қандай) иллатисиз (фақат) паст мақсадлар ташвиши асносида тажаллий, ярқираши тўхтаб қолади ва муқаддас оламда мунислик ватанидан иборат бўлган жойидан узоқлашиб қолади. Шундай киши ўзининг ҳавойи иродасини ибодат қуллигида, маъно арбоблари айтганидек, жаҳаннамга олиб борадиган йўлдан халос қилсин ҳамда ўзини дилнинг оромига сабаб бўладиган «хузур маъаллоҳ» ҳақиқати билан ўз вужуди шуҳуди заҳматисиз Ҳақ таоло билан — Ҳақ билан бўлиш, энг муқаддас оромдир, мушарраф айласин.

Байт:

*Аз пайи ин айшу ишрат сохтан,
Сад ҳазорон жон бибояд бохтан.*

(Мазмуни:

Бу айшу ишрат пайида бўлиш учун юз минг жон бўлса ҳам боғлаш лозим.)

Мушоҳаданинг маъноси: Модомики, руҳ бу баданга тааллуқли бўлиб тураркан, Ҳақ Субҳонаҳуни кўз орқали

кўриш мумкин эмас. Ниҳоясиз нурлардан битта яшини руҳ ва баданларга тегса, жумла борлиғ йўқ бўлиб, улардан на ном ва на нишон қолади. Бу шундай маънодаки, дил савту ҳарфдан пок зикр ҳақиқатига доимий такрорлаш воситаси ила эришолса дил, ҳақиқатда, бошқа нарсани (ўзига) сифдиrolмайдиган даражага етади. Ушбу ҳолатда дилни мушоҳид (мушоҳада қилувчи), Ҳақни эса мушоҳад (мушоҳада қилинувчи) дейдилар. Бу мушоҳададан камоли завқу шавқ ҳузур сифатида унинг огоҳлиги (шуъур заҳмати)сиз ҳузурий мушоҳада билан бўлса, шу вақтда қўлга илинади. Ҳузурда шуъур қанча миқдорда бўлса, Ҳақ ҳузурда шунча нуқсон бўлади. Дилнинг башарият кўзи билан Муқаддас Зотни кўриш ундан—да қийинроқ бўлади. Шунинг—чун назарий олиб қараганда, висол зилолларига ташна кимсалар, (фақат) сиррий мушоҳада билан таскин топмайдилар, балки бу шаробдан уларнинг ташналиги зиёда бўлаверади. Барча ишларнинг ҳақиқатини Аллоҳ билгувчидир.

Мутлақ Ҳаким бўлган зот одамзотни табиий боғланишларга мубтало қилган ва тақозолар юкини унинг устига ташлаган. У шулар сабабли маҳжуб (тўсилган) бўлиб қолган, лекин (шундай бўлса ҳам) Жамолнинг тўсилишидан ҳам мақсад ҳосил бўлади. Ушбу ҳолатда ҳам ағёрга қуллик қилишдан халос бўлишга таклиф қилинган, (буюрилган). Балoга йўлиқтириш ва яна таклиф қилиш жиҳатданки, ҳар иккиси Ҳазрати Ҳақ таолонинг феълидир. Айни ҳикматдир, адлдир, фазлдир. Инсониятнинг ақли Унинг ҳикмати моҳиятига, агарчи, етолмаса ҳам, лекин басират кўзи табиий ғашликлардан пок бўлса, Ҳақни орзу қиладиган, у тарафга тортадиган дил ойнаси Жамолни кўришга монeъ нарсалардан халос топиб, илоҳий таклиф ҳикматини мушоҳада қилолгай ва дилни Ҳақдан узоқлаштириб, нафс ўз ҳазлигига тортадиган ибтило (балoга йўлиқиш — синов) жиҳати зоҳир бўлгай. Зеро, дил Ҳақнинг илтифот асарининг мазҳари бўлганлиги учун ундаги қобилият миқдорида илоҳий лутфни қабул қилади. Дилнинг таважжуҳи ҳамиша бу нур тарафга бўлади, асли вусул иштиёқида беқарор ва саргашта бўлади. Бир нафас ҳам изтироб чекишдан тўхтамайди. Унинг

тамоми ҳиммати ўртаниш ва куйишдан бошқа нарса эмас. Шу жиҳатданки, нафс Парвардигорнинг қаҳр мазҳаридир, ҳамиша унинг таважжуҳи ҳақиқий саодатга етишдан маҳрум қолишга сабаб бўладиган нарсагадир. Унинг изтироби эса бу оламдаги насибаларга етишишдан бошқага эмас. Унинг тамоми ҳиммати эса пастлик тарафига (таназзул) боришдан бошқа нарса эмас. Иблиснинг замин тарафга майл қилганлиги сабабини шу ерда фаҳмлаш мумкин. Чунки одамзотда дил ҳамда нафс бор. Бу икки нарса шундай истеъдодга эгаки, қаҳр ва лутф сифатлари уларда акс этади, ҳамиша жамол ва жалол нурларининг асари зоҳирий деворларида кўришиб туради. Лекин одамзотда илоҳий сифатлар зуҳури унинг истеъдодига боғлиқ. Агар илоҳий иноят одамнинг кўзи олдидан пардани кўтарса, инсонийлик ҳақиқати зоҳир бўлмай, унда сифатлар жамолнинг нурлари доим чароғон экан. Демак, сенда одамзотнинг мухтор (ихтиёрлик) эканлигида ҳеч шубҳа қолмади. 'Мухтор бўлишда ихтиёр йўқ. Бу худди бошқа сифатлар – эшитиш, кўриш, ирода, муҳаббат ва қудрат сифатлари билан сифатланишга ўхшайди. Лекин инсоннинг истеъдод арифида ихтиёр суви оламнинг обод бўлишига сабаб бўладиган миқдорда Ихтиёр денгизидан оқади. Ҳақиқати ҳолни Аллоҳ билгувчироқдир.

Маҳбублик мақомида лозим бўладиган Мустафо (с.а.в.) мутобаатига боғланган жазаба таъсирисиз носут қафасига қамалиб қолган лоҳут қушини қутқариш муяссар бўлмайди. Бунга «Агар ҳар бир мавжуд нарса унга юзланган ва у билан ҳақиқатланадиган Ҳақиқатлар ҳақиқатига юзланмоқчи бўлсанг, сенга Расулulloҳ (с.а.в.)га итоат қилиш лозимдир» сўзлари ҳақлигини тасдиқлаган. «Ва ҳува маъакум»³⁶ қаердан келганлигини билмайсанми?

Назм:

У бамо аз мо басе наздиктар,

Донад он кас кў з худ дароад хабар.

(Мазмуни: У бизга бизлардан ҳам шундай яқинроқки, Уни (фақат) ўзидан хабари бор одамгина билади.)

³⁶ «У (Аллоҳ) сизлар билан биргадир (яъни, нима иш қилсаларингиз, У барчасидан хабардордир)...» (Сураи Ҳалид, 4-оят)

«Эҳсон — Аллоҳга уни кўриб турганингдек ибодат қилмоқлигингдир». Эҳсоннинг ҳақиқати Ҳақ таолонинг шуҳуди интизориди доимий бўлишдан хабар беради. Бу олий аҳамият тарафига кўз ва қалб кўзини жам қилиш (Ҳаққа) юзланиш ва (Ҳақдан бошқа нарсалардан) юз ўгиришсиз муяссар бўлмайди. Демак, ҳиммат арбобларига янги нафаслари билан тамоми борлиқлари ила мақсаддан бошқасини унутишга сарфласинлар, токи Ҳақ таолонинг «Амалини чиройли қилган кимсаларнинг ажрини Мен зое қилмайман» далили билан ҳамда «Ким менга юриб келса, мен югуриб бораман» сўзларининг ҳукми сабаб ўзидан бошқасига шуъур нисбатидан жазба таъсири билан уларнинг ҳақиқатини халос қилгай ва (Ҳазрати) Муҳаммад (с.а.в.) ва ул зотнинг умматлари унга эргашганлари сабаб хос бўлган давлатдан баҳраманд айлагай! «Мана шу катта нажотдир» Инсоннинг тоқати етгунча айтилди, ортиқчаси мумкин эмас.

Золика хувал-фавзул-кабир ва лайса вароаллоҳи мунтаҳо. Аллоҳумма иннамо ямши ила мармоҳу ва инна ило Раббикал—мунтаҳо³⁷.

Бул азизлар ва ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаъинларнинг муқаддас нафасларидандир.

Дунёнинг ҳаммаси ортиқчадир, магар беш нарсаси (ортиқча эмас). Жонни сақлаб турадиган нон; ташналикни кетказадиган сув; сатри аврат бўладиган либос; амал қиладиган илм; унда яшайдиган маскан.

Ҳаётда (ҳақиқатга) йўлиқиш бир кимсага насиб қиладик, унинг дили дунёдан совиб, Ҳақ зикри билан гарм бўлган бўлса. Қалбининг ҳароратидан дунё муҳаббати дил кўрғонига тажовуз қилмагай, токи Ҳақ субҳонаҳудан бошқа ҳеч ким андишасига келмасин.

Ул Ҳазрат (Ҳақ таоло)нинг жазабаси уларнинг ҳақиқий фитратларида бўлган собиқ зотлар жамоли мушоҳадаси интизори доимийлигидан ва ул Зотга егишиш шукуҳида зори уларнинг басират назари худди муҳаббат ғалабасидан зоҳир, ғойиб эмас. Айтиш мумкинки, аҳамият воситаси би-

³⁷ Мана шу улуг фазлдир. Аллоҳдан ўтадиган ҳеч бирса йўқдир, барча нарса Унинг ҳифзу ҳимояси, ихотасидадир...

Табаррук рисоалар

лан басар ва басират, яна назари басар ўшал жамолдан ғойиб эмас. «Субҳонаҳа ло вақаъа басарун илло аълайҳи»ни шул жиҳатдан айтилган дейиш мумкин.

Бузругларнинг қудсий нафасларидандир. Қачон камолотга яқин келса, кўриш ҳисси бир даража пайдо бўлади, бундан зиёда сурат боғланмайди: «Лав кашафал ғитоу мо издадат яқино»³⁸. Баланд ҳиммат кимса шулки, ўзининг идрок қилувчи қудратини кучи етганча Ҳақ субҳонаҳу билан машғул қилади. Зеро, фурсатни ғанимат билиб, ҳар бир нафасини Худовандга сарф қилмоқ даркор.

(Агар) ушбу қувват бўлмаса, Ҳақ таоло билан машғул бўлишга сабаб бўладиган нарсага сарф қилмоқ керак.

Эй, Инсон! Ҳаракат қил, токи инсонийлик мартабасидан ўтгайсан ва мардлик мақомига етгайсан. Сен Инсон киму мард кимлигини билмоғинг керак. Билгинки, инсон «жоҳаду фийно»³⁹ майдонида «Ло» тигини қўлига олган мубориздир. У Аллоҳнинг душманлари нафс ва шайтон билан бирга жангга киришган. Мард эса тавҳид тиги ила ғайрнинг бошини олган ғозийдир. У жангу жадал ташвишидан фориғ бўлгандир. Бул иккисидан бошқа яна бир тоифа борки, уларни чорполар қаторидан санаса ҳам бўлади. «Улоика кал-анъоми бал ҳум азалл»⁴⁰.

Назм:

Қурб не бало—у настий рафтанаст,

Қурби Ҳақ аз қайди ҳастий растан аст.

(Қурбат (Аллоҳга яқинлик) баланду настда юриш эмас (каромат кўрсатиш дегани эмас). Балки Ҳаққа яқин бўлиш бу ўзлик — борлиқ, манлик занжиридан қутилмоқдир).

Ҳужжат ул-ислом Имом Ғаззолий айтганлар: «Сенинг борлигинг шулки, сенинг маълумингдир. Ҳақ субҳонаҳунинг борлиқ зикри сабаб огоҳлик ила ўз маълумингдан халос бўлсанг (мана шу) борлиқ қамоғидан озод бўлганингдир».

³⁸ «Агар ёпинчиқ (қопқоқ) кўтарилса, яқин зиёда бўлур».

³⁹ «Бизнинг йўлимизда жидду жаҳд айлаган».

⁴⁰ «Улар (кофирлар, мушриклар) ҳайвонлар кабидирлар, балки ҳайвонлардан ҳам бадтардирлар». (Сураи Аъроф, 179-оят.)

Ҳақ субҳонахунинг тажаллийси таъсиридан ҳар дилда иродат сифати билан (бирор бир) ҳаракат ҳосил бўлса, ушбу неъматни улуғ санаб, унинг шукрига қойим бўлсин. Бутун борлигини Ҳазрати Ҳақ субҳонахунинг ибодатига сарф айлаб, уламо ва авлиёларнинг энг улуғлари қилган ишлари бўйича амал қилсин. Ўз ақидасини аҳли суннат вал-жамоат тариқасига кўра тузсин. Чунки нажот топган фирқа ҳақиқатан ҳам ушбу жамоадир. Ҳақ субҳонахуға ҳамда анбиё (алайҳис салоту вассалом) Ҳақдан келтирган (хабар берган) ғайбий ишлардан бўлган қайта тирилиш, ҳашр бўлиш (жамланиш), жаннату дўзах, ҳисоб-китоб, гуноҳу савоб ва бошқа нарсаларга нисбатан аслий эътиқодларини тузатсин. Ушбу ақидаларнинг ҳукмини бажаргандан сўнг бутун ҳимматини ибодатларнинг дурустлиги усиз муяссар бўлмайдиган илми ҳосил қилишга сарфласин. Таҳорат, намоз, рўза ва агар моли бўлса закот илмидан (ўргансин). Уламолар ихтиёр қилган ва қасд қилган тариқада никоҳ, зиҳор, ийло ва каффорат илмларидан (ҳосил қилсин). Ҳақиқатан оламга раҳмат бўлган уламоларнинг мулозаматидан сўнг бор ҳимматини суварий ва маънавий нарсалардан кечиб бўлса ҳам авлиёлар тариқатига сарф қилсин. Ҳақ субҳонахудан бошқага машғул бўладиган ҳар қандай сабабларга илтифот қилишдан ҳимматини сақлаб, суварий ва маънавий алоқалардан узилишга жони билан ҳаракат қилсин. Ҳамиша тамоми ожизлиги ила шунга машғул бўлиб турсинки, Ҳақ субҳонаху уни борлиғидан ва ғайрдан асраб, ўзининг холис инояти ила Ўзига машғул қилиб, бор нарсалардан тамоман озод қилсин. Хусусан, Хожагон ва унинг халифалари тариқатига машғул бўлишга тамоми борлигини бермоқ керак. Зеро, ушбу тариқат жами авлиёларнинг тариқатларини (ўзида) жамловчидир. Шунингдек, дунёдан – ейиш, кийиниш ва маскандан зарурат миқдорида кифояланмоқ керак. Чунки усиз авлиёлар тариқатида юриш қийин бўлади. Агар биродарчилик (одамлар билан борди-келди қилиш) зарурат миқдорида бўлса, (яъни) ҳиммати биродарларнинг хизматига сарф қилинса, беминнат қилгай. Ушбуларни Ҳақдан билиб, шунга рози бўлмоқ керак. Тамоми ўзлигини эса ушбу

Табаррук рисоалар

улуғ хонадондан чиққан бузруглар тариқатига машғул айлаб барча лаззатларга рағбат қилишдан кечиб, Ҳақ субҳонахудан сўрасинки, зикр ҳаловатини топиш билан барча лаззатлардан халос айласин. Токи Зоти таолонинг зикри Унинг зотининг сифати бўлиш давлатига (даражасига) етсин. Яъни ҳеч бир нарса билан унинг ҳақиқати Зоти таоло зикрини ундан узоқлаштира олмасин. Ушбу саодатнинг ҳосиласини «Жамиъу шоҳид» деганлар... «Жамиъи мушоҳада» деганлар. Зоти тажаллийни барисига тобеъ қилиб, Аллоҳнинг (ҳақиқий) бандалари ораста қилган зикри ҳақиқийси шундан мурод деганлар. Бу эса очиқ—равнан хузур берадиган «Ёддошт»ни ҳосил қилишдан иборатдир. Инсонийлик ҳақиқатини жойига қўйгандан сўнг аҳли суннат вал-жамоатнинг саҳиҳ ақидаларига ҳамда ибодатлар бино бўладиган аҳкоми шаръияни билишга машғул бўлсин. Фарзу суннат намозлари, таҳажжуд, сўфийлар ва баъзи уламолар ихтиёр қилган шукруъ вузуъ, чоштгоҳ ва ишроқ намозларига доим эътибор берсин. Ҳар бир нафасида Хожагонлар қарор қилган тариқатдан завқ олишга ҳаракат қилсин. Агар зарурий рўзгор ишида биродарларидан мадад етмайдиган бўлса, зарурат миқдорида бирор касб ёки тижорат ёки бошқа иш билан машғул бўлсин. Шундай миқдордаки, заруратига кифоят қилсин. Маскани агар баланд—яхши ва ёки бошқача бўлиб, ўзига кифоят қилса, жуда улуғ иш бўлади. Ейиш агар оёқдан қолмайдиган миқдорда бўлса, қаноат бисёр яхшидир. Кийиниш агар иссиқ—совуқдан асрайдиган миқдорда бўлса, етарлидир. Токи уларнинг иштаҳаси (кўнгил тусаши) зикр ҳаловати ва шухуд давлати сабабдан йўқ бўлсин. Агар Ҳақ Субҳонаху ва бошқаларнинг маслаҳати учун (яхшилик исташи) баъзи бир насибалардан аъло қилса, унга ва бошқаларга нисбатан яхшилик хоҳлагани бўлади. Агар дил биродарлар суҳбатида зикр воситасисиз нигоҳдошт ёки ёддошт шарафига мушарраф бўлса, бу жуда катта неъматдир. Бутунлай ҳимматини суҳбатдан топган нигоҳдоштга сарф қилмоқлиги лозим. Суҳбат адабларини сақлаш, суҳбатга ҳарисманд бўлиш шулар жумласидандир. (Лекин) нафсоний ҳазлардан (хоҳишлардан) пок бўлгай.

Биродарларининг айбларидан, уларнинг мубоҳа муродларини юзага чиқаришдан гофил бўлгай. Хусусан, хоҳиш—истакларнинг баъзиси мустаҳаб, баъзиси вожиб ҳамдир, шулардан биродарлари учун сидку ихлос ва беътироз ила бўлишида жазаба ҳосил қилишда улуг таъсирлар бор.

Ушбу тоифанинг мансублиги: «Аллазийна оману ва татмаинну қулубухум бизикриллоҳ. Ало бизикриллоҳи татмаиннул-қулуб»⁴¹ оятигачадир. «Ҳақиқат уз—зикр тард ул—Ғафлати» — зикрнинг ҳақиқати дилдан гафлатни узоқ қилишдир. Зикрнинг ҳақиқати, дарҳақиқат, арабий ва форсий ҳарфу овозлардан покдир. Агар жамъият арбобларининг суҳбатидида сидқидил билан, ғоятда камтарлик билан ўтирадиган бўлса ҳамда бутун ҳимматини Ҳақ субҳонаҳу ўз иноятини унинг дилини бошқага илтифот қилишдан асраб, Ўзига машғул қилдиришга сарф қилган бўлса, агар шул вақтда дили Ҳақ билан жамъ бўлиб, ғайрдан холи бўлса, ушбу жамиятнинг доим бўлишини ғанимат билсин. Тамоман назарини ушбу муносабатни сақлашга қаратсин. Шундай қилсинки, дилда Ҳақнинг огоҳлигидан бошқа ҳеч нарса бўлмайдиган бир ҳолат бўлсин. Агар у тамоман ўзлигини унутиб, Парвардигордан огоҳ бўлса, бу камоли иноят ҳисобланади. Бир вақт у ўзига келса, бутун ҳимматини дил нигоҳдоштига машғул қилсин, токи дилдан огоҳлик кетмасин.

Зикр ҳақиқатини Ҳақ субҳонаҳуга огоҳлик эканлигидан бошқача таъбир қилиши мумкин эмас. Ул зот билан огоҳлик дилнинг сифати бўлмоғи керак. Чунончи, кўриш кўзнинг, эшитиш эса қулоқнинг сифати бўлганидек. Агар бир кишида огоҳлик ниҳоятда кучли бўлиб, огоҳлик шуурини сезмайдиган даражага етган бўлса, у шуҳуддаги истироқнинг бир тури ҳисобланади. Агар бир кимсада Ҳақнинг огоҳлигидан иборат бўлган нигоҳдошгидида мувозабат қилганлиги сабабидан ҳақиқат арбобларининг мақсадларидан воқиф бўлган бўлса, у шуҳуд, ҳузур ва шоҳид (сифатлари)га

⁴¹ «Улар (сидқидилдан Аллоҳга йўналганлар) иймон келтирган ва Аллоҳни зикр қилиш билан қалблари ҳузур-ҳаловатга тўлган кишилардир. Яхши билингизким, қалблар (фақат) Аллоҳни зикр қилишлик билангина ҳузур-ҳаловат, таскин топар». (Сураи Раъд, 28-оят).

Табаррук рисодалар

яқин бўлади. Балки аҳли вилоятда бўладиган мушоҳадага ётади. У огоҳлик таъбир қилинадиган ёддоштнинг ҳосиласи давомидан иборатдир. Ундаги истиғроқ эса баъзи вақтларда бўлиб, вужуд ва адам (борлиқ ва йўқлик) ҳосиласидан иборатдир. У Ҳақ субҳонаҳу завқи йўлида дил майлининг галабаси бўлган жазаба тасарруфига бўйинсунади.

Шу тариқа умумий мақсад муҳаббату таъзим сифатлари ила Ҳаққа огоҳлик ҳамиша дилда бўлмай. Буни сақлашнинг энг осон йўли шуки, нафасни киндик остида тутиб туриб, лабни лабга, тилни оғизга ёпиштириб (зикр) қилинади. Лекин нафас ичда жуда танг бўлмаслиги керак. Нафас олиш ва чиқариш ва икковининг орасида огоҳ бўлмоқ керак. Дилда завқ ва огоҳлик узоқ бўлсин. Агар айтилган мана шу огоҳлик суҳбатда қўлга киритилса, зикрнинг хулосаси ҳосил бўлган бўлади.

Зикрнинг руҳи ва мағзи шулки, дил Субҳонаҳу таоло билан огоҳ бўлади. Бу шундай бир огоҳликки, дилга ўзи ором беради, ғайрдан юз ўгирадиган, нафратланадиган қилади. Агар ором берувчи, дилни ўртовчи Зотнинг огоҳлиги ҳосил бўлмаган бўлса, йўли шулки, дил билан зикр айтаверсин.

Дилнинг ҳақиқати идрок қилувчи қувватдан иборат бўлиб, ҳар тарафга кетаверади, ҳар нарсани ўйлайверади. Кўз очиб юмгунча осмонга етади. Оламни сайр қилишга муяссар бўлади. Уни ҳамма ўй-фикрлардан безор қилиш, уни ҳамма нарсадан совутиш лозим. Нафасни киндик остида тутиб туриш ва лабни лабга, тилни оғизга ёпиштириб, айтилган бу дилни санувбар суратидаги гўштпорага қаратиб уни зикрга машғул қилмоқ лозим. Йўли бундай: Зокир «Ло» калимасини юқори тарафга тортади, «Илоҳа» калимасини эса ўнг тарафга ҳаракатлантиради ва «Иллаллоҳ» калимасини дили санувбарийга қаттиқ уради. Токи ҳарорат асари тамоми аъзога етсин. Нафй пайтида яратикларнинг ҳаммасининг фонийлигини, (уларга) интилмаслик кераклигини тасаввур қилиб турсин. Ҳар нафасда таъзим билан уч мартадан айтмоқ керак. Мана шундай нигоҳдоштни ҳамма вақт айтиб юриш мумкин. Гапириш, юриш, ейиш, ўтириш, дарс ва ваъз пайтида, савдо-сотик вақтида ва та-

моми мушкилотларда ичдан доимий зикр айтииб юриш керак. Токи зикр айтиб юриши сабабидан унинг дили жами нарсадан узилсин. Зикр ҳақиқатига дил ўрганиб, дилнинг сифати бўлиб қолса, Ўзи ором беради. Ўзи ғайрдан нажот бериб, Ўзига мустағрақ қилади.

Назм:

*Зикр гў зикр то туро жонаст,
Покии дил ба—зикри Яздон аст.
Чун туфоний шави зи дигар ба—зикр,
Зикри хуфияки, гуфта анд он аст.*

(Зикр айт, жонинг борича зикр! Дилнинг поклиги Яздон (Ҳақ) таолонинг зикри биландир. Агар сен зикр сабабли бошқадан фоний бўлсанг, «Хуфя зикр» деб айтганлари мана шудир).

Зикрдан мақсад шулки, ҳақиқатан дил Ҳақ субҳонаху-дан огоҳ бўлиб, Ундан бошқадан кечолган бўлади. Ҳар қачон зикр айтишдан дилда мана шундай тасарруф пайдо бўлса, ушбу неъматни ғанимат билмоғи лозим. Тамоми ўзлигини унга бағишлаб, ўзликдан холос бўлиши керак. Агар бу ҳол муяссар бўлмаса, (тариқат соҳиблари орасида) қарор топган йўл билан зикрга (яна) машғул бўлавериши керак. Бутун ҳатту ҳаракатини, улуғ камтарлиги—ю синиқлигини шунга қаратиб, то умр палласи боқий экан, камолотга етишга уринсин. Ҳимматини шундан бошқага йўналтирмасин. Агар (шунда ҳам) бир ҳол унга илтифот қилмаса, (кўнгил) бузилиши—ю беписандликка йўл бермасин. Ҳаққа машғул бўлишдан бошқа энг улуғ саодат йўқ. Дил учун Унга гирифтор бўлишдан яхшироқ яна нима бор?! ы

*Ту дарафгани хеш қисми ту зи дўст,
Хоҳ мотам бош, хоҳи сўз бош.*

(Сен ўзингни (кўнглингни) тушириб, хоҳ мотамда хоҳ куйишида бўлсанг ҳам сенинг битта қисминг Дўстдан иборатдир).

Табаррук рисоалар

«Лайса лил—инсони илло мо саъо»⁴². Сендан талаб қилинадиган нарса оромсизликдан ўтиб кетолмайди. Фироқ дардида нола қилиш, Ул зотга ҳамиша ниёзмандлик айлаш сени орадан кўтаргай. Парвардигорнинг сенга нисбатан борлиқ мушоҳадасини қилиши мана шудир. Ушбу маъно сендан зоҳир бўлмоғи керак. Агар сендан беқарор бўлиш, беоромлик зоҳир бўлса, бандаликнинг камолотини ҳақиқатга чиқарган бўласан. Агар иноят бўлиб, шуҳуд ва вусул шарафига етилса, бу Худованднинг (улуғ) ишидир.

Инсонийлик ҳақиқати Ҳақ субҳонаҳудан бошқага муҳаббат ва майл аралашмаларидан холи бўлиш учун бузруғлар «ло илаҳа иллаллоҳ» зикрини ихтиёр қилганлар. Ушбу муҳаббат ва майл ғайрнинг зотиға ибодат қилиш бўлиб, ғайрга мансуб бўлиш ва ҳавони (нг этагини) ушлашдир. Бунга «афаройта манит—тахазза илоҳаху ҳавоҳу ва азаллахуллоҳу ало илмин»⁴³ ояти каримаси ишорат қилган. Ушбу «ло илоҳа иллаллоҳ» калимасининг ярми ғайрнинг илоҳийлигини нафий қилишда очиқ—равшандир. Бошқа ярми эса Ҳақ субҳонаҳунинг илоҳийлигини исбот қилишда очиқ—равшандир. Ҳақиқий мақсад одамзот Ҳақдан бошқага гирифтор бўлишдан халос бўлсин. Агар инсонийлик ҳақиқати Ҳақ субҳонаҳудан бошқага гирифтор бўлишдан тамоман озод бўлса, Ҳақдан бошқага ҳеч ҳам боғлиқлик қолмаса, бу ҳолнинг ғалабасида махлуқотлар суврати дилдан бутунлай кетади. (Маълум) мартабадаги вусул мана шунга ишоратдир.

Бас, закий биродарларга вожиб шулки, дил ушбу зикрга одатланиш сабабидан Ҳақ субҳонаҳудан бошқани ўйлашдан озод бўлсинлар, Ҳақнинг ўзигагина гирифтор бўлсинлар. «Ло илаҳа иллаллоҳ»ни айтиш асносида Ҳақдан бошқа ҳар нарсага майл қилиш ва муҳаббатни дилдан чиқариб ташласинлар. Дилни ҳамма нарсадан совутсин. «Иллаллоҳ» эса эса Ҳақ субҳонаҳунинг майли ва муҳаббатида тозаласин.

⁴² «Дарҳақиқат, (Аллоҳнинг лутфи, марҳаматидан ўзга) инсон учун у нимаики амал қилган бўлса, ана ўша нарса бордир». (Сураи Нажм, 39-оят).

⁴³ «Эй, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам!» Ҳойу-ҳавосини, орзу-ҳавосини илоҳ қилиб олган кимсани кўрдингизми? У била туриб (Аллоҳга эмас, ўз нафсининг орзусига қул бўлгани учун ҳам) Аллоҳ уни залолатда қолдирди...» (Сураи Жосия, 23-оят).

Ушбу (табаррук) калимани ҳар бор тилига келтирганида нафий—исботда ҳозир бўлсин. Токи қийинчиликсиз зикр айтавериш даражасига етсин. Ўз—ўзидан завқ топиб дилдан маломату инкорни узоқ қилсин. Бир нарсани ўйлаш учун қанчалик ҳаракат қилиб хоҳласа ҳам (зикрдан тўхташга) қодир бўла олмай бутун дилини Ҳақнинг муҳаббати қамраб олсин. Ушбу (тариқат иши — сулукнинг) бошланиш ва тугалланиш орасида баъзи бир нарсалар борки аҳли зикр бундан воқифдирлар. Лекин умумий мақсад шулки, бу ерда огоҳлик шуъри қийинчиликсиз муяссар бўлганда, шундай мартабага эришадикки, ҳамма ишларда улар (ғайр) орада бўлмайди. Барча амаллар вужудга келганда уларга (зокирларга) ҳеч нарса Ҳақнинг шухудидан монев бўла олмайди. Уларнинг борлиги тамоман вайрон бўлгандир. Уларнинг номидан бошқа ҳеч нарса қолмаган:

*Бидонад ин сухан он каски сирри ишқ медонанд.
(Ушбу сўзни ишқ сирини биладиган кишигина билади).*

Аҳли сидқнинг суҳбатидан бирор содиқда уларнинг суҳбатидан таъсирланиш қобилияти бўлса, уларнинг жамиятидан зикр қийинчилигисиз, нафий—исбот мулоҳазасисиз шундай ҳам таъсирланиш юз берадикки, Ҳақ субҳонахудан бошқа ҳар нарсадан бутунлай озод бўлади. Ўзига қанчалик назар қилмасин ўзида ғайрга нисбатан бирорта боғланиш топмагай. Унинг дилида Ҳақдан бошқа огоҳликка жой қолмагай. Бундай кимсага зикр билан қийналиб юришга ҳожат йўқ. У фақат ушбу жамиятнинг нигоҳдошти шартларини билишга муҳтож, холос.

Байт:

*Он чи ба — Табриз дид як назари Шамси дин,
Сухра кунад бар даҳа, таъна занад бир чила.*

(Табризда дин қуёши (Шамсиддин Табризий) нинг битта назарини кўрган даҳани масхаралаб, чиллага таъна қила бошлайди.)

Табаррук рисоалар

Инсоний ҳақиқатлар зилоли зот ва сифат нурларининг аксидир. Уларни яратишдан асосий мақсад яралмишлар хулосаси (улар)дир. Агар сен басират кўзингни ғафлат пардасидан ҳамда тавҳиднинг сурати бўлган калимани такрор қилиш билан тавҳид маъносидан ҳузурланишни ўзингга одат қилиш воситаси ила икки бурнингни ҳам пок қилсанг, ҳақиқатан яралмишларнинг ҳақиқати бўлган инсоний суратлар қадаҳидан илтиҳод ва ваҳдат шаробини неча бор нўш айлайсан. Шароб мастлигидан ҳаммасининг пешонасига йўқлик рақамини тортиб ўзингдан мақсад нима бўлса, ўзингда ўзингни кўриб, «Хал фид—дорайни ғойрий»⁴⁴ ғулғуласини оламга солиб, жанжал бошлагайсан. Агар озгина «Фа тaboraкаллоху аҳсан ул-холиқийн»⁴⁵ оятининг бошидан хабардор бўлганинда эди, ушбу танлаб—сараланиб олинган (буюк авлиёлар)ларнинг улўғлиги—ю, буюклигидан озгина бўлса ҳам хабардор бўлган бўлардинг. Ўшал кимса инсонийлик корхонасидан зарра бўлса ҳам воқиф экан (олган) билимидан ушбу нафаслик чиқаради:

Назм:

*Бе—мо ба—худаиш назар наёмад,
Ваз мо ба—жуз ин хунар наёмад.*

(Бизнингсиз ўзига назар қилмайди. Биздан эса ушбу хунардан бошқа (нарса) келмайди).

Ушбу назардан кейин бундай дейди:

*Эй, нусхаи номаи илоҳийки тўйи,
Вей оинаи жамоли шоҳийки тўйи,
Берун зи ту нест ҳар чи дар олам ҳаст
Аз худ, биталаб ҳар ончи хоҳийки тўйи.*

(Эй, илоҳий номанинг нусхаси сенсан, ва эй, шоҳнинг — Парвардигорнинг жамоли ойнаси сенсан. Оламда бор ҳар


⁴⁴ «Икки жаҳонда Мендан бошқаси борми?»

⁴⁵ «(Жонзотларни) яратган ва энг гўзал шакл берувчи бўлган Аллоҳ қандай ҳам олий, улўғдир». (Сураи Мўъмин, 14-оят)

бир нарса сендан эмас ташқари. Ҳар нарсани хоҳласанг ҳам ўзингдан талаб қил, ўшал нарса сенсан) Ушбу ишораларнинг барчасини аҳли таҳқиқ улуғлар «Инналлоҳа халақа Одама аъло суратиҳи»нинг ниҳоятсиз денгизидан (олган) бир қатраларидир. Муҳаббат тавҳиди бўлган «Ман арафа нафсаҳу фақод арафа роббаху»⁴⁶ ҳадисидан ушбу тавҳиднинг даражаларининг баъзисида эҳсон ҳақиқати зоҳир бўлади. Таназзуллар сирини эҳсон мақомида излаш керак. Суварий тажаллийларнинг қароқчиларидан халослик эса ушбу тавҳидсиз тўлиқ муяссар бўлмагай. Ҳеч бир кишига мақсадига етишиш ушбу муҳаббат тавҳидисиз ҳаргиз мумкин эмас. Ушбу неъматнинг бўлиши ақсар вақт дилдаги бор нарсалардан уни холи (тахлояи дил) тўсиб туради. Ушбу маънони истеъдоди етгунича сарфлаши (васфия) ҳам деганлар. Тўсиқ бўладиган тахлия ва тасфия аввалгилару охирилларнинг мақсади ва маҳбуби (Аллоҳ унга тамоми дуруди саломларини тўлиқ етказсин)га тобеъ бўлиш билан бўлади. Демак, ҳар кимга вожибки, Ул ҳазратга тобеъ бўлиш билан истеъдод юзини софлантириб, қарам насимиға арз қилсинлар. «ИнналиРаббикум фий айёми даҳрикум нафаҳотун. Ало фатўризу лаҳо». Ирфоний вужуд камолотига етиштирадиган тавҳиди ҳуббий (муҳаббат тавҳиди)дан мақсад муҳаббатнинг ҳаракатга келиши ва хоҳиш—истак билан бўладиган таважжуҳ қилишдан унинг вужудидир. Бу эса носутий монёълардан узилиш муқаддимасисиз муяссар бўлмагай.

Жамият нисбати бир кимсага таслим бўладики, ўзининг ҳақиқатини нафаслари билан ўзлик нисбатидан воқиф қилмагай. Ҳақдан бошқа ила ором ҳам олмагай. Нафаслари билан қалбга тааллуқли маърифатсиз бу муяссар бўлмагай. Жаноби Ҳақ субҳонаҳуға етиш йўлида толиблар учун энг муҳим иш шулки, дил нимага пайваста эканлигини билсинлар. Агар дил ғайр билан бўлса, аниқ билсинки, дил ғайрга етгувчидир. Агар Ҳақдан огоҳ бўлса, дил Ҳаққа пайвастадир. Муқаддас боғланиш боғланишдир.

⁴⁶ «Кимки ўз нафсини таниса, бас,у (шундан сўнг) ўз Роббисини танигай».



Табаррук рисоалар

Назм:

*Иттисоли бетакалуф беқиёс,
Ҳаст Роббунносро бо-жони нос
То маъият рост омад конро дўст кард
Гар кушоят баҳси инро ман ба-соз
То саволу то жавоб ояд дароз
Завқи нукта ишқ аз ман меравад
Нақши хизмат нақши дигар мешавад.
Бас кунам худ зийраконро ин бас аст
Бонги ду кардам агар дар даҳ кас аст.*

(Мазмуни: (Одамларнинг жону дили билан одамларнинг Парвардигорига беқиёс, ҳеч бир тақаллуфсиз итгисол (бирлашиш) бор. Ўзи фард (ёлғиз) бўлса ҳам агар маъият (биргалик) тўғри бўлса, жуфт кишини Парвардигор ҳам дўст тутади. Агар мен ушбу баҳсни тўғрилиқ ила очадиган бўлсам, савол-жавоб узайиб кетади. Мендан ишқ нуктасидан бирор-бир завқ чиқадиган бўлса, хизмат нақши (бандалиқ нақши) бошқача нақшга айланади. Тўхтатаман, зеро зийракларга ушбу гапларимиз етарлидир. Ўн киши бўлса ҳам икки бора бонг урдим.)

Агар субҳонаҳунинг ҳузур мақомида шайтоннинг васваса-ю макридан озод бўлишни хоҳласанг, балки малакнинг ҳам сенинг ҳузурингдан хабардор бўлмаслигини, балки ҳузурингдан нафсинг ҳам билолмай қолишини истасанг, сенга лозимки, ўзидан қутила олган, дилу жони Зоти таолонинг зикрида, мустағрақ бўлган бир мард инсоннинг ёнида ўлтиргайсан, ҳамнишин бўлгайсан!!!

Баъзилар ушбу маънонинг таъбирини шуҳуд, баъзилар эса вужуд деганлар. Баъзилар бу Зоти таолонинг тажаллийси билан бўлади десалар, айримлар ёддошт ила юзага келадилар, деганлар. Агар бу саодат қўлга кирмаса, зикр ёки таважжуҳ йўлини ёки Хожагонларнинг жазаба тариқасини қабул қилиб, бутун борлигини ушбу тариқатни топишга сарфласин. Токи бундан юқориси тасаввур қилинмайдиган бир улук давлатга етасан. «Ҳар интиҳодан Аллоҳ огоҳдир. Албатта, барча тугалланишлар Парвардигоринг сабабидан бўлади».

Маснавий:

*Ошиқонро шодмоний—у ғам ўст
Муздкори ўтраи хизмат ҳам ўст
Ғайри маъшук аз тамошайи бувад
Ишқ набувад ҳарза савдойи бувад
Ишқ он шуъла аст кў чун барфуруҳт
Ҳар чи жуз маъшук боқий жумла сўхт.
Тиғи «Ло» дар қатли ғайри Ҳақ баронд
Дар нигар зон баски баъди «Ло»чи монд
Монд «Иллаллоҳ» боқий жумла рафт,
Шод бош, эй ишқ, ширкат сўзу рафт.*

(Мазмуни: Ошиқларга шодлик ҳам ғам ҳам Удир. Ҳақ олувчи учун хизматининг ҳақи ҳам Удир. Агар маъшукдан бошқа тамошалар бўлса ҳам, ишқ бўлмагандан кейин беҳудалик — жиннилик бўлади. Ишқ бир шуъладирки, уни ёндириб юборади, маъшукдан бошқа ҳар нарса бўлса ҳам уни куйдиради. «Ло» тиғи Ҳақдан бошқани қатл қилиш учун чиққан.

Қарагин, «Ло»дан кейин нима қолди! Фақат «Иллаллоҳ» қолиб, бошқаси ҳаммаси кетди. Эй, ишқ, шод бўлгин. Ширкинги куйиб йўқ бўлиб кетди.)

Китоб ва суннатга мувофиқ ақидани тўғрилаш, салафлар — саҳоба, тобеъин, табъа тобеъин ва аҳли суннат вал-жамоатда собит қадам ва мустаҳкам бўлган имомларга эргашиш (Аллоҳ таоло барчаларидан рози бўлсин)дан кейин имомлар йўлидаги илми аҳкомни билишдан муҳимроқ нарса йўқ. Ҳар кимга ўзининг мужтаҳиди йўлига — ҳалол ҳаром илмида ва намоз, рўза, закот, ҳаж, таҳорат ҳамда ҳайзу нифос илмида эргашиш лозим бўлади. Ақида ҳукмларини ва фарз бўлган илмларни билгандан сўнг ўша ақида ва билимга мувофиқ амал қилмоғи лозимдир. Токи амрларни тарк қилганлиги ҳамда уни қайтарган нарсалардан ўзини тўхтатмаганлиги боисидан дунё ва охиратда укубатга мустаҳиқ бўлиб қолмасин. Аҳкоми ақида ва аҳкоми амалдан кейин мукамал эгаллаши билан шул миқдорига қаноат қилмоғи лозим, токи зиён топувчилар жумласидан бўлиб қолмасин. Балки бутун борлигини шунга сарф қилсинки, камтарлигу

Табаррук рисоалар

таъзимда бўлганлиги учун Ҳақ субҳонаҳу ёдидан унинг дилига ҳеч нарса моневълик қила олмасин. (Ҳаққа нисбатан) шундай бир таъзим бўлсинки, Ҳақдан бошқа ҳеч нарса унинг дилида улуғланмасин. Ғоятда шикасталигидан синиқлиги уни гум қилиб, уни ўзидан тамоман холи айласин. Аллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳурматидан бизларга ва сизга Аллоҳдан бошқани қабул қилишдан нажот берсин. Ҳақ субҳонаҳу билан ҳузур ва Унинг шухудидаги доимий саодатини ҳосил қилиш мавжуд машғулотлардан узилишсиз голибан муяссар бўлмайди. Жазба тасарруфисиз зарурат юзасидан барча нисбатлар етишни истаган кимсага нақд бўлиши саодатдир, албатта. Суварий ва маънавий моневълардан юз ўгириб фурсатни ганимат билиб, бутун борлигини Ҳақ субҳонаҳуга қаратиш керак. Ҳазрати жалла зикруҳуга машғул бўлиши тариқаси саҳиҳ ақидаларда ҳамда бандалик вазифаларини адосида қарор топгандан кейин бўлади. Соғлом ақида ва илм шарти билан дилини Ҳақдан бошқа нарсалардан озод ва халос айлаб, жамиятнинг ҳосил бўлишлигига сабаб бўладиган зикрлардан бирини ихтиёр қилсин. Тариқат машойихлари (Аллоҳ таоло барчаларидан рози бўлсин) зикрлар орасида «Ло илоҳа иллаллоҳ»ни ихтиёр қилишган. Сабаб шуки, мавжуд ҳис-туйғуларни қайтаришда, мосиво (Аллоҳдан бошқа нарсалар)нинг фаноси зоҳир бўлишида, Ҳақ субҳонаҳунинг бақо ва ягоналик сифати ила тажаллий қилишида ушбу калима мукамалроқдир, тугалроқдир. Демак, бу калимани ҳар вақт тилига ёки дилига келтирганида, «Ло илоҳа»да ўз вужуди ва мосивонинг барчасини фоний ва йўқликда эканлигини мулоҳаза қилади. «Иллаллоҳ»ни айтишда эса Ҳақ субҳонаҳунинг зотини боқий, ягоналик сифатлари ва бир мақсад эканлиги ила мулоҳаза қилади. Ҳар айтганида ўз дилини огоҳ қилади: Ҳақдан ўзга мақсад йўқ. Агар ушбу калимани такрорлашни жойига келтирса, Ҳақдан бошқа ҳар нарса бўлса дилдан кетади, майлу муҳаббат ҳам якто бўлади. Шунда дилдан зикр ва зикрнинг сурати ҳам кетиб, дилнинг ҳузур ва воқифлигига эришади. (Ушбуларга) зикр айтиш воситаси бўлмаса ҳам етишиш мумкин. Зикр билан шуғулланиш «ҳузу-

ри маъаллоҳ»га футур етказиши ҳам мумкин. Бутунлай ҳимматини ҳузур ва шуҳуд денгизида йўқ бўлиб кетишга қаратмоғи лозим. Шуҳуд ва ҳузур сифатларидан ҳам кечмоқ керак. Фанойи фано тўғрисида улуғлар мана шундай таъбир қилганлар. Ушбу улуғ саодат ҳосил бўлган закийлардан умид шулки, агар сени кўриб назар қилсалар аниқ бутун амали ахлоқ ва ҳолларинг худди кўза ва идишдаги сувга ўхшайди. Кўза ва идишнинг шарафи сув билангина зоҳир бўлгувси. Сенинг саодатинг оқиб турган ариқ мисолидан бошқа нарса эмас. Туганмас тажаллий нурларининг акси сенда зоҳир бўлар. Шулар кўрилса, сенга шарафлар бўлсин! Мана шул ерда ҳақиқий ихлос юз кўрсатади. Ниқобингни олдиндан кўтариб, ўз жамолини кўрсатади. Сени эса шундай йўқ қиладиларки ўзингни қанча изласанг ҳам топа олмайсан. Ушбу мақомга тараққий қилгандан кейин аҳли кашф нимани айтган бўлсалар айтганлар. Биттаси «Ло яърифиллоҳу ғайроллоҳи»⁴⁷ деди. Яна бирови эса «Ло язкуруллоҳа ғайруллоҳи»⁴⁸ деди. Бошқа бирови бўлса, «Мо қола аҳадун Аллоҳ иллаллоҳу»⁴⁹ деди. Шундай даражага етишингдан аввал ҳушёр бўл ўзингни асра. Шариатдан бошқасини кўрма; даражаларга тараққий қилганингда ушбу даражада тўхтаб қолмагин. Ўзингни зикрга ғарқ айла. Истиғроқи зикрдан тараққий қилиб, ўтиб ҳам кетма. Ҳақ субҳонаҳу бирла ғоят ҳузур айлаб, зикрни унутиб қўйма. Ушбу мартабада ўзингни йўқотиб қўйма. Одамларнинг баландпарвоз гапларини дилингга зинҳор келтирма (уларни) эшитма. Токи бемаъни ва беҳуда гапирувчилар тоифасидан бўлиб қолмагайсан. Балки аслида ёмон, ҳаромхўр, беамал, мансабпараст, ишёқмас, аҳмоқ, мулҳид, тавҳиддан гапирувчилар жумласидан бўлиб қолмагин. Улар билан тил, қўл ва қилич билан муқотала қилмоқ даркор. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳурматидан Аллоҳ таоло уларнинг ёмонлигидан бизларга паноҳ берсин.

⁴⁷ «Аллоҳни Аллоҳдан бошқаси таний олмас».

⁴⁸ «Аллоҳни Аллоҳдан бошқаси зикр қилаолмас».

⁴⁹ «Ҳеч ким Аллоҳга «Аллоҳ» деёлмади».

Табаррук рисоалар

Ҳақ субҳонаху бирор бандани инояти бирла танлаб олган бўлса, уни шуҳуд ва ҳузур мақомига мушарраф қилгай. Унинг нафаси зуҳур маҳалидан эътибор даражасига етса, шуҳуд ғалабаси билан унинг назаридан нурни соқит қилгай. Бунингдек мунаввар нафс «нажм» (юлдуз) дейишга лойиқдур. Қасам бирла уни ёд қилиб шундай дейди: «Ван—нажми изо ҳаво». Ай ғарубат аён маҳалли зуҳуриҳи ва сақатат аён даражат ал эътибори фил ҳузурни из фуният фий нуран нури.

Яъни, бундай муқаддас нафасга қасамки, муқаддас покиза нафаснинг соҳиби ўз нафасидан воқиф бўлиб турганлиги сабабли (ҳаргиз) гумроҳ бўлмайдн. Файрга майл қилиш сабабидан бурилиш, адашиш ҳам (ҳаргиз) юз бермайди — сифатлар парда билан тўсилганлигидан ушбу сифатларга воқифлик қалб мақомида бўлади. У гапирганда ҳаводан олиб гапирмайди. Зеро, муқаддас нафс соҳиби (Ул Зотга ниҳоятсиз таҳийёт ва туганмас саловотлар бўлсин) шундай бир зот эдиларки, қалб мақомининг ниҳояси (энг юқори мартабаси) бўлган уфқи мубинга ҳамда охири руҳ осмони деб таъбир қилинадиган руҳ мақомининг ниҳояси (энг юқори даражаси) бўлган уфқи аълога эришган замонларида ҳар нарса десалар малакнинг таълими ила бўлган эди.

«Бисмиллоҳи шадидул-куво қоҳиран лимо таҳтаҳу минал-маротиби. Фаюъсиру фийҳо таъсийран қавиййан зу марратин зу матонатин. Ва аҳқому фий илмиҳи ло юмкину тагаййируҳу ва нисёнуҳу. Фаставо фастақома Рухул-қудси ало суратиҳиз-зотияти ван-Набиййу бил-уфуқил-аъло».

Бу фақирнинг фаҳми ожизича ишоравий хулоса шундан иборат: Инсонийлик ҳақиқати ўртача зикрга одат қилишга ёки Ҳақ субҳонаху зотининг ҳозир бўлишига таважжуҳ қилишга одат қилганлиги сабабидан ёки булардан ҳеч қайсисига ўтмасдан, балки холис (Аллоҳнинг) инояти ёки суҳбатига (комил шайхларнинг суҳбатига) аралашганлиги сабаблик ул кимсага Ҳақ зоти ила ҳузурланиш таслим бўлгай. Ҳақ билан огоҳлик дуруст бўлгай. Ҳамма нарсадан кечишлиги ҳақиқат бўлгай. Ушбу маънога ишорат қилинмаган бўлиши ҳам мумкин. Чунки қурб (Аллоҳга яқин бўлиш) бундан—да мукамалроқ бўлади. Банда Ҳақ субҳонахуга

огоҳлигининг комиллиги сабаблик унда ҳеч нарса сиғмай-
диган даражага етади. «Мен учун Аллоҳ билан бирга шундай
бир вақт борки, унинг ичига муқарраб фаришта ҳам, мур-
сал пайгамбар ҳам сиғмайди»⁵⁰. Ушбу мақомнинг таҳқиқи-
дан сўнг (шуни англаш лозимки) Ҳақ субҳонаҳунинг бан-
даларга холис инояти бор. Мана бундай банданинг шуҳудий
назаридан Ҳақдан бошқага тўхталиш кўтарилган (йўқ
бўлган). Бошқалар эса (бир—бирлари билан) аралашиб, ҳам-
суҳбат бўлиб юрганликлари боисидан Ҳовия ва Сижжин
(дўзахлари)га гирифтордирлар. (Умонлар бирла ҳамсуҳбат
бўлмайдиганлар эса) Ҳақдан бошқадан халос бўлғайлар.

Ҳақ субҳонаҳу қуввати ва вужуди билан мадад бериб, Ўзи-
нинг сиррий ҳақиқатини бандалари орасида зоҳир қилгай. (Пар-
вардигори олам ўз бандасига) зотий шуҳуд мақомида жой бе-
риб, қарорлантириб, унинг зоҳирини ўзининг қуввати ва ву-
жуди бирла халқ орасида хос айлагай. Ушбу маънони таъбир
қилишда (уламолар орасида) ўзгаришлар бор. Чунки унинг
машғуллиги шуҳуд авжидан нозил бўлиши (тушиши) мавҳум
бўлади. Зеро, авлиёларнинг ҳақиқатлари ваҳдат ҳамда халқий
касратнинг жамланмасидир. Агар уларнинг шараф вужудла-
ридан «қоба қайсайн»ни таъбир қилсак, гўё уларнинг вужуди
мавҳум хат билан бўлган доирага ўхшашдан бошқа нарса эмас.
Халқ билан машғуллиги икки камон суратида зоҳирдир. Чун-
ки ҳақиқатда уларнинг шарофатлик назарларида хаёлий хат
машғулият эмас. У эътибор даражасидан соқитдир. «Ав адно»
эса ушбу хаёлий чизик (хат)нинг заволига ишоратдир.

Байт:

Аз аташ гар дар қадаҳ оби хўранд

Дар дурун оби Ҳақро нозиранд.

*(Агар чанқоқликда қадаҳдаги сувни ичсалар Ичларида
(қалблиридан) Ҳақ таолонинг сувига қараб турган бўладилар)*

«Субҳона мо вақаъа басаруҳу илло аълайҳи».

Зоти таолонинг зикри ҳам муҳиб (ошиқ)нинг муҳабба-

⁵⁰ Ҳадиси шариф.

Табаррук рисодалар

тига боғлиқдир. Бу маҳбубнинг зотига нисбатан бўлиб сифатларининг воситасисиздир. Шул жиҳатданки, маҳбубнинг сифатлари муҳибнинг фикр билдирадиган, назар қиладиган, мулоҳаза юритадиган нарсаи эмас. Маҳбубнинг зуҳур қилиши мувофиқ сифатлар билан бўлиб, у нисбатан тўғриликка, баробарликка кўрадир. Чунки маҳбубнинг васфларида муҳибнинг назари муҳибнинг зотидан бошқа эмас. Зеро, шуҳуд назаридан қараганда сифатларнинг кўплиги маҳбуб зотининг шуҳуди истилоси ва ғалабаси билан бўлади. Фейл ва сифатлари пайдо бўлмасдан зотдан бошқасини кўрмагай. Ушбу давлат, бу олий даражага етиш қурб даражаларидаги энг юқори тараққийдир. Ҳақ субҳонаҳу ушбу камолотдан огоҳлантириб, «Ав адно» ояти каримасида марҳамат қилган.

Бошланишда амал воситасисиз бир дилга жазаба изҳори юз беради. Бу аввалги файзи футуҳдаёқ жазба зуҳури тайёр бўлиши (Худо берган) фазилатдан бошқа нарса эмас. Баъзиларга нисбатан бу нарса бўлмаслиги ҳам мумкин. Биринчи файзу футуҳдаёқ бажарган амалини қабул қилиш тавфиқи ҳозирланиш ҳам бир фазилатдир. Ўшал амал сабабидан ҳақиқати софланиб жазба нозил бўлишга бир макон бўлгай. Шулардан биринчи тоифани мурод, иккинчиси эса мурид дейдилар. Ушбу икки тоифани мажзуб ва солиқ деб ҳам таъбир қилишган. Баъзилар муҳаббатга боғланадиган бу айтилинган нарсани «зикри зот» деганлар ва бундан бошқа ниҳоят (энг комиллик)ни билишмаган. Баъзи бировлар буни «Ёддошт» дейишган. Айримлар эса ушбу камолотни «мушоҳада» ҳам деганлар. Яна бировлар «тажаллийи зот» ҳам деганлар. Мақсад ушбу фазилатни ҳосил қилиш ва шунда қарор топиб, сабот кўрсатишдир. Агар исмларини (ушбу даражанинг номини) билса ҳам, билмаса ҳам баробардир. Мақсад эса банда тамоман ўзлигидан ва ғайрдан кечиб, айтиб ўтилган тариқада Ҳақ субҳонаҳуға огоҳ бўлишидир. Саодатнинг энг юқориси бутун борлигини ушбу маънони ҳосил қилишдан уринишга ўтмайди. Фурсатни ғанимат билсин! Хожাগон (қаддасаллоҳу арвоҳаҳум) тариқатига машғул бўлмоқ керак. Ўзни зикр ичида йўқ қилмоқ керак. Зик-

рни эса Ҳақ шуҳудининг иборат бўлган ёддошда Зоти таоло муҳаббати воситаси ила давом қилдирмоқ керак. Ёзилган ушбу сўзларнинг ҳақиқати зикрга (кўп) машғул бўлиш сабабидан фақат виждондагина (ички ҳиссиёт билан) закий зийрак бандаларга зоҳир бўлгай.

Вужуд ва кашф аҳлининг улуг ва бузруглари ваҳдат ва идтиҳод борасида ишора қилган нарсаларни ҳам аниқ билиб олган яхши. Камолот, Ҳақдан бошқани ҳеч ҳам кўрмас, шунда дебдилар. Баъзилар камолни шунда билибдиларки, Боқий таолонинг шуҳуди касратда муяссар бўлади. Бу маъно касратда муяссар бўлади. Бу маънони касратдаги «Аҳадияти жамъ» ва «Вужуд шуҳуди аҳадият» деб номлаганлар. Бирламчи камолотни «Шуҳуди аҳадияти зот» деганлар. Ҳақ субҳонаҳунинг шуҳудининг таҳқиқ қилишда ҳақ зотига бўлган муҳаббатнинг боғланиши билан ҳамма нарсадан озод бўлинади. Балки сифатлар тажаллийсининг кўплиги сабаб шуъур (билиш, сезги) машаққатидан ҳам холос бўлади. Агар Ҳақ субҳонаҳу шундай кишини бошқаларга нисбатан сабаби ҳидоят қилса, неъмат ато қилинган бундай (табаррук) вужуд аҳадиятга назар қилгувчи эканлиги зоҳир бўлади. Касратда бул вужудга аҳадият шуҳудидан ҳеч нарса махфий қолмайди.

Ҳақдан бошқа нарсдан дилнинг кесилиши ва холи бўлиши Ҳақ тажаллийсига дилнинг мазҳар бўлганлигига далилдир. Бу аҳадият васфи ила асмоъ ва сифатларнинг ҳақиқатларига маърифатнинг этишишидир. Бундан бошқа маъно узрлидир. Чунки унинг (дилнинг) тавсиф қилиш билан зот тажаллийётининг нурлари аксини қабул қилишга қобилияти борлигидандир. Ҳар нарсага илтифот қилишдан холи бўлиш ва (қалбида) янги нарсаларнинг пайдо бўлиши унга муяссар бўлмайди. Дилнинг холи бўлиши зот тажаллийсига аҳадият васфи ила мавкуф бўлгандир (воқиф бўлган, шунда тўхтагандир). Бу маъно Аллоҳга ва Расулуллоҳга ҳамда улардан келган нарсага (шариатга) ҳақиқий иймон келтиргандан кейингина ҳосил бўлади. Аллоҳу ва унинг Расули муродига мувофиқ риёзат олишдаги баъзи сабалардан шариат қайтарган эмас. Мазкур сабаблар шарти билан зикрда

Табаррук рисоалар

давом этмоқ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга камоли муҳаббат қилмоқлик ҳамда хузуъ ва шикасталик сифатлари ила бўлгай. Лекин ушбу нисбатни (зикр давомийлиги) ҳосил қилишда ҳеч бир сабаб камоли сидку ниёз билан бўлишдан ўтмайди. У ушбу тажаллийга ботинлари мазҳар бўлган жамоатни ўзига лозим тутмоқлиги даркор. (Зеро,) ушбу тажаллийнинг қаттиқ ушлаши натижасида ул зотларнинг кўзлари олдидан ғайрнинг вужуд андозаси кўтарилгандир. Улар ғайрнинг мушоҳадасидан тамоман озод бўлганлар. Ҳақиқий фано сабабли ўзларининг ва ғайрнинг шуури заҳматидан халос бўлганлар. Ҳақиқий фоний бўлганларидан сўнг Ҳақ субҳонаху улар ўз наздидаги ҳаққоний вужуд атоси ила мушарраф қилгандир. Улар беҳудликдан, ҳол сукридан боғланиш топганлар. Бошқаларга эса фано ва бақодан иборат ҳақиқий саодат ҳосил бўлишига восита бўлганлар. Бу мақомда оламдаги ҳеч нарса уларни Ҳақ субҳонахунинг шуҳудидан тўсишга қодир эмас. Шундай экан, зийрак толибларга вожиб шулки, борлиқ вужудига дилни гирифтор бўлишдан халос қилишдан халос бўлишга сабаб бўладиган нарсалардан бирини ушлаши керак. Зеро, ҳақиқий ҳижоб ана шу гирифторликдан иборатдир. Ўзни ўлишдан аввал (мана шу гирифторликдан) халос айламоқ даркор. Агар ўз истеъдодини зикр билан шуғулланишга муносиб кўрса, унда дангасалик ва камчиликка йўл бермаслик керак. Агар ўз истеъдодидан арбоби шуҳуд суҳбатида дил гирифторликдан тезроқ халос бўлишини билса, ўзини ушбу бузруғлар суҳбатига уриб, суҳбат одобларини сақлашга риоя қилсин. Дилнинг ғайрга гирифтор бўлишдан халос бўлиш замони, ҳақиқатан ҳам вусул ва шуҳуднинг ҳосил бўлиш замонидир. Қачон дил ғайр вужудининг шуъури заҳматидан нажот топса, (дилда) Ҳақ субҳонаху мушоҳадасига гирифтор бўлишдан бошқа нарса қолмагай.

Назм:

*Тиғи «Ло» дар қатли ғайри Ҳақ баранд,
Дар нигар зон паски баъди «Ло»чи монд?!*

*Монд «Иллаллоҳ», боқий жумла рафт,
Шод бош, эй ишқ, ширкат сўзу рафт.*

(«Ло» тиғи Ҳақдан бошқани қатл қилиш учун чиққан. Қарагин, «Ло»дан кейин нима қолди?! Фақат, «Иллаллоҳ» қолиб, бошқа ҳаммаси кетди. Эй, ишқ, шод бўлгин. Ширкинг куйиб, йўқ бўлиб кетди!)

Ҳиммати баланд одамларга аввалги қадамдаёқ вусул шарафига мушарраф бўлиш истейдоди берилган. Истейдоди тақозосига кўра етиш тариқаси қандай бўлади?

Унинг тадбири шулки, аввал кимса васл саодатига етиши керак. Иккинчидан, унинг ботинида муҳаббат сифати ила тасарруф қилишга қодир бўлсин. Шундайки, унинг дили Ҳақдан бошқага муҳаббат қилишдан озод бўлсин. Ҳақнинг муҳаббати дилида қарор топсин. Ҳақ субҳонаҳу камоли тасарруфи билан унга иноятлар қилиб, энг аввал унинг дилини ўз муҳаббатига гирифтор қилади. Муҳаббат ва тасарруф воситаси ила Ҳақ субҳонаҳу муҳаббати зухур қилишга мушарраф бўлади. Ул зотнинг муҳаббат султони уни гайрга гирифтор бўлишдан озод айлагай. Тамоман ўзига машғул айлагай. Аслида ҳақиқат — бош икки олам андишасидан бутунлай халос бўлишидир. Ҳақ субҳонаҳуға шундай машғул ва гирифтор бўлсинки, Ҳақдан бошқа билан машғул бўлишга унда жой қолдирмасин.

Қачон дил Ҳақдан бошқанинг тасарруф қилиш заҳматидан озод бўлса, кўз олдидан бошқанинг улуҳиятига кўтарилгай. Бул мақомда Ҳақ сифатларининг тажаллиёти мушоҳадаси сабабли ўзининг ва гайрнинг сифатлари шухудидан нажот топиб, зотий тажаллийдан баҳраманд бўлгай.

Парда ортидан сифат тажаллийлари «Ва мизожуҳу мин таснимин аъйнай яшробу биҳол-муқарробун»⁵¹ оятидаги ишорага қодир қилгай. Зотий инкишофдан иборат бўлган эҳсон ҳақиқати бул мартабада муяссар бўлгай. Чунки (эҳсон ҳақидаги ҳадиси шарифдаги) «Ка—анна» лафзи мана шунга

⁵¹ «Жаннатдаги холис шароб тўла идишларнинг оғзи мушк билан муҳрлангандир. Бу холис шаробга тасним (чашмаси суви) аралашгандир. Ундан муқарраб бандалар ичурлар». (Сураи Мутоффиғун, 28-оят).

Табаррук рисоалар

ишорат қилади. Агар «Ка—анна» ҳақиқати чиройли насиба бўлса, у нарса жон ва сирнинг кашфиётидир. «Ка—анна» унда жоннинг шоҳид бўладиган эмас. Лекин ушбу тақрир ҳам бул фақир меъдасининг хўрагида таҳқиқ қилинган эмас.

Байт:

*Дар он машҳадки анвари тажаллий аст,
Сухан дорам вале ногуфтан авло аст.*

(Тажаллий нурларига гувоҳ бўлган ўшал жойда, ўшал вақтда сўз айтсам (бўлади), лекин айтмаганим яхшироқдир).

Ушбу мақом зот ва сифат тажаллийси мақомидир. Бу мақомга ўтиш (кўтарилиш) Муҳаммад Расулуллоҳ (ул Зотга тўлиқ ва энг мукамал саловот ва тажаллийётлар бўлсин) ҳазратларига комил тобеъ бўлмасдан ҳеч кимга насиб қилмагай. Фано ва йўқлик мақомига олдинги мақомларга ета олмаганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мутобаат қилмасдан эриша олмагай. Ҳар мақомда ул Зотга тобеъ бўлиш ўша мақом тақозосига кўрадир. Кимга бирор олий мақомда ул зотга тобеъ бўлиб қолишгина муяссар бўлса, бу оздан ҳам оз (даража)дир. Лекин баъзи кимсаларга (Аллоҳнинг) холис инояти билан шояд зот инкишофи ва шуҳуди бўлган давлатга етиш осон бўлса. Сифат ва исмларнинг тафсилотидан ғофил қолиб, зотдан бошқага машҳуд (шуҳудланган) бўлиб қолиш ниҳоятда узрлидир. Магар, бир кимса зот ва сифотлар бутун борлигини йўқ қилган бўлса ҳамда Ҳаққоният атоси бўлган вужуд деб таъбир қилишган хослар хилъатига мушарраф бўлган бўлса, (у ўша узрларга асло сабаб бўлмагай).

«Ло илоҳа иллаллоҳ». Ушбу калимада ботил илоҳларни нафий қилиш ва маъбуди барҳақни исбот қилиш бор. У чегараланишдан ташқаридир. У зот фард (ягона)дурки, вожиб ул—вужуддир, маъбуди барҳақдир. Бул калимани (ҳаётда) бир марта айтмоқ лозим. Пайғамбар алайҳиссалом айт деганлари учун у айтиши керак. Агар айтса, у мусулмондир. Бу хилда айтиш ул зотнинг пайғамбарлигини тасдиқ қилишни

Ўз ичига олади. Ул зотнинг пайғамбарлигини тасдиқлаш эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳақ субҳонаху назидан келтирган барча нарсани тасдиқлашни билдиради. Ушбу калимани айтиш билан тасдиқни ҳосил қилгандан кейин Пайғамбар (ул Зотга тўлиқ ва энг мукаммал саловот ва таҳийётлар бўлсин) ҳазратларининг амрлари бирла ушбу калимани такрорлаб юрмоғи керак. Бу шунинг учунки, қабул қилиш ва бўйсунуш бўлган иймон ҳақиқати дилга шундай жой бўлсинки, ушбу нуроний калиманинг галабаси ила дил ва нафсда ҳеч ҳам Пайғамбар алайҳис салоту вассаломга муҳолифот қилишга мажол қолмасин. Агар хоҳласа ҳам хоҳламаса ҳам муҳолифат исми унда жой топмасин. Арбоби яқин ва таҳқиқ мубтадийларга ушбу калимаи таййибани талқин қилган (айтишни ўргатаётган) вақтларида, ҳар бир айтишларида «Ло маъбуда иллаллоҳ» маъносини мулоҳаза қилмоқликларини буюради. Қачон ушбу мақомда қарор топсалар ҳақиқатда Ҳақ субҳонахунинг танлаган бандалари гуруҳига дохил бўладилар. Ушбу бузутвор тоифа бу жиҳоднинг (нафс бирла бўладиган жангнинг) ҳаммасини ҳақиқатан ҳам нақд ва насия насибаларга илтифот қилганликлари учун бажаришдан юқори турадилар. (Яъни, умуман бунинг учун қилмайдилар). Балки бунинг ҳаммасини (Аллоҳ ва унинг Расулининг) бўйруқни улуғлаш ҳамда ўз нафсини таҳқирлаш учун қиладилар. Ул зотлар буларнинг ҳаммасини беҳишт лаззатларига етиш учун қиладиган одамлардан эмаслар асло. Агарчи бу одамлар ҳам ниҳоятда улуг ва азиз бўлсалар ҳам уларнинг бундай ишларини озгина деб санамаслик керак. Фоний нақд насибалардан бўлган бундай ишларда ҳақиқий боқий насибалар учун рағбатини мутлақо сарф айлаб, ўз вақтини Ҳақнинг ризоси билан ўтказавериш керак. (Ҳақиқий) бандалар қаторига киргандан кейин агар Ҳақ субҳонахунинг зиёда иноятига мушарраф бўлса, унга ниҳоятсиз жазаботлардан бир жазба мушарраф қилинади. Қобилияти борлиги учун бандалик мартабасида шахсий манфаат ҳамда (қилаётган ибодатларига жаннатдан) эваз исташдан юз ўгириш ҳосил бўлганлиги сабабли бу вақт унинг бутун борлиги Ҳақ субҳонаху бўлиб

Табаррук рисоалар

қолгай. Ҳеч бир борлиқ унда қолмагай. Бу худди ташна одамга ўхшайди. Унинг сувга иштиёқи зарурлигидан унинг олдида сувдан бошқа нарсанинг қадри қолмагай. Унинг бутун борлиғи сувга машғул бўлади. Агар ўзини сувдан тасалли бермоқда бўлса (ёки чалғитмоқчи бўлса), кучи етмагай.

Ушбу мартабада агар «Ло илоҳа иллаллоҳ» деб, «Ло мақсуда иллаллоҳ» деса (шунини назарда тутса), сидқ чизиги пешонасига тортиб содиқлар жумласидан бўлади. Унинг ҳоли шундай бўлганда, Худовандо субҳонахудан бошқанинг тасарруфи ва ундан бошқанинг таъзими дилда ҳеч ҳам жойлаша олмаган. Бунда ҳаво ва хайрнинг илоҳиятлиги кўз олдида кўтарилгай. Ҳақнигина илоҳият деб билгай. Ҳавойи нафс ва бошқа ботил илоҳаларни ушбу мақомда оёғи остида сарнигун кўргай. Саъй қилмоқ керак. Жону дилдан ҳаракат қилмоқ керак. Ушбу калима такрорига қирқ йилга яқин мўддат сидқи дил билан ва дилнинг мутлақо мувофиқлиги бирла мудоамат қилишга қасд қилмоқ керак. Умид шулки, дилни жазоба султонининг нозил бўлиш ўрни қилгай. Токи жазба салтанати билан ғайр ва ғайрият юки «Жоал ҳаққу ва заҳақол ботил»⁵² ояти қаримаси сабабидан тамоман дилдан кўтарилгай. У ўзининг ободлигини йўқотиш йўлидан юра бошлайди. Унга бунингдек давлатнинг ҳосиласи муяссар бўлиш сабаби тил билан дилнинг мувофиқ бўлиш шартлари ила зикрнинг давомийлиги; адабни сақлаш; Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам суннати; ҳаромлардан сақланиш; амрларга бўйин эгиш; бефойда нарсалардан узилиш, аҳли ҳавони тарк айлаш; ортиқча сўзни, уйқуни тарк қилиш; ортиқча ейишни тарк қилиш; шикасталик ва ғарибликни дойим қилиш; Ҳақ субҳонахуға илтижонинг кўплиги; Ҳақ бандалари билан аразлашишни тарк айлаш; улардан имкони етгунча юк тортиш (оғирлик кўриши) ҳамда ҳеч кимга оғирлик юки тушмаслик; ҳаммадан ўзини кам кўриш; шундай ниёзмандлик (шикасталикни) қиёмига етказиш керакки, ҳамманинг унга раҳми келсин; халқдан мутлақо тамаъни узиш ва ниҳоят, имкони келгунча бошқаларга фойда етказиш.

⁵² «Ҳақ (ислом, Куръон) келди ва ботил (ширк, шайтон) йўқ (ҳалок) бўлди». (Сураи Исро, 81-оят)

Ушбу тақрирдан билиш мумкинки, ушбу йўлда юрۇчига Китоб ва суннатни билмоғи, атқийе ва урофолар (тақводорлар ва ориф зотлар)дан бўлган салафларнинг изларига ўлчовсиз бўйсунуши лозим. Бу йўлда жаҳолат (билимсизлик) билан юриш асло мумкин эмас. Билмоқ лозимки, асли ҳилқатда (табиатан) қобилият турлича бўлади. Баъзи кишилар бўлади зикрдан кўзланган мақсадга озгина вақтда етади, баъзилари эса кечроқ етади.

Бир кишилар бўлади, уларга Ҳақдан бошқага илтифот қилишдан дилнинг пок бўлишидан иборат зикрнинг ҳақиқатига зикр воситасисиз ҳам танланган улуғ шайхларнинг унга нисбатан хотирлари, илтифотли бўлганликлари сабабидан жазаба тасарруфи билан мақсадга тезда муяссар бўлади. Лекин (бу неъматни) сақлаб туриш қийин бўлади. Чунки бирор илтифоти хотир ёки суҳбат таъсирида дил Ҳақдан бошқа билан машғул бўлишдан нажот топса ҳам, бу нисбатнинг қарор топиши шунчалик кам бўлади. Аслида бул нисбатнинг ҳосил бўлиши камоли саодатга далилдир. Лекин маърифатсиз гўдакларга ўхшаб битта ёнғоқ ёки майизга алмаштириш керак эмас.

Дилнинг ҳаммаси барча ёдидан холи бўлиб, (фақат) Ҳақ ёди билан хуш бўлган вақт энг яхши вақтдир. Бундай хушликда ҳамма нарсани, ҳатто ўзини ҳам унутиш юз беради. Балки ўзининг қилган ишидан, ўзининг хуш кайфиятидан беҳабар бўлади. Мана шу зикр борасида айтилган энг охири даражадир. Камоли саодат банда Ҳақ субҳонаху билан бўлиб, ҳамма нарсдан узилишдир. Шундайки, унинг ҳеч нарса билан боғлиқлиги қолмайди. Ушбу сифат истилоҳида (ғалабасида) ўзини ҳам, бошқа ҳамма нарсани ҳам унутади. Бошқа нима ҳам бўларди!? Агар Ҳақ субҳонаху ўзининг бандаларини мана шундай саодатга (хос) бандаларидан биттасининг воситаси ила ҳидоят топишини хоҳласа, бандани ўшандоқ йўқлик ва беҳудликдан кейин ўз наздидаги борлиқ ва хушёрликка мушарраф айлағай. Ушбу банда мана шу борлиқ бирла нима қилса, барчаси хайру савоб бўлади. Ҳеч нарса Ҳақ ёдидан унга тўсиқ бўла олмайди. Ҳар

Табаррук рисолалар

нарсаса қаратилган унинг назари Ул зот била бўлади. Унинг ружуси (қайтиши) барча ҳолатда Ул зот била бўлади. Файрнинг муҳаббати ва гирифторлигининг зулмату қоронғулигидан равшанлик бирла халос топади. Унинг Ёдкард равшанлиги билан, ёдкарнинг истилоси (бутун борлигини эгаллаб олиши) билан (бошқалар ҳам) ҳидоят топади. «Розақаноллоҳу ва ийёкум ал-истихлока фиҳий би-манниҳи ва карамиҳи»⁵³.

Назм:

*Ту мабош асло камол ин асту бас,
Рав дарў, кам шав висол ин асту бас.*

(Асло сен бўлмагин (ўзингни унут). Камол фақат шудир. Ул (Аллоҳ) тарафга бор. Камтар бўл. Висол ҳам фақат шудир).

Мисра:

Аз худ чу гузашти ҳама айш асту хуши.

(Қачон ўзингдан ўтсанг (ўзлигингдан кечолсанг), (қолган) барчаси айшу маишат ва хушлиқдир!)

Бор, дилингни душмандан ол! (Агар дилинг душман, яъни шайтон, дунё ҳирси тарафда бўлса), дўстни талаб қилишга нима ҳожат!? (Чунки, барибир дўстни топа олмайсан. Зеро, ҳадис бор:) «Сен учун душманлар душмани ичингдаги нафсингдир!»

Дарҳақиқат, Қуръон айни том мартабасидан, яъни Зоти таоло аҳалиятидандир. Ўзининг зоҳир ва ботин исми тақазосига кўра, айн билан илмда айний ва илмий суратлар билан тайин топганлар. Ушбу таҳқиққа назар солиш қандай ҳам ажойибдир! Қуръон ўқувчи ким бўлса ҳамки, ўқиса ҳам, кимга ўқиб берса ҳам, худди Қуръон ваҳийси вақтида тургандек бўлмоғи керак. Демак, қорий ўзини сомеъ билиб, тилини Мусо (а.с.) дарахтига ўхшатиб, Ҳақ субҳонахунинг

⁵³ «Аллоҳ таъоло миннати ва лутфи ила сизни ҳам, бизни ҳам бунда ҳалок бўлиш бахти билан ризқлантирсин».

Ўзини ҳақиқатан ҳам қорий деб билсин. Яъни, Ҳақдан эшитсин. Ўзини Ул зотдан эшитишга муносиб мақомда тутсин. Агар ушбу мақомда тараққий қилса, у шундай даражага етадики, у ўртадан кўтарилади. Ҳақ субҳонахундан бошқа сомеъни ҳам, қорийни ҳам билмайди. Ўзлигидан тамоман озод бўлиб, Ҳақдан бошқа ҳар нарса бўлса бутунлай назаридан кўтарилади. Фонои ҳақиқий мана шулдир. Аҳли суннат валжамоатга эътиқод қилмасдан, шариат соҳибига тобеъ бўлмасдан, Ҳақдан бошқанинг муҳаббатини (кўнгилдан) узоқ қилмасдан, зикр ва муроқабага доимий восита бўлмасдан, амрлар адосида истиқомат қилмасдан наҳийлардан ижтиноб қилмасдан, балки ортиқча сўз, уйку ва таомдан қочмасдан, ҳамда ўта зарурий бўлмаган нарсалардан узоқлашмасдан ушбу саодатга етиш (асло) муяссар бўлмагай. Зикрнинг давомийлиги эса нафасларига посбон ва ҳар нафасдан воқиф бўлмасдан муяссар бўлмайди. Тиловат замонида Ҳақдан эшитмоқ керак. Ушбу вақтда Ҳақ субҳонаху бу сифатни (Қуръон ўқиш сифатини) ундан зоҳир қилган деб эътиқод қилмоғи лозим. Ундан (яъни, Қуръон ўқиётган ўша қорийдан кўзланадиган) мақсад эса чиройли эшитиш, (оятлар мазмунини) тадаббур қилиш ҳамда малолланмасдан Ҳақ субҳонаху билан ҳузур қилишдир. Шу пайтда (Ўзида) малолат ҳосил қилиш, касофатлик биноси (фаросатсизлик нишони) ва (Ҳақ таолодан) пардаланиш (тўсилиниш) бўлиб, бу нарсани тиловатдан бошқа вақтларда ортиқча (бемаъни, дунёвий) нарсалар билан шуғулланишни касб қилганлиги учун орттиргандир.

Мунтаҳийлар (тариқатдаги сулукнинг охирига етиб қолганлар) олдида ўтган ва келаси замон (уларнинг) ҳол замонида (ҳозирги замонда) камдир. Ҳол замонида улар жони сири ва дили ва нафасини (фақат) бир нарсага сарф қилдиларки, ўша нарса ҳол замонида Ҳақ субҳонахунинг маҳуби (севган, рози бўлган нарсаси) бўлиб қолади. Амаллардан қайси нарса Ҳақ субҳонахунинг маҳуби эканлигини ушбу бузургворларга ҳаққоний иноят ила ҳар нафасда билдирилганлигини билмоқ керак! Уларга ҳар нарсада, ҳар бир ишда шундай тавфиқ берилганки, тамоми ниёзманд-

Табаррук рисоалар

лик била Ҳаққа ружуъ қиладилар. Ўшал зотдан амаллардан маҳбубини талаб қиладилар. Ўзларини эса мана шунга сарф қиладилар.

Нафйи ихтиёрнинг бошқа маъноси ҳам бор. Ҳар ким бир ишни қилса ёки бир ишни тарк қилса, ўз ихтиёри билан қилади. Бу унинг истеъдод ва қобилияти бўлганлиги боис тажаллийнинг бошқаруви, ғолиб келиши сабаблидир. Унга нисбатан Ҳақ субҳонаҳунинг ихтиёр сифатининг тажаллийси зоҳир бўлгандир. Яқин ҳосил бўлгандан кейин эса, шу маънода ўзингдан нафйи ихтиёр қилгин, хоҳ нафий қилмагин, (барибир) сенинг ҳақиқатингда ихтиёр қолмаган бўлади. Сенда зарурий ихтиёр билан ҳақиқий ихтиёр зоҳирдир. Ҳамма нарсани Китоб ва суннатда, сенга тушган тариқада қилгин. Чунки бутун борлигингни ушбу икки нурдан кам қилсанг қурб фазосига кўтарилишдан узоқда, ҳайвоният мартабасининг торлиқларида бенасиб бўлиб қоласан. Бул икки нур ҳудуддан поклаш бўлган тавҳид ҳақиқати ва қадимиятни исбот қилишдир. Инсоннинг ҳақиқати зикрдан ва Ҳақдан бошқанинг андишасидан нажот топмаса, бу нарса муъясар бўлмагай. Бу халос бўлиш эса шул вақт кўлга кирадики, оташ сифати бўлган муҳаббат ҳақиқати дил ҳақиқатида зоҳир бўлса, ғайр ва ғайриятнинг мавҳум вужудини бутунлай куйдирса, дилга ўзидан бошқани ўтказмаса. Бу ерда муҳаббат сифат ойнаси бўлиб, кўзгуда (дил кўзгусида) маҳбубдан ўзга ҳеч нарса кўрилмагай. Демак, тавҳид толибларига лозимки, уларнинг ҳақиқати Саййид ул—Мурсалийнга (ул Зотга мукамал саловотлар ва муборак таҳийётлар бўлсин) мутобаат воситаси ила нафасу дил ва сарви руҳ мақомларида Ҳақ субҳонаҳудан бошқани андиша ва зикр қилишдан халос бўлмоқликдан бошқага қасд ва эҳтимом қилмасинлар. Ҳақдан бошқанинг андишасидан халос бўлиш замонида дил ҳақиқатидан муҳаббат оташи зоҳир бўлиб ғайр бўлган ҳар бир нарса тамоман куйиб, ундан бошқа ҳеч нарса (дилдан) ўтмайди. Бу ерда муҳиблар дил кўзгусида муҳаббат кўрарлар, муҳаббатда эса маҳбуб кўрарлар. Ғайрият сифати билан сифатланган ҳар бир нарсанинг муҳаббатини дилдан чиқарурлар. Унда маҳбубдан бошқани кўрмаслар. Кимки

мана шундай бўлмаса, ҳаргиз тавҳид завқини билмайди. Хослар тавҳидидан (озгина) бўй ҳам унинг бурнига етмайди. Тил сўздан ҳеч очилмаяпти... Тавҳид ҳақиқатлари андешасидан сўз очган пок зотлар: «Бунда баъзиларга ҳасратдан бошқа нарса, баъзиларга ҳаёлий ҳисоб–китоб ва мўлжалдан бошқа нарса ҳеч ҳам насиб бўлмаслигини гапирадилар» Тавҳид эса ҳаёл ва ҳисоб–китоб эмас.

Тавҳиднинг ҳақиқати ва маъзи ўзининг ҳақиқатига икки олам алоқаларидан бўлган ҳар бир нарсадан, балки ирода сифатларидан ҳам бутунлай озод ва мужаррад қилмагунча муяссар бўлмайди. Асмо ва сифат тажаллийларидан ҳам тамоман ҳалос бўлсин. Шухудий зотийда шундай йўқ бўлсинки, шухуд васфини ҳам унутсин. Бу авж (мартабага) етиш зикр воситаси ила, жазба султони нозил бўлиши ила ёки жамбият аҳлининг жамбият тасарруфи сабабли икки олам андишасидан ҳақиқатни якто (ёлғиз, озод) қилмасдан етиб бўлмагай. Энг яқин, энг мукамал сабаб жамбият арбоблари бирла ҳамсуҳбат бўлмоқдир, чиройли ақида, адаб нигоҳдошти ушбу тоифа суҳбагида ўзлигидан айрилишдир. Динни Ҳақ субҳонаҳу билан жамъ қиладиган ҳар бир нарсага тамассук қилмоқлик лозим, шартдир. Дилни Ҳақни жудо қиладиган ҳар нарсадан кечмоқлик вожиб. «Фа–аъриз амман тавалло ан зикрино»⁵⁴ ояти каримаси ҳукми буйруқлардандир. Вожибга бўйсуниниш лозим. Бу ерда ҳеч бир узрга ўрин йўқ. Кимки қодир бўлса, суварий ва маънавий машғулотлардан умуман эъроз қилсин. Вусул давлатининг ҳосил бўлиши мана шундадир.

*Ту мабош асло камол ин асту бас,
Ту зий худ гум шав висол ин асту бас.
Аз худ чу гузашти ҳама айшасту ҳуши,
Аз неши ту то дўст басте нест туйи.*

⁵⁴ «(Эй, Муҳаммад алайҳиссалом!) Бизнинг зикримиз – Қуръондан юз ўтирган ва дунё ҳаётидан бошқа нарсани хоҳламаган (кофир)лардан Сиз ҳам юз ўтиринг!..» (Сураи Наҳм, 29-оят)

Табаррук рисоалар

(Сен асло бўлмагин (сен—мен қолмасин) камол мана шудир, холос. Сен ўзлигингда йўқ бўл. Висол фақат шулдир. Ўзингдан ўтганингдан сўнг ҳаммаси айшу яхшилик эканини кўрасан. Олдингдан то Дўстга етгунча сенинг йўқлигинг жуда—жуда зарур.) Саодат ҳосил бўлгандан кейин ғайр андишаси гирифторлигидан фароғатга етишиб, мақсадга воқил бўлишдан ўзга нима ҳам қоларди?!

Назм:

*Дар нигар охирки баъди «Ло» чи монд,
Баъди «Ло» охир чи монд дарнигар!
(Қарагин, охир «Ло»дан кейин нима қолди?
«Ло»дан кейин охир нима қолди, қарагин!)*

Дил агар асмо ва сифат тажаллиётининг турли—туман таъсирларига мазҳар бўлса, у битта ҳолда мустақим бўлмайди. Бениҳоят раҳмат дилда юз бериб шухуди зотийга мушарраф бўлса, шундай бўладики, асмонинг кўплиги ва ўзгарувчанлиги ўртадан кўтарилиб сифатни сифат деб кўрмайди. Зоҳиран сифатдан Зотдан бошқани кўрмайди. «Золика фазлуллоҳи юътиҳи ман яшоъ»⁵⁵. Ушбу саодат чизиги саййиди аввалин ва охирийннинг муборак пешоналаридан бошқага чизилмаган. Удир ушбу йўқлиги борликка мушарраф бўлган, Аллоҳ таоло ул зотга набийлару мурсаллардан бўлган ул зотнинг барча биродарларига салоту саломлар йўлласин. Ул зотнинг умматига мутобаат ва муносабат сабабидан ушбу шаробдан бир қултум махсус қилиниб, (Парвардигори олам) хитоб қилгандир: «Кунтум хойра умматин ухрижот лин—нос»⁵⁶. Ушбу маънонинг зуҳури сабабини ҳазрати Расулulloҳ (унга муборак таҳиййотлар, тугал саловатлар бўлсин) хослар хосининг комиллигидан уммати мархума ҳеч вақт оламда холи бўлмайди. Умматини (ўзла-

⁵⁵ «Бу Аллоҳнинг бир фазлидирки, уни (бандаларидан) Ўзи хоҳлаганига ато қилур».

⁵⁶ «Эй, Муҳаммад алайҳиссалом уммати! Динингиз боис) сизлар инсонларнинг хайри учун чиқарилган энг хайрли уммат бўлдингизлар». (Сураи Оли Имрон, 110-оят)

рига) биродар санаб, ушбу ҳадисни айтганлар: «Оҳ, во шавқоҳ! Ило лиқои ихфоний якунуна мин баъдий» («Оҳ! Мендан сўнг бўладиган биродарларим бирла учрашишга қанчалар муштоқман!») Ҳақиқий саодат синиқликда, фақирликда, ўзлигидан йўқликда, ўзидан огоҳликдадир. Ушбу маънони ҳосил қилишга сабаб эса дилда Ҳақ жалла зикруҳунинг ҳузурни маҳбублик ва бақо васфи ила давом этишидир. Дил Унинг маҳбублик зикридан шундай мутаассир бўладики, унда (бошқа) ҳеч нарсанинг муҳаббати қолмайди. Унинг борлиғи бақо зикридан эса унинг назарида ҳеч нарсанинг қадри ва вужуди қолмайди. Агарда ушбу маъно зикрга машғул бўлмасдан бўладиган бўлса, давомат қилиш йўлидагина камоли саодатдир. Агар (бу маъно) муяссар бўлмаса, зикрга машғул бўлишдан ёки ўзи ва Ҳақ субҳонаҳунинг (хос) бандаларидан бирининг орасида бирор робитани сақлашдан ўзга чора йўқ. Ўша банда воситачилик эътиқодига яраши керак. Токи унинг иродасида йўқ бўлиш сабабидан, ўзининг борлигини унинг борлиғида йўқ қилиш сабабидан Ҳақ субҳонаҳу йўлида йўқлик нисбати муяссар бўлсин. Ул зотнинг шухуди давомийлиги (ҳеч бир) қийинчиликсиз муяссар бўлсин. Ушбу тариқатга машғул бўлишдан олдин одат бўлиб қолган (бўлмағур) машғулотларидан тавба қилмоғи лозим. Шунда қиладиган ишлари чиройли бўлади. Ушбу саодатни ҳосил қилишда ҳеч бир сабаб зарурат миқдорида ҳалол еб, ботин жамиятини сақлаш нияти билан яшашдан кучлироқ эмас. Айтилганларнинг ҳаммаси бўлгандан кейин ўз ақидасини аҳли суннат вал-жамоат йўлида тўғри қилади. Бидъатлардан эҳтирос айлағай.

Назм:

*Ту дар афкани хеш қисми ту зи дўст,
Хоҳ мотам бош, хоҳи сўз бош!*

(Сенинг турган битганинг, сенинг ҳар бир қисминг дўстдан (Аллоҳдан яъни, Унинг фазлидан) иборатдир. Шундай экан, сен хоҳ мотамда бўл, хоҳе куйиб ёнишда бўл. Бунинг фарқи йўқ!)

Табаррук рисоалар

Сендан талаб қилинадиган нарса беором бўлишдан ортиқ эмас. Фироқ дардида нола қилиш, жаноби Ҳаққа ниёмандликнинг доимийлиги сени ўртадан кўтаргай. Сен учун Унинг борлиқ мушоҳадаси мана шудир. Энди сенга лозим, қачон ушбу маъно зоҳир бўлиб, сендан беқарорлик, беором бўлиш зуҳур қилса, камоли бандаликда муқаррар бўлгайсан. Агар иноят бўлиб, сени шуҳуд ва вусл шарафига етказсалар, бу иш кори Худованддир!

Назм:

*Файри Ҳақ ҳар заррагон мақсуди туст,
Тиғо «Ло» баркашки, он маъбуди туст.
Но гурез ту манам, эй халқагир!
Як нафас, эй писар, гофил мабош аз ногурез.*

(Ҳақдан бошқа ҳар бир зарра сенинг мақсудингдир. Улар сенинг қасдинг, сенинг яратилишинг учун қилинган. «Ло» тигини торт! Сенинг маъбудинг Удир. Эй, халқада турган фарзанд, қочмагин. Сен менсан, дейди Аллоҳ. Сендан қочмайдиган Зотдан бир нафас ҳам гофил бўлмагин.)

«Фа—тамассак би—кулли мо жамиъака маъаллоҳ!» («Сени Аллоҳ билан жам қиладиган ҳар бир нарсани маҳкам ушла!») ҳадиси шарифини ўз кўзи олдида тутиб, ҳузурли маъаллоҳга васила бўладиган ҳар нарсадан ўзининг нафасларини жудо айламагай.

*Чанд аз ин саргашта будан бесабаб,
Коне ин гавҳар туйи аз худ талаб!
Ўри ту хуржини туст—у кийсаат,
Вар ту Ромийни мажав жуз Вийсаат.
Вийса—у Ромийни ту ҳам зоти туст,
Вин берунийҳо ҳама афоти туст.*

(Бу йўлда ҳеч қандай сабабсиз неча бор саргашта бўлиб юриш нимага керак?! Бул гавҳарнинг кони сенсан. Уни ўзингдан талаб қил! Сенинг ёринг чўнтагинг ва (ёнингдаги) хуржинингдир. Агар сен Ромийндек ошиқ бўлсанг, Вийсадан

бошқасини излама, истама. Вийса ҳамда Ромийн бу сенсан, Сенинг зотингдир. Бундан бошқани эса сен учун мутлақо офатдир). Гарчи Аллоҳ жалла зикруҳунинг шухуд ва ҳузури, умуман олганда илм ва вужудий файз билан бирга собит бўлса ҳам, лекин ҳақиқий саодатга мойил бўлишлик банданинг ҳузури У субҳонаҳунинг ҳузури сабаб ўзининг ҳамда ғайрнинг ҳузуридан уни бениёз ва ғойиб қилсагина муяссар бўлмай.

«У таолонинг шухуди сенга лозим қилгайки, ҳар бир нарсадан сени фоний ва беҳожат айлағай!»

Ҳақ субҳонаҳунинг шухуди сабаб Ҳақдан ўзгалардан ғайбат замони вусул, шухуд ва вужуд вақтининг ҳақиқатидир. «Иннамол аъмолу бил-хавотимиҳо» («Албатта, амаллар оқибати билан ўлчанади») ҳукми билан кашфу вужуд арбоблари ушбу маънога тамкин бўлишдан аввал аҳли завқни бу мақомга етишганлар сирасидан санамасдилар. Ушбу маъно фанонинг муқаддимаси ҳамда аҳадият матлаъсидан вусул саодати субҳининг баракотлари зухур қилишининг башоратидир. Аҳадият эса, ғайр вужудининг шуъури қийинчилигисиз зот шухудида истехлок ҳамда истиғроқдир. Ушбу мақомда агар тараққий воқе бўлса, унинг шуъури асмо тажаллийси завқидан ҳам узилади, тўхталади. Ул бузругнинг ишоралари шунга бўлиб марҳамат бўлганлар: «Солик Ҳақ субҳонаҳунинг сифатлари бирла сифатланмоғи керак. Бу ерда ғайрдан узоқлашишдир». Бу маънодан мақсад шулки, васлдан мақсад зотий мушоҳада бўлиб, касрат вужудининг шуури машаққатсиз иттисоф мартабаси сифот тажаллийси мартабасининг васфи биландир. Зеро, касратсизлик ҳам бир томондан узрдир.

Хулоса, бу нисбат ҳақиқатан ҳам аҳли байтнинг нисбатидир. Бу нафосат ва латофати борлиги учун «Сулсилат уз-заҳаб» («Тилла занжир») деб исмланган. Булар жудаям азиздир, «кибрита аҳмар»⁵⁷ данда азизроқдир. Ҳақ субҳонаҳу сиз азизларни қандайдир воситалар ила бу ғариб билан суҳбатдош бўлишга гирифтор қилди. Суҳбат асносида ўтган лафз-

⁵⁷ Ноёб гавҳар тош.

Табаррук рисоалар

ларнигина эшитиш учун сизлар тортган меҳнату машаққатлар ҳечдир. Бошқа нарсалар учун бу жуда кўп қийинчилик бўлса ҳам бошқалардан гойиб бўлиб, Ҳақ субҳонахунинг мушоҳадаси завқини топиш учундир. Агар булар муяссар бўлса, бу фақир аниқ биладики, ёзилган бу маънолар сизларнинг олдингизда куёшдан ҳам зоҳирроқ бўлиб қолади. Умумий мақсад инсонийлик ҳақиқати мана шунда ҳузур, шуҳуд ва вусулу вужуд сингари ҳолатларга ҳолис иноят сабаб гирифтор бўлишга муяссар бўлмоқдан ўзга нарса эмас. Агар ушбу олий мартабага етиш зикр билан бўладиган бўлса бу хушдавлатдир. Суҳбат билан бўладиган бўлса ҳам камоли саодатдир. Кимларга ушбу нисбатни топиш суҳбат воситаси ила муяссар бўладиган бўлса, суҳбатни (асло) тўхташмагайлар. Ҳамиша нозир (назар қилгувчи пири муршид)нинг кўз олдида тургайлар. Шундай қилсинларки, суҳбат доимий бўлсин. Суҳбатдан маъно тарафга убур (кўтарилиш) қилсинлар. Токи ҳамма вақт назарда бўлсин. Худди мана шу (назар)нинг воситаси ила доим мақсад ҳосил бўлиб, инсонийлик ҳақиқати юзага келсин. Бу маъно шартларни сақламасдан муяссар этмагай. Кўп шартлар баён қилинди, бу ерда такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Энг улуғ шарти ўз мурод (ихтиёр)ларидан холи бўлишдир, бошқанинг муроди йўлида қариқ кўрмасдан оёқдан туришдир. Ушбу маъно эса бошқанинг муродининг шуъури муқаддимасисиз муяссар бўлмайди. Жонни узмоқ керак, токи гап—сўзсиз балки имо-ишоратсиз мурод маълум бўлсин. Бу тариқатда (ошқора) мужодала услуби шум ва номуборақдир.

Ушбу саодатни зикр тариқаси ила ҳосил қилмоқ бисёр муборақдир, маҳкамроқ ва мувофиқроқдир.

Бу хонадоннинг зикр тариқаси сизларга маълум бўлган. Ушбу маънони суҳбат билан топган тоифалар аниқ билгинки, уларнинг охирги ҳолат ва даражаларидагина «Ло илоҳа илаллоҳ» зикрига ишора қилганлар. Зикрга ишора қилишда бир қанча мақсадлар борки, уларни зикрга машғул бўлмасдан топиш қийин. Бу ёзилган нарсалар аниқ ва муқаррар бўлгандир. Шуҳуд, ҳузур ва вужуд тамоман зотий васфга айланмоғи керак. Токи ҳеч нарса сарви руҳ ҳақиқатини

тўса олмасин. Қачон иш ҳеч нарса ҳеч бир вақт Ҳақдан тўса олмайдиған ерга етганидагина уни етишганлар тоифасидан санаганлар. Унга бошқаларнигина тарбия қилишга, суҳбат ўтказишга ишора қилганлар.

Умид шулки, Ҳақ субҳонаху сизни ҳам ўз инояти ила ақойиди саҳиҳа билан истиқомат ва тамкин қилишга муяссар қилиб, ақида сабабли истиқоматда Ҳақ рози бўладиган амални ва у рози бўлмайдиған нарсадан тўхталишни осон айлаб вусул билан вужудга сабаб бўладиган тариқат сулукини осон қилиб, ҳақиқатингизни, ҳамма нарсадан тўқ қилиб ўзига гирифтор айласин!

Мисра:

Кор ин аст ғайри ин ҳама ҳеч.

(«Иш мана шулдир. Бундан бошқа ҳаммаси ҳечдир») Қачон бу муяссар бўлса, қурб ва бўъд⁵⁸ (ҳамма учун) баробар бўлғай.

Арбоби жамиятнинг суҳбати уларнинг хорлашидан азизлик топган, узоқлашишидан яқинлик, аламларидан роҳат топган эъзоз қилишларидан эса хорликни кўрадиган кимсанингина жамиятига сабаб бўлади. Саодат сармоясини улардан бошқадан изламасин, билмасин, кўрмасин. Токи шундай ҳолга етадики, улардан етган қийинчилигу қариқликлар вақтида аччиғланиш ўрнига ўзида сабру ҳаловату муҳаббат топади. Уларнинг суҳбагида Ҳақ субҳонахунинг шухуди завқини топади. Ул зотнинг шухудидан эса ўзидан ғайбат қўлга киради. Ғайбатда эса Ҳақ субҳонаху ўзидан ва ўзи учун уларда зикрини зоҳир кўргизади. Талаб саҳросида саргашта юрганлар ўзларининг матлабларини уларда топади, ўзидан бир тарафга чиқиб Ҳақнинг шухуди завқидан бошқа нарсани ўзида кўрмайди, ўзида тотмайди. Агар аҳли балодат ва аҳли инкорнинг ҳар хил васвасаларидан ҳақиқати соф бўлса, Ҳақ субҳонахунинг тавҳиди ва шухудига энг юқори даражада васила бўлиш ушбу (зотлар ила) суҳбат қилишдан ўзга нарсдан истамаслик керак. Агар ҳақиқатан соф бўлмайдиған бўлса, зарурат юзасидан ҳақиқатини по-

⁵⁸ Қурб – яқинлик, бўъд – узоқлик.

Табаррук рисодалар

клаш учун Китоб ва суннатда айтилган риёзатларга доимий муҳтож бўлмоғи керак. Шарти шулки, бир роҳдон⁵⁹ дан йўлни билиб, йўл юрсин. Тамоман бўйсинганингдан кейин (берган) таълимини қабул қилгайсан. Биринчи тоифанинг фаройизу сунан ва мустаҳаб намоз ва вазифаларни адо қилгандан ҳамда ҳаромлардан қайтгандан сўнгги иши арбоби жамиятнинг хотири ёмон кўриб қолишга сабаб бўладиган нарсани қилишдан сақланишдир.

Мисра:

Сояи раҳбар беҳ аст аз зикри Ҳақ

(«Раҳбарнинг (муршиднинг) сояси ҳам (ўзича беодобона) Ҳақни зикр қилишдан яхшироқдир»)

Хожагон ҳазратларининг қудсий нафасларидандир. Қад-дасаллоҳу арвоҳаҳум:

Ёдкард, Бозгашт, Нигоҳдошт, Ёдлошт, Вуқуфи замо-ний, Вуқуфи ададий, Вуқуфи қалбий, Назар дар қадам, Ҳуш дар дам, Хилват дир анжуман, Сафар дар ватан.

«Ман тасаббаро ясбирхуллоҳ. Ва ман ястаъфиф яъфухул-лоҳ. Ва ман ястағни юғнихуллоҳ. Ва мо уътия абдан атоан хува хойрун авсабу мин ас—сабр».

(«Ким сабр қилса, Аллоҳ унга кифоя қилади. Ким ифбат-ли бўлса, афв қилувчи бўлса, Аллоҳ уни афв қилади. Ким ис-тиғно қилса, Аллоҳ ундан истиғно қилади. Бандага сабрдан кўра кенг яхшилик ато қилинган эмас»).

Ҳар қандай иш (инсон) олдига келса, ўшанга сабр қил-моқ керак. Масалан, амрларига бўйсунуш, наҳйлардан қай-тиш шуҳуд ва ҳузури маъаллоҳ нигоҳдоштга одат қилишга ўхшаш нарсалардан сабр қилмоқ керак. Зокирга нисбатан мазкурни (Аллоҳни) топишни мана шунга (сабр қилиш-га) таъбир қилганлар. Бу иймон ва ақл қуввати ила ўзини таяммулу такаллуф қилиб, сабр мақомига киритмоқ лозим. Ҳақ субҳонаҳунинг ёрдам ва таъйид қилишга мунтазир турмоқ лозим. Сидқу азамати сабаб бўлиб унга раҳм айлаб,

⁵⁹ Роҳдон — йўлбошчи, бу ерда — муршиди комил.

сабрнинг кулфат ва аччиғини ундан узоқ қилиб, ибодатда истиқоматни ҳузур қалбий биладан адо қилишини осон айлагай. «Ясбируллоҳ»дан мурод бандага Илоҳий ёрдамдир. Банда ибодату ҳузур пайтида ўз ибодати ва ҳузуридан хушвақт ва шодмон бўлмоғидан яхшироқ қандай ёрдам бўлиши мумкин! Нафсу шайтон тарафидан бўладиган кулфат ибодат нури ила ундан соқит бўлмай. «Ийёка наъбуду ва ийёка настаъийн»⁶⁰ оятида мана шу маънога ишора бор.

Худовандо, ўзларидан тамоман узилиш тавфиқини иноят айлагай ва Сен ҳазратнинг шуҳуд ва зикри бирла ором оладиган (буюк) зотларнинг ҳаққи ҳурмати биладан бул дармондаки бундан—да ёмонроқ гирифторлик бўлмаган гирифторликдан фазлу караминг ила нажотни бесабаб арзони қил. Зикри ҳақиқий саодатини топишдан монъе бўладиган ҳар нарсадан озодликни (менга) каромат қил. Агар бул дармондани ўзига ташлаб қўйсанг, унинг макон ва маскани жаҳиму сижжиндан ўзга ер бўлмагай. Ичиш ва тотиши заққуму ҳамимдан бошқа нарса бўлмагай.

Сен ҳазратнинг шуҳудини нақд топиб, бор бўлган, энди бўладиган ҳар нарсаларнинг шуҳудидан озод бўлган зотлар ҳаққи ҳурмати биладан, хусусан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва ул Зотнинг аҳли байтлари, асқоблари, авлод ва азвожлари разийаллоҳу анҳум ажмаъийннинг ҳаққи ҳурматида ўзимнинг шуҳудим завқидан халос бўлишимни иноят айла. Чунки мен жуда қаттиқ дармонда ва гирифторман.

Инсоний вужуддан умумий мақсад бандалик вазифаларини адо қилиш бўлиб, ҳақиқатан ҳам зикр ҳақиқатидан иборат. У эса Худованддан бошқани унутишдир. Бу маъно куллийга юзланишдан эъроз қилишсиз бўлмагай. «Ло илоҳа иллаллоҳ» калимаси мана шул маънони ҳосил қилиш учун муқаррар бўлгандир. Бу маъно билан шуғулланиш эса баданӣ мижоз мазмун—ёмон майллардан сақланишсиз муяссар бўлмайдир. Бас, лозим шулки, Ҳақ субҳонаҳудан талаб қилсин: мизожи шарифи мазмун майллар тасарруфидан омонда бўлмай. Лекин бул маънони талаб қилиш ушбу май-

⁶⁰ «(Парвардигоримиз!) Сенгагина ибодат қиламиз ва Сандангина малад тилаймиз» (Сураи Фотиҳа, 4-оят).

Табаррук рисоалар

лу инҳирофни даф қилувчи, йўқотувчи амаллар билан бўлмоғи лозим. Шарт шуки, дил сабаблар таъсиридан холи бўлсин, бутунлай эътимод ушбу сабабларга Ҳақ субҳонахунинг таъсири бўлишга бўлсин. Токи мизож мазмум инҳироф (майл)лар тасарруфидан саломат бўлиб, ҳақиқати зикр билан дилнинг боғлиқлиги доимий бўлиб, зикрга машғул бўлиш воситаси ила дилнинг Аллоҳ жалла зикрухунинг муҳаббати истилосидан иборат инҳирофи маҳмудни (яхши майллар) қабул қилиши ҳосил бўлгай. Токи ғайрнинг аламига сабаб бўладиган ҳар бир нарса фараҳ ва аламига сабаб бўладиган ҳар бир нарса фараҳ ва завққа сабаб бўлсин. Маҳбубнинг асорати ва тавсифлари улғу ҳаловатга сабабдир.

Мисра:

Гар бигўям шарҳи ин беҳад шавад

(«Агар айтадиган бўлсам, бунинг шарҳу жуда узун бўлади»)

Илтимос шулки, бу фақирнинг нуқсонини мулозамат шарафига етгани учун афу қилиб, маъзур тутсинлар. Сабаби маълумдир. Вассалом.

Зикрдан мақсад ҳақиқатан ҳам мазкурни (Аллоҳни) топиш бўладиган бўлса, бирор зикр бирла зокир мазкурни топиб бўлмаса, бу тоифа олдида ўша зикр эътибор даражасидан соқитдир. Бу маънонинг таъбирини баъзи бировлар вуқуфи қалбий деганлар. Ҳосили калом шулки, бутун ҳиматини шунга сарф қилмоғи керакки, зикр айтиш замонида унинг дили Ҳақ субҳонаху билан ҳозир бўлсин. Шундайки, Аллоҳ жалла зикруху ҳузур бирла вуқуфдан ўзида лаззат топа билсин. Ўша лаззат уни барча хушликлардан озод айлагай. Агар Ҳақ субҳонахунинг ҳузур арбоби ҳузур суҳбати сабабли унга зикр воситасисиз ҳосил бўладиган бўлса, суҳбатдан ҳосил бўладиган нарсаларнинг нигоҳдошти учун бутун борлигини боғласин. Шунда қилсинки, ҳеч бир нарса уни нигоҳдошдан ман қила олмасин. Ўзини ушбу ишга шундай бағишласинки, уйқу—ю бедорликни ушбу ишнинг нафақасига айлантирсин. Шунда Ҳақ билан бўлган ҳузур уни бошқа нарсанинг шуъур ва вуқуфидан озод қиладиган

даражага етказади. Ўзини ҳозир тутиб, ўзини ҳозир бўлади-
ган нарса (ҳолат) унга муяссар бўлгай. Бу ерда у шундай
даражага тараққий қиладики, ҳузур билан шуъурдан ҳам озод
бўлади. Зикрнинг ҳақиқати мана шу нисбатнинг ҳосил бўли-
шидадир.

Назм:

*Дод жоруби ба—дастам он нигор,
Гуфт аз ин дарё бир ангез он ғубор.
Об оташ гашту жорубам би сўхт,
Гуфт, аз ин оташ ту жоруби бар ор.
Кардам аз ҳайрат сужуди неши у,
Гуфт, бесожид сужуди хуш биёр.
Оҳ, бесожид сужуди чун бувад?!
Гуфт, бечун бошаду бехор хор.*

(Ўшал нигор қўлимга жоруб—супурги бериб, айтдики,
бу дарёдан ғуборларни кетказгин, супуриб ташла. Сув (шун-
да) оташ бўлди—ю жорубимни куйдирди. Нигорим айтди:
«Сен бу оташдан (янги бир) жоруб келтир. (Унинг бу сўзла-
ридан лол бўлиб,) ҳайратдан унинг қаршисида сажда қил-
дим. (Нигорим шунда) айтди: «Чиройли саждани сожид —
сажда қилувчисиз келтиргин!» Оҳ, сожидсиз, сажда қилув-
чи бўлмасдан сажда қандай бўларкин?! Нигорим (ҳайрат-
дан берилган бу саволимга жавоб бериб) айтди: «У сажда
бечун—ўхшаши йўқ ва хорхорсиз — ҳар хил андеша—ю фик-
рларсиз бўлади».)

Ҳузур ва сужуднинг бесожид ва беҳозир дейилиши Ҳақ
субҳонаҳуга ҳузур вақтида ўзлигидан ва мавжуд ҳар бир нар-
садан тамоман ғойиб бўлмасдан ушбу нисбат муяссар бўлма-
гай. Бу маъно эса бошланишда арбоби тафриқадан узилиш-
сиз ҳамда соҳиби шариатдан Ҳазрати Муҳаммад соллаллоху
алайҳи васалламга тобеъ бўлмасдан ва қалбу қолиби билан
Ҳақ субҳонаҳуга юзланишнинг давомийлигисиз муяссар
бўлмагай. (Бунга эришишнинг) энг кучли сабабларидан би-
риси арбоби жамиятга камоли сидқу сафо билан ўзига лозим
тутишидир. Тамоман ниёзмандлик қилиши билан, одобни

Табаррук рисоалар

сақлаши билан шунга мутаважжих бўлсинки, Ҳақ субҳонаҳу ўз фазлу карами ила жамият асарларини уларнинг ботинларидан унинг ботинига таъсир қилдирсин. Жоруб зикрга нисбатан айтилган иборадир. Бу жоруб валийлардан толибга етади. Токи шунга одат қилганлиги сабабли Ҳақдан бошқага илтифот қилиш губоридан дилни озод айлағай. Файрга гирифтор бўлишдан халос бўлиш вақтида унинг дили оташ билан таъбир қилинадиган жазаба тасарруфига лойиқ бўлиш ҳосил бўлади. Токи жазба тасарруфи била ўзини мавҳумий борлиқ заҳматидан озод қилади. Феъл ва сифатдан балки У таолодан бошқанинг борлиқ сифатидан озод бўлади. Шухуд дарёсида шундай фарқ бўладики, феъл содир бўлаётган вақтда, (бирор) сифат билан сифатланаётган, вужуд билан мавжуд бўлаётган вақтда унинг феъли Ҳақ субҳонаҳунинг феълидан унинг сифати Зоги таоло шухудидан тўса олмайди. Басират кўзига бийнолик сурмасини тортган зотларнинг назари ҳақиқий мақсаддан бошқага тушмагандир. Мана шундай саодатга мушарраф бўлган соҳиби давлатга аввало бир дил берурларки, иймон дийдаси ва муҳаббат қуввати ила Ҳақ субҳонаҳуга нозир бўлғай. Ҳузур мақомида дил шундай ҳолатга етадики, зикри тил ва зикри дил ҳамда бошқа (яхши) амаллардан ҳам мустағний (беҳожат) бўлади. Зеро, бу мақомда унинг Ҳақ субҳонаҳунинг ҳузурини сезиши (бошқа нарсаларни) ёд қилишдан тўсади. Бунда (зикрни) баланд айтиш ҳаёга сабабдир. Чунки Ҳақ субҳонаҳунинг қурби мавжудотларнинг барчасида баробардир. Аммо ушбу қурбни билгандан кейин (зикр) зарра—зарралардан ҳам Унинг қурби борлигини мулоҳаза қилишда давомат қилишдир. Бул мақомда ҳаё лозимдир. Чунончи айтганлар.

Байт:

Кори нодон кўтаҳу андеш аст,

Ёдкарди касеки дар пеш аст.

(Нодоннинг иши нуқсон ҳамда (ҳар хил) ўй—фикрлардир.

Бир зотнинг ёд этишини унинг олдиди қилади нодон).

Магар Худо корхонасида вужудларни сарф қилган арбоби тамкин, Ҳазрати Ваҳҳобий Мутлақнинг ҳақиқий вужуд ҳолатини ўз дилларига кийгизган зотлар бу ҳолатда зикр ва

бошқа нарсалардан нимаики ўтса, уларнинг ўзларига нисбатан қилинмагай. Ҳам чуноники, баъзи комиллар мана шул ҳолатнинг ворисларидирлар. «Ҳақиқатуз—зикр тажаллийҳий ли—зотиҳий би—зотиҳий фий айнил—абди мин ҳайсу исмил—мутакаллими»⁶¹.

Чунки зикрнинг ҳақиқати мутакаллим исми тарафидан бўладиган махсус инкишофдан иборатдир. Борлиқ шухуди ва хузурини ўзида мужассам айлаган такаллумдан сўнг унинг васфи ила Зотий хузур, ҳақиқати зикр бўлиб келишдан ўзга чора йўқ. Аини банда бул ҳақиқатга мазҳар бўлиб келгай. Бул ҳақиқатга аини банда мазҳардир. «Ло ясаъуни арзи вало самой. Ва локин ясаъуни қалбу абдил—мўъмини»⁶². Ҳадиси қудсийдаги хос ташриф ўшал зотларга муқаррар бўлгандир. Демак, тамоман шунга жидду жаҳд қилмоқ керакки, мана шундай зикр ундан жой олсин. Демак, зикр айтмоқ керак. Дил шундай зикрга боғланиши керакки, зикр пайтида мазкур ила ғоят хузур қилишдан ғайрнинг вужуди зоил бўлсин, йўқолсин. Бу билан шундай ҳолатга етадики, зикр васфидан ҳам қутилади, бул мартабадан фанойи ҳақиқий тарафга тараққий қилиш мутлақо ниёзмандлик, фақирликни изҳор қилиш ва чиройли дуоларсиз мумкин эмас. Бу ерда фано мана шу зикрни мазкурнинг сифати деб кўришдан иборатдир. Ўзини сарчашма деб билсин. Зикр оби ҳаёти унинг булогидан иноят бирла зоҳир бўлгай. Кўриб, билиб тургандан кейин шухудда мустағрақ бўлгандан кейин шундай гум (йўқ) бўлсинки, ўзининг зотидан ҳам, сифатларидан ҳам хабар топмасин. Чунки зикр сабабидан мана шундай олий даражага кўтарилиш воқеъ бўлади: сенинг мушоҳадангдан барча нарса кўтарилгай, ҳеч бир нарса назарда қолмагай. Назар ҳам қолмагай. Бу ерда: «Куллу ман аълайҳо фонин. Ва ябқо важху Роббика зул—жаллоли вал—икром» оятининг сири зоҳир бўлади. Борлиқдаги пайдо бўлган нарсаларнинг вужу-

⁶¹ «Зикрнинг ҳақиқати Унинг зоти учун, Унинг зоти билан мутакаллим (гапирувчи, зикр қилувчи) исмига кўра банданинг ўзгинасида тажаллий қилмоғидир».

⁶² «Мени(нг зикримни) Еру осмоним сиғдирмайди. Лекин мўмин бандамнинг қалби сиғдиргай».

Табаррук рисоалар

ди, танланган зотларнинг назаридан кўтарилган. Улуғлардан баъзиси айтган: «Аз—закру аъло мақомат. Куллуҳо ҳаққун»⁶³ гапининг маъносини билиб, жами умрини зикр ҳақиқатини ҳосил қилишга сарф қилмоғи даркор. Агарчи, Ҳақ билан ҳақиқати зикрга қойим бўлиш душвор бўлса ҳам қарзи узилмайдиган зоминга ўхшаб зикрнинг ризоси йўлига ўзини сарф қилишдан ўзга ҳеч бир чора йўқ. Эй, Раббим! Осон айла, қийин қилма! Эй, Аллоҳим, мен учун хайрли бўл, мен учун хайрли қил!

Аллоҳ таоло марҳамат қилган: «Вазкур Роббака изо насийта». Яъни, қачон ғайрни унутсанг, сўнгра нафсингни унутсанг, сўнгра зикрингни унутсанг, сўнгра Ҳақ зикрини унутсанг. Барча зикрдан қочишинг лозим. Чунки ғайрни унутмасдан туриб, зикр ҳақиқати муяссар бўлмагай. Аввалги даражада зокир зикрга машғул бўлганлиги учун ғайрни фаромуш қилади. Бу мартабада ҳали ўзи унутилган эмас. Кейинги даража зикрга машғул бўлиш камолига етганлиги сабаб, ўзини ҳам унутади. Бу даражада зикрдан огоҳ ва ҳозир бўлиш бор. Кейинга даража шулки, зикрни унутади, шул сабаб мазкур бирла ҳузурни том муяссар бўлади. Мана шул учта даражада фонийлик ва боқийликни унутиш ҳосил бўлишини исбот қилганлар. Шул жиҳатдан фано, фанои фано ва фанои фанои фано, деб учта таъбирни қилганлар. Чунки ҳақиқий фонийлик афъол сифат ва зот мартабасида Ҳақ субҳонаҳуни кўриш билан ўзини кўришдан, афъоли сифатлардан фоний бўлишдир. Кейинги даража зикрда шундай келганки, Ҳақ таоло сени ёд қилади деб ёд қилишда барча зикрларни унутгайсан. «Фазкуруний азкуркум»⁶⁴ ояти қаримасида бузруглар айтганлар: «Ҳақ субҳонаҳунинг зикр қилишининг ёд этилиши зикр мартабаларида айланишидир. Чунки зикр даражаларидан ҳар бир даражада зикр Ҳақнинг тавфиқисиз муяссар бўлмагай. Гўёки сен йўқлик орасида Ҳақ жалла зикруҳунинг зокири бўлиб, тамоман йўқлик бўлган зикр ҳақиқатида маъбуд шуҳуди муяссар айлагай. Камоли

⁶³ «Зикр мақоми барчаси ҳақ бўлган мақомларнинг энг аълосидир»

⁶⁴ «Мени (ибодат ва итоат билан) зикр қилингизларким, Мен ҳам сизларни (саов ва мағфират билан) ёдга олай, зикр қилай». (Сураи Бақара, 152-оят)

ихлос бу ерда насиб қилгай. Ҳақ таоло сени зикр сабабидан мана шундай камолга етказса—да, хусни хотимага бино бўлган ҳақиқий саодат рақам пешонага китобат қилингай. Шул нарсага қасд қилмоқ лозимки, зикр сабабидан сенга янги нафаслар ила бир ҳузур ҳосил бўлиши зарур нарсалардандир. Демак, зикр давомийлиги ила нафасларни сақлаш (ўта) зарурдир.

Ба—ин як дамки, дар зеру дилу жон аст,

Худо донадки, чи асрор пинҳон аст.

Агар ту пос дори поси анфос

Ба—султони расонандат аз ин пос.

Туро як панд бас дар ҳар ду олам,

Ки бар на—оят зи—жонат бе Худо дам.

(Дил ва жон остида ушбу битта дамда не сирлар пинҳон эканлигини Худонинг ўзи билади. Агар сен нафас муҳофазасини асрайдиган бўлсанг, сенинг бу асраб авайлашинг сени султонликка етказди. Сенга икки оламда ҳам битта ўғит етарлидир. Жонингдан бирорта дам Худо зикрисиз чиқмасин.)

Хожагон ризвонуллоҳи таъло алайҳим ажмаъин ҳазратларининг тариқатларидаги услуб ушбу саодатни ҳосил қилишда энг мукаммал сабаблардандир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва ул зотнинг аҳли ва асҳоблари ҳурматидан ушбу тариқатга мувозабат ва давомат қилиш ризқини бизларга ва сиз (азиз)ларга Аллоҳ таоло насиб айласин! Барча мусулмонлар тоифасига нисбатан ушбу тариқати мустақиймада сулук айлаш бирла саодати ҳақиқияга восил бўлиш сабабкоридир.

Инсонийлик ҳақиқати қудс — муқаддаслик ниҳоясида ҳамма тааллуқотлардан пок ва тоза бўлиб ундан яна талаб қилинадиган нарса, унда шу пайтгача бўлмаган ва бошқадан (ҳеч қачон) келмайдиган нарсанинг пайдо бўлишидир. Бу жазаба ва куйишдир. Шундай куйишки, иккиликдан узоқ бўлганлиги эътиборидан унга ориз бўлгандир. Агар мана шу анжизоб (жазба) холис (Аллоҳнинг) июноти ила софланишга сабаб бўладиган бирор бир амал воситасисиз ҳосил бўлса, бидоятда (бошланиш) ниҳоят (тариқат даражаларининг охири) ҳосил бўлади. Тасфия — софланиш эса,

ҳақиқий зикрларга мудовамат қилиш ва бошқа мақомотларга интилиш ила юзага келади. Ана ўша инжизобни муҳаббат ва ишқ деб таъбир қилганлар. Сулукдан умумий мақсад шулки, инсонийлик ҳақиқати ушбу оризларнинг пайдо бўлиши билан юз ўгириш лозим бўлган барча нарсаларнинг машаққатидан халос бўлиб, ўзидан тамоман холи ва озод бўлиб (ўзини ва ғайрни) ҳеч кўрмасин ва ҳеч билмасин. Бу оризларнинг пайдо бўлишида жамолий ва камолий нисбатларнинг зуҳур қилиши ҳам мана шу оризларсиз зоҳир бўлмагай. «Кунту канзан махфиян. Фа—аҳбабту ан ўрафу»⁶⁵ Ҳадиси қудсийсида мана шунга ишора мавжуд. Вассалом.

«Ло илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадур расулуллоҳ» зикрининг бидоят ва ниҳоят — бошланиш ва тугалланиш вақти бор. Бошланиши нимаики (инсонга) вожиб бўлса, шунга бўйсунуш ва қабул қилишдир.

Изъон ва қабул Ҳақ субҳонаҳу ва Унинг Расули рози бўладиган нарсадан (ҳеч қачон) тўсмайди. Нимага буюрилган бўлса, шунга қойим бўлишга сабаб бўлади, чунончи зоҳиру ботинда иймонга сабаб бўладиган нарсадан бошқа нарса зоҳир бўлмайди. Нима (шариатга) муҳолиф ва (ундан) ажралган бўлса, зоҳиру ботинидан ўша нарсани тамоман узоқ қилади. Мана шунинг ҳақиқий муомаласи зоҳирини ботинига (мувофиқ) сифатлашдир. Нима керак бўлса ўшани қилиш, нима керак бўлмаса ўшандан узоқлашиш лозим. Ундан бутунлай юз ўгириш лозим. Бу шариат ва тариқатдан иборатдир. Ниҳояси эса мана шу даражадан эҳсон мақомига тараққий қилган бўлади. Маълум ва эътиқод қилинадиган даражага етадики, басират хоссаси ила ҳис қилган бўлади. Дарҳақиқат, иймон ҳақиқати эҳсондир. Ишонилган ва эътиқод қилинган нарса камоли яқиндан иборат бўлиб, гўё хавос билан ҳис қилмоқ зоҳирдир.

«Ал—эҳсон»⁶⁶ ушбу маънога баёндр. Ушбу мақомда тамаккун (маконлашиш, ўрнашиш) мукаммал ҳосил бўлса, ҳақиқат нурлари ила ғайрга муҳаббат тааллуқ пардаси та-

⁶⁵ «Мен бир махфий хазина эдим. Ошкор бўлишни хоҳладим».

⁶⁶ «Эҳсон — худди уни кўриб турганингдек Аллоҳга ибодат қилмоқлигиндир»

моман кўтарилгай. Инсонийлик ҳақиқати холис (Аллоҳнинг) инояти бирла мосивони унутиш шарафига муяссар бўлгай. Балки битта Зотдан бошқа ҳеч нарса басиратига келмагай. Мана шу ерда шоҳидлик ҳамда машҳудлик васфи ўртадан кўтарилгай. «Ло яърифиллоҳа иллаллоҳ»⁶⁷ гапининг сири (шу ерда) ошкор бўлади. Шунингдек, «Лайса вароаллоҳил мунтаҳо. Инна ило роббикал мунтаҳо» оятнинг маъноси ҳам.

Мисра:

Қалам ин жо расиду сар би шикаст.

(Шу ерга келганда қаламнинг учи синиб кетди...)

Гарчи вусулнинг маъно ва маратабалари кўп бўлса ҳам, васл толиби бутун ҳимматини шунга қилмоғи лозимки, руҳда маҳфий бўлган муҳаббат зоҳир бўлса, ҳеч нарсанинг муҳаббат алоқаси қолмасин. Унинг муҳаббати Ҳақдан бошқа ҳеч нарсага таллуқ топмасин. Шул вақтда унинг бошида бечун ва бечигуна бўлган Зотнинг вусули ҳосил бўлгай. Агарчи, башарият заруратидан бир нарсалар хотирга келса ҳам, буюрилган нарсага машғул бўлишни тарк этмаслиги лозим. Мана шу мартабада қачон муҳаббат ғалабасига сабаб бўладиган тараққиёт ҳосил бўлса, ушбу ҳолнинг ғалабасида унга ўзидан ва бошқа ҳар нарсадан ғойиб бўлиш ҳосил бўлиши мумкин бўлади. Агар бандалик адоси сабаб унга ўзини берсалар, сир ҳақиқатига етиш бўлади. Сирнинг бошқанинг шуъуридан муназзаҳ эканлиги аён. Қачон шул мартабада камолга етса, шояд унга маъият сири ошкор бўлса. Ушбу шухуд ғалабасида унинг шуури ғайрдан тамоман мунқатеъ бўлгай. Бу иш иноятдир. Ўзини мана шунга бериб, зикрдан тўхтаб қолиш яхши эмас. Ўз андишаси била бунга эришиш дуруст ҳам эмас, мумкин ҳам эмас. Бандалик мақомида бизга лозим бўлган нарса Худованддан бошқа бир нарсага алоқадор бўлиш такаллуфидан ўзни узоқ қилишимиздан бошқа эмас. Умид шулки, Ҳақ субҳонаху муҳаббат вусул мартабаларига етказиб, ўз миннату карами бирла Ўзидан бошқанинг шухудидан халос айласин.

⁶⁷ «Аллоҳни Аллоҳдан ўзгаси танимагай».

Табаррук рисолалар

Аллоҳ деб айт! Дилни ҳастий бирла (Аллоҳнинг биру борлиги бирла) боғлагинки, ҳақиқатда борлик Уникидир. Ундан бошқанинг номидаги борлик ифтиродан (ҳаддан ошишдан) ўзга нарса эмас. Ул қудрат камоли ила ҳаммадан зоҳир ва ҳаммадан муназзаҳдир. Дарҳақиқат, зуҳурнинг камоли ҳижоб ҳамдир.

Мисра:

Аз ғояти зуҳур аёнаш надид нест.

(Зуҳурнинг ғоятда кучлилигидан Унинг аён бўлиши равшан эмас).

Чунончи ариқ ва анҳорларга, қатраларга сувни изофа қилиш (боғлаш) ҳақиқатда ифтиродир. Чунки сув ҳақиқатда махсус васфу таъйин қилишлар билан зоҳирдир. Уни мужмал мартабада собит қилиш ярамайди. «Коналлоҳу ва лам якун маъаху шайъун. Ал—он камо кон»⁶⁸. Зотида қаҳру қудрат мавжуд бўлган жойда касрат нима қилади? «Ло илоҳа иллаллоҳ»⁶⁹. Яъни асмо—у сифатлар касратидан бино қилинган илоҳий мартабадир. Ҳақиқатда эса у ерда Зотдан ўзга касратга эътибор бериш мумкин бўлмагай. Зокир Аллоҳ исмини ёки «Ло илоҳа иллаллоҳ»ни айтмоғи керак. Бутун ҳимматини ушбу икки зикрга одат қилиши сабабли ҳастийга фарқ бўлишга сарфласин. Яъни шуурида борлик қолмасин, ўзининг борлиғи ҳам ўзганинг борлиғи ҳам қолмасин. Унинг машҳуди боқий ваҳдан бошқа бўлмасин. «Ва диллоҳил машриқу вал—мағриб. Фа—айнамо таваллу ва самма важҳуллоҳ»⁷⁰ ояти каримасида шунга ишора бор. Ушбу саодатнинг ҳосил бўлиши мақталган мақсаддан ўзга нарса билан ҳеч ҳам бўлмайди. Энг яхшиси шулки, икки зикрдан битта-сига одат қилишдан тўхташ керак. Гарчи арбоби тасарруф-

⁶⁸ «Аллоҳ У билан ҳеч нарса бўлмаган ҳолда ҳам бор эди. Ҳозир ҳам шундайдир».

⁶⁹ «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир».

⁷⁰ «Машриқ ҳам, мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қай тарафга юзлансангиз (намоз ўқиш учун қиблани қидиргандан кейин, албатта) Аллоҳнинг юзи — ризоси ўша ёқдадир». (Сураи Бақара, 115-оят)

нинг жазба ва тасарруф қилиш билан (баъзиларга) бул маъно осонлик билан муяссар бўлса ҳам ўзини шунда тўхта-тиб қўймаслиги керак.

Ҳақиқий қалбдан далолат қиладиган камоли сидқи илтижо ва фақирлик била ушбу икки зикрдан бирига машғул бўлсин. Айтадилар: «Хос қалбнинг мулоийм юзининг зақоти ифтихор (фақирлик—камбағаллик) ва илтижонинг чиройли бўлишидир. Ҳақ субҳонаҳуға синиқлик ва ниёзмандлик сифатлари ила зикрга машғул бўлмоқ керак. Ҳақ субҳонаҳу ёдин ҳақиқий қалб пешонасига мосивони унутиш рақамини чизишга мунтазир бўлсин. Токи ўзингдан ва ғайрдан халос бўлгайсан. Токи сенда дунё—у охират, эрта—ю кеч, ўтган замону келажакни эслаш қолмагай. Аҳволларни ўзгартирувчининг (борган) ҳолида ҳолдан, шуҳуд вақтида эса шуҳуддан қутулгайсан.

Ниҳояти шундай бўладики, зокирлар Ло илаҳа иллаллоҳға муоян ва мушоҳид (аён қилинган ва шуҳуд тонган) бўлади. Мосивонинг кўзгусида Ҳақ субҳонаҳу зоҳир бўладиган илоҳият жамоли машхуд бўлиб, улуҳиятни мосивоға боғлаш соқит бўлади. Ҳақдан ўзгани илоҳ деб кўрмагай. Улуҳиятдан бўлган тасарруфлар қандайдир мажол воситаси ила зоҳир бўлади. Таслим ва мунқод (бўйсинган) бўлади. Шулар даражасида ўшал мажолни ўртадан кўтаради. Улуҳиятдан бўлган зоҳир тасарруфға бўйсунишда соҳиби шариятдан бирор изн агар воқеъ бўлмаса, Ҳақ субҳонаҳуға ружуъ қилиб, ўшандан халос бўлиш учун бутунлай ниёзмандлик қилиб «Аъзу бика минка» («Сенга сендан паноҳ тилайман») десин. Ушбу калима дил ва сир ҳамда бошқа ерлар идтиҳоди—иттифоқи, ягоналигидан забонда қандайдир важҳ ила содир бўлади. Ҳар қачон шундай бўлса, аниққи, мана бундай зокир Муҳаммад Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тамкини нурларидан бир партавға баҳраманд қилиниб, жамолий тасарруфлар ила қаҳрий таъсирлардан нажот топгайдир.

Қачон Ҳақ субҳонаҳунинг қайюмият жамоли нарсаларнинг ҳақиқати Аллоҳ жалла зикруҳунинг қаййумиятидан бўлган коинот зарраларнинг кўзгусидан хослар (пайдо) бўлса, нарсаларнинг ҳалокат нақди назарлари олдида муайян бўла-

Табаррук рисоалар

ди. Қайюмият жамоли зарроти коинотдан бошқа бўлиб, Боқий таоло ваҳҳидан бошқаси ҳақиқий кўзлари назарда ҳеч ҳам қолмагай. Айтадилар: «Ло илоҳа иллаллоҳ зикридан мақсад ваҳҳи хоснинг таважжуҳи бўлиб, жумла мавжудотга (бу) лозимдир. Илтижо ва эътисом (шариатни маҳкам тутмоқ) қайюмият сифати биландир. Мана шундай жамолнинг нури зуҳур қилиниши руҳлар ҳақиқати ва инсоний пинҳон тўйғулари бўладиган зотга бемуҳаббат асло муяссар қилмагай. Инсонийлик ҳақиқатида яширинган Зотий муҳаббатнинг зуҳур қилишга энг кучли сабаб суҳбатдир. Адабни сақлаш шарти билан иймондан кейин энг улуғ шартлардандир. Шундай қилиб ушбу бузругворлар суҳбатида таъзим сифати ила ўлтиргайсан. Уларнинг ботинидан сенда яширинган муҳаббат зоҳир бўлишига интизор бўлгайсан. Лекин шарти шуки, бутун химматингни шунга қаратмоғинг керакки, сенинг ҳақиқатингда мана шундай муҳаббат зоҳир бўлишга қаратилган интизордан ўзга ҳеч бир нарсага илтифот бўлмаслиги керак. Муҳаббат зоҳир бўлгандан кейин эса ҳеч бир бошқа қуловуз ва раҳнамога ҳожат қолмайди. Зотий муҳаббат ғалабаси бор жойда банда ва Ҳақ субҳонаҳу орасига кирадиган бир қудрат ва тоқат қолгусидир. Бу (муҳаббат) нурининг шуълалари не нарса бўлса ҳам куйдиргай. Балки бу муҳаббат шуҳуди зотий бўлиб, у ерда ғайр ва ғайриятга ўрин қолдирмагай. Фано ва йўқлик рақам бор бўлган ҳар бир нарсага тортиши мушарраф бўлиб, ўзини ва ғайрни кўриш сифатидан халос ва осуда бўлади. Ҳамма ҳам шундай дейди:

*Мо гўйем андар жаҳон печ—печ,
Чун алафи у худ надорад ҳеч—ҳеч.*

(Биз айтамиз: «Жаҳонда ўс—ўс» Алафининг эса ўзи ҳеч ҳам йўқ)

«Лан шағалаҳу зикрий ан масъалатий, аътойтуху афзала мо аъто ас—соилийн»⁷¹. Шояд бундан мурод Ҳақ субҳона-

⁷¹ «Менинг зикрим кимники Мендан (бир нарса) сўрашдан кўра машғул қилса, унга сўровчиларга ато қилган нарсамдан кўра афзал нарсани ато қилурман». (Ҳадиси қудсий).

хунинг борлиғи шуҳудининг истилосидан иборат зикр бўлса. Чунки ирода ва хоҳишдан халос бўлиш шуҳуди зотийда фано бўлмасдан узрлидир. Шояд ушбу зикрдан мурад Ҳақнинг зикри бандага бўлса, банданинг зикридан сўнг Аллоҳ жалла зикруҳуга мавъуд бўлса. «Фазкуруний азкуркум» ояти каримаси ҳукмига кўра бузруглар айтишган: «Банда Ҳақни зикр қилгандан кейин Ҳақ субҳонаҳу бандани зикр этиши шулки, Ҳақ субҳонаҳу бандани ўзининг борлиқ шуҳуди ёрдамида ғайрдан озод ва халос қилади». Ушбу мақомда «зикр қаерда, соил ким?» деган саволлар бўлади. «Лайса вароаллоху мунтаҳо. Инна ило роббикал-мунтаҳо». Назардан қолганда, бундай йўқликда нима ҳам қолардики?! Ўз саволига ўзи гирифтор бўлиб қолиши мумкин. Бу зикрдан мурад ундан қайси зикрни хоҳлаган бўлсалар банда ўшани адо қилишга мукаллаф бўлган (тоқати етгани учун буюрилган) бўлади. Ёки бу истехбоб (мустаҳаб) сифатида (шунга) тарғиб қилинган бўлади. Ушбу амалларни қойим қилиш эса нақд ва насия мурудларига етишдан холи бўлади ҳамда бандалик вазифаларини адо этиш учун холис бўлади. Аниғи шулки, саодатни топиш талаб қилинадиган нарсасидан яхшироқдир. Гарчи бу маънога кўра бандалик мақомида назар ишташ жуда ҳам яхши бўлса—да, лекин мутакаллим (зокир)нинг ички хусусияти ўша икки маънони топиш тарафига тармоқ топади.

Мисра:

Дароки умр рафту накардем ҳеч кор.

(Эҳ афсус, умр кетди (ўтди)—ю ҳеч иш қилмадик)

Ҳақиқий саодат бундай бўлади: Ҳақ субҳонаҳунинг шуҳуди нақд бўлганлиги учун ўзимиздан ва (бошқа) ҳар нарсадан ғойиб бўламиз. Лекин бу саодати ҳақиқий (ҳали) муяссар бўлгани йўқ. Ҳамма давлатлар эса (муяссар) бўлди. Мана шуни (тушуниб) ол! Ҳиммат шундай бўладики, бутун борлиғини мана шундай мақсадга етиш ва топиш йўлида сарф қилинган эди. Зикр ва тажридга мудовамат қилиб, ҳамнафас бўлиш ҳамда борлиқдаги машғулотлардан, фо-

Табаррук рисоалар

ний лаззатлардан фоний бўлишга уринилади. Орттирилган бутун сармоя эса нақдий насибаларга етиш йўлида йўқ бўлди. Умрнинг офтоби бўлса, ботиш тарафга етди. Йўқотилган нарсаларни топиш учун не нарса қилмоқ керак?!

Дўстлар ва фарзандлардан илтимос шулки, холис Аллоҳ учун шундай қилсинлар: ҳаёт ва ёшлик ва ақлнинг (ҳар хил) офатлардан саломат ҳамда аъзоларнинг соғломлиги, тинчлик ва омонликдан жамбиятнинг сабаблари (сиз азизларга) неъмат қилиб берилган. Энди Ҳақ олдида бир ҳиммат қилсинлар. Ўзларининг бутун борлигини бирор зикрга сарф айласинлар. Ўша зикрнинг мукофоти Ҳақ тарафидан «Аз-куркум» бўлади. Агар «Фазкуруний» амрига бўйсинишда танбаллик воқеъ бўлса, нималар содир бўлишини билмайман. (Эртага қабрдаги) хонада бечироқ, бешуъла қоронғу ва танг зулматда аҳвол нима бўлади?! Биз амр қилинган зикрни бажариб, таъбимизга мувофиқ зулматдан халос бўла олмасак, нималар ҳосил бўларкин?!

Биродарлар ва фарзандларга нисбатан бул фақирнинг васияти шулки, Ҳақ субҳонаҳудан уларни Худованддан бошқа билан ҳеч ҳам қолдирмасликни сўрасинлар. Ушбу авжига етиш ва ҳақиқатда эришиш учун унинг шуҳуди ва ҳузурни Ҳақ билан шул хилда бўлсинки, бу ва у оламдаги жами истагу хоҳишлардан холи бўлсин. Ўз нафасларига посбон бўлмасдан унга муяссар бўла олмайдилар. Ҳар нафасида ўзини Ҳақ билан шу хилда ҳозирласин: Ҳақ субҳонаҳунинг иззату кибриёлиги олдида ўзини ниёзмандлик ва шикасталик сифатлари ила тутиб, ўзидан ҳам, ғайрдан ҳам қутилсин. Жами қайдлардан халос бўлишдан бўлак (сулукларнинг) ниҳоятига тараққий этишга ҳаракат қилсин. Мана шу машғулятни ҳосил қилиш Хожагон ва уларнинг халифалари тариқатига одатланмасдан муяссар бўлмагай. Хусусан, охирги халифа, ушбу нисбатнинг узуги, бу йўл ул зот билан камолга етган Ҳазрати Хожа Баҳо-ул-Ҳақ вад-Дин Нақшбандга (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин, руҳ ва сирларини муқаддас айласин) эргашмоқ керак. Чунки ушбу танланган зотлар ихтиёр қилганлари ҳар бир нафасда ёдкард, нигоҳдошт ва ёддошт бўлиб (асло) гофил бўлмайдилар. Бу-

нингдек ишда шундай таъбир қилганларки, ҳар нафасда дилдан вуқуфи қалбий узоқлашмагай. Ҳар бир нафасда, тамоми вақтларида, тижоратдан бўлган машғулотларида, аъзоларининг ҳаракати пайтида вуқуфи қалбий бўлган зикрдан ҳеч ҳам ғофил ва зоҳил бўлмасин. Вуқуфи қалбий дил Ҳақ билан ҳозир ва огоҳ бўлишидан иборатдир. Шундайки, дилда Худодан бошқага ҳеч ўрин қолмасин. Дилда Ҳақдан ўзга ҳеч бир нарсаларнинг улуғлиги—ю, иззати қолмасин. Дилдан ғайрнинг хавфи ва ҳайбати кетсин. Ҳақ субҳонаҳунинг хавфу ҳайбати, улуғлиги—ю муҳаббати дилда ўрнашиб қолсин. Дил ғайрнинг иззату азамати ва муҳаббати меҳнатидан нажот топсин. Ҳақдан ўзгани дўст тутмасин. Ундан ўзгани андиша қилмасин. Ҳақ субҳонаҳунинг холис инояти ила ғайрнинг маърифати—ю шухуди, билишу кўришидан халос бўлади. Бехудлик саройидаги ҳарамда ўзидан озод бўлиб, муҳаймин бўлган Зотга лоҳиқ бўлади, қовушади. Аллоҳ тало Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳурматидан бизни ва сизларни ўз нафсларимиз(шарри)дан халос бўлиш билан ризқлантирсин.

Бошқа бир васийят шулки, сўфийларнинг сўзларини матолаа қилиш ва уларга қарашга кўп машғул бўлишдан ғофил бўлсинлар. Гарчи жами тариқатларнинг мунтаҳоси ва хулосаси жами нисбатларнинг тўплам бўлган шариф нисбат — Ҳожагон қоддасаллоҳу арвоҳаҳум нисбатларидан иборат бўлса ҳам.. Баландпарвоз сўзларни улардан ғофил қолса ҳам дилни ҳамма давлатларни ортда қолдирадиган ишга (асосан) машғул қилсин. Кўп зиёну хусронлар, афсусу пушаймонлар мана шундан (қуруқ ўқиб—ўрганиш ва кўриб—эшитишдан) юзага келган. Қайси иш, қайси завку ҳол, қайси тариқату услуб ҳар нафасида бандалигу мазаллат ила Ҳақнинг кибриё ва иззати қаршисида Ҳақ субҳонаҳунинг ўзига юзланиб, Ҳақнинг ўз бандасини ғайрга гирифтор бўлишдан халос этиш услубидан баландроқ, афзалроқ бўларди?! «Ло илоҳа иллаллоҳ» зикрининг ҳақиқати шулки, ғайрнинг пешонасига йўқлик рақамини тортиб, дилни унинг андишасидан халос айласин. Ҳар нафасда Ҳақ субҳонаҳунинг борлик исботини маҳбублик васфи ила дилда бажариб,

Табаррук рисоалар

ўртадан такаллуф кўтариладиган даражага эришсин.

Ассалому Алайкум ва Раҳматуллоҳи ва Барокатуху. Тамоми дўстлардан фақирнинг илтимоси шулки, холис Аллоҳ учун бутун ҳимматини Ҳақ субҳонаҳу ўзининг инояти ила бошқага бандалик қилиш гирифторидан озод бўлишни каромат кўрсатишига қаратсинлар. Бул фақирнинг тамоми борлиғи ўзига бандалик қилишга гарифтор бўлиб қолган. Бу фақирдан ҳеч (бу гирифторлик) ўтиб кетмаяпти. «Аштахий аъдамин ло аъудуху абадан»⁷². Қариб қолдим... ҳануз ўзимдан қутилиш муяссар бўлгани йўқ. Бу дармондани ушбу оламдан олиб кетсалар на қадар қийин бўларди. Бу фақирдаги ўзлигидан иборат бўлган оғир юкни кўтармасинлар. Чунки аниқ бўлганки, дард оташининг истилосисиз ўзлик вужудини қўпориш (ҳақиқатдан) узоқ бўлган ишдир. Ўзимдан шуур ва вуқуф бўлишни кетказиш йўлида шуҳуд давомийлиги учун таассуфлар ва куйиб—ёнишлар (бул фақирга) муяссар бўлгани йўқ. Энди, илтимос шулки, дўстларнинг хотири шарифлари шунга сарф бўлсин: Ҳақ субҳонаҳу бу фақирни беадад, оғир уйқудан бедор бўлишни ўз миннату карами бирла каромат айлаб, (саодатли) қўрқинчга сабаб бўладиган бир дардга гирифтор қилсин.

*Дарди ту бояд диламро дарди ту,
Лек не дар хўрди ман дар хўрда ту.
Дард чандоники медони фирист,
То тавонам ҳар чи медони фирист.
Куфри кофирро—у дини диндорро,
Зарраи дардат дили Атторро.*

(Сенинг дардинг дилимга лозим, сенинг дардинг. Лекин (ҳали) сенинг ғаминг, дардингни ейиш менинг емишимда йўқ. (Шунга, менга қудрат бер, тоқат бер Қанча дард билсанг (ҳаммасини менга) юбор! Тоқатим етгунча не нарсани билсанг юборавер! Кофирнинг куфри—ю диндорнинг динини, Аттор дилидаги дардингдан бир заррани бўлса—да юборавер.)

Маълум бўлдики, оламдан қасд қилинган нарса хулосаси инсондир. Инсондан қасд қилинган нарса хулосаси эса даврий дардга гирифторликнинг давом этишидир. Кўзгуда ўша

⁷² «Йўқликни хоҳлайман. Лекин унга ҳеч ҳам қайтмаяпман».

даврий дард зоҳир. Одабийзотдан бошқада бу нарсаларнинг ҳеч қайсиси зоҳир бўлмайди. Қуддисиёлар хазинасида мавжуд бўлмаган нарсалар хокийлар — ердагилар дард кўзгусида зоҳирдир. Маъшук камоли ила жамоли бул кўзгудан бошқа ерда зоҳир бўлмагай. Ҳақ субҳонаҳунинг ниҳоясиз лутфларидан умид шулки, бул фақир ҳамда барча дўстларни Хожাগон бузругларининг тариқаи санниййасига одат қилиши сабабидан инсонийлик ҳақиқати тўсиқлар касофатидан халос бўлсин. Зеро, дарҳақиқат, яратилишдан мақсад ҳам ушбу тариқат одобини салқлаш — нигоҳдоштдир.

Ҳақ субҳонаҳу ўзимизнинг гум бўлганимизни эслаб, куюнч ва қўрқинч шарафига мушарраф қилсин. Чунки мақсадни ҳосил қилиш ва унга эришиш хокиёнлар корхонасидан бўлади.

*Бедилроки, ишқ бинавозад,
Жони у жилвагоҳи худ созад.
Дили уро зи ғам ба—жон орад
Тани уро зи ғусса бигудозад
Ба—худаиш он чунон кунад машғул
Ки ба—маъшук ҳам напардозад.*

(Бирор бедил—дилсизга ишқни куйласалар, жону тани ўзининг (Аллоҳнинг) жилвагоҳига айланади. Дилини ғамдан жон деб келтиради, танига эса ғуссадан қўрқинч келтиради. Аллоҳ уни ўзига шундай машғул қилиб келадики, (бошқа) маъшук ила ҳеч ҳам шуғулланмайди).

*Бар кушоям баҳси инро ман ба—соз,
То саволу то жавоб оят дароз.
Завқи нуктаи ишқ аз ман мер авад,
Нақши хизмат нақши дигар мешавад.*

(Агар мен соз билан бунинг баҳсига лаб очадиган бўлсам, саволу жавоб узайиб кетади. Унда ишқ нуктасидан (таралаётган) завқ менадан кетиб қолади. Хизмат (Аллоҳга ибодат) нақши ҳам бошқа нақшига айланиб қолади).

Табаррук рисодалар

Ҳар банда ўзида Аллоҳ жалла зикруҳунинг қабулият асарини, яъни шариатга муҳолифатда бўлишдан қайтиш тавфиқни зоҳирида—ям ботинидаям мушоҳада қилса, зоҳирини ибодат билан ораста қилсин. Авом ҳам хослар ҳам ахлоқи ҳамиди билан зийнатлансин. Дил Ҳақ субҳонаҳуға тортилиб, Ундан бошқага илтифот қилишни тарк айласин. Доимо таважжуҳ ва интизор бўлиб турсинки, Ҳақ субҳонаҳу унга ички сиқилишдан нажот берсин. Беҳудлик фазосига мушарраф қилсин. Мана шуларга ҳамд тақдим қилмоқ лозим. Чунки банда шайтон ва нафс макридан омонда бўлолмайди. Айтаётган ҳамда мана шу икки душман аралашувидан холи деб ҳам ўйламасин. Шул жиҳатдан ҳамд билан бирга истиғфор айтиш ҳам лозим. Чунки унинг ҳамди нафсий ужбга сабаб бўлиб қолиши ҳам мумкин. Нафсларини поклашга машғул бўлган, мана шу икки душманнинг макр ва алдовларини билиб қолган аброрлар муомаласи шундандир. Арбоби қулубнинг диллари сифот ва асмо тажаллиёти асрорини қабул қилишга шойиства ва мақбул бўлиб қолган эмаслар. Уларнинг истиғфори воситалар шухудидан иборат бўлади. Аммо Зоти тажаллий қаҳрамонлиги билан асмо ва сифот касратидан нажот топган муқаррабларнинг истиғфори Зоти тажаллий нурининг зоҳир бўлишидан олдин мақомларга боғланиб қолишдан иборатдир. Ана ўша жойда шундай зотлар борки, уларга ҳамд ҳам истиғфор ҳам даркор эмас. Ваҳдат тиги бирла ҳар бир касрат боши узилган бўлади. Агар бирор ҳамд улардан соҳир бўлса, у «Хувал ҳомиду вал—маҳмуду»⁷³ бўлади. Улардан зоҳир бўлган ҳар бир нарса Ҳақ таолога иснод қилинган, боғланган бўлади. «Ло язкуруллоҳа иллаллоҳу. Ло аҳсо саноа аълайка анта камо аснайта аъло нафсика».⁷⁴

Чи мумкин кард имкон бар фишонад,

Ба—жуз вожиб дигар чизи номонад.

*(Агар мумкин бўладиган бўлса, имкон ёғилади, қуйилади.
Шунда вожибдан бошқа нарса қолмайди).*

⁷³ «Мақталган зот Удир, мақтагувчи ҳам Унинг ўзидир».

⁷⁴ «Аллоҳни Унинг ўзидан, яъни Аллоҳдан бошқаси комил бир зикр билан зикр қилолмас. Парвардигор! Биз Сен ўзинг ўзингни мактаб сано айтганинг каби асло мактаб олмаймиз. Бундан ожизмиз».

«Ва мо қадаруллоҳа ҳаққа қодриҳи»⁷⁵ оятидаги ишорат мана шул борликка бўлса керак.


Абу Муҳаммад Рувайм қуддиси сирруҳунинг анфоси на-фисасидир. «Ал—Фақру кулли мавжудот ва тарку кулли ма-фқудин» («Фақр — барча мавжуд — бор нарсаларни йўқ қилиш ва барча мафқуд — йўқ нарсаларни тарк этишдир»). Бул фақирга таркибнинг мазмуни (ҳам тўла) тулуъ қилгани йўқ. Хотирга шундай келадикки, фақрнинг таҳқиқи мубтадийга нисбатан шундай бир вақтда мусаллам бўлади: у амвол ва амлокдан бир нарсаларни эъдом (йўқ) қилади. Молик бўлмаган нарсага хотир машғул ҳам бўлмайди. Ботинни ғайрдан узишни истаган кишига нисбатан «хузури маъаллоҳ» шарафи шул пайтда мушарраф бўладикки, қалбий тааллуқларни, хавотири монёъани эъдом (йўқ) қилади. Қалбини Ҳақ субҳонаҳу иқболида давом эттиради. Яна шундай қилсин: мафқуф деб ишора қилиш мумкин бўлган хавотирларни келтириб чиқарадиган сабаблар узилганлиги боис улар хотирга келтирилмасин.

Ботинлари мавоҳиби саниййа ҳамда завку ҳолатларни қабул қилиш шарафига мушарраф бўлган кимсаларга нисбатан фақр таҳқиқи (тушунчаси) шулки, олийҳиммат бўлганликлари сабабли ушбу насибаларга гирифтор бўлиб қолмайдилар. Шунга мунтазир бўладиларки, Ваҳҳоби муглақ жалла зикруху уларни тамоман ўзларидан айириб, уларнинг йўқлик кўзгусида зотий тажаллийга мушарраф қилсин. Мунтаҳийларга нисбатан фақр таҳқиқи шулки, на улар ва на ҳимматлари қолади. Фақат Ҳақ таологина қолади. Улар тарафдан ҳеч нарса қолмаса, ҳақиқатан мавқуф ҳисобланади. Яъни вожиб ур—рад бўлган (рад қилиш вожиб) омонатларга гирифтор бўлиш қолмайди. Худованд билан бирга омонат қолмайди. Ҳақиқий борлик нури сабабли гумонли, хаёлий борликка ўрин қолмайди. «Саҳв ул—мавҳум ва маҳв ул—маълум» калимасида шунга ишора бўлиши мумкин.

Руҳ махфий нарсадир. Чунки унинг нишони, моҳияти равшан эмас.

Аз ғояти зухур аёнаш надид нест.

⁷⁵ «Аллоҳнинг улуғлигини, лутфи марҳаматини ҳақиқий қадрлай олмадилар».



Табаррук рисоалар

(Зухурнинг ғоятда кучлилигидан Унинг аён бўлиши равшан эмас).

Ҳар бир тил буни гапиради, ҳар бир қулоқ шундайлигига эшитади. Сенинг камолинг руҳ ҳузури ва шуҳудисиз бўлмайди. Сенинг истеъдодинг ниҳояси, охири шулки, руҳий фазилатлардан нимаики зоҳир бўлса, аъзоларда ҳам шул нарса зоҳир бўлади. Қулоқ, кўз ва бошқа аъзоларда маънавий қувватлардан нимаики зоҳир бўлса, (ўшани) тамоми руҳда тажаллий қилганлигини кўрасан. Қачон руҳнинг шуҳуди шул мартабага етса, тафсилотлар қасратининг мушоҳадасидан халос бўласан. Руҳ қойим бўлган ушбу мақомда руҳсиз ҳеч нарса машҳуд бўлмайди. Бу вақтда агар ҳақиқатдан ҳам иштиёқ махфий руҳингдан зоҳир бўлса, сени беқарор ва беором қилади. Демак, ушбу беқарорлик улуғ давлатдир. Агар махфий руҳингда бир лаҳза бир ламҳа огоҳлик ато қилсалар улуғ давлат бўлади.

Назм:

*Хуштар он бошадки сирри дилбарон,
Гуфта ояд дар ҳадиси дигарон.*

(Энг ёқимлиси шул бўладики, дилбарлар сирини бошқа бировлар сўзида айтиб келинади).

*Об кам жў, ташнагий овар ба—даст,
То бижўшад обад аз боло—наст.*

(Сув кам иста, қўлингдан келганча ташналик келтир. Шунда сенинг сувинг пасту баланддан жўш уради, қайнаб тушади).

Камол балки, ниҳояти камол шундаки, чанқоқни келтириб чиқарадиган сабаблар воситаси ила чанқоқ касб қилмоқ керак. Сабаб сувни эслаш, сувнинг камолини васф қилиш, тил ёки дил билан сувни кўп марта айтиш, мақсади учун сувни ҳозирлашга ўхшаган бўлади. Токи шулар билан чанқоқни ҳосил бўлиш шарафи мушарраф бўлиб, сувнинг ҳозир бўлиши (ортиқча) амалсиз муяссар бўлсин. Сув-

нинг ҳозир бўлиши шуҳуд ҳақиқати бўлиб, ёддошдан иборатдир. Бу ерда қўл беради. Сувнинг ҳозир бўлиши бошқа сувга илтифот қилишдан халос этади. Бошқа сувнинг ҳозир бўлишдан гайбат юз берганлиги сабабли мана шундай ҳузурнинг ҳосил бўлишини «фано» дейдилар. Агар бул мақомда шундайин тараққиёт қўлга кирса, сувнинг ҳозир бўлиш шууридан ҳам ғойиб бўлиш муяссар бўлмай. Бундай саодатни фанойи фано дейдилар. Бу мартабада валоят ҳаққи сувга нисбатан сурат боғлайди. Зеро, сувни севишнинг кучлилиги ҳамда сувнинг ҳозир бўлиши бошқа сувдан шуурини кесади. Ўзидан ҳам ўзининг сифатларидан ҳам огоҳлик қолмайди. Агар бул мартабадан ҳам тараққий қилиш муяссар қилса, сувни кўради. Унинг ўзи ҳозирдир. У йўқликдир. Унда ҳеч қандай сифатлар йўқ. Буларнинг ҳаммаси сувнинг камолидир. Бу ерда тамоман халос бўлиш, ҳақиқий фано муяссар қилмай. Унинг шуҳуди назарида ҳеч нарса қолмайди. Балки шоҳидлик ва машҳудлик васфи ҳам қолмайди: «Качон уларнинг фақри тугал бўлса, уларда фақат эслашгина қолади». Чунки сувнинг ҳозир бўлиши мана шундай тараққийга сабаб бўлади. Тил ва дилингда сувдан бошқани ҳеч ҳам эсламаслигинг лозим. Умид шулки, ушбу авжга тараққий этиб, мана бунинг ҳаммасини айтасан:

Назм:

Чун руҳ дар наззора фано гашт, ин бигуфт:

«Наззораи жамоли Худо жуз Худо накард».

(Руҳ бир қарашдаёқ фано бўлди—ю бундай деди:

«Худо жамолига қаровчи Худодан бошқа бўлмайди»)

Сифат темири бўлган тавҳид калимасини дилга неча бор урмоқ керак. Чунки дил сирида ёшириниб ётган нарса, яъни сифатнинг муҳаббат оташи дил ҳақиқатида зоҳир бўлмай. Ўзидан бошқа ҳар бир насрани куйдириб юборади. Бу ерда ҳақият тажаллийсини қабул қилиш истеъдоди муяссар бўлиб, Ҳақ субҳонаҳу бошқа нарсалар, маънавий ва ҳақиқий сурат ва имкониятлар дил ҳақиқатида жойлаша

Табаррук рисоалар

олмайди. «Лий маъаллоҳи вақтун. Ло ясаъуний фиҳи малакун муқарраб ва ло набиййун мурсал»⁷⁶. Ушбу ҳадис шояд-ки, бу сирга ишора бўлса. Гарчи бул маънонинг камоли Муҳаммад Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам ҳазратлари бўлсалар ҳам лекин мUTOбаат сабабидан умматга ушбу тажаллийни тасарруф этиш истеъдоди имконияти миқдорида ҳосил бўлғай. Ушбу саодатни топиш учун бутун ҳимматини Расулulloҳ (ул Зотга тугал саловатлар ва баракотли таҳийётлар бўлсин) мUTOбаатига сарф қилмоқ лозим. Ғоят камтарлик, синиқлик ила Ҳақ Субҳонаҳудан сўрамоқ керакки, (бизга) онҳазрат соллalloҳу алайҳи васаллам мUTOбатларини насиб қилсин. Вассаллом.

Ишқ айтади: «Сифат оҳани бўлган калимаи тавҳидни дил тошига шундай урки, дил сирида яшириниб ётган муҳаббат зоҳир бўлсин. Ана ундан кейин дил ўзини ораста кўриб, муҳаббатдан ўзга нарса бутунлай йўқлигини билади. Ундан кейин шояд-ки, холис (Аллоҳнинг) инояти ила ҳақиқий мавсуфда муҳаббат сифатини муҳаббат васфи ила мушоҳада қилиб, мавсуф ва васф орасидаги фарқ ўртадан кўтарилса. Бу ерда дил кўзида ғайрни кўриш қолмайди. Баъзилар бу мақом борасида бундай деганлар: «Бу ерда дил шунга аҳлият бўладики, кўриш ва бошқа сифатлари унинг Маҳбуби бўлади». Фаҳм-фаросатнинг ниҳоятда қосирлигидан бу маъно зикр қилинмади. Мана шундай бўлиш аниқ.

Аллоҳ таоло бизларни муҳаббат султони зоҳир бўлишига бажариладиган сулук тавфиқи билан ризқлантирсин. Омин.

Биринчи файзда кўпгина мазҳарлар бор. Унда ҳар нарса-ки мавжуд бўлса, ўшанинг зотий тажаллийдан насибаси бўлади. Уни «важҳи хос» дейдилар. Ўша важҳ давомийлиги сабаб Ҳақ субҳонаҳуга инжизоб воқеъдир. Агар илҳодий исм таъсири билан адаштирувчи исм тасарруфидан нажот топса, муқаддас Зотга бўлган инжизоби давом этиб, ўзидан

⁷⁶ «Мен учун Аллоҳ билан бирга (бўладиган) бир вақт бор. У ерда муқарраб фаришта ҳам, мурсал пайғамбар ҳам сизмайди».

тамоман йўқ бўлади. Муҳаймин бўлган зотга лойиқ бўлиб, Ҳақдан ўзгани кўрмайди ва билмайди. Ал-иёзу биллоҳ⁷⁷, агар адаштирувчининг исми таъсир қилиб, зотга тортиладиган тўғри йўл йўқ бўлса, ўзига гирифтор бўлиб, ўздан бошқани кўрмайди ва ўздан бошқани билмайди. Ҳамма вақт зулматига зулмат қўшилиб боради. Шухуди ваҳдатдан мамнуъ ва маҳжуб бўлиб қолади. На унинг руҳи тоатда бўлади, балки тоатнинг ўзи бўлмайди. Барча дунёвий, ухровий, маънавий ва суварий азобларга мустаҳақ ва лойиқ бўлади. Ушбу балодан халос бўлишда бир неча сабаблар бор. Тавбаи насух ва солиҳ амалларни бажариш шулар жумласидан. Энг яхши сабаб шулки, сидку ихлос билан зотий муҳаббат билан ўзларидан қутила олган бирор тоифага, бирор кимсага хизмат қилади. Бутун борлигини улар йўлида йўқ қилади. Розақаноллоҳу ва ийёкум.⁷⁸ Омин.

Аҳли таҳқиқ нисбати монёълардан тавба ва инобат қилгандан сўнг покиза амал ва ахлоқ билан саййиди аввалин ва охиринга (ул Зотга тугал саловотлар ва баракотли таҳийётлар бўлсин) мутобаат қилган кимсага муяссар бўлади. Мукаммал сидку ихлос ила ҳақиқий мақсад сари таважжуҳ қилгай. Ҳар бир ғайрни нафий тиғи билан бошини олиб, ҳақиқий фанога мушарраф бўлгай. Ҳақ субҳонаҳу унинг вужуди ўрнига унга ўз наздидаги вужуд хилъатини кийгизгай. Ана ундан кейин мумкин бўладики, у билан нимани кўрса ундан эмас, балки Ундан уни ва У билан уни кўради. «Ат-таҳқиқу талхису масбубика минал-Ҳаққи бил-Ҳаққи фил-Ҳаққи» деб айтганлари шунга ишорат бўлса керак. Агар сен мана шундай бўлмасанг ушбу Ҳазрат Рисолат соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган: «Коналлоҳу ва лам якун маъаҳу шайъун»⁷⁹ ҳадиси ҳамда ушбу ҳадисга илова қилган машойихи тариқатнинг ушбу «Ан-он камо кон»⁸⁰ лафзи сиридан бехабар қоласан. Сендан масхуб бўлган нарса ҳақиқату яқиндан иборат камолот сифатлари сен тарафдан эмас. Сенга

⁷⁷ «Аллоҳдан паноҳ (тилайман)».

⁷⁸ Аллоҳ таъоло бизни ва сизларни бу бахт билан ризқлантирсин.

⁷⁹ «Аллоҳгина бор эди, У билан бирга бошқа ҳеч нарса йўқ эди.»

⁸⁰ «Ҳозир ҳам фақат У бор».

Табаррук рисоалар

вожиб шулки, ўзингда бунинг тажридини амалга ошириб, балки ўзингдан борлиқ тажридини қилиб, ўзингни йўқликда обод қилгайсан.

Зокир «Ло илоҳа иллаллоҳ» калимаси билан ғайрнинг илоҳийлигини нафий қилмоғи лозим. Ҳақ субҳонаҳунинг илоҳлигини исбот этмоғи лозим. Ҳар бир нарса, ҳар бир кимса турли ваҳждлар билан зокирни қандайдир ваҳж сабабли тасарруф қилади. Зокирни ушбу калима маъноси ва суратидан чалғитади. Бунга ўша нарса илоҳийлик даъво этгани сабаб бўлади. Чунки илоҳий файздан олиб вужуд шарафига мушарраф бўлган, ўнда вужуднинг феълий ва қувватий лозим нарсалари бўлган зокирга вожиб шулки, у ўша нарсани нафий қилсин. Дилда ўша нарса учун бирорта вужуф ва шуур қолмасин. Пастлаш даражаси шулки, ундан тасарруф сифати узоқлашади. То шундай саодатга эришадикки, дилда барча нарсаларнинг илоҳийлигига жой қолмайди. Бу ерда шундай даража тараққий қиладики, машҳуди Ҳақ субҳонаҳудан ўзга бўлмайди. Бу ерда барча нарсага йўқлик рақами чизилган бўлади. Агар унга бошқаларни камолга етказиш учун хоҳиш билдириб, халқ тарафга (йўлини) очик қилсалар, унга бир нур бағишлайдилар. Барча нарсага ваҳжи боқий бирла қарайдиган бўлади. Бундай ружуъси ўшал нур сабабли бўлмай. Нима нарсага мутаважжиҳ бўлса, ўша нарса ундан маҳжуб бўлмайди. Тажаллиёт оламидаги зарралар мажмуи ва илоҳиёт кўзгуси бўлган кимсага нима нарса шухуддан тўсадиган тўсиқ бўларди?! Қандай ҳам сурат боғлай оларди?!

Илоҳий ҳилқатдан қасд қилинган нарсанинг ҳосил бўлиши қалб ҳақиқат ҳар хил машғулликлардан тажрид ва холи бўлмасдан юзага келмайди. Дилда бир нарса қолган бўлиб, агар дил тажриди билан ҳосил бўлган, ҳар бир нарсадан соф қилинаверса, ўша нарса зоҳир бўлади. Ҳеч бир нарса унга баробар эмас. Зотий тажаллийдан бошқа, албатта. Ушбу тажаллийда ўзидан ва барча нарсадан умумий фано ҳосил бўлиб, шуури халқий касратдан, балки сифотий касратдан ҳам узилиб, Муҳаймин бўлган Зотга лойиқ бўлади. Агар ундан бошқалар баҳраманд бўлишини шундай даражада

хоҳласалар, унда ўзидан қутилиш ҳосил бўлади. Унга Ҳақ субҳонаху ўз назидан бир қувват ато қилади. Ушбу маънони таъбир қилиб «бақо баъдал-фано» ва ҳаққоний мавҳуб (насиба)нинг вужудга келиши деб атаганлар. Баъзилар бундай дейишган: «Қалб вужудда тешиклар бўлади, ғира—шира, ранги ўчган ва бошқа шу хилдаги тешикларга ўхшаш». Тошни таъбир қилиб қалбдаги зотий бир нуқта мавжудлигини айтганлар. У ғализ парда сабабли зоҳир бўлмайди. Айтганлар: «Бу зотий нуқта кўзи бор (кўз тегиши бор) одамларга ўхшайди. Яна жума кунда яширинган (хосиятли) бир соатга ўхшайди». Яна айтганлар: «Агар зикр ва тиловат ҳамда намоз ва хайрли амалларга одат қилинса, дил соф ва покиза бўлгай». «Унга хосияти Ҳақ зотидан бошқа ҳеч нарса баробар бўлмайди. Демак, мана шу тешикдан тажаллий бирликдан иборат нур таралади. У жисмнинг (барча) бурчакларида сайр қилади. Шундай қилиб ақл ва бошқалар лолу ҳайрон қолади. Улар мана шу тешикдан кенгаётган нурдан ва унинг ялтирашидан эс—хушларини йўқотиб, кўзлари қамашиб кетади. Кейин уларда бирорта сарф ҳаражат зоҳирда ҳам, ботинда ҳам кўринмайди. Шунинг учун ушбу тешик «ал—бахт («Ҳайрат») деб аталади. Қачон Аллоҳ таоло бу бандани боқий қолишини ирода қилса, унинг қалбига бир булут юборади. У қалб мана шу, нуқтадан кенгаётган нур орасини ўраб олади. Шундан сўнг нур унда акс эта бошлайди. Руҳ билан аъзолар (ҳайратдан) халос бўладилар. Мана шу ёниб йўқ бўлиб кетишдир, мустаҳкам барқарорликдир. Демак, мана шу булут ортида расми қолганлиги учун шоҳид бўлиб қолаверади. Тажаллий эса ҳамиша боқий қолади. Ҳеч қачон бу тешикдан йўқолмайди. Шунинг учун кўпчилик айтадики, албатта Ҳақ ҳарбир нарсада тажаллий қилмайди. Шундан кейин унда парла тўсилади. Лекин сифатлар турлича бўлиб қолаверади. Шу маънода бизнинг байтларимиз бор.

Шеър:

Ламмо лазимту қаръа бобиллоҳ

Кунтул муроқиба лам якун бил—лоҳий.

Табаррук рисоалар

*Ҳатто бадат лил—айни сабҳату ваҷҳиҳи
Ва илаййа ҳалумма лам якун илло ҳий.*

(Бир вақт Аллоҳнинг эшигини тақиллатишни лозим топдим. Мен кутиб турувчиман. Ҳатто кўз учун унинг ваҷҳи нури равшан бўлди. Менга тезликда ундан бошқаси бўлмайди).

Ирфоний ҳақиқатлар (маълум бир) таъбир қилинмайди. Арбоби завқдан бўлган ҳар бир инсон ўз маърифатидан келиб чиқиб турли лафзлар билан имо—ишора бўлиб қолган, холос. Салтанатнинг қайсидир тури билан ўз ҳақиқатларини орифлар мазҳаридан зоҳир қилган. Чунки матлабнинг зуҳур қилиши инсоний ҳақиқатларнинг тушишидир, нозил бўлишидир. Балки (Ҳақ таоло) «мосиво» деб исмланган тамоми нарсани яратгандир. Токи орифлар ҳақиқатидан иборат матлаб зуҳурга келсин. Тамоми мавжудотда зоҳир бўлсин. «ва мо холақтул жинна вал—инса илло ли—яъбудун»⁸¹ ояти шояд ушбу маънога ишорат қилса. «Холақа» яъни вужудни мавжудотлар аёнига яқин қилиб айтди. Вужудни мавжудотлар аёнига яқин қилганлигининг маъноси бир тоифа (орифлар)нинг наздида шулки, аёнлар сура-ти ва аёнлар аҳволи зоҳир бўлди.

*Ин ману мо баҳри он барсохтий,
То ту бо—худ нарди хидмат бохтий.
(Бу мен ва бизни ўша нарсага яратдингми?!
Сен эса ўзингга хизмат нардени тикдинг.)*

Ибодат камоли залил ва шикасталиқдир. Бу мавжудотлар аёнининг аҳволидан хабар берур. Сенинг камолинг бусиз бўлмайди: сенсиз мавжуд бўлмайдиган нарсани зоҳир қилгин. Яъни, ал—Азимдек улуғ исм тажаллийсидан пайдо бўлган ифтиқор (фақирлик), инкисор (синиқлик) ва тазалзул (хорлик) сенда зоҳир бўлсин. Кунларни беҳуда ўтказмаслик ке-

⁸¹ «Мен инсонлар ва жинларни фақат Менгагина ибодат қилмоқлари учун яратдим». (Сураи Зориёт, 56-оят)

рак. Умрни шундай нарсага сарф қилмоқ лозимки, сенидан мақсад шул бўлсин. Сенинг камолинг ўшандадир. Гарчи ҳар нарса зоҳир бўлса—да, бу вужуд санъатининг камолотидир. Сенинг камолинг тазалзул ва инкисору ифтиқор ҳамда ал—Азим ва ал—Жалил исмларнинг партавидан иборат муҳаббат инжизоби — жазабасисиз бўлмагай. Бас, вожиб шулки, истеъдод юзини поклагайсан. Ҳақдан ўзгага илтифот қилишни тарк айлагайсан. Токи ҳақиқат холи бўлган замонда ушбу умр икки исм партавиға мушарраф бўлгайсан. Икки оламдан озод бўлгин. Ана ундан кейин «Ё абдий» («Эй, бандам») нидоси шарафига мушарраф бўлиб, озодлик рақами пешонангга маҳкам қилинур. Ушбу сўзнинг шарҳини солиҳ амаллар дафтарида бошқа нарсадан талаб қилмагин. Токи илҳодга мубтало бўлмагайсан.

Мисра:

Бонг ду кардам агар дар даҳ кас аст.

(Ўн киши бўлса ҳам икки бора бонг урдим)

Аҳли суннат ва аҳли ростнинг этиқоди шулки, ўз ибодатингда (Аллоҳдан) бошқани (маъбудликка) шерик қилмагин, шерик деб билмагин. Биттадан бошқани маъбуд деб билмагин. Биттадан бошқани (маъбуд деб) олмагин. Балки биттадан бошқани кўрмагин. Ушбу ҳамма давлатлардан юқори давлат шул вақт қўл берадики, Ҳақ субҳонаҳунинг муҳаббагида ҳеч нарсани шерик қилмагин. Шунда тараққий қиласан. Шу жойда басар ва басарият назарида Ҳақдан ўзгаси келмагай. Агар шу жойдан ҳам тараққий қилсанг, на басар ва на басират ва на басир қолади. Ушбу саодат Ҳазрати Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратларига мутобат қилмасдан қўлга кирмайди. Аҳли суннат вал—жамоат (ризвонуллоҳи алайҳим ажмаийн) тариқати атрофида қанчалик айланиб юрсанг ҳам шундан бошқа чора топа олмайсан: ўзингни шундай қилгинки, ишқ ўзининг ниҳоясиз лозималари бирла сенда ўзига жой топсин. Сени йўқликка элтсин. Сендан ҳеч нима қолмасин. Шу ерда бандалик ҳақиқатларидан огоҳ бўлиб, ўзингда бандаликдан

Табаррук рисоалар

бошқа нарсани ҳеч ҳам топмагайсан. «Ва мо халақтул жинна вал-инса илло ли-яъбудун» оятининг сири шу ерда зоҳир бўлади. Қандай ҳам ажабки, ишқнинг ўзи зоҳирдир. Бошқаларнинг пайдо бўлиши У биландир, балки ҳар нарсада зоҳирдир. Ўша нарсадан ғайриятни гумон қилса ҳам, ўзидан-ўзи ишқдан бошқани хоҳламайди. То ўзида ўзини кўради. Васаллом.

Қачон ул Зотнинг ҳузуридан бир партав идрок қилувчи (мудрика) латифада чарақласа, мудрика огоҳлик шарафига мушарраф бўлади. Ушбу сирга огоҳ бўлгандан кейин зикр ҳақиқати бўлган огоҳлик нисбати зикрдан бош кўтаради. У ўзини кўришдан ва ўзини васф этишдан озод бўлади. Аллоҳга борувчилар ипига тизилади. Бу ерда унга ихлос ҳосил бўлади. Шунга қасд қилмоқ лозимки, дилда зикр давом этаётгани учун ғайрнинг огоҳлиги қолмаслиги керак. Бу вақтда шояд бундай кимсани бу сирдан воқиф қилиб, зокириятни ва бошқа комил сифатларни кўришдан халос қилсалар.

«Ло илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кимки ушбу калимани тасдиқ қилса, яъни Ҳақ субҳонаҳунинг улуҳиятда ҳеч бир шериги йўқ деб тасдиқ қилса, ҳамда Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рисолатини тасдиқ қилса, ўшандай кимса ушбу айтган сўзида содиқдир. Зеро, Парвардигор улуҳиятда яғонадир. Ушбу (ихлос ила айтган) миқдорда дўзахда абадий қолишдан нажот топади. Аммо арбоби тариқат наздида сидқнинг ишорати ширки хафийдан нажот бўлишлиқдир. Ушбу калимада комил сидқнинг ҳақиқати шул вақтда ҳосил бўладики, дил ҳаво (нафс) тасарруф қилишидан нажот топсин. Дилда ҳеч нарсанинг тасарруф қилишига мажол қолмасин. Ушбу маъно шул вақтда қўлга кирадики, ушбу калимага одат қилингани учун дил аҳадият тажаллийсига мазҳар бўлади. Унинг шуури Ҳақдан ўзгандан мунқатеъ бўлади. Шул вақтда унга ҳақиқатан ҳам «содиқ» дейдилар. Мунтаҳийлар наздида ушбу калима борасида сидқ шулки, ҳеч ҳам тасарруф қилгувчинини кўрмайди, билмайди. Уларнинг шуҳудида Ҳақ субҳонаҳудан ўзганинг улуҳият сифати ҳеч ҳам қолмайди. Яъни, улуҳият шуҳудида мустағрақ бўлганлиги сабабли уларда

гайр деб исмланадиган тасарруфларни қабул қилиш қобилияти қолмайди. Гайрларнинг тасарруфлари ҳоли шундай бўлмайди. Мукаммал инкишоф сабабидан жумла мавжудотларни қудрати ва мазҳарлик кўрсин. Ҳеч нарсани гайрга нисбат қилмасин. Агар машҳуд тоқатида истиғроқ муяссар бўлса, мазҳарлар—у қудратлар тамоман йўқ бўлади.

*Ё ман ушоҳидуху аиний фа—аҳсибху
Минний қарибан фа—қод аззат матолибух.
Изо сумту нафсий салвата анху раддоний
Илайҳи шухудун лайса таний ажойбух.*

(Эй, мен мушоҳада қиладиган Зот! Бас, уни (шухудни) мен тарафдан қурбатан ҳисоб қил. Батаҳқиқ, унинг матлаблари азиздир. Қачон нафсимга ундан тасаллий бўлишни юкласам, у мени рад қилди. У тарафга қаратилган шухуд борки, ажойиботлари (ҳаргиз) фоний бўлмайди).

Чунки аёни собита бирла ҳамда аённинг аҳволи ва истеъдоди ила зуҳур ва вужуд баъзилар (валилар) наздида муҳаққақ (ҳақ) бўлган. «Ушоҳиду аънний» аини собита сура-ти билан вужуд зуҳурининг шухудидан иборат бўлса керак. Чунки (зикр) айтувчи шухудий назарида ўзидан кўрган нарсасини шухуди мақсуд деб билади. Шунинг қурб ҳисоблаб ўзига ором беради. Мақсуди ҳақиқий шулки, аён сураглари зоҳир бўлиб, унинг аҳволи ва собитаси жам бўлгандир. Бундан—да ҳақиқатроғи шулки, Муқаддас Зот аёни собита сураглари бирла саналадиган (чегараланадиган) нарсадан пок ва муқаддасроқдир. Қасд этилган нарса аёни собита доираси худудидан хориждир. Худди мана шу сирдан огоҳ бўлган. «Ва қод аззат матолибух» ғоят таассуф ва Мақсуди Ҳақиқийга иштиёқи зўрлигидан унга бош ургандир. Чунки машҳуд бўлган нарса мақсуд тажаллийсининг партавидир. Шунда машҳудни талаб қилгани энди унга берилади. Биз фақирларнинг фаҳмларига муносиб нарса шулки, зоти муҳаббатнинг қудрати бирла гайрга гирифтор бўлишдан озод бўлиб, сиррий ҳузурни мушоҳада қилганлиги учун мақсадига етади. «Ало би—зик-

Табаррук рисодалар

руллоҳи татмаинн ул—қулуб»⁸² ояти каримаси ҳукми бирла мақсудни гаройиб деб билган. Чунки шуҳуди сиррий маънавий даражага етганлиги боис ун беқарор қилган. «Ва қод аззат матолибуҳ»ни таассуф ва иштиёқ кучлигидан айтган. Зеро, шуҳуди сиррийнинг (ўзига хос) салтанати бор. Муҳибни ўзига ноумидликни шиор қилиб, фароғат топишга йўл қўймайди. «Из сумту нафсий салавата анҳу риддоний. Илайҳу шуҳуддан лайса таний ажоибуҳ» дейилишдан ҳимматни баланд тутмоқ керак. Ҳеч нарсага қаноат қилмаслик даркор. Токи арбоби шуҳуд ва арбоби ҳузур суҳбатида давом этиб ёки зикрга одат айлаш билан ғайр андешасидан фориф ва озод бўлгайсан. Шунда мақсудни ўзингдан топасан. Ҳамма нарсадан фориф келасан.

Қуввату тоқат етгунча жону дилдан саъй—ҳаракат қилмоқ керак. Латофаи мудрика Ҳақдан ўзгани андеша қилишдан озод бўлсин. Хаёлни олиб қочувчи ва ваҳима келтирувчи нарсанинг асирлигидан халос айласин. Бандалик мана шу таклиф ва амалдан иборат. Токи «Ман атоний ямший отайтуху ҳарвалатан»⁸³ ҳадиси қудсийси ҳамда «Инно ло нузиъу ажра ман аҳсана амало»⁸⁴ ояти каримаси ҳукми ила азалий ва абадий Зотнинг тажаллийсидан латифаи мудрикага бир партав етсин. Ундан қийинчиликсиз ва (ортиқча) амалсиз огоҳлик топсин ҳамда такаллуф сифатидан озод бўлсин. Қачон ўшал тажаллий партави сабаб мудрика Ул Зотга гирифтор бўлиб қолса, сен ғайрга гирифтор бўлишдан халос бўласан. Агар иноят айлаб, сени ориф ва муваҳхид қилсалар, ҳамда ўзингдан ҳам пок қилсалар кўриб—билишни ҳам бир хоҳла! У Зотга огоҳликнинг давомийлик сифати Ул зотдандир! Ундан сенинг ҳеч ҳаққинг йўқ. Сен оина ёки оби ҳаёт навдони (новаси) мисолидан халос бўл! Жон бермоқ керак, талабдан қолмаслик даркор. Шунда ушбу давлатга етасан.

⁸² «Огоҳ бўлингларки, қалблар Аллоҳнинг зикри билангина хотиржам бўлур, ҳузур-ҳаловат топур». (Сураи Раъд, 28-оят)

⁸³ «Ким Менга юриб келса, Мен унга чопиб бораман».

⁸⁴ «Муҳаққаққи, Биз иймон келтириб чиройли амал (солиҳ амал) қилувчиларнинг ажрини (мукофотини) асло зое қилмасмиз». (Сураи Каҳф, 30-оят)

Мисра:

Бонг ду кардам агар дар даҳ кас аст.

(«Агар ўн киши бўлса ҳам икки бора бонг урдим».)

Аллоҳ таоло сиз билан бизни васф бирлан шуҳуд давомийлигига муяссар айласин. Омин.

Дарҳақиқат, руҳнинг жасадга гирифтор бўлиши сенинг ҳақиқатингдир. Унга аввал муҳаддас оламда бўлмаган нарса бу ерда ҳосил бўлгай. Унда ҳосил бўладиган нарса алам ва дарддир. Бу Ҳақ субҳонаҳунинг шуҳуди давомийлигидан маҳрум бўлганлиги сабабли ҳамда табиат ва ҳаво тақазосига кўра қандайдир нарсалар гирифтор бўлиб қолганлиги сабабдир. Агар мана шундан огоҳ қилсалар нур устига нур. Агар қилмасалар, сенга иноят қилинган шуҳуд давомийлиги ишингни тамом қилгай.

Ҳар кимга Маҳбубдан бир давр дард ёпишгай. Башарти икки оламга илтифот қилишдан узилгай. «Мо зоғал басар ва мо тоғо» ояти каримаси ушбу давлатни ҳосил қилишга ишорат қилади: Фикр қил, нима нарса билан ором топдинг, кимдан узоқлаша бошладинг. Ўзингни паст, қабиҳликларингни назарга келтир. Шармдан бошингни кўтарма. Сенда бир олам зоҳир бўлсинки, ўзингдан ва ғайрдан нажот топгайсан. Сенда мана шундай оташ зоҳир бўлса, ўзингдан қутилиш қийин бўлмайди. Агар сен суварий ва маънавий зийнатларнинг барчаси билан зийнатланган ва оро топган тақдирингда ҳақиқат шулки, агар сенда бирор дард завқи тебранмаса, ушбу зийнатларнинг барчаси ҳам ҳижоб устига ҳижобдир. Улардан кечмоқ зарур.

Ҳақ субҳонаҳу шуҳуди истилоси сабабли ғайр вужудининг шууридан ҳақиқат холи бўлиши миқдорида ҳақиқатлардан ва бошқа нарсалардан баъзисини ажратиб бергувчи бир иттилоъ ҳис туйғу бўлади. Учта важҳдан биттаси бўлгай. Бири шулки, машҳуд вужуддир ва куллини жамловчидир. Бу бир мазҳабга кўра кашф баробари миқдорида ҳосил бўлгай. Ёки Ҳақ субҳонаҳу шуҳуди сабабли ҳосил бўлгай. Чунки холилик ҳосил бўлди.

Ҳақ субҳонаҳу кимни хоҳдаса, унга бир нарса кашф этгай.

Табаррук рисолалар

Ибодатнинг ҳақиқати хушӯ ва шикасталик ва ниёзмандликдир. Бу дилда Ҳақ субҳонахунинг азамати шухудидан ҳосил бўлади. Бундай саодатнинг зуҳури муҳаббатга боғлиқдир. Муҳаббат зуҳури эса Муҳаммад Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратларига мутобаат этишга боғлиқдир. Мутобаат эса мутобаат этишнинг йўлини билишга боғлиқ. Бу маъно диний илмларни ҳосил қилишсиз узрлидир. Диний исмларнинг ворислари бўлган уламоларга мулозамат қилиш зарурати ушбу мақсад учун лозимдир. Илмни дунёвий маишатлари воситаси ва шухрат ҳосил қилиш воситаси қилган уламолар бирла ўтиришдан ҳазар қилмоқ керак. Магар муттақий—тақводор уламолар топилмай қолганда, зарурат юзасидан бундай одамлардан ўз мақсадини ҳосил қилиш керак. Рақсу самоъ қиладиган, ҳар нарса бўлса, четга қочмасдан олиб еяверадиган дарвишлар суҳбатидан парҳез қилмоқ лозим. Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабидаги ақидага нуқсон этишига сабаб бўладиган маориф ва тавҳид ҳақидаги баландпарвоз гапларни эшитишдан узоқ бўлинсин. Таҳсил маорифи ҳақиқиййа нурлари зухур қилиш учун Муҳаммад Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам матобаатида тўхталмоғи керак. Вассалом.

*Ту дар афкани хеш қисми ту зи дўст,
Хоҳ мотам бошу хоҳи сўз бош.
Ғайри Ҳақ ҳар заррагон мақсуди туст
Тиғи ло баркашки он маъбуди туст.
Ҳар—чи нагузорад туро жаз сўйи дўст,
Мағзи дониш он бувад бигузур нўст
Жуз Худо дар ду олам нест кас,
Бас нашояд доштан дигар ҳавас.*

(Сенинг турган—битганинг, сенинг қисминг Дўстдандир. Сен хоҳ мотамда бўлсанг ҳам, куйиб—ёнсанг ҳам бунга арзийди. Ҳақдан бошқа ҳар бир зарра сенинг мақсудингдир, улар сенинг қасдинг, сенинг яратилишинг учун қилинган. «Ло» тигини торт! Сенинг маъбудинг Удир. Сенга дўст тарафидан

ўзга ҳеч нарса йўл тополмасин. Ҳақиқий дониш, билимнинг маъзи шу бўлади. Пўстдан кеч! Икки оламда Худодан ўзга ҳеч кимса, ҳеч бир зот йўқ. Демак, бошқа нарсани ҳавас қилмоқ лойиқ эмас).

«Фа—ъриз амман тавалло ан зикрино»⁸⁵ ояти каримасини кўз олдида тутмоқ керак. Аҳдуллоҳга муҳолиф бўлган ҳар нарсадан (қочиб) бурчакка кетмоқ керак. Ҳақиқий саодатни топиш йўли эъроз ва иқбол (ғайрада юз ўгириш ва Ҳаққа юзланиш)сиз мумкин эмас. Ҳамиша ўз дилига нозир бўлмоқ керак. Агар унинг илтифоти Ҳақдан бошқага бўлса, унда эъроз қилмоқ даркор. Дилнинг бутун иқболини Ҳақ субҳонаҳута қилиб, ўз вақтини асраши лозим. Ушбу давлат сидку ихлос, ниёзмандлик, чиройли ифтиқорсиз ва аҳли Ҳақ яъни ножиа (нажот топувчи) фирқа бўлган аҳли суннат вал-жамоатга тобе бўлмасдан муяссар бўлмайди. Ҳар қандай машғулиятлардан аҳли ҳқ кўрсатмаларига мувофиқ истиғфор айтмоғи лозим. Истиғфорни ўз шиори қилсин. Токи дини саломат қолгай. Вассалом.

«Ло илоҳа иллаллоҳ» яъни ўз маълумотлари сурати зоҳир эмас, магар Аллоҳ зоҳирдир. Ушбу тоифа сўзларидан фаҳмланадиган нарса шулдир. Ушбу маънони, тўғри мазҳабга кўра, рост қилмоқ — икки олам саодатига етиш мана шунга боғлиқдир. Ана шунда ҳаммаси узоқ кўрингай.

Ҳидоят йўлининг соликлари ушбу саодатга етиш учун «Валлазийна жоҳаду фийно ланаҳдияннаҳум субулано»⁸⁶ ояти каримасида баён қилинган Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш тавфиқини топганлар.

Мавжудот зарраларидан ҳар заррани мақсудни топиш ва вужудни мушоҳада қилиш йўли қилганлар. Назар ва басиратлари олам зарраларида боқий важҳдан ўзгага тушмагандир. Камоли зуҳури сабаб (бошқалар учун важҳи боқий) парда мисоли тўсилган. «Ло илоҳа иллаллоҳ» зикридан мақсад ушбу саодатни топишдир. Чунончи муҳаққиқлардан баъ-

⁸⁵ «Бизнинг зикримиздан юз ўтиргандан (Эй, Муҳаммад, саялаллоҳу алайҳи ва саллам!) Сиз ҳам юз ўтиринг!»

⁸⁶ «Бизнинг розилигимиз йўлида жидду-жаҳд қилганларни, Биз, албатта ўз ризолигимиз йўлига ҳидоят қилурмиз (эриштирурмиз)». (Сураи Анкабут, 69-оят.)

зиси ушбу маъно баёнида бу калимага ишорат қилганлар: «Ло илоҳа иллаллоҳ. Ай, Ло вужуда иллаллоҳ»⁸⁷ бошқа биров ҳам ушбу маъно борасида бундай деган: «Ло мавжуда иллаллоҳ»⁸⁸. Буларнинг ҳаммаси ушбу калима ҳаво муҳаббатини узоқ қилгандан кейин бўлади. Токи, ғайрни унутиш ҳосил бўлсин. Бу ҳикоя, бу маъно айтиш—пайтиш билан муяссар бўлмаганидек, андиша—ю фикр билан ҳам муяссар бўлмайди. Балки ушбу маънода (тариқатда маълум даражага етмаганлар учун) йўл тўсувчи, залолат сабабчиси бор. Аллоҳ таолодан нафсларимиз ёмонлигидан ҳамда ушбу мақсадда фикрга чуқур кетишдан паноҳ тилаймиз. Ушбу саодатни ҳосил қилиш тариқаси сидқу ихлос, ифтиқору инкисор ва Ҳақ субҳонаҳуга илтижосиз муяссар бўлмайди. Зикрга одат қилингани сабабли дилни Ҳақдан ўзганинг андишасидан холи қилмасдан ушбу саодат ҳосил бўлмайди.

Инсоний ҳақиқат хулосаси бир тоифа (валийлар) истилоҳида қалб билан руҳга таъбир қилинган. Амал қилиш ва тақлифларга қўниш билан боғланган юзнинг очилишига башорат олгандир. Фанойи том билан вужуд Мутлақ Ваҳждан совғадир. Бошқа бир тоифа истилоҳида ишнинг хулосаси шулки, мен ва сен дил деб атайдиган нарса муҳаббат сабабидан Ҳақ субҳонаҳуга гирифтор ва беором бўлса, ғайрнинг андишасидан халос бўлмайди. Ушбу халос бўлиш дилнинг лозим сифатидир. Ундан сўнг нима бўлса ҳам ҳаммаси аслидек ҳосил бўлаверади. Фуруъга (шоҳча)га асл (томир)дан жудо бўлиш ёқмайди. Қасд қилмоқ лозимки, зикрга доимий одат қилганлиги сабаб ёки таважжуҳ ёки робита сабабли муҳаббат ва жазаба зоҳир бўлиш истеъдоди ҳосил бўлади. Ундан кейин жазабадан бошқа раҳбарнинг кераги йўқ. Мазкур нарса топилиши билан, яъни вуқуфи қалбий билан, яъни Ҳақ субҳонаҳуга огоҳлик билан таъзиму инкисор (Аллоҳни улуғлаб, ўзини камтар тутиш) ёрдамида дилда мазкур таолодан бошқа ҳеч нарсанинг таъзими ва улуғлиги қолмайди. Шикасталик ва инкисор (синиқлик) борлиқни йўқлик билан обод қилади. Мана шулдир (биздан) талаб қилинган бандалик. Вассалом.

⁸⁷ «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, яъни Аллоҳгина бордир».

⁸⁸ «Аллоҳгина мавжуддир».

Дилни маҳбубга гирифтор қилмоқ лозим. Унинг муҳаббат, ғалабаси билан маҳбубдан ўзга ҳеч нарса дилга жойлаша олмасин. Балки дилда маҳбубдан бошқа ҳеч нарсани кўрмагил. Сен ўзингдан ва ғайрдан қутилиб, маҳбубнинг вужуди тамоми дилингни эгаллаб олсин. Мана шу ерда ором ҳосил бўлади, изтироб қолмайди. Агар ушбу мартабада ҳам айни маҳбуб бул эмас, сен ором топаётган нарса маҳбубнинг малакутий ва соялик вужудидир, деб сени огоҳ қилсалар – ушбу ором топаётган огоҳлигингни беқарорлик ила тавбага алмаштиргайсан. Фақат шуни дегайсан:

*Ё ман ушоҳидуху анний фа-аҳсибху,
Минний қарибан фа-қод аззат матолибух.*

(Эй, мен мушоҳада қиладиган Зот! Бас, уни (шухудни) мен тарафдан қурбатан ҳисоб қил. Батаҳқиқ, унинг матлаблари азиздир).

Агар қурби ҳақиқийни топишдан ўзингни ноумид сезиб қолсанг, маҳбубнинг иззат камоли сабабли сизга гирифтор бўлиш ва соялик вужудга (вужуди зиллий) йўлиқиш муҳаббат ғалабаси ила сени бахтиёр ноумидлик мартабасидан олиб ўтгай, машҳуди сир бўлган нарсага қайтаргай.

*Изо сумту нафсий салвата анҳу раддоний
Илайҳи шухудин лайса тафний ажойбух.*

(Қачон нафсимга ундан тасаллий бўлишни юкласам, у мени рад қилади. У тарафга қаратилган шухуд борки, ажойиботлари ҳаргиз фоний бўлмайдир).

байтининг маъноси шу ерда сенга маълум бўлади.

Алҳамдулиллоҳи роббил-оламин. Субҳоналлоҳи роббил-аршил-азим. Аллоҳумма солли ало Муҳаммадин ан-набийй-ил-уммийи ва ало олиҳи васаллом.⁸⁹

⁸⁹ «Бутун оламгарнинг Парвардигори бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Улкан Аршининг Парвардигори Аллоҳ покдир, улуғдир. Эй, бор Худоё! Ҳазрати Муҳаммадга ва ул зотнинг аҳлларига салоту салом айлагил!»

Худовандо! Муҳаммад Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг сенинг олдингда бор бўлган қадри ва иззати ҳаққи бул дармандани наздингдаги яқинликка мушарраф айлагил. Ўшал яқинликнинг қуввати боис Сендан ўзганинг вужуд, шуҳуд, маърифат ва муҳаббатидан озод бўлиб, Сенинг вужудинг шуҳуди, маърифати ва муҳаббатига гирифтор бўлайин.

Маънавий давлат киши Аршнинг устида ўтириш эмас, асло. Маънавий давлат шулки, ўз дилингни шалоғили кавниядан холи қилмоғингдир: «Қалб ул-мўмини аршуллоҳил аъзам».⁹⁰ Дил ўзини озод ва фориф қилгандан кейин хоҳ Аршга етсин ва хоҳ фаршга (Ерга) тушсин уни хоҳламайди, лойиқ кўрмайди. Балки у Аршда бўлсин, фаршда бўлсин асли иш монёлардан ва машғулликлардан (дилни) поклаш, соф қилишдир. Токи (унга ато қилинган) насиба ва совғаларни қабул қилишга қобилиятли бўлур. Қаландарлик ўз ҳақиқатини монелардан холи қилиш ва у тарафдан бўладиган нарсалардан узоқлашишдир. Ҳақ тарафидан келадиган нарсаларни боқий қилишдир. Ўзини ҳарчанд изласа ҳам топа олмайдиган даражада гум қилмоқлик, йўқотмоқликдир. Чунончи Шайх Зунуннинг муриди Абу Язиддан, «Абу Язид қаерда?» деб сўради. Султони авлиё бундай деди: «Ўттиз йилдирки, Абу Язидни қидираман, топа олмайман. Агар сен уни топа олсанг, уни топиб келтир!»

Дарвишлик вужуд лавҳидан борлик рақамини тарашламоқдир. Қанчалик ўзидан бир нарса талаб қилса ҳам ўшани топа олмасин. Агар икки олам уни талаб қилсалар ҳам уни топа олмасин. Агар бирор сифат ундан топилиб қолса, (ўша сифат) ундан эмас, балки бошқа нарсанинг инъикоси унда зоҳир бўлган. Ёки улуғ жойдан бир сифат унга мазҳар бўлгандир. «Вужудука занбун, ло юқосу биҳи занбун. Даъ нафсака ва таоло»⁹¹.

⁹⁰ «Мўмин банданинг қалби Аршуллоҳи аъзамдир». (Ҳадиси шариф.)

⁹¹ «Сенинг вужудингда бир гуноҳ бор, ҳеч бир гуноҳ унга қиёс қилинмайди. Нафсингни тарк қилиб, (Биз тарафга) келгин!»

*Нишони дарда анд хуш аз харобот
Ки, ат—тавҳид исқот ул—изофот.
(Хароботдан бир хуш нишон бердиларки, тавҳид дегани
(бирор нарсага) боғлиқ бўлишни соқит қилишдир.)*

Шухуд мақомида ўз ҳолини камолотга етказиш учун Ҳақ таолонинг Унинг маърифатини талаб қилмоқ суйи адабдир. Зеро, маърифат Ҳақ субҳонахунинг сифатидир. Бу мақомда уни ўз сифати қилиб олишни хошлаш ғоятда беадаблиқдир. Чунончи Султон Абу Язид қуддиса сирруху айтгандек, унга бир киши «Лимо лам тасъалиллоҳал маърифата» («Нима учун Аллоҳдан маърифат сўрайсиз») деганида, Султон унга бундай деди: «Гўдакликни қўй! Унга ғайрни танитадиган бир ғайрат бор». Агар Ҳақ субҳонаху ўз бандасига иноят қилиб, ўзидан ва ўз сифатларидан фоний қилдириб, Ўз ягоналигидан мушоҳада қилдирса, ўз фано ва шухудини Ҳақ субҳонахунинг мушоҳада ва фоний қилдиришидан бошқа сабабдан кўрмайди. Кўрмасликни ҳам ўзидан деб билмайди. У Илоҳий тавҳидга муваҳҳид бўлмай. Бирор кишида тавҳид нурини қабул этиш истасододи бўладиган бўлса, шунингдек, йўқликка муҳаббат ва унслик қилгани боис ботинида ҳақиқий тавҳиднинг нури Ҳақдан ўзгага илтифот қилишдан нажот топади. Ўзидан ва ғайрдан халос қилади. Саодат ғайрга гирифтор бўлишдан ўзга нарсада эмас деб ақида қилмоқ керак. Ушбу боғлиқликдан халос бўлиш эса арбоби фақрга муҳаббат қилиш ва улар билан ўтиришсиз муяссар бўлмайди. Бул йўқлар суҳбагида ўз муродидан кечилсиз ҳам халос бўлиш муяссар бўлмайди. «Иннаш—шайтона ла—яфирро мин зилли Умар»⁹².

Мисра:

Сояи раҳбар бех аст аз зикри Ҳақ.

(«Раҳбар (муршиди комил)нинг сояси (киши ўзича беодобона) Ҳақни зикр қилишдан яхшироқ») шунга ишора қилса керак.

⁹² «Албатта шайтон Ҳазрат Умарнинг соясидан қочгай»

Табаррук рисодалар

Улуҳият жамоли коинот кўзгусидан зоҳир бўлса, кўзнинг муҳаббати ҳар заррага гирифтор бўлмасин. «Ал—Фақир у яҳожу ило кулли шайъ».⁹³ Бу ерда билмоқ керакки, оламнинг барча бўлаклари бир—бирига, нимагадир гирифтордирлар! Одамзот барчасига нима учун гирифтор?! Ҳақиқатда эса барча бўлак биттасига гирифтор эмас, балки ҳаммаси ўзига гирифтордир.

Салтанат ва султонликнинг камоли шулки, ўзини тасарруф қилиб, ўзининг хос ва раиятларни (ҳис—туйғуларнинг ва аъзоларининг афзалликларини) кўрмасин. Аллоҳ таолонинг комил бандалари ўзларидан тамоман холи бўладилар. Ўз подшоҳлари (Парвардигорлари)дан бошқа нарсани кўрмайдилар ва билмайдилар. Кўрмаслик ва билмасликдан ҳам холи бўладилар. «Изо тамма фақруҳум фа—ло хум илло ана»⁹⁴

Байт:

Ҳуш дорки, лутфи Ҳақ ба—ногоҳ расад,

Ногоҳ расад бар дил огоҳ расад.

(«Ҳушёр бўлки, Ҳақнинг лутфи ногоҳ етади,

Ногоҳ етадиган бўлса, дилга огоҳлик етади»)

«Инна ли—роббикум фий айёми даҳрикум нафаҳотун илло фа—таъризу лаҳо». Яъни сизнинг Парвардигорингиз учун сизнинг умр кунларингизда (сизларга аталган) ҳадялар бор. Сизлар ўшал ҳадяларни таарруз қилинг, яъни Ҳақ субҳонаҳунинг бир марта ато этиши, бериши бўлади. Ўша ато сизларнинг кўп, жуда кўп беришингиз билан баробар бўлади. Сизлар ўшани талаб қилинг. Ўзингизни ўшанга муносиб тутинг, яъни ўз дилингизни ғайрнинг андишасидан холи қилинг. Шунга мунтазир турунги, Ҳақ субҳонаҳунинг мана шундай инояти бўлиб, сизларга ҳақиқий марҳаматини лойиқ кўрсин. Яъни дилда ўзининг майлу муҳаббатини зоҳир қилсин. Бу шундай муҳаббатки, тамоми зоҳири-

⁹³ «Фақир ҳар нарсага муҳтож бўлади».

⁹⁴ «Қачон уларнинг фақри камолга етса, уларда Мендан бошқанинг ёди бўлмайди».

—ю ботини Ҳақ субҳонаҳу бирла машғул бўлсин. Ўзингизни Ҳаққа машғул айланг! Ўзингизни Ҳаққа машғул бўлишдан гофил қолишга қанчалик уринманг гофил бўлиш қўлингиздан келмасин. Бу худди ташнага ўхшайди. Унинг жигари ташналик ҳароратидан шу ҳолга келганки, сув майлини ўзидан узоқлаштиришга қанчалик саъй—ҳаракат қилмасин кучи етмайди. Қачон шу ерга етиб келсанг, ўзингни Ҳақ субҳонахудан гофил бўлишга уринтирма. Сен зикрнинг ниҳоятига (мукамал даражага) етгансан. Лекин бул давлатнинг ҳосил бўлиши дуруст иймон ва зикрда ўзини гум қилиш билан бўлади. Ҳеч бир лаҳза зикрдан гофил қолмаслигинг керак. Токи ҳақиқий зикр бўлган хуфия зикр ҳосил бўллай.

Назм:

*Зикр гў, зикр то туро жон аст,
Зиндагийи дил ба—зикри Яздони аст.
Чун ту фоний шави зи зикр ба—зикр,
Зикри хуфияки гуфта анд он аст.*

(«Зикр айт! Токи сенда жон бор. Дилнинг тириклиги Худойим таолонинг зикри биландир. Қачон сен зикрдан зикр билан фоний бўлсанг, (билгинки) зикри хуфия деганлари шулдир»)

«Фазл уз—зикрил хафийи ғалаз—зикриллазий ясмаъу-хул ҳафазату би—сабъийна зиффан»⁹⁵. Мардона бўл. Кеча кундуз ўзингни зикрга нафақа қил. То юқориси тасаввур қилинмайдиган мана бундай давлатга етасан.

Замон бўлакларидан бир бўлак дил Ҳаққа огоҳ бўлиш шарафига мушарраф бўлса, дилда суруру шодлик зоҳир бўлиши лозим. Дилда ҳеч нарсага ўрин қолмасин. Наъзу биллоҳ, дил Ҳаққа огоҳ бўлиш шарафидан қолган вақтда агар бирор ғам зоҳир бўлганда дилда ҳеч нарса қолдирмайди. Огоҳлик эса ҳақиқийликка далилдир. Ҳақиқий саодат мана шу огоҳликдан бошқача бўлмайди. Зеро, бунингдек огоҳ—

⁹⁵ «Махфий зикрнинг фаришталар эшитадиган (ошкора, жаҳрий) зикрдан ортиқча фазилати етмиш марта зиёддир».

Табаррук рисолалар

лик зотий тажаллийга василадир. Бу ҳамма мақомларнинг ниҳоясидир. Бунда (бизнинг бу сўзимизга) кўп ўйланмоқ — тааммул қилмоқ лозим, токи бу сўз этиқодингни бузмасин.

Назм:

*Файри Ҳақ ҳар заррагон мақсуди туст,
Тиғи «Ло» баркашки, он маъбуди туст.*

(«Ҳақдан бошқа ҳар бир зарра сенинг мақсудинг, улар сенинг қасдинг, сенинг яратилишинг учун қилинган. «Ло» тиғини торт!» (Калимаи тоййибани айт! Аллоҳни ёд қил!) Сенинг маъбудинг Удир»).

Фарзандим ва нури дийдам, бутун ҳимматингни шунда қилгинки, дилда Ҳақдан ўзга ҳеч нарса турмасин. Ҳақ субҳонахудан бошқа ҳар нарса сени ўзига машғул қилса, «Ло илаҳа иллаллоҳ» билан ўша нарсани дилингдан узоқлаштиради. Ўша нарсани ўз душманинг деб бил. Ҳақ субҳонахудан тамоми ниёзмандлик билан ҳамиша шуни сўрагин. Ўзидан бошқа ҳеч нарсага гирифтор қилмасин. Таҳоратингни янгилаб, хилватда намоз ўқи! Бошингни ерга қўйиб Ҳақ субҳонахудан ўзининг хос бандалари дилида сенга йўл беришини сўрагин. Саодат Ҳақ субҳонахунинг бандалари сенга ўз дилларидан жой беришларидан ўтмайди. Улар Ҳақ субҳонахудан сўраларки, Худованднинг муҳаббати сенинг дилинга жойлашур.

Назм:

*Туру як панд дар ҳар ду олам,
Ки бар наояд зи жонат беҳудо дам.
Агар ту пос дорианфос,
Ба—султони расонандат аз ин пос.*

(Сенга икки оламда ҳам битта панд-насиҳат етарлидир. Жонингдан Худосиз бирорта дам чиқмасин. Агар сен нафасларингни кўриқлайдиган бўлсанг, сени бу кўриқлаб—сақлашинг султонликка етказади)

*Ту мабош асло камол ин асту бас,
Ту зи худ гум шав висол ин асту бас.
(Сен бўлмагин, камол фақат шулдир,
Сен ўзингдан йўқ бўлгин, висол фақат шулдир).*

Ҳақиқий тақво дил Ҳақ субҳонахудан бошқадан узилиши ва холи бўлишидир ҳамда Аллоҳ жалла зикруҳуга доимо ифтиқор сифати ва ҳолларни Ҳақдан ўзга дедилар. Шу жумладан фароғат ва ором олишни қатъият сабаби (узилиш) деб биладилар.

Мақом ва ҳоллар унга парда—тўсиқ бўлмаган кимса аниқки, шариятга хилоф нарсалардан энг чиройли услубда муҳдариз (парҳез қилувчи) ва муттақий бўлади.

«Бас, Аллоҳга кучингиз етгунича тақво қилинг!» Яъни жами иститоат (тоқатингиз, кучингиз) билан. Албатта, бу ўша тафсирда айтилинди. Демак, вожибдурки, ҳар бир (дилда) қолган нарсадан Аллоҳнинг уқубати борлиги учун кўрқилади ёки ундан кесилади ёки ундан тўсилади.

*Инний алқойтука ло маҳобата мин муҳозаратил масир,
Инний ва кайфа ва анта лий алфу тақво ва маддис самир.
Ювфис сароир сирраҳо ва яҳфазу макнун уз—замир,
Локин ажлака ан ажла сивока лил—хаттил ҳақир.
(Албатта, мен сенга йўлиқсам Қиёматдан кўрқитишдан
ҳайбатланиш йўқ. Зеро, мену сен қандаймиз. Менинг минглаб
тақвом ҳамда давомли, узоқ ҳамсуҳбат бўладиганим бор. У
пинҳоний сирларга вафо қилади ва ички яширин гавҳарларни
сақлашни билади. Лекин ҳақирнинг хатлари сен учундир, бо-
шқалар учун эмас.)*

«Иҳдино» — бизларни ўшал зотларга инъом қилган, ўзингни танитган тўғри йўлингга ҳидоят қил; роҳи ростни кўрсат. Сен ғазаб қилган, яъни ғазабингга мустаҳиқ бўлган жухудлар йўли эмас у. Сабаби улар ўз пайғамбарларига ҳам бўйсунмадилар ёки Муҳаммад Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга—да иймон келтирмайдилар. У йўл гумроҳлар йўли ҳам эмас, яъни Исо алайҳиссалом ишида уни улўҳиятда

Табаррук рисолалар

шерик қилиш даржасида ғулув қилган тарсолар (насронийлар) йўли ҳам эмас. Ёки бизларга тўғри йўлингни кўрсат, яъни ўзингнинг зотий муҳаббатингга мушарраф қил. Токи Сендан бошқага илтифот этишдан озод бўлиб, тамоман Сенга гирифтор бўлайлик. Сендан ўзгани кўрмайлик, Сендан ўзгани билмайлик, Сендан ўзгани ўйламайлик. Ёки бизларга тўғри йўлни кўрсат, яъни у шундай йўлки, ҳар бир мавжуд нарсага нисбатан Сен борсан. Ҳар бир мавжуд нарса Сенсиз пайдо бўлмагай. Сенинг вужудга келтиришингсиз камолга етмагай. Ҳамма нарсани Сенсиз кўрмаймиз. Сендан бошқа нарсани Сендан озод қилдик. Омин.

Бул фақир бир пайтлар Бухорога боргандим. Мавлоно Ҳисомуддин ва Мавлоно Ҳамидуддин Шоший хизматлари шарафига эришдим. Бу фақирда изтироб ва изтирор бор эди. Улар айтдилар: «мувоқабат ҳақиқатдан ҳам интизорликдир. Сайрнинг ниҳояси ушбу интизорликни ҳосил қилишдан иборат». Мана шундай таҳқиқ қилгандан кейин унинг зуҳури муҳаббат ғалабасидан бўлганини билдик. Бунга ушбу интизорсиз (бошқа) раҳбар йўқ.

Гар надорам аз шукр жуз номи баҳр

Ин басе беҳтарки андар коми заҳр.

Осмон нисбат барш омад фуруд,

Вар на бас олийст пеши хоки туд.

(Агар Унинг номи учун шукр айтмайдиган бўлсам, заҳр (аждарҳо) коми бундан яхшироқдир. Осмон Аршга нисбатан пастга тушиди, пастда яратилди. Арш бўлмаганда бир тўда тупроқ олдида осмон олий кўринган).

Бизга ўхшаган бебаҳра фақирларга завқ йўлида бунингдек саодатни топиш муяссар бўлмаса керак. Мана шундай гуфту гўйларга (гап-сўзларга) гирифтор бўлиб, ҳанузгача гап-сўзларга чалғишдан бўшамаётганлар бор. Аллоҳ таоло бизу сизни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳурматидан Ўзига интизор бўлиб, Ўзимиздан ўзимиз фоний бўлишимизни насиб қилсин. Омин!

Мавжуд бўлган ҳар бир нарса жисм бирла ўралгай. Бил-

гинки, бу жисмнинг руҳи феълү сифат ва зот эмас. Агар сенга феълү сифат ва зот нурлари бу жисмда порламаса, ундан на ном ва на нишон қолади. Ҳақ субҳонахудан тамоми ниёзмандлик ила сўрамоқ керак. Ўзига гирифтор қилиб, ғайрнинг майл ва муҳаббатидан халос айласин. Токи муҳаббат оташининг таъсири билан сенинг бутун борлигинг (куйиб) йўқ бўлмай. Кейин шундай бўлмай: Сен ўз бошинг бирла мавжудотларни (ҳақиқатини) кўра билгайсан. Ҳар нарсага назар қилсанг феълү сифат ва зотдан бошқани кўрмайгайсан. Бундай кўриш кўпинча назарингдан мавжудотларни кўтаргай, Ҳақ таолодан бошқани кўриш—билишдан тамоман озод бўласан. На сен қоласан ва на олам қолади. Муҳаймин деб аталадиган фаришталар тоифаси ипига тизилишинг нақд бўлмай. Уларни ғайрни билиш—кўришдан халос қилган. Сенда ҳам ҳар нарсадан халос бўлиш хосил бўлмай бу давлатнинг ҳосил бўлиши агар жазабани топиш шарафига мушарраф бўлинмаса, бутун ҳимматини зикр билан машғул бўлишга сарфласин. Бу Хожাগон қоддасаллоҳу таоло арвоҳаҳам тариқатларида бўлсин. Ўзида бир фароғатни жо қилмасин, доим зикрга машғул бўлсин. «Инно ло нузибу ажроман аҳсана амало» ояти каримаси ҳукми билан зикринг сабабли ҳамма нарсадан пок қиладилар. Ўзига гирифтор қиладилар. Ҳомийлик бундан бошқача бўлмайди. Агар ўзингнинг нек бахтингни зикр билан оширмоқчи бўлсанг, зикрда ғайрнинг андишасини ўзингда жо айлама. Шунда бир давлатга мушарраф бўласанки, бу давлатдан юқорироқ ҳеч бир давлат бўлмамай. Вассалом.

Дил ҳақиқатида зикр шул вақтда муяссар бўладики, нафс ва шайтон тақозо қилган ҳеч бир нарсага қизиқилмайди. Чунки дил ҳақиқатида зотий муҳаббат сабабли жаноби Илоҳийга таважжуҳ бор. Бунинг сири ўз арбобига зоҳирдир. Зикри ҳақиқий шул вақтда бўладики, усиз зокир ўзини ҳозир қилолса, зикр давомий ҳозир бўлаверади. Чунки ҳақиқий зикр шулки, Ҳақ субҳонаҳу ўзини айни бандада ёд қилади. Бу сўзнинг сири — зикрнинг давомийлиги сабабли идтиҳод воситаси ила ғайрдан (зокир) эъроз қилади(юз ўгиради). Бундай истеъдод Ҳақ субҳонаҳунинг зотий ҳузуридан бир партав

Табаррук рисоалар

ўзид ҳосил бўлади. Бундай ҳолатда нисёнга — унутишга не ҳад етсин.

«Ман лам ямлук айнаҳу фа—лайсал қолбу индаҳу»⁹⁶. Бул калима валоят каломидан содир бўлғай. Мўъжазликни камолга етказиб, маломатларни таҳқиқ этишга муштамилдир, боғлиқдир. Бундан бошқа кўпгина сирлар жавоҳири ушбу ганжнинг остида бепоёндр. Азкие зотларда уларнинг зуҳур қилиш ушбу ҳис—туйғуларнинг пок бўлишидан аввал муяссар бўлмайди. Вассалом.

Олий ҳиммат арбоблар бутун ҳимматларини шунга сарф қилганларки, латифаи мудрика (идрок қилувчи)нинг битта маълум нарсаси бор. У Ҳақ субҳонаҳуни (бошқаларга мақтаниб) маълум қилмайди. Билиш ва кўришнинг тақозосига кўра сизнинг хизматингиз шулки, латифаи мудриканинг (барча нарса)дан тажрид (покиза) ва тахлис (Халос) қилишда энг юқори даражада қасд қилмоқ керак. Мутлақ фано улғ авлиёлар наздида мана шу халосликдан ва тажриддан иборатдир. Чунки бул камолот Саййиди аввалин ва охиринага мутобаат қилмасдан ҳосил бўлмағай. Ўшал Ҳазратга (Аллоҳ йўлласин) тобеъ бўлиш фарздир. Тасарруф аҳлининг урфида тавҳид латифаи мудрикада мана шундай озодлик ҳосил бўлишидан иборатдир.

Ўзини фаррош сингари тутмоқ керак. Дилни кавний таллуқлар хасу хашагидан тозаламоқ даркор. Токи жазаба султонини қабул қилсин. Қачон жазаба султони дил тахтига келиб ўтирса, табиий лашкарлар мағлуб бўлади. Нафс ва шайтон бир бурчакка қочиб кетади. «Иннал мулука изо дахалу қорятан афсадуҳо».⁹⁷ Қишлоқнинг вайрон бўлиши шулки, (дилда) собиқ низомлар—қонунлар қолмайди. Бу вақтда ҳукм жазба султонининг қўлида бўлади. Қаерга олиб борса, олиб боради, нимани буюрса буюради.

Инсоний ҳақиқатлар сояси «аъёни собита» деб исмланади. У шевани «зотия» деб ҳам аташади. Бу Илоҳий жамол

⁹⁶ «Кимки кўзига эғалик қилолмаса, унинг қалби ҳам бўлмайди».

⁹⁷ «Дарҳақиқат, қачон подшоҳлар бирор қишлоққа кирсалар, ўша қишлоқни вайрон қилурлар».

кўзгусидир. «Ло илоҳа иллаллоҳ» зикрининг ниҳояси шулки, илоҳиятни чегаралай билади ва танийди. Бу ердан Вожиб ал-вужуд зоти тарафга тараққий қилади. Унда зоти маъшуддан бошқа бўлмайди. «Фа-айнамо туваллу фа-самма важҳуллоҳ» ояти каримаси ушбу тоифага ишорат қилмоқдаки, аҳадият мушоҳадаси касратдадир. Ҳеч нарса уларга шуҳуди зотийдан монъе бўлмайди. Ҳеч нарса билан маҳжуб бўлмайдилар.


Байт:

Аз аташ гар дар қадаҳ оби хўранд,

Дар дуруни об Ҳақро нозиранд.

(«Чанқоқдан агар қадаҳда сув ичсалар, сув ичида Ҳаққа қарарлар, Ҳақни кўрарлар»)

«Ал-оламу ғайбун лам язҳар қатту»⁹⁸ деб айтганларидан мурод улар наздида аъёни собитадир. Зоҳир — аъённи тасаввур қилиш. У эса Ҳақдир. Уларнинг муроди мана шулдир. Бул маъно биз фақирларнинг фаҳмидан бисёр узоқдир. Илтимос шулки, бу сўзни биз фаҳми қосирларга андак маълум қилинса шарҳ қилинарди. «Вассалому аъло манит табабал-Ҳудо».⁹⁹ Мустафо — энг афзал саловот ва энг комил таҳийётлар ул Зотга ва аҳлу асҳобига бўлсин — ҳазратларининг мUTOбаатини ўзингга лозим тут. Алҳамдулиллоҳ аввалан ва охиран¹⁰⁰.



⁹⁸ «Олам ғайбдир, ҳаргиз зоҳир бўлмайди».

⁹⁹ «Ҳидоятга эришган (Ҳақ Йўлда бўлган) зотларга Салом бўлсин».

¹⁰⁰ Бошда ҳам, охирда ҳам Аллоҳга ҳамдлар (бўлсин).

II

БЎЛИМ

- 1. Силсилатул-орифийн*
- 2. Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор*
- 3. Рашаҳоту айнил-ҳаёт*
- 4. Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор*

1. «СИЛСИЛАТ УЛ-ОРИФИЙН» ДАН

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим

Онҳазрат (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор) қуддиса сиррухунинг мақбулларида бўлган Мавлоно Лутфуллоҳ нақл қилурлар:

Бир марта Дойижда Ҳазрати Эшоннинг мулозаматида бўлган эдим. Ходимлардан яна Мавлоно Зайн ул-обидин ҳам хизматда эдилар. Шайх Абдурраззоқ Кошийнинг «Шарҳи манозил ус-сойрин» устида гап борарди. Ходимлар орада савол сўрардилар. Онҳазратнинг суҳбатида одат шундай эди. Камина хаёлига келган нарсани арз қилдим. Онҳазрат «Бул тоифанинг сўзлари бошқача услубадир. Улар муллаёна (чи-ройли ва гўзал) таъвил қилишган» дедилар. Мен ўзимча фикр қилдимки, хотиримга келган нарса яхши эди. Нима учун ул зот қабул этмадилар?! Шул аснода ул зотдан газабланиш зоҳир бўлди. Гапира бошладилар сўзлай-сўзлай жим бўлиб қолдилар. Мен ўзимда оғирлик ва кучли юк сездим.

Менга менингдек юзтанинг оғирлигини (елкамга) қўйдилар, деб гумон қилдим. Бетоқат бўлиб, ниҳоятда юкнинг оғирлигидан икки букилиб қолдим. Мендан ҳаракат қилиш қуввати ҳам кетди. Шу вақт кўзим ул зотнинг муборак юзларига тушди. Барокотлик юзлари янада нуроний ва салобатлик ҳамда катталаша бошлади. Муборак лаблари қимирлади. Лекин ҳеч нарсани эшитиб бўлмади. Юзлари шундай катталашдики, бутун хонани эгаллади, холи жой қолмади. Мени шундай сиқилиб қолдимки, нафасим тўхтаб қолай деди. Бир муддат шундай бўлиб турди. Кейин озгина-озгинадан юзлари асл ҳолатига қайтди. Юзлари асл ҳолатига қайтаркан, мен енгиллаша бошладим. Ўша (мени босиб турган) юкдан бутунлай халос бўлдим.

Юқорида ишора қилинган Мавлоно нақл қилурлар: Хожа Кафшир маҳалласи Самарқанднинг машҳур маҳаллаларидан биридир. Бу замонда Ҳазрати Эшоннинг муаттар ва мунаввар қабрлари у ерда машҳурдир. Равваҳаллоҳу руҳаҳу.

Ҳазрати Эшоннинг мулозиматида эдим. Кунлар (жуда) иссиқ эди. Юпқа қўйлақда ҳарамдан хужрага чиқиб келди-

Табаррук рисоалар

лар. Назаримда муборак жуссалари ниҳоятда ориқ кўринди. Хотиримга келдики, «бунингдек жусса билан тамоми мулку малакутда тасарруф излари ул зотда зоҳир бўлиши Ҳақ субҳонахунинг инояти ва ҳақиқий қудратидир!» Ҳаёлимдан бу нарсанинг ўтиши ногаҳон фақир иноят ва илтифот мақомига тушишимга сабаб бўлди. Онҳазрат гапира бошладилар. Муборак юзлари шундай катта бўлиб кетдики, хонанинг ҳаммасини эгаллаб олиш даражасига етди. Мен ўзимни бир бурчакка олдим. Сиқилиб қолдим. Аввалигидек яна ҳаракату ҳис-туйғу мендан кетди. Аммо овозларини эшитардим, лекин тушина олмасдим. Бу ҳолат узоқ давом этди. Мен беҳуш бўлдим. Ўзимга келиб, қарасам, ул зотнинг муборак юзлари ўз асли ҳолига қайтибди.

Ҳазрати Эшоннинг аввалдан мулозимни бўлиб келган бир дарвиш нақл қилур: Тошкандда менга мусофирлик иши тушди. Фарзандларим билан гап-сўз қилиб қолдим. Менга газаб ғолиб бўлди. Таёғим билан унинг юзига солдим. Хушсиз йиқилди. Менга кўрқув тушди. Ўлиб қолди, деб ўйладим. Ғоят изтироб қилганлигимдан Ҳазрати Эшонга фарёд қилдим, тазарруъ қилдим. Агар менинг фарёдимга етмаганларида, ҳолим хароб бўларди. Ногоҳ Ҳазрати Эшон қора отта минган ҳолда шошилиб келиб қолдилар. Отдан тушдилар. «Нима юз берди?» деб сўрадилар. Мен воқеанинг ҳолатини ул зотга арз қилдим. Ул зот «Ҳеч нарса эмас. Бориб бошини кўтар. Ўзига келади», дедилар. Шундай қилдим. Дарҳол ўзига келди. Ўрнидан турди. Ҳеч ташвишли нарса йўқ эди. Шул сабаб бўлиб, Шайх ҳазратларига нисбатан яқиним зиёда бўлди.

Бир азиз зот нақл қилур: Мен бир ғуломимни йўқотиб қўйдим. Кўп дунёларга сотиб олган эдим. Излаб топадиган ҳеч жой қолмади. Тамоман ҳайратда қолдим. Дармонда ва саросимада кетаётган эдим, ногоҳон йўлда Ҳазрати Эшонни учратдим. Ғоят изтиробда олдиларига бориб, воқеани ул зотга арз қилдим. «Ғуломимни топиб беринг» дедим. Ул зот «Биз деҳқон одамлармиз. Бундай нарсаларни қандай биламиз? Изламоқ керак, топилади» дедилар. Шундай илтимос ва ниёзмандлик қилавердим. Ғуломим йўқолганидан хафа-

лигимни билдирдим. Мен улуғ зотлар бундай буюк ишлар қила олишни эшитган эдим. Қанча илтимос қилсам ҳам ўзларини узоқ тутавердилар. Мен илтимос қилавердим. Охири марҳамат қилдилар: «Бул кўриниб турган қишлоқдан (фуломингни) талаб қил. Топилади».

Отларини тез ҳайдаб кетдилар. Мен ўша қишлоққа етиб бордим. Фуломни топасан деганларидек, ўша қишлоқда ўз фуломимни кўрдим. Ҳайрон бўлиб турибди. «Сен қаерда эдинг» дедим. У деди: «Мен сизнинг уйингиздан чиқдим. Бир шахс мени йўлдан урди. Хоразмга олиб кетди ва бировга сотиб юборди. Мен унинг хизматида эдим. Бутун мени хожам (яъни, янги эгам) бир муҳим иш билан юборган эди. Ногоҳ менга суворий отлиқ йўлиқиб, ҳайбат билан «Менга ҳамроҳ бўл, кетдик» деди. Мен у билан ерга келдим. Бошқа ҳеч нарсани билмайман». Ўша отлиқнинг аломатларидан сўрадим. Бу Ҳазрати Эшон эдилар. Мана шунини мушоҳада қилиб, эътиқодим зиёда бўлди.

Бул фақир¹ ушбу таълифни жам қилиш ибтидосида Онҳазратнинг мулозаматиға мушарраф бўлдим. Кирмонлик Мавлоно Неъматуллоҳ деган толиби илм Самарқанддан Ҳиротга юзланаётгани учун (уни кузатиб) ташқари чиқдик ва Шодмон қишлоғига етиб келди. Мавлоно Неъматга «ҳаво жудаям иссиқ, бир лаҳза Ҳазрати Хожанинг борида тўхтайлик, дедим. Ҳаво мўътадил бўлсин». Шундай қилдик. Намози аср бўлган эдиям, бир шахс келиб, «Ҳазрат келяптилар», деб қолди. Туриб қолдик. Бир оздан сўнг Ҳазрати Эшон келдилар. Биз турган ерга яқинлашиб, бул каминага юзланиб «Сен қаёққа?» деб, гапира бошладилар. Дилимда неки бор бўлса, ҳаммасини айтдилар. Фақирнинг, хоотири ул зоти шариф тарафга нисбатан кучайди. Асрори илҳоқий ва маорифдан бир қанча сўзлар гапирдиларки, мендан ақлу хуш зойил бўлди. Сўз асносида ул зоти шариф «Агар мақсад таҳсили илм бўладиган бўлса, бул ерда ҳам қилиш мумкин». Шул вақт маълум бўлдики, бул фақирнинг махфий сирларидан ҳеч бир нарса Онҳазратга тулуъ қилмай қолмасди. Аниқ

¹ «Силсилат ул-орифийн» муаллифи.

Табаррук рисоалар

билдимки, бул орзуим ҳам Онҳазратга маълум бўлган экан. Бунни билганимдан шундай мутаассир бўлдимки, бутун фикру андишаларимдан воз кечдим, дилимда таърифлай олмайдиган бир жамъият (хотиржамлик) пайдо бўлди. Шул билан бирга тамоман дилим сафардан тинчимади. Қаршига кетишни хоҳладим. Онҳазрат ман қилдилар, «Бухорога боргин» дедилар. Эрталаб Онҳазратнинг мулозаматини қасд қилдик. Бир оз ўша мавзёда ўтиргандан сўнг бизларга боқиб, фақирга хитоб қилдилар. «Тўғри гапир, дарвишлик учун кетаяпсанми ёки (илм) таҳсили учунми?» Фақир ул зотнинг салобатидан жим бўлиб қолдим. Мавлоно Нёматуллоҳ «Дарвишлик хоҳишлари кўпроқдир» деди, — «Бу қалбининг тўрида яширин сир эди», деб давом қилдирди гапирни. Ҳазрати Эшон «Бундай бўладиган бўлса, яхши» деб табассум қилдилар. Очиқ юз билан фақирнинг қўлидан тутдилар. Биз билан боғ тарафга кириб, одамлардан узоқроққа бориб турдилар. Ул зотнинг қўллари фақирнинг қўлига теккан заҳотиёқ ўзимдан кетган эдим. Бир замон шундай (тикка) туриб қолдилар. Гапира бошлаганларида ўзимга келдим. «Хат ўқиб биласанми?» деб қўлтиқларидан бир мактуб чиқариб ўқидилар. Буклаб фақирга бердилар. «Бул китобатни яхши сақла!» деб буюрдилар. Ўшал китобат ушбудир:

«Ибодатнинг ҳақиқати хузуъ, хушуъ, шикасталик-синиқлик ва ниёзмандликдир. Шундагина Ҳақ субҳонаҳунинг шуҳуди дилга голиб бўлади. Бунингдек саодат муҳаббатга борлиқдир. Муҳаббатнинг зоҳир бўлиши эса Саййиди аввалин ва охири бўлмиш зотга мутобаат қилишга боғлиқдир. Ул зотга тугал салавоту мукаммал таҳийётлар бўлсин. Мутобаат эса, мутобаат қилиш йўлини билишга боғлиқ. Шундай экан илмга мулозамат қилмоқ керак, лекин илмни дунёвий маош василаси ва шуҳрат ҳосил қилиш сабаби қиладиганлардан узоқ бўлмоқ лозим. Рақсу самоъ қиладиганлардан узоқ бўлмоқ лозим. Рақсу самоъ қиладиган дарвишлар суҳбатидан қочмоқ, олдига келган ҳар нарсани олиб, кекиргунча еб-ичадигандан парҳез қилмоқ даркор. Аҳли суннат вал-жамоат ақидасига нуқсон бўладиган тавҳид ва маорифга бағишланган сўзларни эшитишдан узоқ бўлиш

керак. Маорифи ҳақиқийнинг зуҳури учун таҳсил этишдан тўхтаб, (унинг ўрнига) Муҳаммад Расулulloҳ ҳазратларига мутобаат (эргашмоқ) қилмоқ лозимдир. Вассалом».

Ана шундан кейин Ҳазрати Эшон одамлар ёнига келдилар. Фақирга Ҳирот сафарига ижозат бердилар. Дуо қилдилар. Биз Онҳазратнинг ишоратлари сабабли Бухорога юзландик. Бир қанча муддат, ўтар-ўтмас орқамиздан бир пиёда пайдо бўлди. Бизни кўриб етиб келди-да, яна бир мактубни – Хожай Калон Мавлоно Саъдуддин Кошғарий қуддиси сирруху учун ёзилган мактубни (ул Зотга етказишимиз учун) бизга тутқазди. Ул зот (Мавлоно Саъдуддин Кошғарий) аҳволидан сўраладиган, руқъаларда ниёзмандлик қилинадиган соҳиби вуқуф зот эдилар. Бул гапларни қўйингки, ҳар ким ушбу хатни ўқиб, жуда катта таъсир қилар, гўё тир янглик мажруқ дилларга бориб тегарди. Диллар бутунлай Онҳазратнинг мулозаматига машғул бўлиб қоларди гўё.

Бухорога кетарканмиз бетоқат ва бером бўлардим. Ҳар бир манзилда орқага қайтишга мажбур бўладиган нимадир содир бўларди. Аммо ажойиби шул эдики, дилдан ҳамон сафар дағдағаси чиқиб кетмаганди. То Бухорога етгунча олтига маркаб (от) олинди. Ҳар манзилда эскиси минишга ярамай қолганлиги учун янгисига алиштирардик. Бухорога етиб келганимизда эса (менда) кучли кўз оғриқ пайдо бўлди. Ўша ердан неча бор сафарни давом қилдириш учун қасд қилинса-да, янги бир тўсиқ вужудга келаверди. Охири, иситмам кўтарилиб кетди. Ўзимга-ўзим «Агар бул ердан сафарга ҳаракат қилсанг, ҳалоқат хавфи бор», деб, сафар дағдағасини тамоман дилдан ҳайдаб чиқардим. Касаллик ҳам (ўз-ўзидан) бартараф бўлди. Ундан кейин Онҳазратни зиёратини қасд этдим. Тошкандга етиб келганимда Лангарга бориб Шайхзода Илёси Рум Ҳазратларини кўриб ўтиш хаёлимдан ўтди. Чунки ул зотга иродатим бор эди. Ботинан ижозат сўралган бўлди. Зеро, Ҳазрати Хожанинг суҳбати ғоибона бизни тортиб, беором қилаётган ҳам эди. Маркабимни китоблар билан қўшиб ошноларидан бирини топиб, унинг ҳамроҳлигида Лангарга бориш ниятида Тошканд бозорига кирдим. Бир киши келиб қолди. Уловимни олиб кетаман десам, бит-

Табаррук рисолалар

таси уловингни китоблари билан йўқотишибди, деб қолди. Ҳамма уни излаш билан овора экан. Бир бурчакка бориб ўтириб, бошимни ҳам қилиб тафаккур қилабошладим. Шу вақт хаёлимга келдики, «Хожагон (тариқатидаги зоти шарифлар) юлдузмонанд инсонлардур. Шу миқдорда сенга илтифот қилиб, сенга юзлансалар, сен бўлса бошқа бировнинг зиёратини қасд қиласан. Ўйлаб боқ! Бундан ортиқ сенга нима керак?!» Ботинда мана шуларни ўйлаб ўтириб, истиғфор айтдим. Ногоҳ қулоғимга бир овоз келдики, маркабингни топдилар, деган. Бошимни кўтарсам, маркабимни ҳозир қилибдилар. Ҳеч нуқсони йўқ. Ошноларимдан бири айтишга қараганда, ажабланарли иш содир бўлибди. «Маркабингни кўз олдимизга боғлаб қўйган эдик. Бир кўз ташласак, маркабинг ғойиб бўлиб қолибди. Ҳаммамиз таажжубландик. Тошканд бозорида кимса нарсасини йўқотиши жуда душвор. У бундан мутлақо холи. Чунки катта издиҳом, одамларнинг кўп бўлиши бундай ишнинг (яъни, катта бир отнинг бир зумда ўғирланиши ёки йўқотилиши) бисёр ғаройибдир. Ҳеч қачон (Тошканд бозорида) бундай ҳолат бўлган эмас. Ушбу ишни мушоҳадасидан бул фақирда ажаб кайфият пайдо бўлди. Дарҳол отга, миниб Самарқандга юзландим. Лангарга Шайх зиёратига бормадим. Онҳазратнинг суҳбатига етишганимда табассум қилиб «Хуш келдинг» дедилар. Каминага маълум бўлдики, бул фақирнинг жами ҳолатларидан Онҳазрат хабардор эканлар.

Бул фақир яна икки киши билан Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларида ўтирган эдик. Ногоҳ ул зот бизларга юзланиб чуқур назар қилдилар. Кейин, яна (бир оздан сўнг) такрори назар қилдилар. Сўнгра марҳамат қилдиларки, «Нима учун такрори назар қилдим. Биринчи марта сизларга назар қилганимда, сизлар мендан кейин менинг тариқатимга машғул бўласизларми ёки йўқми, дедим. Сизларнинг иккавингиздан бул маънони топдим». Бу икки киши ушбуларни жам қилаётган фақир ва Мавлоно Муҳаммад Амин бўлди. Яна сўзларини давом қилдирдилар: «Биттангиздан эса бул маънони топа олмаяпман. У менинг тариқатимга машғул бўлмайди. Иккинчи бор назар қилганимда, менинг тариқимга машғул бўладиган

бул икки киши менинг олдимда истиқомат ва қарорда (собит қадам) бўладими ёки йўқми?, — дедим. Бул маънони сизларнинг икковингиздан ҳам топа олмаяпман. Сизлар сафарга чиқасизлар». Бу вақтда дўстларнинг ҳеч бирида сафар дағдағаси йўқ эди. Бироз фурсат ўтгандан сўнг ишорат галабаси ва «Итгаку фиросатал мўъмин»² деганининг ҳукмича, биз икки кишига Ҳирот сафари чиқиб қолди. Бизлар ижозат олмасдан ҳам Ҳирот сафарига чиқиб кетавердик. Ўша унинг ҳақида «Менинг тариқимга машғул бўлмаслигини кўраяпман» деган кимса Онҳазратга мардуд бўлиб кетди. Мараз амалларга машғул бўлди. Наъзу биллоҳи мин ғазаби аҳлиллоҳ.

Бизнинг сафаримиз қиссаси шул нав бўлган эдики, фақир ўзини касаликка солиб, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматидан ўзимни тортдим. Ўз ишларимга машғул бўлиб, сафар сабабларини муҳайё қилдим. Ҳамроҳларни ҳам таъйинлаб, фалон кун чиқиб кетамиз, дедим. Фақир Хожа Кафшир маҳалласида эдим. Ҳазрати Эшон Мотуриддан маҳаллага келган эдилар. Бир киши келиб, «Ҳазрат сени кўргани келяптилар» деб қолди. Фақир ул зотнинг хужраларига ўша ерда мулозамат қиламан деган ниятда қараб кетдим. Йўлда Онҳазратга йўлиқдим. «Сени кўргани бораётган эдик» дедилар ва хужраларига қайтиб кирдилар, ўтирдилар. Фақирни ёнларига ўтказдилар, «Мен бир туш кўрдим, сен ўша тушни биласан. Айтиб бер» дедилар. Онҳазрат қуддиса сиррухунинг одатлари шул эди. Ўзларининг мукошафот ва муғойаботларини тушга таъбир қилардилар. Фақир изтиробга тушдим. Гапиришга мажол йўқ эди.

Амир Абдулаввал жаноблари ҳозир эдилар: «Мавлоно Муҳаммадда сафарга чиқиш нияти бор. Шояд шуни кўрган бўлсангиз» дедилар. Ҳазрати Эшон шундай дедилар: «Шундоқ туш кўрдим. Бир ерга хона қуришни хоҳляпти. У биздан ҳам эмас, биздан ташқари ҳам эмас. У хонасини ҳеч бунёд қилолмайди, унга муяссар бўлмайди». Сафар дағдағаси ғолиб бўлганлиги учун уни изҳор қилиб, ижозат мақомида турдим. Ҳадяларни ва (ўзининг) хизматларини бирма-

² «Мўъмин кимсанинг фиросатидан қўрқингиз...»

Табаррук рисоалар

бир бунга васила қилдик. Бир нав ижозат бергандай бўлдилар. Охири (комил) ижозат ҳам олиб, Ҳиротга келдим. Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий суҳбатида бир неча кун туриб қолдим. Худди Ҳазрат «бизлардан эмас» деганлари зоҳир бўлди. Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг суҳбати агарчи ул зотдан бўлмаса ҳам ул зотдан ташқари ҳам эмасди. Жомий ҳазратлари Хожагон тариқатидадир. Унинг суҳбатида қолишни қанчалик истасам ҳам, қолиш муяссар бўлмади. Бу ҳам худди Ҳазрат айтганларидек воқеъ бўлди. Дарҳол, (ҳақиқатдан) огоҳ бўлиб, орқага қайтдим. Беш ойдан кейин Тошкандда Онҳазрат, қуддиса сиррухунинг суҳбатига мушарраф бўлдим. Ўзимга шундай қарор қилганимки, отлари хизматида бўламан. Сайислар билан бирга бўлиб, гоҳ-гоҳ узоқдан бўлса ҳам ул зотнинг муборак жамолларини кўриб тураман. Бу иш биздан содир бўлди. Бундан бошқасини хаёлга ҳам келтирмасдим. Бир куни Тошкандда мулозамат воқеъ бўлди. Хижолатдан (яна) Онҳазратга учрай олмадим. Ичқарига кириб кетдилар. Самарқанддан келган ходимлар билан ўтирардилар. Фақир ташқарида, баъзи хизматкорлар билан бирга ўтиргандим. Ўзимга шуни муқаррар қилган эдим. Бир киши келиб «Сизни Ҳазрат чақиряптилар» деди. Шу вақт фақирда бир кайфият пайдо бўлди. Мутлақо ўзимдан кетиб қолдим. Қаерга боришимни ҳам топа олмай қолдим. Онҳазрат олдиларига кирдим. Онҳазрат (мени кўриб) ўринларидан турдилар. «Сизнинг келганингдан хабарсиз қолибмиз» деб, таърифга тил ожиз даражада сўрашиб кетдилар. Манзил ва мақомлардан сўрадилар. Бир нави илтифот кўрсатдилар. «Гапиравер!» дедилар. Бул фақирдан ҳеч нарса содир бўлмади. Камина мисоли бир маҳжуб эдим. Олдиларига киришга ҳам қодир эмасдим. Такрор сўрадилар: «Айтинг, нимага бизнинг олдимизга кирмадингиз? Кириб туринг». Шундан сўнг мулозаматга машғул бўлдим. Онҳазрат шундайин ниҳоятда иноят ва туганмас илтифот кўрсатдилар.

*Пой то сар агар забон кардам,
Натавонамки гарди он кардам.*

Бул жаҳонда авло бўлганлигини ўзинг айт. Онҳазрат бир нави яшаб ўтдилар, ҳаргиз узр сўрайдиган (айбли) иш қилмаганлар. Ул зот айтардилар: «Футувват бу тоифанинг мақомоти олияларидан биридир.

Ҳурматлик зотлар шундай яшамоқлиги керакки, узга муҳтож бўлмасинлар». Дарҳақиқат Онҳазратнинг ўзлари ҳам ушбу ихлосга яраша мана шундай ҳаёт йўлида бўлдилар. Аллоҳ ул зотнинг сирини муқаддас қилсин, яхшилигини бизларга сочсин.

Бир марта ушбу қораламанинг муҳаррири «аҳқар ул-худом вал-ибод» Заъфарончи (қишлоғи)да Ҳазрати Эшон қуддиса сирруҳунинг мулозаматида ўтирган эдим. Башарият тақозосига кўра шаҳват дағдағаси дилдан ўтди. Бирдан бу фақир тарафга юзланиб, тамоман ғазаб билан бу байтни ўқидилар:

*Суйи дарвешон,
То нагўянд ончи дар рағҳойи туст.*

«Шарм қилмайсанми, бизнинг олдимизда бундайин сифатларни зоҳир қиласан! Агар ҳоҳласанг хаёлингга ўтган жами нарсаларни изҳор қиламан», дедилар. Кейин ушбуларни ўқидилар:

Ин жаластум аҳлас-сидқи фаҷлисухум бис-сидқи. Фаинна аҳлас-сидқи жавосисул-қулуб, йадхулуна фий қулубикум ва йанзируна ило ҳимамикум ва нийотикум.³

Шундан сўнг хавфдан ул зотнинг шарофатлик мажлисларида бундай ўй-фикрлар (асло) келмади....

Бир азиз нақл қилур: Ҳазрати Эшон ёшлик йиллари ва ишнинг аввалларида аҳлуллоҳнинг суҳбатини топишга рағбатлари беқарор бўлиб, Тошкандан Самарқандга келган бўлганлар. Шул келишларида Мавлоно Саъдуддин Кошғарий билан бирга бўлиши содир бўлган. Бир куни Мавлоно Саъдуддин Кошғарий ул зотнинг олдиларига ҳоллари ўзга-риб кирибдилар. Ҳазрати Эшон Мавлононинг ҳоллари ўзга

³ «Агар аҳли сидқ бирла ўтирадиган бўлсангиз, сидку ихлос ила ўтирингиз. Зеро, албатта, ўша зотлар қалбларнинг жосусларидурлар. Қалбларингизга кирурлар. Ҳимматларингизга ва ниятларингизга назар солурлар».

Табаррук рисолалар

рганлигидан сўрабдилар. Мавлоно ҳазратлари «Бизнинг ихтиёримиздан ташқари бир иш содир бўлди» дедилар. Ҳазрати Эшон «Иноят қилсангиз, нима иш содир бўлди?» деб сўрабдилар. Мавлоно айтибдилар: «Фалон шайх одам юборибдики, Ҳазрати Хожа бизнинг синглимизнинг қизини никоҳига қабул қилсин, деб. Мен сиз қабул қилмаслигингизни аниқ биламан. Лекин ўша шайх тор одам. Унинг хотирига бир нарса ёқмай қолса, ўша нарса ёки кимса ҳалок бўлади. Ўшанга мен (сиздан хавфсираб) хафа бўлиб, ўзгариб турибман». Ҳазрати Эшон айтдилар: «Сиз хотирингизни жам қилаверинг. Мен унинг зараридин омондаман. Унинг одамини, чақиринг, жавобимни эшитсин». Мавлоно ўша шайхнинг одамини чақирибди. Ҳазрати Эшонга унга бундай дебди: «Бориб шайхингизга айтинг. Мен ўз вилоятимда мусофир, бу юртларга кадхудолик қилишга келмадим. Диёримдан (бу тарафларга) чиқишимга сабаб аҳлуллоҳ суҳбатини топишдир. Шайхингиз ўз ҳадини билсин. Сўзни ўлчаб гапирсин. Агар узоқни кўра оладиган бўлса, қарасинки, арвоҳи тойибаларнинг қанча-қанчаси менга ёрдамчи ва мадақкордир. У эса бир (оддий) фақрдан бошқа кимса эмас. У билан муъораза қилиш менга ҳечдир. Агар қилолса, қўлидан келганини қилсин».

Бул сўзларни эшитиб Саъдуддин Кошғарий бағоят изтиробга тушибди. Ҳазрати Эшон «Сиз ҳаргиз ташвишга тушманг. Менда агар унга қарши куч-қувват бўлмаганда эди, ҳеч ҳам бул сўзларни айтмаган бўлардим», деб ул зотга тасалли берибдилар. Ўша шайх оз фурсатда тортишишдан ожиз қолиб оламдан ўтибди. Бул ҳолни мушоҳада қилиб Мавлоно Саъдуддин Ҳазрати Эшонга нисбатан эътиқодлари янгича тус олибди...

Бир дарвиш нақл қилур: Мавлоно Шайх Муҳаммад Кеший Шайхзода Илёс хизматидан юз ўгирибди. Сабаби у жаҳрий зикр қилар экан. Улар орасида гап ҳам узайган экан. Кешнинг жами турклари Шайхнинг муридлари бўлгани боис Мавлоно Шайхдан юз ўгиришибди. Боз устига, Мавлоно Шайх Муҳаммадни хароб қилишга қасд қилибдилар. Ҳазрати Эшон туркларнинг Мавлоно Шайхга зарари ет-

маслиги учун у тарафга майл кўргизибдилар. Бу гапларни Шайхга етказишибди. Ҳазрати Эшоннинг Шайхга нисбатан кўнглида гина бор, дейишлари бунданда ўтиб тушибди. Шайх ҳам Амир Дарвеш Муҳаммад Тархонга мактуб ёзиб, Ҳазрати Эшон билан (ғойибона) муоразага киришибди. Мактубда шундай сўзлар ҳам бор экан: «Дину миллатга қандай сустлик келдики, бир одам савдо- сотиқни ҳамда деҳқончилигини шариат қонунларига зид қилаверадими?! Сизларнинг хотирингизга бунингдек тасарруфлар ва унинг бундай бари гуноҳ сўзларининг олдини олиш келадими ўзи?!».

Амир Дарвеш Муҳаммад Тархоннинг Ҳазрати Эшонга эътиқоди бор бўлганлигидан мактубни яшира олмади. Мактубни Ҳазрати Эшон олдига келтирибди. Ҳазрати Эшоннинг ҳоллари ўзгариб хитоб қилдилар: «Эй, Шайхи фақир, мен зоҳир бўлган кундан буён қанча-қанча шайху мавлонолар менинг оёғим остини уқалашган эди. Бунинг ҳисобини Аллоҳнинг ўзи биледи. У ўзи нима деяпти?! Энди, у шариатни билиб, мен билмайдиган бўлиб қолдимми?!».

Шундан озгина вақт ўтгандан кейин Шайхнинг Лангар қишлоғига вабо келиб, Шайхнинг орқасидан фарзандлари ҳам, одамлари ҳам ўлиб кетдилар.

Ҳофиз Шайх Абу Саид Обрез нақл қилурлар: Талаб даврининг аввалларида бир куни Ҳазрати Эшон Тошканддан бизнинг манзилга келган эдилар. Биз ул зотнинг шарофатлик қадамларини илоҳий неъматларнинг энг улуғи деб билдик. Бизлар ота-боболаримиздан уларнинг мухлис ва муридларидан эдик. Мукаррам оталаримиз уларнинг ота-боболари билан шундай (яқинликда) эдилар. Жами қариндошлар, фарзандлар ва волидам ул зотга хизмат қила бошладик. Фақирнинг волидаси ул зотга ризоъий (сут эмиқдош) ҳам эди. Ногоҳ менинг катта биродарим йиғлаб келиб қолди. «Менга Асад Жуймон кўп озор ва ҳаддан ташқари изо етказди» деди. Шул аснода волидам тамоман изтиробга тушиб, беҳад тазаррулар билан Ҳазрати Эшондан «Хожам, фарзандимиз учун хотирларини (бироз) чалғитсалар» деб илтимос қилиб қолди. Волидамнинг изтиробларидан ул зот ҳам таъсириландилар. Аср намози вақти эди. Намозга турдилар, намозни

Табаррук рисолалар

қилдилар. «Бу ит менинг намозимга халал етказди. Унинг ишига кифоя қилдим», дедилар. Андак фурсат ўтар-ўтмас бу Асад Жўймон бир шахс билан низоъ қилиб, унинг таги-га кўплашиб сув қуйдилар.

Яна бир марта Ҳазрати Эшон ташриф буюрганларида фақирнинг волидаси ул зоти шарифга арз қилдилар. «Сизнинг олий ҳимматингиз ила бизнинг душманимиз кучли адабини еди», дедилар. Ҳазрати Эшон эса: «Бунга нисбатан биз айтган нарса ҳали олдинда», дедилар. Бир қанча вақтдан сўнг замона султонининг ҳукми билан уни қон (хун олиш) талабида ушлаб, тиканаклар устидан тортишди. У пора-пора бўлиб кетди. Сўнг унинг бўлак-бўлак жасадларини тўплаб қуйдиришди...

Бир дарвиш нақл қилур: Онҳазратга иродат қилиб, ул зотнинг суҳбатлари шарафига мушарраф бўлишимдан олдин дил бир чиройли суратга гирифтор эди, соҳибжамолга дил тааллуқли унинг муҳаббатига боғланган эди. Онҳазратнинг суҳбатларига мушарраф бўлганимдан сўнг сийнамда ўша муҳаббат тамоман маҳв бўлди. Унинг ўрнига Онҳазратнинг мулозаматига дил гирифтор бўлди. Бир марта ул зотнинг мажлисларида ўтирган эдим, ўша гўзал жононнинг суратини хотирамдан ўтказдим. Ногоҳ Ҳазрати Эшон фақир тарафга боқиб, ўша жононнинг исмларини айтдилар ва «Биз унинг иши ва бошини барҳам қилган эдик. Энди уни нима қиласан» дедилар. Мен билан унинг аҳволидан ҳеч ким хабардор эмасди. Бул маънони мушоҳадаси менинг онҳазратга (янада) яқинлашишимга сабаб бўлди.

Бир дарвиш нақл қилур: Азиз зотлардан бириси маълум бир зотни бисёр таъриф қилиб, «Ул азизнинг риёзати Ҳазрати Эшоннинг риёзатидан кўпроқдир», деди. Бир куни бомдод намознинг адосини сўнг Ҳазрати Эшоннинг орқасида ўтирган эдим. Ул зотга риёзат асарини кўп кўрдим. Ўзимга ўзим айтдимки, «Ўша одам фалон зотнинг риёзати Ҳазрати Эшонникидан кўп, деди. Бу маълум эмасдир». Шул аснода бир одам келиб номаълум ишни гапира бошлади. Ниҳоятда ҳаддан ошириб юборди. Ҳазрати Эшон фақир тарафга юзланиб, ўшал азизнинг номини тилга олиб марҳамат қилди-

лар: «Ул азиз латиф табъ одамдир. Бунингдек номаълум гапларни (охиригача) эшитишга тоқат қилолмайди».

Бир дарвиш нақл қилур: Бир марта жумъа куни жомеъ масжидига борган эдим. Ташқарига чиқиш маҳали кўпчилик ёронлар билан Ҳазрати Эшонга эргашдим. Ёронлардан биттаси бозор таоми (пишириб) чақириб қолди. Ҳазрати Эшон хос муридлари ила кетдилар, биз эса ош ейиш учун дўконга кирдик. Иттифоқо, ушбу дўконда подшоҳнинг (ёш) канизлари ҳам бор экан. Улар ниҳоятда чиройли жамол соҳибалари эди. «Бул гўзалларга қаранглар», дедим. Дўстлар «Номашруъ ишдир. Бизларни қандай ишга далолат қиялсан», дейишди. Жавобига айтдим: «Агар назар шаҳват билан бўлса, номашруъдир. Агар назар шаҳватдан холи бўладиган бўлса, нима ҳам бўларди?!». Қараш содир бўлди. Кейин Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларига етиб бордик. «Қаердан келояпсизлар? — дедилар. «Масжиддан келаяпмиз», дедик. Ул зот «Бемаъни гапни қўйинглар. Ёлгон айтаяпсизлар. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаққи, жумъага бориш деяпсизлар». Ул зот тунд бўла бошладилар. Яна сўзларини давом қилдирдилар: «Дўконга ош ейишга кирдингизлар. Аёлларга назар қиласизлар. Баъзиларингиз «Қарашлик номашруъдир» дейсиз. Баъзингиз эса «Шаҳват билан қараш номашруъдир. Назар агар шаҳватдан холи бўлса, нима бўларди?» дейсиз». Сўнгра менга юзланиб, тамоман газабланган ҳолатда «Мен бешаҳват назар қилолмайман-у сен қаердан пайдо бўлдингқи, бешаҳват назар қила олурсан?!» дедилар. Менга бунингдек (ажойиб ногаҳоний) ўғит ул зотга эътиқодим зиёда бўлишига сабаб бўлди. Шу ерда ҳозир бўлганлар ниҳоятда таажжубга тушдилар...

Нақлдурки, Ҳазрати Хожаи бузруг Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳул-азиз шубҳалик (ёки «Бисмиллоҳ»сиз қилинган) таомни ҳаргиз емасдилар. Ўз ёронларига ҳам ейишга қўймасдилар. Ҳазрати Эшон эса шундай дердилар: «Барча узрли ҳолатлар шунга боғлиқдир. Бу борада ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ даркор. Агар шундай бўлса, (яъни шубҳали таом ейилса) у йўлда ўз ишини албатта қилгуси. Мана бундай бевақтликлар ва паришонликлар аксар вақт паришон (яъни, шубҳали) луқма ейишдан келиб чиқади»...

2.«Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор»

Ҳидоят кутби, орифу зоҳидлар муқтадоси, огоҳлик денгизининг хосларининг раҳнамоси Ҳазрат Хожа Аҳрор Хожа Убайдуллоҳ-Аллоҳ таоло ул Зотнинг сирини муқаддас қилсин ва бизларга ул Зотнинг яхшиликларидан файз юборсин-ҳазратларнинг хавориқи одатлари-кароматлари баънидир. Ушбу маълум бўлган, жам қилинган (нарсаларни) баланд мартабалик ҳазрат, яъни Мавлоно Шайх раҳимахуллоҳ алайҳи қурбат ёнида яшовчи бу зотнинг махтур хотири латифи ва манзур назари шарифи хизматига келтирилиб, қаламга олинганлари ушбудир. Иншо Аллоҳул-азиз.

Ҳазрати Эшонни эмизган аёлдан нақл қилиндики, Ҳазрати Эшонга сут бераётган пайтимда бир куни ҳеч ҳам сунимни ичгани йўқ. Ҳазрати Эшоннинг оналарига «Хожа сунимни ичмаяпти» дедим. Айтдиларки, «Ногоҳ бирор шубҳали нарса еб қўймадингизми?». Дедим: «Фалон одамнинг уйига борган эдим Бир нарса чиқарди. Емасликнинг иложини қилолмадим». «Икки-уч кун рўзадор бўлиб турунг, шояд яна сунингизни эма бошласа» дедилар. Уларнинг айтганини қилиб, уч кун рўза тутдим, (гўдак) кўп қийинчилик билан сунимни эма бошлади. Айтишларича, Эшоннинг ёшлик пайтида бунга ўхшаш нарсалар жуда кўп кўрилган. Мавлоно Жалололдин Ҳофиздан нақл қилинган. У Ҳазрати Эшоннинг улуғ асҳобларидан бўлиб, соҳиби шараф ва кашф бўлганлар. (Ул зот) айтадилар:

Хожаи Калон ҳазратларининг волидаларини дафн қилинган пайтда қабр бошидан (одамлар уйларига) қайтганлар. Ҳазрати Эшон эса қабр ёнига бориб, унга юзланиб туриб қолгандилар. Мен муоянада кўрдимки, икки фаришта келиб қолди. Ҳазрати Эшонни ҳайбат билан турганларини кўриб, бир-бирларига қараб, орқага қайтиб кетдилар. Ҳазрати Эшон айтадилар: «Ҳофиз Жалололдин гоҳо хушқайфият бўлганларида мен тарафга боқиб, зор-зор йиғларди. Мен «Нимага йиғлайсан?» деганимда, у «Сиз томондан бул фақирга шул даражада ҳол ва завқ иноят қилинган. Ана

ўша завқдан йиғи келмоқда» деганди. Айтурларки, Ҳофиз кўпинча икки рақъат намозда Қуръонни хатм қилиб ўтирарди. Бир куни Хожа Али хизматида кўп тақаллуфлар боис муҳаббат жуббасини кийиб, Ҳазратнинг олдига келди. Ҳазрати Эшон унда ушбу жамоага тез-тез қарайвердилар. У бирор соат ўтиргандан сўнг ўз манзилига кетди ва (бора солиб) касал бўлиб қолди. Фақир эрталаб Мавлонони кўргани бориб келдим. Ҳазрати Эшон мендан «Қаердан келаяпсан?» деб сўрадилар. «Мавлоно Хожа Алининг олдидан келаяпман. Кеча у бу ердан кетибоқ касал бўлиб қолганди. Ҳозир жуда ташвишланыпти», - дедим. «Ўша кийимнинг юки бу. Унга оғирлик қилибдида!», - дедилар. Хожа яна бир неча кун касал ётдилар, истиффорлар айтиб тузалдилар. Сихҳат топганлардан кейин бошқа қайтиб ўша кийимни киймадилар.

Бир куни хужрадан ташқари чиқдим. Бир азизни кўрдим, ироқликлар кийимни кийиб олибдилар. «Ҳазрати Эшон уйдадилар?», деб сўради у. «Бир жойга кетувдилар», - дедим. Аср намози вақти бўлганда Ҳазрати Эшон келдилар. У киши билан кўришдилар. Намози шомдан сўнг (масжиднинг) жамоат хонасида қолиб, (икковлари) хуфтон намозигача ўтирдилар. Хуфтон намозидан кейин ўша азиз зот «Қандай ҳам ажиб ҳолки, ул зотнинг вужудини барча алоқалардан озода ва холи топдим. Буларнинг ҳаммаси у билан у эса ҳеч қайсиси билан эмас», - деганди. Фақир бу сўзни (кейинчалик) Ҳазрати Эшонга арз қилгандим, ул зот табассум қилиб, «Икки сиз ва дунёдан бир бўлак йўл бошидан олиб унинг олдига олиб бордим» дегандилар. Ул азизни Мулло Муҳаммад Шерозий дердилар. Хожа Зиёвуддин ва Хожа Садриддиннинг асҳобларидан бўладилар. Зиёрат қилиб бўлганларидан кейин Шероз вилоятига қайтиб кетдилар. Бир қанча вақт ўтгандан кейин яна мулозаматларига келиш бахти мушарраф бўлди. Бир муддат турганларидан кейин бир куни Ҳазрати Эшондан (кетишга) ижозат сўрадилар. Ҳазратнинг олдиларида бошяланг турганди. Ҳазрат унинг пешонасидан бўса қилиб, муборақ бағирларига босиб ижозат бердилар.

Асҳобларидан биттаси нақл қиладики, бир куни Ҳазрати

Табаррук рисоалар

Эшон бундай дегандилар: «Мен ўзимни шундай кўряпман: одамларнинг ҳар бири менинг белимга тиноб-арқон боғланлар. Қайси тарафга борсам, улар ҳам ўша ерга тушадилар». Бу кутбиятликка ишорадан бошқа нарса эмас.

*Ал-ҳақ, он шоҳи маснад иршод,
Хабар аз ҳоли хештан медод.
Ҳолаш ин бувад балки сад чандин,
Зи ғам⁴ зоҳир парасту сурат бин.*

(Дарҳақиқат ул иршод маснадининг, тахтининг шоҳи ўзларининг ҳолидан хабар бердилар. Ҳоли шундай бўлган, балки ундан ҳам юз баробар зиёд. Ғам-ғуссадан (ёки билакс) зоҳирпараст ва сурат биндилар, холос).

Бир азиз зот нақл қилиб айтадилар:

Мирзо Султон Абу Саид қозоқда бўлган пайтида Туркистондан Тошкандга келдилар. Мен туш кўрдим. (Тушимда) азиз одамлардан бир жамоа (катта) икки тошлик тегирмон курмоқдалар.

Тегирмоннинг бошида туриб (биттаси айтурки, (аввал) сувни ушбу осёб (тегирмон тоши)га очмоқ керак, — дейди. Бошқа бир азиз эса «Йўқ, бу тегирмон тошига сув қуямиз» дейди. Нима десалар ҳам ўша азиз ўз сўзида туриб олди. Хуллас, ул азиз айтдики, жанжалга ҳожат йўқ. Сувни очиб юборамиз, сув қайси тарафга кетса, ўша тошга кетсин Ҳаммалари «Шундай қиламиз» дедилар. Сув очилгандан кейин ўша азиз айтган тошга сув борди. Бошқа тош таги эса қуруқ тураверди. Мен, бул воқеани (турганимдан сўнг) одамларга айтиб бердим. Бир неча кун ўтгандан сўнг Мирзо Султон Абу Саид Самарқандни олди. «Тошкандда бир азиз зот бор экан, ўша зотнинг ҳиммати ила ушбу фатҳ юз берди» деган сўз машҳур бўлиб кетди. Мирзо бир киши юбордики, ўша зотни (Самарқандга) қақриб келтириш учун. Ўша зот келган куни Мирзо ва шаҳарнинг барча халқи ул зотнинг ис-

⁴ «Ғам!» деб ўқилса, маъно «билакс» дегани бўлади

тиқболига чиқдилар. Биз ҳам бордик. Узоқдан кўрдимки, тегиримонда барча азизларга мухолафат қилган тушимдаги ўша азиз шул эканлар. Тушимни гапириб берган одамларга «Тушимда кўрган зот мана шу бўладилар» дедим.

Амир Дарвеш Муҳаммад Тархондан бир азиз зот нақл қилади: Султон Абу Саид Мирзо салтанати замонида Амир Аҳмад ҳожи ниҳоятда камолотда ва улуғлик (шоҳсупасида) эди. Биз эса ғоятда паст ва хорликда эдик. Бир куни Ҳазрати Эшон бизларга қараб «Ғам чекмангиз, сизларга ҳам навбат яқин қолди» дедилар. Мирзо томонидан юборилган одамлар воқеасидан кейин синчиклаб қаралса, Ҳазрати Эшоннинг сўзларидан кейин озгина кун ўтганида, Мирзонинг воқеаси юз берган экан. Бу бизларнинг ақидамиз (Ҳазратга нисбатан) зиёда бўлишга сабаб бўлди.

Султон Абу Саиднинг муқаррабларидан бўлган Амир Муҳаммадбек Қумийдан бир азиз зот нақл қилди. Амирнинг синглиси Мирзонинг никоҳида эди. Ўша замонда Ҳазрати Эшон Мирзони кўришга Марвга келиб, Ироқ сафарига ижозат олдилар. Кўп муболаға қилгандан сўнггина Мирзо кетишга изн берган эди. Ул Ҳазратни кетишдан ман қилинганда мен ўша сафардан ўзимнинг нажотим узун васила қилган эдим. Ушбу ишда бошқа бир киши ҳам менга шерик бўлган эди. (Яъни иккаламиз Мирзодан Ҳазратга изн сўрашган эдик). Мен уларнинг мулозаматига равон бўлдим. Ўша киши эса Фасихни қасд қилиб, яна Ироққа юзланган эди. Ҳазрати Эшон мендан сўрадилар: «Фалон киши келмадими?» Мен «Йўқ» дедим. Айтдиларки, «У аниқ келади, молу аёлини одамлар талон-тарож қилиб, (ўзини) асир қиладилар». Кейин маълум бўлдики, у озгина йўл юрганидан сўнг ёмғир ёға бошлаган. Ёмғирпўш, тоқия (дўппи) ва кенпак излаганлар. Мулозимлар кенпак ва яшил тоқия келтирганлар. Уни кийган вақтида «Ёрқин жома кийдик» деган эканлар. Ўша куни мен Мирзодан ноумид бўлдим. Мирзонинг воқеасидан сўнг ақидам зиёда бўлишга сабаб бўлди.

Нақлдурки, Султон Муҳаммад Румийнинг бошига фаранг подшоҳларидан кучли бир душман лашкар тортиб келган эди. У ғофил ва беяроғ қолиб, ҳайронликда лашкари-

Табаррук рисодалар

нинг озлиги ҳамда заифлигидан нима қиларини билмасдан қочишга юз тутишига оз қолган эди. Ногоҳ оқ отда оқ эгар устида оппоқ кийим кийган бир азиз зот орқасида оху мисоли жуда кўп голибона жамиятни эргаштириб келиб қолади. Ул зот подшоҳга таъзим қилиб, илтифотлар кўрсатади. Кофирлар лашкарига ташланиб, кўз очиб юмгунича ўшанда шавкатли, бисёр лашкарга шикаст етказдилар. Рум подшоҳига мадад бериб, ғойиб бўладилар. Ислол лашкари қўлига кўплаб ғаниматлар тушади. Ўша азиз зотнинг сура-ти Рум подшоҳининг хотирасида қолган эди. Ўша айёмда Ҳазрат Хожа Муҳаммад Румийни тижорат мақсадида юборган эди. Ул Ҳазратнинг шарофатлик китобатларини (мактубларини) подшоҳга етказиб, унга сўраганлиги боис Он-ҳазратнинг васфларини, суратларини баён қилиб беради. Лашкарнинг нусратига сабаб бўлган ўша азиз зотнинг васфларига мувофиқ эканлигини кўриб, ўша азиз зот Ҳазрати Эшон эканлигига жазм қилади. Ўн уч минг шарафий маблағ ва жуда кўп совғалар, фаранги зарбофт ва кимхоблардан ҳамда румлик ишончлик мусаввир бир кимсани Хожа Мустафога ҳамроҳ қилиб юборади. Ҳазрати Эшон унинг назрларини қабул қиладилар. Қарши кўприги ва шунга ўхшаш хайрли иморатларга сарф қиладилар. Ўша шахс (яъни мусаввир) неча вақт мулозаматда бўлиб, доим шариф мажлиса келиб ўтирар, Ҳазрати Эшоннинг муборак жамоли ва суратини мушоҳада қилар эди. Ижозатдан сўнг маълум бўлдики, у мусаввир экан. Подшоҳнинг унинг юборишидан мақсади Ҳазрати Эшоннинг тасвири-ни ишлаб элтиш экан. Токи ўша азиз ҳақиқатан ҳам Ҳазрати Эшон эканлигини билиб олсин. Ўша мусаввир Ҳазратнинг муборак суратларини чизиб олиб борди. Подшоҳнинг иккиланишлари тамоман кўтарилиб, ўша азиз Ҳазрати Эшон эканлигини аниқ билиб олди.

Нақл қилур: Ҳазрати Эшон Камонгарон маҳалласига охирги марта ташриф буюрганларида Шоҳрухиядаги Мирзо Умаршайхнинг мулозими Қанбар Али сулҳ учун келган эди. Ҳазрати Эшон сулҳ бобида (сўзлашда) қанчалик мубо-лафа қилмасинлар, Султон Аҳмаднинг амирлари сулҳга рози

бўлмадилар. Ҳазрати Эшон марҳамат қилдилар: «Агар улар бизнинг сўзимизни қабул қилмасалар кетаверсинлар. Агар биз тирик бўлсак ўзимиз тафарруж қилурмиз, агар ўлиб кетсак руҳимиз тафарруж қилур!». Онҳазратнинг воқеасидан бироз вақт ўтгандан сўнг Шохрухия ва Тошкандга қараб юзландилар. Шохрухияда Мирзо Умаршайх бир ишончли одамни қўйиб, ўзи ташқарида эди. Ўша мўътамад - ишончли одамнинг одамнинг Шохрухияни асрашга кучи етмади. Хуллас, Шохрухия уларга насиб қилди. Шохрухияни олгандан кейин Мир Саййид ўфлоқчи ҳамда девонларда Ҳазратга ихлослари йўқ баъзи умаролар бундай дейишди: «Вилоятни (бутунлай) олишга тўлиқ бўлган нарса Ҳазрати Хожанинг шариф вужудлари бўлди». Тошканд, Сайрам ва Андижонни ҳам олишга қарор қилдилар. Онҳазратнинг мавзеларига жариб (ўлчов) тортамыз ва жарибнинг қароридан (солиқ учун) мол ҳавола қилурмиз. Шунда барча хазиначилар тўлдирилади», - деб ҳукм қилдилар. Шохрухиядан Тошкандга юзландилар. Тошкандга етиб келганларидан сўнг Шоҳ Бехон қочиб Тошкентга кириб келди.

Бир кун қаттиқ жанг қилдилар ва қалъа дарвозасига келдилар. Аркони давлатдан Хожа Алибой ўлдирилди. Унинг ўлдирилиши билан лашкар ҳам барҳам топди. Лашкару амир ва Мирзодан ташкил топган 3000 кишига яқин одам Барака (Параг) ариғига (ўзларини) отдилар ва ҳалок бўлдилар. Мирзо бир неча одам билан хароб аҳволда кириб келди. Йўлда қочишда девонхонадан эътиқодли баъзи кимсалар «Хожалар, Ҳазрати Эшоннинг қишлоқларига жариб тортамыздан кетаяпсизлар!» деган эканлар.

Нақдурки, қалъадан чиқиб лашкарнинг изидан борганлар озчилик бўлган. Лашкардаги одамлар (бир-бирларига) айтишар экан: «Ҳар бир хас-хашак назаримизга суворий бўлиб кўринарди. Қулоқларимиз эса тир ва шамширнинг овозидан бошқани эшитмасди». Амир Дарвеш Муҳаммад инсофли ва эътиқодли инсон эди. Махдумзодалар уни кўришга борганларида йиғлаб айтган эканки, «Бу Ҳазрати Эшон қаддасаллоху сирраҳул азизнинг руҳида бизларга етган меҳнат бўлди. Чунки биз Ҳазрати Эшоннинг сўзларига

Табаррук рисоалар

амал қилмадик». Шоҳрухия олингандан кейин ҳам баъзи бадбахтлардан номуносиб сўзлар воқеъ бўлиб турди.

Султон Аҳмад Мирзо раҳматуллоҳи алайҳидан нақлдурки, айтадилар:

Бир марта харажат жиҳатидан бисёр ташвишга тушдик. Умаро билан машварат қилиб, одамларга 10-11 (танга солиқ) ташлаймиз, деб қарор қилдик. Менинг хотирамга келдики, агар Ҳазрати Эшонга изтиробимизни арз қилмасак эҳтиёжимизни маълум этмасак (билиб қолсалар) ман қиладилар,-деб ўйладим. Амир Дарвешни Онҳазратнинг мулозиматига арз қилиш учун юбордик. Амир Дарвеш борганларида мулозимлардан бир киши Ҳазрати Эшоннинг олдиларидан Мавлонозоданинг хизматига келибди. «Ҳазратдан сизга бир пора хуржун келтирдилар. Айтадиларки, Ҳазрати Эшон «Шояд Мирзонинг харж ишлари бўлиб эҳтиёжи бўлса керак», -дебди. Сана кўрсалар 10000 оқ танга маблағ чиқибди. Мирзо айтадилар: «Ҳазратдан фуқароларга нисбатан воқе бўлган хавориқи одат ва кароматларини бир киши ёзиб борса (неча) дафтарлар бўлур эди!».

Нақл қилингандурки, Ҳазрати Эшон қуддиса сирруху бул оламдан интиқол қилганларидан сўнг Амир Абдулалий ҳаётликларида (кўп бор) хизматкорлик қилганлиги боис Ҳазрат унга кўп илтифотлар кўрсатиб, ҳалокатлардан халос қилган эканлар.

(Шундай бўлса ҳам) Ҳазрат оламдан раҳмат қилганларидан кейин нима қилмоқ керак – деб ўйлади. Чунки, Ҳазрати Эшон қуддиса сиррухунинг Бухоро вилоятидаги мулкларини жариб мақомига тортиб, (солиқ учун) мол ҳавола қилган эди. Иш бошилар ундан қочиб маҳаллага келиб олдилар. Шу аснода Амир Абдулалийнинг бемор эканлиги хабари тарқалди. Бир азиз зот «Амир Абдулалий ўлди» деган, Ундан «Қаердан биласиз?» деб сўралганда айтган экан: «Кеча тушимда Ҳазрати Эшонни Мавлоно Қосим билан бирга отда турганини кўрдим. Бир қанча халқ ул зотнинг олдиларида. Мен ҳам (улар орасида) турибман. Менинг белимда қилич бор. Ногоҳон ғоят катта, ниҳоятда улуғ бир илон Ҳазрати Эшоннинг олдига ташланди. Илон ҳаракатга кел-

ган сайин одамлар қоча бошладилар. Мен шамширимни, уни ўлдириш учун қўлимга олдим. Ҳазрати Эшон «Ҳожати йўқ. Унинг боши узилган» дедилар». Уч-тўрт кундан сўнг Амир Абдулалийнинг вафоти хабари келди. Бир азиз нақл қилур: Амир Абдулалий Ҳазрати Эшоннинг мулозимларига мол ҳавола қилган куни саркарлар (қочиб) Самарқандга келган эди. Мени мулозимлардан бири билан Хожа Яҳёнинг муҳим иши жиҳатидан Бухорога юборгандилар. Карминага етиб келдик. Мавлоно Алоуддиннинг манзилида бўлдик. Бир азиз кимса (шу ерда) унинг меҳмонлари учун таҳорат суви муҳайё қилиб турар экан. Кечқурун келганимиздан эрталаб саҳарда бизнинг таҳорат сувимизни ҳозир қилиб турган экан. Бизлар таҳорат қилдик. Шундан кейин у бироз вақт ухлаб турди. «Ажойиб ухлаб турдим!» деганида, мен ундан «Уйқунгда нимани кўрдинг?», — деб сўрадим. У «Туш кўрдим. Тушимда Ҳазрати Эшон қаддасаллоху таоло сирраҳул-азиз от миниб олганлар. Фақирга ва бошқа кишига дедиларки, «кетмон олиб олинглар». Кетмон олиб олдик. Суръат билан Бухорога юз тутдик. Бизлар Ҳазрати Эшоннинг жиловларида озгина фурсатда Бухорога етиб келдик. Бухоронинг минораси тагига келганимизда, икковимизга, буюрдиларки, ушбу минорани йиқинглар. Кетмон урдик. Минора йиқилди» деб (тушини) гапириб берди. У тушини айтар экан мен «Амир Абдулалийнинг иши битди» дедим. Ҳамроҳим бўлган азиз айтдики, бундай дема, ҳеч ким эшитиб қолмасин, -деди. Бухорога бориб, муҳим ишни бажариб, Работи Маликка қайғиб келдик. Бир суворий отлик изимиздан келиб, тезликда ўтиб кетди. Айтдики, Амирнинг орқасига бир бош шиш пайдо бўлиб, мени таниқли жарроҳ учун юбордилар. Тошкандга етиб борганимизда ўша киши таниқли бир мавлонони олиб кетган экан. Икки-уч кун ўтиб Амир Абдулалий ўша касали билан ўлиб кетди. Бу ишни мушоҳада қилиб, менинг ақидам (Ҳазрати Эшонга нисбатан) зиёда бўлди...

Мавлоно Дарвеш Сарипулий нақл қилур: Ҳазрати Эшоннинг қуддиси сирруху мулозимлари Амир Абдулалий ташвиш етказаверганлиги учун Бухорода турар эдилар. Амир улар билан ёмон (муносабатда) эди. Мен туш кўрдим: Онҳазрат

Табаррук рисоалар

Сарипулнинг жумъа масжидида отда сувор бўлиб турар, мен эса жиловнинг бошини тутган эдим. Ногоҳон Амир Абдулаллийни кўли ва бўйни боғланган ҳолда келтиришганини кўриб қолдим. Ҳазрат менга «Бул сағни кўтариб ерга ур. Менинг одамларим (бунинг устидан) арз қилиб келдилар» дедилар. Менда шундай қувват пайдо бўлдики, бошимдан ҳам юқори кўтариб, ерга шундай ургандим, яримигача ерга кириб кетди. Мен бир неча марта тепдим ҳам. Шундан бир неча кун ўтгандан сўнг унинг орқасига шиш чиқиб, тезда ўлиб кетди.

Нақл қилинурки, Султон Абу Саид Мирзо Туркистонга келган замонида бир туш кўради. Боргоҳ қурадилар-да унга Мирзо кириб ўтиришни ҳоҳлайди. Қанчалик ҳаракат қилсалар ҳам барпо қилолмайдилар. Охирида амр, азиз зотлардан бири муайян суратда орадан чиқиб, хотири шарафини шунга машғул қилади ва ўша баргоҳни тиклаб беради. (Шундан сўнг) Мирзо у ерга кириб ўтиради. Кейинчалик бул воқеани ҳикоя қилиб, ушбу баргоҳни қурган азиз зотнинг суратини Ҳазрати Эшонни кўриб юрган одамлардан сўраб қолади. Бир шахс айтадики, сиз нақл қилган зотнинг ушбу сурати Хожа Убайдуллоҳ ҳазратларидирлар. Улар ҳозир Тошкентдалар, - дейди. Мирзога яқинлиги бор Мирзо Абдуллоҳ номли шахсга капнак (дарвешлар кийадиган елкапўш) кийдириб Дарвеш Абдуллоҳ номида ўша жиҳатни таҳқиқ қилиш учун (Тошкентга) юборади. Олдинроқ Тошкентга етиб келиб, «Сиз кўрган зот мана шудир!» деб жўнатади у. Мирзо келиб, Ҳазрати Эшонни кўриб мулозамат қиладилар.

Бир дарвеш нақл қилур:

Султон Абу Саид Мирзо Рай туманларига етиб келганларида у ердан Ҳазрати Эшонга мактублар ва арзлар ёзар эди. «Фалон шаҳар фатҳ бўлди, энди фалон вилоят фатҳ бўлади» деган мазмунда. Ҳазрати Эшон «Ҳақиқат маълум бўлади» деган эдилар. Унга ёзган жавоб мактубларида «Райдан (ҳозир) зинҳор ўта кўрманг. Агар мақсад Ироқ бўладиган бўлса, (кейинчалик сизга у) муяссар бўлгусидир» деб буюрган эдилар. Мирзонинг (забт этишга бўлган) кучли муҳаббат ва ҳирси бўлганлигидан «Ўтма!» ни «ўтгин!» деб ўқиди. Ўша ердан (бошқа ерларни ҳам забт этиш учун) ўтиб

кетди. Мавлоно Неъмат қози Ироқдан келган куни Мирзога арзу ниёз қилиб, йиғлаб «Мен Мирзонинг шикаст топган вақтида келиб қолдим» деди. Мирзо ҳам йиғлаган ҳолда «Мулло Неъмат қачон Ҳазратнинг олдиларига борсангиз менинг арзу ниёзимни етказинг. Яна айтинг: «Бизнинг мана шундай давлату салтанатимизга Ҳазрати Эшон сабаб бўлган эдилар, давлатимизнинг завол топишига ҳам ўзлари сабаб бўлдилар! Онҳазратта нисбатан густохлик бўлди. Шундан афв қилсинларки, ул зотнинг фармонларига хилоф иш қилиб қўйдим».

Бул ташвишларнинг ҳаммасини Абу Саид тотишлигига сабаб у Нур Саидга мухолафат қилган вақтда катта гап қилган эди. Бунга уни Ҳиротга кўргани борган маҳалимда айтган эди.. Мен унга «Нур Саиднинг фикрини қилинг, (ахир) у сизнинг тарбиянгизни олган эди (унга ёмонликни раво кўрманг)» деганимда менга жавобан «Унинг фикрини қилиб қўйдим. У менинг панжамдадир Агар осмонга чиққан бўлса, тортиб оламан. Агар ерга кирган бўлса, ердан тортиб чиқараман» деган эди. Мен сукут қилдим. Уни ўлдириш учун бир шахсни юборганлиги (бизга) маълум бўлди. У бундан хабардор бўлиб, ўша шахсни тутиб ўлдирибди. Мирзо Жўкийни подшоҳ кўтарибдилар. Султон Абу Саид мирзо Мир Мазидни 30 минг киши билан Самарқандга юборибди. Токи унинг фикрини амалга оширсинлар. Қасд қилиб чиқиб, Шоҳрухияга юзланган куни ижозат олиш учун Ҳазрати Эшоннинг олдига келди. Ҳазрати Эшоннинг олдидан чиқиб Шайх Ходимнинг олдидан чиқиб олдига кетибди. Шайх Ходимнинг олдидан чиқиб эса ташқари дарвозада Бобо Чолок номли бир ғулом бўларди, унинг мулозаматиغا кириб чиқиб кетибди. Буларнинг ҳаммасини Онҳазрат эшитиб, бул иш хотири шарифларига мақбул бўлмабди. Жиззах чўлининг канорасида булар билан унинг орасида жанг бўлиб ўтди. 7000 кишилик лашкар Мир Мазиднинг лашкарини шикастлаб хароб қилдилар. Лашкарнинг изидан неча кун (қувиб) келдилар ҳам Амир Мазид ва (бир неча) амирлар шаҳарда эдилар, ҳаммаси чиқиб келдилар. Бир адирнинг тепасида турдилар. Жанг (ниҳоятда) чўзилди. Охири Амир

Табаррук рисодалар

Мазид ва умаро қочиб шаҳарга кирдилар. Бир нави бўлиб улар Шоҳрухияга қайтиб кетдилар. Султон Абу Саид Мирзо туриб Самарқандга келди. Бир бора Шоҳрухия бошига борди, лекин ололмади. Сулҳ билан орқага қайтди. Мирзо кетгандан кейин яна келиб, Самарқанд қалъасини қамал қилди. Мусулмонларни ҳаётларидан кўп ташвишга қўйди. Ҳазрати Эшон мусулмонларга шафқат юзасидан хат ёздилар, одам юбордилар. Ташқаридан салла ва шунга ўхшаш мусулмонларнинг эҳтиёжи бор нарсаларни келтирдилар. Бошқа одамлар ҳам ул зотнинг ҳам (юборган) кишилари табиатига қараб борди-келди қилдилар. Одамлар орасида савдо ва меҳр-шафқат пайдо бўлди. Ҳазратнинг мақсади шундан бошқа нарса эмас эди. Мирзо Самарқандда Абу Саид номли кишини ҳоким қилиб кетганди. Унинг бошчилигида Хожа Мавлоно бир қанча мусофирлар билан шаҳарлик ҳасадгўйлар Мирзога арз қилиб ёзиб юборишади. Хожа бу одамларни келтирди, шаҳарни уларга топширмоқчи бўлаяпти. Ҳар куни Ҳазрати Эшоннинг кишилари билан борди-келди қилади, хатлар ёзишади, деган мазмунда Мавлоно арз қилдилар. У донишманд, ҳофиз, муттақий бир зот эди. Самарқанднинг хўтба ўқилиши унга топширилган эди. Мирзо ҳам унга кўп эътиқод қўйган эди. Ариза ёзиш пайтида уни чақирдилар. Бу аризани- шикоятни сизнинг хатингиз билан юбормоқ керак, чунки Мирзо бу хабарни тасдиқ қилишда (дастхатингизнинг) таъсири катта» деб таклиф қилдилар. Уларнинг айтганини қилмасликнинг иложини топа олмади, мактуб ёзиб берди. Мактуб ва оғзаки ҳикоялар Мирзога етиб келди. Мирзонинг ҳоли ўзгариб, ҳаммаси тўғри деб ўйлаб, лашкар олиб иккинчи марта Самарқандга келади. Умаро ва ақобирлар унинг олдига кетадилар. Хожа ҳақида бошқа сўзларни бошқа сўзларни ҳам айтиб, уни ғазаблантирадилар. Мирзо шаҳарга келган куни Ҳазрати Эшон унинг истиқболига Аббос дашти тарафга бир оз йўлга юриб чиқадилар. Ўша куни Онҳазрат қора отда эдилар. Учрашганларидан кейин (Мирзонинг) кўп ўзгариб қолганлиги кўриб бироз йўлда (биргаликда) юрганларидан сўнг айтадилар: «Мирзо, Сиз бундай (нотўғри) хаёлга борманг. Биз қилган нарсанинг

бари сизнинг давлатхоҳингиз ва мусулмонларнинг шафқати учун эди». Мирзо ҳеч нарса деб жавоб бермайди.. Бир замондан сўнг ўша гапни яна такрорлайдилар. Яна ҳеч нарса демайди. (Онҳазрат айтадилар) «Мен кетаётган тарафда баландлик бор экан. Хотиримга келдики, ўша баландликка чиқсам ва айтсамки, мен танҳоман. Сен кўриб турган ушбу лашкарларинг бирла мени нима қила олурсан?! Ушбу сурат менинг хотиримга келиб, ҳали нарса қилиб улгурмасимданоқ отим мен баландлик тепасига олиб чиқди. Мен жиловини тортиб тўхтатдим Хотиримга келган нарсани унга айтдим. У бетоқат бўлиб, йиғлай бошлади Узрхоҳликка машғул бўлди. Менинг баъзи сўзларимни эшитиб, (ҳоли) ўзгарди. Иноят қилиб, афв қилдим-да (изимга) қайтдим». Мирзо йиглаб, узрлар сўраб Ҳазратнинг шарофатлик манзилигача ҳамроҳ бўлиб келади. Ўша ердан отда шаҳарга қайтиб кетади. Бу ишлардан (шаҳар ҳокими) Абу Саид хабар топмаган эди. Мирзога арз қилиб хилватда (бор) гапни етказишни сўраган. Мирзо ҳам унга (бўлиб ўтган воқеаларни) гапириб берган. «Эй, Абу Саид, Мир Қубод, Малик Салим, Муҳаммад Хозин ва бошқалар менинг яхши мулозимлардан эди. Улар Ҳазрати Эшоннинг мулозимларидан арзи дод қилиб борганлар. Бу гапларни айтганларнинг ҳаммаси ҳалок бўлдилар. Сен ҳам менинг яхши мулозимларимдансан. Сен учун менга лозим нарса шу: бул гап-сўзларни қўй! Агар қўймасанг ўзинга зарар қиласан» деган. Шундай бўлса ҳам у огоҳлик топмаган, қилмишларини бас қилмаган. Бир-икки кун ичида гаройиб касалга йўлиқади. Мирзо Ипорқуруқдан Шоҳрухияга келган куни Амир Мазидни Ҳазрати Эшоннинг олдига ижозат олишга жўнатади. Онҳазрат «Биз бориб Мирзони кўрамыз» деб Мир Мазид билан ҳамроҳ бўлиб келдилар. Қорабулоққа етганларида бир отлик шошиб келиб қолди. Амир Мазид уни чақириб «Нимага келаяпсан?» деб сўради. «Жами табибларни келтириш учун Мирзо юборди Амир Абу Саиднинг касалига ташхис қўярлар экан», деди у. Султон Ҳусайн Арғун Амир Мазиддан нақл қилиб айтади: Мир Мазид шундай дебди: Мен Онҳазрат олдига борганимда «(отлик) нима учун келаяпти?» деб сўрадилар. Мен

айтдимки, Мирзо юборибди табиблар келиб Амир Абу Саиднинг касалига ташхис қўйишлари керак экан Ҳазрат айтдилар: «Унга гўр ва кафан фикрини қилмоқ керак, табиблар нимага керак?».

Ҳазрати Эшон Мирзо билан учрашиб, Мирзога ижозат бердилар. Қайтишда Ҳазрат билан озроқ йўл ҳамроҳ бўлиб келдим. Фақирларга ҳам ижозат бердилар. Қайтишда қалбга келдики, Абу Саидни кўрай, унинг ҳоли нима бўлибди. Ўзи ҳам бир нарса айтворган эди, унинг уйига келдим. Абу Саид белини боғлаб, этигини кийиб ўтирибди. Ундан ҳол-аҳвол сўрадим. «Мирзонинг мулозаматига боришни ҳоҳлаб турибман» деди. Ёнидагилар «Бугун сабр қилинг» дейишди. Мен эса Ҳазрати Эшон бундай дегандилар у эса тузалганлигини даъво қилаяпти, деб таажубландим. У (ёнидагиларнинг) гапига кўнди. Эрталаб Мирзо Шохрухияга боришга чоғландилар. Уни эса шаҳарга келтиришди. Келганидан сўнг вафот қилди.

Ўша арз қилинган мактуб Мавлоно Муҳаммад Али Хоразмийнинг дастхати билан бўлган эди. Ўшани баъзи мухлислар Ҳазрати Эшонга келтириб берибдилар, ул зот Мавлоно Муҳаммад Алининг хати эканлигини кўрибдилар. Бир куни Мулло Муҳаммад Али (Онҳазратнинг) маҳалласига келганларида ушбу аризаномани чиқариб, «Биздан (шикоят қилиб) мана шундай деб ёзиб Мирзога жўнатибдилар» дебдилар. У эса «Бул аризаномани Хожа Мавлоно Абу Саид ва баъзи одамлар таклифи билан ёздик» дебди. Мавлоно Муҳаммад Али маҳалладан шаҳарга борганиданоқ икки кафти орасига шиш, пайдо бўлибди. Чиққан ўша шишни Фулбилак дейишади. Ўша касали билан тезда ўлиб кетди.

Нақл қилинурки, Ҳазрати Эшон Султон Абу Саид мирзони кўргани Марвга борган маҳалида Хожа Яҳё жаноблари ҳам ул зотнинг мулозаматларида борган эдилар. Мирзо назру ниёз расмига кўра Ҳазрати Хожани талаби билан Мовароуннахрнинг ҳар йил қанча маблағ бўладиган тамға (солиғи)ни бахшида қилгандилар. Самарқанд вилоятининг ҳоқими Амин Жоний бул қиссани эшитиб, ниҳоятда ўзгариб, Ҳазрати Эшонга нисбатан баъзи номуносиб сўзлар

ундан содир бўлган. Баъзи гап-сўзлар Ҳазратнинг қулоқларига етиб келади. Нега кун ўтар-ўтмас Амир Жоний ажаб касалга мубтало бўлади. Мирзо Мавлоно Ҳожи Муншийни Ҳиротдан Ҳазрати Эшоннинг олдига юборади. Икки-уч кун уни муолажа учун (олдиларига) олиб келадилар. Ҳар келганида Онҳазрат «Мир, тамғачи қандай?» деб сўрадилар. Ўғилларини қанчалик истиғфор айтиш учун юборсалар ҳам фойда бермайди. Бир неча кундан сўнг мана шу касали билан ўлиб кетди.

Нақдурки, Умаршайх Мирзо Тошкандда бўлган замонида нохуш ўйлар хотирига келиб, мусулмонларга таҳмил (солиқ солиш) қилмоқчи бўлади ва пул ҳавола қилади (яъни пулдан солиқ солади). Ҳазрати Эшон Тошкандга келиб, мусулмонларни холос қилиш учун 250 минг динор унга берадилар. Бир йил мусулмонлар таҳмилотдан халос бўладилар. Бошқа бир маҳал 70 минг динор мусулмонларнинг шафқати учун берганлар. Хотираларига неча кун мусулмонларга яна таҳмилот воқе бўлади деган ўй келиб юрганлиги учун шундай қиладилар.

Мухлислардан бири Мавлоно Ҳилол нақл қилади: бир куни Ҳазрати Эшон Тошканддан Фаркат тарафга келдилар. Ҳазрати Эшоннинг амакиваччаларидан Мавлоно Абдулваҳоб бор эди. Унинг Умаршайх Мирзо олдида яқинлиги бор эди. Шул зот (сафарга) ҳамроҳлик қилади. Мен орқада кетар эдим. Ҳазрат менга айтдиларки, «Бу одамларга айт. Ҳеч ким (бизга) яқин келмай турсин. Абдулваҳобнинг менда гаплари бор экан» Мен айтдим, ҳеч ким яқинлашмади. Мана шул ҳолатда кетардилар. Ногоҳон узокдан бир туб чинор кўринди. Ҳамма ўшанга қараб шошилди. Мавлоно Абдулваҳоб ва фақир қолди. Ҳазрати Эшон Мавлоно Абдулваҳобга айтдиларки, бориб Умаршайхга айтгин. Дилидан ўтказётган ўй-фикрларни йўқотсин, илло мен уни ўлдирурман. Абу Саид, Кубод, Малик Ислим, Муҳаммад Хозин буларнинг барчаси менинг ўлдирганимдир. Булардан ўзга нечасини йўқотганманки, менга гўристондан ўтиш уятлидир. Мавлоно Абдулваҳобни Лаббаргдан қайтариб юбордилар.

Малик Ислим ва Кубоднинг қиссаси бундай бўлган эди-

Табаррук рисодалар

ки, Султон Абу Саид мирзонинг авлодларидан бири Султон Увайс замонида мухолафат қилиб Туркистонга кетган эди. Кубод ва Муҳаммад Ислимни муҳофаза қилиш учун Тошкандга юборгандилар. Мавлоно Хожа Али ва Онҳазратнинг баъзи асҳобларининг хизматлари шу ерда эди. Улар беадабликлар қилиб, ташвишлар келтиришган. Бу хабар Ҳазрати Эшонга етиб, холи ўзгариб айтганлар: «Агар уларнинг боши ҳаммомнинг ифлос суви ичида бўлмаса, нима қиларкинман?!». Неча кундан сўнг Султон Увайс келиб Тошкандни олиб, икковини ўлдириб, бошларини ҳам узуб ҳаммомнинг чиқинди сувига ташлаттиради.

Онҳазрат бир куни ташқарига чиққан эдилар. Ҳаво иссиқ эди. Пахтадан бўлган малла қабоси бор эди. Этаклари йиртилганди. Фақирга дедилар: «Бул чопонни менга узат, бир оз такия қилайлик». Кейин эса «Бу қандай ҳам ажойиб чопон экан. Олам ўзининг (иссиқ), тигини унга урапти. Унинг ичидаги бизни ўлдиришни жазм қилади. Ваҳоланки ҳамма ўлаётган бўлса ҳам биз тирикмиз», - дедилар.

Нақлдурки, қозоқ султонларидан бир вақт Султон Муҳаммад Номлик бўлиб турди. У ўзининг тоғасини Ҳазрати Эшоннинг мулозаматига жўнатган эди. Бир қанча вақт ул зотнинг хизматида бўлди. Унга ижозат бераётган замонда ўша Султон Муҳаммад учун бир мактуб ёзиб бердилар. Шарофатлик мактубда Султон Муҳаммадни хон деб ёзибдилар. Шунда асҳобдан биттаси «У хон эмас, султондир» дебди. Ҳазрати Эшон табассум қилибдилар ва айтибдилар: «Қаердан биласиз, бул хат боргунча хон бўлмаслигини?!». Бу хат боргунча Карройхон (Гадохон) номли унинг устига лашкар тортиб келибди. Гадохон (Карройхон) ўлдирилиб у хон бўлибди. Хат етиб келгандан кейин тоғасидан сўрабди: «Ҳазрати Хожани нечук топдинг?». («Қандай (хосиятда) топдинг?») У айтибди: «ўшал Тангрики эшитибсан ўзи!». Ҳазрати Эшоннинг бу хилда таъбир қилишлари ул зотга қандай зоҳир бўлганлиги уларга маълум эмасди. Ул зотга юборган совғалари қарийб 10 минг динар бўлган. Бир вақт хабар келдики, қозоқ султонлари ва хонлари вилоятни толонтарож қилишга, хароб этишга иттифоқ қилибдилар. Ҳазра-

ти Эшонга таскин бериш, шафқат юзасидан, мусулмонларнинг аҳли аёл, бола-чақалари ва молларини ҳимоя қилиш мақсадида ул зотга 56 минг динор маблағ ўзининг ҳалол молидан совға сифатида юборади. Мактублар ёзиб, бу борада ҳаёлларини чалғитмасинлар, деб юборган эди. Уларнинг бу тасаллиларини эшитиб, бошларидан бу ташвишни чиқариб ташлаган эдилар.

Мухлислардан бириси нақл қилади:

Паҳлавон Ҳинду мухлисларидан бири эди. У айтган экан: Онҳазратнинг хизмати шарафига биринчи бор мушарраф бўлганимда, Ҳазрати Эшон бир иморат қурадилар. (Мен борган куним) ҳамма ўша иморат тепасига тупроқ чиқарар эди. Мен ҳам одамларга кўшилиб кетдим. Катта қанор халтага тупроқ солиб уни кўтарар эдим. Шул жиҳатдан Ҳазрати Эшон мени Паҳлавон дедилар. Менинг барча қариндошларим амалдор одамлар эди. Мени уришдиларки, нима қилиб ул зотнинг мулозаматини қилиб юрибсан? Менда бир кайфият пайдо бўлди. Уларнинг ошу нонини ея олмайдиган бўлиб қолдим. Агар бугро ошидан (паловнинг бир тури) бахшида айласалар, (ош) курбақа бўлиб кўринарди. Агар балиқ (пишириб) келтирсалар, илон суратида ҳаракат қиларди. Агар нон келтирсалар, масалан, молнинг тегагига булганган ўтин (парчасидек) кўринарди. Онҳазратга арз қилгандим. «Ҳалол (нарс)а егин!» дедилар. У шундай қилган эди, ўша ҳолат бартараф бўлди.

Нақл қилурки, Паҳлавон Ҳиндунинг кучли истеъдоди бор эди. Ҳазрати Эшоннинг мулозаматига тушиб, андак вақтда зикр тариқасида бўлиб, (улуғ) даражага тараққий қилди. Ҳамма нарсадан ва ўз ичидан ҳам зикр овозини эшитаверган. Бир куни Онҳазратнинг олдиларига келиб, шикоят қилибдики, қулоғим зикр сасидан қар бўлиб қолди, -дебди. Ул зот унга орқа ўгириб, энди зикр саси келмайди, эшшак овози келади, дебдилар. Неча муддат қулоғига эшак саси келаверган. Ундаги бор ҳолат ва завқлар тамоман йўқолган. Иши жинниликка юз тутган. Белига ёлонғоч шамшир боғлаб югурармиш. «Мен ўлдираман, нимага менинг ҳолатимни қайтариб бермайди?! Мен билиб олдим, Эшон ни-

Табаррук рисоалар

мага каттайиб кетганини, нимага кучли истеъдодга эга эканлигини. Одамларнинг ҳолатларини тортиб олиб, ўзини катта қилган», — деярмиш. Ҳазрати Эшон бу сўзни эшитиб табассум қилибдилар. Айтибдиларки, «Шайх Муҳиддин ҳазратлари баъзи мусаннафотларида мана шунга ўхшаш гапни ёзганлар. Кучли истеъдод (соҳибларининг) баъзисида мана шундай ҳолат бўлади».

Лекин ушбу ҳолат унга бошқа муяссар бўлмади. Аммо, охирида Жиззах чўлида қароқчиларга йўлиқиб, улар билан жанг қилиб, шаҳидлик даражасига мушарраф бўлди.

Паҳлавон Ҳинду нақл қилади. Амир Мазид ва султон Аҳмаднинг амирларининг барчаси мухолафат қилиб, Султон Маҳмудни Ҳисордан келтирган замонда Шаҳарга яқинлашиб келган кун аркони давлатдан бириси Барги Туркман тиззасига уриб, Ҳазрати Эшоннинг Мотуридадаги боғини (ўзича) талаб қилган. Амир Абдуттоҳир ва Худойод ҳам (унга қўшилиб) онҳазрат (шаъни)га муносиб бўлмаган сўзларни айтишган. Давоба (деган жой)га етганларида Абдуттоҳирнинг оти сапчиб кетиб, у йиқилган ва бўйни синган. Барги туркман ва Худойодлар эса (бир) жангга гирифтор бўлганлар. (Кейинчалик) Худойоднинг сочу соқолини қиришиб, шаҳар айлантиришган (сазойи қилишган). Давлатнинг (махсус) кулоҳини кийдиришиб ўлдиришган. Барги Туркманни эса Онҳазратнинг олдиларига келтирсинлар. У зот «Мир, ғам еманг Ҳеч ташвиш бўлмагай» дебдилар. Бир неча кундан сўнг ижозат бериб, уни қўйиб юборишибди.

Нақл қилурки, Мирзо султон Аҳмад дарвоза тепасига шайхзода бўлган кунда Ҳазрати Эшон Мир Абдулаввал ва Мавлоно Жаъфар жанобларини Мирзонинг олдига «Муҳим бир иш (бошига) тушмаса, менинг олдимга келмасин» деб юборибдилар.

Нақл қилурларки, Мавлоно Абу Бакр Қаруминий Қазвинийдан, у Самарқанднинг машҳур мавлоноларидан эди. У айтади: Биз бир Мавлоно билан иккимиз Мирзонинг олдига дарвоза тепасида турган эдик. Жанг асносида Ҳазрат тўқсарик отга минган ҳолда пайдо бўлдилар. Ҳеч ким у би-

лан ҳамроҳ эмасди. Биз икки киши пастга тушдик. Биримиз отни ушлаб турдик, биримиз эса ул зотга ёрдамлашиб дарвоза тепасига чиқардик. Ҳазрати Эшон хотиржам эканлар, Мирзонинг пешоналаридан тер қатралари тома бошлади. Ногоҳон (қаттиқ) шамол шул тарафдан пайдо бўлиб, душман лашкарининг юзига урди. Уларнинг лашкари қочишга юз тутди. Ўзларини жарларга ташлашиб кўплари ҳалок бўлишди. Қолганлари ҳам қочишиб, шикаста ва абгор ҳолатда Ҳисор тарафга кетишди. Амир Мазидга бир қанча жароҳат етказган эдилар. Ҳазрати Эшон туриб, пастга тушдилар. Бизлар ул зотни отга мингазиб қўйдик. Кейин Ҳисор дарвозаси тепасига чиқдик. Ўша куни кечкурунга лашкар шаҳарга ғанимат келтирдилар. Қайтгандан сўнг Мирзо Султон Маҳмуд Ҳисорга кетдилар. Мир Мазид у билан бир оз вақт бирга бўлиб, (кейин) у ердан қочиб кетди. Мирзо Абу Бакрга (бориб) қўшилди. Озгина вақтдан кейин ўлдирилди. Мир Мизид биринчи марта мухолафат қилиб Шаҳрисабзга кетганида, Ҳазрати Эшон унинг учун мактуб юборгандилар. Ўша мактубда бу байтлар (ҳам) ёзилган эди:

*Ёр, кон панж рўза ёфти
Рўзи ёрони куҳан бартофти⁵
Ҳар киро дев аз каримон ва барад⁶
Бекасиш ёбад сараширо во хўрад .*

(Эй, дўстки, беш кунлик (дунёни) топдинг, эски дўстларнинг кунини чароғон айладинг. Ҳар кимга дев «саховатли дўстлар» дан очиқ борадиган бўлса, уни одасиз (ҳамроҳсиз) топса, (дарҳол) бошини ҳапна еб қўяди).

Ва яна ёзибдиларки, агар мақсад мусулмонларни горат қилиш, талон-тарож этиш бўлса, (мақсадингиз) ҳосил бўлмай. Олинг! Агар талабингиз (Самарқанд эрса, ул муяссар бўлмагай. Зеро, кўп азиз инсонлар борки, ҳол тиллари ила айтурлар:

⁵ «Партофти» бўлса, «отдинг, эътиборга олмадинг» бўлади.

⁶ «аҳраманро- бувад» бўлса, «аҳраман деви бўлса,» дегани бўлади.

Табаррук рисоалар

*Ба-пеши чаими ту хокистарам маё густоҳ,
Ки ҳаст дар таҳи у оташи-ю дарёи!*

(«Кўз олдингда кулга ўхшарман вале густоҳлик қилма, гуноҳ ишга қўл урма! Чунки унинг остида оташи дарёси бор!»)

Ҳазрати Эшоннинг мухлисларидан бир азиз зот нақл қилур: Мирзо Султон Аҳмад Умар Шайх Мирзо ҳамда Султон Маҳмудхон бошига Шоҳрухия билан Тошкандга (бос-тириб) борганида (Ҳазратга) эътиқод қўйган муридлардан бириси Мавлоно Муҳаммад заъфарончи ўз аҳли ва фарзандларини ўша қишлоғидан шаҳарга келтиради. Мен сўрагандим: «Оилани келтиришдан мақсад не?» У айтдики, «Мен бир қўрқинчли туш кўрдим. Уни сенга айтиб бераман». Ҳазрати Эшон ва унга эътиқод қўйганларнинг одати шул эдики, мукошафат ҳамда воқеалардан тушларини таъбир қилардилар. Мавлоно Муҳаммад айтади: «Туш кўрсам, Шоҳрухиянинг қишлоқларидан бири Муқлатда эканман. Ногоҳ бир отлиқ пайдо бўлди. Қарасам Ҳазрати Эшон эканлар. Белларига шамшир осиб олибдилар. Менга айтдилар: «Отга мин. Булар менинг қишлоқларимни жарибга тортмоқчилар (солиқ-хирож олинадиган ерларга айлантиришмоқчи бўлишяпти). Мен уларни нима қилишимни кўргин». Шоҳрухияга етиб келдилар. Амирлардан ҳар бири пешкаш чиқдилар. Уларнинг бошларини уздилар, кўп одамларнинг гарданларига (қилич) солдилар. Уларнинг лашкарига шикаст етказдилар. Шул муносабат билан оиламни шаҳарга келтирдим». Дарҳақиқат кимнинг боши (тушида) кесилганлигини у кўрган бўлса, ўша одам Тошкент жангида ўлдирилди, баъзиси эса Оббарга ҳалок бўлдилар. Мирзо Султон Аҳмад шикаст топиб, ажабки, шаҳарга қайтиб келди.

Мана шул азиз яна нақл қилур: Мирзо Султон Аҳмад Андижонга Умаршайх Мирзо устига юкланган замонда яна Мавлоно Муҳаммад ўз оиласини шаҳарга келтирди. Айтдимки, анави сафар ана шундай туш кўрган эдинг, бу сафар қандай туш кўрдинг? У «Ҳазрати Эшонни кўрдим. Султон

Аҳмад мирзонинг жанозасига боряптилар. Ўша кун жумъа эди. Мирзонинг жанозасини ўқидилар», - деди. Худди шундай бўлди. Султон Аҳмад Мирзо Андижонга боришдан олдин Мирзо Умаршайхнинг вафот этганлиги хабари етиб келди. Хурсанд бўлиб Андижонга етиб борди. Унинг ўғиллари билан сулҳ қилиб қайтдилар. Минг булоқ мавзесига етганларида, Мирзонинг ўзи ҳам вафот этганлик хабари етиб келган эди.

*Эй, дўст, бар жанозаи душман чу бигузари,
Шоди макунки, бар ту ҳамин можаро равад.*

*(Эй, дўст, душманнинг жанозасидан ўтадиган бўлсанг,
хурсандчилик қилмагин. Сенга ҳам мана шундай можаро ет-
гуси).*

Мирзонинг жасадини келтириб, жаноза намози ўқиганларида жумъа куни эди.

Яна мазкур Мавлоно Муҳаммаддан нақл қилинганки, Мирзо Султон Аҳмаднинг воқеасидан сўнг бир туш кўрдим. Ҳазрати Эшоннинг мулозаматига боряпман. Ул зот Мотурида эканлар. Бухоро арифининг лабига етканимда, Ҳазрати Эшоннинг келаётганини кўриб қолдим. Ул зотга кўп одам ҳамроҳ экан. Ҳаммалари оқ кийим кийим олган. Ҳазратга салом бердим. «Султон Аҳмад кетди, энди ундан сўнг ким подшоҳ бўлади?» дедим. «Султон Маҳмудмирзо бўлади» дедилар. Мен айтдимки, «У ёмон одам. Хусусан, сизнинг фарзандларингиз, мулозимларингизга шундай». Ҳазрати Эшон дедилар: «Агар ёмонлик қиладиган бўлса, Султон Аҳмаднинг намозини жумъа куни ўқилган бўлса, буники шанба куни ўқилгай». Худди шундай бўлди. Унинг жаноза намози шанба кунида ўқилди. Ҳазрати Эшоннинг мухлисларидан бир азиз нақл қилур:

Мирзо султон Маҳмуд Самарқандга подшо бўлган вақтда нохушликлар бунёд бўла бошлади. Ҳаммамиз тараддудга тушиб қолдик. Шунда туш кўрдим, Ҳазрати Эшон кўп одамлар билан бирга эканлар. Ҳаммалари оқ кийимлар кийиб

Табаррук рисоалар

олганлар. Арабларга ўхшаб енглари очиқ (қўллари бўғмигача очиқ), боғланган саллалар ўраганлар. Фақирнинг манзилига келиб тушдилар. Онҳазрат ҳаёт пайтларида бизникига тушганларида қиладиган дастурда хизмат кўрсатдим. Хизматга (чиройли тарзда) машғул бўлдим. Хизматкорликдан сўнг ул зот туриб отга миндилар. Фақир ул зотнинг изидан арқонни ушлаб кетарканман, «бу шахс қанча вақт подшоҳ бўлади, подшоҳлик қилади» деб сўрадим. Онҳазрат «Саккиз ой» дедилар. Мен «Агар у саккиз ой подшоҳ бўлса, камгина одам тирик қолади» дедим. Ул зот «Олти ой, жим бўл!» дедилар.

Бу азизнинг воқеаси олтинчи ойнинг охирида бўлаётган эди. Шу кунларда мусулмонларнинг хосу авомига 10-11 (тиллодан) солиқ ҳавола қилган эди. Ҳазрати Эшоннинг муҳлис ва муридларига эса 500 минг динор рақам қилди.

Онҳазрат ўша азизнинг уйидан чиқиб кетдилар. Ўша кунларда Мирзо одам юборибдики, Амир Абдулаввал жанобларининг уйига борамиз,-деб. Меҳмондорчилик қилиб, у зиёфатни тайёрлабди. (Унинг уйда ўтира олмасдан Ҳазратнинг) маҳаллага келибди, аввалги сафардагилардек қабристонга кириб, суфа олдига келиб, бошини (зикр қилиниши учун тайёрланган), суфага теккизибди. Дилига кўркув тушган экан. Изтироб билан орқага қайтиб, Амир Абдулаввал жанобларининг уйига келибди. У ерда бир оз ўтириб, яна отга миниб (қаёққадир) чиқиб кетибди. Шу кун тонгда ёки эртасига иситмаси чиқиб, мана шу иситмаси билан икки-уч кундан кейин оламдан ўтибди. Амир Аҳмад ҳожи у ўтганидан сўнг хизматини қилиб, олдидан чиққанидан кейин «Мусулмонлар, Мирзони дуо қилингки, 10-11 тиллони (сизга) бағишлади» дебди. Ўша кун мусулмонларга хурсандчилик бўлди. Унинг вафоти тарихи ҳам шул бўлди: «Даҳ-ёзда аз сари ғулмон гум шуд» («Ўн-ўн бир ғулмонлар бошидан йўқ бўлди»)

Нақдирки, Салоҳиддин табиб Хожа Яҳё жанобларининг олдиларида ҳикоя қилди: «Мен унинг олдига кирдим. Изтироб қилиб айтдики, қалъанинг дарвозасини банд қилинглар. Хон келди, деди. Кейин эса «Азкар дарвозасини

банд қилсинлар», ундан сўнг эса «Уйнинг хонасини банд қилсинлар, эшикка етиб келди. Равзандан кириб келди... кетди...» дер эди. Мен қанчалик Ло илоҳа иллалоҳу десам, шунингина қайтарар эди». Хожа Яҳё жаноблари табассум қилиб «Муҳаммадур Расулуллоҳ» дедими?— деб сўрадилар. Салоҳиддин табиб «Йўқ, фақат мана шу «Ло илоҳа илла-лоҳ» билан кифояланди,— деди. Мирзоқули Умаршайх мир-зонинг кўкалтошларидан бирининг номи бўлиб, у нақл қилур:

Мен Мирзонинг мулозими бўлган замонимда менга ма-лоллик етиб, хотиримга, «Онҳазратнинг хизматини ихтиёр этайин. Шу билан тавба қилайин» деган ўй келди. Ўша кун-ларда Ҳазрати Эшон Шохрухияга ташриф буюрган эдилар. (Ўша ернинг) намозгоҳига тушган эдилар. Ана ўша қасд билан келсам, ул зот отда турган эканлар. Мулозимлардан бири билан мулоқот қилдим. У мендан «Нима иш билан келдинг?» деб сўради. Мен «Бул Ҳазратнинг мулозаматини хоҳладим. Сипоҳийгарликни тарк қиламан» дедим. У менга бир қанча гаплар айтдики, ўзимдан ҳам (қилган) қасдим-дан ҳам маънос бўлдим. Унинг олдидан беҳузур бўлиб тур-дим. (Бориб) Мирзонинг хизматини қилавердим. Неча йил (орадан) ўтиб кетди. Охирул-амр, менга бир касаллик ёпиш-ди. У етти ой чўзилди. Заифлиги касаллигим шу мартабага етдики, пахта билан ҳалқумимга сув қуя бошладилар. Жумъа кечаси эди. Менинг заифлигим кучайиб кетди. Шунда (ди-лимга) «шул кеча ўлиб қоламан» деган ўй келди. Хотирим-дан эса «Таҳорат қилиб, гарданимга (фўта рўмол) ташлаб, бориб Ҳазратнинг олдида тавба қиламан. Токи тавба билан ўлиб кетай» деган фикр ўтди. Одамларимга айтдимки, мени таҳорат қилдириңлар, бўйнимга рўмол ташланглар. Шун-дан сўнг зору ниёзмадик ила тамоман тавба қилдим. Бир оздан сўнг мени уйқу элитди. Бир азиз мардни кўрдим. Яшил кийим кийиб олган, қўлларида асо. Менга айтдики, сени излаяптилар. Туриб унинг ҳамроҳлигида равона бўлдим. Бир манзилга етиб келдик. Болохонага чиқариб қўйди. «Сен шу ерда бўлиб тур. Уларга сени олиб келганимни айтаман. Бир замондан сўнг сени чақирурлар» деди. Турдим ва у билан

Табаррук рисоалар

бордим. Ўша ерда икки азиз инсон ўтирибди. Айтдиларки, Бирови Ҳазрати Хожа Баҳоуддиндир, бирлари эса Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳдир. Хожа Баҳоуддин ҳазратлари мендан «Тавба қилдингми?» деб сўрадилар. Мен йиғлаган ҳолда «тавба қилдим, Хожам» дедим. Иккинчи бор сўрадилар. Мен «Хожам, тавба қилдим» деб йиғлар эдим. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Хожа Убайдуллоҳга қараб «Ўн саккиз йилдурки, у тавба ва инобат мақомида эди» дедилар. Бедор бўлиб қарасам, менда ранжу ташвишдан ҳеч асар йўқ. Одамларим таажубда қолдилар. «Нима юз берди?» деб сўрадилар. «Мени бағишладилар» дедим. Эртасигаёқ икки қозон ош қилдирдим, юз кирбос жомасини фақирларга бердим. Ҳисоб қилсам, тавба қилиш нияти билан Шоҳрухияга Ҳазрати Эшоннинг мулозаматига борганимдан, то шу кунгача роппа-роса ўн саккиз йил бўлибди. Шул сабабдан Онҳазратга бўлган менинг ақидам зиёда бўлди.

Нақл қилур, Мирзо Султон Аҳмаднинг амирларидан бирининг номи Хожа Али бўлиб, Жиззахнинг ҳокими ҳамда Ҳазрати Эшоннинг асҳобларидан эди. Ўша жойдаги Онҳазратнинг экинзорларини забт қиларди. Ўзи солиҳ, тўғри инсон эди. Лекин ўзи деҳқончилик ва унинг сир-асрорини билишдан бегона арбоблардан бўлгани учун Ҳазрати Эшон унга узр айтдилар-да, (унинг ўрнига) ўша мавзеларнинг забтини Худойдод Қалмоққа топширдилар. Менинг хотирамга келдики, солиҳ тўғри бир инсонни узоқлаштириб, унинг ўрнига бир қалмоқ ўғрини ўтқазганларида нима бор экан?! Ҳазрати Эшон Жиззахга келганларида ўша жойларни сайр қилардилар. Мен ул зотнинг мулозаматида эдим. Ўша гап менинг хотиримга ўрнашган эди. Бир марта Ҳазрати Эшон мен тарафга қараб «ўғри амирнинг кифоятлик хизмати бекифоят тўғрининг хизматидан яхшироқ. У ўзи учун ҳам кифоят қилади, биз учун ҳам», - дедилар. Шунда мен бисёр шарманда бўлдим. Мана шу сабаб бўлиб, (ул зотга нисбатан) ақидам зиёда бўлди.

Нақл қилинганки, Қарши ҳукумати Амир Тархонга таллуқ топган замонда у ўзининг одамларидан Шералини ўша ернинг ҳукумати-ҳокимлиги учун юборди. Мавлоно

Сайфуллоҳ эса ўша ерда Ҳазрати Эшоннинг ерларининг забти билан машғул эди. Бир куни Шерали андак сабаб билан Мавлоно Сайфуллоҳни бисёр озурда ва аламли қилибди. Бул хабар Ҳазрати Эшонга етиб, (эшитган) ўша заҳотиёқ (ҳоллари) ўзгарибди. Ўша куни Шерали кучли касалликка мубтало бўлиб, икки-уч кундан сўнг ўлиб кетибди.

Нақл қилинганки, Али Ҳазораспийни катта Мирзо Бобур Балхга ўтказган эди. Унинг Дарвеш номли биродари бўлган. Аҳли тасаввуфни хийлагина мазах қилиб юраркан. Ҳазрати Эшонга ҳам бир мактуб ёзиб, бу байтни унга қўшиб юборибди:

*Безавқро чи ҳол, диҳи-у чи маърифат,
Бедийдаро чи мийл каши-ю чи тўтиё.*

(Безавқ (инсонга) ҳол бердинг нима-ю маърифат бердинг нима?! Бедийда-кўр одам кўзига мийл торттинг нима-ю тўтиё суртдинг нима?!)

Бул суратни эшитганидан сўнг Ҳазратнинг ҳоли ўзгариб, ул зотда ғазаб асари зоҳир бўлибди. Ўша вақтда Султон Абу Саид Балхга отланган эди. Умарони Балх сафарига ижозат олиш учун Ҳазрати Эшон олдига юборади. Балх ҳам шаҳри Ислоом бўлганлиги учун ижозат бермайдилар. У эса ижозатсиз кетиб, шикаст етиши Мирзо тарафига воқе бўлиб, тамоман йўқ бўлиб кетишга оз қолади. Ҳайратдан Мирзо огоҳ бўлиб, истиғфорлар айтади. (Бир вақт) қараса Ҳазораспий баланд жойда турибди. Мирзо у тарафга ташланибди. Чунки Мирзога голиб бўлган кишилар (жуда) оз бўлган эди. Уни тутибди, лашкарига барҳам берибдилар. Кейин Ҳазораспийни қатл қилибди. Балх вилоятини фатҳ қилибдилар. Унинг биродари ҳам ўлдирилибди. Бул беадаб шум биродарнинг касофати сабаб бўлиб бир қанча одамлар ҳароб бўлиб кетибди.

*Беадаб танҳо на худро дашт бад,
Балки оташ дар ҳама офоқ зад.*

Табаррук рисоалар

(«Беадаб танҳо ўзига ёмонлик қилмайди, балки ёнғини (касофати) ҳама оламга уради»)

Амир Муҳаммад Бурундукдан нақл қилинган. У айтган экан: «Аввал бошиданоқ Онҳазратга хизмат қилиш ва суҳбатлашиш шарафига мушарраф бўлганман. Онҳазрат чиройли отларга (кўп) минар эдилар. «Дарвеш одамларга бунингдек чиройли отларга миниб юришлари муносиб эмас» деган сўз хаёлимдан ўтарди. Бир куни жумъа масжидидан чиқиб отда маҳаллага кетардилар. Фақир мулозаматда эдим. Келиб тушганларидан кейин Онҳазрат менинг қўлимдан тутиб «Мир, чиройли отларга сувор бўлганлигимизга сизнинг нима ишингиз бор?! Ҳазрати Ҳақ жалла зикруху бизни шунда қилиб қўйган бўлса нима қилиш керак?!» дедилар. Мен бисёр шарманда бўлдим, уялиб қолдим. Шу сабабдан ақидам (ул зотга нисбатан) ортди». Мана шу фикр ва кашф айнан ўзгаришсиз Амир Аҳмад Кўнғиротдан ҳам нақл қилинган.

Яна Амир Муҳаммад Бурундукдан нақл қилинган. Ул зот Ҳазрати Эшоннинг невараларидан бирига айтган эканлар: «сизнинг бобонгиз нимани ҳоқласа, Худой Таоло ўшани амалга оширарди.

Байт:

Коналлоҳу будаи дар мозий,

Токи коналлоҳу пеш ояд чаро?!

(«Коналлоҳу» мозийда-ўтган замонда бўлган бўлса, «Коналлоҳу» келажакда нимага келади?!)

Бу нарса Ҳазрати Эшоннинг сидқи билан амалга ошади.

Нақл қилур, Шайхзода Халаф Исмоил Ота асҳобларидан бўлиб, Амир Тархон ва Мирзо Султон Аҳмаднинг амирлари уни қадрлаб, (сўзларини) эшитишарди. Амир Тархонга (бир куни) «Фалон мавзеда бир қалъа иморат қилмоқ керак» дебдилар. Амир Тархон унинг сўзи билан мусулмонларни қалъа қуришга чақириб, (кўпчиликни) ташвишга қўйибди. Аксар жамоа Ҳазрати Эшоннинг олдиларига келиб мадад сўрабдилар. «Хожам, бу қалъага икки —уч бор аёлу болалар ва молларимизни асир қилиб, (боз устига)

толон-торож қилиб олиб бордилар. Ҳозир ҳам Шайхзоданинг сўзи билан Амир Тархон хизмат қилмоқчи бўлиб қалъа иморатига таклиф қилмоқда, у ерга (зўрлик билан бўлса ҳам) элтишни истаяпти», -дебдилар. Ҳазрати Эшоннинг ҳоли ўзгариб «Мен на Тархон учун ва на Халаф учун хат ёзаман» деб, Мирзога мактуб ёздиларки, буларни ман қилинг. Шу иш бўлиб, Мирзо « Мусулмонларни (курилишга) таклиф қилманглар» деган ҳукмни юборди. Менга изтироб тушиб, Амир Тархон ва Халаф олдига бориб, «Одамлар келиб Ҳазрати Эшондан ёрдам сўрадилар. Ул зот хафа бўлиб, Мирзога хат ёздилар. Унга бу хат бориб етди», - дедим. Тархон ҳеч нарса демади. Халаф эса «Мен Хожанинг муриди эмасман. Нимага кўрқшим керак?» деди. Бир неча кун ўтиб Халаф бемор бўлди. Эшитдимки, ияги остига бир нарса (қайноқ) қуйилиб, уни заиф ва хароб қилибди. Ундан ҳолаҳвол сўрагани бордим. Қарасам, ўтирибди. Ҳеч нарсага суняна олмайди. Унинг юзига бир модда қуйилиб чиққан. Ҳеч нарса ея олмайди ҳам, гапира олмайди ҳам. Шугина сўзни гапира олдики, ёмон қилдим, тавба қилдим. Унинг олдидан қайтдим. Саҳарда Онҳазратнинг мулозаматига етиб бордим. «Қаердан келаяпсан?» дедилар. Мен «Шайхзода Халафнинг қишлоғидан» дедим. «Бу кеча юз берган нима қисса бор?» дедилар. Мен айтдим: _ Халаф хароб аҳволда. Кўп узрлар ва истиффорлар айтмоқда. Иноят қилиб уни афу қилсинлар. Акс ҳолда ўлиб кетади,-деб, унинг аҳволини айтиб бердим. Ҳазрати Эшон шу кунни ўтиб, кейинги кунни Шероз томонга отландилар. Кечаси Шерозда бўлдилар. Кейин у ердан Шакар қишлоққа келдилар, кечаси шу ерда тунадилар. Кейин у ердан Бондукка келдилар. Халафнинг уйи шу ерда эди. Эрталаб фақир илтимос қилдимки, Шайхзодани бориб (ҳолини) сўрасангиз, мулозимлар умид қилиб турибдики, қадими шарифнинг баракотидан унга сихатлик етса. Карам кўргизчилар. Ундан ҳолаҳвол сўрашга бордилар. У ҳалок бўлишга яқинлашган эди. Онҳазрат илтифот қилдилар ва айтдилар: «Уни тезда шаҳарга олиб борсинлар». Мен «Уни кўзгатиш мумкин эмас, қандай қилиб шаҳарга олиб борамиз» дедим. «Икки маркабга юкланглар-да олиб боринглар»,

Табаррук рисолалар

дедилар. Шундай қилдик. Йўлда кетаётганимизда шишиб кетган жойи ёрилиб қон ва йиринг кўп оқди. Бир амаллаб шаҳарга келтиргандан кейин жарроҳларга мурожаат қиладиган бўлдик. Токи наштар урсинлар, бу модда тамоман йўқолсин. Жарроҳлар «Модда шоҳтомирда экан, наштар уриш мумкин эмас» дейишди. Ўша кунни ташқарисидан яна ёрилиб кетди. Жуда кўп йиринг оқди. Онҳазратнинг баракот ва шарофатларидан соғайиб кетди. Шу сабаб бўлиб, одамларнинг ақидаси янада зиёда бўлди.

Бошқа бир дарвеш нақл қилур: Бир кунни Ҳазрати Эшон устод Алоуддин қассобга газаб қилиб, «Орқанга шаппот уришни хоҳлайман, хароб бўласан» дедилар. Ўша икки-уч кун ичида қўйларининг ҳисобини олиш учун Кеш тарафга кетдилар. Неча кундан сўнг бир киши хабар келтирдик, унинг бошининг орқасига бир шиш чиқибди. Шиш жуда катгайиб кетиб, суянишга ҳам ҳоли қолмабди». Онҳазрат фақирга «Сен бориб ундан хабар ол» дедилар. Ул зот айтганидек Шаҳрисабзга келдим. Одамлар Зондоқ (Андоқ) дейдиган мавзедан уни топдим. Қарасам бошининг орқасида кичик гарвуздек шиш пайдо бўлиб, тешилибди ҳам. Ҳар бор тешикни очганларида бир косага яқин ундан йиринг ва қон оқар эди. Фақир унинг ҳаётидан афсусландим. Бир неча кун заруратан ўша ерда қолиб кетдим. Ногоҳ хотиримга келдики, Ҳазрати Эшоннинг олдиларига қайтариш керак, Унга айтдим. У огоҳ топиб, кўп истиғфору узрлар айта бошлади. Кечаси ухлаёлмагани учун заруратан бедор бўлиб, тазаруъ ва зорийлар қилар эди. Неча кундан сўнг афу асари, унда зоҳир бўлиб, орқасидаги шиш пасая борди. Йиринг ва қон кўп оқди ва тузалиб кетди. Ушбу ҳолни мушоҳада қилиб, кўз одамларнинг ихлоси ва эътиқоди зиёда бўлди.

Исмоил Отонинг авлодларидан Шайхзода Халиллулоҳ Хожага, яъни Ҳазрати Эшоннинг махсус одамлардан бири нақл қилур: Фақир Онҳазратнинг Шероздаги ерларининг забтига тааллуқ топган вақтимда, бир йили менга бир касаллик ёпишди. Нафас сиқishi, кучли йўтал, кўп қийинчилик (қорин санчиги) пайдо бўлди. Қанчалик муолажа қилмасинлар фойда қилмади. Менинг заҳматим (кундан кунга)

зиёда бўларди. Бир кишини Ҳазрати Эшоннинг мулозаматига юбордим. «Фақирга бир касаллик ёпишган. Аҳволим бисёр ёмон» дедим. Онҳазрат бир бўлак дорилар юборибдилар. «Сув (ўртамиздаги Амударёнинг суви) кўпайиб кетди. (Бора олмаймиз). Агар бундай бўлмаганида биз ҳам ҳол сўрашга борар эдик» дебдилар. Ўша (юборган) киши келиб, Онҳазрат кела олмас эканлар,- деди. Мен бутунлай ноумид бўлдим. Ўша кеча ҳамма фарзандлар жам бўлишди. Ташвиш жиҳатидан улар мен ўлиб кетишимга ишониб қолишди. Йўтал ва нафас сиқишидан бошни ёстиққа кўйиб бўлмас эди. Қориннинг бураб оғришидан ҳар замон ташқарига чиқиб келишга мажбур эдим. Саҳаргача аҳвол шундай бўлди. Ҳамма шул вақтгача бедор ўтиришди. Ҳолатим охириги дамда турар эди. Онҳазратга таважжуҳ қила бошладим. Бирданига ҳамма одамларни уйқу элитди. Мен ҳам ухлаб қолдим. Кўрсам, бир зот келаяпти. Онҳазрат эканлар. Менда қимирлашга мажол йўқ. Ҳазрат (ёнимга) кириб келдилар. Ул зотга қирқ киши ҳамроҳ. Мендан ҳол-аҳвол сўрадилар. Муборак юзларини ўша одамлар тарафга бориб, «Унинг заҳматидан ҳар ким бир нарса кўтарсин» дедилар. Бедор бўлдим. Ўзимда бу касалликдан ҳеч асар кўрмадим. Ўрнимдан турдим. Хонамнинг деразасидан ташқари чиқдим. Ҳовлида ҳовуз бор эди. Тараннум қилган ҳолда ҳовузда сузар эдим. Ўша (ухлаб ётган) одамлар (мени кўриб), у ташқарига чиқиб ҳовузга йиқилиб тушди, деб ўйлашибди. Изтироб билан отилиб чиқдилар. Мени бу кайфиятда кўриб, ҳаммалари таажжубда қолишди.

Бир қанча кун ўтгандан кейин сув пасайибди. Биров келиб «Ҳазрати Эшон келдилар» деди. Шошилиб ташқарига чиқсам, (отдан) тушаётган эканлар. Менга йиғи қолиб келди. Йиғлаган ҳолда ул зотга етдим. Ул зот «Шайхим, бизга бундай тухматлар қилиб юрманг. Биз фақир одамлармиз. Маъзур тутинг. Сувнинг катта бўлиб кетганлиги жиҳатидан сизни кўришга кела олмадик» дедилар. Халиллулоҳ Хожаги нақл қиладилар. Бобо Шавқий айтади:

Сайрамда бир фақир, биродар мажзуб бўларди. Унинг олдига (кўргани) бордик. Иссиқ нон берди. Кимки унинг

Табаррук рисолалар

олдига келса, бир қисм хас унинг олдига ташлар эди. «Одамларга хас-хашак беришда нима маъни бор экан?» дер эдик. Ўша мажзуб биринчи марта Онҳазратнинг хизматига келганида ушбу байтни ўқиган эди:

*Чист дунёи дунӣ? Мушт аз ин хосоку хас,
Мавжи дарёи атояш бар гарон андохта.*

(Бу наст дунё нима ўзи?! Ушбу хас хашакдан бир мушт, панжа, холос. Унинг ато дарёсининг мавжи кучли ва баланд мавж ургай шунда).

Ўша шубҳа оизнинг хотиримиздан чиқиб кетди кейин.

Яна ўша зот нақл қилур: Бир марта шаҳардан мулозамат учун маҳаллага келдим. Хизматкорларга кириш ман қилинган хужра эшигига етиб келдим. Ҳазрати Эшон ўз аёллари ила маишат қилиб чиқиб келдилар. Муборак юзлари ёниб турибди. Бу байтни ўқирдилар: Шеър:

*Мастам, харобам, беҳабар рав муҳтасибро кун хабар,
Ҳам муҳтасибро ҳам туро ман чошани овардаам.*

(«Мастман, хароб бўлганман. Эй, беҳабар, бориб муҳтасибга хабар бер. Муҳтасибга ҳам сенга ҳам озроқ маза, лаззат, тотимлик келтирдим»)

Кейин ўтирдилар. Менга «Шайхим, оёғимни босиб уқала» дедилар. Фақир ул зотнинг муборак оёқларини боса бошладим. Шу вақт хизматга Хожа Абдурраззоқ ва Мавлоно Абдулваҳҳоб келиб қолдилар. Ҳазрати Эшоннинг фақирга нисбатан илтифотларидан уларнинг кўнглига бир нарса келди ва (менга) рашк қилдилар. Муборак юзларини улар тарафга қаратиб бу байтларни ўқидилар:

*Ҳазор хешки бегона аз Худо бошад,
Фидойи як тани бегона кошно бошад.
Биродару падару аслу насли ман ишқаст,
Ки хеши ишқ бимонад на хеши насаби.*

(Минг қариндош (агар) Худодан бегона бўладиган бўлса, Фидойи бир бегона тан, шаксиз, ошно- қариндош бўлгай.

Биродар, падар-ота, аслу наслим менинг учун ишқдир. Шунда ишқнинг хеши-қариндошчилиги қолади, насаб қариндошчилиги эмас). Шу аснода Хожа Яҳё ҳам келдилар. Онҳазратнинг фақирга бўлаётган илтифотидан унинг ҳам замирига бир нарса етиб, рашк қила бошлади. Ҳазрат у тарафга қараб дедилар: «Хожанинг хизматини кўриб, танҳо бизлар фарзандмиз деб тасаввур қилманг. Ҳазрати Хожа Абдулхолиқнинг буйруқларига кўра булар ҳам бизнинг фарзандимиздир!»

Мавлоно Шакар Қишлоқий нақл қиладилар:

Бир куни Ҳазрати Эшон Шакар қишлоққа келдилар. Ғоятда ғазабланиб, тундлик ила, менга боқиб «Ош пиширма, сенинг ошингни емайман» дедилар. Маълум бўлдики, Шероздан Муҳаммад Гов номли Кодномий ва Хожа Ҳусайн Хушобий ҳамда Ҳожи Муҳаммад Шерозийлар келиб, фақирга шикоят қилдилар: «Мавлоно Дарвеш биз уч кишининг қўлларимизни орқамизга боғлаб, оёқ яланг қилиб Сарбанддан Қоратаёққача тиконзорда югиртирди». Ҳазрат ўша ердан отга миниб Шакар қишлоққа келган эканлар. Ғазабланиш сабаби шул экан. Эртаси куни Шерознинг бозор куни эди. Фақир Шерозга Онҳазратга тааллуқли ерларнинг экин экувчиларининг ҳаммаси қайтиб келсинлар, деб одам жўнатдим. Ҳазрати Эшон ўша одамлардан сўрадилар: «Бу уч киши айтаётган одам тўғрисидаги гап ҳақиқатан бўлди-ми ёки йўқми?». Ҳаммалари «Ёлғон гап айтаяптилар. У киши мана шу муддатдан бери бизнинг бошимизда мушрифлар. Бунга ўхшаш гапни у тўғрида эшитмадик ҳам кўрмадик ҳам» дедилар. Муҳаммад Гов Муҳаммад Ҳожи Шеррозий ва Хожа Ҳусайн ўринларидан «Хожам, бизлар бад иш қилдик. Унинг ҳаққига тухмат қилган эдик» дедилар. Ҳазрати Эшон бундай дедилар: «Ўша кундан бери қанчалик ташвиш тортим-а, бутун ҳаётимда (бунингдек) ташвиш тортмаган эдим».

Муҳаммад Гов энг катта деҳқон эди. Унга «Ўлаётган вақтда кафан топмагайсан» дедилар. Ўлган вақтида гадолар кафани билан (яъни маҳалласи жамоасидан) дафн қилинди.

Табаррук рисолалар

Ҳожи Муҳаммадга эса «Кўр бўласан» дедилар. Яқин ўртада кўр бўлиб қолди. Хожа Ҳусайнга эса «Дунё-у охиратда расво бўласан» дедилар. Бир қанча вақт ўтгандан кейин унинг қизини биттаси билан ушлаб олдилар. Турли расвочилик, номуссизлик унга етди. Дунёда бошига тушган нарсаларнинг барисини тоғиб кетди. Қулоқлари кар бўлиб қолди. Тиланчиликка муҳтож бўлиб қолди.

Нақдурки, бир кун Хожа Аҳмад Девон Мирзо Султон Аҳмадга бир нарса нақл қилиб берибди ва Ҳазрати Эшоннинг мулозим ва одамларини ҳурматсизлик ила тилга олибди. «Улар мутлақо очиқ-сочиқ ажойиб одамлардан» деб ёлғон-яшиқ гаплар айтибди. Бу сўзларни (эшитиб қолиб) Онҳазратнинг мулозимлари ул зотга етказишган. Онҳазрат бисёр мутағаййир бўлибдилар. Мана шу Хожа Девон Шовдор тарафдан келаётганда йўлда уни бир гуруҳ одам туғиб, уни ўлдиришибди. Ўша иш бўлиб ўтгандан кейин Ҳазрати Эшон хизматкорлардан сўрабдилар: «Ҳар вақт олдиндан қилинган бир иш учун бировнинг ҳалокати воқеъ бўлса, бу шариатда уни қатл этишга ҳукм бўладиган сабаб ундан зоҳир бўлмагунча юз бермайди. Ўша ишга машғул бўлиш керак ёки тўхтамоқ керакми?» Ходимлардан ҳеч қайсиси жавоб беришга мутасадди бўлолмабди. Чунки, Хожа Девоннинг қатл этилиш сабаби ҳаммасига маълум бўлган эди. Нақл қилинганки, Бағдод исмли амир бор эди. Мирзо Улуғбек уни бир қанча умаро ва лашкар билан Туркистонга юборган эди. Тошкентга етганларида бизни кўргани келди. Қазо ва қадар (тақдир) тўғрисида баҳс қила бошлади. Қанча жавоблар берилса ҳам қабул қилмади. Унинг Ҳожи Муҳаммад номли ўғилчаси бор эди. Гоҳ-гоҳ бизнинг ёнимизга келиб кетарди. Отаси узокроқда ўтирар эди. Отаси бизлар билан бундай баҳс қиларкан, кўлларини бир-бирларига уриб, (у ўғилча) «Дариг, отам ўлди, афсус» дер эди. Туриб кетганларида Тошканднинг туманларидан бири Гулшан номли мавзегга етганларида Бағдоднинг қазоси еғиб вафот этди.

Ҳазрати Эшон Фаробга кўчиб ўтганларида ўша Бағдоднинг ўғли келиб, Ҳазрати Эшон учун мактуб ёзиб кириптибди. «Худоё, кечир! Худоё, бизни олма! Худоё, бизга бағишла! Худоё, афу қил!» деган сўзлар бор эди мактубда. «Байт:

Расмистки моликони таҳрир

Озод кунанд банда пир.

(Одатдурки таҳрир-қазонинг моликлари қари одамни озод қиладилар).

Пир бўлдим ва фақир бўлдим. Қолган иноятлар мулозимлар қўлидадир» дейилган эди мактубда. Ҳазрати Эшон (буларни эшитиб) Мавлононинг бу байтини ўқирдилар:

Аз адаб нур нур гаштаст ин фалак,

Ваз адаб маъсуму пок омад малак.

(Бул фалак адабдан нурнур бўлгандир.

Адабдан фаришта пок ва маъсум келгандир.)

Асҳобдан биттаси нақл қилур: Бир куни Ҳазрати Эшон ўз мулки бўлган Дойиж чўлига кетдилар. Бу Самарқанднинг Сўғ деган ерида эди. Бир қаландар йўлда йўлиқиб «Эй, дунёдор, яна қанча дунё тўплайсан?!» деб бу хилда беадабона сўзларни ул зотга нисбат қилди. Онҳазрат ҳеч нарса демадилар. Дойижга кетаверибдилар. Кечаси у ерда бўлганлар. Эрталаб мени шаҳарга юбордилар. Йўлда ўша қаландар йўлиққан ўша жойда гўристон бўлиб, биров гўр ковлаб юришибди экан. Мен «Ким ўлди» деб сўрадим. «Кеча Ҳазрати Эшон ўтиб кетгандан сўнг бир қаландар келиб йиқилди ва ўлиб қолди. Ўшанга гўр ковлаяпман», - деди. Бу ишни мулоҳаза қилиб кўриб, ақида зиёда бўлди.

Уни Дарвеш Муҳаммад Сақо дейиладиган мулозимлардан бириси нақл қилур: Мирзо Абдуллоҳ Туркистонга борган замонида султон Абу Саид мирзо мозори бошида фақир Онҳазратнинг мулозаматида эдим. Отларнинг хизмати менга тааллуқ топган эди. Мирзонинг лашкари Тошканднинг Футруқ деган ерига келиб тушди. Бир шахс бароат (ёрлиқ) келтирдик, Онҳазратнинг мулозимлари ул зотни кўп изладилар. Ул зот ҳарамда эдилар. Ўша киши изгируб чека бошлади. Мен унга «Ҳазрати Эшон ҳарамдалар. Ҳозир ташқарига чиқсалар керак» дедим. У менга бир неча қамчи урди. Менинг фарёдим Онҳазратга етиб ташқари чиқдилар.

Табаррук рисоалар

Ранглари ўзгариб кетган экан. «Нима қисса юз берди?» дедилар. Мен «Бароат келтирдилар» дедим. «Жўхори юклаб олиб бор» дедилар. Жўхори юклаб ўша киши ҳамроҳлигида олиб бордим. Мирзога тезда «шул миқдордагина келтирибди» деган хабар етиб борибди. У эса «Азиз кишининг кишисидур. Ранж бермангизлар» дебди. Жўхорини тушириб қолдилар. Мирзонинг икки саркори тезда уни еб тамомлаган экан.

Нақдурки, ана ўша Дарвеш Сақодан тарки адаб ўтиб, девонавор юрар эди. Бирор кимсадан нарса қабул қилмасди. Сахрога (чиқиб) кетарди. Орқалаб хас-хашак келтирардида, сотиб ўз маошини топар эди. Бир куни ўтин орқалаб келаётганда Онҳазрат олдидан чиқиб «Бул хаснинг баҳоси қанча?» деб сўрабдилар. У «Султоним бунинг баҳосини ҳеч ким билмайди. Чунки ҳар теша урганимда сизнинг ёдингиз ила урганман» дебди. Мана шу сўз (сабаб) бўлиб, унга мулозамат этишига йўл бердилар.

Онҳазратнинг махсус одамларидан бири нақл қилур: Юнусхон, Мирзо Умаршайх ва Шайх Жамол замонида Султон Абу Саид мизо вафот этганидан сўнг (учовлари) келиб Самарқандни қуршаб олдилар. Ҳазрати Эшон амакиси Мавлоно Мир Имомни ва Мавлоно Сайфуллоҳ муҳтасибни сулҳ учун юбордилар. Мавлоно Мир Имомни чақириб келтирдилар. Келган вақтларида Онҳазрат «Эй, дарвеши мухлисам, келинглр! Эй, дарвеши бери ё ам келинглр! Бориб Юнусхон, Мирзо Умаршайх ва Мирзо Султон Аҳмад билан мусолаҳа —сулҳ қилинглр!» деб ўтирган эканлар. Мавлоно Мир Имом ва Мавлоно Сайфуллоҳни юборибдилар, Улар қайтиб келганларида Онҳазрат уларни чақириб ёнларига келтирдилар. Ўша одамларнинг жавобини сўрамоқчи бўлдилар. Мавлоно Мир Имом келгандан кейин Онҳазратнинг уларни юбораётган пайтда айтиб ўтирган сўзларни қайтиб ўтирганини кўради. Онҳазрат Мулло Мир имомдан сўрабдилар. Мавлоно Мир Имом шундай дейди: «Хон ва Мирзо Умаршайх ҳамда Шайх Жамол айтадиларки, «Мирзо ва унинг амирлари Ҳазрати Эшоннинг олдида аҳд қилиб қасам ичсинлар. Ҳазрати Хожа ўз кишисини юборсинлар,

не навъ амр қилсалар, шуни қилурмиз». Бул гапларни эшитиб, Ҳазратнинг ҳоллари ўзгариб кетди. Юзларини Мирзо ва Умаро тарафга қаратиб «Мирзо ва Амирлар ҳозирча аҳд қиладилар» дедилар, «Бунинг иложи фақат шул сўздир» дедилар. Онҳазрат буларни бирма-бир гапираркан, юзларининг ранг ёнар эди. Яна шундай дедилар: «мусулмонлар орасида ўрни келганда суяниладиган нарса аҳд билан қасам эди. Унинг ҳам иложи топилибди. Иш мушқил бўлди». Аҳддан сўнг ўринларидан туриб, тамоман ўзгариб отга миндилар. Ҳамма билдики, Ҳазрати Эшон ўша сўздан нохуш бўлдилар. Кейинги куни узр сўраб у келди. Саҳар мадрасага кириб, одамларга сизлар бораверинглар. Бизнинг Ҳазрати Хожада сўзимиз бор, деди. Ҳазрати Эшон «Одамлар нимага узоққа кетди?» дедилар. Шунда у қасам ичишни бошлади: «Биллоҳи ат-Толиби ал-Ғолиби ал-Мудрики, ал-Муҳлики ал-Ҳаййиллазий ло ямут!» (Ҳазрат айтадилар:) Яна мен ҳеч нарса деганим йўқ. «Ажаб ҳолатки, мен Хожа Асомиддиннинг ўғли, Шайхзода ва Шайх Бурхониддиннинг набираси бўлсам, бу ҳамма қасамни ичсаму сиз бовар қилмасангиз!» деди. Яна мен ҳеч нарса демадим. Шу замон туриб кетди ва бемор бўлди. Кейин асҳоб қанчалик унинг ҳолини, сўрашлигимни айтсалар ҳам қабул қилганим йўқ. Унинг шаҳарда туришга ҳоли қолмади. Балх ва Хуросон тарафларга кетиб қолди. Борган жойига борди, етган жойига етди.

Нақдурки, Ҳазрати Хожа Абу Наср Порсонинг авлодларидан бирининг халифасидан нақд қилинган: Бир куни Хожа Мавлоно Балхга келаяпти, деган хабар келди. Хожа Абдулмалик ўзининг тоғаси истиқболига Балхнинг жами акобирлари бирлан ташқарига (шаҳардан) чиқдилар. Унинг аввалги мулоқотдаёқ айтган гапи шу бўлди: «Одамлар орасида шу гап бор. Ҳамма ҳукамо ва табибларнинг иттифоқлари шунга муқаррарки, ҳар қачон тоун, яъни вабо қулоқ орқасига (бошлаб) чиқса, у тирик қолмайди. Лекин мен уч марта тоунга йўлиқдим. Ҳар қайсисида ҳам қулоқ орқасига чиқди. Мен ўлганим йўқ. Менинг кароматим ортиқ эканми ёки анави шайхнинг кароматими?» деб Ҳазрати Эшонга

Табаррук рисоалар

ишорат қилди. Шу ердаги барча одамлар бир-бирларига қараб, уни жиннига ҳукм қилдилар. У Балхда бир неча кун ҳам турулмасдан Ҳиротга кетиб қолди. Кейин қаерга борган бўлса ўша ерга борди (яъни ўлиб кетди).

Нақл қилинганки, Хожа Абу Насрнинг ўғли Хожа Абдулмалик Балхдан Хожа Мавлоно кетганидан кейин Самарқандга келди. Хожа Мавлононинг махсус одамлари ва ўғилларидан баъзиси (юқоридаги гапларни), эшитиб, кўп ўзгариб кетдилар. Ҳоллари ўзгарган пайтда Хожа Абдулмалик «Бу қишлоқ шайхнинг тоғамизни мана шундай, бундай қилишга (журъати) етди» деб, бошқа номуносиб сўзлар ҳам айтади. Бухорога қайтганидан сўнг тезда бир касалга йўлиқиб, ўлиб кетди.

Нақлдурки, бир куни Ҳиротда бир мажлисда Ҳиротнинг кўпгина ақобирлари, амирлари бўлган. Шайх Баҳоуддин Умарнинг ўғли Ҳазрати Эшонни ҳақоратлаш ва масхара-лаш маъносида «Ҳазрати Хожа бизнинг шайхимизни (оёқ-қўл ва орқаларини) кўп уқалаган» дебди. Амир Юсуф Атор (шу мажлисда) бор экан, айтибди: «Фақат сизнинг шайхингизни эмас, кўп шайхларни уқалаган».

Нақлдурки, Хожа Мавлононинг махсус одамларидан бири Неъмат воиз бўлган. Мажлисларида Ҳазрати Эшоннинг гийбатини (кўп) қиларди. Онҳазрат ҳақида номуносиб назму наср ва яна нималарнидир айтар эди. У фалаж бўлиб қолди. Шу даражадаки, ваъз айта олмай қолди. Тили ва гапида каттагина калолат пайдо бўлди. Унинг сўзини тушиниш мумкин эмасди. Охирул амр, Маккага кетди. Онҳазратнинг асҳобларидан бири Мавлоно Султон айтади: «У Маккага келган маҳалда фақир Маккада эдим. Бир куни Ҳарамда ўтирган эдим. (У ҳам шу ерда эди). У туриб кетганидан сўнг (қарасам), бутун кийимлари ҳўл ва бенамоз экан. Маккада у ўтирган жойлар ҳаммаси ҳўл бўлар экан». Унинг аҳволи шунга етган: Кўп хорлик, малоллик, мазаллат тортган.

Нақлдурки, Абдурраззоқ номли шахс бўларди. Унинг иши ҳамиша йўлтўсарлик эди. Ёмонлиги ва кўркмаслиги билан жудаям машҳур эди. Хожа Мавлоно унга кўп зару тилло маблағ ваъда қилиб, «Агар сен Ҳазрати Хожани ўлдирсанг, сенга

ушбу маблағни етказаман» дебди. У ҳам «Шундай қилганим бўлсин» деб қабул қилибди. Ўзи айтади: «Ҳазрати Хожа уч навбат менга йўлиқди. Ёнларида ҳеч ким йўқ ҳам эди. Қўлимни камону тир ва шамширға узатиб, уларни ўлдиришга қанчалик ҳаракат қилсам ҳам ўлдира олмасдим. Ҳазрати Эшон олдимда менга қараган (тикилган) ҳолда ўтиб кетардилар». Охири, Мирзо Умаршайхнинг одамларига гирифтор бўлиб, уни Тошкандга (тутиб) келтирдилар. Ҳазрати Эшон ўша ерга ташриф буюрган эдилар. Мирзо уни ўлдиришга ҳукм қилади. Ҳазрати Эшонга «Абдурраззоқни (тутиб) келтирибдилар. Мирзо уни ўлдиришга ҳукм қилибди» деган гап этади. Ҳазрати Эшон «Агар у Хожа Мавлононинг амрини қабул қилиб иш тутганини ростини айтса, биз уни халос қиламиз» дейдилар. У ҳаммасига иқрор бўлиб, эътироф қилади. Ҳазрати Эшон уни чақириб тавба берадилар, холос қиладилар.

Ҳазрати Эшоннинг асҳобларининг улуғларидан, бири Мавлоно Мунший Ҳожи нақл қилур:

Хилватда (ўтирган) пайтимизда Онҳазратга айтдим: «Фақирда Хожа Мавлоно тўғрисида ажабланиш бор. Ҳар кимки Сиз ҳазратнинг олдида ҳурматсизлик ва нохушлик пайдо қилса, тез фурсатда сарнигун бўлиб кетди. Хожа Мавлононинг адовати эса (жуда) узайиб кетди». Ҳазрати Эшон табассум қилиб «Умр ҳисоб-китобли, ҳақини тўлайдиган нарса бўлади.⁷ Бунингдек ҳаёт кечиргандан ўлиб кетган яхшироқ» дедилар. Ана шу кунларда Хожа Мавлонога бир касаллик – мускулларида-териларида бир иллат пайдо бўлди. Бу уни худди ҳисоб бераётгандек машғул қилиб қўйди. Чунки у инсонга тааллуқли касал эмас эди, маълум касаллик эмасди. Мухлис ва махсус зотлардан бири нақл қилур: Бир куни Тошканд (қалъаси) ичида Ҳазрати Эшоннинг тахтиравонини Мавлоно Мусо ва Нуриддин кўтариб, Шайхи бузургвор Шайх Абу Бакр Қафвол (Шоший мозори тарафга

⁷ Матнда «жаъфл» деб келган. Агар «жаъл» ни «Жуъл» ўқиладиган бўлса, унда, сўз маъноси «Умри қора кўнғиз (мисоли) бўлади» дегани бўлади. Шунда, кейинги иборада «Бу уни кўнғизга ўхшаб. . .» деган маъно ҳосил бўлади.

Табаррук рисолалар

олиб борардилар. Мен уларнинг орқасидан борардим. Мозорнинг эшигига етиб келдилар. Баланд суфа очиқ эди. Унда Онҳазратнинг бир қанча кишилари ва Ҳофиз Жалолиддиннинг ҳам қабри ўша суфада эди. Онҳазрат ўша аҳли кубурга салом бердилар. Ундан кейин мен тарафга назар қилиб дедилар: «Булар кулишаяпти. Зоҳиран, бизларга дунёга қандай оввора бўлганлар, деб кулишмоқда.

Буларнинг ҳаммаси сизларга ўхшаб менинг хизматимни қилардилар. Андак беадабчиликлари сабаб ҳаммаси йўқ бўлдилар».

Нақдурки, Мавлоно Ҳусайн Турк касал вақтлари эди. Ҳазрати Эшон Хожанинг работига (работхожага) кетган эдилар. Мавлоно Ҳусайннинг касали оғирлашди. Фақирга айтдики, «Онҳазратнинг муборак дийдорларини кўришни хоҳлайман». Одам юборилди.

Онҳазратнинг пешини ўша ерга борганда бўлиб, пешин ўқибдилар. Ўшал зот пешиндан кейин отга миниб, аср намозини (борганида) ўқиб ташқари чиқибдилар. Ўз маҳаллаларига келишлари олти фарсахлик йўл экан.

Нақл қилурлар Онҳазратнинг амакиваччаси Мавлоно Абдулваҳҳоб: Ул зот Шошга келган замонларида Нор номли мавзega борган эдилар. Унинг ораси билан Шайх Абу Бакр (Қафвол Шоший) ҳазратларининг маҳалласигача икки фарсах мўғилий масофа бор эди. Кўёш ботишга яқинлашиб қолган эди. У ердан (чиқиб) равон бўлдилар Мен «Етиб оларканмизми?» деган қаттиқ ўйда эдим. Отим ҳам йўл юришга мослашган эмасди, подадан (янги) келганди. Онҳазрат «Отинг йўрға (чопқир) эмас эканми?» дедилар. Мен «Шундай, йўрға эмас» дедим. Ул зот «Жиловни (кучлирок) торт. Шояд йўрға бўлиб кетса» дедилар. Шундай қилган эдим, ногоҳ йўрға бўлиб кетди. Шу пайтгача у йўрға эмас эди. От келаверган сайин офтоб баландроқ кўтарилгандай бўларди. Маҳалла етиб келмагунимизча офтоб ботгани йўқ.

Асҳоблардан бириси нақл қилур: Бир куни Ҳазрати Эшон Учтепага борган эдилар. Намози дигарни ўқиб отга миндилар. Шодмонга келганларида намози дигар (вақти ҳали) бор эди. Икковининг орасидаги масофа мўғилий бир фарсахдан кўпроқ. Ўша куни қора отга минган эдилар.

Мир Муҳаммад Амин нақл қилур: Бир марта Ҳазрати Эшон Шохрухияга борган эдилар. Фақир мулозаматда эдим. Ўша замонда одамлар оарсида юрак хасталиги⁸ кўп эди. Бир куни Ҳазрати Эшон ўша ердаги мавзелари-зироатгоҳларига отда кетган эдилар.

Мен манзилда хизматкорлар олдида эдим. Ногаҳон менда куйдирувчи иситма пайдо бўлди. Ҳамма бу «Кулоб» касаллиги деб ўйлашди ва мендан узоқлаша бошладилар. Кулоб касаллигида қон камайиб кетиши ниҳоятда зарарли эди. Ҳазрати Эшон ўша манзилга (қайтиб) келдилар. Фақирни сўраб, шариф қилдилар. «Бурнингни уқала, шояд қон оқса» дедилар. Шундай қилдим. Бурнимдан озроқ қон келди. Иситма (ўзидан ўзи) узоқлаша борди.

Бу ҳолни мушоҳада қилиб барча одамларнинг ақидаси зиёда бўлди.


Мирзо Султон Маҳмуднинг мулозими Мулло Ҳасан бачадан нақлдурки, у айтади:

Менинг бад тилимнинг ёмонлигидан ҳамма алам ва ташвишда эди. Ранжигандилар. Ҳаттоки одамлар Ҳазрати Хожа ва Амир Мазид ҳамда бошқаларга мен тарафдан бир нарсаларни (шикоят қилиб) етказишган эди. Онҳазратнинг хотири шарифини чалғитган эдилар. Аммо Айюб Туркманнинг менга шафқати бор эди. У «Амирларнинг ҳаммаси сендан ранжиганлар. Сен Ҳазрати Эшондан шикоятлар қиларкансан Мирзонинг олдида. Ҳамма амирлар Мирзонинг олдида бўлган куни, айтгинки, умаролар арз қилурларки, мен Мулозимларга Ҳазрати Эшондан шикоят қиларканман. Иноят қилиб умарога у менинг олдимда ҳеч кимдан шикоят қилмайди» деб ўргатди. Мен Мирзога шундай дегандим, ҳеч нарса демадилар. Мен ниҳоятда бир хил бўлиб кетдим. Умарога, сизга нотўғри етказишибди, деб шугина гапни айтмайдиларми. Ахир, мен узоқ муддат у зотга хизмат қилган бўлсам. Ўзимга ўзим жазм қилдимки, икки ишдан биттасини қиламан. Малолсиз, бир нарса тама қилмасдан бирор

⁸ «Кулоб» касаллиги дейилган. «Ахтари кабир» луғатида бу аслида туялар орасида бўладиган, одамларга ҳам юқадиган юкумли касаллик дейилган

Табаррук рисоалар

вилоятга кетаман ёки Онҳазратга (бориб) мулозим бўлман. Дўстларимдан бири билан бул суратларни арз қилиб, маслаҳат сўрадим. «Маслаҳат қилишга бошқа дўстинг ҳам борми?» деди. Мен «Ҳа, бор. Мулло Муҳаммад ҳам менинг дўстларимдан» дедим. «У билан ҳам маслаҳат қилгин» деди у. Мулло Муҳаммадга мана шуларни гапириб берсам, «Сенинг номингни Ҳазрати Эшоннинг олдида айтиш мумкин эмас-ку, сенга хизмат қандай мумкин экан!» деди. Мен унинг гапидан ғазабландим. «Менинг номи Ҳасандир. Ҳасан исмини ул зотнинг олдида айтиш мумкин» дедим-да, туриб чиқиб кетдим. Қанчалик одам юборса ҳам қайтганим йўқ. Аввалги дўстим олдига келиб, «Ҳазрати Эшон қаердалигини биласанми?» деб сўрадим. «Талкалоғонда» деди у. Мен «Мени у ерга олиб борадиган бир киши топ» дедим. У «Мен олиб бораман, лекин мен боғга кирмайман» деди. Мен дедим: «Мен Ҳазрати Эшонни валий деб эътиқод қиламан. Бул эътиқодим агар рост бўлса унда кўрқмайман. Агар бунинг хилофи бўлса, кўрқиб нима қиламан?!» Талкалоғонга у билан бирга бордик. Боғнинг эшиги олдига келганда ҳамроҳим «Гап ўша. Айтилган гап» деди. Ва боғ эшиги олдида қолди. Мен кириб кетдим. Мавлоно Бурҳониддин йўлиқди. Унга «Мени Ҳазрати Эшоннинг олдига олиб боринг» дедим. У узр айтди. Ундан ўтиб кетдим. Қарасам бир жойда одамлар Онҳазрат билан ўтирибдилар. Салом бердим, алик олдилар. «Янглишмаган бўлсам, сен Мирзо Султон Маҳмуднинг Ҳасани эмасмисан» дедилар. «Оре, ҳазрат»,-дедим. Қозончада бир нарса пишираётган эканлар. Онҳазрат «Менда назо бор. Озроқ гўшт ва шолғом пишириб ейиш керак» дедилар. Сўнг менга хитобу итоб мақомида бўлдилар, маломат қилдилар. (Мен бундан сўнг ул зотга содиқ бўлишга қатъий аҳд қилиб сўз бердим.)



3. «РАШАҲОТУ АЙНИЛ-ҲАЁТ» ДАН

ИККИЛАНЧИ ФАСЛ

Ҳазрати Эшоннинг валодатлари таърихида бўлгон воқеъотлар зикрида ва шаммае ул Ҳазратнинг ахлоқу атвор ва шамойиллари ва сабо айёмларидағи аҳволларининг баёнида

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Эшоннинг вилодатлари моҳи рамазон шарифда сана саккиз юз олтида (1404) эрди. Ва баъзи азизларким, Ҳазрати Эшонға қаробат ва қарибалиқлари бор эрди ва бани аъмомларидан эрдилар, ойтур эрдиларким, Ҳазрати Эшон вилодат топгонларидин сўнг то волидаларини нифосдин пок бўлмай ва гусл этмай пистонларини олмадилар ва қирқ кун суғларини ичмадилар.

Ҳазрати Эшон ойдилар: «Ман бир ёшимда эрдимким, манинг сочимни олмоқчи бўлдилар ва тўй этиб эрдиларким, ногоҳ Амир Темур фавт бўлгон хабарни етушди ва одамлар тарқалдилар. Ондоғким, пишган ошни емакка фурсат бўлмади. Қозонларни холи этиб, тоғга чиқдилар».

Ва ул замонларда Ҳазрати Эшоннинг обои киромлари Боғистонда бўлур эрдилар. Ҳазрати Эшоннинг сабо айёмларида ва ёш замонларида ҳам рўшднинг асари ва саъодатнинг аломатлари ва Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг инояти ва қабулининг анворлари жабини мубаййинларида рашвану пайдо ва зоҳиру хувайдо эрди, то ғоятеким, ҳар кимнинг назари оларға баробар бўлуб, жамоли муборақлариға тушса, бехтиёр оларға сано айтиб, дуо қилур эрдилар.

Байт:

*Сутора хатти туро хондаву сано гўфта,
Фаришта рўйи туро дийдаву дуо карда.
(Юлдуз сенинг хатингни ўқидию, мақтовлар айтди,
Фаришта юзингни кўрдию, дуолар айтди).*

Ҳазрати Эшон уч-тўрт ёшларидин Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг жанобиға огоҳлик ҳосил эрди. Ойтур эрдиларким, туфулият кунларимда мактабға бордим, кўнглум ҳамма

Табаррук рисоалар

вақтда Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳуға ҳозир эрди ва огоҳ эрди. Ва ул замонларда манга ақида ондоғ эрдиким, оламнинг ҳамма улуг кичик одамларининг ҳаммаси шул тариқа огоҳ ва восиддурлар. Бир мартаба, ул вақтларда, қиш фасли эрди, саҳрода манинг оёқим лойға ботди ва кафшим оёқимдин жудо бўлди ва лойға ботиб қолди. Ва ҳаво қўб совуқ эрди, то кафшимни лойдин олғунча ғафлат ориз бўлуб, нисбати огоҳлиқдин қолдим, дарҳол ўзумни маломат этдим ва қўб мутаассир бўлдум, ондоғким, манга йиғламоқ муставли бўлди. Ул яқинда бир деҳқон қўш ҳайдаб юруб эрди, ўзимга ойдим: «Бу деҳқон бовужуди ўкуз ҳайдамоқ ва ер ёрмоқға машғул турур, бу ҳол билан ҳам Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға огоҳ бўлмоқ нисбатидин гофил эрмас, сан бу миқдор машғуллик бирла гофил бўлдинг». Ва манинг гумоним ул ёшда ул эрдиким, ҳамма кишиға ҳамма ҳолда бу нисбат ҳосил турур. То ман булуғи шаръий ҳаддиға етмадим, билмадиким, одамларға ғафлат бўлур».

Мавлоно Жаъфар алайҳир раҳма Ҳазрати Эшоннинг асҳоби киборларидин эрдилар, оларнинг зикри учланчи мақсадда келур, ойдиларким: «Ул ҳазрат айтур эрдиларким, ман ўн икки ёшда эрдим, билмас эрдиким, киши Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ёдидин гофил бўлур. Гумон этур эрдиким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло халқларнинг ҳаммасини бул вайҳда яротиб турурким, ондин гофил бўлмаслар. Ондин сўнг маълум бўлдиким, инояте турур баъзиларға мухтасс ва баъзиларға риёзат ва қўб ижтиҳодлар била бу мартаба муяссар бўлур ва баъзиларға бўлмас».

Ҳазрати Хожа Исҳоқким, Ҳазрати Эшоннинг амакиларининг ўғли турур, ондин манқул турурким, ойтиб турурлар: «Бизлар ва соир атфоллар ёш замонларимизда ҳар нечаким хоҳладуқким, Ҳазрати Эшонни баъзи феълларда ва ўйинлардаким, ёшлиқнинг муқтазоси турур, машғул этмакчи бўлдук, ҳаргиз муяссар бўлмади. Аввалда ўзларини шундоғ кўргуздиларким, магар машғул бўлдилар. Ва ҳар қачонким, ўйуннинг вақти келса қочор эрдилар ва ҳамиша оларда исматнинг маъносини мушоҳада этилур эрди».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Ёш вақтимда Шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг мозорларида ҳазрати Исо алайҳиссаломни тушимда кўрдумким, ўлтурубдилар. Ман ўзумни оларнинг қадамларига ташладим, олар манинг бошимни туфроқдин кўтардилар ва ойдилар: «Ғам емагил, биз сани тарбият этурмиз». Бу тушнинг таъбири бир тариқа манинг хотиримга келдиким, ёронлардин баъзининг ёнларида бу тушни ойдим. Олар тибга таъбир этдилар, яъни санга илми тибдин насибе бўлур. Ва ман бу таъбирга рози бўлмадим. Жавоблариға ойдим: «Сизларнинг таъбирингизга манинг розилигим йўқдур, ман важҳи дигар била таъбир этдим, ва ул таъбир ул турурким, ҳазрати Исо⁹ алайҳиссалом мазҳари ихё турурлар, то авлиёуллоҳдин ҳар ким бу сифати ихё била зоҳир бўлса, ойтурлар «Исавий ал-машҳад турур». Вақтеким, олар бу фақирнинг тарбиятини ўзлариға олдилар, бу фақирда қулуби маййиталарни ихё этмак сифати ҳосил бўлур».

(Ҳазрати Эшон) ойтур эрдилар: «Андак муддатдин сўнг Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бу таъбир мўжибинча қуввате ҳосил ва ҳолатеға мушарраф этдиким, бу маъни зухурға келди ва кўб кишилар ғафлатнинг тангносидан ҳузур ва шуҳуднинг фазосиға етдилар».

(Ҳазрати Эшон) ойтур эрдиларким: «Мабодийи ҳолда ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни тушда кўрдум. Асҳоб ва ғайри асҳобдин жамъи анбуҳу била бир бағоят баланд тоғнинг этагида ўлтуруб турурлар. Ногоҳ ул бу фақирға ишорат этдилар: «Кел, мани кўтариб бу тоғнинг устига чиқоргил». Ман ул Ҳазратни бўйнумға кўтариб юқори чиқориб, тоғнинг қулласига қўйдум. Ул Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам истехсон этдилар ва ойдилар: «Ман билур эрдимким, санда бу қувват бордур ва бу иш сандин келур, лекин хоҳлардимким, бошқалар ҳам билсунлар».

(Ҳазрати Эшон) ойтур эрдиларким: «Мабодийи ҳолда Ҳазрати Хожа бузруг Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳуни тушимда кўрдумким, бир кечада келдилар ва манинг ботинимга тасарруф этдилар, ондоғким, оёқларим суст бўлди.

⁹ Таржимон бу ерда Хизр деб ёзган. Форчасида эса Исодир.

Табаррук рисоалар

Ондин сўнг равон бўдилар ва ман ҳам ҳар ваҳж била қувватим борича ўзумни Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)га етуштирдим. Орқаларига қараб ойдилар: «Муборак бўлсун».

Ва (Ҳазрати Эшон) ойтур эрдиларким: «Бу воқеадин сўнг Хожа Муҳаммад Порсони, қуддиса сирруху, тушимда кўрдим ва олар ҳам хоҳладиларким, манга тасарруф (этсарлар) аммо эта билмадилар».

Ва ойтур эрдиларким: «Мирзо Улуғбекнинг даргоҳида бир қари ясовул бор эрди. Гоҳе одамларни сиёсат учун ётқузуб урур эрди. Бир кун Тошкандга пайғом йибордиким: «Шайхзодалар мазорда жамъ бўлсунларким, оларни кўрмакка борурман». Ҳамма жамъ бўдилар, ўн етти тан эрдилар ва ман ҳаммадин кичикроқ эрдим. Вақтеким, ул ясовул келди, ҳамма бирлан мусофаҳа ва муонақа этди, ул кишигаким кайфияте бўлуб оёқдин йиқилди ва ётди. Вақтеким, манга мусофаҳа этди, манга ҳам кайфияте пайдо бўлди, аммо сабукдастлик этдим ва онга ёпушдим ва йиқилмадим. Ва онга мандин бу чусту чолонклик кўб хуш келди ва таажжуб этди, бовужуди улким, ман ҳаммадин ёш эрдим, мани ҳаммасиға тақдим этди ва сўзлаганда манга хитоб этди. Ва бу асно хотирға келдиким, бовужуди ботинларға бу тариқа тасарруф ва истилолик била; бу на ишдурким, олар ихтиёр этиб турурлар? Онга бу хотирға ишроқе бўлуб, ойдиким: «Ман Хожа Ҳасан Атторнинг муридлари эрдим. Неча муддатлар оларнинг мулозаматларида бўлдум ва сабақи ботинға машғул эрдим ва ҳеч тариқа манга фатҳе бўлмади. Охируламр дарди дилимни Хожа (Ҳасан Аттор)ға арз этдим. Ойдиларким: «Санга подшоҳларнинг даргоҳида бир хизматни ихтиёр этмак керакдурким, мазлумларнинг рўзгорға мададинг етушгудек бўлсун». Бас, мени бу шуглда ишорат этдилар ва Мир Саъидким, Мирзо Улуғбекнинг умароларидин турур, онга сипоришнома ёзиб, манга васият этдиларким: «Ҳамиша мусулмонларнинг муҳимларининг кифоятида, фуқаро ва масокинларнинг имдодида саъе балиғ кўргузгил. Агар бир мусулмонға муҳимме бўлсаким, онинг кифоятидин ожиз келсанг, керакким, онинг ғамида бўлсанг

ва ўзунгни малул этсанг ва онинг малолати била уйқуға борсанг, умиддуким бу муомила мақзий бўлса ул муҳимнинг фатҳ бўлмақига».

Ондин сўнг ман Ҳазрати Хожа (Ҳасан Аттот)нинг буюргонлариға машғул бўлдум ва ул аснода фатҳе манга даст берди, уқдалар очилди».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Аволийи ҳолда ниёзмандлик манинг ботинимға ондоғ муставли эрдиким, ҳар киши бандаву озоддин, сиёху сафид, сариғу кабирдин мулоқий бўлса, онинг оёқига бош қўёр эрдим, тазарруъ ва ибтиҳоли тамом била ондин ҳиммат ва илтифоти хотир талаб қилур эрдим».

Ойтур эрдиларким: «Авойилда манинг отамнинг мавзеи Каласда зироатлари бор эрди. Бир мартабе ғаллани бир турки саҳройи бирлан манинг ёнимға йибориб эрдиларким, ман они жой этсам ва ман ғалланинг забтиға машғул бўлдим. Ул турк чуволларни олиб кетибдур. Вақтеким, воқиф бўлдим, манинг ботинимда ул кеткон ваҳҳдин изтироби азим пайдо бўлдиким, ондин ҳиммат дарвиза этиб, ниёзмандлик кўргузмадим. Ўзимда бу тақсирдин андуҳи ажабе мулоҳаза этдим. Ғаллани шундоғ қўйдим, онинг изидин таъжили тамом била югурдим ва они шаҳарнинг ярим йўлида топдим. Ажз ва ниёз ва тазарруъи тамом била онинг йўлини тутдим ва ондин талаб этдимким: «Хотирингизни ман тарафға тутунг ва манинг ишимға назаре этинг, бўлғайким, сизнинг баракатингиз била Ҳақ субҳонаху ва таъоло манга раҳм этгай ва манинг боғлиғ тугунларим очилгай». Ул турки саҳройи мутаажжиб ва мутаҳаййир бўлуб ойди: «Ғолибан, сиз турк машойихларининг сўзлариға амал қилурсизким, ойтиб турурлар: «Ҳар ким кўрсанг Хизр бил ва ҳар тун кўрсанг қадр бил». Ва агар мундоғ бўлмаса, ман бир турки саҳройи, бағоят беҳосил турурманки, юзумни зарурат била юварман, бу маънилардинким сиз онинг толиби турурсиз, манга ондин хабар йўқ турур».

Ва манинг касрати ниёзимдин ул туркда асаре ва кайфияте пайдо бўлди ва қўлини дуоға кўтарди ва манинг ҳақимға дуолар этди. Ва ман онинг дуосидин ботинимда кўбкўб кушодлиқлар мушҳоода этдим».

Табаррук рисоалар

Ойтур эрдиларким: «Ёшлиқимда қуввати воҳима манда бағоят қавий эрди. Уйдин танҳо ташқари чиқа билмас эрдим. Бир кеча амре манинг дилимга ориз бўлди ва зўр келтурди ва қувват этди. Иш жойга етушдиким, сабру қарорим қолмади ва ихтиёр қўлдин кетди. Беихтиёр бевақт уйдин ташқари чиқдим. Ул завқ бўлдиким, Шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг мазорлариға бордим. Мазорға кирдим ва бир соат Шайхнинг қабрлари олдида ўлтурдим. Ҳеч қўрқув бўлмай, ул ердин Шайх Хованд Тахур мазорларини тавоф этмак дағдаға бўлди. Ул ерга бордим ва ҳеч қўрқмадим. Ва ул ердин Хожа Иброҳим Кимёгарнинг мазориға бордим ва ул ердин Шайх Зайнуддин – Қуйи Орифоннинг мазориға бордим ва ҳеч тарсе ва қўрқув ўзимда мавжуд топмадим. Мундин сўнг азизларнинг руҳониятлари мадади била ул ёшлиқда ҳеч бир мазорда ва мавзеи муҳибда қўрқмадим».

Ойтур эрдиларким: «Мабодийи ҳолдаким, маҳалли ғалаботи аҳвол эрди. Кечалар Тошканд мазоротларининг атрофларини ойлонур эрдим ва ул мазоротлар бир-биридин кўб узоқ турур. Гоҳ бўлур эрдиким бир кечада ҳаммасини ойлонур эрдим. Ва ул замонларда ҳадди балоғатга етиб эрдим. Мутааллиқға таваҳҳум бўлдиким, мабодо бир номарзий амалға машғул бўлсам. Шахсиким, бу фақирға ҳамширалик ва ризоий биродарлиги бор эрди, манинг изимдин йибордилар, то манинг аҳволимни тажассус ва тафаҳҳус этса.

Бир кеча Шайх Хованд Тахурнинг мазорларида қабрининг муқобалсида ўлтуруб эрдиким, ул киши келди. Вақтеким, манинг ёнимға келди ва қўлини манга урди ва қалтирар эрди. Ойдим: «Санга не бўла турур?» Ойди: «Ажаб нимарсалар назаримға келур, яқин турурким, ҳалок бўлсам». Они уйга келтурдим ва бизнинг уйнинг одамлариға ойтиб турурким: «Ондин андиша этманглар ва кўнглунгизни жамъ тутунгким, ул бошқа ишнинг талабида турур. Шундоғ қоронғу кечадаким, ўн мардона киши ул мазорға кира билмаслар, ул танҳо бориб Шайх Хованд Тахур қабрларининг муқобалсида ўлтурубдур».

Ондин сўнг бизнинг одамларимиз билдиларким, на ишга мутбалолиқ воқеъ турур.

Ойгур эрдиларким: «Ибтидои ҳолда бир саҳар Шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг мазорлариким, бағоят муҳиб (ҳайбатли) ва ҳавлноқ жой турур, ондоғким, киши кундуз кунда ул ерга танҳо борса қўрқар, онда ўлтуруб эрдим. Ва Тошкандда бир жимрийи бор эрдиким, манинг била мақоми инодда ва инкори тамоми бор эрди ва доимо фурсат ахтариб, мутарассид эрдиким, манга озоре ва изое етурса. Ул шул саҳар манинг изимда эркан. Вақтеким, ман ул жойда бошимни ошоқ солиб ўлтуруб эрдим, бир замон ўтуб эрди, ногоҳ камингоҳдин югуруб чиқиб, наъра уруб, арбалалар этиб, мани қўрқутмоқ ва ҳарос бермак учун манинг устумга югурди. Ва манга ул мажол йўқ эрдиким, онинг наъраси ва садмасидан қўрқсам ё манинг хотиримга онинг ҳаракатларидин ҳавле ва ҳайбате йўл топса. Ва шундоқ бошимни ошоқ солиб ўз қароримда ва ҳолимда бўлдим ва қатъан онинг парвойини этмадим. Вақтеким, ул жимрийи бу ҳолни мушоҳада этди, бағоят мунфаил бўлуб ва ўз афъолидин хижлу шармисор бўлуб, йиглай-йиглай манинг олдимда юз тубан йиқилиб ер ўпди, ёронларнинг ва муҳибнинг биринин бўлди».

Ойгур эрдиларким: «Яна бир кеча Шайх Зайнуддин Куйи Орифоннинг мазорларида ўлтуруб эрдим. Ул мазоре турурким, шаҳардин бир фарсах узоқ ва ул ҳаволи ва навохийда одамлар камроқ бўлур эрди. Ва Тошкандда бир девона бор эрди баланд қомат ва қавий ҳайкалким, равшан кунда бозорнинг ичинда одамлар ондин қўрқар эрдилар. Ва ул кунларда ҳам бир кишини ўлтуруб эрди. Ногоҳ бу ярим кечада бу гўристонда пайдо бўлди ва манинг бошим устида ҳанр этуб, гавго этдиким: «Бу ердин туруб чиқиб кеткил». Ва ман асло анга илтифот этмадим ва ўз нисбатимдин айрилмадим ва таважжуҳим бор эрди, они қўймадим. Ва ул андоғ муболаға ва ибром этур эрди. Ногоҳ югуриб бориб, дарахтлареким, мазорда бор эрди, шохларини синдуруб, улуг бир даста боғлаб келтурди ва сармазорнинг масжидига кириб, ул ерда чироғ ёқиб, ташқари чиқди. Ғарази ул эрдиким, ул шохаларни ёқиб, манинг устимга ташласа. Бу ишда эрдиким, шамол келиб, ул чироғни ўчурди ва онинг ғазаби ўти

Табаррук рисодалар

зиёда бўлуб, ғавго ва ошуб этиб, жунуни тугён этди. Раъд-дек ғарив этиб, атрофимни ойлонуб ва ўзича бир нимарсалар ойтур эрди. Ва ман мутлақо анга илтифот этмадим ва хотиримга ҳеч турадуд ва тазалзул йўл бермадим. То тонг отгунча манинг била муомала шул эрди. Вақтеким, сабоҳ бўлди, Тошканд бозориға кириб, яна бир одамни ўлтурди. Одамлар онга хужум этиб, қатл этдилар».

Ойтур эрдилар: «Ул нимарсаким, одамлар ойтурлар, мазоротда бизларнинг олдимизга нимарсалар келур, ҳаргиз манинг нисбатимга воқеъ бўлмади. Ондин бошқаким, бир кеча Хованд Тахурнинг мазорлари айвони олдида ўлтуруб эрдим, ногоҳ юқоридин бир қора нимарса ерга тушуб ётди. Андак ташвиш манинг хотиримга пайдо бўлди. Ул ердин туруб кетдим. Яна бир мартабе ҳам бир кеча ўлтуруб эрдим, сарвлариким айвоннинг олдида турур, оларнинг тагидин сурфа овози келди. Ул ердин туруб, илгари бориб ўлтурдим. Мазорларнинг атрофларини ойланиб, неча мартаба юрган била ҳеч нимарса воқеъ бўлмади».

Ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ раваҳахуллоҳу руҳаҳунинг мунтасиблариким бозорларда юрурлар, қулоқлариға ҳама зикр овози келур, зикрдин бошқа нарса эшитимаслар. Мабодийи ҳолда зикр шундоғ голиб бўлуб эрдиким, шамол ва ҳар овозеким қулоқимга келур эрди, зикрнинг овози эшитилур эрди. Тошканд одамларидин бир кишиким, они Муҳаммад Жаҳонгир деб ойтур эрдилар, молдор ва соҳиби жоҳ киши эрди, тўй бериб эрди, Самарқанддин хонанда ва созанда ва уду чангни киши йибориб, бу вилоятға келтуруб эрди. Бу кечадаким, ғавгойи азим бўлди, бир кишига мувофақат этуб, зарурат била Ўз манзилга яқин бориб эрдим, одамларнинг ҳамма овозлари, уду чанг нағмалари манга зикр овози кўрунур эрди, зикрдин бошқа ҳеч эшитмас эрдим. Ул вақтларда ўн саккиз ёшимда эрдим».

**Ҳазрати Эшоннинг бидояти ҳолда тажаррудлари ва
фақрлари зикрида турур.**

Ойтур эрдиларким: «Мирзо Шоҳрухнинг замонида Ҳирида бўлур эрдим. Манинг бир пулға қудратим йўқ эрди. Бир дастор бор эрдиким, кўҳна бўлғон, пора-пора бўлуб, ҳар ердин бир бўлоки осилғон, бирисини банд этсам, яна биридин кетиб осилур эрди. Бир кун Бозори Маликда борур эрдим, бир гадой мандин нимарса савол этди, манинг ҳеч нимарсам йўқ эрдиким, онга берсам. Дасторимни бошимдин олдим, ошпазнинг олдиға ташладим ва ойдим: «Бу дастор покиза турур, қазон ювғондин сўнг дастмол бўлур, сақлагил ва бу гадойға бир нимарса бергил». Ошпаз гадойға бир нимарса бериб, хушнуд этди ва дасторни адаби тамом оила манинг ёнимға келтурди. Ман қабул этмадим ва туруб кетдим».

Ойтур эрдиларким: «Кўб одамларға хизмат этдим. Манинг отим ва маркабим йўқ эрди. Бир йилда қабое кияр эрдимким, пахталари ташдин чиқар эрди. Ва уч йил муддатида бир пўстинли кияр эрдим. Ва ҳар уч йил муддатида бир тош тобон этук кияр эрдим».

Ойтур эрдиларким: «Мусофаратнинг авойида бир қиш Мавлоно Мусофир била Шоҳрухияда бўлдуқ. Хужрамиз бор эрдиким, эшиги кўчаға қараған эрди ва хужранинг ичи кўчадин кўб паст эрди ва ёмғур вақти хужрага лой ва сув кирар эрди. Саҳарлар масжидга борур эрдим, ул ерда намоз ўқур эрдим. Ва ул қишда манинг жомаларим кўб юбка эрди, баданимнинг нисфи афзали асло иссиғ бўлмас эрди».

Ойтур эрдиларким: «Жамбиятнинг асбобини ҳаммасин муҳайё этубмиз. Киши керакким саъй этса. Агар асбоби жамбиятни тафриқа ва бекорликға сарф этсалар улуг айб бўлур. Ва бизга ҳаргиз гурбатлардаким, бу ишнинг талабиға кетуб эрдук, икки ибриқ иссиқ сув таҳорат учун беташвиш қўлга кирмади. Шайх Баҳоуддин Умарнинг суҳбатларидин вузуву таҳорат учун гоҳо шаҳарға борур эрдук. Хотирға келур эрдиким, не бўлур агар Шайх ул миқдор этсаларким, шул ерда қишларда таҳоратхонада иссиқ сув фуқароларнинг таҳорат

Табаррук рисолалар

этмагига муяссар бўлса. Аммо муяссар бўлмас эрди. Биз ҳужраю шамъ ва таҳорат суйи ва таҳорат жойи ва ҳаммом ва мо-яҳтожким, ичмак ва емак ва киймак ҳаммасини асҳоблар учун муҳайё этуб қўюбмиз. Машоғилнинг ҳужумидин аввал фурсат бағоят ганимат турур».

Ва ойтур эрдиларким: «Беш йил Ҳирида бўлдим. Гоҳ бўлур эрдиким, бир ҳафта икки мартаба-уч мартаба Шайх Баҳоуддин Умарнинг уйларига борур эрдим. Бу муддатларда ул ерда икки мартаба нимарса едук. Сабаб ул эрдиким, Мир Ферузшоҳнинг биродари Мир Маҳмудшоҳ Шайх (Баҳоуддин Умар)нинг жойларига келиб эрди. Зоҳиран, бир қўй сўйиб, ош этуб эрдилар. Биз ва Мавлоно Саъдуддин (Кошғарий) ташқорида ўлтуруб эрдук. Олдимизга таом келтурдилар. Ва яна бир мартаба Шайх олма билан ифтор этдилар. Оларнинг тишлари солим эрди. Ва ул кунларда манинг тишим оғрур эрди. Бир андак олма мувофақат расминда едим».

Ойтур эрдиларким: «Биз ва Мавлоно Саъдуддин (Кошғарий) бир кун Шайх (Баҳоуддин Умар)нинг хизматиға бориб эрдук. Ул кунда ҳаво бағоят соф эрди. Хизмати Шайх хоҳладиларким, басте этсалар. Бизларга ойдиларким: «Мавлоно Жалолуддиннинг ёниға борингким, сизлар учун таом тайёр қилурлар». Ва бу Мавлоно Жалолуддин оларнинг биродари тариқалари эрди ва Хожа Сурманинг мазорларига мутаввали ва Шайх эрди. Ваҳоланки, ман ҳеч вақтда мутавалининг таомини еганим йўқ эрди. Шайхнинг буюрғонлари ваҳҳидин бордуқ. Ва Мавлоно Жалолуддин ул улуг ёфда даким, мазорнинг олдида воқеъ турур, бир балиқ тутган эрканлар, тахминан, йигирма мисқол бор эрди. Они каоб этиб бизларнинг олдимизга келтурди. Ва андин сўнг муддати мадидда муроқабаға машғул бўлди. Мавлоно Саъдуддинга ишорат этдимким, ташқари чиқолуқ. Жойимиздан турдуқ ва чиқиб кетдуқ».

Ойтур эрдиларким: «Усто Фараҳ Табризий марде эрдиким, Мирзо Шоҳрухнинг замонида соҳиби аёр¹⁰ ва

¹⁰ Бу сўзни араб ёзувида бир неча хил ўқиш мумкин ва улардан олтининг сифатини текширувчи, кўп иш кўрган ва айёр, алдовчи маънолари чиқади.

Ҳирининг саррофларининг ва заргарларининг улуғи эрди. Ва хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум хунаводаларига кўб иродати бор эрди. Ва ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳудин таълимға ва илтифоти хосға мушарраф бўлуб эрди. Ман Ҳирида кишининг таомини емас эрдим. Ул бу маънини билиб эрди. Моҳи шарифи рамазоннинг ғаррасида эрдиким, қасам ичиб эрди, агар онинг уйида ифтор қилмасам, хотини талоқ бўлурға, ҳийла этиб эрди. Зарурат юзидин рамазоннинг оқшомлари ул ерга бормоқ керак бўлди. Ондин кўб хизматлар ва шафқатлар кўрдим. Ва бизга ул замонда истеъдод йўқ эрдиким, онга хизмате била мукофот этсам. Ва бизга қудрат ва макнат пайдо бўлғанда вафот топиб эрди. Аммо, онинг ўғлиға маблағи ўн минг динор кабакий риюя этдук. Ва ондин бошқа хизматлар ҳам бажо келтурдук».

Ҳазрати Эшон умрлари ибтидосидин то интиҳосигача ҳаргиз кишидин ҳадя ва тухфа қабул этмадилар. Мавлоно Аҳмад Коризий алайҳир раҳма азиз киши эрди. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳу вафотларидан сўнг, ўз қўллари била оқ қўзи юнгидин игириб, нозук ва ҳарир қилиб, жомадор чакмон этиб ва анинг ҳамма ишида эҳтиётни маръий тутуб ва Кориз вилоятинин Самарқандға тухфа расмида йибордилар ва илтимос этдиларким, Ҳазрати Эшон они кийсунлар. Вақтеким, назари муборақларга келтурдилар, ойдиларким: «Бу жомани кийсак бўлур, валекин ондин садақа¹¹ нинг иси келур. Биз умримизда ҳеч кишидин бир нимарса қабул этмодук. Хизмати Мавлавийға биздин узрхоҳлиқ қилинг» деб. Бас, ул чакманни яна неча банд қоғоз била ҳадя расмида Мавлоно Аҳмад учун Коризға қайтариб йибордилар.

Бир кун Ҳазрати Эшон шаҳрдин неча фарсах узоқ бир саҳродин ўтуб борур эрдилар ва худдомлардан ва асҳоблардин неча киши жамъи касир сувора ва пиёда оларнинг миҳаффалари атрофида борур эрдилар ва ҳаво кўб иссиғ эрди. Ногоҳ узоқдин бир неча қора уй кўрунди. Ва ул ердин уч

¹¹ Форсчада «бўйи сидқ» дейилган.

Табаррук рисоалар

киши бу жонибга мутаважжиҳ бўлдилар. Ва бир нимарса ўзлари била ҳамроҳ олиб келтурдилар ва таъжили тамом била ул Ҳазратнинг йўлларидин тутдилар. Ва ул қара уйлуклар улуғи эрди. Бир семуз эчкуни бир кишининг бўйнида қўюб ва бир улуғ карсон тўла қотиқ, яна бир киши қўлида йўлнинг ўртасида Ҳазрати Эшоннинг миҳаффалари олдида тизини ерди қўюб ўлтурди. Ходимлар миҳаффанинг отларини сақладилар. Бас, ул ниёзмандлик юзидин ойди: «Эй, хожам, бу эчку ҳалол турурким, сизнинг мулозим ва худдомларингиз учун назр этубдурман. Бу карсон қотиқ покиза турурким, келтурубман, то сизнинг мулозимларингиз ичсунлар». Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Ман кишининг назрини ва ҳадясини олмасман. Эчкуни рамаға йиборгил¹². Аммо қотиқнинг баҳосини бериб олурман». Ойди: «Бу саҳрода қотиқнинг баҳоси ва қадри йўқ турур». Ҳазрати Эшон ойдилар: «Ман кишининг нимарсасини муфт олмасман». Бас, ходимға ойдилар, то бир шохрухий бер, деб. Ходим берди. Ул вақт қотиқни талаб этдилар, бир оз ичдилар. Бас, ҳамма сувора ва пиёда андин ичдилар ва равон бўлдилар.

¹² Форчада: «Ўзингни подангга қайтаргил».

**Ҳазрати Эшоннинг ғино ва тамаввуллари-
нинг ниҳояти камолга еткони-
нинг зикрида турур**

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Мабодийи ҳолдаким, Ҳирийда бўлдум, Ҳазрати Саййид Қосим Табризий қуддиси сирруху мулозаматлариға кўб борур эрдим ва олар таомларидин қолғон сарқитларини манга берур эрдилар ва ойтур эрдилар: «Эй, шайхзодаи Туркистоний, ондоғким, бизнинг бу нохушларимиз бизга қибоб¹³ бўлуб турурлар. Тез бўлурким, санинг дунёнг санга қибоб бўлур». Ва ул вақтеким, Ҳазрати Саййид бу сўзни ойдилар манда ҳеч дунё йўқ эрди».

Ҳазрати Эшон йигирма икки ёшларида эрдиларким, дойилари Хожа Иброҳим оларни Тошкандданким, ватани маълуфлари турур, таҳсили илм нийяти билан Самарқандга келтурдилар. Оларға ботиний шуглнинг галабаси улуми зоҳирийнинг таҳсилидин монёъ бўлди.

Ул ваҳҳдин бу силсилаи шарифа қаддасаллоху арвоҳаҳум маҳодимларининг мулоқотлари ва суҳбатлариға майл этиб, бу ишнинг талабига юз келтурдилар, ондоғким, бу мақсаднинг учлончи фаслида ирод топар.

Ва икки йил муддати Мовароуннаҳрда бу хонвода акобирлари пироманларида юрдилар. Ва йигирма тўрт ёшларида Ҳирот шаҳриға бордилар. Ва беш йил муддати Ҳиротда машойихи вақтлари била суҳбат тутдилар. Ва йигирма тўққуз ёшларида ватани маълуфлариға қайтиб келдилар. Ва ул ерда деҳқончилик қилиб, зироатға шугл этдилар. Ва бир кишига шерик бўлиб, онинг иттифоқи била бир жуфт ўкуз юрутдилар. Ва ондин сўнг Ҳазрати Ҳақ субҳонаху ва таъоло оларнинг зироатларида кўб баракатлар зоҳир этди.

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Эшоннинг молу маноллари, зиёу оқор ва гала рамалари ва абиду мавошийлари, асбобу амлаклари ҳадду андозадин ташқари эрди ва ҳийтаи ҳисоб ва доираи шўмордин зиёд эрди.

Иккиланчи мартабадаким, бу ҳуруф роқими Ҳазрати

¹³ Қибоб — яшириш, билдирмаслик, ўзини айёрликка солиш.

Табаррук рисоалар

Эшоннинг остонбўсиларининг шарафига мушарраф бўлди, оларнинг баъзи саркорларидин эшитдиларким, ул Ҳазратнинг мазраъалари минг уч юздин ўтуб турур. Ул вақтларда мушоҳада этулдиким, яна неча мазраъаларни сотгун олинди.

Ва ҳазрати Махдумий Мавлоно Абдурахмон Жомий куддиса сирруҳу китоби «Юсуф ва Зулайхо»да Ҳазрати Эшоннинг манқабатларида бу маънига ишорат этиб турурлар.

Байт:

Ҳазораи мазраъа дар зери кишт аст,

Ки зоди рафтани роҳи биҳишт аст.

(Мингта экинзор экин оститадир,

Яъни, жаннат йўлида юриш учун йўл озигидир.)

Ул фурсатдаким, бу ҳуруфнинг роқими остонбўслиқга мутаважжих эрди, Қаршиға келди ва кечаси Ҳазрати Эшоннинг баъзи саркорларининг манзилида бўлди. Ул ойди: «Ман Қаршининг жўйборининг соҳиби насақидурманким, Ҳазрати Эшоннинг минг уч юз мазраъаларидин бир мазраъа турур». Фақир сўрдиким: «Бу жўйборда неча жуфт авомил зироат бўлатурур?» Ойди: «Ҳар йил ёф қазмоқ учун бир қўш ўкузлик ердин бир киши чиқар, адад уч минг бўлур».

Бир кун Ҳазрати Эшон тақрир билан ойдиларким: «Ман ҳар йил хоссатан Самарқанд мазраъасидин Самарқанд тошиға сексон минг ботмон ғалла маҳсулимизнинг ушрини султон Аҳмад Мирзонинг девониға жавоб ойтурмиз». Ва ойдилар: «Ҳақ субҳаноҳу ва таъоло бизнинг молларимизда баракате қўюб турурким, ҳар хирманеким ҳарз эткучи соҳиби вуқуфлар минг ботмон ғаллани ҳарз этсалар, ўлчаган вақтда минг тўрт юз ва минг беш юз ботмон ғалла келур».

Мулозимлардин бир киши Ҳазрати Эшоннинг баъзи анборхоналарининг ғалласининг онга тааллуқи бор эрди, ойдиким: «Ғалланинг харжи гоҳо дахлидин зиёда келур ва йилнинг ахийрида кўрарманким, анборхонада ҳануз ғалла қўб боқий қолибдур. Ва бу ҳолнинг мушоҳадаси Ҳазрати Эшонға манинг яқиним зиёда бўлмоққа сабаб бўлур эрди».

Бир мартаба бу маънини Ҳазрати Эшондин истифосор этдим. Ойдилар: «Бизнинг молимиз фуқаро учун турур, мундоғ молға хосият шул турур».

Рашҳа. Бир кун Ҳазрати Эшон «Инно аътойнока-л-кавсар»¹⁴ ояти каримасининг маънисида ойдиларким: «Муҳаққиқлар бу оятнинг тафсирида шундоғ деб турурларким: «Бердим санга Кавсарни, яъни аҳадиятни касратда мушоҳада этмакни бердим». Бас, кишиким, бу машҳад онинг мақоми турур, ҳар оина зарроти коинотдин ҳар зарраким онга оина турурким, онда важҳи боқийнинг жамолини мушоҳада қилур. Бу янглиғ кишиким, Мусуво била мусаммо бўлгон шухуд ва тажаллийи вужуднинг зиёда бўлмоқиға сабаб бўлса, асбоби дунявий жамоли мақсудға нечук ҳижоб бўлур? Ва онинг маҳжублиғи нечук сурат боғлар?» Ҳазрати Махдудий (Абдурахмон Жомий) қуддиса сирруху китоби «Тухфат ул-Аҳрор»да Ҳазрати Эшоннинг манқабатларида бу маъниға ишорат этуб, ул ердаким ойтуб турурлар.

Маснавий:

*Зад ба жаҳон навбати шаҳаншоҳий,
Кавкабаи фақри Убайдуллаҳий.
Он, ки зи ҳуррияти фуқаро огоҳ аст,
Хожа Аҳрори Убайдуллоҳ аст.
Рўйи замин каш на сару на бун аст,
Дар назараш чун рўйи як нохун аст.
Як рўйи нохун чу ба даст оядаш,
кай ба раҳи фақр шикаст оядаш.
Лужжаи баҳри аҳадият дилаш,
Сурати касрат садафи соҳилаш.
Ҳаст дар он лужжаи ноқар боб,
Қуббан нўҳ тўйи фалак як ҳубоб.
(Убайдуллоҳнинг фақирлик юлдузи,
Жаҳонда шоҳаншоҳлик навбатини эғаллади.
Хожа Аҳрор Убайдуллоҳгина,
Фуқаро ҳурриятидан огоҳдир.
Унинг учун ер юзи на бошланишу на тугашдир,
(Ер юзи) унинг учун бир тирноқ юзичадир.*

¹⁴ «Албатта, Биз Сизга (Эй, Муҳаммад алайҳиссалом) Кавсарни бердик». (Кавсар, 1-оят)

*Битта тирноқ юзи унинг қўлига кираркан,
Қандай қилиб фақирлик йўлига зарар етсин.
Унинг дили аҳадият денгизининг қағридир,
Садаф кўплигининг сурати унинг соҳилидур.
Қағри йўқ бу денгиз туби ичида,
Тўққиз фалак қуббаси бир хубоб кабидир.)*

**Ҳазрати Эшоннинг хосуомидин коффаи аномга
нисбатан хизматлари ва шафқатларининг
зикрида турур**

Ҳазрати Эшон ибтидои ҳолларидин то маротиби камолларининг интиҳосигача ошно ва бегонанинг шафқати ва хизматиға, дўсту душманнинг ионати ва риоятиға ҳарис ва мавлий эрдилар. маҳофил ва мажолисларда хизмат этмоқда ҳамма кишига сабақат кўргузур эрдилар.

Ойдилар: «Вақте Самарқандда Мавлоно Қутбуддин Ҳайдарнинг мадрасасида бўлур эрдим, икки-уч касалниким, марази ҳасбалари бор эрди, таахҳуд ва бемордорлиқ қилур эрдим. Олар шиддати мараз сабабли бешуёр эрдилар, жомалари ва тўшакларини ювмоқға муҳтож бўлур эрди, ман ювар эрдим ва олардин дафъу рафъи изо қилар эрдим. Ва бу воқеа тез-тез бўлур эрди. Ва манга ҳам бемордорлиқ ва анинг лавозимни этган жиҳатимдин ҳасба бўлди. Бир кечаким, таби муҳриқ тутиб эрди, уч-тўрт кўза сув келтурдим, беморларнинг жамоларини ва тўшакларини ювуб, покиза этдим».

Ойтур эрдилар: «Вақтедаким, Ҳирида бўлдим, саҳарлар Ҳирининг ҳаммомиға борур эрдим ва одамларни ходими¹⁵ қилур эрдим. Гоҳ бўлур эрдиким, ўн беш-ўн олти кишига хизмат этуб, ул хизматда яхши ва ямон, оқу қора, озоду бандани фарқ этмас эрдим. Гоҳ шундоғ бўлур эрдиким, ҳаммомнинг гармхонасисида беш-олти кишига ходими этуб бўлгондин сўнг қочиб кетар эрдим, то ул кишиларга ужра бермак дағдаға бўлмасун. Ва агар бўлса ҳам мани тобмасунлар».

¹⁵ Ходими қилмоқ — уқалашдир.

Ва ҳаётларининг охирларида ойтур эрдилар: «Ҳаммомда бу тариқа хизматларни кўб этканимдин ҳаммомнинг ҳароратидин табиатга кўфта йўл топибдур. Бу жиҳатдин ҳоло ҳаммомга рағбат бўлмас». Ва ҳаммомга кам борур эрдилар, сабаби шул эрди, деб ойтур эрдилар.

Ойтур эрдилар: «Хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқаларида ҳиммат ва хотир масруф этмак ул бўлурким, вақтнинг муқтазоси не турур? Зикр ва муроқабат вақтеда ўлурким, ул вақтда хизмате бўлмасаким, ондин мусулмонга роҳате етушур бўлса. Ва хизматеким, кўнгул аларнинг қабулига сабаб бўлса, зикр ва муроқабатдин муқаддам турур. Ва баъзи гумон этуб турурларким, навофил ибодатга иштиғол этмак хизматдин авло турур, аммо хизматнинг самараси муҳаббат ва кўнгилларда тамкин турур. «Жубилат улқулубу ала ҳуббин ман аҳсана илайҳо», яъни кўнгуллар эҳсон эткучи кишининг муҳаббатига ва они дўст тутмоқга мажбул турур. Ҳаргиз навофилнинг асорат ва самарот ул асар ва самара ва натиҷаким, мўъминларнинг муҳаббатига бўлур, онинг била баробар бўлмас».

Ойтур эрдилар: «Ул маъноким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин ва оларнинг мутобийлари қаддасаллоху арвоҳаҳум осонлиқ била кишининг хизматини қабул этмай турурлар. Ва ул жиҳатданурким, хизмат ва тавозеъ эҳсон жумласидин турур, муҳсинга муҳаббат этмак зарурий ва муҳаббатнинг андозасида алоқа воқеъ. Вақтеким, олар тамоми ҳимматларини жамъ қилмоқ била нафйи халқга машғул турур ва хоҳламасларким, оларга ҳечгуна алоқае бўлса, Бас, заруратдин саъйу эҳтимомлари бўлурким, то эта билсалар хизмат этурлар ва қабули хизмат қилмаслар. Ва одамедин хизмат қабул қилурларким, онда ул истеъдодни топсаларким, кун-кундин оларнинг тариқа ва таврларидин баҳраманд бўлсалар. Ва онинг оламдин алоқаси оларнинг илтифоти хотирлари ва қабуллари сабабидин камроқ ойланса ва онинг ботини жамбиятдин олами маъмур ва мунаввар бўлса».

Табаррук рисоалар

Ва ойтур эрдиларким: «Ман бу тариқни суфийянинг китобларидин олгоним йўқ турур, балким одамларнинг хизматидин олдим, на улким манга ўргатган бўлсалар. Аммо хизматнинг хосияти шул турур».

Ойтур эрдиларким: «Ҳар кишини бир эшиқдин келтирубдурлар, мани хизматнинг эшикидин келтуруб турурлар, бу жиҳатдин турурким, хизмат манинг марзом ва мухтор ва маҳбубам турур. Ва ҳар кимга умидворлиқни бўлса, хизмат буюрурман».

Ва бу байтни ўқудилар:

*Ҳиммати хизмат туро ба кунгураи кибриё кашад,
Он сақфгохро беҳ аз ин нардобон махоҳ.*

*(Хизматга ҳиммат кўрсатиш сени кибриё кунгурасига
етказади,*

У томни бу нарвондан яхши деб билма).

Ҳазрати Эшоннинг оммаи халойиқга нисбати риояи адаб ва ҳурматлари зикрида турур

Ҳазрати Эшон хало ва малода камоли адаби зоҳирий ва ботиний била муттасиф эдилар. Суҳбатда ва хилватда одоби зоҳирий ва ботинийни риоя қилур эрдилар.

Бу ҳуруфнинг роқими ул майманат авқотлардаким, ул Ҳазратнинг остонаи валоят ошёнларига мулозим эрди, кеча ва кундуз хизмат ва мулозаматга мувоамат эрур эрди, аввалги мартабада тўрт ой муддати ва иккиланчи мартабада саккиз ой муддати ҳаргиз кўрмадиким, Ҳазрати Эшон ҳамёза эткон бўлсалар ё суфра ё қайри суфра била балғам ё суве муборак оғизларидн чиқариб тошлағон бўлсалар ва бурунларин симкурған бўлсалар. Ва ҳаргиз кўрмадиким, хало ва мало ичида кеча ва кундузнинг авқотларидин бир вақтида мураббаъ ўлтурғон бўлсалар.

Хизмати Мавлоно Абу Саъид Ўбаҳийким, ул остоннинг мулозимларининг жумласидин эрди, ўттиз беш йил муддати ул остонга манглайн суртиб эрди, шундоғ ойдиким: «Ул муддатлардаким, мулозамат ва хизматга қиём кўргуздим, ҳеч бир суҳбатда ва хилватда ҳаргиз кўрмадиким, узумнинг донасини ва пўстини, олма ва амруд ва беҳи ва буларга ўхшаш

меваларнинг пўстини муборак оғизларидин чиқариб ташлагон бўлсалар. Ва ҳаргиз кўрмадимким, бурунларин симқурган бўлсалар ва ё оғизларидан балғам чиқариб ташлагон бўлсалар, бо вужуди назла ва зўком бўлур эрдилар. Ва ҳар нарсаиким, табиатларнинг кароҳати ва нафратига сабаб бўлса, ул Ҳазратдин мушоҳада этулмади. Ва ҳеч бир узвларидин номақбул ҳаракатлар содир бўлмас эрди. Ҳамиша хало ва малода камоли адаб ва ҳусни муомала била мутаҳаққиқ ва мутахаллиқ эрдилар».

Жаноби нақобат маоб Саййид Абдулқодир Машҳадий султон Абу Саъид Мирзонинг замонида Самарқандга келиб эрдилар ва Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларини топиб эрдилар. Ойтур эрдиларким: «Бир неча Мир Мазид Арғун маҳаллайи Кашфирда Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға келди ва доия қилдиким, ул кеча оларнинг суҳбатида эҳё этса. Фақир ул мажлисда ҳозир эрди. Вақтеким, намози хуфтонни ўқурдилар (Ҳазрати Эшон) ойдиларким: «Мир Мазид бизнинг меҳмонимиз турур, хоҳларким, бизнинг била бу кеча ихё этсак ва меҳмон тарафни риоя этмак лозим турур. Биз баъзи ёронлар била ўлтурмоқ истармиз, сизлар ёш йигитлар турурсизлар, боринглар, ётиб уйқуланглар, агар кўнглингизга тушса саҳар келинглар». Ман ойдим: «Агар ижозат берсангиз, фақир ҳам бўлурман». Ойдилар: «Агар ўзунгизда ўлтурмоқға қувват топсанг, монё йўқ турур». Фақир, яна асҳоблардин уч киши ул мажлисда ўлтурдуқ, ва ман кечанинг аввалидин то тонг отгунча оларнинг аҳволиға мутараққиб эрдим. Шул икки тизининг вазьидаким, кечанинг аввалида ўлтуруб эрдилар. Асло ва қатъан бу зонудин ул зонуға ойлануб ўлтурмадилар ва мутлақо ҳеч узвларидин ҳаракат содир бўлмади, то вақтеким, намози таҳажжудга турдилар. Вақтеким, намоздин фориг бўлдилар яна шул тариқа ўлтурдилар, тамкин ва виқор юзидин бар қарорда бўлуб, то тулуъи фажр бўлгунча нуъос ва пинакнинг асари олардин зоҳир бўлмади. Ва фақир бовужуди йигитликнинг қуввати била ҳар бир соат ва икки соатда бу оёқдин ул оёқға ва бу зонудин ул зонуға ойланур эрдим ва такаллуф била уйқуни ўзумдин узоқ қилур эрдим. Ва Мир Мазид ҳам

Табаррук рисолалар


Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари баракатидан озроқ ҳаракат қилур эрди бовужуди мартуб эрди. Ва уйқунинг муқаддималари ҳам ондин зоҳир бўлмади. Олар шундоғ муроқиб эрканлар то тонг отди, ондин сўнг намози бомдоднинг суннатиға турдилар ва намози бомдодни намози хуфтоннинг таҳорати бирла ўқудилар. Бу ҳолатнинг мушоҳадаси фақирнинг таҳаййуриға ва таажжубиға мужиб бўлди ва оларға нисбати хусни эътиқод зиёд ва ихлоснинг зиёда бўлмоқиға сабаб бўлди.

Ҳазрати Эшоннинг асҳобларға ва сойир дарвишларға нисбатан ийсор ва шафқат ва марҳаматлари зикрида турур

Ҳазрати Эшоннинг лутфу карамлариға ниҳоят ва ҳад йўқ эрди ва ҳамиша ўзлариға меҳнат ва машаққатни ихтиёр этуб, асҳоблар ва худдомларнинг фароғат ва роҳатларини ўз нафслариға ийсор этар эдилар. Ва хизмати Мир Абдулаввал алайҳирраҳма, ўз «Масмуъот»ларида ёзиб турурларким, бир мартаба баҳорнинг аввойилида мулозим ва ходимларидин Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида Каш вилоятиға борур эдилар, кундуз кеча бўлди. Заруратдин ул кеча тоғнинг аросида таваққуф этдилар ва худдомлар чодир қурдилар. Намози шомдин сўнг ёмғур тутди. Ҳазрати Эшон ойдиларким: «Манга бу чодирнинг таҳоратида тараддуд бор турур, ман бу ерда бўлмасман, асҳоблар ул ерда чодирда бўлсунлар» деб, бу бобда лутф этиб, муболага қилдилар. Ва бир чодирдин зиёда ҳамроҳ эрмас эдилар, оларнинг мужиби била фуқаро ва асҳоблар ул хаймада бўлдилар. Ва ул кеча то кундуз бўлгунча ёмғур ёғди ва селлар оқди. Вақтеким сабоҳ бўлди, намози бомдодни ўқидилар, баъзиға иноят этуб, шундоғ ойдилар: «Шарм этдукким, биз хаймада бўлуб ва асҳоблар ёмғурда бўлсалар». Ва ул нимарсаким, хайманинг ҳақида ойдилар, сатр эркан, то ёронлар бетараддуд бўлсинлар.

Асҳоблардин баъзилар нақл этдиларким, бир мартаба тобистон фаслидаким, ҳаво бағоят иссиғ эрди, Ҳазрати

Эшон Бўзовард деган мазраъалари жонибиға таважжуҳ этдилар. Фуқаро ва асҳоблардан жамъи мулозаматларида эрдилар. Ул мавзеънинг мазориъларининг бир олочуғлари бор эрди, они Ҳазрати Эшон учун барпо қилдилар, асҳобларға ҳаё монё бўлур эрдиларким, олар бирла бир жойда ўлтурсалар ва ондин бошқа соя йўқ эрди. Вақтеким, ҳаво иссиғ бўлмоқ оғоз этди, Ҳазрати Эшон от талаб этдилар ва ойдилар: «Хоҳлармизким, баъзи шудгорларни кўрсак». От миниб, сахроға чиқиб, офтобда сайр этар эрдилар. Вақтеким, ҳаво бағоят иссиғ бўлса обканда ва жарларнинг соясидаким, ҳамма баданлариға вафо этмас муборак бошлари сояда бўлуб, то ҳаво мўътадил бўлунча, бу тариқа истироҳат қилур эрдилар. Ондин сўнг ул олачуғға келур эрдилар. Неча кунким, ул ерда бўлсалар, муомала бул эрди. Бил-ахийра асҳоблар маълум билдиларким, Ҳазрати Эшон ул отланиб юрмакни ва офтобда сайр этмакни асҳобларининг роҳати ва фароғати учун ихтиёр этибдулар.



ИККИЛАНЧИ ФАСЛ

Хавориқи одотларининг зикридаким, Ҳазрати Эшоннинг авлоди куммаллари ва асҳобларидин бошқа аҳли замондин ва баъзи азизлардин нақл этибдурлар.

Баъзи маходимлардин шундоғ эшитдим: бир кун ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошгарий* Ҳазрати Эшон била кеча-кундуз мусоҳабат этдилар. Улар Ҳазрати Эшоннинг ёнларида таҳассур ва таассуф этар эрдиларким: «Дариф бу беҳосил умрдинким, бу умматнинг кибор авлиёлари ва қутби замонларининг суҳбатларидин узоқ ўтадур, саъй этмак керакдур ва ўзни бу тоифанинг суҳбатиға етурмак керакдур, бўлғойким, оларнинг суҳбатларининг юмнидин ва мулозаматларининг баракатидин ҳузури дил ва жамияти ботин пайдо бўлғай, даруний нафсоний душманларнинг шарридин фароғат бўла билғай!» Ва (Мавлоно Саъдуддин) сўзни бу орзуда ва тоифанинг талабида дуру дароз этдилар ва қўб муболага кўргуздилар.

Ҳазрати Эшонға фаросати Илоҳийнинг нури била маълум бўлуб эрдиким, ҳазрати Мавлоно Саъдуддин ўтган кеча ўзларига андиша этиб эрдиларким, манинг ҳеч кишиға эҳтиёжим йўқтур ва тариқ равшан турур, иш этмак керак ва ўзи(-м)га ташвиш бермак керак эрмас ва одамларнинг мулозаматлариға бормоқға ва бошқа тараддуд этмакка ҳожат йўқ турур!

Ҳазрати (Эшон) Мавлоно Саъдуддинға ойдиларким: «Сиз кеча ойтмадингизмуким, эмди манга ҳеч киши(га) эҳтиёж йўқдур ва ўзимга ташвиш бермак керак эрмастур ва сўзниким ҳозир ойтурсиз, бору ул андишанинг нақизи турурким, кеча ойдингиз?!»

Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Ҳазрати Эшоннинг ишроқларидин бошқа ҳол бўлди ва таҳқиқ билдиларким, ҳазрати Эшоннинг итгилоълари ва ишроқи тамомлари бор турур, мундин сўнг аксари авқотда Ҳазрати Эшонға ойтур

* Абдурахмон Жомийнинг пири.

ердиларким: «Сиз эта билурсизким, бизга шундоғ суҳбат тутунг ва илтифот этунгким, сизни мажлисингизда хотиримни жамъ топсам, нечун таъжир ва таваққуф қилурсиз?!»

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Ман хизмати Мавлоно Саъдуддинга шундоғ ихтилот этур эрдимким, аксар одамларга мазанна ул эрдиким, магар ман оларнинг муриди турурман, лекин ботин юзидин олар ҳамиша мандин мустамид эрдилар ва шул сўзни ойтур эрдилар!»

Қозийи Андижон Ҳазрати Эшон атрофларида кўб бўлди ва доияси ул эрдиким, они сарафроз этиб, тариқа таълим берсалар ва Ҳазрати Эшон мутлақо илтифот этмас эрдилар ва ўзларини бу маънига келтирмас эрдилар. Ва ул бу жиҳатдин бағоят мутааззий ва мутааллим эрди. Бир кун баъзи мухлислар суҳбати хавосда Ҳазрати Эшоннинг ёнларида эрканлар ва ул Ҳазратнинг баста тамом била ўлтурғон ҳолларида ойтибдурким, Қозийи Андижон кўб вақт турурким, они кўз тутар, мулозимлари онга иноят назарларини этиб, тариқа таълим берсалар!» Ҳазрати Эшон ойдилар: «Ҳар кишининг ботинида раёсат ва жоҳ талаби бўлса тафаррус қилурмиз, агар ҳама ул бўлсаким, ўн йилдан сўнг онинг асари зоҳир бўлмоқчи бўлса, хуш келмасдурким, хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқларидин онга сўз ойтсам!»

Баъзи асҳоблар ойдиларким: «Ман Ҳазрати Эшоннинг сўзларининг таърихин ёдимда сақладим, ондин сўнгким, ўн йил муддати ўтди ва Ҳазрати Эшон дунёдин рихлат этиб эрдилар, ул қози Андижон вилоятида бир қавмнинг раиси ва меҳтари бўлдилар ва ул диёрнинг аҳлига мадорун илайҳ ва маржуъун илайҳ ойланди. Лекин, хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқаларидин баҳраси йўқ эрди.

Самарқандий бир толиби илмким, ўзини соликларнинг табақасидин тутар эрди, кўб вақтлар Ҳазрати Эшоннинг атрофларида бўлуб эрди. Ул Ҳазрати Эшоннинг илтифоти хослариға зоҳиран мушарраф бўлғони йўқ эрди. Ондоким, бир кеча бу фақирға ойтур эрдиким, йигирма саккиз йил муддати турурким, Ҳазрати Эшоннинг атрофларида бўлурман, василалар топарманким, шояд иноят этуб, тариқа

Табаррук рисолалар

этсалар. Ва Ҳазрати Эшон мунча муддатларда ҳеч раҳм этмадилар ва маъни муяссар бўлмади. Гоҳ-гоҳ ул хаёлға кетарманким, Ҳазрати Эшонға пичоқ урсам ё ўзимни ўлтурсамким, эмди менинг тоқатим тоқ бўлуб турур, Ҳазрати Эшондин ҳеч асари марҳамат зоҳир бўлмас.

Ва ул таърихдин сўнгким, бу сўзни манга оиди, ул Ҳазратнинг то ахийри ҳаётларигача яна шул умид бирла атрофларида бўлди, ҳеч иши кушойиш топмади. Ва асҳобнинг ҳаммалари бу маънидин мутаажжиб ва мутаҳаййир бўлдилар, то ул вақтгачаки, Ҳазрати Эшон дунёдин нақл эттилар. Ва ул Ҳазратнинг вафотларидин неча йил ўткандин сўнг ўзбекни хони Самарқандға муставли бўлди ва ул толиби илмға ул замонда жоху мартаба пайдо бўлди. Ва баъзи одамлардин эшитилурким, ҳазрати Хожа Муҳаммад Яҳё ва авлоди бузругворларининг қатлида ул толиби илм саёе балиг этибдур. Ва ул ҳодисаи узмонинг вуқуъидин сўнг, асҳобларға маълум бўлдики, Ҳазрати Эшоннинг беилтифотлариға мўжиб онинг инҳирофи ботини эрканким, Ҳазрати Эшонға ондин қирқ йил аввал маълум бўлуб эрди.

Мухлислардин бири нақл этибдурким, мандин ҳафвае воқе бўлди, хижолат пардасида қолдим, неча кунлар Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға етуша билмадим. Вақтиким бу маъни узоқға тортди, ўзумга ойдим: «Жаройим сабабли қолмоқ ва маҳжуб бўлмоқ ва авлиёнинг суҳбатини тарк этмак хазон ва зиёнкорликнинг ниҳояти турур, ҳар нимарса бўлса бормоқ керак!» Вақтиким мутаважжих бўлдим юз хижолат ва инфийол била, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳунинг руҳи шарифларининг тарвиҳи учун «Фотиҳа» ва сураи «Ихлос» ўқудим ва оларни шафиё келтурдимким, мандин ўтуб, афу этсалар. Вақтиким Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бордим, манга назар этдилар ва ойдиларким: «Агар доимо «Фотиҳа» ва сураи «Ихлос» ўқумоқ била Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг руҳи шарифларини шафиё этмак муяссар бўлса қўб яхши турур, аммо, воқеда булар била бўлмасдур, керакким, киши доим ул-авқот ўз аҳволиға мууроқиб бўлсун то амри номарзи ондин вужудға келмасун!»

Ҳазрати Эшоннинг камоли ишроқларидин манинг ҳолим бошқа бўлди ва ул Ҳазратнинг илтифотлари воситаси била мундин сўнг ул ҳафавотларнинг амсолига мубтало бўлмадим.

Мирзо Шоҳрухнинг замонидаким, Ҳазрати Эшон Ҳиротда эрдилар, Мавлоно Шайх Абу Саъид Мужалладийким, бир азиз эрди ва ул азиз ул маҳалдаким бағоят соҳибжамол ва покиза маъош йигит эрдилар ва Ҳазрати Эшоннинг онга илтифотлари ва гўшаи хотирлари бор эркан. Ул ҳикоят қилур эрдиким: «Йигитлик айёмида ва Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари овонида ондоқким ёш йигитлик муқтазоси турур, бир мартаба манга бир жамила хушрўй хотун била мулоқот этмак иттифоқ тушди. Ва ул манинг манзилимга келди ва хоҳладиким онинг била суҳбат этсам. Бу аснода Ҳазрати Эшонни овозларини эшитдимким, ойдилар: «Ҳой Абу Саъид, на иш қилурсан?!» Манинг ҳолим бошқа бўлди ва ҳайбати азим ва хавфи рўъби қавий манинг кўнглумга ғолиб бўлди, ондоқким, аъзомга қалтиратма тушди. Ўрнимдин турдим ва дарҳол ул хотунни манзилдин тишқори чиқардим. Бир замондин сўнг Ҳазрати Эшон келдилар. Вақтиким ул Ҳазратнинг назарлари манга тушди, ойдилар: «Агар Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг тавфиқи ёри бермаса эрди, шайтон санинг ниҳодингдин дуд чиқарар эрди!»

Ва яна ул ҳикоят этдиким: «Бир мартаба манга шаробни ҳаваси бошимга тушди. Маҳраимга ойтдимким: «Вақти кечадин бир оз вақт ўтса бир кўза шароб манинг учун келтиргил!» Ул маҳрам кечанинг ёримида бир кўза шароб келтурди. Ман ўчоқни устидин фўтамни йибордим то ул кўзани фўтани учига боғлади. Ман юқоридин тортдим ва кўза деворга тегди. Вақтиким ўчоқни устига яқин етиб эрди, тугуни ешилди ва кўза ерга тушди ва синди. Ва ман ул сувратдин малул бўлдим ва ётиб уйқиладим. Ва эртанг била турдим ва синғон сифолларни деворнинг тагидин узоқга олиб ташладим ва ерни покиза этдим ва шаробнинг иси зойил бўлди. Вақтиким сабоқ бўлди Ҳазрати Эшон илтифот этиб келдилар. Аввал сўзиким ойдилар, бу эрдиким: «Кечани ёримида

Табаррук рисоалар

ўчоқнинг устидин тортгон кўзанинг овози бизни қулоғимизга етушди, агар ул кўза синмаса эрди, бизнинг кўнглимиз синур эрди ва санга бизнинг мулоқотимиз мундин сўнг суврат боғламас эрди!» Ман кўб хижил ва мунфатил бўлдим ва кўнглумдин бозгашт этдим ва кўнглумнинг юзини батамом Ҳазрати Эшоннинг тарафиға келтурдим!»

Мухлислардин бир азиз нақл этдиким, Ҳазрати Эшон Ҳисорнинг сафари ва Мавлоно Яъкуби Чархийни мулозаматларидин қайтиб, иккиланчи мартаба Ҳиротға келдилар, йўлни гирдиан мухлисларнинг бирининг манзилигаким, Дарвозаи Маликни ташқарисида бўлуб, касби ҳалолга шуғл этар эрди ва хожাগон қаддасаллоху арвоҳаҳум хонадонларидин, хусусан, Ҳазрати Эшонға кўб ихлоси бор эрди, бордилар. Ва иттифоқан ул кунда дўстлардин бир жамоа оларға меҳмон эрдилар ва олар била бир соҳибжамол йигит отоси бирла ҳамроҳ эрди. Ҳусну малоҳат ва покизалик била шаҳарда машҳур ва алсинада мазкур эрди. Ва таом еб бўлуб дастурхонни олиб кўюб, хиёбонни сайр этмак доиялари бор эрди. Вақтиким ул мухлис Ҳазрати Эшонни кўруб оёқлариға йиқилиб кўб ниёзмандликлар зоҳир этди ва ҳаддан зиёда тавозуь кўргузди, ондоғким, меҳмонлар мутаҳаййир ва мутаажжиб бўлдилар, нечунким, Ҳазрати Эшонни танимас эрдилар. Ул мухлисга мувофақат этиб, андак олар ҳам таважжуҳ этдилар. Аммо ул йигит ҳусниға мағрур бўлуб, ўрнидин турмади ва Ҳазрати Эшонға илтифот этмади. Ул мухлис ҳикоят этибдурким, вақтиким Ҳазрати Эшон ўлтурдилар, ман илгари бордим ва тизимни кўюб ойдим: «Ёронлар ҳоло таом этдилар, ўчоқни ўти ўчкони йўқ, ҳар таомким марғуб бўлса, онинг табхиға қиём кўргузурмиз!»

Ҳазрати Эшон ло ва наъам била жавоб бермасаларидин аввал ул йигитким, кўшту ва тамошоға ҳавас эрди ва хоҳладиким, мани ҳам ҳамроҳ олиб кеткай, беадабона ойди: «Бу ғариб одам учун муҳозир бўлса келтурунг, ҳоло таомдин ҳамма мустағний бўлдилар, кишига таом пишурмак мажоли йўқ турур». Ва Ҳазрати Эшонким, аввали тақаббурни ондин кўрдилар ва бу сўзни эшитдилар оҳиста ойдилар, ондоғким ман эшитдим: «Эй, хушрўй йигитким,

хуснингга мағрур турурсан, агар сенинг юзунгни шул суҳбатда қаро қилмасам гуноҳ манда бўлсун». Бас, баланд ойдиларким: «Узоқ йўлдин келурмиз ва оч турурмиз ва иссиғ шўрбоға рағбатимиз бор турур». Ва ман дарҳол турдим, бир оз гўшт ва биринж ва наҳуд ва боқий мусолиҳ ва ҳавой-ижларни ҳозир этдим.

Ул аснода Ҳазрати Эшон бир оз сукут этдилар, ул йигитни кўнглини ўз тарафларига мунжазб ойландирдилар. Ногоҳ кўрдимким, ул изтиробни тамом ва бетоқатлиқ юзидин ўрнидин турди ва Ҳазрати Эшоннинг олдиға келди ва ойди: «Агар рухсат берсангиз ман бу хизматни бажо келтурайин!» Ойдилар: «Не монёе турур?!» Кўрдимким, ўчоқнинг ёнига келди, энглари йиғнаб, этақларини белига қистуруб, мани ўчоқнинг ёнидин турғузуб, ўзи ўт ёқмоқға машғул бўлди ва ўтнинг ҳароратидин юзи терлаб, қизариб эрди ва қўллари чала ёнган ўтундин қаро бўлди. Неча мартаба қаро бўлгон қўли била юзининг ва манглайининг терларин супуруб, икки юзи ва манглайи ҳам қаро бўлуб эрди. Отоси ва ёронлари они ҳозир этдилар ва ойдилар: «Юзингни ювғил!» Ул йигит зарофат тариқи била ойди: «Ан-нуру фи-с-саводи»¹⁶. Ва қасамёд этдиким: «Бу қароликни келтурмасман магар ондин сўнгким, Ҳазрати Эшоннинг олдиларида таом келтуруб кўёрман!» Вақтиким Ҳазрати Эшоннинг олдиларида таом келтуруб қўйди, бориб қўл-юзини ювди ва таҳорати комил эткондин сўнг келиб, адаби тамом бирла Ҳазрати Эшоннинг олдиларида ўлтурди ва таом емакда мувофақат этди. Ва онда Ҳазрати Эшонға алоқаи ҳубби азим пайдо бўлди ва то Ҳазрати Эшон Ҳиротда эрдилар доимо мулозамат қилур эрди. Ва Ҳазрати Эшон ҳам онга назари иноят қилур эрдилар.

Ҳазрати Эшоннинг муҳибларидин бир азиз нақл этдиким: «Манинг Ҳазрати Эшонға пайвасталигимнинг сабаби ул эрдиким, бир қизға ошиқ эрдим ва майлим ниҳоятға етушди, беқарор бўлдум ва ул қизни манга бермас эрдилар. Вақтиким ҳусули муроддин ожиз бўлдим, ўзимга фикр этиб, бир ҳийла топдим ва никоҳға ёлгон гувоҳларни тайёр этдим

¹⁶ Зулматдаги нур.

Табаррук рисоалар

ва Фаркатга мутаважжих бўлдимким, қозига борайин ва даъво этайин ва гувоҳларимни ўтқарайин. Иттифоқо ул қози Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларига келиб эрди. Ман ҳам Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларига бордим ва қози ул маҳалда оларнинг ёнларида эрди. Қиссамнинг Ҳазрати Эшоннинг арзларига етурдим. Ойдилар: «Биз тилармизким, бу қиссадин ўтсангким, санинг нафасингдан бўйи сидқ келмай турур. Ул Ҳазратнинг сўзларидин манинг кўнглумга бир нимарса кириб, мани мутағаййир қилдилар. Дарҳол ул муҳимдин ўтдим ва ул жамоага хусуматимни қатъ этдим. Ҳазрати Эшон Тошканд азиматиға отландилар ва отланур вақтида ман тарафга назар этдиларким, ниҳодимға ўт тушди. Ҳар нечаким хоҳладим таваққуф этайин, эта билмадим ва беихтиёр мандин фарёдлар чиқар эрди. Аввалги тааллуқнинг қиссасини фаромуш эгдим ва жонсўз тааллуқ бу ерда воқе бўлди.

Улуғ қор тушуб эрди, муҳаббатнинг ниҳоят ҳароратинин оёқимдин музаларимни чиқардим ва оёқяланг ул қорда Ҳазрати Эшоннинг изларидин югурдим то Тошкандга борилди. Ҳазрати Эшон ҳужраларида ўлтуруб эрдиларким, ман етушдим. Ўт ёқиб эрдилар, ишорат этдиларким, ўтға яқин ўлтурғил, ўзлари ташқариға чиқдилар. Ул таърихдин сўнг Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида ором тутдим ва асло бошқа тааллуқнинг дағдағаси кўнгулга тушмади ва билкуллийа халос бўлдим.


Муҳиблардин бир азиз нақл этибдурким: «Ҳазрати Эшоннинг шарафи мулозаматлари ва иродатлари мушарраф бўлмасдин аввал кўнгул бир соҳибжамол йигитнинг ҳусни суратиға гирифтор эрди, тааллуқ ва муҳаббат муақкад бўлди. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг суҳбатлариға етушдим, ул суҳбатнинг таъсири сабабидин хотирнэнг тааллуқи батамом соҳти сийнадин маҳв бўлди ва онинг ўрниға кўнгул Ҳазрати Эшонға гирифтор бўлди. Бир мартаба Тошкандда Ҳазрати Эшоннинг ёнларида ўлтурур эрдим, ул йигитнинг суратини кўнгилдин ўтқардим. Ногоҳ бирдин манга мутаважжих бўлдилар ва ул йигитнинг отини тутдилар ва ойдиларким: «Онинг ишини барҳам урдуқ ва алоқасини қатъ

этдук, они на қилурсан?» Ваҳоланким, бу сувратға ҳеч офариднинг иттилоғи йўқ эрди, бу маънининг мушоҳадаси манинг Ҳазрати Эшонға яқин бўлмоқимнинг зиёда бўлмоқига сабаб бўлди.

Муҳиблардин азизе нақл этибдурким: «Рўзи жумъа масжиди Жомеъға бордим ва масжиддин чиқар вақтда Ҳазрати Эшоннинг худдомларидин жамъега мулҳақ бўлдим. Олардин бири ёронларни бозорнинг таомиға истидъо этди. Ошпазнинг дўкониға кирдук. Иттифоқан, подшоҳлиқ йигитлардин шул дўконда ўлтуруб эрдилар, кўб хушрўй эрдилар, ажибу ғариб шаклу шамойиллари бор эрди. Ман ёронларға ойдимким: «Бу йигитларнинг тарафиға назар этмасизлар?» Ёронлар ойдилар: «Бу амри намашруъ турур, бизларни онга нечун далолат қилурсан?» Ман ойдим: «Назар агар шаҳват бирла бўлса номашруъ турур, аммо, агар шаҳватдин пок бўлса не зарар турур?» Ва назарлар воқе бўлди.

Вақтиким Ҳазрати Эшоннинг мажлиси шарифларига келдук, ойдилар: «Не ердин келурсизлар?» Ойтдук: «Масжиди Жомеъдин келурмиз». Ойдилар: «Бемаъни сўзламанглар, масжиди Жомеъға бормоқнинг боиси одат турур». Ва тундликнинг асари Ҳазрати Эшондин зоҳир бўлди ва ойдилар: «Ошпазнинг дўкониға кириб, соҳибжамол йигитларға назар этарсизлар ва баъзиларингиз машруъ турур, деб ойтурсизларким, агар назар шаҳватдин пок бўлса зарари йўқ турур». Бу аснода манга мутаважжих бўлдилар ва ойдиларким: «Ман бешаҳват назар эта билмасман, не ердин пайдо бўлдингким, бешаҳват назар этарсан?»

Баъзан маходимдин эшутилдиким, Ҳазрати Эшон ойтур эрдилар: «Юз мартаба бағрим қон бўлур, то соҳибжамоледин саломат ўтарман». Асҳобнинг аъйизаларидин баъзилари нақл этибдурларким, бир кун Ҳазрати Эшон Тошкандда муроқиб ўлтуруб эрдилар, мухлислар ва махсуслардин жамъе ул мажлисда муроқиб эрдилар ногоҳ Ҳазрат бош кўтардилар, танаффур ва таваҳхушнинг осори муборак башараларидин зоҳир эрди. Ойдилар: «Ҳоло шундоғ зоҳир бўлдиким, бир улуг қанжиқ эмчақлари тўла сут пайдо бўлди ва тўққуз кучук била ҳамроҳ бўлуб манинг



Табаррук рисоалар

мажлисимга келурлар». Ҳазрати Эшон бу сўзда эрдиларким, узоқдин ўн киши пайдо бўлди ва Мавлоно... эрди, тўққиз шогирди била Ҳазрат Эшонни кўрмакка келур эрдилар. Вақтиким суҳбатда ўлтурдилар, Ҳазрати Эшон таом келтурмак учун ўрнуларидин турдилар ва ҳарамга кирдилар ва олар учун таом йибордилар. Вақтиким ул жамоат кетдилар, Ҳазрати Эшон ташқари чиқдилар.

Бир кун Хуросондин бир кишиким, они Қутби Саводхон дер эрдилар, Ҳазрати Эшоннинг мажлиси шарифларига келди ва ул фосиқе эрди муаллан ва шўрби хамрға мудминким, ақойиди фосидаси бор эрди ва Ҳазрати Эшоннинг ёнларига ҳаргиз келгани йўқ эрди. Вақтиким ўлтурди, ул Ҳазрат они зажр била мажлисларидан қовдилар. Хизмати Мир Абдул Аввал ул мажлисда ҳозир эрканлар, хотирларига келтурубдурларким, бир ғариб киши ихлос ва ниёзмандлик юзидин мулозаматга келибдур, агар они хушунат била қовмасалар не бўлур эрди». Ҳазрати Эшонга Мирнинг хотирига ишроқ бўлуб ойдиларким: «Бу кишини қовғонлиқни важҳи ул эрдиким, ул манинг назаримда сағбачани суратида кўрунур, сағбаччага мундин яхши муомала эта билмасман».

Мир Абдул Аввал ондин сўнг онинг ҳақиқати ҳолини маълум этдилар ва фисқу фужурига ва доимо шўрби хамр этарига эътиқодининг қабоҳати ва ибохатиғаға мутғалий бўлдилар. Билдимким, Ҳазрати Эшонни қовғонларининг сабаби ул эрканким, они сифат суратида кўруб эрдилар.

РАШҲА

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, бу умматдин масхи сураг* муртафиъ турур, лекин масхи ботин воқе турур. Масхи ботиннинг аломати ул турурким, соҳиби кабирага кабоирнинг иртиқобидин ботини мутааллим ва мутаассир бўлмас. Фусуқ ва маъосийга асрорнинг ниҳоятидин мартабага етган бўлсаким, вақти ондин кабирае содир бўлса ул кабиранинг изидин ботинида надомат ва маломат пайдо бўлмас. Ва агар онга танбеҳ кўргузсалар, онинг қасовати қалби мушобаҳаеда бўлурким, мутанаббих ва мутаассир ойланмас.

Хизмати Мир Абдулбосит ҳазрати нақобат манқабат Саййид Тақиуддин Муҳаммад Кирмоний алайҳир раҳманинг валади бузругворлари нақл этдиларким: «Ул фурсатдаким, Ҳазрати Эшон илтифот этиб хоҳладиларким, ўзларининг сўлбияи муҳаззараларини биродарим Мир Абдуллоҳнинг хуболаи ақдига келтурсалар. Мир Абдуллоҳнинг волидаси ул васлатда музояқа этмоқчи бўлди. Ҳазрати Саййид ойдилар: «Музояқанинг маҳали эрмас, бу саодатни ганимат билинг».

Волида хоҳладиким, ўз кўнглининг итминони учун Ҳазрати Эшонни имтиҳон этса. Ўн дастурхон тўла сут била ёф кўшулгон майда ундин бўлгон нон, ўн қути ҳалвойи таранжубиндин тўлгон ўн дастурхони Мисрийнинг орасидаким, ҳаммаси бир ранг ва бир нақшда, ул дастурхонларни ўраб, Ҳазрати Эшоннинг ёнлариға йиборди. Ул дастурхонлардин бирини ва ул қутилардин ҳам бирини ходимлардин пинҳон нишон этиб, хотириға олдиким, Ҳазрати Эшон, керакким, бу дастурхонларни ўз ёнлариға келтуруб, ондин бир нон

* Масхи сураг – бир шакл ёки кўринишдин бошқа бир ёмонроқ шакл ва кўринишга ўтиш. Худо ўн уч хил одамни ўн учта ёмон жониворга айланттирган, бу эса масх дейилади. Уларнинг ҳаммаси «Ғиёс-ул-луғот»да «масх» сўзи остида санаб ўтилган.

Табаррук рисоалар

олиб, синдуруб, бир оз тановул этиб ва фалон қутини талаб этсалар ва онинг ҳалвосидин қадре тановул этсалар, бас, ул дастурхоннинг нонини ва ул қутининг ҳолвасини алоҳида бизлар учун йиборса ва қолгон нону ҳалвони ҳозирларга қисмат қилсунлар.

Вақтиким, ходимлар дастурхонларни Ҳазрати Эшоннинг маслисларида қўйдилар, иттифоқан, ул кун Ҳазрати Эшон иморатнинг устида эрдилар ва қўб кишилар лой ишига машғул эрдилар. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг назари муборақлари дастурхонларга тушди, ул ўртадин икки дастурхонни ёнлариға олдурдилар ва иккисин ҳам очиб, нишон этилган дастурхондин бир нон синдуриб, икки-уч луқма едилар. Бир дастурхондин нишон этилган қутини кўтариб очдилар ва қадре ҳалво тановул этиб, ул хосса дастурхоннинг устида қўйдилар ва ишорат этдилар то иккисини ҳам дастурхонға чулаб, ходименинг қўлиғи бердиларким, ул ҳарамнинг маҳрами эрди, Мир Абдуллоҳнинг волидаси учун йибордилар ва қолгон нонларни ва ҳалволарни оларнинг ходимларининг ҳузурда ҳозирларга қисмат этдилар.

Вақтиким, Мир Абдуллоҳнинг волидаси бу кароматни мушоҳада этди, изтироб била ул нисбатнинг вуқуьда эҳтимом кўргузди ва шул кунда ул суратни итмомға еткурди.

Махфий қолмасунким, Амир Низомуддин Абдуллоҳға Ҳазрати Эшоннинг сулбияларидин беш ўғулу уч қиз фарзандлари бор эрди. Аввалғи ўғуллари Хожа Абдус Самийким, Мирзо Хованд лақаби била машҳур эрдилар. Султон Ҳусайн Мирзо анораллоҳу бурҳонаҳунинг замонида Ҳиротда шаҳид бўлдилар. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий қуддиса сирруҳунинг таҳти мазорларида мадфун турурлар. Иккиланчи (ўғли) Хожа Абдул Бадиъким, Дўст Хованд лақаби била маъруф эрдилар. Учланчи (ўғли) Амир Абдул Волийким, Хожа Шоҳ тахаллуси била машҳур эрдилар. Тўртланчи (ўғли) Амир Заҳириддин Муҳаммад. Бешланчи (ўғли) Амир Тоҳириддин Муҳаммад.

Мавлоно Бурҳонуддин Муҳаммад валади Мавлонойи Калон Зиёратгоҳий алайҳир раҳма нақл этдиларким, Ҳазрати Эшон Шайх Шоҳни кўрмак учун зиёратгоҳға

бордилар. Вақтиким, Шайхнинг уйларидин чиқдилар, Мавлоно Абдурахмон ва Мавлоно Абул Макоримким, манинг улуғ биродарим турур, Ҳазрати Эшоннинг олдилариға келиб, илтимос этдиларким, ул Ҳазрат оларнинг манзиллариға борсалар. Ҳазрати Эшон манга ойдилар: «Сан не учун ҳеч сўз демассан ва бизни уйига олиб ормоқ одамлиқни этмассан?» Ман ойдим: «Бу орзу манинг кўнглумда бағоят қавий турур, лекин улуғ биродарларнинг олдиларида гўстохлик этмасман». Ойдилар: «Биз санинг уйунгга борурмиз».

Вақтиким, ташриф келтурдилар, ойдиларким: «Икки ботмон урни татмоч пишурунғ ва зиёда этманг». Фармонлариға имтисол кўргузуб, буюрғонларидек этдук. Деҳанинг уламо, сулаҳолари ва фуқаролари, вақтиким, билдилар ва Ҳазрати Эшон фақирнинг манзилига ташриф келтирубдилар, бирдин кела бердилар. Икки улуғ суффаға азизлардин тўлди, саройнинг ўртасида фаршлар тўшадук, то одамлар ўлтурдилар. Ва улчаким саройға сигмадилар долоннинг дўкончаларида ва саройнинг ташқарисида жой тутдилар. Бу маҳалда хотиримға келдиким, мунча азиз одамлар ҳозир бўлдилар. Ҳазрати Эшон икки ботмон ундин таом буюрдилар ва таъкид этдиларким, зиёд этмагил, не чора қилурман ва ул Ҳазратнинг амрлариға хилоф эта билмасман ва бу маънони изҳор этмакка ҳам журъатим йўқ турур, рухсат талаб этсамким, яна ун келтуруб хамир этиб, таомни кўпроқ этсамким, касрати азим бўлуб турур. Ва инфийоли тамом манга йўл топди ва бу андуҳ ва тараддуд хотирда эрдиким, Ҳазрати Эшон муборак бошларини кўтариб ойдилар: «Сўз ул турур, улчаким ойтиб турурмиз, шул тариқа этунг ва кўб андиша этманг».

Ман бордим ва улчаким пишуруб эрдим ҳаммасини бир улуғ тағораға солдим, коса-коса, табақ-табақ ул тоғарадин тўлдуруб, ташқори йибордим ва икки суффанинг ҳаммаси ва саройнинг саҳни косалар ва табақлар била тўлғон татмоч бўлди. Ҳамсояларнинг уйларидин ва аҳли маҳалнинг саройларидин холий коса ва табақлар орийат келтурдилар. Ичкарида ва ташқарида жамиъи ҳозир одамлар таом еб тўйдилар. Коса ва табақларнинг соҳибларининг уйлариға ҳам

Табаррук рисоалар

таом йиборилди. Ва бу зоҳир каромате эрдиким, ҳозир одамларнинг аксари бу сирға мутталиъ бўлдилар ва ҳамма одамларнинг ҳусни ақидаси ул Ҳазратга зиёда бўлди.

Вақтиким, Ҳазрати Эшон Тошкандга мутаважжих бўлдилар ва аввали фасли баҳор эрди, кун кеч бўлуб эрдиким, Обипаррак лабига келиб тушдилар ва кеча бир мухлиснинг манзилигаким, сувнинг лабига яқин эрди, нузул этдилар. Ул мухлис ҳикоят этибдурким, вақтиким оқшом кеч бўлуб уйку вақти етушди, Ҳазрати Эшон манга ойдилар: «Сан бизнинг бу уйда ётғил». Ва ман ул уйда Ҳазрати Эшондин узоқ жойни ихтиёр этиб ётдим. Ва Ҳазрати Эшон уйқуға майл этдилар. Ёрим кеча эрдиким ойдилар: «Эй, фалон, уйкудамусан ё уёғмусан?» Ойдим: «Уёғман». Ойдилар: «Тез бўлғил, ҳар матоиким, бу уйда турур, ташқори чиқарғил». Ва ўзлари таъжил била ташқори чиқиб кетдилар. Ҳар кишиким ул ҳаволи ва навоҳийда ётиб эрди уйғотдилар, муболагаи тамом била ойдиларким: «Рахтларингизни ва маркабларингизни тез манинг изимдин келтурунглар». Ва ўзлари қариб бир ўқ отим ул манзилдин бордилар ва бир баланд ернинг устида қарор тутдилар. Ва фақир ва сойри асҳоб ва худдомлар била Ҳазрати Эшонға ҳусни заннимиз бўлгон ваҳдин ўзларимизни ҳар не тамомроқ таъжил била матоларни ва марокибларни олиб, Ҳазрати Эшонға етушдук. Ва баъзи одамларким хотирларида тараддуд бор эрди, мутаҳаййир ва мутаажиб эрдиларким, бу не қисса турурким, Ҳазрати Эшон бу ёрим кечада асҳобларға уйқуни барҳам урдилар? Ва бир жамоа уйқудин турмоқда ихмол ва касолат этиб эрдилар баякбор кўрдиларким, сели арм* келдиким, ул муддатларда ул диёрнинг аҳлидин ҳеч киши ул азаматлиғ селни кўрган йўқ эрди ва эшитган йўқ эрди. Ул уйким, Ҳазрати Эшон ул жойда ётиб эрдилар, сувға гарқ бўлди ва ҳар матою маркабким, одамларнинг ихмоли ва касолати сабабидин қолиб эрди, онинг мажмуъини сув олиб кетди ва қўб одамлар ҳам сувға кетдилар, қўб меҳнатлар била гарқ бўлмоқ ва ўлмоқдин халос бўлдилар. Ва ул

* Форсча матнда – сели азим.

деҳада ул сел улуғ вайронликлар этди ва бу сураатнинг мушоҳадаси Ҳазрати Эшонға ҳозирларнинг яқинига мўжиб бўлди.

Шайх Аён ибн Шайх Баёнким, Козрун хутаболарининг табақасидин ва уламои муттақийлардин эрди, Ироқдин Хуросонға келиб ва неча вақтлар Ҳиротда иқомат этиб, ондин сўнг Самарқанд келиб, бир йил муддати била неча ой Ҳазрати Эшоннинг шарафи остон бўшлиқларига мушарраф бўлуб эрди, ул ойтур эрди: «Ҳазрати Эшон баҳор айёмларида Тошкандға майл этдилар ва манга ҳам буюрди-ларким, мулозаматларида кетдим. Вақтиким, Обипаррак канориға етушдилар, сувнинг туғён қилур маҳаллари эрди. Асҳоблар қомушдин сол боғладилар ва онинг устида ўлтуруб бир-бирдин сувдин ўтдилар. Ва Ҳазрати Эшон ҳам бир солни ихтиёр этиб, онга миндилар ва мани ҳам ўзлари билан ул солда ўлтурғиздилар ва равон бўлдилар. Вақтиким, руднинг ўртасиға ва сувнинг тунд ериға келдук, ногоҳ қомуш йифлари суст бўлуб, бир-биридин жудо бўлуб тўкулди. Кўрдимким, йифларни сув олиб бора турур ва ул боғлиғ қомишлар ёзилиб бора турур. Фарқ бўлмоқ кўркусисидин ваҳми азим манга муставлий бўлди ва музтару музтариб бўлдим, нечунким, юзмакни билмас эрдим ва улуғ сув қаттиғ борур эрди ва то сувнинг канориға бир ўқ отим ер эрди. Ва Ҳазрати Эшон фориг ул-бол ўлтуруб, ҳеч тараддуллари йўқ турур. Вақтиким, манинг изтиробим ва изтироримни кўрдилар, бир мартаба калимаи муборака «Аллоҳ»ни баланд ва ҳайбат била муборак тилларига ўткардилар, ондоғким, ман ларзаға тушдим. Бу ҳолдин сўнг кўрдимким, ул қомишлар батамом бир-бириға ёпушуб маҳкам бўлди, аввалғидин ҳам яхши дуруст бўлди ва ул вақтиғачаким, сувнинг лабига етушдук. Ва Ҳазрати Эшон манга ойдилар: «Тур чиқғил». Ман сачраб ўзимни канорға олдим ва назар этдимким Ҳазрати Эшон тамкини тамом била ул солни устида рост турдилар. Бас қадамларини сувнинг канориға қўйдилар. Ва ул Ҳазрат солдин оёқларини кўтарган ҳамон қомишлар бир-биридин жудо бўлмоқ бошлади.

Азизе уламои муттақийдин Мавлоно Муҳаммад ибн Мавлоно Сайфулдин одлиғким, Мавлоно Низомуддин шаҳидға қаробатлари бор эрди ва бу ҳуруфнинг роқими Ҳиротда оларнинг ҳамсояси эрди ва гоҳ-гоҳ олардин истифодаи улум қилур эрди. Баяк бор рамазон ойида касал бўлдилар ва заиф бўлдилар бамасобаеким, онинг ул ёндин бу ёнга ойланмоқи бемададкор муяссар бўлмади. Авлоду асҳоб ва шоғирдлари онинг ҳаётидин тамаъларини қатъ этдилар. Кафан ва тобут тартиб бермак мақомида бўлдилар, то бир куниким, заъфи ниҳоятига етушуб ва маразнинг саъубати ғоятига анжом топиб эрди. Иттифоқи ул кун жумъа куни эрди, авлодларининг баъзиси Масжиди Жомиъа ва баъзилари такфину тажҳиз асбобиға қиём кўргузуб, мутааллиқдин ҳар киши бир шуглнинг изида эрдилар, то вақти истиво бўлди, ногоҳ ул маҳалда бир одам саройнинг эшигин қоқди. Вақтиким, ҳеч киши ҳозир эрмас эрди, ходимлардин канизаке изидин кириб кўрубдурким, бир йигит, юзлари қизил, мўйлари ҳам қизил, қадди баланд, сипоҳийлар сувратида, юзи ва кўзи ғуборолуд, оддин тушуб, ойтибдурким, «узоқ йўлдин келурман, ман хизмати Мавлононинг иёдатлариға келдим». Канизак они уйга киргузуб, ўзи отининг ёниға кетибдур. Ва Мавлоно кўзини очиб, бир йигитни кўрубдурларким, башарасидин сафарнинг асарлари зоҳир турур, ишорат била сўрабдурларким: «Не кишисан, не ердин келурсан?» Ул ойтибдурким: «Ман Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг мулозимларидин турурман, Ҳазрати Эшон мани сизнинг иёдатингизға йибордилар ва сиҳҳат бўлурунгизға башорат бердилар, ман намози бомдодни Самарқандда Ҳазрати Эшон била ўқудим ва шундоғ муқаррар бўлдиким, намози шомни ул ерда ўқурман ва Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида ифтор қилурман».

Ҳазрати Мавлавийким, ондин бу сўзни эшитдилар, дарҳол ўзларида қуввате ва кайфияте эҳсос этдилар, бемададкор фирошнинг устида ўзлари ўлтурдилар. Ва ул йигит қўлин узатиб, миқдори шарбатиким, тоқнинг лабида турур эрди, ошоқға олиб, бир пиёла шарбат этиб, оларға ичурди. Ондин сўнг видоъ этиб, ташқари чиқди ва отиға миниб ғойиб

бўлди. Ва ул йигитнинг хизмати Мавлавийга мулоқот ва мақолот этган вақтида фарзандларни волидаси уйдаким, бу уйга муттасил эрди, ул сўзларни эшитиб турур. Вақтиким ул йигит кетди, ул заифа хизмати Мавлавийнинг ёнларига кириб, оларни сиҳҳат ва қуввати тамом бирла фирошида ўлтурғон топди. Пиёла ва зарфи шарбатни оларнинг ёнида кўруб, мутаҳаййир ва мутажжиб бўлди ва суврати ҳолни сўрди. Олар қиссани ойдилар ва ул куннинг намози дигарни оёқ устида туруб ўқудилар. Икки-уч кундин сўнг сиҳҳати комил била ўринларидин турдилар, дарс ва ифода бошига бордилар.

Ҳазрати Эшоннинг асҳобларидин бир азизеким, Ҳиротда бўлур эрди, бу қиссани фақирдин эшитди ва оиди: «Бу нишоналиғ кишиким, хизмати Мавлавий ойтурлар, Ҳазрати Эшоннинг карвонларининг орасида кўруб турурман, лекин ул ҳамиша оларнинг муҳиммоти дунявийларининг кифоятига машғул эрди, ҳеч киши онга бу ҳолатнинг мислини гумон этмас эрди. Каррати увлодаким, бу фақир Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳунинг фарзандлари Хожа Калоннинг муурофақатлари била Қарши вилоятида Ҳазрати Эшоннинг шарафи остонбўслиқларга мушарраф бўлди ва неча вақтлар ул Ҳазратнинг хизматлари ва оларнинг худдомларининг мулозаматлари била мустаъид эрди, аҳёнан, хилоли мажлисда фақирга хитоб этиб эрдиларким: «Не учун Хуросонга кетмассан, борғилким, санинг отанг ва онанг бизга ташвиш беруурлар». Ман бу хитобдин хижолат ва инфийолда эрдим, то ул вақтгачаким, хизмати Хожа Калонга Хуросонга қайтмоқ ижозатин бердилар, фақирга ҳам қайтмоқ ва волидайннинг мулозаматлариға бормоқға амр этдилар ва ойдилар: «Хуросонга тез борғилким, отанг ва онанг бизга кўб ташвиш беруурлар». Ва бу сўзни мукаррар ойтдилар. Ул Ҳазратнинг амрлари бўлгон ваҳҳдин Хожа Калоннинг муурофақатлари била Самарқандди: Бухороға мутаважжиҳ бўлдим. Ва олар неча кунлар ул ерда бўлдилар. Ва фақир Ҳазрати Эшоннинг амрларига имтисол кўргузган жиҳатдин тез Хуросонга мутаважжиҳ бўлдим. Вақтиким, волидайннинг хизматлариға етушдим. Ул Ҳазратнинг сўзлариниким, карроту маррот ойтиб эрдиларким,

Табаррук рисоалар

эй фалон, Хуросон борғилким, отанг ва онанг манга ташвиш берурлар, арз этдим. Бир-бирларига қарадилар ва кўб йиғладилар ва ойдилар: «Рост нишон турур, онинг учунким, ҳар фарз намозининг изидин Ҳазрати Эшонга мутаважжиҳ бўлиб, йиғлаб ва зорлиқ этиб, ул Ҳазратдин сани талаб этар эрдук ва ойтур эрдук: «Ё Ҳазрати Хожам, бизларнинг фарзандимизни бизларга юборинг».

Ва иккиланчи мартабаким, ул ҳаримнинг эҳромини боғланди, зору тазарруъ била волидайндин илтимос этдимким: «Мундин сўнг мани Ҳазрати Эшондин талаб этманг ва ул Ҳазратга мени топшурунглар». Вақтиким, яна остонбўслиқ шарафига фойиз бўлдим, ул муддат мулозаматларда ҳаргиз ул иборатни муборак тилларига олмадилар ва Хуросон кетмакка ишорат этмадилар.

Ҳазрати Эшоннинг муҳибларидин ва мухлисларидин бир азиз нақл этибдурким: «Самарқандда бир гулом мандин тўрт ой муддати ғойиб бўлди ва дунёдин ҳам шул бир гуломим бор эрди. Ва Самарқанднинг атроф ва навоҳийларида ҳеч жой қолмадиким, карроту маррот ул ерга бормагон ва жустужуй этмаган бўлсам. Ҳар неча саъй этдим, тоғу саҳрони охтардим, ондин ҳеч асаре ва хабаре топмадим. Бағоят мутаҳаййир ва бечора бўлдимким, қўлу оёғим ул гулом эрди ва онга эҳтиёжи тамомим бор эрди. Саросима бўлуб охтарур эрдим. Ногоҳ бир саҳрода Ҳазрати Эшон отлиғ олдимдин чиқдилар, асҳоб ва маволийлардин жамъи Ҳазрати Эшоннинг ёнларида эрдилар. Фояти изтироб ва изтирордин ёнларига бордим. Ул Ҳазратнинг отларининг жиловини тутуб, кўб ниёзмандлик била бошимга тушган машаққати воқибани арз этдим ва ойдим: «Манинг бу боғлиғ тугуним сизнинг ҳазратингиздин очилур». Ойдилар: «Биз деҳқон одам турурмиз, бу ишларни не билурмиз, талаб этмак керак, токим топилғай». Ман шундоғ ибром ва илҳоҳ этиб, зору тазарруъ қилур эрдим ва фоят бетоқатлиқдин гуломимни Ҳазрати Эшоннинг ўзларидин талаб этар эрдим, ул восита билаким, эшитиб эрдим, авлиёуллоҳга бу тасарруфотларнинг мисли бўлур эрмишким, ғойибдин хабар берурлар, балки ихзори ғойиб қилурлар. Ҳар неча Ҳазрати


Эшон бу маънини ўзларидин узоқ тутдилар, ман Ҳазрати Эшоннинг отларини жиловин қўйиб йибормадим. Вақтиким, ул Ҳазратни жидду жаҳд малжоъ этиб эрдим, чора топмадилар. Бир лаҳза сукут этдилар, бас ойдиларким: «Бу деҳаким, кўрунур, ҳеч талаб этибмусан?» Ойдим: «Борҳо ул деҳага бориб, талаб этиб, маҳрум қайтибман». Ойдилар: «Яна бориб талаб этгилким, топарсан». Отларини қаттиг ҳайдаб кетдилар. Ва ман ул деҳага юз қўйдим. Вақтиким, деҳанинг канорига етушдим, гуломни кўрдимким, бир кўзани сувға тўлдириб олдида қўйубдур, мутаҳаййир ва мутафаккир бўлуб, бир жойда ўлтурубдур. Вақтиким, кўзим онга тушди, беихтиёр фарёд этдим ва ойдим: «Эй, гулом, бу муддатларда қайси ерда эрдинг?» Ойди: «Манким, сизнинг уйингиздин ташқари чикдим, бир киши манга ёмон йўл ўргатди ва Хоразм(га) олиб бориб сотди ва ман онинг хизматида эрдим, то бу кун ул кишининг уйиға меҳмон келиб эрди, манга ойди: «Кўзани сувға тўлдириб келким, таом пиширурмиз». Ман кўзани кўтариб, сув лабига келдим ва сувға тўлдирдим. Вақтиким, кўзани сувдин чиқардим, ўзимни бу жойда ҳозир кўрарман ва гоёти ҳасрат ва даҳшатдин бу ерда қойтиб турубман, билмасманким, бу сувратни уйгоқликда кўраманму ё уйкуда». Ман билдимким, бу тасаруфе туруп Ҳазрати Эшондин зухурға келиб туруп. Бу ҳолнинг мушоҳадасидин вақтим тағйир топиб, фи-л-фавр гуломни озод этдим ва Ҳазрати Эшонға юз келтурдим. Ва бу суврат манинг Ҳазрати Эшонға пайвасталигимга боис бўлди».

Ҳазрати Эшон, агар чандиким, салотиннинг монийликлари ваҳидин ва айммаи диннинг фатво берганлари жиҳатидин Ҳижозға сафар этмакдин мамнунъ эрдилар ва азоҳир юзидин Ҳарамайни шарифайн задаҳумуллоҳу шарафан ва қараманға етушган йўқ эрдилар. лекин хизмати Абдул Ваҳҳоб шайху-л-исломи Ироқ карроту марот нақл этиб эрдиларким: «Ман Маккаи муаззамада Ҳазрати Шайх Абул-л-Муътоким, ҳазрати қутбу-л-орифийн Шайх Абдул-Кабир Яманий қуддиси сирруҳудин сўнг аҳли Ҳарамнинг муқтадоси, илми шариат ва тариқат толиблариға маржиъ

эрдилар, оларнинг мулозаматлариға борур эрдим. Бир кун тақриб била Ҳазрати Эшоннинг шамойилу маноқибларидин Шайх Абул-л-Муътога шаммае баён этдим. Ойдилар: «Таърифу тавсияға ҳожат йўқ турур, ман бу ерда Ҳазрати Эшон била кўб суҳбат тутдим ва кўб мулозаматлар этдим». Ва Ҳазрати Эшоннинг хасойислари ва шамойилларидин ул чоғлиғ баён этдиларким, онга ўхшар эрдиким, неча йиллар ул Ҳазрат била суҳбат этиб турурлар.

Хизмати Мавлонозодаи Фарқатийким, Мавлоно Низомуддин Хомуш алайҳи-р-рахманинг муриди эрди ва Мавлононинг вафотларидин сўнг Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларини ҳам кўб этиб эрди, баъзи удуди сақот олардин нақл этдилар. Ул ойтиб турурким, бир кун Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида бир деҳадин яна бир деҳага бордилар. Иттифоқан қиш фасли эрди, кун гоят кўтоҳликда йўлда намози аср ўқудук. Кун кўб кеч бўлуб, офтоб сарғармоққа юз кўюб эрди ва то борур манзилимизға ҳануз икки фарсах бор эрди. Ва ул саҳрода бўлғудек ҳеч паноҳ ва ором олғудек ҳеч жой йўқ эрди, Хотиримға келдиким, кун бағоят кеч бўлубдур, йўл мухотара ва ҳаво қаттиғ совуқ ва кўб масофат олдимизда, ҳолимиз нечук бўлуб экан. Ҳазрати Эшон отларини қаттиғ ҳайдаб борур эрдилар. Вақтиким, бу хотир такрор этиб, галаба этди, орқалариға қараб ойдиларким: «Кўркманглар ва хотирингизға тараддуд этмакка йўл берманг ва тез ҳайданг, эҳтимоли бордурким, ҳануз фотоб ғуруб этмас, мақсадға етушгаймиз». Бу сўзни ойтиб, отға қамчи урдилар ва тезроқ ҳайдадилар. Ва бизлар ҳам Ҳазрати Эшоннинг изларида қаттиғ ҳайдар эрдук ва ҳар замон офтобнинг журмига қарар эрдукким, уфқнинг канорида шундоғ турубдур, ҳеч тариқа ғуруби ва уфули йўқ турур. Онга ўхшар эрдиким, магар они уфқға миҳ этибдурлар, то вақтиким, ул деҳанинг девор поралариға етушдук шул вақтда баякбор офтоб шундоғ ғойиб бўлдиким, офтобдин ҳеч асаре ва шафқнинг баёзи ва ҳумратиким, ғурубдан сўнг бўлур, ондин ҳам асаре боқий қолмади, олам баякбор қоронғу бўлди, ул масобадаким, алвон ва ашқолнинг рўяти мумкин эрмас

эрди. Ҳайрат ва ҳайбат манга голиб бўлди ва яқин бўлдим-ким, ул тасарруфе эрди Ҳазрати Эшон кўргуздилар. Охир бетоқат бўлдим, отимни суруб, Ҳазрати Эшонга яқин ҳайдадим ва ойдим: «Эй, Хожам, ҳабатан лиллоҳ, ойтингким, бу на сир турурким, мушоҳада этдук?» Ойдилар: «Бу тариқатнинг шўъбадаларидин бир шўъбададур».



УЧЛАНЧИ ФАСЛ

Ҳазрати Эшоннинг кароматлари ва мақомотларининг зикрида турурким, авлодлари ва куммал асҳоблари ул Ҳазратдин мушоҳада этиб, нақл этибдурларким, ҳар нақлнинг иродида ноқилнинг ҳам аҳволидин шаммас бар сабили ижмол мазкур бўлур.

**Ҳазрати Хожа Муҳаммад Абдуллоҳқим, Хожа Калон
ва Хожагон Хожа лақаби била машхур эрдилар
(раҳматуллоҳу таъоло)**

Ҳазрати Эшоннинг аввалги фарзандлари эрдилар. Улуми зоҳирий ва ботинийнинг анвои аснофлари била ороста ва донишманди мутаббаҳхир эрдилар. Улуми ақлий ва нақлийда даражаи камоллари бор эрди. Китоб ва суннат улумининг ҳақойиқларида ондоқ дақиқу-н-назар ва ҳадиду-л-басар эрдиларким, оларнинг назари ҳақиқатбинларидин ҳеч бир дақиқа пушида эрмас эрди. Ва бовужуди улуми зоҳирийларда табаҳхурлари била Ҳазрати Эшоннинг нисбати ботинларидин ҳам бағоят баҳраманд эрдилар. Ва баъзи маҳодимким, мулозаматларини мудовамат этиб эрдилар оларнинг тасарруфот ва хавориқи одатларидин ҳикоётлар қилур эрдилар. Ҳазрати Эшон хизмати Хожагонга кўб таъзим ва тавқир ондин зиёда қилур эрдиларким, отолар фарзандларига нисбат бажо келтурурлар. Бир кун маҳаллаи Хожа Кафширда мушоҳада этилдиким, Ҳазрати Эшон муҳавватаи Муллоён бир хужрада фўташиру шакар боғлаб, бетакаллуф ўлтириб эрдилар, Асҳоб ва худдомнинг хавоссларидин баъзилар мулозаматларида эрдилар. Ногоҳ бир киши хабар келтирдиким, хизмати Хожа Калон келурлар ва олар ул вақтларда Варсайнда бўлур эрдиларким, ўзларига хос деҳа эрди ва шаҳардин то ул ергача икки фарсах йўл эрди. Ва ҳар икки-уч ойда бир мартаба Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға келур эрдилар ва кам келмаклари ниқор(гина) жиҳатиданким, олар била кичик биродарлари хизмати Хожа

Муҳаммад Яҳёнинг ўртасида воқеъ эрди. Вақтиким, Ҳазрати Эшон эшитдиларким, Хожাগон келурлар, ойдиларким: «Манинг дасторим, дуржим ва массимни келтурунг». Бас, муборак бошларидин фўтани¹⁷ олиб, дастор боғладилар ва массиларин кийиб, фуржиларини эгниларига олиб, ўринларидин туриб, Хожাগоннинг истиқболига неча қадам илгари бордилар. Бас, Хожани ҳужрага келтириб, ўз яқинларига, ҳамма асҳобдин муқаддам ўлтурғиздилар ва Самарқанднинг уламолари ва маволийларидин ҳам бир жамоа Хожাগон била ҳамроҳ кирдилар. Бир замон сукут этганлардин сўнг Ҳазрати Эшон Хожাগонга ойдилар: «Сўз ойтинг, фойда еткурунг». Хожাগон тавозуъ этдилар ва Ҳазрати Эшон «Тафсири Қози Байзовий»ни очдилар ва бир оятда гўфгугўй оғоз этдилар, ва Хожাগон ул оятда уламои зоҳирнинг қўб ақволларини ва аҳли ботиннинг қўб ҳақойиқларини ойдилар, ондоғким, ҳозир донишмандлар оларнинг табаҳҳури ва истиҳзоридин мутаҳаййир бўлдилар. Сўнг дастурхон била нону шарбат келтурдилар. Вақтиким, фориғ бўлдилар, бир лаҳзадин сўнг Хожাগон турдилар ва Ҳазрати Эшон неча қадам мушойиъа этдилар. Ондин сўнг келиб массиларин чиқардилар ва дасторларни олиб, фўта боғладилар.

Бир кун Ҳазрати Эшон маҳаллаи Кафширдин Хожাগоннинг парастишларига азимат этиб, Варасайнга мутаважжих бўлдилар. Ва фақир пиёда танҳо изларидин равон бўлди ва йўлни адашиб, саргардонлиқлар тортиб, ул кеча йўлди қолди. Вақтиким, эртанги кун Варасайнга келди, Ҳазрати Эшон яна бир деҳага ташриф этиб эрдилар. Лекин ул жойда Хожাগоннинг шарафи мулозаматларига етушулди ва олар мундин аввал бу фақирнинг отини эшитиб эрдилар ва бу фақирнинг отосининг баъзи мусаннафотларини кўрган эрканлар. Вақтиким, бу фақирни танидилар, қўб илтифот этиб, волиднинг ахволларидин хабар сўрдилар ва ойдилар: «Эшитибманким, онинг нафсига хавосу авомнинг нуфусларида таъсири тамом бор турур ва фақирнинг дақойиқлари ва таъвилнинг ҳақойиқларида беназир ва беадил турур». Ондин сўнг бир неча сўзлар ўртага келди. Кеар куни «Ё нору!

¹⁷ Фўта — ипак ўрама белбоғ, баъзан у салла сифатида бошга ҳам ўралади.

Табаррук рисолалар

Куни бардан ва саломан ала Иброҳима»¹⁸ ояти каримасининг тафсирига тақриб била шуруъ этдилар ва уламои зоҳир ва ботиннинг ақволларини кўб этдилар ва таъвили ҳукамониким, ойтурларки, мурод нордин Намруднинг ғазабининг ўзи эрди ва барддин мурод онинг ноирази ғазабининг атфоси эрди, ҳаммасини рад этдилар. Ва яна ҳам оларнинг муқаддамоти маъқулалари била исбот этдиларким, ул нори унсурий эрдиким, бурудатнинг моҳиятига ориз бўлди. Ва бу маънининг исботида аҳли таҳқиқнинг ақволларидин ва дақиқ сўзларидин ул чоғлиқ баён этдиларким, агар киши они қайд этса эрди, ул бобда бир рисола ёзса бўлур эрди.

Ондин сўнг бу фақирни уч кеча-кундуз сақладилар. Уйқу вақтидин бошқа вақтда танҳо қўймадилар ва ул айём ва лайслида зоҳир ва ботин юзидин алтоф ва иноятлар этдилар ва хилватларда Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларининг одобиға ва мулозаматларининг шароитиға ишорат этар эрдилар ва бу тоифаи алиййаниннг тариқалари ва дақойиқларидин нукталар ойтур эрдилар. Уч кундин сўнг фақирға рухсат бердилар. Маҳаллаи Хожа Кафширға отлиғ қайтардилар.

Олар Шоҳбахтхон (Шайбониҳон)нинг зуҳур этиб, ўзбеки Самарқандға истило топғон замонларида қочиб, Андижон тарафиға бордилар ва ул ерда дору-л-қарорға рихлат этдилар. Қабри мубораклари ул жойда турур¹⁹.

Хизмати Хожагон ойтур эрдиларким, мабодийи ҳолдаким, Ҳазрати Эшон Тошкандда бўлур эрдилар, бу фақирнинг аммаси кунлардин бир кунда хоҳладиларким, ақраболардин бир заифа оларнинг ҳамсоялиқларида касал эркан, они иёдат этмакчи бўлдилар. Ҳазрати Эшон ойдилар: «Иёдат этмак ҳожат эрмас» деб, моний бўлуб, ондин сўнг Фаркат тарафиға кетдилар. Ҳазрати Эшон кетганларидин сўнг бу фақирни аммаси икки-уч кундин сўнг

¹⁸ «Эй, олов! Иброҳим (алайҳиссалом) учун салқин ва омонлик (яъни, куйдирмайдиган, музлатмайдиган) бўл!» (Анбиё, 69-оят)

¹⁹ Қўлэзмада куйидаги маълумот йўқ: «Вафотидан сўнг уларнинг жасадини Тошкандга олиб келдилар ва Абу Бакр Қафқолнинг қабрлари ёнига, волидаларининг пойларига дафн этилди». Бошқа манбада: «Абу Бакр Қафқол қабри ёнида Низомуддин Хомуш қабри пойига қўйилган», дейилган.

ул маризнинг иёдатини қасд этиб, ўзига ойтибдурким: «Ҳазрати Эшон кетдилар, бир лаҳза бориб касал сўрайин ва силаи раҳм бажо келтуройин». Вақтиким, қадамини уйдин ташқари қўйубдур, Ҳазрати Эшонни отлиғ кўрубдурким, пайдо бўлдилар ва ойдиларким, иёдатига борурсизлар, қайтинг, қўрқмасмусизмуким, сиз ҳам касал бўлуб, иёдатга муҳтож бўлурсиз?» Ва олар қайтиб, вақтиким, қадамларини уйга қўйдилар, касал бўлдилар. Ва таби муҳриқ бўлуб, тўшакда ётдилар. Ва неча кундин сўнгким, Ҳазрати Эшон Фаркатдин мурожаат этдилар, фақирнинг аммасининг иёддатиға келдилар ва ойдиларким: «Касал сўраб касал бўлмоқ не даркор эрди?»

Яна ҳам хизмати Хожагон ойдиларким: «Бизнинг амма нисон орифотдин эрди. Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари воситаси била даражоти олиётга етушуб эрди. Гоҳ-гоҳ Ҳазрати Эшондин нақллар этар эрди ва ойтур эрдиким: «Ҳазрати Эшон йигитлик вақтларидаким, Тошкандда бўлуб эрдилар, ҳар қачон Ҳазрати Эшонға қабзе ориз бўлса мукарар уйдин чиқиб кетиб, яна келур эрдилар. Ва ҳар мартаба уйга кирганларида халъи либс тариқи била бошқа сувратда зоҳир бўлур эрдилар. Агар фаразан ўн мартаба кирсалар, ҳар мартабада бошқа бир сувратда бўлур эрдилар, ондоқким, уйда хотунлар бегонанинг шаклу сувратини кўруб, ғалатга тушуб, фарёд қилур эрдилар. Ҳазрати Эшон ул сувратни халъ этиб, табассум кўргузуб ва ул қабз муртафий бўлур эрди».

Бу халъи либс санъатини Ҳазрати Эшондин аксар қабз ҳолатларида мушоҳада этардилар. Ва ул Ҳазратнинг халъи либс этганларининг жумласидин турур, улчаким, Ҳазрати Махдумий Мавлоно Нуруддин Абдурахмон Жомий қуддиси сирруху «Нафаҳоту-л-унс»да ёзиб турурларким: «Жаноби иршод маъобий Носируддин Убайдуллоҳ одомаллоху таъоло зилола иршодиҳи ала мафориқи-т-толибин ойдилар: «Вақтиким, Мавлоно Яъқуб Чархий алайҳи-р-рахманинг суҳбатлариға бордим, муборак юзларида табиатнинг нафратиға мўвжиб бўладургон нимарсага ўхшаш андақ оқ бор эрди ва манга сиёсат ва дуруштгўй либосида зоҳир бўлди ва

Табарруқ рисоалар


ул чоғлиқ сиёсат этдилар ва сўзлар ойдилар, яқин эрдиким, манинг ботиним олардин мунқатий бўлса ва манга яъси куллий ҳосил айланса. Кўб маҳзун ва мағмун бўлдим. Яна бир мартабаким, мажлиси шарифларига бордим, манга маҳбублиқ сувратида зоҳир бўлдиларким, ҳаргиз ҳеч кишини ондоқ маҳбуб кўргоним йўқ эрди ва манга кўб лутфлар кўргуздилар».

Ва бу вақтдаким, Ҳазрати Хожа бу сўзни ойдилар, бу фақирнинг назарида азизенинг сувратида бўлдиларким, манга ул азизнинг нисбатига робитаи иродат ва муҳаббати тамом бор эрди. Неча вақтлар бўлуб эрдиким, дунёдин ўтуб эрди. Ва дарҳол ул сувратни халъ этдилар. Манга ул тасаввур бўлдиким, шояд ул суврат танҳо манинг хаёлимда бўлғон бўлса. Ондин сўнг баъзи ҳамроҳлардин эшитдим, улар ҳам мушоҳада этиб эрдилар ва фақирнинг мушоҳадаси ул турурким, ул халъи либс оларнинг шуъур ва ихтиёрлари била эрди. Ул маънининг исботи учунким, хизмати Мавлоно Яъқубдин нақл этдилар».

Мавлоно Ҳожи Мазорий ва Ҳофиз Исмоил Рухийким, иккилари ҳам Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сиррухунинг асҳобларидин эрдилар бу ҳуруфнинг роқими (яъни, Али Сафий) олардин эшитдиким, ойдилар: «Бизлар ул кун Ҳазрати Махдумий Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ҳамроҳлари эрдук ва ул халъи либсни Ҳазрати Эшондин мушоҳада этдукким, Мавлоно Саъдуддин қуддиса сиррухунинг сувратларида бўлдилар ва бу суврат Ҳиротда Жуйи Инжил лабида Саййид Қуноднинг манзилида бўлиб турурким, Султон Абу Саъид Мирзонинг замони эрди». Хизмати Хожагон алайҳи-р-раҳма ойтур эрдиларким, ул таърихдаким, Ҳазрати Эшон хануз Тошканддин кўчлари била Самарқанд келган йўқ эрдилар, Ҳазрати Эшоннинг худдомларидин бири Самарқанд кетмакчи бўлди. Онга ойдиларким: «Ул жойдин бизнинг учун неча қути асали мутаффо келтургил». Ва ул Самарқандда неча қути йўниб, дуруст этиб, асалдин тўлдуруб, бошларини сахтиён била маҳкам қилиб, муҳр этиб олиб раво бўлди. Иттифоқан Самарқанд бозорида бир муҳим учун базозенинг дўконида қутиларни олдида қўюб бир

замон ўлтурди. Ногоҳ бир хушрўй маст хотунким, баззознинг ошиноси эрди, ул ерга келиб, лаҳза ул дўконнинг канориди ўлтуруб, баззозга гўфтугуй этди. Ва ул ходим икки-уч ҳаром назар онинг тарафига ташлади. Ондин сўнг сарфи назар этиб, қутиларни онинг олдидин олиб, Тошканд келтурди. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг манзилларига келди, ул Ҳазрат саҳрога кетиб эрдилар, ул қутиларни маҳфуз этиб, хоҳладиким, изларидин олиб борса. Ногоҳ Ҳазрати Эшон келдилар ва ул ходим ул қутиларни ёнларига келтурди. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг назари ул қутиларга тушди дарғазаб бўлдилар ва ойдиларким: «Бу қутилардин шаробнинг иси келур». Ва онга нисбатан тунд бўлдилар ва ойдиларким: «Эй, бесаодат, ман сандин асал талаб этибман, сан манинг учун шароб келтурурсан». Ул ойтибдурким: «Ман асал келтурдим». Ҳар қутинингким, сарпўшин очдилар, тўла шароб эркан».

Пушида қолмасунким, хизмати Хожагон Ҳазрати Сайид Тақиуддин Муҳаммад Кирмонийнинг домодлари эрдилар. Ва аларга Сайиднинг сулбиясидин уч ўғул ва икки сулбийя бор эрди. Ўғуллари Хожа Низомуддин Абдулҳодий ва Хожа Хованд Маҳмуд ва Хожа Абдулҳақ раҳматуллоху таъоло эрдилар. Ва хизмати Хожагонга Сайиднинг сулбийялари вафот топгондин сўнг яна бир нисбатлари Хожа Муҳаммад Низомғаким, соҳиби «Ҳидоя»нинг авлодларидин эрди, воқий бўлди. Ва онинг сулбийясидин ҳам уч ўғул ва икки ночор (қиз)лари бор эрди. Ўғуллари Хожа Абдул Азим, Хожа Абдур Рашид ва Хожа Абул Фазйдур. Хизмати Хожагонга туркийяи хоссадин Хожа Абдушшаҳид отлиғ яна ҳам бир ўғул бор эрди.



ХИЗМАТИ ХОЖА МУҲАММАД ЯҲЁ (раҳматуллоҳу таъоло)

Ҳазрати Эшоннинг иккиланчи фарзандлари эрдилар ва ул Ҳазратга бағоят мақбул ва маҳбуб эрди. Ондоғким, Ҳазрати Эшон ахийри ҳаётларида ўзларига қойим мақом этдилар ва ўзларининг тўвлиясини²⁰ онга тафвиз этдилар. Ҳарқачон хизмати Хожа Ҳазрати Эшоннинг мажлисларига келсалар ул Ҳазрат кўб ҳақойиқ ва маъорифлар ойтиб, ул сўзларда мухотаб Ҳазрати Хожа бўлур эрдилар бовужуди уламо ва урафодин оларнинг асҳоби кибори ҳозир эрдилар.


Ҳазрати Маҳдумий Мавлоно Нуруддин Абдураҳмон Жомий қуддиса сирруху хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё алайҳир-раҳмага кўб мўътақид ва таъриф қилур эрдилар. Бир кун ойдиларким: «Хизмати Хожа Муҳаммад Яҳёнинг хожагон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум тариқаларига муносабати тамомлари бор турур. Ва Хожагонга нисбати илмийға голиб, Хожа Муҳаммад Яҳёга нисбати жазба голиб турур. Ва ул кунлардаким, хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё Ҳиротга ташриф келтуруб эрдилар, бир кун ойдиларким: «Мавлоно Муҳаммад Руважийни кўрмакка борурмиз, сан ҳам ҳамроғ бўлғил». Мулозаматларида бордим. Хизмати Мавлоно кўб таъзим ва адаб била уйларидинким, Масжиди жомийға муттасил эрди, ташқари чиқиб, хизмати Хожа Муҳаммадни кўруб, манзилларига келтурдилар ва гарм суҳбат тутдилар. Ва ул мажлис аввалдин ахийриғача сукут била ўтди. Эртанги кун Мавлононинг хизматларига бордим. Ойдилар: «Эй, фалон, бу на латофату ҳусни истеъдод турурким, Хожа Муҳаммад Яҳёда турур? Ўтган кунким, суҳбатда ўлтурдилар, оларнинг лутфи нисбатларига шундоғ шифта бўлдим, яқин эрдиким, ниҳодидин фарёд чиқса». Бу сўзни олардин Хожанинг хизматларига арз эрдим. Хушвақт бўлдилар. Ва ойдиларким: «Ман тунов кун Мавлононинг суҳбатларида ўзумни нафй этиб, оларни исбот этдим. Ҳар нимарсаким, мандин кўрдилар, ўзларидин кўрубдурлар».

²⁰ Тўвлият – васийлик, ҳомийлик.

Хизмати Хожанинг Ҳазрати Эшоннинг вафотларидин сўнг, ул Ҳазратнинг мазори фойизу-л-анворларида ўлтириб, хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқалариға азим машғулликлари бор эрди ва хотири шарифларини бу азизларнинг нисбати жамъийалариға нисбат этиб эрдилар. Ва неча йиллар вазифалари ул эрдиким, вақтиким, намози хуфтанни жамоат била ўқудилар, камарлариға фўта ўраб ул Ҳазратнинг қабри муборақларининг муқобаласида икки тизларида муроқабат ўлтурдилар, бар важҳеким, жаворихлари ва аъзолари зиёдати ҳаракотдин маҳфуз эди. Намози таҳажжуд²¹ дин бошқа вақтда ўринларидин турмас эрдилар. Ложарам, асҳоблар суҳбатда оларнинг нисбатлари осоридин Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларидағи жамъийатни топар эрдилар ва кўб мутаассир бўлур эрдилар.

Аҳолийи Хуросондин бир кишиким, Хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум хонадонларини иродати ва ихлоси тамоми бор эрди, Ҳазрати Эшоннинг вафотларидин сўнг, Самарқанд бориб эрди. Ул ойтур эрдиким: «Хожа Кафширнинг маҳалласи Ҳазрати Эшоннинг сармазорларида Хожа Муҳаммад Яҳёнинг мулозаматлариға кўб борур эрдим ва оларнинг суҳбатларида ҳузурни тамом топар эрдим, то бир кун уйлариға бордим ва олар ҳарамда эрканлар. Долонда бир дўкончада ўтириб, оларға мунтазир эрдим. Хотиримға келдиким, Ҳазрати Эшон гоҳ-гоҳ мустаъидларнинг ботинига тасарруф этиб, оларни беҳудлик ва бешуурлик оламиға еткурур эрдилар. Оё, Ҳазрати Хожанинг қуввати тасарруфлари йўқму ё қобиле йўқмуким, онинг жамъиятиға хотири нисбат этсалар? Бу андишаға тушдим ва хотир манга ғалаб этди. Ногоҳ Ҳазрати Хожа чиқдилар ва манга яқин ўлтуриб, замоне сукут этдилар. Ондин сўнг ойдиларким: «Арбоби тасарруф неча навда бўлурлар, баъзилари маъзун ва мухтор турурларким, Ҳақ субҳонахунинг изни ва ўзининг ихтиёри била ҳар қачон хоҳласалар ва ҳар кишининг ботинига хоҳласалар тасарруф этарлар ва они мақоми фано ва беҳудликға еткурурлар.

²¹ Намози таҳажжуд – субҳдан илгари туриб ўқиладиган намоз.



Табаррук рисоалар

Баъзилари ул қабилдин турурларким, бовужуди тасарруфга қувватлари бўлуб, то ғайбдин маъмур бўлмасалар, тасарруф этмаслар ва пешгоҳдин маъмур бўлмай, кишига таважжуҳ кўргузмаслар. Ва баъзилари ондоғ турурларким, гоҳгоҳ сифате ва ҳоле оларга ғолиб бўлуб, ул ҳолнинг ғалаба-сида, вақтиким, мағлуб бўлсалар муридларнинг ботинига тасарруф этиб, ўз ҳолларидин оларни мутаассир қилурлар. Бас, кишиким, на мухтору на маъзуну на маъмурува на мағлуб бўлса, онда тасарруф на қилур, деб кўз тутмасун». Бу сўз аросида илтифоте этдиларким, манга кайфияте даст бериб, беҳудлик ва бешуурлик бўлуб йиқилдим ва ўзумдину ўзумнинг ғайридин эсҳил бўлдим. Бу беҳудлик кўб замон борди. Шуурга келгондин сўнг, кўзимни очдим, кўрдимким, ул дўкончада бир ёнимга йиқилиб ётибман. Ва хизмати Хожа кўзларини юмуб, муроқиб бўлуб ўлтуруб турурлар. Дарҳол туруб ўлтурдим. Ва манга яқин бўлдимким, хизмати Хожа арбоби тасарруфдин турурлар».

Хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё кўб ғаюр ва тундхўй эрдилар. Ва Ҳазрати Эшонга ғояти муҳаббатларидин ғибтаи ва ғайрати азимлари бор эрди. Гоҳиким, ул Ҳазратнинг мажлисларига кирсалар асҳоблар оларнинг кўркусидин суҳбатни қўё эрдилар. Онинг учунким, баъзи асҳоблар Хожадин лат ва койиш кўруб эрдилар. Ва Ҳазрати Хожа уч мартаба асҳобларнинг ғайратидин Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларини ва суҳбатларини тарк этиб ва мажлисни қўюб, Ҳижознинг сафарига мутаважжих бўлдилар. Аввалги мартаба то Бухороғача бордилар. Иккиланчи мартабада Хиротдин қайтдилар. Учланчи мартаба то Яздғачаа бордилар, лекин ҳар мартабаким, Хожа сафар ихтиёр этдилар, Ҳазрати Эшон қуввати жозиба ва таважжуҳи ботин била Хожани йўлдин қайтардилар.

Бир кун Қаршида хизмати Хожа намози пешиндин сўнг Ҳазрати Эшон била хилват этиб, ўз аҳволи ботинларидин арз этдилар ва ул Ҳазрат кўб илтифотлар қилиб, суҳбат ҳам бағоят гарм эрди ва асҳоблар ташқарида. То намози дигарнинг вақти бўлиб муаззин бу хилватдин ва бу суҳбатдин хабари йўқ, намознинг аввал вақтида азон айтди ва Ҳазрати Эшон

тахорат этмак учун турдилар. Ва баъзи сўзлар итмомига етмай, ёримчиқ қолди. Ва Хожа гумон этиларким, магар асҳоблар гайрат ва рашк этиб, муаззинни қасддан тезроқ озон айтмоққа тарғиб қилиб, суҳбатни бузғон бўлсалар. Хожа ғазаби тамом била ташқари чиқтилар ва асҳобларга ойдиларким: «Инак ман кетдим, Ҳазрати Эшонни сизларга қўйдум, то манинг мазҳаматим бўлмай, фароғат суҳбат тутунглар». Шулар лаҳза Ҳазрати Эшондин сафарга рухсат олмай, отлашиб Ҳижоз сафарига азимат этиб, Хуросонга юз қўйдилар. Ондоғким, бироз фурсатдан сўнг ҳодислари ва мутааллиқлари воқиф бўлуб, тева ва хачирларни қатор этиб ва асҳоби сафарга тартиб бериб, таъжил била изларидин кетдилар. Дарёйи Омуянинг лабида Хожанинг хизматлариға мулҳақ бўлдилар. Вақтиким, Хожа ул куннинг беғоҳида Қаршидин чиқиб равон бўлдилар ва асҳобларнинг орасиға шўру ғавғо тушди. Ва ул қиссани Ҳазрати Эшонга арз этдилар. Ва ул Ҳазрат Хожанинг кетганидин мутаассир бўлуб, бир қосидни бар сабили таъжил Хуросонга Ҳазрати Махдумий Мавлоно Нуруддин Абдурахмон Жомийнинг ёнлариға юбордиларким: «Агар қўлдин келса, Хожани қайтарсунлар».

Вақтиким, Хожа Ҳиротга келдилар Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сиррухунинг сармазорларида Хожа Абул Бараканинг манзиллариға нузул этдилар. Ва Ҳазрати Махдумий қайтмоқнинг муқаддамаларини ҳусни ибодат ва лутфи истиора била ўртаға келтурдилар. Хожа тавозуъ юзидин ойдиларким: «Бу сафарнинг азимати хотирда шундоғ тасаммум топибдурким, онинг дафъиға қодир эрмасмиз». Мундин сўнг Ҳазрати Махдумий ҳеч сўз демадилар ва Ҳазрати Эшоннинг хоссалари маъюс бўлуб қайтди. Бир ҳафтадин сўнг Хожа Язд тарафиға мутаважжиқ бўлдилар. Вақтиким, Яздға етушдилар, ҳар мартабаким, ул ердин кетмакни қасд этсалар, олзрни таби муҳриқ тутар эрди. Вақтиким, азиматларини фасх этсалар филфавр таблари қолур эрди. Охир билдиларким, Ҳазрати Эшон юбормаслар, токим ул кунлардаким, Яздда қолиб эрдилар, бир кеча туш кўрдилар. Вақтиким уйғондилар, ҳам шулар изтиробни тамом била беҳудона

Табаррук рисоалар

фирошларидин туриб, пиёда, кафш била тавилага бориб, хосса отларини шул туришда яланғоч миндиларким, муза киймакка ва отга эгар қўймоққа мажоллари йўқ эрди. Мулозимлар ва ходимлар ўринларидин туриб, ёнлариға бордилар. Хожа ойдиларким: «Отни эгарлаб, музани олиб, изимдин келтириларким, Ҳазрати Эшон мани талаб этдилар ва макс этмаска мажол йўқ турур». Бас, яланғоч отни оёқлари била ҳайдаб, таъжили тамом била Хуросонға мутаважжиҳ бўлдилар. Мулозимлар ва мутааллиқлар ихмол ва асқолларни олиб, истеъжол ва суръат била яна бир манзилда Хожаға етушдилар. Вақтиким, Ҳирот келдилар, мажולי таваққуф йўқ эрди. Бу ҳуруфнинг роқими (яъни, Али Сафий) ҳам аларнинг мулозаматлари ва мурофақатларида мутаважжиҳ бўлди. Ва бул сафар рабиъул-охир ойининг авойилида сана саккиз юз тўқсон учда (1487) эрди. Бовужуди улким, бу фақирнинг оти ва хачири пурзроҳур ва ҳамвор эрди, то Чилдухтарондин зиёд ҳамроҳлик эта билмади. Ул жиҳатдинким, Хожа қўб тез ҳайдаб эрдилар ва қўб отлар олардин йўлда қолди. Доимо хотиримға келур эрдиким, Хожанинг хизматлариға арз этайинким: «Ҳижознинг ул мусаммам азимати на эрди ва суръат била мурожаат на турур?» Яна адаб сақладим, токим ўзлари изҳор этгайлар. Вақтиким, Чилдухтаронға етулди, ойдилар: «Эй, фалон, ман бағоят тўнд юрарман ва сан манинг ҳамроҳлиқимдин ташвишга тушарсан, керакким, бизнинг мутааллиқларимиз билаким, тевалари бордур, олар била фароғат келурсан, то Самарқандда бизга етушгайсан. Шоядким, хотирингға келган бўлсаким, Ҳижознинг ул мусаммам азимати на эрди-ю, мурожаати сариъа на турур? Қол бул турур: Яздда бир кеча сафари Ҳижозни азми жазм этдим, уйқуда кўрдимким, Ҳазрати Эшон келдилар ва манинг кафшимни Самарқанд жонибиға ойлантирдилар. Вақтиким уйғондим, қулқ ва изтироб ва шавқи инжизоб Ҳазрати Эшон тарафиға ботинимда мавжуд топдиким, мани бетоқату беором қилди. Максу таваққуф этмакка мажол қолмади. Ҳам ул кечанинг ичида ўрнимдин турдим, пиёда кафш била тавила бордим. Бир яланғоч отга миндим. Шундоғ тез ҳайдаб, суруб, равон

бўлдимким, мушоҳада қилурсан. Ва Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари жазбнинг камандини жонимнинг бўйнига ташлаб, торта-торта ўз тарафлариға югуртурур. Яқин билурманким, то Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бормасам бу кулқу изтироб таскин топмасдур». Бу сўзни ойдилар ва отлариға қамчи уруб ҳайдадилар ва фақир мулозимлари ва тевачилари бир ойдин сўнг Самарқандда мулозаматлариға восил бўлдилар.

Хизмати Хожа ойтур эрдиларким: «Язд мурожаатидин неча кунлар ўтгандин сўнг яна манга Ҳижоз сафарининг доияси бўлди ва бу доия қувват топди. Мавлоно Саййид Ҳасаннинг хизматиға тавассул этдимким, манинг учун руҳсат ҳосил этсалар. Ва хизмати Мавлоно фурсат вақтида арз этдилар. Ҳазрати Эшон сўрдиларким: «Бу сафардин онинг ғарази на турур?» Хизмати Мавлоно мандин сўрдилар, ойдим: «Бу ҳадис манга боис бўлурким, Ҳазрати Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам ойтиб турурларким: «Ман зораний майтан фақааннама зораний ҳаййан»²². Ҳазрати Эшон ойдилар: «Бизга уч кун муҳлат беринг, то кўрайликким, маслаҳат не турур. Учланчи кечада уйқуда кўрдимким, Ҳазрати Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам зоҳир бўлдилар, ман бошимни ул Ҳазратнинг қадамлариға қўйдум. Ойдилар: «Волидни олиб келгил, то суҳбат тутармиз». Ман югуруб бориб, Ҳазрати Эшонни огоҳ қилдим, таъжил била келдилар ва Ҳазрати Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам оларни ўнг тарафларида ўлтурғиздилар, мани рўбарўларида ўлтурғиздила, ман рўбаруларида ўлтурдим. Ман бошимни ошоқ солиб, кўзумни юмдим. Бир лаҳзадин сўнг бош кўтардим. Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васалламни икки тан кўрдим, олар зоҳир эрмас эрдилар. Ҳар неча имъони назар этдим, ул Ҳазрат алайҳиссалом била оларнинг аросида ҳеч ваҳж била имтиёз муяссар бўлмади. Ва маълум айланмадиким, ул Ҳазрат қайси ва олар қайси турур. Бу ҳайрат ва даҳшатда уйғондим. Вақти саҳар эрди, дарҳол таҳорат

²² Кимки Мени вафотимдан сўнг зиёрат этса, ҳаётлик чоғимда зиёрат қилгандек бўлади.

этдим ва Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бордим. Кўрдимким, намоз ўқиб, мууроқиб бўлуб ўлтирибдилар. Оҳиста келдим ва ўлтирдим. Муборак бошларини кўтариб ойдилар: «Эй, Хожа, арзингиз ҳосил бўлди ва муородингизни топдингиз, эмди бизга ташвиш берманг, қариб турумиз ва дийдор ғанимат турур». Ман оларнинг қадами мубораклариға бош қўйдим. Мундин сўнг ботинимда ул добийларнинг амсоллариға йўл бермадим».

Яна ҳам хизмати Хожа ойдиларким: «Ҳазрати Эшон мани тариқи робитаға ишорат этиб эрдилар. Ул шуғлнинг мабодийсида вақти Ҳазрати Эшоннинг ёнларида ўлтуруб эрдим ва асҳоблардин жамъи ҳозир эрдилар. Манинг хотиримға келдиким, оё Ҳазрати Эшоннинг юзлариға таважжуҳ этилсаму ё кўзлариға? Вақтиким, ул Ҳазратнинг тарафлариға назар этдим, шаҳодат бармоқларини муборак қошларининг ўртасида қўйдилар. Маълум бўлдиким, Ҳазрати Эшоннинг икки қошларининг ўртасиға назар этмак керакдур. Асҳоблар кетиб, хилват бўлгондин сўнг шул ваҳға тасриҳ этдилар.

Яна ҳам Хожа ойдиларким: «Бир мартаба ботинда манга ташвиш бор эрди. Кўб паришонхотирлик била Ҳазрати Эшоннинг ёнлариға келдим. Саркорлардин бир жамоа ҳисоб ўтқарурлар. Гуфтугуйлари узоққа тортди ва ман бағоят малул ва тангдил бўлдим. Ногоҳ, ондоғким, бир дарахт сичадин тўла бўлса бир киши ул дарахтға тош отса, ҳама сичалар бирдин учуб қочалар, манга кайфияте бўлдиким, ботиним ҳужуми хавотирдин ва ул паришонлиқким, бор эрди батамом халос бўлди ва итминони дил ҳосил бўлди. Бу ҳолда Ҳазрати Эшон тарафиға назар этдим. Кўрдимким, ул Ҳазратнинг муборак кўзлари манда ва тез-тез манга қарарлар. Бас, оҳиста, – ондоғким, ман эшитдим, ойдилар: «Бу бор ул бор ва бу ҳам бор». Ондин сўнг саркорларға ойдилар: «Турунларким, манинг онинг била ишим бор турур». Вақтиким, одамлар кетдилар, Ҳазрати Эшон манга тунд бўлдилар ва ойдилар: «Мунинг билаким, кишининг ботинида ташвиш бўлса онинг хотири учун борини қўюб бўлмас, бу тариқа нимарсаларни кўнгилға келтирмаслик керак. Мабодо

маҳалли бўлсаким, ул жойда атолик ва ўғуллук сифмасдур, саъй онда этмак керакдурким, киши бу нимарсаларни кўргандин тангдил бўлмасун ва ташвишга тушмасун».

Ҳазрати Эшон хилватда хизмати Хожа Муҳаммад Яҳёга Ҳазрати Имоми Хумом Саъиди шаҳид Абу Абдуллоҳ ал-Хусайн разийаллоху анхунинг зикрларини кўб ойтур эрдилар. Ул Ҳазратдин ҳикоят ва аҳвол келтурур эрдилар. Ва ойтур эрдилар: «Санинг истеъдодинг манинг ҳазрати Имомнинг руҳониятлариға муносабати ва мулоиймати тамом турур ва ул Ҳазратнинг шурбларидин ҳаззаи авфар била муҳтаззе бўлурсан».

Ҳазрати Эшоннинг вафотларидин сўнг, вақтиким, Шоҳбахт (Шайбоний)хон Самарқанд вилоятига истийло топди, муҳаррам ойининг авойилида сана тўққуз юз олтида (1500) хизмати Хожани мувоҳаза ва мутолаба этдилар. Жамийи жиҳат ва амволу асбоб ва амлоқларини тасарруф этдилар. Ва хизмати Хожа ул вақтда ойтур эрдиларким: «Умид этарманким, бу ошуро кунларида ул мунособ(ат)нинг асариким, Ҳазрати Эшон неча мартаба манга башорат бердилар, зоҳир бўлса». Ва ул кунларда хон оларға Хуросон сафариға ижозат берди ва олар азвож ва авлод ва соир муталлиқон ва мулозимонлари била Хуросонға мутаважжих бўлдилар. Ул вақитда ўзбекни улуғ умароларидин жамъи ўз раъйи тадбири ноқислари била Хожани авлодларини Хуросонға юбормакни савоб кўрмай, хонға арз этдиларким: «Хожани ва авлодларини Хуросонға юбормак муносиб эрмастур, мабодо ул жойда фитнае ихдос этсалар, салоҳи мулкни онда кўрармиким, ҳам оларни шу ерда қатилға етурсак». Хон бу маънини тажвиз этмади ва ул сўзга қулоқ қўймади. Умаролар муболагани ҳаддин ўтурдилар ва ибромни ниҳояттиға еткурдилар, ондоғким, хон бечора бўлди ва ойдиким: «Мулку диннинг салоҳи қайси ишда бўлса ондоғ қилинг». Пинҳоний ўз хосса отларидин бир югурук ва зўр отни маҳрамиға бериб, они таъжил била Хожанинг изидин юбордиким: «Умародин бир жамоа сизга қасд этибдурлар ва бизнинг манъимиз била мумтаниъ бўлмаслар, бир қувватлиғ ва югурук от юбордукким, онга эътимодимиз бордур, ҳар кеча ўттуз фарсах йўл юруб ҳоримай, дарҳол

Табаррук рисоалар

одамларингиз орасидин чиқинг ва танҳо отланиб, Хуросон тарафига равона бўлунг, авлоду азвож ва мутааллиқларингизнинг тарафидин хотирингизни жамъ тутунгким, биз бу ерда оларнинг ҳомийси ва роъий турурмиз, хоҳламасмиким, оларга зараре ва ихонате етушса». Вақтиқи, хоннинг маҳрами отни Хожанинг хизматиға етурди, ул важҳдинким, оларнинг ғайрат ва ҳамиятлари бор эрди, авлоду азвож ва муталлиқларини танҳо қўймоқни жойиз кўрмадилар. Ва ул маҳрамга ойдиларким: «Ҳазрати Эшон манга хилватда ҳамиша башорат бериб, ишорат қилур эрдилар ва ман онинг интизорин чекарман ва умид тутарманким, улча манинг хайрийятим бўлса олдимға келур. Хонға ойтингким, сиз қарам этдингиз ва эҳсон кўргуздингиз, жазоқумуллоху анна хайран». Ва хоннинг отини қайтардилар ва Кармина йўлидин Хуросонға мутаважжиҳ бўлдилар, то қасабаи Татқанд бўлдиларким, Самарқанддин тўққуз фарсах узоқ турур. Йўл асносида таажжуб ва таҳаййур юзидин ойтур эрдиларким: «Ман ҳайронда турурман, яқин билурманким, Ҳазрати Эшоннинг башорат ва ишоратлари ҳақ сидқ эрди ва ондин асаре зуҳурға келмади. Оё, бу амрнинг зимнида на ҳикмат турур?» Вақтиким, Кабароб қарясиғаким, Тошқанд қарясидин турур, етулди ва шул йилдин ул кун муҳаррам ойининг ўн бешланчи куни эркан, ногоҳ ўзбек қавмидин жамоаи қасира қариб уч юз отлиғ ул саҳрода Хожанинг изидин етдилар ва Хожани икки фарзанди бузругворлари била Хожа Маҳмуд Закариё ва Хожа Абдул Боқи турур, даражаи шаҳодатға етурдилар. Ва соири авлод ва мутааллиқларини Самарқандға юбордилар. Ва муҳиббу мухлислардин жамъи Хожанинг ва авлодларининг наъшини маҳаллаи Хожа Қафширға келтурдилар. Ва ул кун Самарқандда Хожанинг ва авлодларининг жанозаси учун хавосу авомнинг издиҳоми ва касратдин қиёмат қойим бўлди. Намози жаноза ўқулгондин сўнг Хожа ва авлодларининг жасади муборақларини Муҳавватаи Мулоёнда Ҳазрати Эшоннинг қабри муборақларига яқин дафн етдилар. Роҳималлоху таъоло раҳматан восийатан²³.

²³ Аллоҳ уларга ўзининг беқиёс раҳматини насиб этсин.

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Эшон Хожагоннинг волидалари вафот топгондин сўнг, ўз ақраболаридин бир муҳзирани хуболаи издивожлариға келтириб эрдилар, хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё ондин вужудға келган эрди. Ҳақ субҳонаху ва таъоло хизмати Хожаға уч саодат асар ўғул ва икки сулбийя каромат этиб эрди. Ва ўғуллари Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Абдул Боқи ва Хожа Муҳаммад Амин эрдилар. Равваҳ Аллоху таъоло руҳаҳум²⁴.

ХОТИМА

Ҳазрати Хожанинг вафотлари таърихи зикрида ва ул ҳазратнинг дунёдин дори охиратға интиқол ва иртиқол этганларининг кайфиятида турур, ва-с-салом.

Иккиланчи мартабадаким, бу ҳуруфнинг роқими остонбўслиқ шарафиға мушарраф бўлди рабиъу-л-ахйр ойининг йигирма тўрти, душанба кун, сана саккиз юз тўқсон учда (1487) эрди. Ўзларининг синни шарифлари ҳақида сўз ойтур эрдилар ва ул аснода ойдиларким: «Уч йил тўрт ой бўлса, тўқсон йил тамом бўлур».

Ва Ҳазрати Эшоннинг ибтидоий маразлари муҳаррамул-ҳаром ойининг ғаррасида сана саккиз юз тўқсон бешда (1489) эрди ва дору-л-қарорға интиқоллари шул йилнинг рабиъул-аввалининг салхи йигирма тўққизланчисида шанба кечасида воқий бўлдиким, айёми маразларининг ҳаммаси саксон тўққуз кун бўлур. Интиқолларидин ўн икки кун аввал ойтибдурларким: «Агар ҳаёт боқий бўлса яна беш ойда саксон тўққиз йил комил бўлур ва умуримнинг йили тўқсонға кирар». Баъзи азизлар ойтибдурларким, Ҳазрати Эшоннинг муддати маразлари умрларининг йилиға мувофиқ бўлуб, саксон тўққуз кун бўлгонининг сирри гўё улдурким, ул ҳадиским, «хуммо явмин каффорату санатин» турур. Онинг маънисин таҳқиқ этиб турурлар, яъни бир куннинг иситмаси бир йилнинг каффорати турур.

²⁴ Аллоҳ таъоло уларнинг руҳларини шод қилсин.

Хизмати Мавлоно Абу Саъид Убаҳийким, Ҳазрати Эшоннинг муддати маразлари ва нақл этганларида кеча ва кундуз ҳозир эрканлар, хизмат ва мулозаматни мудовамат этар эрдилар, шундоғ ойдиларким, робийу-л-аввал ойининг йигирмасида чаҳоршанба кечаси сана саккиз юз тўқсон бешда таҳвили Хут эрди ва чаҳоршанба куни Ҳазрати Эшон маҳалласи Хожа Кафширдин Камонгарон деҳасини азимат этиб равон бўлдилар, Ғавжиён маҳалласининг боғига нузул этдилар. Панжшанба кечаси ул ерда бўлдилар ва сабоҳи панжшанба хоҳладиким, Миср йўлидин Камонгаронга мутаважжиҳ бўлсалар. Шиддати мараз ва ғалабаи заъф сабабидин ул кун кечаси била Мисрда қолдилар. Жумъа кунининг сабоҳида замон-замон таваққуф этиб лаҳза-лаҳза макс қилур эрдилар. Шанба кечаси хуфтон вақти эрдиким, Камонгаронга етушдилар ва етти кун тамом ул жойда бўлдилар. Жумъанинг субҳида то ахийри кунгача ҳар соат ул Ҳазратнинг заъфлари зиёда бўлур эрди. Ва ул уч ойнинг муддатидаким; мариэ эрдилар, салоти мактубанинг авқотлари ҳифзида муболағай азийм қилур эрдилар ва ҳамиша аҳтимоми тамом кўргузур эрдиларким, намоз аввали вақтда ўқулса, хусусан, заъфнинг ғалабаси ва маразнинг иштидоди кунларида. Вақтиким, мараз ва заъф гоятиға етушди ва ул рабийу-л-аввалнинг салхи, шанбанинг намозшоми эрди, ойдиларким: «Бўлубдур». Намози шомни ишорат била ўқудилар. Намози хуфтанинг вақтидин андак ўтуб эрдиким, Ҳазрати Эшоннинг нафаслари мунқатиъ бўлди ва Ҳақ субҳонаҳунинг жавори раҳматиға восил бўлдилар.

Вақтиким, Ҳазрати Эшонға тағаййур воқий бўлди ва ул жумаъ куни пешин вақти эркан, ер ларзаға кириб, шаҳри Самарқандда зилзилаи азийм бўлуб, ғубор турди. Ва ул вақтда одамлар масжиди Жомийда эрдилар. Аксари одамлариким, ул Ҳазратнинг маразлари саъубатидин хабардор эрканлар, вақтиким, ул зилзила ва аломати азиймни кўрдилар, жозим бўлдилар ул амрким, Ҳазрати Эшонға сурате воқий бўлгондур. Намози жумбадин сўнг мажмуъи хавоссавом шаҳардин Камонгаронга матаважжиҳ бўлдилар. Ва хуфтан намози вақти Ҳазрати Эшоннинг нафаси муборақлари мунқатиъ бўлур ҳийнда яна бир мартаба ер ларзаға кирибдур ва шаҳри Самарқандда зилзилаи шадид воқий бўлубдур.

Ва Мирзо Султон Аҳмад ҳама аркони давлат ва аъёни мамлакати била гуруб вақти Камонгаронга келдилар ва Мирзо намози шомдин сўнг Ҳазрати Эшонни топибдур. Ва шанба куни эртанг била Мир Дарвиш Муҳаммад Тархон Мирзонинг олдинин таъжили тамом била келиб, Ҳазрати Эшоннинг наъши муборақларини муҳаффага қўюб, шаҳарга матаважжиҳ бўлдилар. Ва намози пешин вақти Хожа Кафширнинг маҳалласига келтурди. Дарҳол ғуслу такфинга машғул бўлдилар. Шаҳар ва вилоятнинг мажмуъи хосу оммлари муҳавватаи Мулоёнда Ҳазрати Эшонга намози жаноза ўқудилар ва ҳам ул муҳавватада²⁵ дафн этдилар. Ва Ҳазрати Эшоннинг авлоди бузругворлари ул ерда иморати олиййа бино этдилар. Ва ул Ҳазратнинг қабри муборақларини яхши вазъда этиб, пардоз бердилар.

Асҳобларнинг азизеларидан баъзилари Ҳазрати Эшоннинг иртиҳол ва интиқол ҳийнларида ҳозир эрканлар ва яна баъзиларким, Хожа Муҳаммад Яҳёдин эшитиб эрдилар, шундоғ нақл этдиларким, вақтиким, ул Ҳазратнинг нафси муборақлари инқитоъга яқин етушди ва ул вақт намози шом била хуфтаннинг ароси эрди ва ул уйда қўб шамларни ёқиб қўюб эрдилар ва уй бағоят равшан эрди, бу ҳолда қошларининг ўртасидин бир нур барқи ломийдек дарахшон бўлди ондоғким, ул нурнинг шуоъи ҳамма шамларгаким ул уйда ёнар эрди, ғалаба этиб, мастур айлангирди. Ва ҳар кишиким, ул уйда ҳозир эрди, ул нурни мушоҳада этди. Ва ул нурнинг ламъотидин сўнг Ҳазрати Эшоннинг нафаси муборақлари мунтақий бўлди.

Аълаллоху таъоло даражатаху фий иллиййина минал-лазийна анъама алайҳим минан-набиййийна вас-сиддийқийна ваш-шуҳадои вас-солиҳийна равваҳаллоху руҳа аслофиҳи ва таввалаллоху умра ахлофиҳи. Бироҳматика йа арҳамар-роҳимийн.²⁶

²⁵ Муҳаввата – алоҳида ажратилган жой, махсус ўралган ер.


²⁶ Аллоҳ таъоло ул зотнинг даражаларини охиратда янада баланд қилсин. Албатта, Аллоҳ бу лутфи эҳтисонини пайғамбарларга, сиддиқ зотларга, шаҳидларга ва солиҳ зотларга ато қилгандир. Аллоҳ таъоло Ҳазрати Эшон Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг дўст-биродарлари, яқинларининг руҳларини шод қилсин ва бу зотнинг ўринбосарларининг умрларини узун, баракотли қилсин.

Табаррук рисолалар

Рубойий форсий айзан фий таърийхил-итмом (Китобнинг тугаши тарихи ҳақида форсча рубойий)²⁷

*Омад «Рашаҳот»и мо касир-ул-баракот,
Чун оби Хизр мунфажир аз обиҳаёт.
Ёбанд муҳосибони санжида сифот,
Таърихи тамомаш аз ҳуруфи «Рашаҳот»
(Баракаларга тўла бўлган бизнинг «Рашаҳот»имиз,
Обиҳаёт булоғидан отилиб чиққан Хизр суви эди.
Ёқимли сифатга эга бўлган ҳисоб қилувчилар,
Унинг ёзилиш тарихини «Рашаҳот» ҳарфларидан
топурлар.)*

Ҳижрий 909 (мелодий 1503 йил.)



²⁷ Али Сафийнинг бу рубойисидан аввал Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг катта ҳажмли қасидаси келтирилган.

4. «НАСАБНОМАИ ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ

АҲРОР (қуддиса сирруҳу)

Абдулҳай ибн Абдулфатҳ ал-Ҳусайний

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим

Идрок қилиш ҳаддидан ташқари бўлган ҳамд ва фалаклар юлдузлари саноғидан-да зиёда сано Ҳақим бўлган Зотга сазовордурки, У нафси амморани шайтон васвасасидан ҳамда исён зулматидан қутқариб, маърифат илми яқин нурларининг асарлари зоҳир бўлиши сабаб (нафсда) ором бергувчи зикрни сабру бардош, чидам билан бирга жо қилгандир. У Дунё ва охират зиндонидан аълоий иллийинга маҳкам арқон чиқариб қўйгандир. Тақдир қилувчи подшоҳ (Парвардигори олам) наздидаги тўғри ўрингоҳда, жаннатнинг битта мевасини унда ўтказгандир.

Туганмас дурудлар охират саййиди Маҳмуд (Зот - Ҳазрати Муҳаммад с.а.в.)га лойиққи, ҳайратда қолган умматларини «сирот ал-мустақим» ила дўзах азобидан олиб ўтиб, ҳидоят ва ирфон сарҳадларига етказгандирлар. Ва яна ул Зотнинг мукаррам саҳоба ва Аҳли Байтларига (саломлар бўлсинки), ҳар бирлари кароматлар буржининг юлдузлари ва саодат буржининг гавҳарларидир. Парвардигоро! Ҳамиша ул зотларга бизнинг кўпдан-кўп саломларимизни юборгин.

Аммо баъд. Ҳазрати Хожагонларнинг (қаддасаллоҳу таоло арвоҳаҳум) силсилалари хонадонига эътиқод қилувчи толиб ва муҳиббларнинг қуёшдек назарларидан махфий эмаски, силсилалар бениҳоят кўп ва Аллоҳга (элтувчи) йўл халойиқ нафсларининг ададича ҳаддан ташқари ва бағоят кўп бўлса ҳам, лекин насабларга суяниб, фаросат кўзи билан (қараганда) Ҳазрати Хожагон хонадони силсиласи энг яхши тариқатдур. Зеро, ўшал пок зотларнинг тариқати аҳли суннат вал-жамоат эътиқоди устига бино бўлган, аҳли ҳаво ва бидъатчиларга эътиқод қилишдан қочадиган, шариат ҳукмларига итоат ва рухсат этадиган, қатъият билан амал

Табаррук рисоалар

қиладиган ҳамда ёлғиз жаноби Парвардигорга шуурлар танглигисиз огоҳликда давом этадиган тарикатдир. Эй, Аллоҳим, уларнинг муҳаббатидан бизларни ризқлантиргин ва бизларни уларнинг гуруҳларида қилгин! (Омин.)

НАЗМ:

*Аз дарун шав ошно-у ваз берун бегона бош,
Инчининг зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.*

(Ичкаридан (қалбдан) ошно бўлгину, ташқаридан (зоҳиран) бегона бўл. (Парвардигорга нисбатан кўргизиладиган) мана шундай гўзал ҳолат жаҳонда кам бўлади).

Дарҳақиқат бул маъноларнинг зуҳур бўлиши ва нурига сабаб авлиёлар султони, асфиёлар ҳужжати, ҳақиқатнинг мушкилотларини очувчи, дақиқ ўринларнинг мужмал жойларини ечувчи, шундайки, сўзлари машриғидан ботиний ва зоҳирий камолотнинг жилолари нурланур, афъоллари тулуъсидан дунё ва охират нурлари равшанлашур.

РУБОИЙ:

*Он Хожяки буд шамъи дин миръоташ,
Шоҳон бисоти мулки миллат моташ.
Миръоти жамоли важҳи мутлақ зоташ
Вон важҳ муқайяд шуда дар миръоташ.*

(Ўшал Хожяки дин шамъи унинг кўзгуси бўлди (яъни диний илму ирфон унинг қалб кўзгусида эди). Ҳатто шоҳлар, буюклар ҳам ул зотнинг исломий мулки тахтасида мотдурлар. Парвардигорнинг мутлоқ важҳи гўзаллиги (жамоли)нинг кўзгуси унинг зотидадир, (яъни) ўшал важҳ унинг кўзгусида муқайяд бўлган, нақш қилингандир).

Муршидлар таянчи, орифлар муқтадоси (пешвоси), раҳмоний нурлар мазҳари, субҳоний сирлар мажмуи, Аллоҳнинг раҳмат денгизига фарқ бўлган зот Ҳазрат Хожа Носируддин Убайдуллоҳқим, Абу Бакри Сиддиқи акбар ҳамда

Амир ал-мўминин Умар авлоди бўлган содиқ оталарини ва Саййиди башарнинг амакиси ўғли Али Муртазогача бўлган саййида оналарига Аллоҳ Таолонинг ризвони бўлгай. Ул зотнинг (Хожа Убайдуллоҳнинг) васфида хилоф йўқ, ул зот васфлардан беҳожатдир.

Биз бебасирларга ўзимизни ўшал бузругларнинг хайрли гуруҳларида санашга ҳаддимиз сиғармиди. Лекин хосу омга ўзни танитиш мақсадида худнамолик қиламан, дунё ва охираат саодатини кўраман. Токи бизни улардан экан десинлар, ўшал покларнинг биродарлари ҳамда чокарбонлари орасида санасинлар. Вақту замон тақозосига кўра табақалар турли-туман ва азиз нарсалар хорлик билан алмашган, бузругларнинг шариф вужудлари маърифатга боис ҳамда кичикларнинг эҳтиромига сабаб эди-ю, улар бошларига қабо (қафанлик) тортилар. Ўшал бузругларнинг гуруҳларидан бўлган катта-кичиклар ҳархил вилоят ва ноҳияларга тарқаб кетганлар. Воқеалар сабаб бўлиб ҳеч қайсисига ўз насабларини билишга имкон йўқ эди. Ул зотларнинг насаблари ҳақиқатидан хабардор кимса ушбу силсилада қолмаган. (Камина) Фақири ҳақир, кўп нуқсонлик Аблулҳай ибн Абудфатҳ ал-Хусайний кўпгина ва бисёр маҳумлар ҳамда бузругларга хизмат қилиб ўзни мулозамат шарафи ила мушарраф қилиб, ушбу бузругларнинг ҳар қайсисидан сўзлари ва уларнинг насаблари ҳақида озгина-озгинадан эшитиб аслий хотира хазинасига жойлаб қўйган эди. Мана шу аснода насаб баёнида бир нарса ёзишни хоҳлаб қолди, токи одамлар уларни билиб ва улар ўзларини, (ҳамда) ўзларининг мукаррам ота-боболарини таниб олсинлар. Улуғлик инон-ихтиёрини қўлдан бермасинлар.

«Ал-валаду сиррун ли-абиҳи»²⁸ («Фарзанд отанинг сирридир») ҳадисини эътибор кўзи ила мутолаа қилсинлар. Уларнинг асар-изларига назар солсинлар, зеро айтишган: **«Инно осорано ядулду аълайно. Фанзуру баъдано ило осоринно»²⁹** («Албатта бизнинг асарларимиз бизга далолат қилади. Биздан сўнг асарларимизга назар солинглар!»). Ул

²⁸ «Фарзанд отанинг сирридир».

²⁹ «Албатта бизнинг асарларимиз бизга далолат қилади. Биздан сўнг асарларимизга назар солинглар!»

Табаррук рисоалар

бузругларнинг пайрав ва мутобаатида ҳамда фазилатларни касб қилишда имкон қадар саъй-кўшиш қилсинлар. Мақсадсиз жаҳолатни эгалламасинлар. Дунёвий матолар учун номусу орни, иззатни қўлдан бермасинлар.

НАЗМ:

*Бигузоштанист ҳар чи дар олам ҳаст
Илло иззатки он ба-ки доштанаст.*

(Оламда мавжуд ҳар нарса ўтғувсидир, магар кимга иззату шараф берилган бўлса, у ҳаргиз йўқолмас).

(Толиби содиқлар) Ҳамиша ўз ҳолларини текшириб, «Хуз мо сафо, даъ мо кадар» («Сафосини ол, ифлосини ташла!») маъносини ўйлаб, ўзларининг ахлоқларини поклаш мақомида бўлсинлар. Файёзи ҳақиқийдан нимаики етса, шокир ва рози бўлиб, ўшал бузругларнинг тўғри йўлидан ташқари чиқмасинлар. Токи уларнинг йўлларига пайрав ва тобеъ бўлиш баракотидан оқибати чиройли бўлиб, суварий ва маънавий мақсадларга етсалар.

Махфий қолмасинки, орифлар кутби, восиллар ғавси, муҳаққиқ зотлар ҳужжати, муршидлар таржимони Ҳазрат Хожа Носируддин Убайдуллоҳ қаддасаллоху таоло асрораҳумнинг ота-оналари, обову аждодларининг ҳаммалари илму ирфон арбоблари ва завқу виждон асҳоблари бўлганлар. Ул ҳазратнинг оталари Хожа Маҳмуддирлар. Улар Хожа Шаҳобуддиннинг фарзандларидурлар. Улар тўрт восита билан Хожа Муҳаммад Номийнинг фарзанди бўлиб, ул зот асли Бағдоддан бўладилар ва Сиддиқийдурлар. Ул зот улуғ шайх Шайх Абу Бакр Қаффо Шошийнинг кибор асҳобларидан ҳисобланади. Улар эса (Қаффоли Шоший) мужтаҳид уламоларининг улуғларидан буюк имоми ҳумом Имом Шофиъий Муталлибий мазҳаби уламои киромларидан бўлиб, зоҳир ҳамда ботин илмида жаҳон яғонаси ва ўз даврининг имомларидандир. Уларнинг улуғлик ва ҳолатларининг баёни «Рашаҳот» китобида ва Ҳазрат Мавлоно Яъқуб Чархий ҳамда Мавлоно Муҳаммад Қозий жамъ қилган

асарларида шарҳ қилинган ва мазкурдир. Ул ҳазратнинг (Ҳожа Убайдуллоҳнинг) онаси Ҳазрат Хожа Довуднинг қизидир. Ҳазрат Хожа Довуднинг волидаси Саййида бўлган. Хожа Довуд Ҳазрат Шайх Хованди Тахурнинг ўғлидир. Улар эса Ҳазрат Шайх Умар Боғистонийнинг фарзандидир. Аллоҳ таоло уларнинг руҳларини муқаддас қилсинки, ҳаммалари ниҳоятда бузругдирлар. Улардан то Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умар разийаллоҳу анҳумгача тўққиз восита бўлиб, ушбу тариқададир: Ҳазрати Шайх Умар кутбул-ақтоб Шайх Ҳасан Парранданинг ўғлидир. Ул зот Шайх Муҳаммад Парранда ҳазратларининг ўғлидир. Ул зот эса Шайх Усмон Парранданинг боласидир. Ул зот Шайх Носирмаоб парранданинг ўғлидир. Ул зот эса Шайх Ҳасан Парранда ҳазратларининг ўғлидир. Ул зот эса Шайх Усмони фақиҳ ҳазратларининг ўғлидир. Ул зот Ҳазрати Шайх Абу Бакр фарзандидир. Ул зот эса Абдуллоҳ ибн Умар ҳазратларининг ўғлидир. Ул зот эса Амир ал-мўъмининг Умар (разийаллоҳу таоло анху) ҳазратларининг фарзандидурлар.

Махфий қолмасунки, Шайх Ҳасан Паррандани Ҳазрат Шайх Умар онасидан икки ўғил ва бир қиз бўлганлар. Катта ўғил Шайх Умардир, уларнинг кичик ўғли Шайх Муҳаммад Паррандадир. Қизлари эса Тағойи Бича деган номлик бўлиб, Шайх Иброҳим ибн Шайх Исмоилнинг никоҳида эди. Улардан эса Ҳазрати Султон Хожа Аҳмад Яссавий (қаддасаллоҳу сирраҳул азиз) бўлганлар. Ҳазрати Шайх Хованди Тахурнинг волидалари Термиз улуғларидан бўлган. Ул ҳазратнинг тариқатда иродат нисбатлари Ҳазрат Махдуми Мавлоно Яъқуб Чархийга бўлганлар (қаддасаллоҳу сирраҳул азиз). Ул зот иродат нисбатини Ҳазрати Хожаи Бузруг Хожа Баҳоуддин Нақшбандга қилганлар. Ул зот эса тариқатда Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобойи Саммосийнинг мақбул фарзанди бўлиб, иродат нисбати, суҳбат ва сулук одобларининг таълими ҳамда хуфия тариқасида талқини зикрни Ҳазрати Амир Саййид Кулолдан олганлар. Ул зот Ҳазрати Азизон Хожа Али Ромитонийдан, ул зот эса Ҳазрати Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан, ул зот эса Хожа Ориф Ревгарийдан, ул зот эса Ҳазрати Хожаи жаҳон Хожа Абдулҳолик

Табаррук рисодалар

Ғиждувонийдан олганлар. Ул зотнинг хуфия йўл билан зикр талқин қилишнинг нисбати Хожаи зинда дилон ҳазрати Хизр алайҳиссалоту вассаломдан бўлиб, иродат нисбати, суҳбат-у одоб ҳамда сулук Шайх Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний ҳазратларидандур. Ул зот Ҳазрати Шайх Абу Али Фармадийдан олган бўлиб, Имом Муҳаммад Ғаззолийнинг ҳам пири эдилар. Шайх Абу Алига Шайх Абдулқосим Гургонийдан, Шайх Абдулқосимга эса тасаввуфда интисоб икки тарафгадир. Бириси Шайх Жунайд Бағдодийга уч восита билан, бошқаси Шайх Абдуҳасан Харақоний ҳазратлари биландир. Ул зотга Султон Боязид Бастомий ҳазратлари билан, ул зотга эса Ҳазрати Имом Жаъфар Содиқ разияллоху анху билан етади. Ҳазрати Имом Жаъфар разияллоху анхунинг Султон Боязидни қилган тарбияти руҳоният тариқасида эди. Ҳазрати Имом Жаъфар разияллоху анхунинг интисоби ҳам икки тарафгадир. Биринчиси, ўз отаси ҳазрати имом Муҳаммад Боқирга, унга ўз отаси Ҳазрати Имом Зайн ул-обидинга, унга ўз отаси шаҳидлар саййиди Ҳазрат амир ал-мўминин Хусайн (разийаллоху анху) га ул зотга эса оталари Ҳазрат Амир ал-мўминин Али ибн Абу Толиб қаррамаллоҳи ваҷ-ҳаҳудан, ул зотга эса ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоху алайҳи ва салламдан етади.

Бошқаси, ҳазрати Имом Жаъфарга илми ботинда интисоб волидаларининг отаси тобеинларнинг киборларидан Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Сиддиқ разияллоху анхумгадир. Илми ботинда Ҳазрати Қосимга интисоб Салмони Форсий ҳазратларидандир. Ҳазрати Салмонга эса шахсан Ҳазрати Расули Акрам саллаллоху алайҳи ва салламни кўрганликлари билан интисоб собит бўлган. Тасаввуф ва илми ботинда Ҳазрати Амир Хожагон ҳазратларининг тасаввуф ва илми ботинда нисбатлари тўрт хилдир. Биринчиси, Аллоҳ ҳикмати ва илмини зиёда қилсин, Ҳазрати Хожа Хизргадир. Иккинчиси Шайх Жунайд ҳазратларига. Учинчиси Султон Боязид Бастомий ҳазратларига то Ҳазрати Амир ал-мўминининг Али разийаллоху анхуга боргунча. Тўртинчиси Ҳазрати Имом Жаъфар Содиқдан то Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ разийаллоху таоло анхуга боргунча. Ушбу мазмундан

келиб чиқиб, Хожাগон силсиласини «Силсилаи заҳаб»³⁰ ҳамда «намаки Машойих»³¹ деб атаганлар.

Билгинки, ул ҳазрат Боб Мочин хонадонидан ва Ҳазрати Шайх Умар Боғистоний хонадонидан нисбат олганлар. Боб Мочин хонадонига нисбат қилганликлари шулки, Ҳазрати Хожа Имод ул-Мулк қизидан Хожাগон номи билан машҳур Ҳазрати Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ улардандир. Ул зот зоҳирий ва ботиний илмларнинг (барча) синф ва навларига донишманд, чуқур билимлик бўлганлар. Ақлий ва нақлий илмларда мукаммал, китоб ва Суннат илмларининг ҳақиқатларида дақиқ ун-назар бўлганлар. Шул мартабада эдики, ҳеч бир нозик жиҳат ҳақиқий назарларидан махфий қолмасди. Илми зоҳирда чуқур билим соҳиби бўлиш билан бирга ул ҳазрат (қаддасаллоху сирраҳул азиз) ботиний нисбат қилиш билан комил баҳраманд бўлганлар. Ул ҳазрат унга ёзган тариқатлари шулдир: «Эй, дилбанд фарзандим, ҳиммат қил! Токи сенга билиш фарз бўлган, усиз (қабулият) мутлақо муяссар бўлмайдиган тўғри эътиқод ҳамда ўз Парвардигорингнинг аҳкомлари илмини билишдан тезда фориғ бўлгайсан. Зоҳирий ҳамда маънавий ибодатларга доимо машғул бўлгайсан. Умид шулки, Ҳақ Таоло ўзидан бошқага қараш, эътибор бериш ва таъзим қилишни дилингдан, бошингдан чиқарсин, сенинг тамоми борлигингни сендан мақсад қилинган нарсаларнинг барчасига машғул қилиб қўйсин».

Худовандо, холис иноятинг ила ўздан бошқага қараш, эътибор бериш ва таъзим қилишдан халос қилган зотларнинг ҳурматидан ўзингнинг бу заиф ҳамда фақир бандазоданг Сенинг раҳмату меҳрибонлик ва иноятинг учун ота паноҳи ва умидига гирифтор бўлмаган. Барча (бошқа) гирифтор бўлган нарсалардан ўз караминг ва миннатинг ила халос ва озод қил!

НАЗМ:

*Ғайри Ҳақ ҳар заррагон мақсуди туст,
Тиғи Ло баркаш, ки он маъбуди туст.*

³⁰ «Олтин халқа, тилга занжир».

³¹ «Машойихлар тузи».

Табаррук рисолалар

(Ҳақдан ўзга (коинотдаги) ҳар бир зарралар (Эй, инсон, сенинг қасдинг учундир. «Ло илоҳа иллаллоҳ» калимасидаги «Ло» нафийси тиғини тортгинки, ўшал сенинг маъбудингдир).

Ҳазрати Боб Мочин Шоҳ Фазлнинг ўғлидир. Шоҳ Фазл Қусам ул-Мулк Хожа Исмоилнинг ўғлидир. Хожа Исмоил эса Хожа Маҳмуднинг ўғли бўлиб, ул зот бир неча восита билан Ҳазрат Боб Мочинга фарзанд бўладилар. Ҳазрати Шайх Боғистоний хонадонига нисбат қилганлари Ҳазрати Хожа Қутбиддин Яҳё бўлиб, Хожа Шаҳид номи билан машҳурдилар. Икки муқаррама синглиси ҳам ул зотга мансубдир.

Махфий қолмасунки, Жаҳонпаноҳ Султон Абу Саид Мирзо ҳазратларининг ул зотга нисбатан бўлган иродат ва эътиқодлари сабаб унинг даъвати ила (Хожа Убайдуллоҳ Ҳазратлари) туғилган шаҳарлари бўлган Тошкентдан Самарқандга ташриф буюрдилар. Буюклик паноҳи ва ҳидоят улуғлик дастгоҳи бўлган Ҳазрати Амир Тақийуддин Муҳаммад (қалдасаллоҳу сирраҳу) Кирмон саййидларининг улуғларидан бўлиб, унинг зикри шарифи ўз ўрнида рақам қилиб баён қилингуси. Ул Ҳазрат унга (яхши) муносабатлар билдириб, ўз қизини Амир Тақийуддиннинг Мир Абдуллоҳ номли катта ўлига нисбат қилдилар. Хожа Муҳаммад Мирнинг қизини Хожака номи билан машҳур Хожа Муҳаммад Абдуллоҳга нисбат қилдилар. Ҳазрати Мирнинг қизидан саодатманд учта ўғил ва икки қиз бўлган: Ҳазрати Хожа Абдулҳодий, Ҳазрати Хожа Хованди Маҳмуд ва Ҳазрати Хожа Абдулҳақ. Қизлари Оғамаҳдум ва Зайнаб Султон. Амир Тақийуддин Кирмоний ҳазратларининг қизи вафот бўлгандан сўнг Соҳиби «Ҳидоя»нинг авлоди Шайхул Ислоом Хожа Исомуддин ҳазратларининг биродари Хожа Низомиддиннинг қизини Ҳазрати Хожакага нисбат қилдилар. Улардан уч ўғил ва икки қиз бўлган. Ҳазрати Хожа Абдулолим, Ҳазрати Хожа Абдушшаҳид ва Ҳазрати Хожа Абдулфайз. Қизлари Бичакалонбегим ва Оғо Хонзода. Бошқа волидадан Хожа Муҳаммад Юсуф номли битта ўғил бўлган. Хожа Абдулҳодий Ул Ҳазрат ҳаётлари замонида Ҳижоз сафарига муваффақ бўлиб, Ҳарамайни шарифайни зиёрат этиш

шарафига мушарраф бўлган. Олийҳиммат Рум султонлари билан мулоқот ҳам қилганлар. Ҳеч қайсисидан назр қабул қилмаганлар. Фақат ниҳоятда олий ҳиммат саховатлик бандалардан бўлган (бир) Рум султонидан ўшал вилоятнинг ўнлик тамғасини олганлар. Ул ҳазрат сафар давомида ўзларига мақбул бўлган ақобир, мавлоно ва машойихлар билан мулоқот қилдилар. Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳазратларига тариқалари мақбул бўлди. Ушбу йўл ҳамда унинг келишини Ул Ҳазрат мақтаб Хожанинг 1280 мисқол қарзини дарҳол тўлаб юбордилар. «Бул фарзанд бизнинг номушимизни асраб қолдилар» деб марҳамат қилган эдилар. Ул Ҳазратнинг ҳаёт пайтида қирқ ёшларида бўлганлар. Ул зот ўзининг амакиси ва тоғасининг қизи, яъни Амир Тақийуддин Кирмонийнинг улуғ ўғлининг қизини нисбат қилган эдилар, ундан бир ўғил ва бир қиз бўлди. Бошқа хотинидан бир ўғил, бир қиз бўлди. Катта ўғли Хожа Абдулкофий бўлиб, у жуда ҳимматли, пурҳолат ва гайратли бўлганлар. Жангу жадалда ўқ еб сувга фарқ бўлганлар. Фирдавс макон, жаннат ошён ҳазратларининг мулозаматида азизу мукаррам эдилар. Хонзоданинг қизи Шоҳбегимни Аъло ул-Мулк Термизийга нисбат қилдилар. Абул Макорим, Аъло ул-Мулк ва Музаффар Хонзолалар Хонзода Муҳаммаднинг ўғилларидир. Хонзода Муҳаммад Ҳазрати Али Акбарнинг ўғлидир. Шоҳ Мир Бузrug Али Асғарнинг ўғлидир. Улар Абул Маоний хонзода ҳазратларининг ўғилларидир. У Имод ул-мулк фарзанди, у эса Ҳазрат Абул Ҳасан Абдуллоҳ Моҳрўйнинг ўғлидир. Унга Султон Исмоил Сомоний ҳазратлари қизини берган эди. Ундан бўлган фарзандларга Хонзода деб хитоб қилинар эди. Ҳазрат Абдуллоҳ Моҳрўй Ҳазрат Абулқосимнинг ўғлидир. Ул зот Маккаи Муаззамдан Термизга келиб иқомат қилган Ҳазрат Абдуллоҳ Покдомоннинг ўғлидир. Ул зот эса Ҳазрат Ҳасан ал-Амирнинг, у эса Ҳазрат Ҳусайн ал-Амирнинг фарзандидир. Ул зот Ҳазрат Абдуллоҳ Аъражнинг фарзандидир. Ул зот эса Имом Жаъфари Содиқнинг ўғли, Имом Жаъфари Содиқ эса Ҳазрат Имом Муҳаммад Боқирнинг ўғлидурлар. Ул зот Ҳазрат Имом Зайн ул-Обидиннинг ўғли, у эса буюк имом Ҳазрати Имом Ҳусайни шаҳиднинг ўғилларидир.

Табаррук рисоалар

Ул зот эса Ҳазрати Амир ал-мўъминин Али разийаллоху таоло анҳум ажмаиннинг ўғлидурлар.

Фаҳри Жаҳонбегим бинти саодатман хоқон Султон Абу Саид Мирзо мазкур шаҳзода Аъло ул-Мулкнинг никоҳида эдилар. Мазкур Шоҳбегим улардандир. Ундан эса бир ўғил ва бир қиз бўлган. Хожа Абдулборий ва Дилшод бегим. Бошқа кулбаларидан (хотинларидан) бир ўғил ва бир қиз бўлган: Хожа Тоҳир ва Оғобика. Хожа Абдулборий мулло, дарвиш, парҳезгор, шариатпарвар ва тақводор кимса эди. Тариқатда Хожагон ҳазратлари тариқаси билан Хожа Хованди Маҳмуддин мушарраф бўлган эдилар. Аввал Мирзо Алибек Барлос ибн Султон Жунайдининг қизини олган эдилар. Ундан икки ўғил бор. Хожа Калон номи билан машҳур Хожа Абдулҳодий ва Хожа Ашраф. Онасидан сўнг фарзандлар Ҳазрати Хожа Мир Тоҳирнинг қизи Бегимни нисбат қилган эдилар, ундан бир ўғил мавжуд. Хожа Шоҳ номи билан машҳур Хожа Хованди Маҳмуддир. Хожа Калон ўз тоғаси Муҳаммадқули хон барлоснинг қизини олган эди, ундан бир қиз бўлиб, уни ўзининг биродарзодаси Хожа Абдуллатифга олиб берди. Ундан икки ўғил бор: Фаҳруддин Ҳусайн ва Ёдгор Ҳусайн. Хожа Ашраф Султон Хожа ҳамроҳлигида Ҳарамайни шарифайнни зиёрат қилишга муваффақ бўлдилар. Ўз амакисининг қизини Мир Қавийнинг фарзандига нисбат қилдилар. Ундан икки ўғил ва бир қиз бор. Зикри ўтган Хожа Абдуллатиф ва Хожа Мушарраф. Араб кулбасидан (хотинидан) бир қиз Маккада мавжуд. Наҳр канизагидан бошқа қиз бор. Кашмирий кулбасидан эса икки қизи бор. Хожа Муҳаммад Закариёнинг қизини Хожа Шоҳ олган, лекин фарзанд йўқ. Хожа Абдулкофийнинг иккинчи ўғли Хожа Тоҳир бўлиб, бошқа кулбасидан бўлган. Толиби илм ва салоҳиятли дарвиш эдилар. Йигирма ёшлигида ҳарамайни шарифайн тавофига мушарраф бўлган эдилар. Қолган умрини ўшал шарофатлик маконларда сайру сулук билан ўтказганлар, Шомда оламдан ўтдилар. Хожанинг Шомда бир ўғли бўлганлиги эшитилса-да, лекин унинг аҳволи (янгилик) ҳақида эшитилмади. Хожа Абдулборийнинг синглиси Дилшодбегим бўлиб, уни фақир амакиси Мир Қавий

олган. Оғобикадан бошқа қиз бўлиб, Хожа Тоҳир билан бир онадан. Уни ота тарафдан Ҳазрати Азизон Хожа Тоҳир Ўшийнинг авлодидан, она тарафдан Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсонинг набираси бўлган Хожа Шайхнинг хизмати-га нисбат қилдилар. Улардан уч ўғил ва бир қиз бўлган: Хожа Шариф, Хожа Ашраф ва Хожа Калон. Хожа Ашрафнинг ҳинд аёлидан тўрт ўғил ва икки қиз бор: Хожа Ҳошим, Хожа Қосим ва Хожа Зоҳид. Хожа Ҳошим Ашрафнинг қизини олган бўлиб, Азиз ва Асфий номли икки ўғли мавжуд. Хожа Ашрафнинг қизи Ҳазрати Мир Ҳусайн ибн Ҳазрати Амир Султоний ибн Ҳазрати Амир Тақийуддин Муҳаммад Кирмонийнинг ўғли Мир Муҳаммад Саиднинг никоҳидадир. Унинг онаси ҳам ҳинд аёлидир. Унинг икки ўғли бўлиб, Зайн ул-Обидин ва Мир Жаъфардир. Хожа Калоннинг Бухорода Ҳазрати Хожাগон Порсонинг ҳамширазодасидан бир ўғли бор, Бухорода ватан тутган. Хожа Шайхнинг қизини Ҳазрати Азизоннинг авлодаридан, Бухоронинг муқаррар уламоларидан ҳисобланадиган Хожай Хурд Азизонга нисбат қилганлар. Унинг қобил бир ўғли бўлиб, Бухорода ўз падари мулозаматидадир. Ҳазрати Хожа Абдулкофий билан Хонзода бегим битта онадан бўлиб, Хонзодабегим бағоят фақира, маъсума, парҳезгор ва обида аёл эдилар. Ҳазрати Хожа Абдулҳодий Шохбекхон (Шайбонийхон)нинг тафриқасидан ва улуғвор амакисининг шаҳид бўлганидан кейин Ул Ҳазратнинг мунаввар фойзли мазорлари бошида қолган. Убайдуллахон ўз аммасининг ўғли билан Мирзо Али бахший ибн Санжар Мирзо ибн Ваққосий ибн Нуруддин мирзо ибн Айдакий бий (бек)ни нисбат қилдилар. Айдакий бий Манғит мирзоларидан эдилар. Айтадиларки, бир куни ҳол аввалларида ғайбдан бундай бир овоз эшитди: «Дашти Қипчоқ вилоятини сенга ато қилдим». Ушбу ҳол бўлгандан сўнг тўрт юз от эгарланган ҳолида ушбу юртда пайдо бўлади. Шу отларни одамларга тақсимлаб бериб, Дашти Қипчоқни забт этишга киришади. Ўшал вилоятни фатҳ қиладилар. Мирзо Али Бахшининг онаси Ўздонхоним Шохбадоғхон ибн Абдулхайроннинг қизи бўлади, ундан бир қиз Жонишбегим бўлиб, бул ҳарфлар роқимининг волидасидир. Бул муҳтарам

Табаррук рисолалар

мукамал иффату парҳезгорликда, таҳажжуд намозларини ўқувчи, намозлари (да Куръон)ни хатм қилиш учун уринувчи, аксар вақт рўзадор бўладилар. Хожа Абдулҳодийнинг иккинчи ўғли Хожа Абдулқосимдирлар. Ул зот Шохбекхоннинг тафриқасидан олдин Ҳарамайни шарифайнни зиёрат қилишга муваффақ бўлиб, бир муддат ушбу шарофатлик маконда умрини риёзату ибодатда ўтказганлар. Яман, Рум вилоятларини сайру саёҳат қилиб, у заминларнинг машойиху акобирларига мулозамат қилдилар. Ул Ҳазратнинг кибор асҳобларидан, каромату ҳоллари шарҳ қилишга муҳтож бўлмайдиган - Аллоҳ сирини муқаддас қилур - Ҳазрат Мавлоно Исмоил Ширвонийга инобат қилиб, Хожагон қаддасаллоху таоло арвоҳаҳумнинг тариқатларига мушарраф бўлганлар. Нақл қилинганки, Ҳазрати Мулло Исмоил Маккага ташриф буюришларидан аввал ўзларининг ҳолларини одамлардан яширар эканлар. Ҳеч ким Ул Ҳазратга Хожанинг фарзандлик унвони борлигини билмаган. Ҳазрати Мулло у зот билан мулоқот қилганлар, Хожа эса ўзларини бегона сезар эканлар. Хожа ўзининг ҳолини яширишга қанчалик уринмасинлар Ҳазрати Мулло у зотга кўпроқ илтифот кўрсатаверганлар. Натижада Хожа иложсиз қолиб, аҳли Маккага Хожанинг қандай инсон эканлиги маълум бўлган.

Ҳазрат маҳдумий Хожа Муҳйиддин Абдулҳақ Маккаи Муаззамага келганларида, Ҳазрати Мулло оламдан риҳлат қилган эканлар. Хожа ўзининг улуғвор амакисига инобатни янгилаган. Ботиний зикр сабоғини ул ҳазратдан олишга мушарраф бўлган. Хожа Абдулҳақ Маккага ташриф буюрганларида Хожанинг васфи, маънавий ва суварий (зоҳирий) хислатлари ул Ҳазратга баён бўлган. Маккада унинг араб кулбасидан бир ожизаси бўлиб, араб ансорларининг улуғларидан бирининг қизи эди. Ундан Маккада авлод кўпдир. Хожа Румда оламдан ўтганлар. Раҳматуллоҳи алайҳи.³² Хожа Абдулҳодийнинг иккинчи қизи юқорида зикр қилинган Хожа Қосимнинг ҳамширасидир. Уни Ул Ҳазратнинг ҳамширазодаси, ота тарафдан Ҳазрати Шайх Хованди Тахурнинг

³² Ул зотга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин.

авлодларидан бўлган Хожа Абдуссамад ибн Хожа Абдуссаломга нисбат қилганлар. Ундан Хожа Ҳошим ва Оғачабегим номли бир қиз ва бир ўғил бўлган. Хожа Ҳошим содда, бетакаллуф киши эди. У зот Ул Ҳазратнинг ҳамширазодаси Хожа Абдулҳай ибн Хожа Абдураззоқнинг қизини олганлар. Унинг бир ожизаси бўлиб, уни Бадахшон шоҳларидан Мирзо Фахруддинга нисбат қилганлар. Икки ўғли бор. Оғачабегимни Хожа Абдуссаломнинг ва Хожа Абдуссамаднинг амакиси ўғли Хожа Валийга нисбат қилган бўлиб, ундан бир ожиза бўлади. Ҳазрати хилофатпаноҳнинг қозий аскарини Қозини Абдуссамий жанобларининг фарзанди Хожа Фахруддин уни (ўзларига) нисбат қилдилар. Қозий жанобларининг мавлавийлиги бор, Хожа Тоҳир Ушйи Холидий авлодларидандир.

Ҳазрати Хожаканинги иккинчи ўғли Хожа Шаҳобуддин Хованди Маҳмуд бўлиб, бул зот (қуддиси сирруҳу) зоҳирий ва ботиний илмлар билан зийнатланган, ҳолат ва кароматлар соҳибидир. Жазба сулукини истиқомат бирла жам қилгандир. Донишманд ва билими чуқур бўлиб, Хожাগон тариқатида ўзининг улуғвор бобосига инобат қилганлар. Ул Ҳазратдан робита олишга мушарраф бўлган. Икки бора Ҳарамайни шарифайни зиёрат қилган. Кўпгина машойиху улугларни суҳбатига етишиб, файзиёб бўлган. Ҳазрат Маҳдуми Мавлоно Абдураҳмон Жомий билан мулоқотлар қилган, Шерозда эса бир қанча муддат Мавлоно Жалолуддин Муҳаммад Даввоний ҳазратларининг мулозаматларида бўлиб, таҳсили илм бирла машғул бўлган. Тиб илмини эса табиблар раиси Мавлоно Имом ул-миллат вад-дин Маҳмуд (Аллоҳ унинг қабрини нурли қилсин) малозаматларида юриб эгаллаган. Чунончи илми тибда «Тухфай хоний» деган таснифлари бор. Хабар бериб айтадилар: «Неча вақтлар тиббий китобларни мутолаа қилдим. Уч йилгача атторлигу тоғларда дориворларни таниб-билиш мақсадида юрдим». Тасаввуфда юксак иборалар айтардилар. Кўзлари ажиб ҳолатда эди. Улуғлигу каромат ва ҳолларига ҳеч ким етолмасди, ҳол ва кашфу кароматлари зуҳури Кошғар, Тархон ва Ҳиндистон вилоятларида камдан-кам фарзандларга муяссар бўлади. Ҳиндистон фатҳидан сўнг Ҳиндга ташриф буюрди. Жаннат

Табаррук рисоалар

ошён ҳазратнинг (подшоҳнинг) ул зотга иродатлари бор эди. Ул зотнинг иккинчи ўғиллари Ҳазрати Хожа Жалолиддин Қосимдан «Сиз ўз отангизга қанчалар эътиқод қиласиз» деб сўрабдилар. У айтибдики, «Бир фақир кишидек эътиқод қилурман». Ҳазрати подшоҳ марҳамат қилибдилар: «Сизнинг падарингиз авлиёлар улуғи эдилар». Ҳазрати Хожа Хованди Маҳмуд ўз тоға ва амакиси Амир Абдуллоҳ Кирмонийнинг куёвидирлар. Ул ҳазратнинг Ҳазрати Мир фарзандидан икки ўғил ва бир қизи бўлган: Ҳазрати Хожа Нуруддин ва Ҳазрати Хожа Қосим. Хожа Нуруддин дарвиш киши, камозор, меҳрибон ва отасига эргашиган кимса эди. Ургуния силсиласига нисбат қилган эдилар. Унинг бир ўғил ва икки қизи бор эди. Ўғли Хожа Абдуссамад номли бўлиб, Қаробаҳрийнинг қизини олган эди. Ундан манзуб ва ғайратли Хожа Абдулҳофиз номли ўғил қолди: Бошқа ҳарамидан эса Хожа Абдурауф номли бир ўғил бор. Хожа Нуриддиннинг катта қизини Мир Қосим Мирмозориа ибн Мир Абулғайсга нисбат қилдилар. У Мавлавий Ҳазрати Мир Абдулаввал Нишопурийнинг амакисининг ўғли эди. Кичик қизини мазкур Мир Қосимнинг амакисининг ўғли Мир Абдулмаликка нисбат қилдилар. Ундан фарзанд қолмаган.

Ҳазрати Амир Абдуллоҳдан иккинчи фарзанд Мир Қосим ҳазратлари бўлиб, жазбаси зўр соҳиб каромат ва ҳол соҳиби эдилар.

Улуғлик ва валийлик асорати порлоқ пешонасидан зоҳир эди. Бул тоифанинг бузруглари сўзларини чиройли баён қиладилар. Ундан фарзанд қолмаган. Ҳиндистонда оламдан ўтганлар. Унинг тобутини мунаввар файзли қабр ёнига кўчириб олиб келганлар. Унинг синглиси Бикабегим ғоятда афифа, солиҳа эдилар. Ҳазрати Хожа Абдулҳақнинг ўғли Хожа Абдулҳофиз жанобларига нисбат қилинган эди. Ундан ҳам фарзанд қолмади.

Ҳазрати Хожа Хованди Маҳмуднинг бошқа боласи бошқа онадан Муиниддин Аҳмад ҳазратлари эди. У молдор, шуҳрат соҳиби, хуштабъ бахтли ва падари бузругворга мақбул кимса эди. Унинг умри иззату-шарафда ўтган. Аксар мўғил султонлари Хожанинг итоатида бўлишган ҳам. Сафарларининг

кўпроғида отасининг хизматида бўлган. Султон ва амирлар билан қаҳрамонлик ила ошнолик қиларди. Мавлоно ва машойихлар суҳбати билан кўп аралашар, тасаввуфда ўз тили бор эди. Ширин сўз ва мутаносиб таъби ҳам бор эди. Бағоят олийжаноб ва олийҳиммат эди. Хожагон ҳазратлари тариқатида ўз отасидан йўл олишга мушарраф бўлган эди. У шаҳзода Алоъ ул-мулк ибн шаҳзода Муҳаммад Термизийнинг Фаҳри Жаҳонбегим бинти Султон Абу Саид Мирзодан бўлган қизи Кичикбегимни олган эди. Ундан бир ўғил - Мирзо Шарафуддин Ҳусайн ва бир қиз бўлган. Мирзо Шарафуддин Ҳусайннинг Тоқат васфидин зиёда риоясати Хилофатпаноҳнинг мулозаматида ниҳоятда юксала борди. Жумладан, саркор, норнул, новкар, аҳмар, миртах, ҳолур, рингогир ва мирзо бўлиб, Жаннат ошён ҳазратларига яқин бўлиш шарафига мушарраф бўлди. Ҳазрати Хожа Хонаи муборак сафарини ният қилиб, хон Абдурашидхондан рухсат ила Кошғардан чиқиб, Хилофпаноҳ ҳазратларини бандалик мулозаматига мушарраф қилдилар. Васфдан зиёда икрому эъзоз топдилар. Ҳасадгўй арбоблар бунини кўролмадилар. Ҳазратнинг ходимлари ҳақида Мирзога гап етказиб, уни кўрқинчу ваҳимага туширдилар. Мирзо саройдан қочиб, ўз вилоятига кетди. У ердан эса Жолурга кетди, Жолурни ҳам Фўлодийларга берди. Ул зотга Кажоратда беш таноб ер топилди, ўша ерга ўзини торгитти. Шулар кулфатлар билан ҳам бир таноб ер унинг маошига етарди. Ҳазрати Зилли Илохийнинг сояи давлатларида яшаб, икки юз етмиш уч санада ул ҳазрат даргоҳидан Макка рухсатини олиб Кажарот тарафга юзландилар, Кийсоятда дунёдан рихлат қилдилар. Хожани Шўр дарёси канорига дафн қилдилар. Уч йилдан сўнг Мирзо Хожанинг ва Лоҳурдан олиб борган Кичикхонимнинг тобутини фатҳий жиҳозда ўрнатиб, тўрт мушк, икки харвор (хирмон) ривандигиний ва икки хирвор ложувардни унга қўшиб дарёда олиб кетаётганда, кема гарқ бўлишга озгина қолди. Тобулар дарёга кетди.

Мирзо Шарафуддин Ҳусайннинг тўрт ўғил, бир қизи бор: Фахризамон Мухтор, Шарафи Жаҳон ва Абулфатҳ. Мирзо Шарафуддин Ҳусайннинг ҳақиқий синглиси Шаҳзодабегимни

Табаррук рисолалар

мўғил Абдулкаримхон ибн Абдуллашидхонга нисбат қилинган эди, ундан бир ожиза қолди. Хожа Муиниддин Аҳмаднинг бошқа кулбасидан бошқа қизи Хожа Исомиддин ибн Хожаи бузруг Шайхул ислом никоҳида бўлиб, икки ўғил, бир қизи бор: Хожа Иброҳим ва Султон Маҳмуд Ҳазрати Хожа Муиниддин Аҳмаднинг волидасидан икки қиз бор эди. Бириси Боб Мочин авлодидан бўлган Хожа Мардон жанобларининг никоҳларидадир. Ундан Хожа Абдуллатиф номли бир ўғил ва бир қиз бор. Унинг бир ўғли ҳам бор. Синглиси эса улуғ Хожа Мардоннинг биродари Хожаи Хурдшайхнинг ўғли никоҳидадир. Тошкентда ватан тутган. Бошқа синглиси эса Мирзо ҳожи ибн Мирзо Офоқ ибн хонзода Музаффар Али ибн хонзода Али Акбар ибн хонзода Муҳаммад Асғар ибн хонзода Абул Маоний Термизий жанобларининг никоҳида эдилар. Чунки Шоҳ Маонийнинг амакисини ўғли бўлади. Унинг икки ўғли бор: Мирзо Офоқ ва Мирзо Араб. Мирзо Офоқ Хожа Абдуссамеъ ибн Хожа Муҳаммад Юсуф ибн Ҳазрати Хожа Муҳаммад Абдуллоҳнинг Шоҳ Абул Маонийнинг синглисидан бўлган қизини олган эди, ундан Абул Музаффар номли бир ўғил бўлиб, Хожа Исомуддиннинг қизини олган эди. Яна бир қиз бўлиб, уни Маккий Султонга берган эди. Маккий Султон Гулбаданбегимнинг набираси бўлиб, ундан бир ўғил бор: Унинг Кажаротлик кулбасидан икки ўғил бор: Мирзо Фахруддин ва Мирзо Салоҳиддин. Бошқа қизини ўз амакиси Мирзо Қосимга бердилар. Ундан икки ўғил бор: Саййид Мирзо ва Саййид Хожа. Бошқа хотинидан Хожа Муҳиб номли бир ўғил бўлган.

Мир Арабнинг чўридан Мир Муҳаммад Тақий номли ўғли бор бўлиб, Мирзо Фўлоднинг қизини олган эди. Мирзо ота тарафдан Термиз саййидларидан бўлади, она тарафдан эса шаҳид хоқон Султон Абу Саиднинг набираси бўлади. Мир Арабнинг Муҳаммад Жаъфар номли бир ўғли бор эди. Ва яна Бобоҳўжа Самарқандийнинг қизидан бир қиз ҳам бор. Ҳазрати Хўжанинг бошқа Хожа Муҳаммад номли ўғли ҳам бор. Ҳозир оламдан ўтган. Унинг чўридан Хожа Солиҳ номли ўғли бор.

Хожа Хованди Маҳмуднинг яна тўрт қизи бўлган: Фоти-ма султон оға, Оғожужик, Собира султон ва Оғо Мўъмина султон. Оғо Собира султон Хожа Муҳаммад ўариб жанобларининг никоҳида эди. Мўъмина султон оғо Хожа Абдурахмон вафотидан сўнг Хожа Асламга теккан эди. Хожа Абулфайз номли бир ўғил ва бир қиз бор. Аммо Ҳазрати Хожа Муҳаммад Абдуллоҳнинг Ҳазрати Амир Тақийуддин Кирмонийнинг қизидан бўлган Ҳазрати Хожа Муҳйиддин Абдуллоҳ номли учинчи ўғли ҳам бор. Азиз Аллоҳ унинг сиррини муқаддас қилсин!

НАЗМ:

*Лақабош омада аст Муҳйиддин,
Зонки аз осмони давлату дин
Хожа Абдулҳақ он хўжаста мақом,
Ки дар ойини фақр ҳаст тамом.
Кор аз корхона оварда
Дар раҳи фақр корҳо карда.*

(Давлату дин осмонидан (таралган), унинг лақаби Муҳйиддин (бўлиб) келгандир. Ул Хожа Абдуллоҳ қутлуғ мақом (соҳиби бўлиб) фақр вақтида тамоман мавжуд, (ибодату тоат) корхонасидан ишлар келтиролган, фақр йўлида (кўплаб) амаллар бажаролган зотдир).

У ҳам мақбул, комил фазилатлар билан зийнатланган, назру каромат ва ҳиммату ҳолат соҳиби бўлиб, бевосита ботин сабоғини Ул Ҳазратдан олишга мушарраф бўлиб, комиллик мартабасига етишган. Хужжатдан машҳурки, Ул Ҳазрат Самарқанддан Мотурид боғига ташриф буюрган вақтларида Хожа ҳазратлари ўн уч ёшда бўлганлар. Ул Ҳазрат Хожага айтганларки, «Бизнинг ўғлимиз бирла кун бўйи бирга бўл». У зот «Мен бугун сабоқни ўқимадим», деб узр сўрабдилар. Ул Ҳазрат марҳамат қилибдилар: «Бугун биз сенга сабоқ таълим берамиз». Мотуридда унга илтифот қилиб, ўзларининг тариқатларини ёзиб берибдилар. Ул сабоқ ушбудир: «Рисолаи Фикрот»да ҳам мазкурдир: «Эй, дилбанд фарзанд, тамоми ҳимматингни шунга бергинки,

Табаррук рисоалар

дилигда Ҳақ Субҳонахудан бошқа ҳеч бир нарса бўлмасин. Ҳақ Таолодан ўзга нарса дилигда сени машғул қилса «Ло ғлоҳа иллаллоҳ» айтиш билан ўша нарсани дилдан узок қилиб, ўша нарсани ўзингнинг душманинг санагайсан. Ҳақ субҳонахудан ҳамиша ўта ожизлик ила ўзидан бошқага гирифтор қилмасликни сўрагайсан. Пок таҳорат қилиб, хилватда намоз ўқиб, бошингни ерга қўйиб, Ҳақ субҳонахудан сўрагинки, сенга хос бандаларининг дилидан йўл берсин. Саодат Ҳақ Таолонинг бандалари сенга ўз дилларидан жой бериб, Ҳақдан унинг муҳаббати дилигда жо қилинишини сўрашдан бошқа саодат йўқлигини билгин!!!»

НАЗМ:

*Ту ро як панд бас дар ҳар ду олам,
Ки бар наояд зи жонат беҳудо дам.
Ту мабош асло, камол ин асту бас,
Ту зи худ кам шав, висол ин асту бас.*

(Сенга икки оламда битта панд етарлидирки, танингдан Худосиз (бирорта) дам келмасин (чиқмасин). Асло сен бўлмагин (ўзлигингни унут), мана шу камолдир, бас. Сен ўзингдан кам бўл (камтар бўл), бас, мана шу висолдир).

Кимки у ҳазратга инобат қилиш шарафига муяссар бўлса, ўша муборақ хатдан кўчириб унга берарди. У ҳазрат ҳам Ҳинд фатҳидан сўнг Ҳазрати Фирдавс макон мулозаматига ташриф буюрдилар. Мирзо Комрон ҳазратлари унга иродат қилган эдилар. Ҳазрат Жаннат ошёнга яқинлашиб унга атаб китобат ёздилар. У Ҳазратнинг шарофатли хатидан кўчирилган қоралама ушбудир: Агар савол сўрасаларки, биз сени хотирамизга ҳам келтирмаймиз, сен нима учун бу китобатларни юбораяпсан, ниёзмандлик изҳорини қилаяпсан. Булар бизга мақбул эмас. Бир жавоб шулки, ҳазрат Мавлоно Яъқуб Чархий ё Ҳазрат Хожа Муҳаммад Порсо «Кудсия»да ёки «Унсия»да марҳамат қилганлар: «Тавба билан кетадиган кимсага ёпишиш яхши». Бошқа жавоб шулки, камина сизнинг ходимингизман. Менга хизмат қилишни ва бандалик изҳор этишни сиз хоҳ қабул қилинг, хоҳ қабул қилманг.

Чунончи Шайх Саъдий (қадасаллоху сирраҳу) «Бўстон»да ушбу маънога муносиб марҳамат қилганлар:

НАЗМ:

Шунидамки пире шаби зинда дошт,
Саҳар дасти ҳожат ба-Ҳақ бар фиरोшт.
Яки хотиф андохт дар гўши пир,
Ки беҳосили рав, сари хеш гир
Барин дар дуои ту мақбул нест,
Ба-хори бирав ё ба-зори боист.
Шаби дигар аз зикри тоат нахуфт,
Муриди зи ҳолаш хабар ёфт гуфт.
Чу диди к-оз-он рўй бастаст дар,
Ба беҳосили саъй чандин мабар.
Ба-дебоча бар ашки ёқут фом,
Ба ҳасрат биборид, гуфт, эй ғулом!
Ба-навмиди онки бигардидами,
К-аз ин дар дари дигари дийдами.
Манидор к-аз вай инон бар шикаст,
Ки ман боз дорам зи-фтироки даст.
Чу хоҳанда маҳрум гашт аз дари,
Чи ғам гар шуносод дари дигари.
Шунидамки роҳам дар ин кўй нест,
Ва лекин ба-мулки дигар рўй нест.
Дар ин бувид сир бар замини Худо,
Ки гуфтанд дар гўшк жонаш нидо.
Қабул аст агар чи ҳунар нешташ,
Ки жуз мо паноҳи дигар нешташ.

(Эшитдимки, бир пир кечаси бедор эди, саҳар Ҳақ Таоло учун ҳожат қўлини кўтарди. Пирнинг қулоғига хотифдин овоз келдики, (ибодатларинг бари) беҳосилдир, кет, бошингни ол! Ушбу дуоларинг мақбул эмас. Хорлик ила кет, зор-зор тур!

Бошқа кеча (ўша пир) тоат зикридан ухламади. Битта мурид унинг ҳолидан хабардор бўлиб деди: «Эшиклар юзи мана шундай бекитилганлигини кўриб турибсиз, (шундай экан) ҳосиласи йўқ бунчалик саъй-ҳаракат қилаверманг!» (Ҳазрати Пир) бошланишданоқ ёқутдек кўз ёшларини ҳасрат билан тўкиб деди:

Табаррук рисоалар

«Эй, ғулом, навмидлик билан юз ўгирайми!? Ушбу даргоҳдан бошқа даргоҳни (афзал) кўрайми!? Сен ундан иродаси синди, деб ўйлама! Мен қўл очиб дуо қилишдан тўхтамайман. Та-лабгор бирор эшикдан маҳрум бўлса, агар бошқа эшикни та-ниса не ғам? Мен эса йўлим бул кўчада эмаслигини эшитдим ва лекин бошқа мулкка ҳам (менда) юз йўқ. Худонинг замини-да мана шундай сир бўлар. Унинг жон қулоғига нидо айтурди-лар: «Агар унинг ҳунари бўлмаса ҳам қабулдир. Зеро, унинг биздан бошқа паноҳи йўқдир»).

Унинг анкар умри шарифи кўз, бош дарди билан заиф-ликда ўтди. Шу билан бирга сафару муқимликда ибодат ва бан-далиқ ул зотдан тарк бўлмади. Ул зотнинг ғусли замонида Мавлоно Мустафо Румий марҳамат қилдилар: «Қайси каро-мат бундан ўтадики, шунчалиқ баданинг ориқлиги ва заифли-ги билан ҳам руҳдан ажраш замонагача ибодат тарк бўлмаган». Ҳарамайн шарифайннинг зиёратига муваффақ бўлган. Мак-канинг ақобиру, машойихлари ва фуқароларига хизматгорли-гу ниёзмандликни лойиқ кўргандилар. Маккаи муаззамага таш-риф буюрган замонларида ўшал маконнинг ходимларидан баъзисидан беадабликлар содир бўлибди. Унинг хотирга «шун-дай шариф маконда бундай беадабликлар бош кўтариши та-ажжубланарлидир» деган сўзлар келибди. Бир кун тавоф қила-ётганларида тавофгоҳда ҳеч ким бўлмаса ҳам қулоқларига бир овоз келади. «Эй, Абдулҳақ, ёқангни тутки, булар хонзода-лар, уларни эъзоз қил. Улардан юз ўгирма!». У Хожа Баҳоуд-диннинг невараси Ҳазрати Хожа Ҳасан Аттор қалдасаллоху арвоҳаҳумга нисбат қилиб, иродат нисбатлари бўлиши билан бирга фарзандлик нисбатини ҳам олганлар. У ожизадан бир ўғил ва бир қиз кўрганлар. Ўғил Хожа Абдулҳафиз, қизи эса Махтума султонбегим. Хожа Абдулҳафиз бағоят етук бўлиб, унга ўткинчилар муҳаббати фарзанд бўлди. Ўттиз ёшида олам-дан кетдилар. Уни ўз муҳаббатидан куйдирдилар. Махтума Сул-тонбегим жуда икромли азиз ва ёши улуг эди. У ўзининг амаки-си ўғли Хожа Абдулқавийнинг никоҳида эди. Хожага ҳатто под-шоҳ машҳур куёв эди. Хожа ниҳоятда содда, бетакаллуф му-сулмон бўлган. Ушбу байт унинг шаънида айтилган.

НАЗМ:

На зи эъзози кас шавад мағрур

На зи излоли кас шавад ранжур

(Бировнинг эъзозидан мағрур ҳам эмас. Бировнинг хорлашидан ранжсуйдиган ҳам эмас).

Унинг бир неча фарзандлари бўлиб, ўз ўрнида рақамга олинади. Ул ҳазратнинг бошқа кулбасидан бир ўғил, бир қиз бор: Хожа Абдурахмон ва Оғобегим. Хожа Абдурахмон Мўъмина султонбегимни олган эди, йигирма ёшида оламдан ўтди. Бошқа қизи бизнинг ҳазрат хожамиз Хожа Абдушшаҳиднинг ўғли Хожа Абдурашид жанобларининг никоҳларидадир. У Самарқандда мунаввар файзли зотнинг мазорлари бошида ватан тугандир.

Ҳазрат Хожа Абдуллоҳнинг Амир Тақийуддин Муҳаммад Кирмоний қизидан икки қиз бўлган. Бировига Махсумсултон, бошқасига Зайнабсултон деб ном қўйган эдилар. Аввал Махсумсултонни Мир Абдулбоситнинг ўғли Мир Абдулмалик ҳазратларига нисбат қилдилар. Ундан Мир Махдум бўлган. Зайнабсултонни Кутбиддин Яҳё шаҳид ҳазратларининг ўғиллари Хожа Муҳаммад Закариё шаҳид ҳазратларига нисбат қилган эдилар, улардан Оғосултоним номли бир қиз бўлди. У Хожа Муҳаммад Закариё Махдум шаҳид бўлгандан сўнг оламдан ўтди. Ҳазрат оламдан кетгандан кейин Зайнабсултонни Мир Абдулмалик ўз никоҳига киритди. Мир Абдулқуддус ва Мир Абдуссалом ҳазратлари улардандир. Ҳазрати Мир Махдум хуштабъ, олийжаноб, олий ҳиммат дарвиш ва мулло одам эди. Жаннат ошён ҳазратлари мулозаматида азизу мукаррам бўлганлар. Ҳазрати Шайхулислом ва Мулло Абдулғофир ҳазратлари мулозаматларида Ҳиротда аксар илмларни таҳсил қилгандилар. Дилтортар мажлислар ва табъга ёқадиган суҳбатлар тузишга уста эди. Хожагон ҳазратлари тариқатида Хожа Муҳйиддин Абдулҳақ (алайҳир раҳма) ҳазратларига инобат қилганлар. Унинг бир қизи бор бўлиб, Абу Саидхоннинг девони Мирамбек Тўрғайчига берган эди. Ундан уч ўғил ва бир қиз бўлди. Мир Абдулғани,

Табаррук рисоалар

Мир Абдулмаъний ва Мир Муҳаммадходим ҳамда Хонзода махдум. Мир Абдулгани аввал Мирзо Султонали ибн Мирзо Жаъфар ибн хонзода Шамсиддин Термизийнинг қизини олган эди. Мазкур Мирзо Жаъфарнинг волидаси шаҳид хонзон Султон Абу Саид Мирзонинг қизи бўлади. Мир Абдулганининг кулбасидаги волидаси Хожа Абдулмалик Шайхулислом ҳазратларининг қизи бўлган. Мир Абдулганининг Мир Муҳаммад Боқир номли бир ўғли бор. У Ҳазрати Хожай Бузругнинг куёвидирлар. Мирзонинг икки ожизаси бор бўлиб, ўз ўрнида зикр қилинади. Мир Абдулмаъний Хожа Муҳаммад Закариё ибн Хожа Дўст Хованд ҳазратларининг куёвидир. Ундан бир ўғил ва бир қиз бўлиб, Хожа Дўст Хованднинг авлодлари зикрида келади. Оламдан кетадиган куну бу ҳарфлар роқими мулозаматида бўлганимда «ўттиз йилдирки ҳар кун и ўтган намозларимнинг қазосини ўқийман» деган эдилар. Тўққиз юз етмиш биринчи йили Деҳлида оламдан сафар қилдилар. Унинг тобутини мунаввар файзли зот (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг мазорлари ёнига кўчириб олиб келдилар.

Мир Абдулқуддус ниҳоятда содда, бетакаллуф, мусулмонларга раҳмли ва меҳрибон ҳамда пурхизмат киши эди. У ҳам тоғаси Хожа Муҳйиддин Абдулҳақ (алайҳир раҳма) ҳазратларига инобат қилган эди. У олдин зикри ўтган Мирамбекнинг куёвидир. Ундан икки ўғил ва бир қиз қолди. Мазкур Мирамбекнинг қизидан Орчабегим ва Мир Абу Боҳирдир. Умми валади(канизаги)дан эса Мир Муҳаммад Ёқуб номли ўғли ҳам бор. Мир Абу Тоҳир Хожа Подшоҳнинг куёви бўлган. Йигит вақтида оламдан ўтди, ундан Сайидабегим номли ожиза қолган. Оғочибегим Ҳазрати Хожа Муҳаммад Юсуф ибн Хожа Муҳаммад Абдуллоҳнинг ўғли Хожа Абдуссамеъ фарзанди Хожа Абдул Ҳалимнинг никоҳида эди. Улардан фарзанд қолмаган. Мир Муҳаммад Ёқуб шижоатли ва ботир кимсадир. Хожа Аминнинг ўғли Хожа Абдулалимнинг қизи унинг никоҳидадир. Унинг бир ўғил ва бир қизи бор. Ўғли Муҳаммад Иброҳим номли. Ҳазрат Мир Абдуссалом ниҳоятда азизу мукаррам, табаррук, тақводор ва парҳезгор кимса эдилар. Ҳазрати Хожаягон тариқатларига

уч улуг тоғасидан мушарраф бўлган эди. Аввал Хожа Хованди Маҳмуд ҳазратларига инобат қилган эдилар. Ул зот оламдан ўтганларидан сўнг Хожа Абдулҳақ ҳазратларига инобат қилдилар. Ҳазрат тоғаларига мақбул бўлган. Охири бизнинг хожамиз Ҳазрат Хожа Абдушшаҳидга инобатни янгилаб, ул ҳазратдан ҳам (умрда) ўтган эдилар. Ул Ҳазрат ҳамма вақт уни Ҳазрати Мирзо, Ҳазрати Мир деб ёд қилдилар. Ҳазрати Мир Хожа Абдулфайзнинг Ҳамаоғони олган эди. Ул азизадан тўрт ўғил бўлган: Мир Абу Наср, Мир Абдуллоҳ, Мир Абу Сафо ва Мир Абул Вафо. Оғохожа деган бир ожизаси бошқа волидадан бўлган эди. У умрининг охирида Маккада яшаган. Мир Абу Наср ғоятда хуштабъ ва толиби илм ҳамда чиройли қадди қоматли эди. Мир Бузруннинг бизнинг хожамиз Хожа Абдушшаҳид ҳазратларининг қизидан бўлган фарзанди Шохбегимни никоҳига олган эди. Мир Абу Насрнинг ундан Мир Саййид Қосим ва Мир Абдул Боқий деган икки ўғли бор. Мир Абдулбоқий ўз амакиси Мир Абдуллоҳнинг куёвидир. Ундан икки ўғил ва икки қиз қолди: Абдулаввал ва Абдулможид. Қизларнинг исми Нажотбонубегим ва Шарифабонубегим. Саййид Қосим Хожа Муҳаммад Яҳё ҳазратларининг куёвидир. Ундан Саййид Мир номли бир ўғил ва Мадорийбегим, Хайринисобегим ҳамда Саййидабегим деган уч қиз қолган. Аммо Мир Абдуллоҳ жуда ҳам парҳезгор, обид ва тақводордирлар. Ўз оталаридан ботин сабоғини олишга мушарраф бўлганлар. Жуда камгап, камозор ва чиройли табъи дуруст, юксак фаҳм-фаросатли бўлиб, бузруглар тариқатига машғул бўлганлар. Хожа Муҳаммад Яҳё ҳазратлари унинг тоғалари бўлиб, оламдан ўтаётган вақтларида ўзларининг салла ва ҳассаларини Мирга туҳфа қилган эканлар. Марҳамат қилган эканларки, нимаки бузруглардан бизга етган бўлса ўшани Мир Абдуллоҳга бердик. Ўттиз уч йилдирки фақирнинг Мирзгага нисбат ва хизмати воқеъ бўлгандир. Мирдан ҳеч нуқсон содир бўлган эмас, ҳеч кимса ундан ранжиган эмас. Мир ҳеч кимсани ранжитган бўлмаса керак. Ушбу ҳарфлар роқимининг синглиси унинг хонасидадир. У азиза ҳам бағоят ифбатли, обид, номусли, ҳимматли, хизматга киришган. Мирнинг хотирини

Табаррук рисоалар

риоя қилиб, унга тобе бўлиб юрибди. Бузругворларнинг лойиқ тариқатига кирган эмас. Мир Абдуллоҳнинг Мир Абдулбосит, Мир Абдулмунъим ва Мир Абдулбоситга жаннатмаоб Султонхўжа жанобларининг фарзандларини олиб берилди. Мирнинг катта қизи Мирнинг зикри ўтган биродарзодаси Абдулбоқийнинг никоҳидадир.

Мир Абдуссафо Шайх Хованди Тахурнинг авлодларидан бўлган Хожа Халифанинг фарзанди Хожа Муҳаммад Саиднинг куёвидир. Унинг қизини олганлиги боис вилоятда қолди. Ўша қиз вафот қилгандан сўнг Туркистоннинг шайхзодаларидан бўлган Мирзо Зулфиқор Туркистонийнинг сингисига нисбатли бўлиб ўтган. Мир Абдуссафонинг бир неча фарзанди бор. Мир Абул Вафо ўз тоғаси Соҳибхўжа Файзийнинг куёви эди. Ҳозир Ҳазрати Мирнинг қизи ўз хонасидадир. Мир Абдуссалом ҳазратлари умрининг охирларида тавфиқ топиб, Ҳарамайн шарифайн зиёратига мушарраф бўлганлар. Мир Абу Наср ҳам фарзандлари билан бирга унинг мулозаматида бўлиб, ўшал саодатга муваффақ бўлганлар. Ҳазрати Мир, Мир Абу Наср ва унинг ўғли Мир Абдулвосиё олти кун ичида оламдан кетиб, ўша шарофатли маконга дафн қилинганлар. Аллоҳ уларни раҳмат қилсин!

Ҳазрати Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ Мир Тақийуддин Кирмоний ҳазратларининг қизи вафот этгандан кейин, Хожа Исомуддин ҳазратларининг биродари Хожа Низомуддин ибн Хожа Абдулмалик ибн Хожа Мавлоно ибн Имоиддин ибн Хожа Жамолуддин ибн Мавлоно Зайниддин ибн Мавлоно Бурҳониддин Али ҳазратларининг қизларини олган эдилар. Бурҳониддин Али «Ҳидоя»нинг соҳибидурлар, «Соҳиби Ҳидоя» номлари билан машҳурдилар. «Соҳиби Ҳидоя»нинг насаблари шул тариқададир: Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжамил ибн Халил ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Абдурахим ибн Умар ибн Омир Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Қосим ибн Муҳаммад ибн Амир ал-мўъминин Абу Бакр Сиддиқ соҳиби Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам. (Аллоҳ улардан рози бўлсин!) Хожа Исомиддиннинг фарзандлари онаси Хожа Муҳаммад ҳазратларининг қизидир. Хожа Муҳаммад Ҳазрати Умар разийаллоҳу таоло анхунинг

авлодларидан бўладилар. Мазкур Хожа Муҳаммаднинг хотини Ҳазрати Хожа Абдуҳ Дарун раҳматуллоҳи алайҳи ҳазратларининг набирасидир. Ҳазрати Хожа Абдуҳ Жомий ул-Қуръон³³ Амир ал-мўминин Усмон ибн Аффон разийаллоху таоло анху ҳазратларининг авлодидан бўладилар.

Хожа Низомиддин ҳазратлари ниҳоятда бадавлат, хайр-саховат соҳиби, мусулмонларга ҳам раҳмдил ва меҳрибон бўлганлар. Ҳар йил қишда олти юз - етти юз пўстинни кечаси ўзини билдирмасдан фақиру беморлар устига ёпиб кетганлиги машҳурдир. Бундай риёсиз хайрияларга ўхшаганлари ул зотда бисёр юз берган. Мулкларидан барча нарсаларни бошқалар билан баҳам кўрар эдилар. Хожа Низомуддин ҳазратларининг қизидан Хожа Абдуллоҳнинг саодатманд учта ўғли ва икки қизи бор. Ҳазрати Хожа Абдушшаҳид, Ҳазрати Хожа Абулфайз, ҳазрати Хожа Абдулалим, қизларининг номи Бичакаломбегим ва Оғохонзодадир. Ҳазрати Хожа Абдулалим батамом оталарига ўхшайди. Падар ва биродарларининг хизматида хизматкорлардек турадилар. Водийда экин-текинга саъй қилган бўлиб, шундан рўзгорлари ўтиб турибди. Агар биродарлари олдига меҳнату хизмат келиб қолса, ўзининг муҳим ишларини ҳам қўйиб, ўша биродарининг муҳим ишини кеча-кундуз битказишга киришиб кетарди. Ўша ишни тугаллаш мақсадида иссиғу совуқ, сафару ҳазарга қарамасдан майлу рағбат ва шафқат ила хизмат қиларди. Хожа Муҳйиддин Абдулҳақ ҳазратлари унинг ҳақида бундай деганлар: «Бизнинг орамызда биродарим Абдулалим мисоли мустаҳкам тоғдек». Унинг гўзал сифатларининг ниҳояси йўқдир. Шоҳ Бекхон (Шайбонийхон) тафриқасидан кейин фақирлик ва тафриқалик меҳнати бу хонадонга чанг солди. Улар зарурат юзасидан Кошгарга юзландилар. Бир йилдан сўнг Ҳақ раҳматига етишди. У ўз тоғаси Хожа Муҳаммад Содиқ ибн Хожа Низом ҳазратларининг қизларини олган эдилар. Ундан бир ўғил, бир қизи бор. Ўғли Хожа Бузруг номли бўлиб, йигирма яшарлигида Кўкча сувига фарқ бўлганлар. Унинг қизи Хожа Амин жанобларининг никоҳида эди. У Хожа Шамсуддин Муҳаммад Зоҳид ибн

³³ Қуръонни танлаган, тўплаган зот.

Табаррук рисолалар

Хожа Мавдуд ибн Хожа Низомуддин ҳазратларининг ўғлидир. Ундан тўрт ўғил ва бир қиз бўлган: Хожа Калон, Хожа Салим, Хожа Хурд ва Хожа Абдулалим. Хожа Калоннинг Хожа Мансурнинг бир ўғли бўлиб, мазкур Хожа Хурднинг қизини олган эди. Хожа Калон билан Хожа Хурд Хожа Муҳаммад Яҳёнинг мулозаматида Хонаи Муборак сафарига кетганлар. Ўша ерни ватан тутиб, оламдан кетдилар. Хожа Хурднинг араб кулбасидан Хожа Салим номли ўғил қолган. Хожа Абдулалим Ҳиндистондадир. Хожа Хованди Маҳмуд ҳазратларининг қизи Мўъмина Султоноғо Мир Салим жанобларининг никоҳидадир. Бир ўғил ва бир қизлари бор. Хожа Абдулалимнинг канизагидан бир ўғил, бир қизи бор. Ўғли Мавлоно жанобларининг қизини олган эдилар. Қизи эса мазкур Мир Муҳаммад Яъқубнинг никоҳидадир. Хожа Аминнинг қизи Хожа Муҳаммад Яҳё ҳазратларининг никоҳидадир, ундан фарзанд қолмаган. Ҳазрати Хожанинг вафотидан сўнг оламдан кетдилар. Хожа Амин хизматида Ҳижоз сафарига юзланган эдилар. Шом вилоятида оламдан ўтдилар. Улуғ шайх Шайх Муҳйиддин Арабий ҳазратларининг мозорлари ёнида дафн қилинганлар. Ҳазрати Хожа ғоятда бетакаллуф, содда ва зоҳид мусулмон эдилар. Таъриф ва тавсифдан ташқари даражададир. Хожагон Хожа ҳазратларининг иккинчи ўғиллари Хожа Низомуддиннинг қизидан бўлган бўлиб, Хожа Абдушшаҳид (қаддасаллоху сирроху) ҳазратлари эдилар. У ҳам зоҳирий ва ботиний илмлар билан ораста. Ул Ҳазратнинг тариқатига пайравлик қилиш ва тобе бўлишга ниҳоятда риоя қилар эрдилар. Вақтларини эғаллаб олган, вақтларини бир неча қисмга бўлиб қўйган эди.: бир қисми тиловату зикрларга, бир қисми китоб мутолаасига; бир қисми фойдали нарсаларни ёзишга; бир қисми таҳажжуд ва ботиний зикрга. Нақл қилинганки, Ҳазрати Хожагон Хожа Самарқанднинг шарқида жойлашган Варасайн маҳалласига ташриф буюрганларида Хожа (Абдушшаҳид)нинг таваллуд топганликларини эшитиб, ул Ҳазрат Хожани бағирларига олиб, қулоғига азон айтдилар, оғизларига ширинлик солдилар. Ушбу шариф номни унга қўйган эдилар. Марҳамат қилдиларки, «Бизнинг фарзандимиз улуғ ва

хақиқатлардан воқиф киши бўлади». Ҳақиқатда улугликда ҳеч кимса унга етолмади. Ҳамма одамларга мақбул бўлдилар. Улуғ бобосини тушида кўрган эдиларки, бир парча қоғоз билан жуздонни унинг олдидан ўтказдилар. Туш табири ҳаётларининг охирида маълум бўлди. Чунки ўн-ўн икки минг киши унинг қўлидан тавба ва инобат тавфиқини топиб, сулукка кирган эди. Қоғоз парчаси билан жуздон шул сабабдан эдики, Ҳазрати Хожагон тариқатларида зикр сабоғида қоғоз парчаси бисёр тарқаган эди. Ул зотнинг насиҳату сўзлари толибларга ниҳоятда таъсир қилар эди. Ул зотнинг гўзал васфларида қанчалик муболаға бўлмасин, лекин унинг шафқату олий ҳиммати оламда умумий эди. Унинг ёши Ул Ҳазратнинг ёши билан мувофиқ эди. Аллоҳ сиррини муқаддас қилсин. Умрининг охиригача тасаввуфий ва илмий китоблар мутолааси билан ва рисола ҳамда турли фойдали нарсаларни ёзиш билан машғул бўлди. «Ўзимни толиби илмлиқдан ҳеч чалғита олмайман» дер эдилар. Тўққиз юз саксон иккинчи санада Зилли Илоҳий ҳазратларидан ватан рухсатини олиб, мунаввар файзли зотнинг мозори бошига юзлангандилар. Рухсат олаётган вақтда у зот «Умр офтоби сарғайганида Фойиз ул-анворнинг мозори бошига ўзимни етказсам. Агар ҳаётим боқий қолган бўлса, Ҳазратнинг ғойибона дуоғўйи бўлсам, зеро, ғойибона дуонинг қабул бўлиш асари кўпдир» деган эдилар. Ушбу ҳарфлар роқимини фарзандликка қабул қилиб, ўз мулозаматида олиб юрдилар. Ул зотнинг мулозаматларида бўлиш билан бирга бузругларнинг тариқат ва равишларини ул ҳазратдан ўргандилар. Самарқандга келганларида Фойиз ул-анворнинг мозорларига келиб тушдилар. Фарзандлари: «Ҳозир қиш фасли мозор боши жуда совуқ» деб арз қилганларида, жавоб бердиларки, «Мен Самарқандда бўлиш учун келмадим, мозор бошида ўлиш ва дафн қилиниш учун келдим». Маҳаллага ташриф буюрганларида ул зотга уч кундан кейин ички заифлик етиб, ва кеча-кундуз ётиб, охири жигар исҳолидан вафот қилдилар. Тўққиз юз саксон учинчи санада (мил. 1575) Рамазон ойининг еттисида хуфтон вақтида руҳи пурфутуҳлари қудс оламига учди. Азиз Аллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин! Ул

Табаррук рисолалар

зотнинг охирги кунларида чошт вақтида давог ва қалам талаб қилиб, Хожа Муҳаммад Ҳошим ҳазратларига хотираларида бор баъзи васиятларни ёзиб олишни буюрди. Давог ва қалам келтириб Хожа Ҳошим ёздилар. Васиятлар ушбундир: «Марҳамат қилдиларки, фарзандлар ва муҳибларга менинг васиятим шулдир: Мен ўзимнинг фарзанду дўстларим олдига камоли муҳаббат ва шафқат ила муомала қилган эдим, фарзанд ва муридлик бурчини адо қилдилар. Мендан кейин ҳам бир-бирлари билан катталар кичикларга, кичиклар эса катталарга гоят мушфиқлик, муҳаббатлик, ақидалик билан муомала қилсинлар. Бошқа васият шулки, қачон руҳ ажраб кетганида гусл қилишдан аввал паришонлик юз берганлиги сабаб баъзи аъзолар бенамоз бўлиб қолади. Менга ҳар-хил матолар ёпмасинлар, байтуллоҳ ичкарисида қолган пахтадан бўлган кийимликни устимга ёпсинлар, пок ва озода салла яктагимни устимдан кийинтирсин. Мени Мирлар суфасининг ёнига Ул Ҳазратнинг чиройли суфасига дафн қилсинлар. Ким тавофга келса, оёғини менинг бошимга қўйсин, хотирига келтириб фотиҳа билан мадад берсин. Фарзандларим менинг таъзиямни бақариб-чақариб йиғламасинлар, токи мен оламдан беармон кетай! Ул ҳазратнинг ёшида кетаман, Ул ҳазратнинг қадамида кетаман, Ул ҳазратнинг касалида кетаман, Ул ҳазрат вафог этган кунда кетаман». Хожа Мирнинг оналари айтдиларки, Ул ҳазратнинг суфаси юқорисида сизга етгулик жой қолган. Сиз бу ерни ихтиёр қилсангиз ким ҳам ўша жойга дафн қилинишини хоҳлашни жазм қиларди?! Марҳамат қилдилар: «Ул Ҳазратнинг оёғи тагидан бир хабисга жой берилгани ҳам етади. Мен Ул ҳазратга иродат қилган эдим, бошимни унинг оёғига қўйишим у ерга ўтганимдан кўра яхшироқ. Мозорим лавҳасига ояту ҳадислардан нақш қилманглар, кунлар ўтиши билан қабр бузилиб, улар оёқ остига тушса, мен гуноҳкор бўлиб қолмай. Менинг турбатим лавҳига Ҳазрати Шайх Саъдийнинг ушбу уч байтини нақш қилинглар».

НАЗМ:

*Чист аз ин хўбтар дар ҳама офоқ кор,
Дўст расад назди дўст, ёр ба-наздики ёр.*

*Муфлисонема омада дар кўйи дўст,
Шайъан лиллоҳ аз жамоли рўйи дўст.*

Агар хок шуд Саъдий уро чи бок,

Ки дар зиндагий нез буда аст хок. (Шайх Саъдий)

(Тамоми оламда бунданда яхшироқ нима бор?! Дўст дўстнинг ёнига, ёрнинг олдига кетса. Дўст куйида мискинларча келдик, дўстнинг рўйи жамоли учун «Шайъан лиллоҳ», деб келдик. Агар Саъдий тупроқ бўлса, унга нима зарарки, тириклигида ҳам у хок эди).

Яна марҳамат қилдилар: «Хотиримда бўлганида айтай, кутубхонамда мавжуд барча китобларни вақф қилдим. Фарзандлардан умид шулки, мендан кейин ўша китобларни вақф қилсинлар» Ҳофизларга қараб айтдилар: «Ҳофизлардан шунини илтимос қиламанки, қабрга қўйганларидан сўнг уч бора Хатми Қуръон қилсинлар». Жумъа намозидан фориғ бўлиб, олдиларига борганимда, жами фарзанду мухлислар, хизматкору хонзодаларни бирма-бир олдиларига чақириб видолашаётгани маълум бўлди. ўуруб вақти бўлганида шом намозини таяммум қилиб, имо-ишорат билан ўқидилар. Бу каминани чақириб муборак қўли билан фақирнинг бошу сийнасини сийпаладилар. Шу аснода у зотга заифлик юз берди. Хожа Муҳаммад Ҳошим ҳазратлари ҳофизларга Ёсин сурасини ўқишни буюрди. Қуръон ўқиб, зикруллоҳга шуруъ қилдилар. Фақир билан Шайх Иброҳим у зотга қараб турдик. Хожа Ҳошим ҳазратлари у ҳазратнинг бошлари тепасида эди.

Ҳали бошламасдан туриб у зотга ўзларига келиб, «Вақт бўлганида мен хабардор бўлишим керак», дегандилар. Чунки ул зотдан шу вақтгача намоз қазо бўлмаган эди. У зот бир неча лаҳзадан сўнг «Вақт бўлди!» дедилар. Хожа Ҳошим ҳазратлари «Хуфтон вақтини сўраяптилар деб хаёл қилиб, «Ҳали эртароқ» дедилар. Ул зот «Вақт бўлди!» деб марҳамат қилдилар. Шу вақт ҳофизлар Қуръон ўқишлари лозимлиги маълум бўлди.

Табаррук рисолалар

Хожа Мир орқа тарафда ўтирдилар. Вақт бўлганида ул зотдан ҳеч бир ҳаракат содир бўлмади. Мен Шайх Иброҳимга «Зоҳиран қараганда, Ҳазрат ўзини топширдилар», дедим. Текшириб кўрсалар ҳақиқатда жонларини топширган эканлар. Раҳматуллоҳи алайҳи. ўул пайтида у зотдан икки ажойиб нарса мушоҳада қилинди. Буни у зотнинг маҳрамларидан бир неча одам эшитди. У зотни ғул қилдиришни хоҳлаб, муборак кийимларини ечиб, лунги боғламоқчи бўлди. Муборак кўзларини очиб бизларга бир-бир қараб чиқдилар. Биз айтдик «Хожам, ҳаммамиз сизнинг маҳрамларингизмиз. Номаҳрам кимса орамизда йўқ». Кейин муборак кўзларини ёпдилар. ўул пайтида Хожа Муҳаммад Ҳошим ва фақир ҳамда Самарқанд билан Бухоро улуғларидан Мавлоно Исматуллоҳ хизматда ҳозир бўлди. Ёнбошига ётириш пайтида шариф аъзосидан лунгининг бир учи тушиб кетган экан. Ўша ётган тарафидан қанчалик у зотни тўғриламоқчи бўлсак ҳам тўғриланмади, ағдарилмади. Хожа Муҳаммад Ҳошим «Бир аъзолари очиқ қолган бўлса керак. Кўзларингизни юмиб рост қилинлар» дедилар. Шундай қилинди, ул зот ўзларини қўйиб бердилар. Ўша куни Мавлоно Хожайи Даҳбедий ҳазратларининг катта ўғиллари Хожа Калонга бир ҳолат пайдо бўлиб, важд пайтида ушбу байтни ўқий бердилар.

БАЙТ:

*Он пари рухсор омад жойидар дил карду рафт
Мурғи жонамро ба-тиғи ғамза бисмил карду рафт
(Ўшал пари рухсор келиб дилда жой олиб кетди. Жоним
қушини ғамда тиғи ила «бисмил» қилиб суйиб кетди.)*

Ул зотнинг фарзандларининг волидаси Хожа Муҳйиддин ҳазратлари ҳарамининг сифлиси (мансуби) бўлганлар. Икковининг орасида мукамал муҳаббат ва муносабат бўлиб, қариндошдирлар. У зот ўз биродарларига иродат қилганликларидан уларнинг орасидаги муомала икки азизнинг қабрларидан ҳам маълум бўлади. Иродат бошларини биродарларининг муборак қадамларига қўйганлар. Ўшал аёлдан

икки қизлари бўлган. Катта қизининг номи Лагифабегим бўлиб, Мир Абул Бақонинг биродари Мир Бузруг ҳазратларига нисбат қилинган. Бул зотнинг зикри Амир Тақийуддин Муҳаммад ҳазратлари орасида келади. Унинг Мир Муҳаммад Шафеъ ва Шоҳбегим номли бир ўғил ва бир қизи бор. Иккинчи қизи Кичикбегим Хожа Калон Мазорий номи билан машхур Хожа Муҳаммад Яҳё ҳазратларининг ўғли Хожа Шоҳнинг никоҳидадир. Ҳазрат Хожамизнинг яна Хожа Абдурашид номли ўғли ҳам бор. Гарчи у зотнинг ҳаётликларисида суварий фазилатлардан бебаҳра қолган бўлса ҳам, лекин ҳозир анга тавфиқ топиб солиҳлик билан қаноат қилиб, Фойиз ул-анворнинг мазор бошида улуғ боболарини йўлини тутиб ўтирибди. У ўзининг улуғ амакиси Ҳазрати Хожа Абдулҳақнинг куёвидир. Хожанинг бир ўғли, бир қизи бор. Ўғлининг исми Хожа Абдурахмон. Қизини Хожа Муҳаммад Саид ибн Хожа Халифанинг Хожа Масъуд номли ўғлига олиб берган. Бир ўғли бўлган. Ул зот Шайх Хованди Тахур ҳазратларининг авлодларидандир. Ҳозирда Ҳазрати Хожагон тариқатини тутиб, шайхлик билан машхурдир. Унинг биродари Хожа Содиқ ўша аснода Маккаи муаззама тарафга Қрим ва Қўфа йўлида кетган эдилар. У билан мубо-рак сафарга бирга кетган одамлардан шундай эшитилдики, Рум Хунхор (Султон)ларидан бирининг хотиридан «Ушбу замонда мана шу олий тариқатдаги бир азиз етишса, инобатимни янгилаб олар эдим» деган хаёл ўтар экан. Шу аснода Ул Ҳазратни тушида кўрибди, «Бизнинг фарзандимиз келаяпти, уни топгин!» дебдилар. Шу вақтда Хожа Истанбулга кириб келибдилар. Хунхор эшитиб, Хожани гоёта иззату икром ила кутиб олиб, Маккаи муаззамага юборибди. Хожа маносики ҳажни адо қилганларидан сўнг қайтиб Румга келибдилар. Шу ерда Изди Таоло раҳмати тарафга кўчибдилар.

Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ ҳазратларининг учинчи ўғиллари Хожа Абдулфайзидир. У Хожа Низомуддин (қаддасаллоху сирраҳу) ҳазратларининг қизидан бўлган. Ниҳоятда сахий, муруватли, халққа мушфиқ, ҳиммат соҳиби эдилар. Ҳазрат Хожа Исомуддиннинг биродари Хожа Низомуддиннинг

Табаррук рисолалар

ўғли Хожа Муҳаммад Содиқнинг қизидан унинг икки ўғил ва икки қизи бор. Ўғилларининг исми Хожа Муҳаммад Яҳё ва Хожа Муҳаммад Ҳошим, қизларининг исми эса Ҳамзаоғо ва Аробегим. Сайида хотинидан Хожанинг хизмати Файзий ва Хонзодабегимдир. Бошқа ҳарамидан эса Хожанинг хизмати Муҳаммад ўрибдир. Хожанинг хизмати Муҳаммад Яҳё ғоятда баландҳиммат, номусли, сахий, чиройли қоматли, халққа мушфиқ эди. Ўн олти ёшлигида ўзининг улугвор амакиси Хожа Абдулҳақ ҳазратларига инобат қилиб, тавфиқ топди. Худонинг амрларига доим машғул, шариат қайтариқларидан доим қочғувчи эди. Болаликдан маъсум ва пок келган. «Сайид ул-қавм ходимуҳум»³⁴, йўлига амал қилиб келадилар. Мовароуннаҳрда бўлганларида Ўзбекия султонларидан беҳад эътибор топди. Энг олий мансаб Шайх ул-исломлик унга топширилган эди. Султонлар ифтихори Хилофатпаноҳ ҳазратларининг мулозаматларига мушарраф бўлганларида уни камоли эъзоз ва эҳтиром қилдилар. 988 ҳижрий сана (мил. 1589) охирида у зотни Амир Хожи қилиб, бир халта зар бериб, Маккаи муаззамага рухсат бердилар. Хожа ушбу сафарда Ҳақ бандаларига кўп хизматлар қилиб, ўша зарларни ушбу маконда яшаётган мустаҳиқларга бўлиб бердилар. Қайтганларидан кейин дарвишлик ва таваккулчилик йўлига бош қўйиб, мукаммал мавлавийликни топдилар. Етти қалам билан ёзардилар. Илми тибни ўзининг аҳволини яшироқ мақсадида қилар, бадан ва қалб касаллиги билан оғриган беморларни муолажа қилар эдилар. Тўққиз юз тўқсон тўққизинчи санада (мил. 1590) Аллоҳ раҳматига сазовор бўлди. У зотдан саодатманд икки ўғил ва икки қиз қолган. Ўғиллари Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Муҳаммад Содиқ номли бўлиб, улардан рушду ҳидоят кўпроқ зоҳир бўлган. Хожа Муҳаммад Закариё у зотнинг ҳаётлик пайтларида уйланган эди. Турди Муҳаммадхон ибн Қабодхоннинг қизидан бир ўғил ва икки қиз-оламга келган. Хожа Муҳаммад Содиқ Зилли илоҳий ҳазратларининг мулозаматида бахтиёр бўлиб, камоли эътибор юзасидан Бирминг биринчи сананинг (мил. 1590) саккизинчи зулҳижжасида

³⁴ «Қавмнинг сайидаи ўша қавмнинг ходимидир».

амир Мирзо Кўканинг фарзандини унга олиб бердилар. Икки ўғиллари бор. Хожа Ардувон ва Хожа Ардашер исмли бўлиб, «Бандагони Ҳазрат» номи билан машҳурдирлар. Катта қизини Саййид Қосим ибн Мир Абу Наср ибн Мир Абдуссаломга берган. Хожа Муҳаммад Ҳошим ҳазратлари ёшлиқдан оталари ҳаётлик пайтидаёқ бизнинг хоҷамиз Хожа Абдушшаҳид ҳазратларининг иноят ва тарбият соясида камолга етганлар. Мулло, хуштабъ, фаҳм-фаросатли, Хожагон тариқатига машғул йигит.

Хожа Абдушшаҳид ҳазратларидан Ҳақ толибларини ҳидоят қилишга рухсат олганлар. Ҳозирда Фойиз ул-анворнинг қабрлари бошидадир. Диний илмларни ўргатишга машғулдир. У зот ўзининг невараси Хожа Шохмуроднинг қизини Хожага берган эдилар. Улардан Ойбегим номли қиз бўлиб, у Хожа Ҳасанмирзо хизматларида бўлган. Бадеъуззамоннинг хотинидир. Унинг онаси Бахтинисобегим бинти Ҳазрати Жаннат ошён бўладилар. Уларнинг икки ўғли, бир қизи бор. Мирзо Бадеъ ул-баён ва Хожа Алоуддин, ҳар иккаласи гўдаклик пайтида Ҳақ раҳматига қовушдилар. Шул вақтнинг султони Абдуллахоннинг ҳукми билан Хожа Муҳаммад Ҳошим Ул Ҳазратнинг файзли мозори хизматида машғулдир. Хожа Абулфайзнинг катта қизлари Ҳамзаоғо Мир Абдуссаломнинг хонасида бўлиб, бағоят хоксор, беозор ҳамда маъсума, ифғатли, яна Қуръон тиловати, суннату одобларга амал қилувчи намозхон, валийшиор эдилар. Иккинчи қизлари Аробегим Мир Абдулқуддус ҳазратларининг никоҳидадир. Ундан фарзанд қолмаган. Маккаи муаззамага кетиб, ўша ерда яшаб қолди ва Ҳақ раҳмати тарафга кўчди. Хожа Абулфайз ҳазратларининг учинчи ўғли Хожа Муҳаммад ўрибдир. У ўз амакисининг қизи Собира султонбегимни олиб, ундан бир қиз бўлган. Уни Мир Абулҳасан ибн Мир Зайн ул-Обидин Амир Тақийуддин Муҳаммад ал-Кирмонийнинг ўғли Мир Абдулбадеъга нисбат қилганлар.

Тўртинчи фарзанди Хизматхожа Файзийдир. Унинг волидаси Саййидадир. У ёшлиқдан султонлар олдида эътибор топиб, яхшиликлар топгандир. Ҳозирда саройда ҳазратнинг бандалари хизматидадир. Унинг Самарқанд қозиси Хожа Шох

Табаррук рисоалар

Холийнинг қизидан бир ўғил, бир қизи бор. Исмлари Хожа Абу Наср ва Шоҳбегим. Бошқа кулбасидан икки қизи бор. Хожа Абу Насрнинг Хожа Шариф, яъни Хожа Абу Насрнинг амакисининг қизидан битта ожизаси бор. Бошқа кулбасидан уч ўғил ва бир қиз мавжуд. Ўғилларининг исмлари Хожа Абдулҳодий, Хожа Абдулғаний ва Хожа Абдулбақо, қизларининг исми Шоҳбегим. Уни Хожа Шоҳқозийнинг қизидан бўлган Мир Абдуссалом ҳазратларининг ўғли Мир Абдулвафога нисбат қилганлар. Ундан Мир Абулаъло номли сағир ўғил бор. Хожа Файзийнинг ҳамширазодаси Хонзодабегим Хожа Шариф жанобларининг никоҳидадир. У Хожа Абдулкаримнинг ўғли Хожа Аминнинг биродарзодасидир. У мулло, дарвиш ва ҳожи йиғитдир. Ундан бир ўғил ва бир қиз бор. Ўғлининг исми Хожа Муҳаммад Латифдир. Қизини Турдихон ибн Қабодхонга бердилар. Унинг бир ўғли бор. Хожа Шарифнинг қизи мазкур Хожа Абу Насрнинг никоҳидадир. Ундан Бикабегим номли бир ожизаси бор. Махфий қолмасинки, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Абдуллоҳнинг Хожа Исомуддиннинг биродари Хожа Низомиддиннинг қизидан икки қиз бўлган: Исмлари Бичакалонбегим ва Хонзодабегим. Бичакалонбегим Хожа Абулмакорим ибн Хожа Мавлоно ибн Хожа Исомуддиннинг ўғли Хожа Абдулмалик жанобларининг никоҳидадир. Хожа Абдулмакоримга Шоҳ Бекхон ҳазратлари буйруғига кўра шаҳодат шарбатини ичирдилар. Воқеа шундай бўлган эдики, Шоҳбекхон Султонали мирзодан Самарқандни олди. Ҳазрат Хожа Қутбиддин Яҳёни икки ўғли билан шаҳид қилди. Хожа Абулмакорим икки айёрпешани Бобурмирзо учун Андижонга юбориб чақирди. Икки айёр етиб бориши билан Ҳазрат фирдавс макон (Бобур мирзо) етти киши билан Самарқандга юзланди. Кечаси йўл юриб, кундузлари чакалакзорларда яшириниб, Самарқандга бир фарсанг узоқликдаги Кўҳак дарёси қирғоғида чакалакзорга яшириңдилар. Айёрпешаларни Хожага хабар етказиш учун юбордилар. Иттифоқо, ўша кунни ҳаво иссиқ бўлиб, Хонигил чакалакзорида Шоҳ Бекхон ўттиз минг аскар билан бир тепалик устида ўтирган эди. Хожа Абулмакоримга хабар етиб келганидан

сўнг у ўзига итоат этадиган Самарқанд бузругларига Бобур-мирзонинг келишининг хабарини етказди. Шунга қарор қилдиларки, Мирзони шаҳарга киритадиган бўлсак, ҳар ким маҳалласидан чиқиб шаҳар дарвозалари олдига борсин. Бобур мирзони ўотфар маҳалласи тарафдан каманд ташлаб шаҳарга тортиб олдилар. Одамларни дарвозаларга таъйин қилиб, уларни маҳкамлаб нағорахонада Бобур мирзо номига ноғора чалдилар. Хон ўша кечаси қиссани эшитиб, инон-ихтиёрини қўлдан чиқарганини билиб, иккинчи бор Самарқандни эгаллади. Хожа ҳазратларини тахта орқасига олиб, арра қилдилар, кейин эса оловда куйдирди.

Хожа Абулмалик ҳазратларининг Бичакалонбегимдан уч ўғил ва икки қизи бор. Ўғилларининг исми Хожа Низомуддин Аҳмад, Хожа Бузруг ва Хожа Мавлоно. Хожа Низомуддин Аҳмад мулла ва фозил киши эди. Кўчимхон Самарқанд волийси бўлганида хоннинг яқин садрларидан Тўти Ҳофиз Қушчи мулкни сақлаш ва кундалик маслаҳат бўлганидан унинг қизини олди. Ундан Гулбаданбегим ва Шохбегим деган икки ожиза бор. Гулбаданбегим Хожа Аминнинг ўғли Хожаи хурднинг никоҳидадир. Шохбегим Шайх Шамсиддин Кулол ҳазратларининг авлодларидан Хожа Абдулқуддус никоҳидадир. Улуғ Хожа шон-шуҳрат ва буюклик соҳиби эди. Абдуллатифхон замонида Самарқанднинг Шайх ул-исломлик мансаби Хожага топширилган эди. Хожа Шох Бекхон тафриқаси пайтида Абдуллахоннинг эътиборли амирларидан Мирёрий Дурмоннинг қизи, Султон Абусаид мирзонинг қизи Маҳдилё Гавҳаршодбегимнинг неварасини олган эди. Ундан Хожага икки хил, яъни бир ўғил ва икки қиз пайдо бўлди. Ўғли Хожа Исомуддин Хожа Муиддин Аҳмаднинг қизини олди. Уларнинг икки ўғил, бир қизи бор. Хожа Хованди Маҳмуд фарзандлари орасида зикр қилинган эди. Катта қизни Мир Маҳдумнинг ўғли Мир Абдулгани хизматига бердилар. Кичик қизни эса мазкур Мир Абдулганининг ўғли Мир Муҳаммад Боқирга нисбат қилдилар. Хожа Мавлоно биродари Хожа Низомуддин вафот қилганидан кейин узоқ маслаҳатдан сўнг унинг хотинини ўз никоҳига киритди. Ундан икки ўғил ва беш қиз бўлди. Ўғиллари Хожа Калон

Табарруқ рисолалар

ва Хожа Мусо. Хожа Мусо Султонхўжа мулозаматида юриб Ҳарамайни шарифайн зиёратига мушарраф бўлди. Ўша шарофатли маконда қазо қилди. Унинг Хожа Қосим номли бир ўғли бўлиб, Маккаи муаззамада ватан тутган. Иккинчи ўғли Хожа Абдулмалик номли бўлиб, Хожа Маҳмуди ибн Хожазода Чакониёнийнинг ўғли Мирзо Алоуддин Муҳаммаднинг қизи унинг никоҳидадир. Ҳозир ватанига кетиб, ота-боболари тариқатига машғул. Бир қизи Мир Абдуллашиднинг ўғли Мир Абдуссамеъ никоҳида, ундан Зайн ул-Обидин номли бир ўғил қолган. Бошқа қизидан фарзанд қолмаган. Хожа Абдулмаликнинг қизи Мирзо Султонали ибн Мирзо Жаъфар ибн Мирзо Шамсуддин Термизийнинг никоҳида бўлиб, ундан бир ўғил қолган.

Зикри ўтган Мир Муҳаммад Боқирнинг Хожаи Бузругнинг қизидан икки ожизаси бор. Бирини Мир Маҳдий ибн Мир Абдуллоҳ Кирмонийнинг ўғли Мир Абдулазизга бердилар. Ундан бир қиз бор.

Оғохонзода Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ ҳазратларининг энг кичик қизларидир. У Мир Абдуллоҳ Кирмоний ҳазратларининг ўғли Хожа Шоҳ Хованд ҳазратларининг никоҳидадир. Ундан икки ўғил, бир қиз бўлган.

Хожа Подшоҳнинг машҳур куёви Хожа Абдулқавий Мир Абдуллоҳнинг иккинчи ўғлидир. Хожа Абдулқавий Хожа Муҳйиддин Абдулҳақ ҳазратларининг куёвидир. Хожанинг ўшал Азизадан уч қизи бўлган. Катта қизи Солиҳабегим аввал Самарқанд қозиси Хожа Қутбдиннинг ўғли Хожашоҳнинг никоҳида эди. Хожа Қутбиддин Фақиҳ Абдуллайс, Имом Абулқосим ва Хованди Садрушшариъа авлодларидан бўлади. Хожашоҳ Ҳиндистонда вафот этди. Ундан Хожа Абдуллоҳ офиз номли бир ўғил бўлган. Унинг эса умми валад канизагидан икки ожизаси бор. Хожа Муҳаммад Закариё ибн Ҳазрат Хованднинг фарзандлари онаси вафот этганидан сўнг мазкур Солиҳабегимни никоҳига киритган эди. Хожанинг ундан фарзанди қолмаган.

Иккинчи қизи Оғобегим Шоҳхожа жанобларининг никоҳидадир. Ундан Фаҳринисо номли бир ожиза бўлган бўлиб, ушбу ҳарфлар роқимининг никоҳидадир. Учинчи қизи

Мир Абдулқуддуснинг ўғли Мир Абу Тоҳирнинг никоҳида. Ундан Саййидабегим номли бир ожизаси бор. Абдуррофегга Хожа Муҳаммад Закариёнинг қизи Оғобегим нисбат қилинган эди. Ундан бир ўғил қолган, номи Мир Абдулмалик. У Исмоил отанинг авлодларидан бўлган. Обидин хожасининг қизини олган. Улар ота-боболаридан Ул Ҳазратнинг муриди бўлиб келганлар. Азиз Аллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин! Ундан уч ўғил ва бир қиз қолган. Ўғиллари Азизуллоҳ, Абдурахмон ва Абдураззоқ. Хожашоҳ Хованднинг қизи Хонзодахоним Самарқанд қозиси Шоҳхожанинг никоҳидадир. Хожашоҳнинг отасини Мавлоно Хожаги Хофий дер эрдилар. Чунки у Хофнинг бузrugзодаларидандир. Мулло ва донишманд киши эди. Хожа Шоҳнинг волидаси Фақиҳ Абуллайс ва Шайх Шамсиддин Кулол ҳазратларининг набираларидандир. Ундан икки қиз бўлган эди. Катта қизи Оқбегим Хожа Файзий никоҳидадир. Бу зикр қилинган эди. Бошқа қизи Шайх Шамсиддин Кулолнинг набираларидан Хожа Абдулқуддусга нисбат қилинган. Ундан бир қиз бўлиб, Хожа Мирга олиб берилганди. Улардан фарзанд бўлмади.

Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ ҳазратларининг бошқа ўғли Хожа Муҳаммад Юсуфдирлар. Жуда соҳиб ҳиммат ва рушду ҳидоятлик эди. Шоҳбекхон тафриқаси замонида Кошғар вилоятига ташриф буюрдилар. Хожа келмасидан олдин ўша вилоятнинг волийси мўғил Султон Саидхон Ул Ҳазратни (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорни) тушида кўрибди. «Бизнинг фарзандларимиздан биттаси ушбу вилоятга келмоқда. Унга мадад беришдан ўзингни тўхтатма!» дебдилар. Ул зот Кошғарга келганларида Хон унга кўп иззату икром кўрсатдилар. Мир Тақийуддин Муҳаммаднинг қизи вафот этгандан сўнг унинг онасини олган эдилар. Ҳазрат Хожа Муҳаммад Юсуф таваллуд қилишдан бир неча муддат олдин Хожа Низомуддин ҳазратларининг фарзандини олдилар. Хожа Муҳаммад Юсуф Хожа Иброҳим ҳазратларининг набирасини нисбат қилдилар. Ундан икки ўғил ва бир қиз бўлди. Ўғилларининг номи Хожа Абдулбадеъ ва Хожа Абдуссамеъ. Хожа Абдулбадеъдан бир қиз бўлди. Уни зикри ўтган Хожа Иброҳимнинг ўғли Хожа Умар ибн Хожа Муҳаммадали олган эди.

Табаррук рисоалар

Ундан икки ўғил ва уч қиз қолди. Катта ўғли Хожа Абдулбадеъ бўлиб, Шайх Хованди Тахур ҳазратларининг невараларидан Хожа Абдулвосеънинг қизига уйланган эди. Иккинчи ўғли Хожа Муҳаммад Ҳорисдир. У зот Кошғардадир, уйланишни ихтиёр қилмаган. Хожанинг қизини Ҳусайний сайидларидан бири нисбат қилган, бошқа қизини эса мазкур Хожа Абдулвосеънинг ўғли Хожа Абдуллоҳ олган эди. Бир ўғли бор. Учинчи қизи хонасидадир. Хожа Муҳаммад Юсуфнинг иккинчи фарзанди Хожа Абдуссамеъ бўлиб, қобил, рушду ҳидоятлик эди. Форсий ва туркий шеърларни яхши айтган. У аввал мўғил Туғлуқ Темурхон унинг кўлида мусулмон бўлиш шарафига муяссар бўлган. Хожа Аршадуддин ибн Мавлоно Жамолуддин ҳазратларининг қизини олган эди. Мавлоно Жамолуддин Хожа Ҳофизиддин ҳазратларининг биродарзодасидир. Хожанинг ушбу аҳлиясидан беш ўғил ва уч қизи бўлган. Ўғилларининг исмлари: Хожа Абдурахим, Хожа Абдурахмон, Хожа Абдурауф, Хожа Абдулҳалим ва Хожа Абдулкаримдир. Хожа Абдурахмон ва Хожа Абдулҳалим ҳамда икки қиздан авлод қолмаган. Хожа Абдурахим Хожа Аршадуддиннинг неварасини нисбат қилган эди. Ундан бир қиз бўлиб, шаҳзода Муҳаммад ибн Мирзо Жўжик Ҳиндистонга кетганидан сўнг уни олган эди. Хожа Абдурахимнинг бошқа хотинидан бир ўғил ва бир қиз бор. Хожа Абдурауф Модаршоҳ Абулмаонийнинг невараси Сайид Тоҳир Кошғарийнинг қизига уйланган эди. Уч ўғил, бир қизи бор. Ўғилларининг исми Хожа Абдураззоқ, Хожа Абулғафур ва Хожа Абдулбоқий. Хожа Абдуссамеънинг қизини зикри ўтган Хожа Муҳаммад Саид ибн Хожа Халифа ибн Хожа Муҳаммадалига берган эдилар. Икки ўғил ва уч қиз қолган: Хожа Муҳаммад Масъуд жаноблари ва Хожа Фазлуллоҳ. Хожа Муҳаммад Масъуд бизнинг ҳазрат хожамиз қуддиси сиррухунинг ўғли Хожа Муҳаммад Рашид жанобларининг қизини олган эди. Бир ўғил, бир қизлари бор. Хожа Муҳаммад Фазлуллоҳга Хожа Абдураззоқ ибн Хожа Халифанинг қизи билан мутаносиблик юз берди. У амакиси Хожа Муҳаммад Содик билан бирга Румга кетган эди. Хожа вафот этгандан сўнг Рум вилоятида қолиб, қизларидан энг

кичигини ҳаётлик вақтида Хожа Иброҳим ибн Хожа Муҳаммад Содиқ ибн Хожа Халифага берди. У қиздан мазкур хожанинг бир неча фарзандлари Румда яшайдилар. Иккинчи қизини мўғул Абдурашидхон ҳамширазадаси Мирзо Наврӯз ибн Амир Муҳаммадийга нисбат қилганлар. Бир ўғил ва бир қизлари бор. Хожа Абдуссамеънинг бошқа хотини зикри ўтган Мирзо Жўжикнинг қизидир. Мирзо Жўжикнинг отаси шаҳзода Музаффар Али ибн шаҳзода Муҳаммад Асфар ибн Хонзода Али Акбар ибн хонзода Алоуд Мулкисонийдир. Жўжикнинг волидаси Холид ибн Мирзо Султон Муҳаммад ибн Мирзо Мироншоҳ ибн Ҳазрат Амир Темур Соҳибқироннинг қизидир. (Бу муҳтарама) Шаҳзода Музаффар Али Шайх ибн Ҳазрат Амир Темур Соҳибқироннинг синглиси бўлганлар. Хонзода Муҳаммад Асфарнинг ундан уч ўғли бўлган: Шаҳзода Абулмакорим, Шаҳзода Музаффар Али ва Шаҳзода Аълоул-Мулк. Хоқон Саид ўзининг икки қизини шаҳзодалар Абулмакорим ва Аълоул-Мулкка никоҳлаб берди. Чунончи, Хожа Абдулборий ва Мирзо Шарофуддин Ҳусайн зикрида ўтди. Султон Абу Саид Мирзо ўзининг Ойиша Султонбегим номли биродарзадасини шаҳзода Музаффар Алига олиб берди. Ундан Мирзо Офоқ номи билан машҳур Мирзо Абулқосим ва Мирзо Жўжик номи билан машҳур Мирзо Ҳусайни Асфар таваллуд топдилар. Мирзо Офоқ Уркуния силсиласига тобеъ бўлган. Мирзо Ҳусайн, Мирзо Ҳожи ва Мирзо Қосим унинг фарзандларидир. Мирзо Жўжик мўғул Мирзо Ҳайдарнинг амакиси Мирзо Саййид Муҳаммаднинг қизини олди. Шаҳзода Муҳаммад ва Шоҳ Музаффар икки синглиси билан ундан бўлган. Катта қизи вафот қилгандан сўнг Мирзо Саййид Муҳаммаднинг кичик қизини ҳам никоҳига киритди. Шоҳ Абул Маоний, Шоҳ Муҳаммад Амин ва Шоҳ Ҳошим учта синглиси билан ундан бўлган. Хожа Абдуссамеънинг Мирзо Жўжикнинг қизидан тўрт ўғил, беш қизи бор: Хожа Абдулалим, Хожа Зиёуддин Муҳаммад ва Хожа Низомуддин Аҳмад билан Хожа Баҳоуддин Ҳомид. Хожа Абдулалим Оқсув аёлларидан бирига кадхудо бўлиб, унинг Фазлуллоҳ ва Абдулвосеъ номли ўғли бор. Умми валад канизагидан икки ўғил,

Табаррук рисоалар

икки қизи бор. Ўғилларининг исми Абул Мафоҳир ва Муҳаммад Яҳё. Хожа Зиёуддиндан фарзанд йўқ. Хожа Низомуддин мўғул амирларидан бирининг қизини олган. Икки ўғил ва икки қизи бор. Ундан кейин Абдурашидхон ҳазратларининг умми валад канизагидан бўлган қизини никоҳига олди. Ундан бўлган фарзандлар Кошғарда яшайдилар. Хожа Баҳоуддин Хожа Файзий жанобларининг ожизасига уйланган. Ундан бир ўғил бор. Яна Мирзо Салоҳиддин Муҳаммад ибн Мирзо Қорабаҳодирнинг қизидан бир ожизаси бор. Хожа Абдуссамеънинг катта қизини Муҳаммад Қурайшсултон ибн Абдурашидхонга олиб бердилар. Ундан тўрт ўғил ва бир қизи бор. Ўғилларининг исми Шоҳ Муҳаммад султон, Худобанда султон, Музаффар султон ва Убайдуллоҳ султон. Шоҳ Муҳаммад султон ўз амакиси Суфисултон ибн Абдурашидхоннинг қизини никоҳига олди. Худобанда султон эса ҳозир Кошғар ҳокими бўлиб турган амакиси Муҳаммадхоннинг қизига уйланди. Бир ўғил ва бир қизлари бор. Яна Қалмоқ ҳокимидан бўлган бир қизга уйланиб, ундан бир ўғил кўрган. Ниҳоятда шижоатли, баҳодир бу йигитга Тарфон ва Омил Хитой худудигача қарайди. Музаффар султон Мирзо Жўжикнинг бешинчи ўғли Шоҳ Муҳаммад Аминнинг қизини олган бўлиб, бир ўғли бор. Убайдуллоҳ султон Муҳаммад Ҳаким мирзо ҳазратларининг қизига уйланган бўлиб, бир ўғли бор. Хожа Абдуссамеънинг катта қизи оламдан ўтгандан сўнг иккинчи қизини Муҳаммад Қурайшсултонга бердилар. Улардан Аҳмад султон ва ўзнафарсултон бўлган. Бошқа қизини Шоҳ султон Муҳаммад ибн Шоҳ хонзода Муҳаммад ибн Мирзо Жўжикка олиб бердилар. Шоҳ Абдуллоҳ деган бир ўғли бўлган. Тўртинчи қизини Мирзо Абдурахмон ибн Мирзо Ҳайдарнинг биродари Мирзо Шоҳга муносиб кўрдилар. Бешинчи қизини Мирзо Офоққа бердилар. Унинг Абул Музаффар номли бир ўғли бор. Бир қизи ҳам бор бўлиб, уни Гулбаданбегимнинг набираси Маккий султонга никоҳлаб бердилар. Ундан бир ўғли бор.

Махфий қолмасинки, Ҳазрати Хожа Аҳрор (қаддасаллоҳу сирраҳул азиз)нинг иккинчи ўғли Хожа Қутбиддин Яҳё ҳазратларидир. Аллоҳ сирини муқаддас қилсин! Ул Ҳазратнинг

мақбул ва мақбуб ўғилларидир. Ул Ҳазратнинг робита билан тариқатга мушарраф бўлган. Хожада жазба нисбатан кўпроқ эди. Ул Ҳазрат умрларининг охирларида Хожани ўз ўрнига қойим мақом қилиб кетдилар. Ўзларининг файзли, нурли мазорининг эгачилигини ҳам унга топширганлар. Ҳазрати Махдуми Мавлоно Абдурахмон Жомий Хожанинг шаънида Мавлоно Фаҳруддин Али хизматини назарда тутиб, «Қандай латофат ва ҳусни истеъдодки, Хожанинг хизматини қилади», дебдилар. Яна «Унинг суҳбатига етишганимда унга нисбатан лутфона мойил бўлдим. Ҳайратдан фарёд қилишимга оз қолди», деган эканлар. Мавлоно Фаҳруддин Али Ҳазрати Муллонинг бу сўзини Хожага етказибдилар. Хожа марҳамат қилибдиларки, «Кечадан бери Ҳазрати Мулло суҳбатида ўзимни нафий, уни эса исбот қилардим. Ҳар нарсаки кўрибди, ўзидан кўрибди». Ҳазрати Хожа Султон Абу Саид мирзонинг улуғ амирларидан Мир Муҳаммад Мазид Аргуннинг қизини Ул Ҳазрат ҳаётлик пайтидаёқ ўз никоҳларига олган эдилар. Ундан уч ўғил ва қиз бор. Ўғилларининг исмлари Хожа Муҳаммад Закариё, Хожа Абдулбоқий ва Хожа Муҳаммад Аминдир. Хожа Муҳаммад Закариё Хожа Муҳаммад Абдуллоҳнинг қизи Зайнаб султаноғони олган эди. Ундан Оғосултон номли бир қиз бўлган. Унинг зикри энди келади. Хожа Муҳаммад Боқийга ҳам Ул Ҳазрат ўзлари ҳаётлик пайтида Мир Абдулаввал ҳазратларининг қизини, яъни ўзларининг қизларининг неварасини олиб бердилар. Унинг ҳам бир ўғли бор. Хожа Муҳаммад Яҳёни шаҳид қилган вақтларида ул ҳазратнинг муборак исмини Хожага қўйдилар. Ҳозир, Хожа Калон номи билан машҳурдир. Парҳезгор, шафқатли, олийҳиммат ва обид, дарвиш, мулло эдилар. Ул мулкларидаги маслаҳатга кўра Кўчимхоннинг садри Тўтиҳофиз қушчининг қизини олган эди. Ундан бир ўғил ва бир қизи бор: Хожа Шоҳ ва Шоҳбегим. Хожа Шоҳ бизнинг хоҷамиз Хожа Абдушшаҳиднинг куёви бўлди. Хожа Шоҳнинг ундан Хожа Мир номи билан машҳур Хожа Зайн ул-Обидин деган ўғли бор. Хожа Мир рушду ҳидоят ва ҳол соҳиби бўлганлар. Ёшлик пайтидан Фойиз ул-анворнинг мазорига мугавалли бўлишга мушарраф бўлган. Ёш бўлганлиги

Табаррук рисоалар

сабабли ўша олий остонада туриб хизмат қилардилар. Самарқанд султонлари билан истеъдод билан муомала қилар, уламо ва ақобирлар у зотнинг илтифотларига сазовор бўлиб, у зоти шариф билан ошнолик қилардилар. Жавонмард Алихоннинг ўғли Абдулхайр Султон унинг Шайхул-ислом бўлишини илтимос қилди. Хожа у мансабни қабул қилмадилар. Самарқанд султонлари ушбу султонни сиқиштирардилар. Ул зот султон ва шаҳар улуғларининг усти-устига қилган илтимосларидан сўнг ноилож Шайхул-исломликни қабул қилдилар. Неча йиллар ўша мансабда бўлдилар. Абдуллахон Самарқандни олган вақтида баъзи Хожани инкор қиладиган ҳасадгўй арбоби ғараз Хожага душманлик қилиб машҳур хонга фитнагез сўзларни етказадилар. Абдуллоҳхон Хожадан кўнгли қолиб, хожани Ҳиндистон йўли билан Хожаи муборакка кетишини амр қилди. Агарчи Фойиз ул-анворнинг мозори бошидан айрилган бўлса ҳам, лекин Ҳазрат Зилли Субҳонийнинг остонбўслик шарафига муяссар бўлдилар. Марҳамат ва шафқат назарига манзур бўлдилар. Оз фурсат ўтганидан сўнг Раъно мулкидан Рошабистондан бир жамоа пойтахтга дағдаға билан келган эдилар. Подшоҳ мўътабар умароларидан бирини ўлдиртирган эди. Кечкурун Хожа саройдан ўз манзилига кетаётганларида ўша жамоа уни шаҳид қиладилар, ширин шаҳидлик шарбагини тоғқизадилар. «Инна лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъун».³⁵ Хўжажон Хожа Порсо жанобларининг қизи Ҳазрати Хожа Мир Хожа жанобларининг никоҳида бўлган. Ундан бир ожиза қолган бўлиб, номи маълум эмас. Хожа Мирнинг бошқа кулбасидан икки ўғил, бир қиз қолди. Катта ўғлининг исми Хожа Муҳаммад Юсуф, иккинчисиники, Хожа Муҳаммад Яъқубдир. Хожа Муҳаммад Юсуф ниҳоятда хуштабъ, фаҳм-фаросатли, яхши толиби илмлардан эди. ўн саккиз ёшлигида Ҳақ раҳматига қовушди. Фойиз ул-анвор мозори ёнида мадфундир.

Хожа Муҳаммад Яъқуб кўп улуг зот бўлиб, нозик таъбли, чиройли ахлоқли, кўриниши гўзал, покиза сийрат, жуда мурувватли, аҳли оламга шафқатли, фаҳм-фаросатлидирлар.

³⁵ «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, Унга қайтувчидирмиз».

Соғлом табиат, мустаҳкам зеҳн ул зотда мавжуд, замонанинг яқтосидир. Самарқанду Мовароуннаҳр султон ва ақо-бирлари у зотнинг қадри баланд даргоҳига илтижо қилдилар. Подшоҳлар шарофатлик остонасига бош қўюрлар. Бу диёр одамларининг паноҳ топадиган жойидир. Ул зот ёшлик айёмидан илму фазл касби билан машғулдир. Падари бузругворлари вафот қилганларидан сўнг Фойиз ул-анвор мазорлари бошига ота-боболарига ўшаб мутаваллийлик қила бошладилар. Боқиймуҳаммадхон вафотидан кейин сажий, одил хон Валиймуҳаммадхон Мовароуннаҳр тахтига ўтирганидан сўнг Хожа Муҳаммад Яъқубга Шайх ул-исломлик мансабини таклиф қилдилар. Ул зот ўша мансабдан юз ўгириб «Менга Шайх ул-исломлик мансаби ҳеч ҳам муносиб эмас!» дедилар. Мазкур хон талаб қилар, ул ҳазрат эса ўзидан (ўша мансабни) узоқ ташларди. Муҳтарам амиру уламолар, улўф зотлар у зотга юзланиб ниҳоятда қаттиқ илтимос қилиб туриб олдилар. Ул ҳазрат базўр Шайх ул-исломлик мансабини қабул қилдилар. Хожа жанобларидан Мовароуннаҳр халқига бисёр фойдалар етди. Мазкур хон унинг Шайх ул-исломлик мансабини қабул қилганлиги учун жуда қувонди. Ҳозирда ул зот Фойиз ул-анвор мазорлари бошида яшайдилар. Неча йиллардан бери мазорнинг мутаваллийлиги ҳамда Шайх ул-исломлик мансабида ўтирибдилар. Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг умумий лутфи карамидан умидвор қоламизки, ул зотнинг қутлуғ ифбатлик зотини замон офатларидан, даврон балоларидан ўзи ҳифзу ҳимоятида сақласин!

НАЗМ:

Ин сояи нур дар жаҳон бод,

Вин нур ба-соя жовидон бод.

(Бу нур сояси жаҳонда бўлсин. Ушбу нур соя билан ҳамшиша бўлсин).

Хожа Абдурашиднинг қизи Хожа Муҳаммад Яъқуб жанобларининг никоҳидадир. Ундан икки ўғил бўлиб, биринининг исми Султонхўжа, иккинчисининг исми эса Хожа Хованди Маҳмуддир. Иккиси ҳам ёшлигида Ҳақ раҳматига

Табаррук рисоалар

нойил бўлди. Бошқа ҳарамидан Хожа Муҳаммад Юсуф номли ўғли бор. Саодат излари порлоқ пешонасида зоҳир, ҳидоят нурлари унинг мунаввар вужудида равшан бўлиб турибди. Падари бузругворлари вафотидан кейин Ул Ҳазратнинг файзли сармозори мутаваллийга ва Самарқанд вилоятининг Шайх ул - исломлик мансабида ўрнашгандир. Ул зотнинг саховату карам, ҳалимлигу виқор ва бошқа яхши сифатларининг мукамаллигидан ўша диёрнинг султонлари-ю улуг зотлари, олий мақом амирлари-ю хосу авомлари барча-барчаси ул зотнинг даргоҳига келар эдилар. Абдулазизхон ҳазратлари ушбу хонадонга бўлган ихлосининг зўридан ул зотни шоҳлик тахтига ўтирғиздилар. Бирданига Ҳиндистон подшоҳлиги, Кошғар хонлигининг арзларини тинглашни дарҳол ул зотга ихлосу ниёз қилворгандилар. Бир минг саксон олтинчи (мил. 1675) йилда малоли кўп ушбу дунёдан ҳақиқий дунёга равона бўлдилар. Мухлисларидан бири ул зотнинг вафотлари тарихида шундай қитъа айтганлар:

НАЗМ:

*Қутби дин фархунда хилос,
Дилаш аз бори жаҳон холий рафт.
Соли фавташ хирад ин мисра гуфт,
Солики силсилаи олий рафт.*

(Некбахт хислатлар (соҳиби) дин қутбининг дили жаҳон юкидан холий бўлиб кетди. Ақл унинг вафоти (фавти) йилини ушбу мисрада «силсилаи олий кетди» йили деб айтди).

Бошқа ҳарамидан икки ўғил бўлиб, бирисининг исми Хожа Муҳаммад Айюб, бошқасининг исми Хожа Муҳаммад Юнусдир. Бу икки ўғил ҳам Ҳақ раҳматига етишган. Яна ул зотнинг икки қизи ҳам бор: Ойша Султонбегим ва Фахринисобегим. Иккови ҳам Сармозорда яшамоқдалар. Хожа Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг бир неча фарзандлари бўлиб, аржуманд фарзандларидан бири Хожа Муҳаммад Закариё ҳазратларидир. Ҳақ Таоло ул зоти шариф, унсури латифни ҳидоят ва саодат нурлари ила зийнатлаган. Ҳамиша ўз вақтларини Каломуллоҳ тиловатини, Авлиёларнинг

китобларини, улуғларнинг назму насрда ёзган асарларини ўқиш билан ўтказадилар. Жумладан «Нафаҳот», «Рашаҳот», «Силсилат ул-орифин», яъни Мир Абдулаввалнинг жамъ қилганлари, Ул Ҳазратнинг «Фикрот»лари, «Рисолаи Волидиййа», «Ҳавроиййа», «Нузхат ул-арвоҳ», «Бўстон», «Гулистон», «Тухфат ул-аҳрор», «Субҳат ул-аброр», Ҳазрати Мавлоний Румийнинг олти дафтарлик «Маснавийи Маънавийи» мутоаласи билан машғулдирлар. Ўша вақтда ҳофизлар ул зот мулозаматида Сармозорда «Маснавийи Маънавийи»ни ўқишарди. Улуғвор оталари ҳаётлигида юксак қадр қийматли Самарқанд Шайх ул-исломлиги мансабига ўтиргандилар. Падари бузrugворлари вафотидан сўнг Шайх ул-исломлик билан бирга Сармозорнинг мутаваллийлик мансабига ҳам қойими мақом бўлдилар. Сармозорнинг хизматини энг муҳим ишлардан санаб, иложи борича муқаддам тутардилар. Шул жиҳатдан Ҳақ Таоло у баракотли зотни азизу мукаррам қилиб, ўша давр султонлари, амиру ақобир, аъёнларни ул зотнинг этагини тутишга мушарраф қилди. Ул зот ҳам ўз вақтини улуғлар одатидек Ҳазрати Хожагон тариқатига сарф қиладилар. Илоҳи, бул зоти шарифни Сармозорда ҳамиша барқарор қилгайсан!. Пайғамбар ва унинг улуғ аҳли ҳурматидан, уни айём ҳодисалари ва офатларидан Ўзинг сақла!

Хожа Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг Назр Муҳаммадхон ҳазратларининг ожизасидан Хожахон номли бир ўғли ҳам бор. Бошқа ҳарамидан икки ўғли бўлиб, Хожа Зайн ул-Обидин ва Хожа Муҳаммад Амин номли. Ҳар уччаласи Сармозорда Хожа Калоннинг тарбия ва марҳамат соясидадир.

Хожа Муҳаммад Закариё ҳазратларининг саодатманд икки ўғли ва етти қизи бор. Катта ўғлининг исми Хожа Муҳаммад Қосим бўлиб, ёшлигидан саодат излари порлоқ пешонасидан ярқираб кўринади. Кичик фарзанди Абдулазизхон ҳазратлари душманларини фатҳ қилган вақтларида туғилган бўлиб, махдумзоданинг таваллудлари хабари Хон ҳазратларига етганида, унга Хожа Фатҳуллоҳ деб исм қўйдилар.

Табаррук рисоалар

Хожа Шоҳнинг катта қизи Хожа Муҳаммад Хошимнинг қўлида-дир. Ўртанча қизи Хожагон хўжа Порсонинг ўғли Дилдор хожа жанобларининг никоҳидадир. Кичик қизи эса мазкур Шоҳнинг синглиси Шоҳбегимни мазкур Хожажон хўжа Порсоийнинг биродари Хожа Абдулҳодий ҳазратлари никоҳига олган эди. Ундан фарзанд қолмаган.

Хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳё шаҳиднинг учинчи фарзанди Хожа Муҳаммад Амин ҳазратларидир. Ул зотни Шоҳ Бекхон давлат илнжидида икки ўғли билан шаҳид қилганида, Хожа Муҳаммад Амир ҳазратлари ҳали гўдак эдилар, уни яшириб қолганлар. Фирдавс макон ҳазратлари Самарқандга келганида Ҳазрати Хожанинг муборак жасадини Хожа Корузан даштидан Ул ҳазратнинг файзли мозори ёнига олиб келдилар. Ҳазрат фирдавс маконнинг ўзлари соҳиб таъзия бўлиб, бел боғлаб, таъзиянинг барча лозиматларини бажо келтириб дафн қилдилар. Хожа Муҳаммад Амин ва Хожа Дўст Хованд ҳазратлари фирдавс маконга куёв бўлиб, унга ҳамроҳлик қилиб тупроқ келтирардилар. Хожа Муҳаммад Амин Хожа Муҳташамнинг қизини никоҳига олган эди. Ундан Бикабегим номли бир қиз бўлган. Уни Хожа Дўст Хованднинг ўғли Хожа Муҳаммад Закариё хизматига бердилар. Унинг зикри Ҳазрат Мир Абдуллоҳ фарзандлари баёнида рақамга олинади. Бегимкалон номи билан машҳур катта қизини Мир Абдуллоҳ ибн Амир Тақийуддин Муҳаммад Кирмоний ҳазратларининг никоҳига берди. Уларнинг беш ўғли бор: Хожа Мир Хованд, Хожа Дўст Хованд, Хожа Шоҳ Хованд, Хожа Амири хурд ва Хожа Амир Тоҳир. Учта қизлари ҳам бор. Катта ўғил Хожа Мир Хованд бисёр олийҳиммат эдилар. Подшоҳзодалар билан ҳамсуҳбат бўлар, кўрқмас, чиройли қадду қоматлик эдилар. У Шайх ул-ислом Хожа Абулмакоримнинг қизини олганлар. Ундан бир ўғил ва икки қиз бўлган. Ўғлининг исми Мир Абдул Азим. Унинг икки қизи бор эди. Бир қизини Хожа Афзалнинг ўғлига никоҳлаган бўлиб, Ҳиндистонда ватан туганлар. Уларнинг уч ўғил, бир қизлари бор. Иккинчи қизини Шоҳ Бекхон тафриқаси вақтида Ҳазрати султон Хожа Аҳмад Яссавий авлодларидан Хожа Аҳмад Бобога нисбат қилган эдилар, улардан икки ўғил ва икки қиз бўлди. Ўғилларининг исми Хожа


Абдулқаййум ва Хожа Абдуссабур. Хожа Абдусабур қирқ ёшлигида жазабага мушарраф бўлиб, Лоҳурда ўттиз йил мажзуб бўлиб яшадилар. Тўққиз юз тўқсон тўққизинчи йил (мил. 1590) Ҳақ раҳматига нойил бўлдилар. Хожа Абдулқаййум Шайх Абу Лайс Самарқандийнинг авлодларидан Хожа Офоқнинг қизини олган. Улардан икки ўғил ва икки қиз бўлди. Ўғиллари Саййид Мирзо ва Мирзо хожа номли. Саййид Мирзонинг уч ўғли ва бир қизи бор. Улар Мирзо Муҳаммадбек барлоснинг қизидан бўлган. Мирзо Хованднинг катта қизи Шайх Боязид Пўроний ҳазратларининг никоҳидадир. Шайх Жалолуддин Пўронийнинг набирасидир. Шул жиҳатдан уларни Пўроний дейдилар. Шайх Боязиднинг волидаси Саййид Иноятуллоҳнинг қизидир. У саккиз восита билан Хожа Абдуллоҳ Ансорийга етади. Шайх Боязид она тарафдан тўққиз восита билан Султон Абу Саид Абулхайр қадассаллоҳу сирраҳу ҳазратларига етади. Унинг бир ўғил ва бир қизи бор. Ўғли Хожа Абдулбоқий Баккарда яшайди. Хожа Абдулбоқийнинг ҳам бир ўғил, бир қизи бор. Ўғли Абу Толиб умми валад канизагидан бўлган. Қизи Мир Қаландарнинг қизидан бўлган. Шайх Боязид қизини Шайх Мир Пўронийга никоҳлаб берди. Унинг ҳам бир ўғил, бир қизи бор. Ўғли Муҳаммад Мўъмин Жўнпурда яшайди. Қизини Хожа Халил Хофийга берган. Ундан Хожа Аҳмад деган бир ўғил бор. Хожа Дўст Хованд ҳазратлари Шоҳ Бекхоннинг тафриқасидан кейин Самарқанддан фирдавс маконнинг мулозаматига келдилар. Кобулда ва Ҳиндистонда Ҳазратнинг хизматини ихтиёр қилиб, барча қонун-қоидаларни адо қилганлиги боис имтиёзларга эга бўлди. Ҳиндистон билан Кобул фатҳ қилингандан сўнг фирдавс макон ҳазратлари Кобулни Хожага иноят қилдилар. Хожа Кутбиддин Яҳё шаҳид ҳазратларининг Бикасултонбегим деган қизларини Хожа ўз никоҳларига киритган эдилар. Улардан тўрт ўғил бўлди. Катта ўғли Хожа Муҳаммад Закариё ёшлигидан то вафот этгунига қадар иззату ҳурматда бўлди. У Хожа Муҳаммад Амин ибн Хожа Муҳаммад Яҳё шаҳид ҳазратларининг қизлари Бикабегимнинг қизини олган эди. Улардан икки ўғил ва уч қиз қолди. Ўғиллари Хожа Бузруг ва Хожа Абдуллоҳ. Хожа Абдуллоҳ ёшлигидан Хилофатпаноҳ ҳазратларининг

Табаррук рисолалар

хизматида бўлади. Хожа Бузруг бўлса Ҳиндистон фатҳидан сўнг муродига етолмай 22 ёшида оламдан риҳлат қилганлар. Хожа Абдуллоҳ хўбсурат, чиройли қадду қоматли ва олийҳиммат йигит эди. Ҳазратнинг мулозаматида жуда ҳам қадр топди. Ўзининг амакиси Хожа Абулфайзнинг қизини олган эди, фарзанди бўлмади. Саҳорнапур, Ҳазаробод ва Содхура сингари замин у салтанатлар Хожага марҳамат қилинди. Хожага бир ташвиш келиб, боқий оламга риҳлат қилди. Хожа Муҳаммад Закариёнинг қизини зикри ўтган Мир Маҳдумийнинг ўғли Мир Абдулганига нисбат қилинган эди. Ундан Хожа Абдулғафур номли бир ўғил ва Солиҳабону номли бир қиз бор. Хожа Муҳаммад Закариёнинг бошқа қизи Мир Абдуррофеъ ибн Хожашоҳ Хованд жанобларининг никоҳидадир. Уларнинг Мир Абдулмалик номли бир ўғиллари бор. Мир Абдулмалик Обиддин Хожасининг қизини олган эди. Ундан икки ўғил ва икки қизи бор. Хожа Муҳаммад Шоҳнинг никоҳидадир.

Хожа Дўст Хованднинг иккинчи ўғли Хожа Мир эдилар. Ёшлигида оламдан ўтганлар. Ундан фарзанд қолмаган. Учинчи ўғиллари Кичик Хўжа жаноблари бўладилар. Аввал Мир Абдулаввал ҳазратларининг ўғли Хожа Мирам Калоннинг қизини олган эди. Ундан Хожа Лутфуллоҳ номли дарвиш ўғли бор. Ушбу рафиқаси вафот қилгандан сўнг Хожа Калонбекнинг Оқбегим деган қизини никоҳига киритган эди. Ундан Улуғбегим номли бир ожизаси бор. У зикр қилинган Мир Абдулғафурга нисбат қилинган бўлиб, ундан уч қизлари бор. Тўртинчи ўғиллари Хожа Абулфайз жанобларидирлар. У ниҳоятда содда, бетакаллуф ва парҳезгор мусулмон эдилар. У аввал Мирзо Иброҳим чопуқ ибн Мир Муҳаммад Али бекчиқнинг қизини олди. У мўгул амирзодаларидан Бангола ҳокими Саидхоннинг отаси Яъқуббекнинг синглисидир. Улар Бексик деган қавмдандир. У Зили Субҳоний ҳазратларининг мулозаматида олий мартабаларга эришган эди. Хожанинг ундан бир ўғил ва уч қизи бор. Бошқа ўғиллари Кўчик хўжа номли бўлиб, унинг болалари кўпдир. Ҳиндия аёлидан тўрт ўғил ва икки қизи бор. Хожа Қосим, Хожа Муҳаммад Шариф, Хожа Абдулҳалим ва Хожа

Муҳаммад Маъсумдир. Бир қизи Шоҳбек ибн Кучак Алихонинг ўғли Абулфатҳбекнинг хонасидадир. Бошқа қизи Кошғар вилоятининг саййидзодаларидан бўлган Мирзо Иброҳимнинг хонасидадир. Хожа Абдулалим Сайидхоннинг куёвидир. Кўчик хўжанинг бошқа хотинидан Абдушшукур ва Абдулазиз номли икки ўғли бор. Қизларнинг онаси Саидхоннинг аммасидир. Шунинг учун уч қизини уч биродарига бердилар. Катта қизини Хожа Абдуллоҳ вафотидан сўнг Абдурраҳимбекка никоҳладилар. У қиз Маккага кетиб, у ерда вафот этган. Иккинчи қизи Саидхоннинг хонасидадир. Ундан бир ўғил ва бир ожиза қолган. Ожизани зикри ўтган Мир Муҳаммад Шафёънинг ўғли Мир Абулбақога бердилар. Унинг икки ўғли бор. Кичик қизини Махсусхол никоҳига олди, лекин улардан фарзанд бўлмади. Хожа Мир Иброҳимнинг қизини олгандан кейин Хожа Мағфурнинг биродари Хожа Халилнинг қизини ўз никоҳига киритди. Ундан Хожа Абулғайс ва Хожа Абул Ҳасан деган икки ўғил ва уч қиз бор. Мазкур Хожа Абулғайс Мирзо Халилнинг қизини олиб, ундан икки ўғил ва уч қизи бор. Ўғилларининг исми Хожа Абдуллоҳ ва Хожа Абдурраҳмон. Ҳиндия хотинидан ҳам Муҳаммад Солиҳ номли бир ўғил бор. Хожа Абулҳасан зикри ўтган Мир Абдулғафурнинг қизини никоҳига олиб, ундан бир ожизаси бор. Хожа Абулғайс бир қизини зикри энди келадиган Хожа Абдулвадудга никоҳлаб берди. Унинг уч қизи бор. Бошқа қизини Кичик хожанинг ўғли Хожа Лутфуллоҳга берган. Уларнинг тўрт ўғли ва бир қизи бор. Ўғилларининг исми Абдуссамёъ Муҳаммад Самад, Муҳаммад Латиф ва Абдулбадеъдир. Бошқа қизини Хожа Ҳасаннинг ҳамширазодаси (синглисининг ўғли) Хожа Афзал Нақшбандийнинг боласи Хожа Абдурраҳмонга берган эди. Хожа Дўст Хованд ҳазратлари фарзандларининг волидаси вафот қилгандан кейин Хожа Фағфурнинг қизини олган эдилар. У азининг волидаси Зиндафил Аҳмади Жом ҳазратларининг авлодларидандир. Шоҳхўжа ва Султонхўжа Фағфурнинг қизидан бўлган. Шоҳхўжа энди зикри келадиган Хожа Абдулқавий ибн Хожа Шоҳ Хованд жанобларининг қизини ўз никоҳига киритиб, ундан Фаҳринисо номли бир ожиза кўрди.



Табаррук рисоалар

Шоҳхўжанинг бошқа хотинидан Муҳаммад Ризо номли бир ўғил ва бир қиз бўлган. Чўрисидан эса бир ўғил ва икки қизи бор. Ҳозир таваккул қилиб Аграда турадилар.

Султонхўжадан ёшлик айёмидан рушду ҳидоят ва салоҳият излари зоҳир эди. Солиҳ бўлганидан йигитлигидан оғир риёзатлар чекди. Хилофатпаноҳ ҳазратларининг унга инояти кўп эди. Ўзининг яхшилиги, ҳақиқий эркаклиги, қобилияти юзасидан Хожанинг кундан-кун эътибори орта борди. Ҳазрат ўз одамларидан Хожа Жалолуддин Масъуднинг қизини Хожага никоҳлаб берди. У оқила аёл ҳам Хожанинг хизмати ва тарбиясида кўп саъйу ҳаракатини сарфлади. Хожа тўққиз юз саксон учинчи йилда (мил. 1575) Мир Адлий мансабини эгаллади, 980 йилда (мил. 1572) эса Мир Хож бўлиб, икки қоп зар билан бутун аҳли аёлини олиб Маккаи муаззамага кетишга рухсат бўлди. Ушбу сафарда Хожанинг ҳақиқий зот эканлигини ошкор қилиб, Худо бандаларига лойиқ хизматлар қилиб борди. Бу хизматлар Ҳазратнинг одамларига ниҳоятда мақбул бўлиб, Маккаи мушаррафага етганларидан сўнг Хожани эъзозу икромлар қилиб, подшоҳона иноятлар билан сийладилар. Уни фахрли Садр ус-судурий мансабига лойиқ кўрдилар. Шу вақтда Хожага бир касаллик етиб, ҳеч сиҳат топмасдан тўққиз юз тўқсон биринчи йилда (мил. 1583) Ҳақ Таолонинг раҳматига сазовор бўлди. Хожанинг Ҳожия кўкадан бир ўғил, икки қизи бор эди. Ўғлининг исми Хожа Мир бўлиб, Хилофатпаноҳ ҳазратларининг тарбия соясидадир. Ўн олти ёшга етган, рушду ҳидоят излари унда зоҳирдир. Зилли илоҳий ҳазратларининг бағоят таважжуҳлари билан унинг дунёвий ва ухровий саодатга етишувига умид қилиб қоламиз. Хожа Мирнинг катта сингисини Зилли илоҳий ҳазратларининг ниҳоятда марҳаматлик ва мушфиқлигидан ўзларининг бахтиёр, фарзандлари шаҳзода Дониёлга олиб бердилар. Ўша нуридийданинг Ҳазрат шаҳзодадан бир ожизаси бор.

НАЗМ:

*Худоё ту ин шоҳи дарвеш дўст
Ки осойиши халқ дар зилли ўст*

*Басе бар сари халқ поянда дор
Ба-тавфиқи тоат дилаш зинда дор.
(Худоё, халқнинг осойиши унинг сояи давлатида бўлган бу
дарвишдўст шоҳни яна халқ бошида абадий қилгин. Унинг ди-
лини тоат тавфиқида зинда қилгин).*

Кичкина синглиси Мир Абдуллоҳнинг фарзанди Мир Абдулбоситнинг қўлидадир. Мир Абдуллоҳ ҳазратларининг учинчи фарзанди Хожа Шоҳ Хованддир. У Хожака хожанинг куёви. Хожанинг икки ўғли ва бир қизи бор. Ўғилларининг исми Хожа Абдулқавий ва Мир Абдуррофеъ Хожа Абдулқавий Хожа Абдулҳақ ҳазратларининг куёвидир. Унинг уч қизи бор. Мир Абдуррофеъ эса Хожа Муҳаммад Закариё ҳазратларининг куёвидир. Чунончи, аввал зикр қилинган эди. Хожа Шоҳ Хованднинг қизи Самарқанд қозиси Хожа Шоҳнинг қўлидадир. Унинг зикри ҳам ўтган эди. Мир Абдуллоҳ Ҳазратларининг тўртинчи ўғли Хожа Заҳриддиндирлар. У Хожаи Мир Хўрд номли билан машҳурдир. У Ҳазрати Мулло Шайхнинг қизини никоҳига олгандир. Ҳазрат Мулло Шайх Ул Ҳазратнинг улуғ асҳобларидандир. Ул Ҳазрат ўзининг ҳамширазодасини Мулло Шайх хизматида берган эдилар. Унинг бир ўғил ва бир қизи бор. Ўғлининг исми Хожа Абдулвоҳид. Қизи Хўрднинг никоҳида бўлган. Унинг бир ўғли ва икки қизи бор. Ўғли Хожа Мунъим Хожа Подшоҳ номи билан машҳур. Ниҳоятда қувноқ, шўх, ҳимматли, бетакаллуф кимса эди. Хожадан авлод қолмаган. Мир Хўрднинг катта қизи Мир Абдулазим жанобларининг никоҳидадир. Ундан ҳам фарзанд қолмаган. Кичик қизини зикри ўтган Хожа Абулвоҳиднинг ўғли Хожа Бобойга олиб бердилар. Ундан Хожа Абдуллауф ва Хожа Абдулвадуд деган икки ўғил бўлган. Хожа Абдуллауфнинг Хожа Абдуллауфмон номли ўғли ва бир қизи бор. Хожа Абдулвадуд Хожа Абулфайзнинг куёвидир.

Мир Абдуллоҳ ҳазратларининг бешинчи ўғли Хожа Мир Тоҳирдир. У Хожа Муҳаммад Закариё ибн Хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳё шаҳид ҳазратларининг Оғосултоним номли қизини олган эди. Уларнинг Хонзодабегим номли бир қизлари бор. У ниҳоятда мастура, маъсума, Худодан қўрқувчи

Табаррук рисолалар

муслима аёллардан бўлиб, Хожа Абдулборий жанобларининг никоҳига кирган. Унинг зикри аввал ўтган эди. Мир Абдуллоҳ ҳазратларининг катта қизи Хожа Хованд Маҳмуднинг никоҳидадир. Иккинчи қизи Хожа Абдулҳодий ҳазратларининг никоҳидадир. Унинг ҳам зикри ўтган эди. Учинчи қизи Мир Абдулмажид ибн Мир Абдулбоситнинг никоҳидадир. Унинг Мир Қавий ва Мир Абдулфатҳ номли икки ўғли бор. Ушбу ҳарфлар роқимининг отаси Мир Қавий Хожа Абдулкофий ибн Хожа Абдулҳодий қизини олганлар. Ундан бир ожиза қолган. У Хожа Абдулборий ҳазратларининг ўғли Хожа Муҳаммад Ашраф никоҳидадир. Чунончи, аввал зикр қилинган эди. Хожа Ашрафнинг бошқа хотинидан Мирзо Муқим номли бир ўғил бор. У рушду ҳидоятли, ниҳоятда шижоатли йигит эди. У Маҳдий султон ибн Эштемур султоннинг Жаъфар хожа ибн Саййид Маҳдийхожанинг қизидан бўлган қизини никоҳига олган, ундан: Хожа Абдулмажид номли бир ўғил бор. Яна бошқа хотинидан Хожа Абдурраҳим деган ўғли бор бўлиб, Хожа Зиёуддин ибн Мир Абдулвоҳид ибн Мир Абдулбоситнинг қизини нисбат қилган. Хожа Зиёуддин Абдурраҳмон она тарафдан Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Мавлоно Саъдуддин Кошғарийнинг набираси бўлади.

Мир Абулфатҳ ушбу ҳарфлар роқимининг отасидир. Ҳиндол Мирзо ҳазратларининг мулозаматида бўладилар. Ҳазрати хон унинг эъзозу эҳтиромини мукамал адо этарди. Мирзо шаҳид бўлганларида Мирзонинг вилояти, мулозимлари ва ҳашамини Жаҳонбоний ҳазратларига иноят қилдилар. Бу фақирнинг ота ва амакиси Жаннат ошён ҳазратларига узрхоҳлар қилдиларки, «Жаҳонбоний ҳазратлари кичикиналар. Бизлар унинг ёнида туришга муносибмизми ёки йўқми?!» Жаннат ошён ҳазратлари ушбу камтарлигу узрхоҳлик учун марҳамат қилдилар: «Тўғри, Мирзо кичкинадир. Лекин сизлар Мирқавий ва Мир Абулфатҳсизлар. Биз болаларимизни олиб, уларга қуввату фатҳни ҳамроҳ қилмоқдамиз!». Ушбу тарихдан бу даргоҳнинг жумла шаҳзодалари хабардордир. Ушбу саодат билан отам ўз замондошларига фахр қиладилар. У марҳамат назари билан қараладиган аёнлар жумласидан

саналадилар. Мир Адлий мансабидадирлар, умумий илтифотга мушарраф бўлганлар.

НАЗМ:

Гар бар тани забон шавад ҳар тўй

Як шукри ту аз ҳазор натавонам кард

(Агар менинг танимдаги ҳар мўй тил бўлганда ҳам, сенинг бир шукронангни минг мартадан ҳам адо қилолмасман).

Ул зот Мирзо Бахши Алининг Хожа Абдулҳодийнинг қизидан бўлган қизига уйлангандирлар. Ундан ушбу ҳарфлар роқими Султонбегим номли синглиси билан таваллуд топганлар. У синглим Мир Абдуллоҳ ибн Мир Абдуссалом жанобларининг никоҳидадир. Унинг зикри олдин ўтган эди.

Ҳазрати Эшоннинг (қаддасаллоҳу таоло сираҳул азиз) иккинчи қизи Мир Абдулаввал ибн Иззуддин Тоҳир Нишопурий ҳазратларининг никоҳидадир. У зот Мўсуй саййидларининг улуғларидан бўладилар. Ҳазратнинг улуғ асҳобларидандир. Унинг зикри «Рашаҳот» ва «Жамъ»да ёзилган. Ҳазрати Мирнинг уч ўғил ва бир қизи бўлган. Учала ўғли Хожа Мир Калон, Хожа Миёна ва Хожа Мир Хўрд деб исмланган. Хожа Мир Калон бағоят дарвиш, уйланмаган, камтар ва чиройли қадду қоматли эдилар. Ҳазрати Хожагон қаддасаллоҳу таоло арвоҳаҳум тариқатларининг нисбатидан тўлиқ бахраманд бўлганлар. У ҳам фирдавс макон ҳазратларининг мулозаматига келган эди. Ҳамиша жониворларни отиш, ов қилиш билан машғул бўларди. Бу нарсани ўзининг аҳволини яшириш, Ул ҳазратнинг насабидан бўлсалар ҳам одамларга нисбатан муридлик ва хизматкорликни қилдирмас эди. Унинг бир қизи бўлиб, Кичикхўжа ибн Хожа Дўст Ховандга нисбат қилган эдилар.. Хожа Дўст Хованд ҳазратларининг авлодлари орасида зикр қилинган эди. Хожа Мир Миёна ва Хожа Мир Хурддан авлод қолмаган. Мир Абдулаввал ҳазратларининг қизи Хожа Абдулбоқий ибн Хожа Қутбуддин Яҳё ҳазратларининг никоҳидадир. Ундан Хожа Муҳаммад Яҳё номли бир ўғил қолган. У Хожа Калон Мозорий номи билан машҳурдир. Унинг зикри ҳам аввал ўтган эди.

Табаррук рисоалар

Махфий қолмасинки, Ҳазрати Эшоннинг икки синглиси бор эди. Ҳар иккиси ҳам дуолари ижобат бўладиган валия эдилар. Бир синглисини Боб Мочин ҳазратларининг авлодларидан, Ҳазрати Эшоннинг келинининг отаси Хожа Имо-дулмулкнинг фарзандига берган эдилар. Бошқа синглисини Ҳазрат Эшоннинг амакисининг ўғли Ҳазрати Хожа Исҳоққа бердилар. Хожа Исҳоқнинг ўғилларига берганларидан икки ўғил ва бир қиз бор. Ўғилларининг исми Хожа Абдулкарим ва Хожа Абдурраҳим бўлиб, ҳар иккиси ҳам йигитлигида ўлиб кетишган. Улардан авлод бор. Қизини Мулло Шайхга берган эдилар, улардан Хожа Абдулвоҳид ва Бичабикаога деган фарзандлар бор. Хожа Абдулвоҳид Арғуния силсиласидан нисбат қилган эдилар. Хожа Бобо ундан бўлган. Хожа Бобо ўз амакисининг қизини олган бўлиб, ундан Хожа Абдуррауф ва Хожа Абдулвадуд номли икки ўғил қолган. Хожа Абдуррауфнинг чўрисидан Хожа Абдурраҳмон номли бир ўғли ва бир қизи бор. Хожа Бобонинг бошқа хотинидан Хожа Абдулмуҳаймин номли ўғли ҳам бор. Хожа Абдулвоҳиднинг умми валад канизагидан Абдурразоқ деган ўғли бор. Унга Хожа Бобонинг қизи, яъни Хожа Абдулмуҳайминнинг синглисини никоҳлаб бердилар. Ҳазрати Эшоннинг Хожа Имо-дулмулк ҳазратларининг фарзандига никоҳлаб берган синглиларидан Хожа Абдурразоқ ва Хожа Абдуссалом номли икки ўғил ва бир қиз бўлган. Хожа Абдурразоқнинг эса Хожа Абдулхай, Хожа Абдулазиз деган фарзандлари бор. Хожа Абдуссаломнинг эса Хожа Абдуссамад ва Хожа Боқий деган фарзандлари бор. Унинг яна бошқа фарзандлари ҳам бор. Хожа Имодулмулкнинг қизини Ҳазрати Эшон Мавлоно Хожа Али Чокардизагийга олиб бердилар. Чунки у Самарқанднинг бузrugзода-ларидан бўлиб, Ҳазратга мақбул, ул зотнинг муҳим ишларида вакил ҳам бўлар эди. Ҳазрат Мавлононинг ўша қиздан Хожа Абдуллатиф номли ўғли бор. Хожа Абдуллатиф Хожа Калонбекнинг биродари Кичикхўжанинг қизини олди. Ундан Абдуллоҳ номли бир ўғли бор эди, ниҳоятда мард, кўрқмас, шижоатли йигит эди. Зилли илоҳий ҳазратларининг мулозаматида жуда ҳам қадр топган эди. Улфа Хожабек зар қалъасига етганида, Довуд жангида

мардларча шаҳид кетдилар. Хожанинг тўрт ўғли ва бир қизи бор эди. Ўғилларининг исми: Кичикхўжа, Хожа Абдуллатиф, Хожа Фатхуллоҳ ва Хожа Неъматуллоҳ. Кичикхўжа жуда шижоатли, қобил ва солиҳ кимса бўлиб, ушбу кунларда отасининг мартабасига етган. Кичикхўжанинг бир ўғил, бир қизи бор. Ўғлининг исми Хожа Шоҳдир. Хожа Абдуллатиф Мусоҳиб ибн Хожа Калонбекнинг ўғли Худо Дўстбекнинг қизига уйланган. У қиз Шеруя Султонининг ҳамширазодасидир. Уларнинг бир неча фарзандлари бор. Хожа Фатхуллоҳ Харроннинг одамларидан Ҳасанбекнинг қизини хоҳлаган. Хожа Неъматуллоҳ эса Шеруяхон ибн Шерафканбекнинг қизини олган. Сингилларига Ҳазрат Махдуми Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг невараси Хожа Низомуддин ибн Хожа Зиёуддин Юсуф уйланган эди. Хожа Низомуддин она тарафдан Ҳазрати Эшоннинг синглисининг ўғли Хожа Абдулкаримнинг набирасидир. Ота тарафдан эса Ҳазрати Эшоннинг амакиси Хожа Исҳоқ ҳазратларининг набирасидир. Аллоҳ барчаларининг сирини муқаддас қилсин. Хожа Низомуддиннинг бир ўғли, бир қизи бор.

Ҳазрат Амир Тақийуддин Муҳаммад ибн Ҳазрат Амир Шаҳобиддин Маҳмуд ибн Ҳазрат Мир Шамсуддин Иброҳим Кирмоний зоҳирий ва ботиний илмлар билан ораста, олий мақомлар эгаси соҳиб каромат, инсондирлар. Ул зотнинг насаблари Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етади. Ушбу тартибда: Амир Тақийуддин Муҳаммад ибн Амир Шаҳобиддин Маҳмуд ибн Амир Шамсуддин Иброҳим ибн Саййид Имоиддин Амир Ҳож ибн Саййид Али ибн Саййид Низомуддин ибн Саййид Ашрафиддин ибн ал-Мужтабо ибн Каноний ибн Мужтабо ибн Подшоҳ ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳусайн ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Боҳир ибн ал-Имом Зайн ул-Обидин Али ибн Амир Ҳусайн ибн Амир ал-Мўъминин Али ибн Аби Толиб каррамаллоҳу ваҷҳаху.

Махфий қолмасунки, Амир ал-мўъминин Имом Ҳасан ҳазратларининг қизи Имом Зайн ул-Обидин ҳазратларининг никоҳида бўлган. Ҳазрати Имом Муҳаммад Боқир ва Ҳазрати

Табаррук рисоалар

Абдуллоҳ Боҳир бу икки биродар ҳазрати Амир ал-мўминин Имом Ҳасан разийаллоху анҳунинг қизларидан таваллуд топганлар.

Амир Тақийуддин Муҳаммад ҳазратларининг иродат нисбатлари, тарбия ва сулук одоблари ўзларининг улуғвор бобоси зикр қилинган Амир Шамсуддин Иброҳимдан олинган эди. У зот Шайх Разиюддин Али Лоло ҳазратларининг муридиридирлар. Бу зотнинг зикри «Нафаҳот ул-унс» ва «Тазкират ул-авлиё»да келгандир. Ҳазрати Мир Абоғжад олий мақомлар соҳиби бўлган: Ул зот ва унинг улуғ ота-боболари Ҳазрати Мир Шамсуддин Иброҳимнинг рисоласида ёзилган. Ул зот Жаҳонбоний Шохруҳ Мирзо ҳазратлари даврида диний илмлар таҳсили учун ўн олти ёшида Мовароуннаҳрга келганлар. Мавлоно Кутбиддин Аллома ва ўша даврнинг бошқа уламолари мулозаматида таҳсил олганлар. Кўп илмларни эгаллаганлар. Ўз асрининг яғонасига айланган. Ўша кунларда Шохруҳ Мирзо ҳазратлари Улугбек Мирзо Кўрагоний ҳазратларига уни Самарқандга таклиф этишини ёзиб юбордилар. Мирзо Улугбек ҳазратлари Хожа Али Дарвишнинг куёви Хожа Хованди Муҳаммаднинг қизини унинг никоҳига берган эди. Хожа Хованди Муҳаммад Соҳиби Ҳидоя, Хованди Садрушшариъа, Фақиҳ Абул лайс Самарқандий ва Шайх Бурҳониддин Соғаржий сингари зотларнинг авлодидандир. Бу бузругворларнинг насаби эса Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг чаҳорёрларига етади. Шу сабабга кўра Ҳазрати Мир Самарқандда яшаб қолганлар.

Ҳазрати Мирнинг ўша азизадан тўрт ўғил ва бир қизи бор. Катта ўғли Мир Абдуллоҳ ҳазратлари бўлиб, унинг фарзандларининг аҳволи Хожа Аҳрор қаддасаллоху сирраҳул азиз ҳазратларининг фарзандлари орасида зикр қилиниб ўтди. Ҳазрати Мирнинг иккинчи ўғиллари Мир Абдулбосит ҳазратларидир. У зот Хожа Абдураҳим ибн Хожа Юсуф ибн Асомиддин ҳазратларининг қизини никоҳига олган. Хожа Абдураҳимнинг рафиқаси Ҳазрати Соҳибқироннинг мураббийси Шайх Шамсиддин Кулол ҳазратларининг қизидир. Ул ҳазратнинг аҳволини Мир Хондамирбек «Ҳабиб ус-сияр»да баён қилган. Муллои Порсо зикри ўтган

Хожа Юсуфнинг онасининг бобосидир. Ул зот Амир ал-мўъминин Усмон Зуннурайн ҳазратларининг авлодидандир. Хожа Абдурраҳимнинг тўрт ўғли ва бир қизи бўлган. Катта ўғли Хожа Абдулмалик Хожа Миам номи билан машҳурдир. У Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ ҳазратларининг куёвидир. Уларнинг зикри аввал ўтган эди. Иккинчи ўғли Ҳазрат Мир Абдулмажид бўлиб, Хожаби номи билан машҳурдир. Учинчи ўғли Мир Абдулволий эса Хожа Хурдтар номи билан машҳурдир. Тўртинчи ўғли эса Мир Абдулвоҳид Мир Подшоҳ номи билан машҳур. Мир Абдулмалик Ҳазрати Хожа Муҳаммад Абдуллоҳнинг қизи Оғомахдумни никоҳига олган. Уларнинг Мир Махдум деган ўғиллари бор. Оғомахдум вафот қилгандан кейин Хожа Муҳаммад Закариёнинг кичик синглисини никоҳлаб, ундан Мир Абдулқуддус ва Мир Абдуссалом деган ўғиллари бор. Уларнинг зикри Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ ҳазратларининг фарзандлари баёнида ўтди. Мир Абдулмажид ушбу ҳарфлар роқимининг бобосидир. Риёзат чекувчи, қаноатли дарвиш, мулло одам эдилар. Рўзгорини деҳқончилик билан ўтказардилар. Ўз амакиси Ҳазрат Мир Абдуллоҳнинг куёвидир. Унинг ва фарзандларининг баёни ҳам Мир Абдуллоҳ ҳазратларининг фарзандлари орасида зикр қилинди. Мир Абдулмажид Кобулда Хожа Абдуссамад Кобулий қуддуса сирруҳу ҳазратларининг ёнларида мадфундир.

Мир Абдулволий Самарқанд қозиси Хожа Хурднинг қизига уйланганлар. Айтадиларки, Қозининг қизини олаётган вақтда Ҳазрати Мир Абдулбосит Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ ҳазратларидан Қози Хожа Хурднинг уйига (совчи сифатида) никоҳ калималарига сабаб бўлишини илтимос қилибди. Ҳазрати Хожа Қози Хожа Хурднинг уйига бориб, совчилик талабига ишора қиладиган бир ҳадис ўқибдилар ва фотиҳа ўқиб қайтаверибдилар. Мир Абдулвалийнинг ўша қиздан бир ўғил, бир қизи бор. Ўғли Мир Абдуррашид ниҳоятда камозор, обид дарвишлардан эдилар. У Хожа Миракнинг Хожа Содиқ ибн Хожа Низомиддиннинг қизидан бўлган ожизани никоҳига олган. Ундан Хожа Калон ва Мир Абдуссамаъ номли икки ўғли бор. Хожа Калон мўғул Мирзо

Табаррук рисолалар

Абдуллоҳнинг қизига уйланган. Ундан фарзанд қолмади, йигитлигида шаҳид бўлиб кетди. Мир Абдуссамеъ Хожа Мавлононинг куёвидир. Унинг Зайн ул-Обидин номли ўғли бор. Мир Абдуссамеънинг қизи ўз хонасидадир. Мир Абдуллолийнинг қизи, яъни Мир Абдуррашиднинг синглиси Ҳазрати Мир Абулбақонинг тоғаваччаси Хожа Подшоҳнинг никоҳига кирган. Ундан бир ўғил, икки қиз бор. Ўғлининг номи Хожа Зиёуддин бўлиб, у Шайх Шамсиддин Кулол ҳазратларининг авлодларидан бўлган Шаҳрисабзнинг Шайх ул-ислом Хожа Боқийнинг қизига уйланган эди. Унинг Хожа Мир номли бир ўғли бор. Мир Подшоҳ номи билан машҳур Мир Абдулвоҳид ниҳоятда парҳезкор, обид дарвишлардан эди. У Шоҳ Бекхон тафриқасидан сўнг Ҳирот тарафга кетиб қолди. Ҳазрати Махдумий Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ўғли Хожа Зиёуддин Юсуф ўзининг Хожа Калон ибн Мавлоно Саъдуддин Кошғарий ҳазратларининг фарзандидан бўлган қизини унга никоҳлаб берди. Ҳиротда уларнинг авлодлари бор. Хожа Зиёуддин улугвор отаси Хожа Подшоҳ мулозаматида саккиз юз етмиш тўққизинчи санада (мил. 1465) Маккаи муқаррамага боргандилар. Суқутара (Жакарта) бандаргоҳига (порт) жиҳозлари билан келиб тушдилар. Хожа Подшоҳнинг касали бўлиб, кеманинг лангарини кўтарётган вақтда қазо қилдилар. Унинг Суқутарада дафн қилдилар. Хожа Зиёуддин Маккаи муаззамага мушарраф бўлдилар. Ўша шарофатлик маконларда бир йил яшаб қолдилар. Олти ой Мадинаи мунавварада, олти ой эса Маккаи муқаррамада истиқомат қилдилар. Баъзан ҳар кун, баъзида икки кунда Куръонни хатм қиладилар. У Мулло Исмоил ҳазратларининг муриди Мир Закариё хизматида бўлиб, унга инобат қилдилар. Оғир риёзатлар ҳам чекдилар. Кун ўртасида тавоф қилаётганларида бир ҳароми саллаларини олиб қочди. Хожа унинг изидан қува бошлади. Ўғри тўхтаб, тош олиб Хожага отди. Бу тош Хожанинг ўқтомирига тегиб, уни шаҳид қилибди. Хожадан бир ожиза қолган бўлиб, Мирзо Муқимнинг қизи Мирзо Абдурраҳимга теккан эди. Аввал бунинг зикри ҳам ўтган.

Амир Тақийуддин Кирмоний ҳазратларининг учинчи ўғли Мир Абдулбоқий ҳазратларидир. Унга Шайх Абуллайс ва имом Абулқосимнинг набираларидан Хожа Абулқосим фақиҳнинг қизини олиб бердилар. Уларнинг Мир Абулбақо ва Мир Бузруг номли икки саодатманд ўғиллари бор. Мир Бузруг мулло ва донишманд йигит эди. Ул зотнинг камолоти ва гўзал сифатлари шарҳдан беҳожатдир. Мир Абулбақо Хожа Абдулмаликнинг Бичакалонбегимдан бўлган қизини хотинликка олди. Ҳиндистонга ўтиб кетди. Мирзонинг фарзанди йўқ. Ҳиндистон тафриқасидан сўнг жаннат ошён ҳазратларининг мулозаматида Тахта тарафга кетди. Жаннат ошён ҳазратлари Мирзони элчи қилиб Мирзо Шоҳ Ҳасан олдига юборди. Кема қайтаётган вақтда Такбанога яқинлашган маҳал (номаълум) бир ўқ келиб Мирга тегади. Мир шул заҳоти шаҳид кетади.

Мир Бузруг Хожа Абдушшаҳид ҳазратларининг куёвидир. Унинг фарзандларининг баёни Ҳазрати Эшоннинг зикрида келган эди. Мир Султоний номи билан машҳур Мир Зайн ул-Обидин Ҳазрати Амир Тақийуддин Муҳаммаднинг кичик ўғлидир. У Шайх Абуллайс ҳазратларининг силсиласидан хотин олган. Унинг тўрт ўғил ва бир қизи бор. Ўғилларининг исми Мир Абулхайр, Мир Абулҳасан, Мир Абулҳусайн ва Мир Жаъфардир. Мир Абулхайр Мир Абулбақонинг набирасини олган. Ундан фарзанд қолмади. Мир Абулҳасан бўлса Мирак Самарқандийнинг фарзандларидан, яъни Ҳазрати Мир Мусонинг синглисига уйланади. Мирак Самарқандий ҳам Термиз саййидларидан ҳам Шайх Абуллайс авлодларидан бўлади. Абулҳасандан бир ўғил қолган. У Мир Абдулбадеъ исмли бўлиб, Хожа ўарибнинг куёви бўлган. Мир Абулҳусайн эса Хожайи Хофийга куёв бўлишни хоҳлади. Ундан икки ўғил ва икки қиз қолди. Ўғилларининг исми Мир Ашраф ва Мир Муҳаммад Саид. Мир Ашраф Мир Убайднинг биродарзодаси Мир Муҳаммад Боқирнинг қизини хотинликка олди. Лекин ундан фарзанд бўлмади. Мир Ашраф қирқ саккиз ёшлигида оламдан ўтди. Иккинчи ўғил Мир Муҳаммад Саид умми валад канизакдан бўлган бўлиб, Хожа Ашраф ибн Хожа Шайхнинг куёвидир. Бир ўғил ва бир қизи бор. Мир Ҳусайннинг қизи Мир Бузругнинг ўғли Мир Муҳаммад

Табаррук рисолалар

Шофеънинг никоҳида эди, ундан бир ўғил ва икки қиз қолди. Чунончи, зикр қилинган эди.

Мир Султоний ҳазратларининг тўртинчи ўғли Ҳазрати Мир Жаъфар бўлган. У дарвиш, риёзатлар чекувчи, парҳезгор, мулло эди. Диний илмлардан фойдалар олишга машғул, доим зикр қилувчи, виқорли зот эди. Ёши улғайган вақтида икки марта Ҳарамайни Шарифайни зиёрат қилишга муваффақ бўлди. Аввал Хожа Подшоҳ Домоднинг қизини олган эди, кейин эса Хожа Абулфайзнинг катта қизини никоҳига олди. Ундан фарзанд қолмади. У мингинчи санада (мил. 1591) оламдан кетди.

Мир Абдулбосит ҳазратларининг қизи Мир Убайд жанобларининг никоҳида эди. Мир Убайд Кирмоннинг сайидларидандир, Хавешондан эдилар. Мир Убайднинг Мир Маҳдий номли ўғли бор. У ўз амакиси Мир Муҳаммад Боқирнинг қизини олган. Унинг Мир Абдулазиз номли бир ўғли ва яна икки қизи бор. Мир Абдулазиз Мир Муҳаммад Боқир ибн Мир Абдулганининг қизига уйланган, икки қизи бор. Ҳазрат Мир Маҳдийнинг волидаси вафот қилганидан сўнг Ҳазрат Мир Султоннинг қизини Мир Убайд никоҳлаб олди. Лекин фарзандлари бўлмади. Бу азиза яқин орада ҳам ҳаёт эдилар.

Хотима. Эй, азиз биродарлар, дўстлар!!! Ушбу қораламада насаб баён қилиш ва изҳор этишдан асл мақсад ўзингизнинг олий насабингиздан хабардор бўлишингиз, суварий фазилатлар ҳамда касбу кордан, ҳақиқий мақсаддан қолиб, насабга ва бузругвор аждодларга суянишингиз учун эмасдир. Балки Ҳазрати Хожагон қаддасаллоҳу таоло арвоҳаҳум тариқатини ҳосил қилиш Ҳақ Таолога камоли ниёзу фақирлик ила билишингиз ва шундан огоҳ бўлишингиз учундир. Чунки бурчакда ғафлат билан ўтирганда бу нисбат қўлга кирмайди, токи жазба ва ҳаракатни ўзига ёр қилмагунча. Қанча-қанча бошлар талаб йўлида тупроқ бўлиб кетди, неча-неча диллар иштиёқ оташида кабоб бўлди:

МИСРАЪ:

*То дўст киро хоҳад майлаш ба-ки бошад.
(Дўст майли кимда бўлса, ўшани хоҳлайди).*

Нима бўлганда ҳам бу йўлга қадам қўймоқ керак! Худо берганини талаб қилмоқ даркор! Бир лаҳза ўз борлигидан кечиб, огоҳлик йўлида бўлмоқ йиллар бемуҳаббат ибодат билан йўл босмоқдан яхшироқдир. Дарҳақиқат, ибодатда муҳаббат ва огоҳлик бўлмаса, сохта кўриниш бўлиб қолади. Демак, сизларга лозимки, ҳиммат камарин маҳкам боғла-гайсиз. Дуруст эътиқод ва иймон ила жидду жаҳд билан шу-ғуллангайсиз. Токи (ҳақиқий) давлатни топгайсиз. Машақ-қат тортмагунча Парвардигор хизматида роҳат кўрилмайди. Ҳар қандай нуқсон бўлса биз тарафимиздадир. Ҳамма фазлу атолар Маҳбуб Таоло жонибидандир.

Сизлар билан бошқа одамлар орасидаги фарқ шулки, сизларнинг у улуг зотларга фарзандлик нисбати бор. Агар сизлар у азизлар равишида мUTOбаат қилишга иқрор бўлсангиз (яъни, итоат қилишни бўйнингизга олсангиз) бошқалар машаққатлик риёзату ҳаракатлар ила ушбу ша-рафатлик мақомни қўлга киритсалар, сизлар ўшал пок зотларнинг покиза арвоҳлари ҳурматидан андак риёзату мушоҳада ила ушбу буюк давлатга (тезроқ) мушарраф бўлурсизлар.

Илоҳий, ўзингнинг камоли фазлу караминг ила ушбу шошилинич қисқа вақт ичида ҳамма биродарлару муҳибблар ва ўқувчиларни огоҳлик ҳақиқатидан насиба бергайсан.

*Муҳаббат тарафга йўл кўрсат. Ўзинга гирифторм қил.
Аҳрор ва Аҳёр бандаларинг ҳурматидан. (ё Рабб!)*

РУБОИЙ:

*Ё раб, бираҳоним зи ҳиром ги шавад,
Роҳи диҳем ба-сўйи ирфончи шавад.
Сад Габрки аз карам мусулмон карди
Як габра дигар куни мусулмон чи шавад.
Ба пеши чашм ту хокистарам маё густох
Ки ҳаст дар таҳи у оташи дарёи*

*(Кўз олдинда хокистар (кул) декман, мени айбламаки,
унинг остида дарёдек оташ бор).*

Табаррук рисолалар

*Ҳар ки кору қасди гандум боядош,
Гоҳ чу донад зи табъ меоядош.
Гоҳ худ андар табъ меоядош,
(Ҳар ким иш ва бугдой қасдида бўлса, гоҳо табиатидан
(табъидан) билиб келтиради (ўша ишни қилади.)*

«РУҚАБОТ»

1-Руқъа: Назру ниёз қилгандан сўнг арз қилур бул фақир: Руқъа юборилаётган зот қарам айлаб ушбу фақирни ўзларининг суҳбатига мушарраф қилган эдилар, жуда ҳам хушвақт бўлдиқ. Шу сабабданки, у ерда волид ва волидамиз мунтазир эдилар. Уларнинг бу ерда узоқ вақт кутиб туришларига рози бўлолмасдиқ, албатта. Ул зотларнинг ҳамда уларнинг ёнларидаги яқинларининг дунёвий зарурат юзасидан муҳим ишлари бор экан. Илтимос шулки, шарофатлик илтифотингиз ила уларнинг муҳим ишларини хайрия йўли билан битказиб берсангиз. Бир аниқ нарса бор: Сизнинг Аҳли Байтга бўлган муҳаббатингиз шул даражадаки, уларнинг ишларини битказишда қиладиган саъй-ҳаракатингиз биз фақирларнинг илтимосидан аввал бошлангусидир. Вассалом.

2-Руқъа: Назру ниёз қилгандан сўнг арз қилур бул фақир: Руқъа юборувчининг агарчи гуноҳи улуғдир, лекин гуноҳ кўтариб борувчи олдинда Ҳазратнинг афву қарам ойнаси бор. Илтимос шулки, ойнада унинг гуноҳини афв камолотнинг жамолида кўриб, уни саломат қилсинлар. Унга нисбатан иноятлар ҳамда лутфларини аямасинлар. Бу худпарастлик эмас, балки ўзини ажзу шикасталиқ ила улуг салтанатнинг комил жамоли қаршисига келтириш бўлиб, унинг шикасталиги зоҳир ҳамдир. Аниқки, илтимосимиз албатта бажарилур. Вассалом.

3-Руқъа: Назру ниёз қилгандан сўнг арз қилур бул фақир: Душманларга ғолиб бўлишни Ҳақ субҳонаҳуга фақирлигу илтижони чиройли қилмасдан хаёлига келтирмасин. Шунга ҳиммат қилмоқ даркорки, маънавий душманларни мағлуб айланса, ундан сўнг эса суворий душманларга ғолиб бўлиш осон бўлади. Ушбу маъно Муҳаммад Расулуллоҳ

алайҳи ва саллам шариатига риоя қилмасдан муяссар бўлма-
гай. Илтимос шулки, шариати лозиманинг ривожини ўзига
лозим тутсин. Вассалом.

4-Руқъа: Назру ниёз қилгандан сўнг арз қилур бул фа-
қир: Подшоҳлар Илоҳий ахлоқнинг мазҳарларидир. Ўзининг
ҳожатларини изҳор қилишда ва ҳаётдаги амалларида илдам-
лик бўладиган йўлни танламаслик лозим. Ўзининг ҳожатла-
ри-ю амалларини юзага чиқаришда тамоми мусулмонлар
роҳатда бўлмоқчиликларига ҳиммат қилмоқ керак. Жаноби
Расулуллоҳ (ул Зотга саловотларнинг мукамаллари, та-
ҳийётларнинг афзаллари бўлсин)нинг ҳадиси шарифи «Ан-
таъбудаллоҳа ка-аннака тароҳу»³⁶нинг ишораси ва шоҳид-
лиги билан ҳамма ўз мақсадига бандалик вазифаларини адо
этиш билан мушарраф бўлгай.

Бошқа мурод ва ҳожатларни ушбу фақирни одамлари
ўрнида кўрган руқъа етиб борувчи зот ҳам битказса бўлур.
Бу фақир нимани кўрса, Ҳазратнинг ходимларига етказур-
ман. Аниққи, икки дунё саодатини топиш ва омматан му-
сулмонларни бахтли қилиш учун ушбу даъватларим ижо-
бат қилингай. Вассалом.

5-Руқъа: Назру ниёз қилгандан сўнг: Зеро, Ҳақ Таолонинг
бандалари икки олам саодатини касб қилиш йўлини билишдан
ожиздирлар. Ҳақ субҳонаҳу холис инояти ила саодати дорайнга
етиш йўлини Пайғамбарлар юбориш ва Китобларни нозил
қилиш билан муқаррар айлаган. Ушбу саодат аҳли билан ҳам-
маси маълум бўлдики, маҳкам арқон бўлган Китоб ва Суннат-
ни маҳкам ушламоқ даркор. Биз фақирнинг дунёвий маслаҳат-
ларга йўл кўрсатишга дониши йўқ, лекин Махдумзодадан илти-
мос қиламизки, мақсадларни ҳосил қилишда Жаноби Расу-
луллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг тариқи мустақими-
дан бошқани ушланганг. Ҳамма вақт Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.)
дан истимдод (мадад тиламоқ) қилинг.

6-Руқъа: Назру ниёз қилгандан сўнг шулки, бул фақир-
нинг рост ва ёлғон хабарлар тўғрисида унчалик ўз фикри
йўқ. «Мошаъ Аллоҳу кона вамо лам яшаъ лам якун»³⁷. Умид

³⁶ «Аллоҳга ибодат қилмоқдигингдур, худди Уни кўриб тургандек».

³⁷ «Аллоҳ таъоло хоҳлаган нарсасига бўлур, хоҳламагани бўлмас».

Табаррук рисоалар

шулки, Ҳақ субҳонаҳунинг холис инояти ила «Сабақат раҳматий аъло ғазабий»³⁸ сабаби ва «Минҳу ябду ва илайҳи яъбуду»³⁹ ҳукми билан ҳеч қандай суворий ва маънавий меҳнат ва ёмонлик кўрмасдан ҳамиша «Роббано ва ло туҳаммилно мо ло тоқата лано»⁴⁰ деб «Фансурно аълал-қавмилкофирин»⁴¹ деймиз. Вазифани ҳусни илтижо ва изҳори ифтиқор ила «Ло ҳавла вало қуввата»⁴² ни андеша-ю фикр айлаб давом қилдирмоқ даркорки, ҳеч нарса бўлмагай. Вассалом.»

7-Руқъа: Мунаввар замирингизга маълум бўлсинки, охира-рат жамоли ва камолотини бул оламнинг андак матоси деб қўлдан чиқармоқлик ҳиммат арбоблари ҳамда азкиёларнинг вазифасига кирмайди. Яна шулки, бу хил нарса учун одамларнинг гуноҳи йўқ. Бошқаларнинг гуноҳи учун ушбу одамларни жазолаш ажиб кўринади. Маълум бўлсинки, дардмандлардан чиқадиған битта оҳнинг ажойиб таъсирлари бор. Ҳеч бир подшоҳнинг-да қуввати уни даф қилолмас.

8-Руқъа: Назру ниёз қилгандан сўнг арз қилур бул фақир: Руқъа етиб борувчидан иноят бўлиб, юборған руқъаси етиб келди. Бунингдек иноят баробарида «Жазоқумуллоху анно хайрон»⁴³ деб дуо қилишдан бошқага қодир эмасмиз. Ҳақ субҳонаху дан ҳамиша шуни талаб қиламизки, Ҳақ таоло ўзининг инояти ила ул ҳазратга муяссар айлаган марҳамати ҳамиша хилофат ҳукумати ва салтанат неъматии ҳақиқий саодатга васила бўлсин! Токи ушбу иноятга шукронлик излари ҳазратнинг чеҳраларида офтобдек зоҳир бўлиб, ҳамма мусулмонлар нурафшон бўлсинлар.

Арз қилинурки, Хожа Алидан мулозимларига етган нарсдан бул фақир хабардор эмасди. Лекин Хуросондан

³⁸ «Раҳматим ғазабимдан кечди».

³⁹ «Бошланиш Ундандир ва Унгагина қатилур».

⁴⁰ «Эй, Раббим! Кучимиз – тоқатимиз етмайдиған нарсаларни бизларга юклама!» (Сураи Бақара, 286-оят)

⁴¹ «Кофирлар қавмига қарши бизга ёрдам бер (бизни голиб ва музаффар айла)!» (Сураи Бақара, 286-оят)

⁴² «Албатта, Аллоҳ таъолодан бошқада куч-қувват йўқдир».

⁴³ «Аллоҳ биз тарафимиздан Сизни яхшиликлар билан мукофотласин».

келаётган авомларнинг оғизларида бу хил ёлгон ҳикоялар айтилмоқда. Биз фақир ушбу хил ҳикоятларни ҳазратларига маълум қилишга бир қанча вақт бўлган эди. Агарчи ўзини ва одамларини бу хил нуқсонлардан поклаш биз аралашадиган нарса бўлмаса ҳам зоҳир бўлмаганидан шул миқдорда журъат қилинмаса бўлмайди. «Ва мо убарриу нафсий ва мо заккоҳо». Башардан нимаики нақл қилинса ихтиёр бор, лекин «Ва ло тафаррақу!»⁴⁴ наҳйиси ҳам бордир. Илтимос шулки, Ҳазрат хотирага келтирмасинки, бул фақир Хожа Алининг ушбу бемаъни ҳикояларидаги нарсани келтирмагай. Ҳазратлари олдида буни тасдиқ қилурман. Хусусан аввал сизнинг иноятларингиз бул фақирга ҳеч сабабсиз бўлган эди. Ҳазратнинг покиза замирларига офтобдек равшан бўлсинки, бул фақир сулҳни ҳеч қачон тарк қилмагай, агарчи икки тарафдан ҳам анвойи жафо юз берса ҳам. Чунки бул фақир аниқ сулҳ борасида мусулмонларнинг заҳматини чекаяпти, халқнинг бир-бирига мухолафат ва адоват қилишидан ғамга ботаяпти. Шу билан бирга ушбу ҳикоялардаги айбу нуқсонлардан ўзимни холи сезсам керак. Ҳақ Таолонинг бениҳоя лутфу карамидан умид шулки, бу оламнинг подшоҳлигини ҳақиқий салатанатга васила айласин, яъни Ҳақдан бошқага юзланишдан ўзи сақласин. Вассалом.

9-Руқъа: Назру ниёз қилгандан сўнг бул фақирнинг Маҳдумзода ҳазратларига арз шулки, Самарқандни улугларнинг сақлайдиган шаҳри деб ёзганлар. Сиз тарафингиздан Самарқандни қасд қилиш муносиб эмас. Ҳақ субҳонаху бунга буюрмаган. Ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоху алайҳи ва саллам шариати бундоқ эмас. Ўз биродарининг юзига тифтортишлик Сиз Ҳазратга муносибми?! Бул фақир Сиз жанобларига ниҳоятда хайрихоҳ бўлганидан олдингизда хизматкорлик вазифасини кўп мартаба билдирган эдим, қабул ҳаддига етгани йўқ. Одамларнинг сўзига кириб бу вилоятни қасд этиш, бул Фақирнинг хизматини қабул қилмаслик ажаб кўринур. Ваҳоланки, мен Сизнинг хизматингизни қилурман, одамлар эса ўз ҳаволаларини олдга сурарлар. Самарқандда азиз одамлар кўпдирлар, солиҳлар кўпдирлар,

⁴⁴ «Бўлинмангизлар!»

Табаррук рисолалар

фуқаро ва мискинлар кўпдирлар. Уларнинг дилларини танг қилмоқ муносиб эрмас.

Дил дард кўрмаса дардманднинг дилини қандай билади. Солиҳ зотларнинг диллари танг бўлса, қўрқмоқ керак. Бул фақирнинг илтимосини, беғараз хизматини Холисанлиллоҳ қабул қилинг. Биргаликда иш қилингки, Аллоҳ рози бўлсин. Ҳамма яқдил ва яқжиҳат бўлса, ноқис қолган ишларни ҳам тамомига етказур. Ҳақ Таолонинг шундоқ бандалари борки, Унинг инояту марҳаматининг комиллигидан уларга нисбатан қилинган қасду муҳораба ўзига қилинган жафо ҳамда қасду муҳораба деган. Бу маъно саҳиҳ ҳадисларда муқаррар баён қилингандир.

НАЗМ:

Ба неши чашим чу хокистарам маё густох,

Ки ҳаст дар таҳи у оташи дарёи

(Кўз олдинда худди кулдекман, мени айбга буюрма, Чунки унинг остида оташ дарёси мавжуд).

Аниққи, «Қуло лаҳу қавлан лаййино»⁴⁵ амрига бўйин этиб, уни амалга оширишга ҳамда «Лаъаллаҳу ятазаккаро ав яхшо»⁴⁶ калимасидаги маънони ўйлаб, таблиғдан таъсирланиб тамоми ҳимматини қаҳрли ҳимматининг ўтини пасайтиришга ҳаракат қилсин. Салтанату ҳукумат адабларини сақлаш таъсирланиш сабабидир.

10-Руқъа: Назру ниёз қилгандан сўнг шулки, мунаввар замирингизга равшан бўлсинки, Ҳақ субҳонаҳу рози бўлмайдиган нарсани арболи ҳаво амалга оширмоқчи бўладилар. Ўша ишни Ҳақ таолонинг бандалари олдида қилиб, уларни заҳматга қўядилар. Ҳаққа илтижоларнинг яхшилари ҳаққи, Ҳазрат Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в) ва Анбиё салавотурраҳмон алайҳимларга арзу таважжуҳларимиз ҳамда Авлиёлар қаддасаллоҳу таоло асрораҳум, хусусан, Хожаи Жаҳон Хожа Абдулҳолиқ Фиждувоний ва ул зотнинг хулафолари

⁴⁵ «Унга (Фиръавнга) юмшоқ сўз сўйлангиз!..»

⁴⁶ «Шунда балки У ўзига келар, насиҳатни қабул қилар ҳамда (Мендан кўрқар». (сураи Тоҳо, 44-оят)

қаддасаллоҳу таоло арвоҳаҳум ҳаққи ҳурмати ўша ишни арбоби ҳаво сизнинг олдингизда бажара олмасинлар, му-родларига ета олмасинлар. Барча дўстларнинг мурод-мақ-садларига етишлари ўшал бузруғларнинг руҳонияти ва ба-рокатларининг таъсиридандир ҳамда беномуслардан на-жот ҳам улардандир. Аллоҳ Таоло барчаларидан рози бўлиб, руҳларини муқаддас айласин. Агар ушбу замонда, вақтда, воқеада сизнинг хизматингиз Аллоҳга қилинган илтижо-нинг ва ўшал пок зотларнинг руҳониятига қичинган та-важжухнинг таъсири бўлмайдиган ўшал бузруғларнинг қуввати етмасдан, ул зотлар ва шариатда рози бўлмайди-ган ишга рози бўлинса, сизнинг олдингизга келтирилса ўшани тарк қилинг. Биз кўриб турибмиз: гайб пардасидан нима зоҳир бўлса, умидвормизки, иноят билан ўша неча бор кўрингай, ҳалиям намоён бўлиб турибди. Кўрилдики, сиз ўзингизнинг лашкарингиз кўплиги, шавкатингиз зўрли-гига суяняпсиз. Бу ерда (бизда) эса фақирликдан бошқа, тақвони кўрсатишдан бошқа бирор нарса йўқ. «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ» деймиз. Сизга мунтазир бўлиб, ҳаммамиз хоҳлаймизки, Ҳақ субҳонаҳуға юзланиб, бул қиссани бошдан чиқариб махдумзоданинг гуноҳидан ўтсинлар. Илтимосимизни қабул қилинг. Эртага Ҳақ таъо-лонинг «Менинг бандаларим заҳмат чекишига нима учун сабабкор бўлдинг?» дейдиган сўровни андиша қилинг. Мақ-сад сари олий ҳиммат ила мардонавор қадам қўйинг. Бул фақирнинг илтимосини андиша қилинг-да, бу илтимос-лардан бизни халос айланг. Вассалом.

11-Руқъа: Назру ниёз қилгандан кейин бул фақирнинг ҳазратдан илтимоси шулки, холис Аллоҳ Таоло учун «Ман ютиъуллоҳа ва расулаҳу фа-қод фоза фавзан азиймо»⁴⁷ ояти каримасининг ҳукми билан қурбат сабабларининг энг яқини бўлган салтанат неъматини Ҳақ субҳонаҳу раҳматига ва-сила- икки олам саодатини топиш учун васила айланг.


Шунингдек, Ҳақ Таоло учун оғир юк тортиш ҳам сиз-нинг ҳолингизга муносиброқдир.

⁴⁷ «Кимки Аллоҳ таъоло ва Унинг пайғамбарига итоат қилса, бас, у нажотни — улкан ютуқ, саодатни қўлга киритган бўлур». (Сураи Аҳзоб, 71-оят)

НАЗМ:

*Ҳарки кору қасди гандум боядаш
Гоҳ худ андар табаъ меоядаш.*

Мана шундай қисқа вақт ичида маънавий ва суворий саодатга ҳамда ухровий ва дунёвий фазилатларга мушарраф бўлишга, уларни ҳосил қилишга ҳаракат қилмоқ керак. Уларни кечиктириш, беписандлик билан қараш ҳиммат арбоблари олдида жоиз эмас. Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) нинг шариати муаззам бўлмоқлигини хоҳлаш даркор. Дину миллатни шундоқ тасарруф қилмоқ керак. Муслмонларни тарбият қилиш атрофдаги барча халқдан золимлар шаррини даф этиш бандалик мақомига лойиқдир. Токи Ҳақ субҳонаҳунинг бандалари тамоман фароғат била бандалик вазибаларини барпо қилишга қодир бўлсинлар. Вассалом.





Жавомиъул-калим

ЖАВОМИЪУЛ-КАЛИМ

Беҳад меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

Алҳамдулиллоҳи Раббил-оламийн вас-салоту вассалому ало саййидил-анбиёи вал-мурсалийн ва ало Олиҳи ва асҳо-биҳи ажмаъин ило явмид-дин. Аммо баъду¹, бу рисолаи шариф ва мажмуъаи латифа, ки афсаҳул-фусаҳо ва абла-ғул-булағо.. жаноби сиёдат паноҳ Мир Абу Убайдуллоҳ (Но-сирул-миллати вал-дунё вал-дин Ҳазрати Хожи Убайдуллоҳ қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу ила явмил-қарор) салламал-лоҳу ва абҳоҳу бир мажлисада ўлтириб то турғунча баъзи аҳбоб ва холис асҳоб илтимослари бирла китоби ҳикмат нигор “Лавомиъул-анвор”нинг форсий тилидин туркий тил ила бе табдил ва таъбир бу нав зебо таъйир қилиб анга “Жавомиъул-калим” от қўйулбдир. Илло ан йалҳақу фий авохириҳо набзати калимотин жомиятин лижамиъил ҳика-ми биъавниллоҳил-карим. Золика фазлуллоҳи юътийҳи ман яшаъ, валлоҳу зул-фазлул-азийм.

Оғози китоби Ҳазрати қозийил-ҳожати даргоҳи олам па-ноҳиға бу муножотдур: Илоҳий! озорнинг иззату ҳурмати-даким ҳиммат тўсинин майдони қаноат соҳатида чошибдир-лар ва ҳаёт нақдин тажарруд асбобин таҳсилу таъаллуқ ла-возимин таркига ўйнабдирлар, на дунё борлиғидин хурсан-длик эшитганларин кўнгуллариға очибдурлар ва на йўқли-ғиға афсусу маломат изҳор қилибдурлар. Жонимиз машо-мин гулшани тавфиқ исмлари била муаттар қил ва кўнглу-миз кўзин бу калималар асари ила мунаввар қил.

Калимаи увло. Банда ҳар қанчаким, маъсиятларни ирти-коб қилгон бўлса, ва наҳий қилингон нарсаларға қадам қўйган бўлса ва фарзларни ва буюрилганларни бажо келти-рурда тақсир қилгон бўлса, керакким, Аллоҳ таъолонинг фазлу карамидин ноумид бўлмағой ва муҳиммот ва ҳожот вақтида Ҳазрати Худованд даргоҳиға паноҳ элтғой ва мақ-судларин андин тилағой.

Калима ухро. Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло акрамул-акраминдир. Ва «Акрамул-акрамин» улдурки, вақтики бир

Табаррук рисоалар

кишидин бир гуноҳнинг кечурғон бўлса, ҳаргиз биродарини ул гуноҳга тутмағой ва азоб қилмағойки, бул ул гуноҳдурки, фалонедин кечириб эрди.

Калимаи ухро. Худо таъолонинг ҳаққин сақлагил, то Ҳақ таъоло сани ўз ҳифзу ҳимоятида сақлағой. Ва осонлиқ ва хурсандлик вақтида ўзингни Аллоҳ таъолога ошно қил, то қаттиғлик ва душворлик чоғида санга дастгирлик қилгай ва ҳар вақтиким, бир ҳожатинг тушса, Аллоҳ таъоло даргоҳига йиғлагил ва ёри мандликни андин ўзгадин тилама ва яқин билгилки, агар ҳама халқ хоҳласаларким, бир манфаатеким санга тақдир бўлмабдур, санга еткурамен, десалар, еткураолмаслар. Ва агар хоҳласаларким бир зарареки пешонангга битилмабдур, санга ёпушгирсалар, ёпуштура олмаслар.

Калимаи ухро. Мурғи ло ҳутий, яъни руҳким фақирини осутиғга, яъни банда маҳбусдур анинг қутқармоқ бетаъсири жазба шариати фаррога бойлиғдур, муяссар бўлмас. Бас, вожиб ва лозимдурки, Ҳазрати Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га мутобаат қилғойсан ва суннатларин бажо келтиргайсан.

Калимаи ухро. Солик улдирки, Ҳақ йўлига юз келтириб, ҳазрати Худойи таъоло Китобин ўнг қўлига олса ва Пайғамбари Худо саллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларин сўл (чап) қўлига олса, ва бул икки чироғни ўртасида юрса.

Калимаи ухро. Соликга тўрт нарса керакдур: илмдурки, риёзатга солур, то анинг тўғри ва мулоийм қилур. Иккинчи зикрдурки, анга мунис ва ҳамдам бўлур, то ёлғизликда даҳшат олмас. Учинчи парҳезкорликдурки, анинг тўхтотқучидур, то ҳар ношойистага қарамоғой. Тўртинчи яқиндурки, анга маркаб ва суворадур, то ҳамроҳлардин кейин қолмағой.

Калимаи ухро. Солик керакки тўрт ўлимни ўзига олса, то мартабаи фақрга етушгай. Бири “Мавти абяз”ки, очликдир. Иккинчи “мавти асвад”ки сабр қилмоқдир, Мардум анга озор ва изо берганида. Учинчи “мавти аҳмар”ки, нафс хилофин олмоқдур. Тўртинчи “мавти аҳзар”ки, янги либосдин эскига қаноат қилмоқдир.

Калимаи ухро. Модомики солик тажаллий вақтида суврат кўрса, ул тажаллий “тажаллийи суварий” дур. Ҳазрати Ҳақ таъолонинг ул сувратдин пок тутмоқ керак. Аммо Аллоҳ таъоло тажаллийсин ул сувратдин билмоқ керак, андоққим, “Инний Аналлоҳ”, яъни: “Ман Худодурман”... Ул дарахт Худо эрмас эрди, аммо Худойи таъоло тажаллийси эрдик, дарахт сувратида кўринди.

Калимаи ухро. Вақтиким, Аллоҳу таъолодин ўзга нарса-лар соликга беркилса, фано бўлур. Ва ҳар вақтким, соликни ўзлиги ҳам беркилса, фанойи фано бўлур.

Калимаи ухро. Пири комил улдурки, Расул (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га мутобаатни лозим тутуб, суннатга ўзин йўқ қилиб бир ойна бўлгон бўлсаки, анда ахлоқу авсофи Набавийдин бўлок нарса кўринмаса. Ва марди содиқ улдурки, иродат оловин таъсири бирла ўзлук донасин куйдириб, кўнгул кўзи бирла сийрат ойинасида мурод жамолин кўрса.

Калимаи ухро. Марди мақбул аломати улдурки, бегона кишилар бирлан суҳбат тутолмас. Ва агар бегонанинг суҳбатига кирса, андоғ кўрингайки, куш қафасда ва банди зиндонда.

Калимаи ухро. Маломатий ул эмаски, шарият хилофига иш қилсаки, мардум ани маломат ишида халқдин пок тутмаса, ва андиша қилмаса.

Калимаи ухро. Зухд улдурки, дунёдин юз ўгурсанг, Худойи таъоло берганига рози бўлсанг ва ўз амалинг миқдоридин зиёда сўзламанг.

Калимаи ухро. Зухд мол йўқлиги бирла эмас, балки Ҳазрати Зул-Жалолдин бўлакдин кўнгилни фориғ тутсанг. Ва дунёни севгучи дарвишнинг агарчи фақру ифоқда ниҳоятда бўлса, зухд демаслар ва Ҳазрати Сулаймон алайҳиссаломни шунча дастгоҳ подшоҳлиғ бирла зухд (эгаси) дерлар.

Калимаи ухро. Фақир улдурки, хомушлиғи фикр бирла бўлса, ва сўзламоғи зикр бирла.

Калимаи ухро. Сўзларни яхшироқи зикрдур ва ишларни яхшироқи намоздур. Хислатларнинг яхшироқи ҳилм.

Табаррук рисодалар

Калимаи ухро. Дунёнинг роҳати уч нарсадур: Ҳазрати Ҳақ таъоло тоати ва Қуръон тиловати ва биродарлар зиёрати.

Калимаи ухро. Уламо иттифоқлари бирла амрни кейинги нафаседа зикрни баланд айтмоқ ва талқин қилмоқ раводур. Ва дарвишга ҳар нафас кейинги (охирги) нафасдур.

Калимаи ухро. Ҳа сўзки зикрдин бошқа бўлса, лағвдур ва ҳар хомушликки, фикрдин ўзга бўлса, саҳвдур ва ҳар назарки ибратсиз бўлса, лаҳвдур.

Калимаи ухро. Дарвиш улдурки, биродарингнинг нарсасига тамаъ қилмасанг. Вақтики санга келтурсалар йўқ, деб манъ қилмасанг. Вақти олсанг емай-ичмай жамъ қилмасанг (яъни бошқа эҳтиёжмандларга берсанг).

Калимаи ухро. Дарвиш керакки, вақт заруратига қаноат қилса, ва зиёдага толиб бўлмасаки, оз ризқиға хушнуд бўлса, оз амални кўб қилса.

Калимаи ухро. Тасаввуф улдурки, ҳар нарсаким, бошингда бўлса кўйсанг ва ҳар бир нимаики кўлингда бўлса, берсанг. Ва ул нимаиким, қазо ва қадардин санга мутаважжиҳ бўлса, қочмасанг.

Калимаи ухро. Ихлос улдурки, яхши амал қилсанг ва Худойи таъолодин савоб тиламасанг ва хоҳламасангки, сани ул амал бирла ёдласалар ва анинг учун сани улуғ тутсалар.

Калимаи ухро. Футувват улдурки, агар ёру биродарлардин бир хилоф таъб иш воқеъ бўлса, аларни маъзур тутқойсан ва алар бирла ондоғ муомала қилгойсанки, узр, демоққа ҳожат бўлмағой.

Калимаи ухро. Жавонмард улдурки, озорларга мустаҳиқ бўлғон кишига озор бермаса, ва озода улдурки, бировни озор берганига оғринмаса.

Калимаи ухро. Тажрид улдурки, кўнглунгни ғафлатдин мужаррад қилсанг ва нафсингни ҳаводин ва тилингни лағвдин.

Калимаи ухро. Саодат кутулмоқдур ўзлукдин Худони топмоқ бирла ва шақоват ўзлукға тутулмоқдур Ҳақдин қолмоқ бирла.

Калимаи ухро. Бадбахт улдурки, анга илм берсалар, амал бермасалар. Тавфиқ берсалар, ихлос бермасалар ва яхшилар суҳбатиға йўл берсалар, қабул бермасалар.

Калимаи ухро. Ўзидин ғойиб бўлмоқ ва Ҳақ бирла ҳозирланмоқ ишқ ва муҳаббат миқдоричадур. Ҳар кимни ишқ ва муҳаббати кўброқ бўлса, ўзидин кетмоқи ва Ҳаққа ҳозир бўлмоқи кўброқ бўлур. Ва агар ишқу муҳаббати камроқ бўлур.

Калимаи ухро. Ваҳдатни ҳақиқати улдурки, Аллоҳ таълодин ўзга таниш бўлмаса, ва маърифатни ҳақиқати улдурки, Ҳақни Ҳақ бирла таниса, на далил бирла. Ва муҳаббатни ҳақиқати улдурки, вафо бирла кўпаймаса ва жафо бирла камаймаса.

Калимаи ухро. Агар дарвишу тавонгар ишқ оламиға қасд қилсалар, анга ўхшарки, тавонгарни қўлида ёнган чироғ бўлғой ва дарвишни қўлида чала куйган ўтун. Бас, агар ишқ тарафидин бир Насими шамол келса, тавонгарни ёнган чироғи ўчар ва дарвишни чала куйган ўтуни ёнар.

Калимаи ухро. Сўфи андоқ ердурки, яхши ва ёмон босар ва бир булутдирки ҳар нарсага соя солар ва бир ёмғурдирки, ҳамани суғорар.

Калимаи ухро. Ориф улдурки, Аллоҳ таъоло ани фориф қилса андинким, халқнинг яхши ва ямон деганига қарағой.

Калимаи ухро. Расмий маърифатлар ёзнинг ёмғирига ўхшарки, на беморга шифо берур ва на ташнани сероб қилур.

Калимаи ухро. Орифларнинг олдида яқин бўлмоқ узоқлиқдур. Зероки, ёвуқлуқ бўлмас, то ўртада бир нима бўлмаса. Ва то ўртада бир нима бўлса, иккилик ва бўлоқлик бордур. Ва бўлоқлик узоқлиғдур.

Калимаи ухро. Сўфиларнинг важд ва ҳолати иборатға рост келмайдур. Зероки, Худонинг сирийдур. Ва ҳар нимаки банданинг иборатиға ва тилиға келадур Худонинг сири эрмастур.

Калимаи ухро. Андоғ ҳиммат қилғилки, мақомеға етишсангки, на хафалик онда бўлғой, на чоғлик. Зероки, хафалик ва чоғлиқ сани сифатингдур. Ҳар нимаиким, санинг сифатинг бўлса, пайдо бўлғондур, ҳодисдур ва ҳодис қадимға йўл топмас.

Калимаи ухро. Тоатнинг ҳаловати ва ширк баробардур. Зероки, то ўзингдин писанд қилмасанг ва хушламасанг, лаззат топмассан. Ва ўздин писанд тутмоқ ширкдур.

Табаррук рисоалар

Калимаи ухро. Худойи таъолони кўргувчи бўлмасанг ўзингни ҳам кўргувчи бўлма! Зероки, ўзингни кўргувчи бўлмасанг, Худойи таъолони кўргувчи бўлурсан.

Калимаи ухро. Агар санга ихтиёр берсалар: “хоҳласанг биҳиштга (жаннатга) бор, хоҳласанг масжидга бор”, керакки, сан масжидга боргайсан, на биҳиштга. Зероки, биҳишт сани уйингдур ва масжид Онинг уйи.

Калимаи ухро. Кишилар уч тойифадурлар: Авлиёки, ботинлари зоҳирларидин яхшидур. Ва уламоки зоҳирлари ва ботинлари баробардур. Ва жоҳилларки, зоҳирлари ботинларидан яхшидур.

Калимаи ухро. Ҳар ким етти нарсани етти нарсага ихтиёр қилса, мардларни даражасига етади: Дарвишликни бойликка, очликни тўқликка, ожизликни қудратга, хорликни иззатга, тавозуъни кибрга, ғамни хурсандчиликка, ўлимни тирикликка.

Калимаи ухро. Соҳиби басийрат андоғ кишидурки, ҳамisha ўзин аҳволу афъолига қараб сарҳисоб қилиб боргай ва халойиқ бирла ва Ҳазрати Холиқ бирла андоғ тириклик ва муомала қилғойки, дунёда маломат чекмағой ва охиратда азоб кўрмағой.

Калимаи ухро. Кишиларни яхшироқи андоғ кишидурки, ибодатга пешдастлик қилса ва ҳамодин илгари қадам қўйса ва халойиқга нафъ еткурса ва бировга ёмонлиқ қилмаса. Ва бировдин яхшилиқ умид тутмаса.

Калимаи ухро. Кишининг донороқи ул кишидурки, Худойи таъолодин ғофил бўлмаса, ва ўлимни ўзига ёвуқ (яқин) билса ва мардумга (халққа) қилган яхшилигини ва мардумни онга қилган ямонлигини унутса.

Калимаи ухро. Мардлик улдурки, ҳар ким санга ёмонлик қилса, ўрнига яхшилиқ қил! Ва ҳар ким сандин узулса, ёпушғил! Ва ҳар ким сани ноумид қилса, анга эҳсон қил!

Калимаи ухро. Одамизод уч бўлақдур: Кўнгул ва Тил ва ўзга аъзолар. Кўнгул Худони бир деб билмоқ учундир ва тил Худони бир дем оқ учундир ва ўзга аъзолар бандалик қилмоқ учундир.

Калимаи ухро. Ҳақ субҳонаху ва таъоло уч тойифани душман тутар ва уч тойифани душманроқ; Фосиқни душман тутар ва қаригон фосиқни душманроқ. Бахилни душман тутар ва бой бахилни душманроқ. Мутакаббирни душман тутар ва камбағал мутакаббирни душманроқ. Ва уч тойифани дўст тутар ва уч тойифани дўстроқ; тақводорни дўст тутар ва тақводор ёш йигитни дўстроқ. Жавонмардни дўст тутар ва камбағал жавонмардни дўстроқ. Тавозуъ қилгувчини дўст тутар ва улуг (кўпроқ) тавозуъ қилувчини дўстроқ.

Калимаи ухро. Ҳақ таъоло хоҳдасаки, баъзи дўстларин бегоналар кўзидин беркитса, ул дўстин зоҳирда бойлик либоси бирла беркитар, то аҳли зоҳир ани аҳли дунёдан деб билурлар. Ва ҳолларин жамоли номаҳрам назаридин омон қолғой.

Калимаи ухро. Дўстеким санга инъом қилмайдур зиёда ул дўстдинким, санга инъом қиладур. Зероки, санга инъом қилгувчи дўст сани Худодин ўзига қайтарур ва инъом қилмайдиган эса ўзидин Худоға юборур.

Калимаи ухро. Дўсти мухлис улдурки, суҳбатинг анга оғир келмаса ва ажрашганда эсидин чиқормаса ва меҳнату роҳатда ўзгача бўлмаса ва бору йўқда баробар бўлса.

Калимаи ухро. Дўсти мушфиқ улдурки, вақтики сани кўрсаки тўғри йўлдин эгри йўлга кирибсан, сани тўғри йўлга бошласа, ва сандин насиҳатин аямаса.

Калимаи ухро. Агар хоҳдасанки, бировни дўсту душманлигини биламан десанг, ўзингни кўнглунга қарағил. Агар ани яхши кўрсанг яхши кўрар ва ямон кўрсанг ямон кўрар.

Калимаи ухро. Ҳар ким беайб дўст истаса, дўсти кам бўлғой. Ва ҳар ким дўстни ҳар хатосига итоб қилса, душмани кўпайгай. Ва ҳар ким дўстлардин андоғ умид қилсаки, фойида тўғрисида ани ўзларидин илгари кўрғойлар, ҳаминша ранжда бўлғой.

Калимаи ухро. Вақतिकим дўстингни душман бирла ҳамсуҳбат кўрсанг, кўнглунга оғир олма. Зероки, агар эъти модлик дўст бўлса, қўймағойки душмандин санга зарар етушгай. Ва агар хиёнатлик бўлса, андоғ дўстни душманга бермоқ керак.

Табаррук рисоалар

Калимаи ухро. Икки душман ўрталарида андоғ сўз сўзлогилки, агар икковлари дўст бўлса, шармисор бўлмағойсан. Ва ҳар сирингни дўстинга демағил. Зероки, эҳтимоли бордурки, баякбор душман бўлуб қолса, ва ҳар ямонлиғким, қўлингдин келадур душманга еткурма. Зероки, эҳтимоли бордурким, бир вақт дўст бўлуб қолса.

Калимаи ухро. Ёри мувофиқ ва дўсти содиқ бирла ёру дўст бўлғилки, кишининг дўстдори ва ҳаёлининг ёру биродарлигини бақоси бўлмас.

Калимаи ухро. Дўстликка кўб муболаға қилмағилки, шўхликка тортғой ва душманликка кўб гулув қилмоғилки, фасод ва фитнага сабаб бўлғой.

Калимаи ухро. Дўстлар уч тойифадурлар. Бири дўстдур. Иккинчи - дўстни дўсти. Учинчи - душманни душманики, ул ҳам дўстдир. Душманлар ҳам уч тойифадур. Бири - душмандур. Иккинчи - дўстни душмани. Учинчи - душманни дўстики, ул ҳам душмандур.

Калимаи ухро. Дўст жафо бирла душман бўлур. Ва душман эҳсон ва мурувват бирла дўст бўлур. Агар душманнингни эҳсон бирла дўст қилмасанг, керакки ёмон феъллар бирла бадхулқлик қилиб дўстни душман қилма.

Калимаи ухро. Вақтики биров бирла дўстлик андишаси кўнглунгга тушса, аввал анинг ахлоқин газаб (маҳали)да турғон вақтда синагил. Агар холис чиқса, дўстлик қилғил. Ва аксинча бўлса, анга сиррингни айтма.

Калимаи ухро. Ҳар ким бирла ўлтуруш-туруш бўлмағон бўлса, дўстлик аҳду паймонин қилмоғилки, синалмаган кишини дўст тутуб бўлмас.

Калимаи ухро. Халқнинг ёмонроқи ул кишидурки, мардумни душман тутса ва мардум ҳам ани душман тутсалар ва ул мардумга изо берса, ва хатодин кечмаса ва танишу нотаниш узрини қабул қилмаса.

Калимаи ухро. Мардумнинг ғофилроғи ул кишидурки, вақतिकим, бир яхши шойиста дўст қўлига кирса, дўстлик риоясин билмай ва биродарлик ҳаққин бажо келтурмай ул дўстни қўлдин чиқарса.

Калимаи ухро. Ҳар ким ўз тенглари бирла мадоро қилса, дўсту душмандин амин бўлғой ва ҳар ким дўстларига мувофақатчилик қилса, олонинг мухолафатидан омон бўлғой.

Калимаи ухро. Дўсти содиқ улдурки, агар сани айбларингга воқиф бўлса, беркитғой. Ва агар санга эҳсон қилса, унутғой. Ва агар сани нафъинг онга етса, эсидин чиқармағой. Ва агар сандин бир хато ўтса, ўтқаргай билмаганга, кўрмаганга олгай. Агар узр этсанг, қабул қилгай.

Калимаи ухро. Ҳар дўстлиғким, ғарази дунёвий бирла бўлса, андак сабаб бирла душманликка айлангай. Ва ҳар дўстлиғким Худо учун бўлса, ғарази дунёвий зиён еткурмагай.

Калимаи ухро. Шижоатлик киши уруш кунларида танилур (билинур). Омонатдор киши диёнаати бермоқ ва олмақ вақтида билинур. Хотун ва фарзанднинг меҳр-вафоси камбағалликда фаҳмланур. Дўстларни дўстлиғи машаққат ва меҳнат чоғида билинур.

Калимаи ухро. Оқил керакки душманлиғдин парҳез қилса, ҳар чандки қуввати душмандин зиёда бўлса ҳам. Зероки, тарёқи бор кишини заҳар ичмаги ҳикматдин эмас.

Калимаи ухро. Душманга эътимод қилиб бўлмас, агарчи дўстлик даъвосин қилса ҳам; сўзига алданиб бўлмас, агарчи муҳаббатда муболаға кўрсатса ҳам. Зероки, сув агар оловга ҳамсухбат бўлуб совуқлиғин ташлаб иссиқ бўлса. Чунончи иссиғликда оловдин ҳам зиёда бўлса ҳар вақтки оловга даст тобса, ўчиргай.

Калимаи ухро. Касалманд то сиҳҳат топмаса, таъомдин лаззат топмас ва ошиқ то висол давлатига етушмаса, ором олмас. Ва мард то душманидин омин бўлмаса, осойиш қилмас.

Калимаи ухро. Душман вақтики ҳийладин қолса, ҳеч иш қилолмаса, дўстлик силсиласин қимирлатур ва дўстлик суваратида ишлар қилурки, ҳеч душман қилолмас.

Калимаи ухро. Хирадманд андоғ кишидурки, агар ҳама аҳли олам анинг хусуматиға турсалар, анинг ҳеч кимға хусумати бўлмағой.

Калимаи ухро. Лаъим ҳосид ва нопок муфсид бирла дўст бўлмаки, агарчи киши дўстсиз бўлмас, аммо ҳар киши дўстликка ярамас.

Табаррук рисоалар

Калимаи ухро. Ҳар ким малах қўй ва турш рўй (хўмрайган юзли) ва бадхўй (бадхулқли) бўлса, ҳама ани душман тутар. Ва ҳар ким ёлғон айтмаса ва ваъдага хилоф қилмаса ва мардумни дилини оғритмаса (инжитмаса), ҳама ани дўст тутар.

Калимаи ухро. Дўстингни йўқлиғида андоқ ёдлағилки, дўст тутарсанки, йўқлиғингда сани андоғ ёдлағой.

Калимаи ухро. Фосиқ ва ахлоқ ва ёлғончи дўст тутма ва дўст агар минг чоғлиқ бўлса ҳам камдур ва душман агар ёлғиз (бир киши) бўлса ҳам кўбдур.

Калимаи ухро. Дўстлар баъзиси обу таъомдекдурки, аларсиз бўлиб бўлмас. Ва баъзиси товоққа ўхшашки, гоҳо керак бўлур.

Калимаи ухро. Киши керакки Худонинг дўстлари бирла суҳбат тутғонда ўзин ҳолига қарағой ва илгариги ҳолига торгтай. Агар тафовут тобса, анинг суҳбатини ғанимат билғой.

Калимаи ухро. Агар дунёни тарк қилмасанг, кўнглунгни дунёга бермаки, Худойи таъоло сандин тарки дунёни ул миқдорда хоҳламайдурки, кўнглунгдин дунёнинг муҳаббатини тарк қилмоғингни хоҳлайдур.

Калимаи ухро. Солиҳ дўстга қўшул ва фожир дўстдин узулки, фожир дўст сани ёмон ишга бошлар ва солиҳ дўст санга яхши йўллари кўрсатур.

Калимаи ухро. Ҳар нарсанинг меваси бордур. Ҳилмининг меваси баландлиғдур ва қаноатнинг меваси роҳатдир ва тавозуьнинг меваси муҳаббатдур.

Калимаи ухро. Оқил (киши) вақтики ўртада хилоф кўрса, четга чиқар ва агар солиҳ (киши) кўрса, ўртага тушар. Анда саломатлик четдадур ва мунда ҳаловат ўртада.

Калимаи ухро. Ҳар вақтки, бировга давлат юз келтурса, анинг шаҳват ва орзулари ақлига хизматкор ва тобеъ бўлур. Ва агар андин давлат юз ўгирса, анинг ақли ҳаво ва ҳавас (и) нинг фармонида бўлур.

Калимаи ухро. Дўстлик қилиб бўлмас магар тавозуь бирла ва муродга етиб бўлмас, магар сабр бирла ва подшоҳлик қилиб бўлмас, магар адл (адолат) бирла.

Калимаи ухро. Чун кўрсангки, душман ўртасиға хилоф тушти, сан хотиржам бўл! Ва чун кўрдингки, жамъ бўлдилар паршонликдин андиша қил!

Калимаи ухро. Икки киши мулк ва дин душманидир: бири-ачиғи қўб подшоҳ, иккинчиси (оми) шайхи хонақоҳ.

Калимаи ухро. Подшоҳларни дўстлиғига ва гўдакларнинг яхши овозлиғига эътимод қилиб бўлмаски, ул бир хаёл бирла бўлак бўлур.

Калимаи ухро. Уч кишига уч нарса зарурдир: Подшоҳга сиёсат, вазирга амонат, раъийятга итоат.

Калимаи ухро. Уч нарса уч нарсасиз турмас: илм баҳс-мунозарасиз; мол тижоратсиз; мулк (мамлакат) сиёсатсиз.

Калимаи ухро. Тўрт нарса тўрт нарсани келтирур: шукр этмак (айтмоқ) неъмат зиёдалиғин; хомушлик саломат, саховат, улуғлиқни; сиёсат эминликни.

Калимаи ухро. Тўрт нарса подшоҳликга зиёндур: кичиклар юзига кулмак ва паст кишилар билан суҳбат тутмоқ ва хотинлар бирла маслаҳат қилмоқ ва бузуқларнинг бузуқлиғига ризолик бермак.

Калимаи ухро. Подшоҳ керакки, олти кишини тарбият қилғой ва ўзига йўл бергай: вазири донишманд ва мирзойи рост қалам ва шоири хушбаён ва мунажжими пок эътиқод ва ҳамнишини жомий ва табиби ҳозиқ.

Калимаи ухро. Подшоҳларга сифатларнинг яхшироқи саховат ва шижоат ва адолатдур. Ва хислатларнинг ёмонроқи: Қўрқоқлик ва зулм ва бухл (бахлликдур).

Калимаи ухро. Уч нарсани уч нарсадин топиб бўлур: сабрдин нажот ва саховатдин улуғлик ва адолатдин фатху зафар.

Калимаи ухро. Уч тойифани бузулмоқи уч нарсандур: султонларни бузулмоқи зулмдин ва уламоларни бузулмоқи тамаъдин ва сўфийларни бузулмоқи риёдин.

Калимаи ухро. Султон керакки нафспарварни мардумга улуғ (бошлиқ) қилмағойки, нафспарвардин хунар келмас ва беҳунар улуғлиқга ярамас.

Калимаи ухро. Ҳар ким ҳилмга одат қилса, улуғ бўлур ва тўғрилиқни пеша қилса, мартабаси баланд бўлур ва тилини ёлғондан асраса мартабаи сиддиқликга етушур ва ҳар ким ёмон ҳамнишиндан қочса, яхшиларнинг суҳбатига йўл топар.

Табаррук рисоалар

Калимаи ухро. Уч нарсани сақлағил, то уч нарса фавт бўлмағой: таҳоратни сақлағил то намоз кетмағай ва тилни сақлағил, то бош кетмағой ва кўзни сақлағил, то кўнғил кетмағой.

Калимаи ухро. Офият уч қисмдур: дин офияти ва мол офияти ва тан офияти. Аммо дин офияти ҳавоий нафсдин парҳез қилмоқдадур. Ва кўнгулни ҳасаддин пок қилмоқда. Ва мол офияти ҳақларни адо қилмоқда ва ҳоҷамандлар ҳожатин чиқармоқда. Ва тан офияти кам емоқда ва кам жимъ қилмоқда.

Калимаи ухро. Эркакларга эътибор кўзи бирла қарағил. На ҳақорат кўзи бирла. Хотинларга шафқат кўзи бирла қарағил, на шаҳват кўзи бирла.

Калимаи ухро. Хушвақт киши ҳамиша (хушвақтдур), хоҳ уйқуда, хоҳ уйғоқликда. Зероки, ҳар нимаким сўзда ва ишда бўлса, ўшал нарса хаёлда ва уйқуда бўлур.

Калимаи ухро. Тўрт нарса улугликқа далолат қилур: илмни азиз тутмоқ ва ёмонни яхшилик бирла дафъ қилмоқ ва аччиқ (ғазаб)ни ютмоқ ва жавобни савоб бирла бермоқ.

Калимаи ухро. Тўрт нарса нодонликка далилдур: ўзидин донороқ бирла мунозара қилмоқ ва синамаганга эътимод қилмоқ ва хотунларни макридин эмин бўлмоқлик ва ёш болалар бирла суҳбат қилмоқ.

Калимаи ухро. Вақтики узр десалар, қабул қил ва одоб ўргатсалар ўрганки, ҳар кимга одоб ўргатсалару ўрганмаса, ҳайвондур. Ва узр айтсалару қабул қилмаса, шайтондур.

Калимаи ухро. Хирадманднинг икки кишига ҳайфи келур: қобилеки, касби камол қилмаса ва ўқимаса. Ва ноқобилеки, ўқимоққа тараддуд қилса.

Калимаи ухро. Қобилга мураббий бўл ва тарбият қил! Ноқобилга эса қарама ва тарбият қилма! Ки қобилни (тарбиятсиз) қўймоқ зулмдур ва ноқобилни тарбият қилмоқ жаҳл (нодонлик)дур.

Калимаи ухро. Агар дунё кушойишларин эшиклари санга очилса, эмин бўлғилки, тўғри йўлдин чиқдинг. Ва агар меҳнату бенаволик дарвозаси юзингга очилса, кўнгулунгни хуш тутғилки, авлиёуллоҳ тариқасига қадам қўйдинг.

Калимаи ухро. Вақтики санга ҳаводиси дунё меҳнати ва машақати юзланса, керакки тавба қилгайсан. Зероки, ҳар ким дунё танбеҳлари бирла тўғри йўлга кирмаса, охират азобига гирифтор бўлур.

Калимаи ухро. То кўнгулни дунё ва уқбо муҳаббатидин тозаламасанг, Ҳазрати Худованди Каримга маҳал бўлмай-дур. Зероки, экилган ерга экиб бўлмас ва битилган қоғазга битиб бўлмас.

Калимаи ухро. Дунё роҳати яшин ёруғидек бесабоддур. Ва меҳнатлари булут қаронғулиғидек бебақо. Анинг неъматларига на улфат бўлмоқ керак ва на аламлирига андуҳ ёмоқ керак.

Калимаи ухро. Одамизод дунёда онга ўшарки, бир отлиғ ёз иссиғлиғида бир дарахтни соясида отдин кўнғой, яна бир соатдин кейин туруб отига миниб дарахтни ташлаб ўтиб кетгай.

Калимаи ухро. Андоғ кишилардин ажабки, биладиларки охират дунёдин яхшидур ва охиратни дунёга сотарлар. Ва муқаррар билурларки, ризқ берувчи Худойи таъолодур ва касб-корга суянулар. Ва айтурларки “Ўлмай бўлмас” (албатта ўла-миз) Гофил ва эмин ҳузур бирла тириклик қилурлар.

Калимаи ухро. Мол ҳамага маҳбуб (севимли)дур. Ҳар ким-да (мол) бўлса, онга таъзим қилурлар. Ҳар вақтки анинг қўлидин кетса, ёнига йўламаслар.

Калимаи ухро. Агар молинг бўлса, ўзингга сарф қил ва андин манфаат олки, мол умрни осойиши учундур. Наки умр мол йиғмоқ учун бўлса.

Калимаи ухро. Ажаб андоғ кишидинки, данғиллама уй ва қасрлар бино қилурлар ва такаллуфлар бирла яшарлар, ерлар ва ҳасратлар бирла ташлаб кетарлар. Ва андоғ кишидин ажаброқки, анинг жойига ўлтурур ва гофил бўлур. Ва ўз кўзи бирла кўрган ҳолидаки, эгаси қандоқ ҳасрат бирла ташлаб кетти, ибрат олмас.

Калимаи ухро. Дарвиш керакки дунёга гирифтор бўлган кишиларни сарзиниш қилмагай. Ва аларга раҳм ва шафқат қилиб дуойи хайр қилгай. Шоядки аларни ҳам Худойи таъоло дунё гирифторлиғидин қутқаргай.

Табаррук рисолалар

Калимаи ухро. Хоҳласангки, бировга насиҳат қилай де-санг аввал ўзингга насиҳат қил! Агар ўзингни насиҳатга кир-гузсанг, ўзгаларга насиҳат қил! Акс ҳолда Худойи таъоло-дин уялгил!

Калимаи ухро. Шафқатлик насиҳат қилгувчи улдурки, мар-думни яхши ишларга роғиб (рағбатлантирувчи) бўлса. Чунончи тузки, гўштни салоҳға келтирурлар. Наинки ямонлиқ ва фа-содга ҳарис қилса, мисли пашшаки, гўштни бузадур.

Калимаи ухро. Ёмонлардин қочғил ва яхшиларга қўшил-гилки, агар ёлғиз бўлсанг, шайтон бирла бўлурсан. Ва агар ёмонлар бирла бўлсанг, ёмон бўлурсан.

Калимаи ухро. Оқил кишилар бирла ўтиргил, нодонлар-дин парҳез қилгилки, оқил бирла ўтирмоқ оз маишат бир-ла яхшидур ва нодон бирла ўтирмоқ кўб маишат бирла.

Калимаи ухро. Икки киши беҳуда ранж тортарлар ва бе-фойда андуҳ ерлар: бири улки, мол йиғса ва емаса. Ва бири (иккинчиси) улки ўқуса ва амал қилмаса.

Калимаи ухро. Олим керакки амалга қўшиш қилса, на-инки дунё йиғмоқға васила қилсаки, илмдин тузатмоқ учун-дур, на дунё йиғмоқ учун.

Калимаи ухро. Олимга дуруст эмаски, омини беодобли-гин ҳилм бирла ўткарсаки икки тарафга зиёни бордур: олим-нинг ҳаёбати йўқолур, омининг беодоблиғи кўпаяр.

Калимаи ухро. Олим жоҳилни танийдур, ки олим ҳам вақтида жоҳил эрди ва жоҳил олимни танимас. Зероки, ҳар-гиз олим бўлмағондир.

Калимаи ухро. Агар мурид бўлсанг, иродат келтурки, иродатсиз мурид бейўл ошиқдир. Ва агар солиқ бўлсанг, маърифат топгилки, маърифатсиз солиқ қанотсиз кушдур. Ва агар бўлсанг, амал қилгилки, амалсиз олим мевасиз да-рахтдур.

Калимаи ухро. Олим керакки, вужуд далилин ва шуҳуд бур-ҳонин орифдин эшитса. Зероки, Ҳақнинг вужудин далили ҳам ўзин вужудидир ва шуҳудин бурҳони ҳам ўзин шуҳудидир.

Калимаи ухро. Илм зевардир (зийнатдир) ва насаб жа-молдир. Андоғдурки, зевар соҳибжамолга ярашур. Илм улуг-ларга лойиқ кўринур.

Калимаи ухро. Маъсият ҳар кимдан содир бўлса, нописанддур. Ва уламодин нописандроқдурки, илм шайтон бирла урушмоқға аслаҳадур. Вақтики, аслаҳалик киши банди бўлса, шармандароқ бўлур.

Калимаи ухро. Тўрт нарса мурувватни бузади: улуғларни бахиллик ва олимларни уҷб (кибр, манманлик) ва хотинларни бешармлик ва эркакларни ёлғончилик.

Калимаи ухро. Дунёдаги бор нарсаларни улуғроқи зоҳирга қараганда, одамизоддур. Ва хорроқи кучукдур. Хирадмандлар иттифоқи бирла Ҳақ таниғучи кучук Ҳақни танимаган одамизоддан яхшироқдур.

Калимаи ухро. Мардум тўрт қисмдур: Бири - лаъимки, на ўзи ер ва на бировга берар. Иккинчи - бахилки, ўзи ер ва лекин бировга бермас. Учинчи - сахийки, ўзи ҳам ер ва бировга ҳам берар. Тўртинчи - каримдурки, ўзи емас, бировга берар.

Калимаи ухро. Лаъим кеч ошно бўлур ва бот (тез) фурсатда кечар, мисли сафол кўзаки, кеч ясалур ва бот (тез) синар. Ва карим тез ошно бўлур ва кеч фурсатда душман бўлур, мисли нуқра ва тилло кўзаки, тез ясалур ва кеч синар.

Калимаи ухро. Қутурғон кучук ошносин этакин тишламас ва маст тева (туя) сув ва ўт берғувчи кишисига қасд қилмас. Аммо лаъим ҳосид ҳар қачонки, ани ҳаққиға яхшилик қилсанг, вақтики даст тобса ҳар ёмонлики еткурса, аямас.

Калимаи ухро. Тўрт нарса тўрт нарса била тамом бўлур. Дониш ақл бирла, дин тақво бирла; иш ҳиммат бирла; неъмат шукр бирла.

Калимаи ухро. Тўрт нарса тўрт нарсани йўқотур: нон емаслик неъматни; қоҳиллик мурувватни ва шилқимлик иззатни; ҳазил обрўни.

Калимаи ухро. Улуғ даражаларга етишмак кўб меҳнат (билан)дур ва баланс мартабадин тушмак андак нарсалар бирла бўлур. Андоғки, огир тош кўб машаққат бирла ердин илгарига олинур. Ва оз ишорат бирла ерга ташланур.

Калимаи ухро. Мард керакки, ҳар эрта ойнага назар солгай. Агар ўз суратин яхши кўрса, сийратин ҳам яхши қилғой, то сурати сийрати бирдек бўлғой. Ва агар ёмон кўрунса, баднамо кишини ёмон сўз ва ёмон ишидин парҳез қилмоғи фарзи аиндур, то ёмонлиғ ани ҳамасин кўтарғучи бўлмағой. Ва чиройлик киши хулқларини ёмонликдин асрамоғи фарзи аин, то яхшиликга жомеъ бўлғой.

Табаррук рисоалар

Калимаи ухро. Зоҳирни ёмонлиғи ботинни яхшилигини барҳам бераолмас ва зарар текизаолмас, мисли доруларки, суратлари дилкаш ва ишлари марғуб эмас, лекин фоида ва манфаати учун ҳамага маҳбуб ва марғуб ва қимматбаходур. Ва зоҳирнинг оройиши ботиннинг ёмонлигини салоҳга келтуролмас, мисли заҳарлик райҳонки, шунча ҳусн ва латофати бирла зарари жиҳатидин ҳамага ёмон ва мардуддур.

Калимаи ухро. Жамоли зоҳирини пастлиғидиндурки, сураттарлар ранглари бир-бирига қўшиб, анинг монандин ясаб тузатурлар. Ва жамоли ботинининг нафис ва баландлиғидиндурки, анинг тасвиридин монанд қилмоқдин ожиз қолурлар.

Калимаи ухро. Ғафлат уйқудиндур ва уйқу сувдин ва сув (қўб) таомдин. Ҳар кимки, кам еса ҳозир бўлғой ва ҳар кимки қўб еса ғофил бўлғой.

Калимаи ухро. Хослар емоқни ҳаёт ва тириклик учун хоҳарлар. Ва авом тирикликни емоқ учун.

Калимаи ухро. Меъда таъомнинг жойидур. Ҳар нимаки, анга юборсанг, агар ҳалол бўлса, тоатга қувватдур. Ва агар шубҳалик бўлса, Ҳақ йўли санга беркитур. Ва агар ҳаром бўлса, маъсият туғор.

Калимаи ухро. Таомни андоғ егилки, сан ани егайсан, на ул сани егай. Агар сан они есанг ҳаммаси нур бўлур ва агар ул сани еса ҳаммаси зулмат бўлур.

Калимаи ухро. Таом, билгилки, ҳаммаси нур бўлғой на зулмат. Ва тўн кийсанг, андоғ кийгилки, фахру такабурчиликни сандин кеткиргай, наинки кибру саркашлик кетургай.

Калимаи ухро. Таннинг роҳати таомни озлиғидадур. Ва дилнинг роҳати сўзнинг камлиғидадур. Ва руҳнинг роҳати уйқуни камлиғидадур.

Калимаи ухро. Дарвиш керак жаҳд қилғойки, таом емоқда хушёр бўлғойки, амалнинг тухми одамизод жасадини ерида таомдур. Вақти, ғафлат бирла тухм сепсалар, мумкин эрмаски, жамбийят ҳосил бўлғой. Ва агарчи таом ҳалолдин бўлса.

Калимаи ухро. Агар таоми дунёни бир луқма қилиб бир дарвишнинг оғзига солсанг, исроф бўлмагай. Исроф улдурки, Худойи таоло ризосидин ўзгага сарф бўлғай.

Калимаи ухро. Қариган кишиларга дастгирлик қил! Ва ёри берғилки, ҳар ким беофият қарининг асосин тортса, қарилик асосин офият бирла ушлар. Ва ҳар ким оқсоқол кишини қўлини олса, оқсоқолни қўлига олгай.

Калимаи ухро. Уч нарсанинг қадрин уч тойифа билурлар: йигитлик қадрин қари кишилар билурлар. Ва тандурустлик қадрини касалмандлар билурлар. Ва неъмат қадрини муҳтож камбағаллар билурлар.

Калимаи ухро. Муҳтож камбағал киши керакки, камбағаллик ва тандурустликдин нола қилмагай ва сабр қилгай, то андоғким, дунё лаззатидин бебахрадур, охират лаззатидин ҳам маҳрум бўлмагай.

Калимаи ухро. Тўрт нарсани қўб қилсалар ўлдирур: бири жимоъ ва қимор ва шароб ва шикор.

Калимаи ухро. Ҳар нарса то тирикдур, тозадур. Вақтики, ўлса, нопок бўлур, магар нафски тирик бўлса, нопокдур ва ўлса покдур.

Калимаи ухро. Ҳақ субҳонаху ва таъоло буюрурки, “Ва аъризи анил-жоҳилийн”, яъни юз ўтиргил нодонлардин. Нафс нодонларнинг нодонроғидур, керакдурки, андин юз ўтирсанг ва хилофин олсанг.

Калимаи ухро. Ҳар ким ўз нафсин муҳтож бўлмагани, яъни кераксиз нарсага қўл берса, кераклик нарсаларни зоеъ қилур.

Калимаи ухро. Ҳар ким нафсин хорласа, Аллоҳ таъоло ул кишини азиз қилур ва ҳар ким азиз тутса ўз нафсин ул кишини Аллоҳ таъоло хор қилур.

Калимаи ухро. Нарсаки кўпаймайдур ва камаймайдур қазо ва қадардир. Ул нарсаким, кўб бўладур ва кам бўлмайдур, мардумни ҳирсидур. Ул нарсаким, кўпаймайдур ва кам бўлмайдур ризқдур.

Калимаи ухро. Агар мунажжим юлдузни мутлақ таъсир қилувчидур деса, куфр ва фасоддур. Ва агар Аллоҳ таъоло таъсирига васила фаҳмласа, махасси этиқоддур.

Калимаи ухро. Охири зеридастларга (қўл остидагиларга) бағишла ва бечора нотавонларга тараҳҳум қилғилки, ҳар ким зеридастларга бағишламаса, ва нотавонларга тараҳҳум (раҳм) қилмаса, зеридаст жаврига гирифтор бўлур ва охиратда Худо ва Расул қошида шарманда бўлур.

Табаррук рисоалар

Калимаи ухро. Хотинларга машварат қилма ва алардин маслаҳат сўрама ва муфсидларга (фасодчиларга) саҳоват қилма ва яхшилик кўрсатмагилки, муфсидларга саҳоват қилмак гуноҳдур ва хотунларга машварат (кенгаши) қилмоқ бузук ва табоҳдур.

Калимаи ухро. Бевақт лутф қилмагил ва ҳаддин зиёда бировдин койимаки, ҳаддин зиёдат койимоқ ваҳшат келтурур ва бевақт лутф қилмоқ ҳайбат кетказур.

Калимаи ухро. Хирадманд ва покдомон бўлгил ва ҳосидлар шикастидин хирадманднинг равнақи синмас ва бадгўйнинг айбидин покдомон киши айбдор бўлмас.

Калимаи ухро. Суҳбатдин узлатни ихтиёр қилгилки, агар ўзингдин кам бирла суҳбат тутсанг нодонлик бирла сани оғритар ва гар ўзингдин баланд бирла ўтирсанг кибр ва улуглик қилиб хафа қилур. Ва агар ўзинг баробар киши бирла ўтирсанг ҳасад бирла озурдахотир қилур.

Калимаи ухро. Хомушлик керакки, уч сифатдин куруқ бўлмаса, кўнгулни хутур қилувчи, яъни кўнгулга келувчи нарсани йўқ қилмоқ ва кўнгул зикрини мутолаъа этмоқ, яъни билмоқ ва аҳволин кўрмоқ. Яъни аҳволики, кўнгулга кечадур воқиф бўлмоқ.

Калимаи ухро. Дарвишга ҳеч нарса хомушлигдин яхши эрмас. Зероки, нимаики Худодин ўзгадур, сўзламоқға арзимас ва ҳар нимаиким Худонинг сўзидур иборотға келмас, ва сўзлаб еткуруб бўлмас.

Калимаи ухро. Нодонға хомушлигдин яхшироқ маслаҳат йўқдур. Агар нодон шул маслаҳатни билса эрди, нодон бўлмас эрди.

Калимаи ухро. Замона фасодга айланса, сиёдат гадоликка васила бўлур ва осон авқот кечурмоқ ҳийласи бўлур.

Калимаи ухро. Аллоҳ таъоло иродаси анга тааллуқ топсаким, бир жамоатни ҳалок қилғой паст фитратлар ва дун ҳимматларға иззат берур. То алар мулку миллатга футур еткурурлар ва офият биносига қусур.

Калимаи ухро. Сўфи агар баҳрасиз бўлса мозор кезар ва мулло бебаҳра бўлса, бозор кезар.

Калимаи ухро. Дур тобқон киши дур топдим, демас. Ва олтун туфроқда ётса ҳам чурумас.

Калимаи ухро. Ҳар кимни ўз фарзанди соҳиб бажамол
кўринур ва ўз ақли бакамол.


Шеър

*Агар қўйса ерни юзини хирад,
Демас ҳеч ким ўзини беҳирад.
Агар қолмаса олам ибора жамол,
Кўрунғой ўғул кўзига бемисол.*


Калимаи ухро. Шоядки (дейишлик билан) бирла иш бит-
мас, (ғайрату ҳиммат қилмай) орзу бирла ҳеч ким бир ерга
етмас.

Байт:

*Магар қилса ийжоб ва гар қабул,
Туғорлар иков Кош отлиғ ўғул.*



Табаррук рисодалар



وصول بحر آسناشت وليكن ثبات براو مشكلست زيرا كه
 درمان حال كه باطن او اغير مجرد شود اورا وصول
 بهت حاصل شود چرا كه او به تعلق نمى تواند بود چنانكه
 ذكر كرد. شد وليكن گاه باشد كه اورا شعور
 بوصول نشود از غایت دقت آنحال وضعف استعداد
 و گاه باشد كه شعور بوصول شود از قوت استعداد
 و ثبات برین تعلق بدوام صحبت و نگاه داشت ادب
 ایشان دارد ظاهرًا و باطنًا و اگر ادبى را از آداب
 ترك كند بسبب این از دل ایشان دور افتد و چون از دل
 ایشان دور افتد اورا آنحال نماند چرا كه آنحال اورا از دل
 ایشان فايض شد بود بواسطه رابطه كه دل اورا

شود و بوقت دار انقطاع میل او زیاده شود هر چند
میل پیش انقطاع پیش و هر چند انقطاع پیش میل پیش
نا ندرجه رسد که او را هیچ تعلق نماند و درین حال
بهمسگی خود متوجه بچو کرد و کس باشد که او را
در یک حجت بلکه در یک لحظه در صحبت این طایفه
این دست دهد که باطن او بالکلیه از غیر منقطع
شود و چون باطن او بالکلیه منقطع شود بکلیت خود
متوجه کرد و وصول در مرتبه از مراتب اشارت
باینست: «آنکه بت بریزد دید یک نظر شمس دین»
طعن نرزد بنده سخره کند بر جله ، ولیکن
ثبات برین کار مشکست و بعضی از مشایخ گفته اند

حق جل جلاله در لاجنان افزیده است که با هر کس که همیشه
 کند از صحبت او متأثر شود و این خود بد فوق پیش هر
 معلومست که اگر کسی ^{پیش} ما تم زده می نشیند او نیز عین
 میشود و اگر نیز پیش مردی می نشیند که بسط بر و غا^{لست}
 او را نیز همین صفت غالب میشود و اگر مداومت
 بصحبت هر یک از این دو کس کند که ایشان را این دو صفت
 غالبست او را نیز همین دو صفت غالب شود و این از
 کمال قابلیت دست و اگر این قابلیت او را نبودی
 حصول کمالات ممکن نبود پس همچنان هر کس که
 همیشه با این طایفه کند باطن او متأثر از باطن ایشان
 و او را میلی بحق حاصل شود و بقدر این تقاطع از ما سوا

میدل بذكورت شود و حقیقت لای ذکر الله الا الله
اشکارا شود و چون هستی موهوم خود را نیست پسند
هستی مجموع اشیا را نیز نیست پسند سِرْ كُلِّ شَيْءٍ هَالِكٌ اِلَّا
وَجْهَهُ اشکارا کز در و جمال من الملک الیوم لله اولاً
القهار نقاب از چهره بر کیرد و چون معلوم شد که
متابعت سبب حصول این مراتب علیه است پس اگر
مبتدی خواهد که اینچنین سعادت فی او را نرود دست
دهد باید که همنشین با طایفه کند که ظاهر ایشان
مطابق شریعت محمد رسول الله صلی الله علیه و سلم بود
و باطن ایشان بواسطه متابعت او در مراتبی که ذکر
کرده شد مظهر کمالات او گشته باشد چرا که حضرت

واگر نه و همچنين دل دايم متکلم و سمیع و بصیر است و چون
 کویایے و شنوایی و بینائی او از غیر منقطع شود هر اینه
 با و کوید او ز شنود و او را پسند پیوسته با حق در مرتبه
 مناجات باشد و درین مرتبه ذکر ذاتی دل کرد
 و حقیقت ذکر که منزله از حرف و صوت است با جوهر
 دل یکی کرد و همگی دوست گیرد و فرقت میان
 آنکه همگی دل دوست گیرد و میان آنکه یاد دوست
 گیرد و آنکه همگی دل دوست گیرد نتیجه محبت مفط
 بود که آنرا عشق خوانند و اینها بدرجه ترقی کند که
 هستی موهوم را که در هستی حقیقی مذکور نیست
 شود و اینجا بود که ذکر عیب مذکور کرد و ذاکریت

برین مداومت کند بدرجهٔ مرسد که اگر او تراء کند
دل او مشغولست و باین بسند نکند و مشغول باشد تا
بدرجهٔ مرسد که یا رخی بر چیزهای دیگر غالب
شود و همچنین مداومت کند تا بدرجهٔ مرسد که همگی
دل او مشغول حق سبحانه شود و این وقتی باشد که سلطان
عزت بردل او استیلا آرد و دل را از محبت غیر خدا جدا کند
و چون چنین شد که دل او بعید تعلق نماید تعلق او بحق
درست شود و اگر سخنی گوید با او گوید و در هر درجهٔ نظر
کند او را پندارد زیرا که حضرت حق سبحانه در اجنان
آفریده است که نه تعلق نباشد و چون تعلق او از غیر
منقطع شود هر این تعلق او با حق واقع شود اگر خواهد

کند حیات خود را بر نفسی که وی در آنست و درین
 نفسی که آخر انفاس خورد دانسته است بذکر لا اله
 الا الله باین طریق مشغول شود که در لا اله هر چه غیر حق ^{است}
 از دل دور کند و در لا اله حق عزوجل را بمعبودگی
 و محبونی ملاحظه کند چنانکه هر باری لا اله الا ^{الله}
 گوید بدل گوید که نیست هیچ معبودی مگر حق
 و باید که چنان مشغول شود که هیچ ترک نکند و در هر
 حال باین مشغول باشد و اگر ناکاه غافل شود باید که
 چنان شود که اگر مروری دهری با قیمت کم کند ناکاه
 یادش آید چه حال شود او را نیز همان حال شود و شدن
 این حال دلیلت بر متأثر شدن دل او از ذکر و چون

محبوب را نیز فراموش کند و درین حال سلطنت محبت برو
استیلا آرد و طرفین خود را که محب و محبوب است
بر نیک خود که وحدت صرفست ظاهر کرداند و چون
معلوم شد که حصول محبت بمشغول شدن بنام اوست
بدانکه افضل از کار نکر لا اله الا الله است زیرا که
این کلمه مرکب از نفی و اثباتست حجابی که بنده را
حاصل شد است بواسطه انتقاش صور کونیه است
در دل و درین انتقاش اثبات غیر است و نفی حق پس قرب
حاصل نشود بے رفع حجاب و آنست که اثبات حق کنی
و نفی غیر همچنانکه مفهوم این ذکر است پس اگر متبدلی
خواهد که مشغول شود باید که امل را کوتاه کند و حصری

محبوب را نیز فراموش کند و درین حال سلطنت محبت برو
 استیلا آرد و طرفین خود را که محب و محبوب است
 بر نك خود که وحدت صرفست ظاهر گرداند و چون
 معلوم شد که حصول محبت بمشغول شدن بنام اوست
 بدانکه افضل از کار ذکر لا اله الا الله است زیرا که
 این کلمه مرکب از نفی و اثباتست حجابی که بنده را
 حاصل شد است بواسطه انتقالش صور کونیه است
 در دل و درین انتقال اثبات غیر است و نفی حق پس قرب
 حاصل نشود بے رفع حجاب و آنست که اثبات حق کنی
 و نفی غیر همچنانکه مفهوم این ذکر است پس اگر متبدی
 خواهد که مشغول شود باید که امل را کوتاه کند و چسب

وليکن اونميداند که دوستی اوبجه طریق حاصل میشود
طریقۀ او آنست که بگویند که دوستی او باین طریق
حاصل میشود که نام او را بسیار گویی و دل را بغیر
اوبگیری دیگر مشغول نکرده ای و چون چنین
کند او را باو میل حاصل شود و چون بهین صفت مداومت
کند میل او زیادت شود لذتی او را ازین میل حاصل
شود و چون لذت حاصل شود میل او بیشتر شود و چون
این علاقه از دست ندهد اختیارش از دست رود ^{نکته} چنان
اگر خواهد و اگر نخواهد او را دوست دارد و چون
اینجا رسد جان شود که همگی دل او را دوست گیرد
و هیچ اندیشه غیر نماند و از غایت مشغولی محبوب نام

چال حیوة اگر چه اورا وصول حاصل میشود ولیکن
 بمقتضای بشریت گاه گاه حجاب رقیق مردل را حاصل
 میشود و بعد از انقطاع روح از بدن جگانه که بواسطه
 بشریت می بود نماند پس اتصالی مانع بعد از انقطاع
 نروح از بدن دست دهد و این را تمثیلیست و ان آنست
 که اگر مردی را خواهند که شیفته صاحب جمالی
 سازند طریق آنست که بگویند در فلان شهر یا در فلان
 محله صاحب جمالی جنین و جنین است تو می باید که او را
 دوست داری زیرا که در دوستی او بسی لذتست و او را
 بجز دشیندن میل شود بدوست داشتن او چرا که
 آدمی مجبولست بدوستی چیزی که لذت وی در آنست

در مشاهد و میناجاست و بظاہر بخاق و بلوغ سالک
اشارت ہا نیست کما قلت رابعہ رضی اللہ عنہا
إِنِّي جَعَلْتُكَ فِي الْفُؤَادِ مُحَدَّثِي

وَأَبَحَّتْ جِسْمِي لِمَنْ أَرَادَ جُلُوبِي

فَالجِسْمُ مِنِّي لِلْجَائِسِ مُوَأْنَسْتِ

وَحَبِيبِ قَلْبِي فِي الْفُؤَادِ آئِسِي

از دہرون سواشنا و از ہرون سپکا نہ وش

بہان

اینچنین زیبا و شوکر می بود اند

ہر از صاحب دولتی کہ دہر دنیا دل اورا اینچنین تعلق

بجو سپکا نہ حاصل شود چون روح او از بدن جدا شود

اورا اتصال دست دہد بی هیچ مانعی جو کہ دل در

بجز دیگر نباشد و هنگامی دل او مشغول او و کرد و جنانکه
 اگر خواهد که بکلف بجز دیگر بخت تعلق دهد نتواند
 و درین حال او را مرتبه مکالمه و مناجات دست دهد
 جنانکه اگر سخن گوید با او گوید و در هرجه نظر گوید ^{کند}
 او را می بیند ^{نظم} از بس که دودید در حیات دار
 در هرجه نظر کم تومی پندار و او را درین مرتبه
 حُصُورِ بی غیبت حاصل شود و دید دل او را نوری
 دهد از جمال خود تا بدان نور مشاهده جمال او کند
 و کوشی دهد که از او شنود و نه بانی دهدش که با او
 مناجات کند و چون چنین شود اشتغال ظاهری از
 علاقه معنوی مانع نیاید زیرا که بیاطن بخواهسته

عواقب بالکلیہ نے محبت حاصل نمی شود و اگر چه محبت
از مواهب است لیکن ظهور این موهبت بتدریج بجزو
شرایطت و سرمایہ این خالی کردن دست از هر چه
جزاوست و این طریقہ است و از آنست که ابتداء نام
محبوب را میگوید و بدل می اندیشد که این نام است
و این جهان باید که هیچ لحظه غافل نباشد تا جانان
کرد که در دل او عوض حدیث نفس همین اندیشه ماند چون
جنین گشت باید که ترک نکند و بر همین مداومت کند
تا جانان شود که ازین اندیشه لذت بدل وی رسد و بر همین
مداومت میکند تا غایتی که دل او از مرغ لذات منقطع
شود الا ازین لذت و برین حال بفرق دل او بغیر او

خلعت کستم خیر اُمّتِ را در ایشان بوستانیدند و از اینجا
 که پیغمبر صلی الله علیه وسلم فرمود ولقد تمّتی ائمتنا عشر
 نبیّاً انهم کانوا من امتی جبراکه ایشان دانسته
 بودند که او اکمل همه است و او را کمالیست که
 دیگران نبود و نیز دانسته بودند که حصول این بان بینه
 متابعت اوست علو همت ایشان آن تقاضا کرد که
 این کمال نیز ایشان را باشد و چون این معلوم شد که
 نے متابعت حضرت رسالت صلی الله علیه وسلم بهیچ
 مرتبہ از مراتب علیّہ نمی توان رسید پس باید دانست
 که متابعت او علی حسب الکمال در انست که دل متابع
 بغیر حق بهیچ چیز تعلق نباشد و تقطاع از علایق و

داشتن صاحب جمال آینه را لذت نیست بلکه اجرت
مشاهدۀ خود در ویست پس در حقیقت خود را دوست
داشته است و حضرت حق در آینه وجودات انبیا
و اولیا بمقدار استعداد ایشان بذات و صفات
تجلی کرده است و هر آینه را که استعداد پیش ظهور
آن تجلیات درو تمامتر بواسطه این بعضی انبیا را
فضلست بر بعضی و لَقَدْ فَضَّلْنَا بَعْضَ النَّبِيِّينَ عَلَى بَعْضٍ
الآیة اشارت باین فضیلتست جز استعداد آینه محمد
رسول الله صلی الله علیه و سلم اکمل از مجموع بود ظهور
آن تجلیات ذات و اسما و صفات درو اتم از مجموع ظا
شد و چون اُمت را بواسطه متابعت از مجموع نصیب است

از کمالات آن مرتبه اورا نصیب است و چون متابعت
 بکمال رسد بحکم قُلْ اِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللّٰهَ فَاتَّبِعُوْنِيْ
 يُحِبُّكُمْ اللّٰهُ حُضْرَتِ حَقِّ اورد دوست گیرد و محرم
 اسرار خود گرداند اگر چه در حقیقت این دوستی
 عاید حضرت محمد رسول الله است صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
 زیرا که دوست داشتن حق اورا بواسطه انصاف
 بصفات نبولیت اگر چه استعداد انصاف او محض
 فضل و کرمست و چون ینک در نکرى حضرت
 حَقِّ جَلَّ وَعَلَا در هر مرتبه ابر مراتب جز خود مرادوست
 نداشته است يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّوْنَہُ جِه اقرارست
 بزیر پرد، مگر خویش را خریدارست زیرا که دوست

مخالفت هوای او کرده شود و باز داشته آید از آنکه
میل بجزی کند که خلاف شرعست و چون مداومت
برین کرده شود نفس متابع را بنفس او صلی الله علیه
وسلم مناسبت حاصل شود و بقدر مناسبت از
صفات نفس او نفس متابع جذب کند همچنانکه قتیله
که دود دارد و او را بواسطه دود باتش مناسبت است
بواسطه مناسبت آتش را جذب کند و بمقدار
آنکه از صفات او جذب کند با آن مقدار از
درجه تقلید ترقی کند و علی هذا القیاس در هر
مرتبه که متابعت میکند او را بقدر متابعت مناسبت
با آن مرتبه حاصلست و بقدر مناسبت با آن مرتبه

کاری نیست و باطن او را صلی الله علیه و سلم مراتبست
 از نفس و دل و سر و غیر آن در هر مرتبه ازین مراتب
 او را حضرت حق کمالی عطا کرده است مناسب آن
 مرتبه و متابعت او را صلی الله علیه و سلم درین مرتبه
 حاصل نمیشود مادام که نمیداند که درجه جیز
 متابعت می باید کردن اگر چه دانستن مراتب
 معنوی نبی صلی الله علیه و سلم علی حسب الکمال
 در وسع هیچکس از انبیا و اولیا نیست لیکن هر کس را
 بقدر متابعت او مرظا هر نبی را صلی الله علیه و سلم
 ازین کمالات نصیب است و متابعت او من نفس
 نبی را صلی الله علیه و سلم در مرتبه نفس آنت که

آنچال دور می افتد هر آن صاحب ذولتی را که حدیث
حق سبحانه و تعالی توفیق آن دهد که محتاج الیه ایشان
کفایت کند او را از معانی ایشان نصیب تمام است از
برای آنکه چون محتاج الیه ایشان بدست آید ذل ایشان را
رجوع بحال خود میشود بس کویا همچنانست که او دل
ایشان را متوجه بحق کرد اینده است و ازین بهتر در تحقیق
این سخن آنست که این مرد کفایت کننده محتاج الیه مظهر
اثر اسم الکافی گذشته است بشرط آنکه از جهت صدق
این صفت شاگرد باشد چرا که شکر درین حال دلیلست
بر آنکه او خود را در میان ندیده است و در حدیث واردست
که هر که متخلق بیکي از اخلاق الهی شود آتش دوزخ را باوی

و آداب او نکند و بآن مقدار که ترک متابعت او کند
 او را نقصانی واقع میشود و معاونت کردن برادران مؤمن
 بدست و سایر جوانح در چیزی که ایشان محتاج بانجیزند
 همته نورد و صفاست علی الخصوص معاونت طایفه که
 ایشانرا توجه بجناب حق باشد زیرا که ایشانرا ^{حق} احسن
 از برای محبت خود ظاهر کرد اینده است و دوست
 میدارد که ایشانرا علی الدوام توجه بجناب او باشد
 چرا که درین حال دل ایشانرا آینه جمال نمای اوست و
 ایشانرا بواسطه بشریت توجیحی باکل و شرب و مسکن
 و لباس واقع میشود و درین حال بمقدار تعلق غباری
 در آینه دل ایشان ظاهر میشود و بقدر غبار از شهود


سبب ایذای مسلمانان باشد و غیر آن و اگر کوید چیزی
کوید که سبب نورانیت دل او کند و مثل قرآن خواندن
و ادعیه مأثوره که ثابت شده است از حضرت رسالت
صلی الله علیه و سلم و ترغیب کردن بندگان خدا را
بمتابعت شریعت او و باید که در خواندن قرآن و
ادعیه جان کند که زبان او معتبر باشد از آنچه در دل
دارد و اگر نه جُنید باشد شاهد زورست و اگر
اُمّیت در خواندن قرآن نیاید که دل او اعتقاد کند که
کلام خداست عزوجل و از بسد تعظیم شروع کند
و متابعت او منبری **اصلاً** الله علیه و سلم در فعل آنست
که ظاهر خود را منزه بپوشد شریعت او کرد و ترک شنیدن

برحقیقت خود گذاشته اند چرا که عبادت نزد ایشان
 متناول اعمال ظاهر و اعمال باطنست و معرفت از
 اعمال باطنی است پس احتیاج بدین تأویل نباشد
 و اتفاقست مجموع مُحَقَّقان را که معرفت حاصل نمی
 شود بی متابعت پیغمبر صلی الله علیه وسلم و متابعت ^{کردن}
 او موقوفست برداشتن این چیز که متابعت دران می
 باید کرد پس بنی را صلی الله علیه وسلم قولیست و فعلیست
 و حالیست و قول و تعلق بزبان او دارد و فعل او تعلق
 بظاهر دارد و حال او تعلق بیاطن دارد و متابعت مرتبی را
 صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ در قول آنست که بزبان آنچه خلاف
 شرع اوست نزود مثل غیبت و دروغ و سخنیکه

خَاطِبًا لِأَهْلِ النَّظَرِ أَخَذْتُ عِلْمَكُمْ عَنِ الرَّسُولِ مِثْلًا
عَنْ مَيْثِ وَأَخَذْنَا عُلُومَنَا مِنَ الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ وَمَنْ
كَانَ وَجُودُهُ مُسْتَفَادًا مِنْ غَيْرِ مِنْكُمْ عِنْدَنَا
حُكْمُ اللَّهِ شَيْءٌ فَلَيْسَ لِلْعَارِفِ مَقُولٌ غَيْرُ اللَّهِ الْبَشَرُ وَجُودُهُ
بِاللَّهِ أَسْتَعِينُ وَعَلَيْهِ أَتَوَكَّلُ وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ
قَالَ اللَّهُ تَعَالَى وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ
مُفَسِّرَانِ كَقَوْلِهِ أَنْدَرَادِ عِبَادَتِ إِجْتَامَعْرِ ^{فَقَسْتِ}
جِرَا كَدِ عِبَادَتِ تَعَلَّقِ بِأَعْمَالِ ظَاهِرٍ رَادٍ وَكَرَّ حَمَلِ
بِظَاهِرِ كُنْتِ رَاسْتِ نِيَا يَدِ نَزِيرَا كَدِ مَرَادِ أَنْ خَلَقْتِ مَجْرَدِ
أَعْمَالِ ظَاهِرِ نَيْسْتِ بَلَا كَدِ أَعْمَالِ ظَاهِرِ تَابِعِ مَعْرِ ^{فَقَسْتِ}
وَمَقْصُودِ بِالذَّاتِ أَوْسْتِ وَبَعْضِي مِنْ صُوفِيَّةِ لِيَعْبُدُونَا

حضرت ربوبیت آنست که مظاہری که قبول اثر ربوبیت
 کرده اند تعظیم ایشان از حیثیت مظهریت واجب
 داند زیرا که این تعظیم نیز بحکم *وَالَيْهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ*
 عاید با مختصرتست و ذکر کرده شد درین مختصر
 چیز را که سبب حصول معرفت شود و ملتمس از
 ناظران درین مختصر آنکه مؤلف را در میان نبینند
 و او را در قبضه تصرف حق چون قلم در دست کاتب
 دانند و چون او را در میان نبینند در زمره آن
 طایفه داخل شوند که علوم ایشان از حجتی
 واسطه حاصل شده است زیرا که وجود مجاز^{یرا}
 پیش ایشان حکم عدمست *كَمَا قَالَ بَعْضُ الْعُلَمَاءِ*^{فمن}

فقير رزقه الله ونسا العمل بما فيه بنا بر حسن
ظنی که ایشان را این فقیر بود امر کردند باین فقیر
که باید که برای حاجتی نویسی از سخنان اهل
الله که عمل بآن سبب وصول بمقتضیات علیه
و حصول علوم حقیقیه که خارج از طور نظر و
استدلالست کردی کما قال النبی علیه
الصلاة والسلام من عمل بما علم وترثه الله علم
ماله یعلم وامثال این امر من فقیر را واجب
نمود چرا که ادب با حضرت ربوبیت مقتضی اینست
زیرا که اثر ربوبیت حق باین فقیر او را اسطه وصول
ایشانست و قال بعضهم فی تحقیقه از ادب



أحمد لله الواحد بذاته وكبريائه أتواحد بصفاته
واسمائه والصلوة على من تجلى له بذاته مع جميع
صفاته بعد إفناءه عن الكل محمد الذي أوتى
جوامع الدنيا ليكمل بها طوائف الأمم ويعلم
جميع الخلايق لطايف الحكيم وعلى الله وأصحابه
الذين كشفوا المحج عن جمال وجهه الباس
أما بعد سبب تأليف این مختصر آن بود که والدین

برسر بیماری که او را محبت حق سبحانه نهد دل باشد بخواند
و او از معنی این رباعی حالت رجوع با جناب فهم
کند البته او را سردی پیدا شود زیرا که از
خواص محبت آنست که محب را هیچ لذتی بهتر از ملاقات
محبوب نباشد ۰ والله اعلم بالصواب

وَالْيَهُ الْمَرْجِعُ وَالْمَأْبُوتُ

کتابخانه
مکتب
الانجیر
مکتب
الانجیر

بعضی از معانی این رباعی که این فقیر ایدر خاطر آمده است
 باری ازین تقدیر محقّق شد که درین رباعی چیزی بوده است
 که مذکور است روح را آن لذتی ملائکه مشاهده جمال
 ذوالجلال می باشد بعد از اطّلاع بران لذت از
 اشتیاق آنجمال جنان بقیدار کرد که در هر
 نفسی خواهد که خود را از قید حیات حتی خلاص
 سازد. اینرے این عیش و عشرت ساختن
 صد هزاران جان بیاید باختن، اما چون سنت الهی
 برین رفته است که او را چند کاهو درین عالم از برای
 تکمیل خود قرار دهد نمی تواند که خود را ازین قفص
 خلاص دهد بعد ازین تحقیق اگر کسی این رباعی را

فقر حقیقی است که نروح را در جبین مشاهده حاصل می
شود و تحقیق آن مناسب این مقام نیست و مراد از ابدال
قوای نفسانیست که تبدل و تغیر از لوازم ماهیت ایشانست
و مراد از مصحف حقیقت الشانیت که نسخه جامع
و مظهر کمال است قوله نقل سُرْبِهِ حِیَاتِنَا فِي
الْآفَاقِ وَ فِي أَنْفُسِهِمْ بَعْضٌ مِنْ آكَامِ بَرْدِهَا بِإِنْ
آیت اینچنین گفته اند ، ای نسخه نامه الهی که تویی
وی آیت به جمال شاهی که تویی ، بیرون از تو نیست هر چه در
در خود بطلب هر آنچه خواهی که تویی ، و جنک نردن ایشان
عبارت از در او می آید ایشانست در روح در زمان اطلاع
ایشان بر اخطا رتبه خود و علو رتبه روح اینست

جنت بردل بسیارست چه بهشت درمقابله دل تواند
 بود که حضرت حق سبحانه میفرماید لَا يَسْعُنِي أَرْضِي وَلَا
 سَمَائِي وَلَا كُنْ لِي سَعْنِي قَلْبُ عَبْدِي الْمُؤْمِنِ وَلِي كُنْ
 به بهشت دل نرسی تا از دواخ طپعت نکذری حضرت
 سلطان بایزید قدس سره چون بدل رسید دل را منظر
 جمال و جلال حضرت حق سبحانه یافت گفت اگر
 عرش و صدهزار بار برابر عرش در دل عارف بگذرد
 دل عارف را انزان خبر نشود و تعجب او اشارت است
 باطلاع او در حال نزع روح بر چیزی که او مستبعد
 می نمود و مراد انزال سیاه آن مذلت و خواری و انکسار^{ست}
 که در میزند در وقت مردن ظاهر می شود یا خود مراد از او

کرده است یا آیتها النفس المطمئنه ارجعی الی ربک
راضیه مرضیه بعد از تقریر این مقدمات یقول
العبد الضعیف عبید الله بن محمود الشاشی که مراد ان
خود انجاعتی اند از حوران و غیر ایشان که برسد بیمار
حاضر میشوند در حال مردن چنانکه احادیث نبویّه
ناطق باین معنیست و مراد از نکار روح انسانیت که
اورا مقام محبوبیت چنانکه حضرت حق سبحانه و تبارک
یُحِبُّهُمْ وَیُحِبُّونَهُ و غیر این احادیث و اخبار از انبیا بسیار
که دلالت میکند که بعضی از آدمیان از مقام محبوبیت
و مراد از رضوان عقلست که در بان و پاسپان بهشت
دست اخباری که دلالت میکند بر صحت اطلاق اسم

دانائيد بود حضرت خو سجانه که در ماه ربیع الاول ازین
 عالم رحلت خواهد کرد پیغمبر ^{صلی الله علیه و سلم} اشتیاق عظیم پیدا
 شد با آمدن شهر ربیع الاول و از غایت اشتیاق فرمود
 که مَنْ بَشَّرَنِي بِمَجْرُوعٍ صَفَرٍ بَشَّرْتُهُ بِدُخُولِ الْجَنَّةِ جَوْنَ
 این مقرر شد که ذکر مردن نسبت ب طایفه سبب
 صحت میشود چنانکه ذکر کرده شد این فقیر میگوید
 که خواندن این رباعی بر سر پیار دللیست بر آنکه در ^{رباعی}
 چیزی هست که سبب سرور محبانست و آن آنست که
 این رباعی یاد دهند است آنحال را که ارواح محبان را
 در آنحال بصد هزار ذوق و شوق رجوع بخو سجانه خواهد
 بود چنانکه حضرت خو سجانه در کلام خود بیان

دانا نیده بود حضرت حق سبحانه که در ماه ربیع الاول ازین
عالم رحلت خواهد کرد پیغمبر ^{صلی الله علیه و سلم} اشتیاق عظیم پیدا
شد بآمدن شهر ربیع الاول و از غایت اشتیاق فرمود
که مَنْ لَبَّسَ نِيَّ بَجُرُوجِ صَفَرٍ لَبَّسَتْهُ بِدُخُولِ الْحَيَّةِ جُونِ
این مقرر شد که ذکر مردن نسبت بطایفه سبب
صحت میشود چنانکه ذکر کرده شد این فقیر میگوید
که خواندن این رباعی بر سر پیارد لیلست برانگه ^{بن رباعی}
چیزی هست که سبب سرور مجانست و آنست که
این رباعی یاد دهند است آنحال را که ارواح مجانرا
در آنحال بصد هرازدوق و شوق رجوع بحو سبحانه ^{هد}
بود چنانکه حضرت حق سبحانه در کلام خود بیان

شد جانکه کویا هرگز فراموش نکرده اند ایشانند
که آتش محبت در دل دارند و تسکین این آتش جز بیاد
مشاهد آنجال نتواند کرد اگر چه جز این آتش
سنوزد ولی جزین آتش نسازد

مسلمانان مسلمانان مرا ترکیست یعماتے
که صفهای شیرانز بدراند بتنهائے
به پیش خالق نامش عشق و پیش من بلای جان

بلا و محبت شیرین که جز با او نیاست
دهان عشق میخورد و چشم عشق میگرد

که سخت شیر نیست و ناپیدا است حلوا
این طایفه اند که جوز الشیان از رحمتی و پماری

ظاهر می‌گشت تا بدرجه رسید طایفه تمام محجوب گشتند
ولذت مشاهده جمال را فراموش کردند تا غایتی که
هر چند انبیا و اولیا سعی کردند ایشان را از آن حال بیاد
آید دنیا مد جانکه حضرت حق سبحانه در کلام قدیم از
حال ایشان خبر میدهد قوله تعالی إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا
سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ ءَأَنذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ
تا آنجا که بما که انوار کذبون و طایفه دیگر اگر چه
فراموش کردند ولیکن چون انبیا و اولیا ایشان را یاد
دادند ارواح ایشان را آنحال پیشین یاد آمد و بسورانیت
آن یاد ایمان آوردند و منور بنور ایمان گشتند کروهی را
ازین طایفه بواسطه نورانیت اشتیاق عظیم با آنحال پیدا

از برای آن خلوق کرده تا شاهد جمال و جلال او
 باشند چنانکه در حدیث فَاَجْبَتْ أَنْ أَعْرِفَ اِشَارَتِ
 باینست چون که ارواح مشاهده آنجاال کرده اند ایشانرا
 انسی و محبتی با آنجاال حاصل شد چونکه حضرت خوسبانه
 و تعالی ارواح را بمقتضای مشیت از لیه باین عالم فرستاد
 و متعلق ابدان کرد ایند ایشانرا اجابی ظاهر گشت
 هر چند خواستند که رجوع بحالت خود کنند نتوانستند
 چنانکه منقولست از حضرت آدم صَلَوَاتُ الرَّحْمَنِ
 علیه درین حال اگر چه اشتیاق ایشان با آنجاال نه یاره
 می گشت ولیکن بواسطه تعلق با ابدان اندک اندک از
 مقتضیات ابدان متأثر می شدند بمقدار تأثر حجابی

از برای آن خلوق کرد تا مشاهده جمال و جلال او
باشند چنانکه در حدیث فَاَجَبْتُ أَنْ أُعْرَفَ اِشَارَتِ
باینست چون که ارواح مشاهده آنجاال کرده اند ایشانرا
انسی و محبتی با آنجاال حاصل شد چونکه حضرت خوسبجان
و تعالی ارواح را بمقتضای مشیت از لیه باین عالم فرستاد
و متعلق ابدان کرد ایند ایشانرا اجابی ظاهر گشت
هر چند خواستند که رجوع بحالت خود کنند نتوانستند
چنانکه منقولست از حضرت آدم صَلَوَاتُ الرَّحْمَنِ
عَلَيْهِ دَرِیْنِ حَالٍ اِذَا كَرِهَ اِشْتِيَاقُ اِیْشَانِ بِاَنْجَمَالِ نِزَابِیْهِ
میکشت ولیکن بواسطه تعلق بابدان اندک اندک از
مقتضیات ابدان متأثر می شدند بمقدار تأثر حجابند


حور انظاره نكارم صف نزد
رسوان زنجب صف خود بر كفتار

آنخال سیه بران رخان مطرف نزد
ابدان نیمه چنگ در مصحف نزد

و این فقیر مستی دار روح مقدس ایشان می بود
اما بواسطه اشغال کونیه از تفکر و استکشاف
معنی او ذهول شده بود در بر منقبت شنیده شد

که حضرت امیر الامراجلال الدین امیر یازید را در الله
توفیقته لإعانة المسلمین او بعضی عزیزان تحقیق

معنی این رباعی میخواستند اندیشه آن معانی را در
بعضی از اباب تحقیق نموده اند نقل کرده اند اگر چه



الحمد لله فيما نرى الحكمة والمواعظ، وموصي
الطالبين إلى المطالب، والصكوك على حبيب الذي
حلاه بعلوم الهمة وإحزان المراتب، وقد استباحه
في اتباعه جميع المقاصد والمساير، أمّا قصد
بدانك، ابن قصير راہی شیعہ بود، بدانستن
معانی رابعی قطب الأولی سلطان ابو سعید ابی الخیر
قدس الله روحه و رابعی اینست ۵

МУНДАРИЖА

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. <i>М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ</i>	6
I-Бўлим	19
1. Рисолаи Ҳавроййа	21
2. Рисолаи Волидиййа	26
3. Рисолаи Анфоси Нафийса	38
4. Фикроти Аҳрориййа	48
II-Бўлим	141
1. «Силсилатул-орифийн»дан	143
2. «Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор»	156
3. «Рашаҳоту айнил-ҳаёт»дан	195
4. «Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор»	255
5. «Руқаъоти Хожа Убайдуллоҳ»	316
III-Бўлим	323
«Жавомиъул-калим»	325
Мундарижа	385

Хожа Убайдуллоҳ Аҳроф

Табаррук рисоалар

Тарихий-маърифий асарлар
Ношир: **Муҳиддин Аблаев**
Муҳаррир: **Баҳриддин Умрзоқов**

Мусахҳиҳалар:
Хуршида Абдусалом қизи,
Ойнуф Баҳриддин қизи,
Гулнуф Баҳриддин қизи

Компьютерда терувчи:
Мавжуда Абдуллоҳ қизи

ИБ№

Босишга рухсат этилди 20 июл 2004 йил.
Бичими 60x84 1/16. Фин қоғози. 24,125 босма табоқ.
Жами 1000 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Адолат» нашриёти.

«Сано-Стандарт» МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100